

# ЖАҲОН АДАБИЁТИ

АДАБИЙ-БАДИИЙ, ИЖТИМОИЙ-ПУБЛИЦИСТИК ЖУРНАЛ

---

**Муассислар:**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
«МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ»  
ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ

---

**Бош муҳаррир**

Озод ШАРАФИДДИНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**

Неъмат АМИНОВ  
Муҳаммадали АҲМЕДОВ  
Шароф БОШБЕКОВ  
Жамолиддин БЎРОНОВ  
Эркин ВОҲИДОВ  
Одил ЁҚУБОВ  
Неъматулла ИБРОҲИМОВ  
Мурод МУҲАММАД ДЎСТ  
Мирпўлат МИРЗО  
(бош муҳаррир муовини)  
Абдулла ОРИПОВ  
Ғайбулла САЛОМОВ  
Жавлон УМАРБЕКОВ  
Шоир УСМОНХЎЖАЕВ  
Рустам ШОҒУЛОМОВ  
Файзи ШОҲИСМОИЛ  
(масъул котиб)  
Саидбек ҲАСАНОВ

*3.1997*

## МУНДАРИЖА

Адабиёт самимиятни тарғиб қилади Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги вакили Холид Малик жаноблари билан суҳбат . . . . .	3
---	---

### XX АСР РОМАНИ

АРТУР ХЕЙЛИ. Оқшом хабарлари . . . . .	7
--	---

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

МЕҲМЕД ЭМИН ЮРДАКУЛ. Эй турк, уйғон . . . . .	62
МУҲАММАД ҲОДИЙ. Ҳаёт садолари. . . . .	105
УСМОН АЗИМ. Яшаш — жасорат . . . . .	132

### НАСР

ЖУРЖИ ЗАЙДОН. Хорун ар-Рашиднинг синглиси. <i>Роман. Давоми.</i> . . . .	72
ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ. Банди бургут. <i>Ҳикоя</i> . . . . .	118

### МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

<i>Юнус Ражабий таваллудининг 100 йиллигига</i> ТУҲТАСИН ҒАФУРБЕКОВ. Миллий мусикамиз алломаси . . . . .	142
---	-----

### ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САНЪАТ. ИҚТИСОДИЁТ

А. ДЕХТЯР. Муслмон миниатюра мактаби . . . . .	146
УМАРАЛИ НОРМАТОВ. Бугунги насримиз тамойиллари . . . . .	152
ДИНОРА АЗИМОВА. Янги имкониятлар . . . . .	167

### ТАРИХ ТИЛГА КИРГАНДА

Ж. МУРТАЗОЕВ, Х. СОҲИБОВ. Фитратга қарши фитна . . . . .	170
--	-----

### КИТОБЛАР ОЛАМИДА

ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД. Маънавий эҳтиёж . . . . .	194
--	-----

### ЖАҲОН КУЛАДИ

СТАНИСЛАВ ЕЖИ ЛЕЦ. Пардозланмаган фикрлар . . . . .	197
---	-----

### СОЛНОМА

Францияда маданий ҳаёт . . . . .	202
----------------------------------	-----

## АЗИЗ ЖУРНАЛХОНЛАР!

*«Жаҳон адабиёти» журнали таҳририяти Сизларни энг мўътабар, энг қутлуғ ва ардоқли байрамингиз — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллиги билан қизғин табриклайди ва барчангизга самимий тилакларини йўллайди.*



### АДАБИЁТ САМИМИЯТНИ ТАРҒИБ ҚИЛАДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг  
Ўзбекистондаги вакили  
**Ҳолид МАЛИК** жаноблари билан  
суҳбат

— Муҳтарам Малик жаноблари, Ўзбекистонда мустақилликка эришилгандан бери миллий кадриятларни қайта тиклаш, маънавиятни юксалтириш, дунёни ўрганиш, очиқ ва эркин жамият қуриш муаммоларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Шу йил февраль ойида Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори билан «Жаҳон адабиёти» журнали ташкил этилди. Журналнинг асосий мақсади ўзбек халқини дунё адабиётининг энг сара намуналари билан мунтазам таништириб боришдан иборатдир. Бу — ўзбек маданияти ва адабий ҳаётида улкан воқеа. Сиз журналнинг нашр этилишини ва бундай журналларнинг бошқа халқлар дунёқарашини, урф-одатларини, маданиятини ўрганишда, ахборот алмашувини кучайтириш орқали улар ўртасида ўзаро тушуниш муҳитини қарор топтиришдаги аҳамиятини қандай баҳолаган бўлур эдингиз?

— Ҳар бир жамиятнинг, айниқса, барқарор жамиятнинг асоси, шубҳасиз, унинг кадриятларидир. Агар жамият демократия, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ўзида мавжуд турли маданиятларнинг ўзаро ҳаракати ва ҳамкорлиги

сингари асл кадриятларга таянсагина тўғри йўлдан ривожланади. Уларни маълум маънода адолатли жамият қуриш йўлидаги пойдевор ёки бирламчи ғишлари дейиш ҳам мумкин. Мен сиз тилга олган кадриятларни фақат миллий демаган бўлур эдим. Улар қайсидир маънода кенгроқ тушунчалардир. Сизга маълумки, ўзбек маданияти Шарқ ва Ғарбдаги жуда хилма-хил маданиятларнинг ўзаро таъсири жараёнида вужудга келди ва бу унинг аҳамиятини янада оширади. Билим, бошқа халқлар маданиятини юксак баҳолаш, савдо-сотиқ тараққиётига ҳурмат, диний ғоялар ва фалсафий тушунчаларни ўзаро алмашиш каби алоқалар бизга қадим замонлардан буён мерос бўлиб қолган. Айни мана шу кадриятлар бугунги миллатларнинг маънавий-моддий муштараклигига тобора муҳтожлик сезилаётган, тараққиёт кўп жиҳатдан ана шу муштаракликка боғлиқ бўлиб қолаётган шароитда жуда зарур. Алоқа ҳамда саёҳат қилиш имконини берадиган транспорт воситаларининг тараққиёти дунё халқларини мисли кўрилмаган тарзда яқинлаштирмоқда. Шу маънода «Жаҳон адабиёти» журналининг нашр

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

этилиши мазкур қадриятлар мажмуини мустақамлаш ва тушунишга, шунингдек, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамияти интеграциясига, турли маданиятларнинг ўзаро ҳамжиҳатлик орқали ривожланишига ёрдам бериши шубҳасиздир.

— Бир неча цивилизациялар бешиги бўлмиш Ўзбекистон, яъни Туркистон заминидан буюк мутафаккирлар, олимлар ва ёзувчилар етишиб чиққан. Сиз уларнинг инсоният тафаккури, илм-фани хазинасига қўшган ҳиссаси тўғрисида нима дея сласиз!

— Бу жуда қизиқарли савол. Аммо мен саволни янада чуқурлаштиришни истар эдим. Бу савол анча вақтдан бери менинг ҳам борлигимни банд этиб келяпти. Нима учун айнан шу минтақадан бу қадар кўп ёзувчи, олим ва файласуфлар етишиб чиққан? Бошқа ерда эмас, айнан маълум бир жуғрофий нуқтада бу хил юкка маънавий уйғониш содир бўлгани қизиқарли ҳол. Марказий Осиё маданиятининг кўплаб етук намояналари айнан Хоразмдан етишиб чиққанини эшитиб, мен янада ҳайратга тушдим. Менимча, бунинг бир неча сабаблари бор. Биринчи сабаб шуки, одамлар ўша вақтларда ҳеч бир тўсиқсиз ўзаро мулоқот ва саёҳат қилиш имконига эга бўлишган. Хабарингиз бўлса керак, ушбу минтақадаги мамлакатлар ўртасида милодий IX—X асрлардаёқ божхона иттифоқи таркиб топган ва бу XVI асргача сақланиб қолган эди. Ўша вақтларда одамлар бир жойда яшаши, бошқа бир жойда ўқиши, ундан-да ўзга ерда ишлаши, хуллас, бутун Марказий Осиё минтақаси бўйлаб бемалол ҳаракат қилиши мумкин эди. Бу дунёқарашнинг кенгайишига хизмат қилганди. Иккинчи сабаб эса одамлар ўртасида илмга бўлган ҳурматнинг юқорилиги ҳамда билимларини бойитишга бўлган иштиёқнинг зўрлиги эди. Биласизки, бир ҳадисда: Хитойда бўлса ҳам илм олишга интилинглар, дейилган. Марказий осийеликлар ҳеч қачон билим олиш учун саёҳат қилишдан, заҳмат чекишдан толмаган. Жамиятда билим олишга интилиш кўникмалари ёш авлодни ҳам шу йўлдан боришга, заҳматлардан қочмасликка ундар эди. Натижада ёшлар ҳам бутун куч-қувватини илм олишга сарфлайдиган бўлди. Учинчи жиҳат — одил подшоҳлик

ҳамда яхши ота-оналик анъанаси билан боғлиқ. Ўша вақтда подшоҳлар фақат янги ҳудудларни босиб олиш ва салтанати чегараларини кенгайтириш билангина эмас, ўз саройларида илм-фан, санъат ва адабиётни ривожлантиришга шароит яратиб бериш билан ҳам машғул бўлишган. Биз Амир Темур ва минтақада ўтган бошқа ҳукмдорлар шахсини айнан шу мезонлар билан ўлчаймиз. Балким, буни акс таъсир, яъни жамиятнинг ҳокимиятга таъсири деб ҳам баҳолаш мумкин. Ҳукмдор ўзидан яхши ном қолдириш, адолатли подшоҳ номини олиш учун ўз зиммасига жамиятда ҳукмрон қадриятлар юклаган мажбуриятларни адо этишга интиланган. Энди шундай бир ҳудуддан нега бу қадар кўп мутафаккирлар, фан ва маданият арбоблари етишиб чиққанига қайтадиган бўлсак, унда ўша санаб ўтилган учта жиҳат ўзаро уйғун ҳолда келганини кўраемиз. Бу ҳол шундай бир синтез, қулай замин яратди ва бу заминдан буюк шахслар етишиб чиқди. Бинобарин, биз ҳеч қачон буюк шахслар якка-якка ҳолда пайдо бўлади, деб айта олмаймиз. Ибн Синоми, Эйнштейнми барчаси ўз даҳоларига озиқ бериб турадиган муҳитдан етишиб чиқади. Мен санаб ўтган учта жиҳатни бирлаштириб турадиган асос, аввало, бошқалар фикрини тинглай билиш, ўзгача дунёқараш ва маданиятни ҳамда улар ўртасидаги ҳамжиҳатликни қабул қила олиш билан характерланади. Мабодо, мамлакат ёпиқ бўлса, ташқи дунёдан узилиб қолса, маънавий тараққиёт борасида жуда кўп нарса йўқотади.

— Бугунги дунё дуч келаётган муаммоларнинг аксарияти кишиларнинг ўткинчи манфаатлар йўлида инсониятнинг йиллар давомида шакллантириб келган маънавиятдан узоқлашишидан келиб чиқмоқда. Уларни ҳал этишда маънавият тарғиботчиси сифатида маданиятнинг, хусусан, адабиётнинг роли қандай!

— Яна саволингизга ўзгача изоҳ беришга ижозат берсангиз. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти дунёнинг кўпгина мамлакатларида тинчлик йўлида таълимни жорий қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўймоқда. Унга кўра

Ўзаро ихтилофда бўлган ёки ихтилоф келиб чиқиши мумкин бўлган маълум бир кишилар гуруҳи ёки миллатлар аниқланади. Уларнинг билимларини бойитиш, бир-бирини яқиндан билиб олиши юзасидан тегишли ишлар амалга оширилади ва бу улар ўртасидаги тангликни бартараф этишга хизмат қилади. Бу дунёнинг кўпгина минтақаларида қўлланмоқда. Айни пайтда БМТнинг одамларга шундай билим бериш, бир-бирига тоқатли бўлишни сингдириш имконияти бор. Айниқса, болалар онгига турли миллатларнинг ўзаро уйғун ва тотув яшаши борасидаги маънавий қадриятларни сингдириш муҳим аҳамият касб этади. Умуман айтганда, маданият тушунчаси аслида маданий, ирқий, миллий тафовутлардан қатъи назар, биргалликда яшай билишни ҳам англатади. Мисол тариқасида иккинчи жаҳон урушини олиб кўрайлик. Ўша вақтда бир-бирига қарши жанг қилган миллатларнинг ўзаро муносабатларига кейинчалик оқилона ёндашув натижасида улар бир-бирини тушунибгина қолмасдан, бирга яшашга кўникиб ҳам кетишди, алал-оқибат ҳақиқий дўстларга айланди. Бугунги кунда Босния ва Герцеговинадаги вазиятда ҳам турли гуруҳларга мансуб кишиларнинг ҳамжиҳат яшашини ташкил этиш имконияти бор ва бу уларнинг келгусида ўзаро тотув яшаши учун лозим бўлган ва томонларни қониқтирадиган қарорлар ишлаб чиқиш имконини беради. Бу принцип Марказий Осиё муаммоларини ҳал этишда ҳам қўл келиши шубҳасиз. Минтақа келгусида қандай мушкулотларга дуч келиши мумкин? Бир вақтлар давлатлар ўртасига чегара қўйган кишилар миллатлар ўртасидаги муносабатларни мувозанатга келтиришни назарда тутишган, албатта. Аммо шунга қарамасдан Марказий Осиё маданиятлар доимий алоқада бўлиб турган бир минтақа бўлиб қолаверди. Минтақа равнақи айнан ўзаро ҳамжиҳатликка, умумий маданий қадриятларни яратишга боғлиқ. Шу асосдагина биргаликдаги тараққиётга эришиш мумкин. Агар бу ишлар қилинмаса, келгусида ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда ҳар бир киши кўпчиликнинг вакилидир. Аммо кимдир мавжуд чегараларни қайта кўриб чиқишга ҳаракат қиладиган бўлса, у ўша

вақтнинг ўзида озчиликнинг вакилига айланиб қолади. Бу билан ҳеч нарса ўзгармайди, сиз ҳам, сиз яшаётган жамият ҳам ўз ҳолича қолаверади, аммо сизнинг муаммога бўлган муносабатингиз ўзгаради. Муаммога муносабат шунга яраша хатти-ҳаракатлар содир этишни тақозо қилади. Мен, чегараларни қайта кўриб чиқиш муаммосига жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш керак, деб ўйлайман. Шунинг учун журналингизнинг асосий вазифаларидан бири ушбу минтақада ва унинг ташқарисида истиқомат қилаётган кишиларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигини қўллаб-қувватлаш бўлиши керак. Зеро, адабиётнинг вазифаси одамларни матонатга ва бағрикенгликка ўргатишдир.

— **Ялли интеграция жараёнлари кучаяётган, миллий чегаралар йўқолиб бораётган ҳозирги шароитда миллий ўзига хосликни сақлаб қолишда миллий ғоянинг ифодачиси сифатида адабиётнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Сиз шу фикрга қўшиласизми?**

— Жуда ўринли савол бердингиз. Агар Европа Иттифоқи тараққиётига назар ташлайдиган бўлсангиз, миллий чегараларнинг аҳамияти аста-секин камайиб бормоқда. Аммо бу миллат тушунчасининг аҳамияти пасайиб бораётганини англатмайди. Масалан, шотландлар ҳамон шотландлигича қолмоқда ва ўзларини ҳақиқий шотландлар деб билишади. Шу билан биргаликда, ўзларининг маълум бир миллатга мансублигини теранроқ ҳис этишмоқда. Масалан, французлар Франциядан ташқари Бельгияда ёки немисларнинг бир қисми Швейцарияда яшайди. Глобал интеграция жараёни уларга ўзларини, бегона юртда яшайпман, деб ҳис қилмаслигига имконият яратиб бериши билан ҳам катта кучдир. Шу маънода миллатлар раҳбарлари учун иккита йўл бор: улар ё мавжуд вазиятни қабул қилади ва бу билан ўз миллатининг келажагини глобал мезонлардан келиб чиқиб белгилашга имкон туғдириб беради ёки уни қабул қилмаслик орқали «миллат» деган тушунчалардан фақат ўзлари англайдиган тор ва биқик нарсаларни ҳимоя қилиш билан машғул бўлади.

— Дунё адабиётидан ўзингиз севган қайси ёзувчиларнинг асарлари ўзбекчага таржима қилиниши ва журналда чоп этилишини яхши эдингиз?

— Менинг шахсий ҳаётимда, таржи-маи ҳолимда Шарқу Ғарб бир-бири би-лан қоришиб кетган. Шунинг учун ҳам Ғарб, ҳам Шарқ маданиятини таъкид-лаб ўтмоқчиман. Мен бу ўринда асосий эътиборни энди номи чиқаётган замо-навий, айниқса, инглиз тилида қалам тебратаётган ёзувчиларга қаратишни маслаҳат берган бўлардим. Агар бун-дай ёзувчиларнинг рўйхати тузиладиган бўлса улар дунёнинг турли бурчаклари-дан эканини кўриш мумкин. Бугунги кунда инглиз тилида яратилаётган энг сара адабий асарлар ҳиндистонлик, по-кистонлик, австралиялик ва канадалик ёзувчилар қаламига мансубдир. Улар-да инсоннинг турли жамиятларда турли маданиятларга мослашувга, ушбу ма-даниятларнинг ўзаро муносабатида ўз йўлини топиб олишга, турмушдаги му-аммоларни енгишга интилишлари ҳикоя қилинади. Мен кўплаб номларни санаб ўтишим мумкин. Аммо менинг энг севимли ёзувчим кимлигини айта-диган бўлсам, у колумбиялик Габриэл Маркесдир. Маркес асарларида ижти-мой воқелик мураккабликлари ва бун-дай воқелик қай тариқа шаклланиши ўзига хос усулда — реал воқелик билан фантастиканинг ўзаро қоришигида кўрсатилиши билан қизиқарлидир. Агар сизларни юксак фалсафий ғоялар қизиқтирадиган бўлса, урду шоири Муҳаммад Иқбол асарларига мурожа-ат қилишингиз мумкин. У осиеликлар-нинг ҳозирги авлоди шаклланишига жу-да катта таъсир кўрсатди. Улар қатори-

да замонавий шоирларни ҳам эсдан чиқармасиз, деб ўйлайман.

— Габриэл Маркес сиз қатори кўп-лаб ўзбек китобхонларининг ҳам се-вимли ёзувчисидир. Унинг бир неча асарлари аллақачон ўзбек тилида чоп этилган. Шунингдек, Муҳаммад Иқбол шеърларини ҳам ўзбеклар яхши били-шади.

— Мен буни эшитмаган эканман...

— Малик жаноблари, миллатнинг мустақиллиги, давлатнинг эгаменлиги унинг сиз бир неча йиллардан бери Ўзбекистонда вакили бўлган энг бо-обрў халқаро ташкилотга аъзолиги орқали англашилади. Сиз билан мил-лий мустақиллигимизнинг 6 йиллиги арафасида учрашиб тўғганимизнинг ўзи ҳам чуқур рамзий маънога эга. Сизнинг Ўзбекистон мустақиллигининг 6 йиллиги муносабати билан ўзбек халқига қандай тилакларингиз бор!

— Мустақилликнинг илк ойларида ноқ менинг Ўзбекистонда бўлишим шараф-ли ва қувончлидир. Мен янги миллий давлат барпо этилиши жараёнида иш-тирок этдим ва бу ишда ўзимнинг кам-тарин ҳиссам борлигидан фахрлана-ман. Шу вақт мобайнида ўзбек халқи ва давлати менга ва мен вакили бўлган халқаро ташкилотга теран эҳтиром бил-диришди. Мен ўзбек халқига бахтли ке-лажак тилайман. БМТ бу ерда халқин-гизнинг эзгу ниятларини амалга ошири-шида ёрдам бериш учун фаолият кўрсатаётганини таъкидлаб ўтмоқчи-ман.

А  
ФАХРИЁР суҳбатлашди.

Э  
Б  
Г  
Д  
Ж  
М  
Т  
У  
Ф

Артур ХЕЙЛИ

## Оқшом хабарлари

## УЧИНЧИ ҚИСМ

## I

**А**ртур Нэйлсуорт хушмуомала, бообрў киши бўлиб, ҳозирда Артур тоға номи билан машҳур эди; ёшлигида Си-би-эйнинг энг зўр шунқорларидан бири бўлганди. Телестанциядаги ўттиз йиллик иш фаолияти мобайнида Халқаро бўлим бошлиғи ўринбосари, «Оқшом хабарлари»нинг бош шарҳловчиси, Янгликлар бўлимининг ижрочи директори вазифаларда ишлаганди. Бироқ ойнанинг ўн бешти қоронғу деганларидек, эллик олти ёшга тўлганда, куч ва ғайрат талаб қиладиган вазифалар энди тўғри келмаслиги аён бўлиб қолгач, унга ё ишдан кетишни ё кичикроқ лавозимга ўтиб ишлашни таклиф қилишганди.

Бундай вазиятларда аксарият кишилар ўзларини ерга ургиси келмай, истеъфoga чиқадилар. Бироқ Артур Нейлсуорт шуҳратпарастликка берилмай, ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкинлигига кўникиб қолгани учун — қандай лавозимда бўлмасин, ишда қолишга қарор қилди. Бундай бўлишини сира кутмаган телестанция раҳбарларининг унга муносиб иш топиш учун роса боши қотди, ниҳоят, янгликлар бўлимининг бошлиғи ўринбосарлигини таклиф қилишди. Артур тоғанинг, ўз ибораси билан айтганда, у «илгари столидаги қоғозларни йиғиштириб юрган собиқ ўринбосарига» ўринбосар қилиб тайинланди.

Бироқ ўзини ҳам, ҳамкасбларини ҳам ҳайратга солиб, Артур тоға қутилмаганда ўзига олийҳиммат иш топиб олди.

У ёшларни ишга жалб этиш билан шуғулланишга киришди.

Энди, агар Си-би-эй бошлиқларидан бирига ҳомийлардан биронтаси илтимос билан мурожаат қилса — уларнинг жавоби тайёр эди: «Албатта ёрдам берамиз. Иқтидорли ёшларни ишга таълаб олиш муовинимизга топширилган. Сиз айтган йигит фалон телефонга кўнғироқ қилиб, боғланиб кўрсин».

Муовин эса суҳбат қилишдан эринмасди. Артур Нэйлсуорт ўзининг деразасиз, кичкина хонасида талабгорларнинг ҳаммасини қабул қиларди. Илгирлари сира бундай бўлмаган, инчунин, у ҳар бир одам билан бир соат, баъзан унда ҳам кўпроқ суҳбатлашарди...

Муовинликда ўн йил ишлаб, Артур тоғанинг ёши 65 га етганида ва шу кулларда расман истеъфoga чиқишга беш ой қолганда, Янгликлар бўлимининг бошлиғи унга истеъфо ҳақида ўйламай, вазифасини давом эттиришни илтимос қилишга мажбур бўлди. Артур Нэйлсуортнинг вазифасини ҳеч ким уддалай олмаслиги ҳаммага кундай равшан эди.

Шундай қилиб, сентябрнинг учинчи якшанбаси, эрталаб, Артур тоға Жессика, Николас ва Энгус Слоунларни қутқаришга кўмаклашиш учун Си-би-эйнинг бош биносига етиб келди. Кечаси Лэс Чиппингем унга кўнғироқ қилиб, қаерга бориш

Давоми. Боши ўтган сонларда.

зарурлигини айтган эди. У тўппа-тўғри Партриж, Рита ва Тедди Купер уни кутиб турган— йиғин ўтказилаётган хонага кириб борди.

Уларнинг қаршисида елкадор, ўрта бўй, миқти, келишган, думалоқ юзли, оқарган сочлари жуда оро бериб таралган киши турарди.

Ҳамма билан саломлашган Артур тоға гап бошлади:

— Агар тўғри тушунган бўлсам, сизларга 60 та эпчил, тоғни талқон қиладиган йигитлар керак; уларни мен танлаб олишимни истаяпсизлар. Бироқ аввал шамолнинг қаёққа эсаётганини бир билиб қўйсақ ёмон бўлмасди.

— Тедди ҳаммасини тушунтириб беради,— деди Партриж ва Куперга «бошла» дегандай ишора қилди.

— Сиз гапни нима учун узоқдан бошлаётганингизни тушуниб турибмиз, Артур тоға, бироқ ҳозир бирор жўяли маълумотга эга эмасмиз,— деди Партриж Тедди гапини тугатгандан сўнг.

— Ўз тажрибамдан келиб чиқиб, сизларга шуни айтмоқчиманки,— жавоб берди Артур тоға,— ҳечдан кўра кечи яхши, ҳеч нарса бўлмаса, таваккал қилиб, ишлайвериш керак.

— Сизнинг шундай фикрда эканлигингиздан жуда хурсандман,— деди Купер. Артур тоға бош ирғади.

— Бундай пайтларда керакли нарсани излаб тополмайсан, бироқ кутилмаганда шундай муҳим нарсаларга дуч келиб қоласанки...

Купер Артур тоға билан бирга хонасига чиққач, у стол устида бўш жой қолдирмай, папка ва карточкаларни ёйиб чиқди. Сўнг Артур тоға — қўнғироқ қила бошлади — ҳаммасига бир хил топшириқ берар, бироқ ҳар гал худди яқин кишиси билан гаплашаётгандай, янги-янги иборалар билан мурожаат қиларди.

— ...Қулоқ сол, Йан, қандай иш бўлишидан қатъи назар, сен ўзингни бизнинг ишда бир синаб кўрмоқчи эдинг. Чамамда, мана худди шундай имконият чиқиб қолди...

Бир соат ичида Артур тоға ўн икки жойга қўнғироқ қилди, унинг фикрича, бу йигитлар ишончли эди, яъни улардан кўнгли тўқ эди. У шошилмасдан рўйхат бўйича қўнғироқ қилишда давом этди.

Бу пайтда эса Купер кенгаш бўлаётган хонага қайтиб, ёрдамчи гуруҳ учун иш режасини туза бошлади. У икки ёрдамчиси билан «Халқаро редакция ва нашриётларнинг йиллик ахборотномаси», карточкалар ва телефон маълумотномаларини бошдан-оёқ кўриб чиқди, вақти ва йўналишини чамалаб, кутубхона ва газета таҳририятларини танлаб олишди.

Бундан ташқари Купер охириги уч ой ичида чиқиб турган бир юз олтмиш уч нашрни синчиклаб кўриб чиқинчи керак бўлган йигитларга осон бўлиш учун қидирув олиб бориладиган тахминий ҳудуддаги шаҳарларни қоғозга туширди.

Кўннинг охирида Артур тоға ўзининг эллик саккиз нафар иқтидорли ва эпчил йигити душанба эрталабдан ишга киришишларини хабар қилди.

## 2

Якшанба куни субҳидамда «Лиржет-55» Сан-Мартин вилоятининг аҳоли кам яшайдиган районлари ва Перунинг чангалзорлари устидан учиб ўтди. Жессика, Николас ва Энкус тобутда ҳали ҳам беҳуш ётишарди.

Самолёт Опа-локкадан ҳавога кўтарилгандан сўнг орадан беш соат-у ўн беш дақиқа ўтгач, белгиланган жойга — Анд тоғининг ён бағрига — Сионга яқинлашиб қолганди. Соат маҳаллий вақт билан тонгги 4.15 бўлганди...

Мигель, Сокорро, Рафаэль ва Баудельюлар ғира-ширада пастлаётган самолётнинг оёқлари ерга урилиши билан енгил нафас олдилар. Бироқ енгил нафас олишлари билан бирдан хаёлларига энди операциянинг янги даври бошланади деган ўй келди. Назорат қилувчи мослама ёрдамида тобутдагиларни кузатиб келатган Бауделью уйқу дорининг меъёрини камайтирди.

Бир неча дақиқадан сўнг самолёт тўхтаб, овози ўчгач, Фолкнер эшикни очишга шошилди. Самолёт ичкарисига одатдаги ҳароратга нисбатан ташқаридаги ҳаво нам ва дим эди.



Операция иштирокчилари бирин-кетин зинадан туша бошлашди, кутиб олаётганларнинг муомиласидан Мигель ва Сокорро кўпроқ ҳурмату эътиборга сазовор эканликлари кўриниб турарди.

Кутиб олувчилар гуруҳи саккиз кишидан иборат эди. Қоронғуликни ёритиб турган ғира-шира ёруғликда ҳам булар — бақувват, миқти, бадқовоқ, чайир юзли деҳқонлар эканликлари кўриниб турарди. Улардан ёшроғи олдинга чиқди-да, бурро тилда ўзини таништирди: унинг исми Густаво эди.

— Tenemos ordens de ayudarle cyaldo lo necesi, Senor\*, — Сокоррога бурилди-да, эхтиром билан қўшиб қўйди, — Senora, la destinacin de sus prusioneros sera Nueva speranza. El viaje sera noventa Kilometros, la major parte por el rio. El barko esta lista\*\*.

Андерхилл бу сўзларни самолётдан чиқаётиб эшитиб қолди.

— Қайси тутқунларни қайикда олиб кетиш керак экан?

Мигель Андерхиллнинг испанчани ва улар бораётган жой — Нуэво-Эсперанцени билишидан сира ажабланмади. Аммо бу шилқим учувчи жуда жонига текканди. Ҳозир Тетерборода ўзларини «Жин урсин, кеч қолдиларинг-ку», деб кутиб олгани унинг ёдига тушди — кейин ҳам учиб давомида унинг ўзини тутиши Мигелга ёқмаганди. Бу ёнга ўзлари ҳам эплашарди, шу сабабли Мигель ижирғаниб, уни жеркиб ташлади:

— Сенинг ишинг бўлмасин.

— Самолётга тааллуқли масалада, сўзсиз ишим бўлади, — кўрслик қилди Андерхилл ва тобутларга кўз ташлади. Шу пайтгача у қизиқувчанлигим ўз бошимга етмасин, деб тилини тийиб келаётганди, бироқ ҳозир соғлом ақлдан кўра, ички ҳиссиётга бўйсуниб, тилига эрк берди — эртага гуноҳкор бўлиб қолишнинг олдини олиш мақсадида, ҳаммасини очиқ-ойдин билмоқчи бўлди: — Тобутда нима бор?

Мигель учувчига эътибор ҳам қилмай, Густавога буюрди:

— Digale a los hombree que descaraguen los atades cui dadosamente sin movorlas demasiado, y quelos Jleven adentro de la choza\*\*\*.

— Йўқ, — қаршилиқ қилди Андерхилл. У самолётнинг чиқиш жойини тўсди. — Менинг саволимга жавоб бермасдан тобутни олиб чиқмайсизлар.

Тепакал боши ва юзи терлаб кетганди.

Мигель Густавога кўз қирини ташлаб бош ирғади. Шу пайт шарақ-шуруқ эшитилди ва Андерхилл олтига автоматнинг оғзи ўзига қараб турганини кўрди...

Кўркувдан довдираб қолган учувчи ҳайқирди:

— Азбаройи худо, бўпти. — У тезда Мигелга кўз ташлади. — Ана, ола қол. Фақат ёқилғи куйиб берсанг бўлди, биз бу ердан қорамизни ўчираимиз.

Унинг бу илтимосини Мигель эшитмаганга олиб, бўқирди:

— Эшикни тўсма!

Андерхилл сўзсиз итоат қилди: Мигель бошини ирғаши билан, одамлар қуролларини тушириб, тўрттаси тобутни олиб чиқиш учун самолётга кирдилар. Иккинчи учувчи уларга қайишни ечишда ёрдамлашди, сўнг битта-битталаб тобутни юклашди-да, парирокдаги кичкина кулбага олиб боришди. Баудельо ва Сокорро изма-из ўша ёққа киришди.

Самолёт қўнғандан сўнг бир ярим соатлар чамаси вақт ўтгач, қуёш чиқишига санокли дақиқалар қолган, энди чор атроф ҳам, кўниш чизиги ҳам шундай кўзга ташқилғи турарди. Бу вақт ичида самолёт Боготага учиб кетиш учун тайёр — ёқилғи қўшимча бакдан маҳсус мослама ёрдамида тортиб олинганди. Андерхилл учиб кетаётганини хабар қилиш учун Мигелни ахтариб юрарди.

— Мигель бошқалар билан бирга кулбада, — деди унга Густаво.

Андерхилл ўша ёққа йўл олди.

\* Сеньор, бизни сизга ёрдам бериш учун юборишди (исп.).

\*\* Сеньора, сизнинг тутқунларингиз Нуэво-Эсперанцегга боришади. Йўл тўксон олти чақиримни ташқил этади, дарёда юришга тўғри келади. Қайик тайёр (исп.).

\*\*\* Одамларнингга айт — тобутни эҳтиётлаб олиб тушишини, каттиқ силкишмасин ва ерга қўймасин (исп.).

Кулбанинг эшиги очиқ эди: ичкаридагиларнинг овозини эшитиб, учувчи эшикни ланг очди-да, у ердагиларга кўзи тушиб, остонада қотиб қолди.

Кулбанинг тўзгиган полида уч киши деворга суялганча ўтирар, бошлари эгилган, оғизлари очиқ — улар тирик, бироқ беҳуш эдилар. Самолётдан олиб чиқилган иккига тобут — қопқоқсиз, бўмбўш — йиқилиб тушмасликлари учун ўтирганларга суяб қўйилганди. Керосин чироқ хонани хира ёритиб турарди.

Андерхилл бу уччаласи кимлигини дарҳол англаб етганди. Буни англамаслик сира мумкин эмас эди. У Америка радиоларидан бериладиган сўнгги хабарларни ҳар куни эшитиб борар ва аэропортдан ҳамда чет эл меҳмонхоналаридан сотиб олган Америка газеталарини ўқирди. Ҳатто Колумбия оммавий ахборот воситалари ҳам таниқли Америка телешарҳловчисининг оиласини ўғирлаб кетишгани тўғрисида хабар берганди.

Қўрқув Денис Андерхиллнинг хушини олиб қўйганди. Лотин Америкаси ва ундан бошқа ёқларга хусусий рейсларни бажарувчи учувчилар каби у ҳам баъзан кўп нарсалардан кўз юмишига тўғри келарди. Бироқ бундай ёвузликни у сира кўрмаган эди. Шунда бирдан агар бу одамларни бу ёққа олиб ўтишда ўзи қандай ҳисса қўшганлиги АҚШ ҳукуматига маълум бўлса, умри авахтада чиришини англаб етди.

У ўзининг собиқ йўловчиларнинг икки эркак ва бир аёлнинг ўзига тикилиб турганини сезиб қолди. Афтидан, қараб тургани уларни ҳам чўчитиб юборганди.

Шу пайт ерда ётган аёл секин бошини кўтарди. Андерхиллга қадалиб турган нигоҳлари равшан тортди ва сассиз, секин лабларини қимирлатиб, қийналиб шивирлай бошлади:

— Ёрдам беринг... худо ҳақки... ёрдам беринг... биронтага хабар беринг.

Аёлнинг кўзлари тиниб, яна бошини кўтаролмай қолди.

Кулбанинг бир бурчагида кимнингдир шарпаси кўрингандек бўлди. Бу Мигель эди. Тўппончани ушлаб турган қўлини силкиб, у эшикни кўрсатди.

— Йўқол бу ердан!

Андерхилл изига — чаңгалзорга қайтди. Орқасидан тўппонча кўтариб Мигель ҳам етиб келди.

— Сени шу ернинг ўзида отиб ташлашим мумкин, — гижинди Мигель. — Ҳеч ким суриштириб ўтормайди.

Андерхиллнинг қўрқувдан бутун танаси музлаб кетди. У поҳор елка қисди:

— Сен шундоғам мени тириклай гўрга тикдинг, ярамас! Бу ўғирликка мени ҳам аралаштирганингнинг ўзи етарли, энди менга барибир...

У ҳозир ўзини отиб ташлайди, деб секин ўрнидан турди. Шу ҳолатда оғриқ сезилмайди... Нега чўзаяпти экан? Андерхилл ўлимини бўйнига олган бўлса-да, бирдан қўрқувдан саросималаниб қолди. Бутун танасидан тер қуйилиб келаётганига қарамай, уни титроқ босди. У шафқат қилишини сўраб, оғиз жуфтламоқчи эди, бироқ лунжи тупукка тўлиб, чурқ этолмади.

Аксига олиб, унга тўппонча тақаб турган одам ҳам иккиланаётгандек эди.

Мигель ростдан ҳам иккиланарди. Агар буни отиб ташлайдиган бўлса, иккинчисини ҳам отиб ташлашга тўғри келади, у қолда самолётни бошқарадиган одам қолмайди, бу эса ортиқча ташвиш эди. Бунинг устига Мигель Колумбиялик самолёт эгасининг «Медельин бирлашма»сида дўстлари борлигини ҳам биларди. Самолёт эгаси шовқин-сурон кўтаришни мумкин эди.

Мигель тўппончани туширди-да, лўписа қила бошлади:

— Балки, алаҳсирётгандирсан-а, ҳеч нарса кўрмагандирсан, а? Кўрганларинг шунчаки кўзингга кўрингандир? Туя кўрдингми?... Йўқ?!

Андерхилл бирдан хушёр тортди: Нега шунга фаҳми етмади экан, ахир унга яна имконият беришяпти-ку: у бўғилгандай бўлиб, шошиб жавоб берди:

— Албатта, туя кўрганим йўқ.

— Энди эса шалдироқ самолётингга ўтириб, бу ердан қорангни ўчир, — ўшқирди Мигель. — Тилингга эҳтиёт бўл. Агар тилингга эрк берадиган бўлсанг, қасам ичиб айтаманки, ернинг тагидан бўлсанг ҳам топиб, қуниггни кўрсатаман. Тушундингми?

Андерхилл енгил тортганидан қалтираб кетди ва Мигелнинг пўписаси жиддий эканини, илк марта ажалнинг ёқасидан қайтганини ҳис этиб, бош ирғади.

— Тушундим,—сўнг қайрилди-да, учиб майдончасига қараб жўнади.

Эрталабки туман ва парча булутлар чангалзорлар устида кезиб юрарди. Самолёт булутни ёриб, кўкка кўтарилди...

Слоунларни Фолкнер кўрмаганига ва бу ишда Андерхиллнинг нечоғлик ҳиссаси борлигидан беҳабарлигига, бир неча дақиқа олдин юз берган воқеа тўғрисида ҳеч нарса билмаслигига ишончи комил эди. Ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолгани маъқул... Ҳанда Фолкнер ҳам Андерхилл ҳеч нарса билмаган деб ўйлайди...

Унга ишонишармикан? Эҳтимол, ишонишмас, лекин бу муҳим эмас, Андерхилл аста-секин ҳовуридан туша бошлаганди. Аслида қандай бўлганини ким ҳам исботлаб бера оларди, исботлаган тақдирда ҳам энди фойдасиз...

У ўзига мурожаат қилган аёлни эслади. Радиодан эшитишига қараганда, унинг исми Жессика эди. Аёл уни эсламасмикан? Кейин таниб қолмасмикан? Унинг афти-ангорига қараганда — бу даргумон эди. Қолаверса, у Перудан тирик чиқмаса ҳам керак.

У Фолкнерга имо қилиб, ўрнига ўтиришни буюрди. Орқа ўриндиққа чўкиб, мириқиб керишгач, юзига майин кулги ёйилди.

Слоунларни кутқариш мумкинлиги Андерхиллнинг хаёлига ҳам келмасди. Уларни қаерда тутқун қилиб тургани тўғрисида ҳукуматга хабар бериш нияти ҳам йўқ эди.

### 3

Си-би-эйда қидирув гуруҳи ташкил этилганининг учинчи куни калаванинг учи топилгандек бўлди.

Ларчмонтдагилар Слоун оиласини ўғирлаганлардан бири, бу ўғирликни уюштирган гуруҳ раҳбари деб тахмин қилинаётган таниқли колумбиялик террорчи Улисес Родригесни таниб қолишди.

Якшанба куни эрталаб, бир кун олдин ваъда қилингандек, йигирма йил муқаддам Беркли университетидан бирга ўқиган сабоқдоши берган Родригеснинг қаламда чизилган суратини Си-би-эйга олиб келишди. Сурат кўлига тегиши билан Карл Оуэнс Ларчмонтга йўл олди.

У билан бирга суратга олиш гуруҳи ва Нью-Йоркдан дарҳол чақиртирилган мухбир ҳам бор эди.

Оуэнс мухбирдан камера олдида туриб, катта магазин ёнидаги автомобиллар тўхташ жойида содир этилган ўғирликни ўз кўзи билан кўрган собиқ ўқитувчи Присцилле Ритага олтита суратни ҳам кўрсатишни буюрди. Суратлардан бири Родригеснинг сурати бўлиб, қолган бештаси унга фақат ташқи қиёфалари ўхшаб кетадиган телестанция ходимларининг шахсий ҳужжатларидан олинган эди. Мисс Ри йккиланиб ўтирмай, Родригесни таниди.

— Мана у. Фильмга туширяпмиз деб қичқирган ҳам ўша эди. Бу ерда кўриниши ёшроқ экан, бироқ бу аниқ ўша. Қаерда бўлса ҳам мен уни танийман...

Якшанба куни кечки пайт қидирув гуруҳининг тўрт аъзоси маслаҳатга йиғилдилар... Оуэнс бу хабар душанба куни «Оқшом хабарлари»да берилишини оёқ тираб туриб, талаб қилди.

Партриж иккиланар, Оуэнс эса куйиб-пишиб исботлашга уринарди:

— Кулоқ сол, Гарри, биздаги маълумотлар ҳали ҳеч кимда йўқ. Биз ҳаммани доғда қолдирдик... Агар Родригес ҳақидаги хабарни эфирга бермай чўзаверсак, ҳаммага ошкор бўлиб, биринчиликни бой беришимиз мумкин. Сен мендан кўра яхшироқ биласан — одамларнинг тили узун. Ларчмонтлик аёл Ри, биронтага айтиб қўйса, кейин у ёғи кетди деявер. Ҳатто бизникилар гуллаб қўйишлари мумкин; у ҳолда бу хабарни бошқа станциядагилар бериб юбориши тайин.

— Мен ҳам худди шу фикрдаман,— деди Айрис Иверли.— Гарри, эртага бирор

янгилик билан чиқишни ўзинг истайсан-ку. Родригесдан бошқа бирор янги хабар йўқ.

— Биламан, — деди Партриж. — Мен ҳам шу фикрдаман, бироқ баъзи сабабларга кўра, вақтинча шошилмасликка тўғри келади. Эртага бирор қарорга келарман. Колганлар ҳам шуни маъқул топдилар.

Партриж ўзича шундай ўйларди:

Кроуфорд Слоунни, албатта, бундан воқиф этиш керак... Вақт алламаҳал, кеч соат ўн бўлганига қарамай, Партриж Слоуннинг уйига боришга қарор қилди. Қўнғироқ қилолмаслиги аниқ эди, чунки ҳар бир қўнғироқчи ФТБ эшитарди. Партриж эса ҳозирча бу янгиликлардан ФТБнинг хабардор бўлишини истамасди.

Партриж ўзининг вақтинчалик хизмат хонасидан туриб, бинонинг асосий чиқиш жойига машина чақиртирди.

— Келганинг учун катта раҳмат, Гарри, — деди Кроуфорд Слоун, Партрижнинг ҳамма гапларини эшитиб бўлгандан сўнг. — Бу хабарни эртага кўрсатувга олиб чиқмоқчимисизлар?

— Ҳали бир фикрга келганимча йўқ. — Партриж ўзининг мулоҳазаларини гапириб берди-да, кўшиб қўйди: — Эрталаб кечкурушга қараганда яхшироқ фикр келади.

Улар қўлларига қадаҳ, меҳмонхонада ўтиришарди. Тўрт окшом олдин, — дея ўйлади Слоун ва бирдан юраги орзиқиб кетди, ишдан қайтиб худди шу ерда Жессика ва Николас билан гаплашиб ўтирганди...

— Қандай қарорга келишингдан қатъи назар, — деди Слоун, — уни маъқуллайман. Сен нима деб ўйлайсан, Колумбияга учиб кетаверсанг бўлмасмикан?

Партриж кескин бош чайқади.

— Ҳозирча, шошмаслик керак, тушун: Родригес — ёлланган қотил. У бутун Лотин Америкаси-ю Европада таниқли. Шунинг учун мен баъзи нарсаларни, жумладан, бу ўғирликнинг бошида ким турганини аниқлашим даркор. Эртага яна телефон қилиб суриштиришим керак. Бошқалар ҳам...

Партрижга шу нарса равшан эдики, АҚШ худудида ҳаракат қилаётган бошқа жиноятчилар каби Родригес ҳам бирор жинойий гуруҳ билан боғланган бўлиши мумкин.

— Мистер Партриж, қаёққа юраин? — сўради Си-би-эйнинг ҳайдовчиси.

Ярим кеча бўлганди ва Партриж хорғин жавоб берди:

— «Интерконтинентал» меҳмонхонасига...

— Келдик, мистер Партриж.

Партриж гўё ҳозир кўзини юмиб-очгандек эди, бироқ улар Манхэттенга етиб келган ва машина «Интерконтинентал» олдида тўхтаганди. У ҳайдовчига миннатдорчилик билдириб, хайрли тун тилади-да, меҳмонхонага кириб кетди.

Лифтдан юқорига кўтарилар экан, энди — ҳал қилувчи ҳафта бошланганини тушуниб етди.

#### 4

Жессика бор кучи билан ўзига келишга ҳаракат қилар, бир силкиниб, қарахликдан қутулишни ва нималар бўлаётганини билишни истарди, бироқ бунга қурби етмасди. Ҳуши ўзига келганда, у танасининг зил-замбил бўлиб қолганини, тўғрироғи, танасидаги оғриқни, кўнгли айниб, қусгиси келаётганини ва қаттиқ чанқаганини ҳис қилаётгандек бўларди. Шундай пайтлари яна ваҳимага тушар — хаёлида тинмай бир фикр айланарди: «Никки. Қаерда у? Нима бўлди экан?» Сўнг эса худди туман қоплагандай ҳаммаси бирдан яна ғойиб бўлар, ҳеч нарсани эслай олмас, ҳатто ўзининг кимлигини ҳам билмасди...

Бироқ, вақти-вақти билан ҳуши яна ўзига келар, узук-юлуқ воқеаларни эслашга уринарди. У қўлига ботиб турган нарсанинг энди йўқлигини, ўрни қаттиқ оғриётганини ҳис этди. Мияси сал равшанлашганда, ётган жойида унинг туришига ёрдамлашганликларини, ўзи юролмаганидан қўлтигидан олиб, текис нарсанинг устига ўтирғизганликларини эслагандек бўлди. У қандайдир қаттиқ нарсага суяниб ўтирар, бироқ бунинг нима эканлигини билолмасди.

Бу узук-юлуқ алахсирашлар орасида, ваҳима яна кўксини чулғаб олар ва шунда ўзида журъат топиб: «Ўзингни қўлга ол»,— дерди. Жессика ҳозир бу муҳим эканлигини яхши биларди.

У бир нарсани: қаршисида қаёқдандир пайдо бўлган одамнинг юзини эслагандай бўлди. Унинг турқини қаердадир кўргандек эди. Баланд бўйли, тепакал, ўзини тутиши ўктам ва мағрур эди. Ана шу элас-элас хотира унга ишонч бағишлади; эркакка муружаат қилиб, ундан ёрдам сўради. Жессика ўзининг товушидан эркакнинг сапчиб тушганини кўрди — бу ҳолат хотирасида ҳатто эркак чиқиб кетгандан сўнг ҳам узоқ вақт сақланиб турди. Унинг илтимосини эркак эшитдимикан? Ёрдам бериш учун қайтиб келармикан?.. О, худойим. Ким билади?

Бирдан... яна ҳуши ўзига келди. Энди бошқа бир эркак бошида эгилиб турарди... Тўхта. Уни илгари ҳам кўрган эди, бу мурдашав башарапи таниди... Ҳа. Бу ўлаксахўрни илгари ҳам кўрган, юзини пичоқ билан тилиб ташлаган эди. Бироқ нега энди қон оқмаяпти? Юзини боғлашга қачон улгурди экан?

Жессика узоқ вақт беҳуш бўлиб ётганини билмасди.

Жессика эслади: У Никкига нимадир қилганди... Кучли нафрат қонини қайнатиб юборганди — у яна ҳаракатлана бошлади. У қўлини чўзиб эркакнинг юзидаги малҳамли матога ёпишди. Узун тирноқларини эркакнинг юзига ботириб, ярасини юлиб олди.

Бу кутилмаган ҳамладан қичқириб юборган Баудельо ўрнидан ирғиб турди. Юзига қўлини олиб борди: қон оқаётган эди... Ҳу, ярамас хотин. Яна юзини тирнаб опти. У шу пайтгача ўзини врач, аёлни эса мижоз ўрнида кўриб келаётган, бироқ ҳозир бундай эмасди. Ҳазабдан қўлларини мушт қилиб тугди-да, бор кучи билан аёлнинг бошига туширди...

Ёнида пайдо бўлган Сокоррога сув келтиришини буюрди. У бош ирғаб, сув излашга тушди. Баудельо бу хилват, ёмғир тез-тез ёғиб турадиган чангалзорларда ичимлик суви топиш амримаҳол эканини биларди. Кўпгина ирмоқ ва дарёлар химикатларга: сульфат кислота, керосин ва кокаиннинг ширасини олишда ишлатиладиган ҳар хил дорилар билан тўлганди. Бундан ташқари, бу ерларда безгак ёки терлама касаллигини юктириш ҳеч гап эмас, шунинг учун бу ерлик энг камбағал деҳқонлар ҳам турли хил ичимликлар ва пиво ичишар, сувни эса фақат қайнатиб олишарди.

Шу пайт хонага кирган Мигель Жессика Баудельонинг юзини юлиб олганини ва Баудельо Сокоррони сувга юборганини эшитиб турарди. У қизнинг орқасидан қичқирди:

— Биронта арқон топгин-да, уларнинг қўлларини орқасига боғлаб қўй.— Мигель Баудельога ўгирилиб буюрди: — Тутқунларни йўлга ҳозирла. Аввал юк машинасида юрамиз, сўнг ҳамма пиёда кетади.

Жессика ўзини беҳушликка солиб, ҳаммасини эшитиб ётарди.

Баудельонинг мушти унинг эсини киргизиб қўйди: оғриқ азоби уни ҳушига келтирди. У энди ўзининг кимлигини билар ва аста-секин хотираси тикланаётган эди. Бироқ, яна ўз бошига бало орттирмаслиги учун, жим бўлди...

Никкининг аҳволи тузукмикан? Ҳозир қаерда экан?

Худога шукур. Никки ёнида экан. У эснар ва тинмай кўзларини очиб-юмарди.

Энгус-чи? Кўзлари юмуқ Энгус Никкининг орқасида ўтирар, бироқ унинг нафас олаётгани билиниб турарди.

Уларнинг учаласини ҳам қўлга олишларидан мақсадлари не экан? У ҳозирча бу саволга жавоб беришга шошилмасликка қарор қилди.

Бундан кўра бошқа нарсани: ҳозир улар қаерда эканлигини билиш муҳимроқ эди. Атрофга аланглаб, Жессика деразаси йўқ, керосин чироқ хира ёритиб турган қоронғу хонада эканлигини англади. Нега бу ерда электр чироғи йўқ экан? Афтидан, улар қоқ ерда — тупроқ устида ўтиришарди, у оёқларининг тагида ҳашаротлар ивирсиб юрганини сёзди, бироқ бу ҳақда ўйламасликка ҳаракат қилди. Хонадаги ҳаво оғир, нафас олиш мушкул эди — қизиқ, бу йил, ҳар йилдагига қараганда сентябр салқинроқ келган ва об-ҳавода ўзгариш бўлиши кутилмаётганди...

Унинг хаёлларини кимнингдир товуши бузди...

— Бу манжалақи ўзини гўлликка солаяпти,— деди Мигель.

— Биладан,— жавоб берди Баудельо.— Аллақачон ҳушига келган, бироқ ўзини айёрликка солаяпти. У ҳамма гапимизни эшитди.

Мигель Жессиканинг сонига қаттиқ тепди.

— Ўрнингдан тур, қанжиқ. Сени судраб юролмаймиз.

Жессика оғриқдан букчайиб қолди ва энди ўзини гўлликка солиш бефойда эканлигини англаб, бошини кўтариб кўзини очди. Тепасида ўзига тикилиб турган иккала эркаки ҳам таниди: улардан бирининг юзини тимдалаб ташлаган, иккинчисини пикапта кўрганди. Оғзи қуриб, товуши битиб қолган бўлса-да, кучи нафратини тўкиб-сочишга етди:

— Ҳали пушаймон бўласизлар. Сизларни қўлга олишади ва, албатта, жазолашади.

— Ўчир овозингни,— Мигель энди унинг қорнига тепди.— Ёдингда бўлсин: сендан сўрамагуларича оғзингни оча кўрма.

Жессика ёнидаги Никкининг қимирлаганини ва:

— Нима гап? Қаерда турибмиз? — деб сўраганини эшитди. Ўғлининг овози ҳам ўзиники каби ваҳимага тўлиқ эди.

Энгус унга секин жавоб берди:

— Бизни, афтидан, қандайдир аблаҳлар ўғирлашганга ўхшашади. Бироқ, бўшашма. Бардам бўл. Отанг, албатта, излаб топади.

Этик тепкисининг зарбидан Жессиканинг суяклари қақшаб кетаётганди: шунда Никки меҳрибонлик билан сўради:

— Онажоң, тузукмисиз?..

— Сен ҳам оғзингни оча кўрма, мишиқи. Қаердалигингни унутма! — ўшқирди Мигель.

— Албатта, унутмайди,— гап бошлади Энгус: унинг қуруқ ва дўриллаган овози нафратга тўлиқ эди.— Ҳимоясиз аёл ва ёш гўдакка оёқ кўтарган қаҳрамонни ким ҳам унутарди? — Чол ўрнидан туришга уринди.

Жессика шивирлай бошлади:

— Энгус, қўй, индама.— У ҳозирги аҳволда ҳеч нарса ёрдам бермаслигини ва қўполлик қилиш, азоб берувчиларнинг баттар қаҳрини келтиришини яхши тушуниб турарди.

Энгус довдирай-довдирай ўрнидан турди. Бу пайт эса Мигель кулбага аланглаб қаради-да, ерда ётган қалин новдани олди. Энгуснинг ёнига сакраб ўтди-да, боши ва елкаси аралаш савалай кетди. Чол дустанман бўлиб ағдарилиб тушди: новда теккан бир кўзини очолмасди. Энгус оғриқдан инграб юборди.

— Бу ҳаммангизга сабоқ бўлсин,— ўдағайлади Мигель.— Тилларингизни тийинглар.— У Баудельога ўгирилди.— Уларни йўлга ҳозирла.

Соқорро латга ўралган кўзада сув ва дағал арқон олиб келди.

— Олдин уларга сув ичириш керак,— деди Баудельо. Ва ғазабланган оҳангда қўшиб қўйди: — Агар уларнинг тирик қолишини истасанг...

— Аввал уларнинг қўлларини боғланглар,— буюрди Мигель,— қайсарликлари жонимга тегди.

У ноҳуш алфозда кулбадан чиқди, аллақачон қуёш чиққан, ҳаво дим ва жазирама иссиққа чидаб бўлмасди.

Жессика қаерда эканликларини билолмай тобора хуноб бўларди.

Бир неча дақиқа олдин уни, Никки ва Энгусни кулбадан олиб чиқишган ва юк машинасининг устига — сават, яшиқ ва халталар орасига ўтқазишганди. Қўлларидаги қуролни айтмаса, деҳқонларга ўхшаб кетадиган, ола-була, ҳаминқадар кийимдаги эркаклар уларнинг изидан чиқишди: орқасидан Жессика тимдалаб олган одам ҳам чиқди. Шундан сўнг машина борти ёпилиб, яхшилаб бекитилди.

Улар жойлашиб олгунча, Жессика атрофга олазарақ бўлиб қараб, ҳар бир нарсани ёдида сақлаб қолишга уринарди, бироқ бундан ҳеч бир фойда йўқ эди. Атрофда ҳеч нарса кўринмас — қуюқ чангалзорлару, йўл бўлиб йўлга ҳам

ўхшамайдиган сўқмоқдан бошқа ҳеч нарса кўринмасди. Жессика юк машинасининг рақамини билишга ҳаракат қилди, бироқ рақами бўлган тақдирда ҳам ҳозир уни кўриш мушкул эди.

Сув ичгандан сўнг у бир оз тетиклашгандек ҳис қилди ўзини. Кулбадан олиб чиқишдан олдин Никки ва Энгус ҳам бир култумдан сув ичишганди...

Сокорро тутқизган пачоқ идишдаги сувдан бир култум ютган Жессика унга ёлвора бошлади.

— Сув учун раҳмат. Сиздан ўтинаман, бизнинг қаердалигимизни, нега бу ерга олиб келишганини айтолмайсизми?

Бунга жавобан аёл кўрслик билан идишни ерга қўйиб, унга икки шапалоқ туширдик, Жессика сал бўлмаса йиқилиб тушай деди.

— Буйруқни эшитдинг-ку, — шивирлади аёл. — *Silencio!*\* Яна оғиз очадиган бўлсанг, кун бўйи сувдан маҳрум бўласан.

Шундан сўнг Жессика оғзини ҳам очмади. Никки ва Энгуслар ҳам миқ этишмасди.

Аёл эса кабинага, ҳайдовчи ёнига ўтиргач, машина жойидан кўзгалди. Чамбаракка эса Жессикани тепган одам ўтирди... Жессика уни Мигель деб чақирганларини эшитган, афтидан, у бу ерда бошлиқ эди. Юк машинаси ўнқир-чўнқирларда силкиниб кетиб борарди.

Кун нақ куйдираман дерди, ҳавоси оғир бўлса ҳам кулба ҳалво экан. Бутун танадан тер қуюлиб келарди. Қаёққа кетишяпти экан?

Бу жумбоққа ечим топиш учун Жессика ўзларини кўриқлаб кетаётган соқчиларнинг гапига қулоқ сола бошлади. Жессика улар испанча гаплашаётганини англади — бу тилни у оз-моз тушунарди...

У Никкига қаради ва бутун ўй-хаёллари тарқаб кетди. Юк машинаси жойидан кўзгалган пайтда Никки қўли боғлиқ бўлгани учун, ўзини тутолмай қолди ва полга думалаб тушди: машина ўнқир-чўнқирдан ўтаётганда у бошини кузовга уриб олди.

Жессикани даҳшат чулғаб олганди; ўзининг ёрдам бера олмаслигини сезиб, йиғлаб юборай деди ва ҳозир юзини юлиб олган одамга ёлворишга ҳам тайёр эди. Бироқ шунда соқчилардан бири туриб, Никкининг олдига борди. У болакайни кўтариб, халтага суяди-да, оёқларини яшикка тираб қўйди. Жессика кўз қарashi билан жилмайиб, ўз миннатдорчилигини билдиришга уринди. Унга жавобан эркак секин бош ирғади. Жессика буларнинг ичида, ҳеч бўлмаганда, битта ўзларига ҳамдард борлигини биллиб, кўнгли таскин топди.

Соқчи Никкининг ёнига ўтирди. У нимадир деб гўлдирай бошлаганини, мактабда энди испан тилини ўргана бошлаган Никки оз-моз тушунгандек бўлди. Йўл-йўлакай эркак Никкига яна бир-икки бор нимадир деди.

Йигирма дақиқалар йўл юрганларидан сўнг, йўл тугаб, қуюқ чангалзор бошланган жойда машина тўхтади. Мигель кабинадан чиқиб келиб, қисқа қилиб буйруқ берганида, улар кузовда беҳол ётишарди:

— Бу ёғига пиёда кетамиз.

Густаво ва яна автоматлилардан иккитаси эгри-бугри, ўт-ўлан қоплаган сўқмоқдан биринчи бўлиб юриб кетишди. Улар чакалақзорнинг буталарини ёриб ўтишар, дарахтлар соя солиб турганига қарамай, жазирамага чидаб бўлмас, чиртқаларнинг чириллаши эса асабга тегарди.

Баъзида тутқунлар ёнма-ён туриб қолишарди. Никки вазиятдан фойдаланиб, секин шивирлади:

— Биз дарёга қараб бораяпмиз. У ёғига қайиқда кетар эканмиз.

Жессика ҳам шивирлаб сўради:

— Сенга бунга ўша одам айтдимми?

— Ҳа...

Кейинроқ Никки сўради:

— Бобожон, қандайсиз?

\* Жям бўл. (исп).

— Қари итнинг жони узилгани йўқ.— Бир оз жимликдан сўнг Энгус сўради: — Жесси, сен қандайсан?

Кейинроқ қулай бир вазият келганда Жессика сўз қотди:

— Мен ҳали ҳам қаерда эканлигимизни билолмаяпман. Жоржиадами? Арканзасдами? Қаерда?

Никки жавоб қилди:

— Улар бизни Америкадан олиб чиқиб кетишган, ойи. Ўша одам айтди, биз Перудамиз.

## 5

Душанба кунини соат эрталабки йигирмата кам ўнда вақтинчалик ишга қабул қилинган олтмишга яқин навқирон йигит ва қизлар — уларнинг ярми йигит, ярми қиз эди — Си-би-эйга қарашли бинога тўпланиб бўлишганди.

Уларнинг кўпчилиги 20 ёшдан ошган, яқинда университетни тугатган дипломли мутахассис эдилар, баъзилари эса телебизнесда муваффақият ҳам қозониб улгурганди.

Гурухнинг учдан бирини қора танлилар ташкил этган бўлиб, Артур тоға Куперга улардан бирига — Жонатан Монига алоҳида эътибор билан қарашни маслаҳат берди:

— Менимча, Жонатанни уларга етакчи қилиб тайинлаш керак,— тавсия қилди чол.— Колумбия университетининг журналистика мактабини тугатган, ҳозирча пулга муҳтож бўлгани учун официант бўлиб ишлаяпти. Агар ишончимизни оқлай олса, бу ишлар тугагандан сўнг, бир иложини топиб, Си-би-эйда олиб қолишга ҳаракат қилармиз.

Бир оздан сўнг Купер Монига бир-икки жойга қўнғироқ қилишни буюрди. Монини бош ирғаб чиқиб кетди-да, дарров қайтиб келди.

— Ҳаммаси жойида, мистер Купер. Иккаласи ҳам рози бўлишди.

Бу ўн дақиқалар олдин бўлиб ўтганди. Ҳозир эса Купер ёшлар олдида нутқ ирод қиларди:

— Шундай қилиб, гап ўғирлик, ҳойнаҳой, ўзларинг ҳам эшитган бўлсаларингиз керак, миссис Слоун, Николас Слоун ва мистер Энгус Слоунларни олиб кетишганлар ҳақида бораяпти. Сизлар уларни тутқунликдан тезроқ озод қилишга ёрдамлашиш учун тер тўкиб, ишлашингизга тўғри келади. Бу ердан тўғри маҳаллий газеталарнинг таҳририятларига ҳамда кутубхоналарга қараб жўнайсизлар ва у ерда охириги уч ойнинг барча сонларини қараб чиқасизлар. Ёдингизда бўлсин, газетани шунчаки кўздан кечириб чиқиш керак эмас, худди Шерлок Холмсга ўхшаб — ҳозир мен айтадиган маълумотларни, ўғриларни тутишга ёрдам берадиган, жумбоқнинг ечими бўладиган маълумотларни синчиклаб текширишингиз лозим бўлади.

Бу ёққа ҳар кун келишларингиз шарт ҳам эмас. Бироқ биз ҳозир сизларга берадиган рақамга қўнғироқ қилиб, қандай бўлмасин, албатта, кунлик натижа ҳақида ахборот бериб туришларингиз шарт: агар бирор жиддийроқ маълумот бўлса, дарҳол қўнғироқ қилинглар.

Тедди Купер тўпланганларга нима ишлар қилиш зарурлигини тушунтиргач, ҳар бири нималар қилиш кераклигини англаб олишди. Си-би-эйнинг бу режасини рақобатчилар, дейлик бошқа телестанциядагилар сезиб қолишса, уни ошкор қилиб юбориши ёхуд ғояни ўғирлашлари мумкин эди. Купер Си-би-эйнинг бу усули тўғрисида оғиздан гуллаб қўймасликларини ёшларга тайинламоқчи бўлди. У аудиторияга кўз югуртириб чиқди — ҳаммаси диққат билан эшитишар, кўпчилиги ёзиб олаётганди; йўқ, бу ёшлар панд беришмайди.

Купер эшикка қаради. Жонатан унинг илтимоси билан Гарри Партриж ва Кроуфорд Слоунга қўнғироқ қилиб, бирровга келиб кетишини сўраганди. Купер уларнинг келишмоқчи эканлигини эшитиб хурсанд бўлди.

Улар иккаласи ҳам барабар кириб келишди. Купер эндигина ўғриларнинг ўзлари тахмин қилаётган жойдаги қароргоҳи тўғрисида гап бошлаган эди. У гапидан тўхтаб эшикка ишора қилди. Ҳаммалари бирданига ўша ёққа ўгирилдилар...



Купер ҳурмат юзасидан минбардан тушиб, уларга пешвоз юрди.

Слоун худди минбарга эътибор ҳам қилмагандек тўғридаги курсиларнинг ёнига борди. Унинг кўриниши анчайин жиддий эди.

— Хонимлар ва жаноблар, эҳтимол, орангиздан кимлардир хотиним, ўғлим ва отамнинг тез кунлар ичида омон-эсон уйга қайтишига ўзининг улушини қўшар. Агар омад бизга қулиб боқса, албатта, барчангизни қидириб топиб, ўз миннатдорчилигимни билдираман. Ҳозирча эса келганларингиз учун раҳмат, сизларга муваффақият тилайман. Ҳаммамизнинг ишимиз ўнгидан келсин!

Слоун хайрлашиб, қандай келган бўлса, шундай камтарлик билан чиқиб кетди. Партриж ўтирганларнинг айримлари билан кўл олишиб, саломлашиб бир-икки оғиз гаплашди-да, сўнг у ҳам чиқиб кетди.

Купер эса янги изкуварларга йўл-йўриқни кўрсатишда давом этди... Сўзининг охирида эса кеча кечаси ўзи пухта ўйлаган, бироқ ҳали ҳеч ким билан маслаҳатлашмаган айрим фикрларини айтиб юборди:

— Мен сизлардан фақат ижарага бериладиган иморатлар ҳақидаги эълонларни эмас, сўнг уч ойлик газетадаги ҳамма-ҳамма нарсага диққат қилишларингни сўрайман. Нимага деб сўраманглар, ўзим ҳам билмайман. Бироқ ёдингизда бўлсин, бизнинг тахминимизга қараганда, ўғрилар бу ерда бир ёхуд икки ой бўлишган. Бу вақт орасида улар қанчалик эҳтиёт бўлишмасин, бирор хатога йўл қўйгандир — ҳуллас, яхшилаб текширинглар. Эҳтимол, бу хатолари қайсидир йўл билан газетага бериб юборилгандир.

— Жуда баландпарвоз қилиб гапирар экан, — деди кимдир.

— Инкор қилмайман: бўлиб ўтган воқеаларнинг мингдан бири матбуот юзини кўради. Бироқ орангизда кимдир шундай хабарга кўзи тушиб қолиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Кимнингдир қўлидаги лоторея чиптасига барибир ютуқ чиқади-ку. Сизларга бир нарсани айтиб қўяй: етти ўлчаб бир кесинглар. Ҳар бир далилни ҳар томондан текшириб кўринглар. Тасаввурингизга эрк беринг. Биз сизларни ақл-идрокли бўлганликларингиз учун ҳам чақирдик, шуни исботланг. Шубҳасиз, сизнинг биринчи галдаги вазифангиз иморатларнинг ижарага берилиши ҳақидаги эълонлар, бироқ бошқа имкониятларни ҳам унутманглар.

Гарри Партриж эрталаб — жуда барвақт иш куни бошланиши билан уюшган жиноятчилар билан алоқада бўлган таниш оқловчисига кўнғироқ қилди. У Гаррини хушламаганини яшириб ҳам ўтирмади.

— Ҳа, сизмисиз? Мен ахир жума куни бирор маълумот топиб қўяман деган эдим-ку — икки марта уриндим, ҳеч қандай натижа йўқ. Кўп қисталанг қилаверманг.

— Мени маъзур тутасиз, агар сизга... — гап бошлаган эди Партриж, бироқ оқловчи уни гапиришга қўймади.

— Сиз телеисковичлар, бу ишга бош суқиш, мен учун ҳаёт-мамот эканини тушунмайсизлар. Ҳимоя қилаётган одамларим энг аввало менинг миждозларим бўлади, улардан айрилиб қолишни истамайман. Биламан, сизга ҳам, Кроуфорд Слоунга ҳам қанчалик муттаҳамлик бўлиб туюлмасин, улар бошқаларнинг ташвишларига тупуришади.

— Ҳаммасини тушунаман, — деди Партриж. — Бироқ, ахир, ўғирлик содир этилган ва...

— Сал сабр қилиб, эшитиб туринг. Охирги марта суҳбатлашганимизда сизга менинг миждозларим нафақат ўғирлик содир этишган, балки умуман бундай ишлардан мутлақо йироқ эканини айтгандим. Мен ҳали ҳам шу фикримда қатъий турибман. Бироқ шунда ҳам жонимни хатарга қўйиб, сўраб-суриштираяпман, улардан бирортаси бирон нарса билса, ёхуд эшитган бўлса менга келиб айтарди.

— Менга қаранг, ахир маъзур тутасиз деб айтди-ку, агар...

Оқловчи ўз билганидан қолмади.

— Бундай нарсаларни шошилиб ҳал қилиб бўлмайди. Тушунарлими?

— Тушунарли, — деди Партриж нафаси ичига тушиб.

Шундан сўнг оқловчининг овози бир оз юмшади:

— Менга яна бир неча кун муҳлат беринг. Кўнғироқ қилиб ўтирманг. Сизни ўзим топаман.

Гўшакни илиб қўйгач, Партриж таниш — керакли одам бўлса ҳам, бундайлардан узоқ юрган маъкул, деб ўйлади.

Ўша куни эрталаб, Си-би-эйга келмасдан бурун, Партриж таниқли колумбиялик террорчи Улиес Родригеснинг Слоун оиласини ўғирлагани тўғрисидаги хабарни «Оқшом хабарлари»да бериш-бермаслик борасида аниқ бир қарорга келганди.

Унинг қарори шундай эди: хабарни беришга шошилмаслик керак.

Купер ёшлар билан учрашгандан сўнг, Партриж ўзининг қарорини билдириш учун қидирув гуруҳини излашга тушди. Кенгаш ўтказишга мўлжалланган хонада Карл Оуэнс ва Айрис Иверлини учратиб, уларга ўз қарорини айтди.

— Ўзларинг ўйланглар, Родригес ҳозир — биз ушлаб турган калаванинг бирдан-бир учи ва бундан унинг ўзи беҳабар. Агар биз буни ошкор қилсак, охиरोқибат бу Родригеснинг ҳам қулоғига бориб етади ва биз ўтирган шохимизга ўзимиз болта урган бўламиз.

— Наҳотки, бу шунчалик муҳим бўлса? — ишонқирамай сўради Оуэнс.

— Менимча муҳим. Биз эга бўлган барча маълумотлар Родригес кимнингдир ҳимоясида эканлигини тасдиқлаб турибди. Гап-сўз бўладиган бўлса, у бутунлай қорасини кўрсатмай қўяди. У ҳолда биз унинг, демак, Слоунларнинг қаердалигини аниқлашимизга ҳеч бир имкон қолмаслигини сизларга айтиб ўтирмасам ҳам бўлади.

— Ҳаммасини тушуниб турибман, — деди Айрис, — бироқ Гарри, наҳотки, сен камида ўн киши биладиган бу шов-шувли хабарни, биз бирор қарорга келгуни-мизга қадар, биров эшитмайди деб ўйласанг. Ёдиндан чиқарма, энг зўр телестанциялар ва барча газеталар бу жиноятга катта қизиқиш билан қарамокдалар. Йигирма тўрт соатдан сўнг бу ҳаммага маълум бўлади.

Хонага Рита, Эбрамс ва Норман Жегер кириб келишди ва ўтиришиб, қулоқ сола бошлашди.

— Эҳтимол, сен ҳақдирсан, — деди Партриж, Айрисга мурожаат қилиб, — бироқ шундай йўл тутишга мажбурмиз. — Ва қўшиб қўйди: — Китобий гапларни тақроллашни ёмон кўраман, бироқ менимча, янгиликлар кўрсатуви Граолнинг қадаҳи эмаслигини унутмаслигимиз шарт. Агар қандайдир хабар бирон кишининг ҳаётини хавф остига қўядиган ёхуд эркини бўғадиган бўлса, биз бундай шов-шувли хабардан воз кечишимиз керак.

— Сизларга иккиюзламачи бўлиб кўринмоқчи эмасман-у, — қўшилди Жегер, — бироқ бу борада мен Гаррини маъқуллаймаман.

— Масаланинг яна бир жиҳати бор, — деди Оуэнс, — ФТБ. Агар улардан маълумотни яширадиган бўлсак, бизни жавобгарликка тортишлари мумкин.

— Бу ҳақда ўйлаб қўйганман, — тан олди Партриж ва қатъий қилиб деди: — Бўлганича бўлар. Агар бу сизларни ташвишлантираётган бўлса, эслатиб қўяй: жавобгарлик менинг бўйнимда. ФТБни хабардор қилишимиз билан улар дарҳол журналистларга гуллаб қўйиши турган гап — буни ўз тажрибамиздан биламиз — у ҳолда бизнинг куйиб-пишганимиз бир пул...

Шундай эса-да, бу жуда жиддий масала бўлгани учун, Партриж ўзининг бу қароридан Лэс Чиппингем ва Чак Инсенни хабардор қилиб қўйишни маъкул топди.

Янгиликлар бўлимининг бошлиғи, ўзининг ёғочдан чиройли ишлов берилган хонасида Партрижни қабул қилиб, унга жавобан елка қисди-да, шундай деди:

— Қидирув гуруҳининг бутун жавобгарлиги сенинг бўйнингда, Гарри, биз сенинг салоҳиятингга ишонамиз, акс ҳолда гуруҳни ишонмаган бўлардик. Шундай бўлса-да, хабардор қилганинг учун раҳмат.

«Оқшом хабарлари»нинг назоратчиси эса «чамбарак»да ўзининг ўрнида ўтирарди. Партрижнинг гапларини эшитиб, унинг кўзлари ялтираб кетди.

\* Граол қадаҳи — Ғарбий Европа халқларининг мифологик тасаввурига кўра илоҳий идиш (тарж.).

— Бу жуда зўр, қойилмақом иш бўпти, Гарри. Сен қачон ҳўп десанг, бу маълумотни дарҳол эфирга узатамиз. Албатта, сен қачон бериш керак десанг, шуида.

Партриж энди бемалол яна телефондаги ишини давом эттириш учун ўз хонаси томон йўл олди...

У яна ўзининг ён дафтариини олди, агар ўтган ҳафта америкалик танишларига телефон қилган бўлса, бугун эса Венесуэла, Бразилия, Эквадор, Панама, Перу ва ҳатто Никарагуада хизмат юзасидан бирга бўлган колумбиялик танишига қўнғироқ қилаётганди. Ҳамма жойда, дунёнинг турли бурчакларида унга ёрдам берган ёки унинг ёрдами теккан танишлари бор эди.

Бугунги кун, ўтган кунлардан шуниси билан фарқ қилардики, Партриж Родригес ҳақида маълумотга эга эди — шунинг учун у икки савол билан мурожаат қиларди: Улисес Родригес деган террорчини биладими; агар билса, қаерда ва нима иш билан бандлигини айтиб беролмайсизми?

Зеро, жума куни Карл Оуэнс ўзининг лотин америкалик танишлари билан гаплашган бўлса-да, Партрижнинг фикрича, унинг турли-туман танишлари, жумладан, муҳарриру журналистлар сирларини очгиси келмаганди.

Бугун биринчи саволга жавобларнинг ҳаммаси ижобий бўлиб, иккинчисига ҳеч ким жавоб беролмасди. Родригеснинг уч ойдан буён кўринмай қолганлиги тўғрисидаги Оуэнс олган маълумотни тасдиқлашди... Бироқ кўпдан буён кадрдон бўлган колумбиялик таниши, боготалик радиомухбир билан суҳбат давомида қизиқ бир тафсилотга дуч келди.

— У қаерда бўлишидан қатъи назар, — деди репортёр, — қасам ичиб айтаманки, яна бирон қурбонлик истаб, чет элда юрибди. Ҳокимиятдан яширинишда у устамон бўлиб кетган бўлса-да, бироқ у колумбиялик. Уни бу ердагилар яхши билишади, шунинг учун бу ерда бўлса, гап-сўз ётмасди. У кадрсиз чақа эмас, кўчада ётса-да, биров кўрмай ўтса, у нархи баланд каллакесар. Шундай экан, қасам ичиб айтаман, у бу ерда эмас...

Сўнг Перуга қўнғироқ қилди. Бўлиб ўтган бир суҳбат Партрижни ўйлантириб қўйди.

У ўзининг эски таниши, Лимада чиқадиган «Эсцена» ҳафталик журналининг хўжайини ва муҳаррири Мануэл-Леон Семинарио билан гаплашди.

Партрижнинг номини эшитиши билан Семинарио дарҳол гўшакни кўтарди...

— Э, кадрдоним Гарри. Қўнғироқ қилганингдан хурсандман. Қаердасан. Ҳойнаҳой, Лимада бўлсанг керак?!

Партрижнинг Нью-Йоркдан қўнғироқ қилаётганини эшитиб, Семинарио хафа бўлди.

— Мен эса эртага «Пиццерни»да бирга овқатланамизми, деб ўйлабман. Сени ишонтириб айтаманки, у ерда ҳали ҳам жуда мазали овқат қилишади. Самолётга чиқиб, учиб келаверсанг бўлавермайдими?

— Мануэло, жон деб борган бўлардим, бироқ ўта жиддий иш билан банд бўлиб турибман. — Партриж Слоун ояласини ўғирланганини ва кидирув гуруҳида ўзининг бошлиқ эканини айтиб берди.

— Э, худо. Нега бирдан хаёлимга келмади экан. Жуда даҳшат! Биз воқеаларни кузатиб бораяпмиз ва кейинги сонда бутун бир бетни шу воқеага бағишлаймиз. Шу ҳақда бизга берадиган бирор янги материалнинг йўқми?

— Баъзи бир нарсалар бор, — деди Партриж. — Шунинг учун қўнғироқ қилаяпман. Бироқ ҳозирча биз буни сир сақлаб турибмиз. Ва мен бу гап иккаламиз ора-мизда қолишини истаيمان.

— Яхши... — деган жавоб эшитилди истамайгина. — Агар ўзимизда бу маълумотлар йўқ бўлса.

— Биз бир-биримизга ишонамиз, Мануэл. Сенинг шартингга розиман. Демақ, келишдикми?

— Ундай бўлса, келишдик.

— Биз бу ишда Улисес Родригеснинг ҳўли бор деган фикрдамиз.

Орага жимлик тушди, сўнг журнал эгаси секин гапирди:

— Сен аблаҳ одамни тилга олдинг, Гарри. Бу ердагилар унинг номини эшитиб-боқ иштонларини ҳўл қилиб қўйишади.

— Нима учун?

— У бу ердаги каллакесарликларнинг бошида туради, Колумбияда, кимнингдир ҳомийлигида Перуга яширинча кириб, яширинча чиқиб кетади. Бизнинг жиноятчи-инқилобчиларимиз унинг қўли билан ҳамма нарсани амалга оширишади. Перуда ҳозир каллакесарлик кун кечирининг осон йўли бўлиб қолганидан хабардор бўлсанг керак. Уддабурун ишбилармонлар ва уларнинг оилалари — энг яхши ўлжа ҳисобланади. Кўпчилик бизда бунинг олдини олиш ниятида шахсий соқчи ёллашиб, зирҳли машинада юришибди.

— Бундан хабарим бор эди,— деди Партриж,— бироқ ёдимдан кўтарилибди.

Семинарио чуқур хўрсинди.

— Бир сен эмас, азиз дўстим, Ғарб матбуоти ҳам жуда мулоғим қилиб айтганда, Перуга эътибор қилмай қўйди. Сизларнинг телевидениенгизга келсак, худди биз ҳеч қачон бўлмагандек, бизни назар-писанд ҳам қилишмайди.

Партриж бу сўзлар замирида ҳақиқат борлигини тушуниб турарди. Нима учун америкаликлар Перуга унчалик қизиқмаслигини унинг ўзи ҳам билмасди. Сал товушини кўтариб сўради:

— Илгарими ёки ҳозирми Родригес Перуда кимгадир ёллангани тўғрисида биров хабар эшитмадингми?

— Умуман олганда... Йўқ.

— Сен иккиланяпсанми, ёки менга шундай туюлдими?

— Родригесга тааллуқли ҳеч нарса эшитганим йўқ, Гарри. Билсам айтардим.

— Бошқа нима гап?

— Мен жиноятчи-инқилобчилар деб атайдиган тўдада бир неча ҳафтадан буён жимжитлик. Деярли ҳеч нарсага қўл урмай қўйишди.

— Ҳўш, нима бўпти?

— Мен бунақа ҳолатларни илгари ҳам кузатганман. Менинг фикримча, бу фақат Перуга хос хусусият. Бундай жимлик одатда, қандайдир каттароқ операцияга тайёрланишаётганларидан дарак беради. Кўпинча эса бу жимлик кутилмаган, даҳшатли фожиани бошлаб юбориши мумкин.— Семинарио бирдан тез-тез, жиддий тусда гапира бошлади: — Кадрдоним Гарри, гаплашганимиздан хурсандман, кўнғироқ қилиб, хўп яхши иш қилибсан. Бироқ «Эсцена» ўз-ўзидан чиқавермайди, шунинг учун бошқа вақтим йўқ. Лимага қўргани кел ва ёдингда бўлсин: «Пиццерни»да овқатланиш менинг ҳисобимдан бўлади.

Бутун кун давомида «Жимлик одатда, қандайдир каттароқ операцияга тайёрланаётганларидан дарак беради», деган хабар Партрижнинг хаёлидан нари кетмади.

## 6

Гарри Партриж «Эсцена» журнали хўжайини ва муҳаррири билан гаплашган кунни шароит тақозоси билан Си-би-эй телестанциясига эгалик қилувчи «Глобаник индастриз инк» бошқарувининг ёпиқ мажлисида ҳам Перу масаласи муҳокама қилинди. Бундай учрашувлар йилда икки марта чақирилиб, уч кунлаб давом этар ва унда асосан бошқарув раиси, бирлашма директори Теодор Эллиот олиб бораётган «сиёсат» муҳокама қилинар, фақат бирлашма қошидаги ташкилотлар директорларигина қатнашиш ҳуқуқига эга эди — бу ташкилотлар турли тармоқларни қамраб олувчи йирик фирмалардан иборат эди.

Бундай учрашув чоғида яширин маълумотлар муҳокама қилиниб, махфий режалар тузиларди — баъзида бу режанинг амалга оширилиши рақобатчилар, омонатчилар ва дунё бозори тақдирини ҳал қилиб юборарди. Бу учрашувлар ҳеч қачон қоғозга туширилмас, мажлис хавфсизлиги жиддий назорат этилар — мажлис бошланмасдан олдин хонада яширин эшитиш мосламаси бор-йўқлиги махсус электрон асбобларда текширилар эди.

Залга кираверишда — зал ичкарасига ҳеч қачон киритилмасди — ҳар бир ташкилотдан беш-олти кишидан иборат ўзларининг бошлиқларини керакли маълумот ва кўрсатмалар билан таъминлаб турувчи ёрдамчилар гуруҳи жойлашганди.

Учрашув ҳар доим деярли бир жойда ўтказилар, бу гал ҳам одатдагидек, Нас-

саудан унча узоқ бўлмаган Багам оролидаги «Фордли-кэй» клубида тўпланишганди.

Ихтиёрида моторли қайиқ, голф, теннис ўйинлари майдони ҳамда қирғоқдаги қумда ётиб дам олиши учун ҳамма нарса муҳайё ва барча шарт-шароитлар мавжуд бўлган «Фордли-кэй» фақат нуфузли одамлар гуруҳига хизмат кўрсатадиган дунёдаги энг серхашам клублардан бири ҳисобланарди.

Клубнинг доимий аъзоси бўлиш ҳаммага ҳам насиб қилавермасди: рўйхатга киритилган талабгорлар узоқ йиллар кутишига тўғри келар, баъзилари эса умуман қабул қилинмасди. Теодор Эллиот ҳам икки йил навбат кутгандан сўнг, ниҳоят унинг аъзоси бўлганди.

Яқиндагина етиб келган учрашув қатнашчиларини Эллиот кутиб олар экан, ўзини мезбондек тутар, айниқса, қабул пайти, ёхуд танаффус чоғидаги теннис, голф ўйинида ёки денгиз бўйлаб сайрга чиққанларида бирга бўладиган «Глобаник» директорларининг хотинларига жуда сертакаллуф эди. Бугунги эрталабки мажлис чўғдай гулдор пояндоз тўшалган, жигарранг тери қопланган, мулойим оромкурсилар қўйилган шином кутубхонада бўлаётганди. Китоб жавонлари орасига — спортга тааллуқли кумуш ёдгорликлар қўйилган бежирим жавонлар турарди. Ора-сирада олов ёқиладиган камин устида эса нуфузли зотларнинг суҳбатини ўзининг майин табассуми билан мунаввар қилиб, клуб асосчисининг сурати осилиб турарди...

Тео Эллиот баланд бўйли, тетик, елкадор, хушбичим юзли, қалин қуюқ сочлари буткул оқарган, жуда келишган одам эди. Оқарган сочлари унинг бир-икки йилдан сўнг нафақа ёшига етишидан дарак бериб турар ва ўрнига шу ерда ўтирганлардан бири ўтириши тайин эди.

Баъзи директорларнинг ёши бир жойга бориб қолгани туфайли, бундан мустасно бўлиб, бу лавозимга фақат уч номзодгина талабгор бўла оларди. Улардан бири — Марго Ллойд-Мэйсон эди.

Марго Си-би-эйдаги ишларнинг бориши ҳақида мажлис бошида маъруза қилганида шуни хаёлидан ўтказганди...

У яқинда Кроуфорд Слоуннинг оиласини ўғирлаб кетишганини айтди. Давитт исмли ҳаммага лўкма ташлаб ўтирадиган, орегионлик «Интернэшнл форест продактс» хўжайини дарров гапга қўшилди:

— Хунук иш бўпти. Албатта, бу ярамасларни қўлга олишади деган умиддамиз. Бироқ шу воқеа туфайли сизларнинг телестанциянгизнинг янада шуҳрати ошди.

— Шу қадар ошдики,— гапни илиб кетди Марго,— «Оқшом хабарлари»нинг рейтингини охириги беш кун ичида тўққизу ўндан, ўн иккию ўнгача кўтарилди, бошқачароқ айтганда, яна олти миллион янги томошабин келиб қўшилди — биз телестанциялар ичида биринчи ўринга чиқдик. Шунинг билан бир қаторда бешта телестанциямиз «янгиликлар»дан сўнг берадиган кундалик — маиший кўрсатувимизнинг ҳам рейтингини ошди. Куннинг бошқа пайтларида бериладиган кўрсатувларимиз — жумладан, жума кунлари бериладиган Бен Ларгонинг шоуси рейтингини ҳам йигирма иккию элликдан йигирма бешу ўнгача кўтарилди. Барча муассислар хурсанд, оқибатда биз кейинги йил учун қўллаб тижорат янгиликларига буюртма олдик.

— Марго, эълон берувчилар масаласида тўхталсанг? — деди «Уэст-уорлд Эвэйшн» президенти, асли колумбиялик, куёшда қорайган, қоматдор Леон Айронвуд. У Эллиотнинг ўрнига талабгорлардан бири эди. Айронвуднинг бирлашмаси жанговар самолётлар ишлаб чиқарар, мудофаа вазирлигининг буюртмасини ортиғи билан бажарардилар.— Охириги пайтларда видеотасвирга олувчи ускуналар муаммосига дуч келгандингизлар, бирор чорасини топдингизларми?..

— Бизнинг тахминимизга кўра, келгусида эълонлардан тушадиган даромад жуда қисқариб кетади, шуни назарда тутиб, ҳозир қўшимча манбаларни қидираяпмиз — худди шу сабабга кўра, Си-би-эй ҳам, бошқа телестанциялар ҳам имкон қадар кўпроқ кабелли телевидения каналларини сотиб олишмоқда ва яна бундан сўнг ҳам сотиб олишаверади. Телестанциямизнинг имконияти чексиз ва ҳадемай, барча кабелли телеканаллар телестанциямиз қўлига ўтиши турган гап. Шунинг билан бир қаторда биз телефон тармоқлари билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини ҳам излаяпмиз.

— Ҳамкорлик қилиш? — қайта сўради Айронвуд.

— Ҳозир тушунтираман. Биринчидан, ердан узатиладиган кўрсатувнинг куни қисқа эканлигини тан олишимиз керак. Ўн-ўн беш йилдан сўнг алмисоқдан қолган телеантеннани Смитсонов институтининг музейидагина кўриш мумкин бўлади, бу вақтга келиб телемарказлар ўз чиқимини оқламагани учун анъанавий узатув усулидан воз кечади.

— Ўрнига йўлдошли ва кабелли ускуналар пайдо бўладими?

— Унчалик эмас... — Марго кулиб қўйди. — Иккинчидан, кабелли телевидениенинг ҳам келажаги йўқ эканлигини унутмаслигимиз лозим. Бунинг олдини олиш учун эса ҳар бир уйда алоқа симига эга бўлган телефон тармоқларининг кўмаги зарур бўлади.

— Телефон алоқасига телекўрсатувни қўшиб узатувчи тўлқин йўналиши ҳозир ҳам мавжуд, — баён қилди Марго ва бир неча киши уни маъқуллаб бош ирғади. — Фақат бир нарса — буни амалда қўллаб кўриш қолаяпти, холос. Менимча, бизни-кига ўхшаш телестанциялар махсус кабел кўрсатувларини ташкил этиши керак. Бунинг учун бизда барча имконият ва маблағ етарли.

— У ҳолда телефон тармоқларидан телетижорат соҳасида фаолият кўрсатишга йўл бермайдиган давлат таъқиқи нима бўлади? — қизикди Айронвуд.

— Таъқиқ конгресс томонидан олиб ташланади. Ҳозир биз шунинг устида иш-ляяпмиз, ҳатто қонун лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилди.

— Конгресс буни маъқуллашига ишончимиз комилми?

Тео Эллиот истеҳзоли кулимсиради...

— Гап шундаки, «Глобаник индестризи» сиёсат билан шуғулланаётган, бизнинг қизиқишимизни инобатга оладиган кўплаб ташкилотларга ҳар томонлама ёрдам бериб турибди, бу дегани конгрессдаги овозлар сотиб олинган ва ўз вақти-соатини кутиб турибди дегани. Бу таъқиқ қачон олиб ташланиши зарур бўлса, Марго менга хабар беради. Мен эса керакли одамларга буюраман.

Ёлқ эшик ортида махфий музокара давом этарди. Бироқ, Слоун оиласининг ўғирлангани тўғрисида бошқа лом-мим дейилмади.

Тушга яқин «Глобаник файнэншл сервисиз» бошқарувининг раиси Ж. Фосси (Фосси) Ксенос сўзга чиқди.

Фосси Ксенос бугун жиддий, қалтис ва ҳали тайёр бўлмаган, бироқ жуда катта умид қилинаётган, мутлақо махфий лойиҳа тўғрисида маъруза қилди. Унда кўчмас мулкка катта маблағ сарфлашга ва уни хусусийлаштирилишига рухсат олиш ҳамда Перу ҳукуматининг ташқи қарзларини тўлашга доир масала ўртага ташланди. Битим «Глобаник» ва Перу ҳукумати ўртасида аллақачон ҳал қилиб бўлинганди.

Фосси ҳикоя қилган лойиҳа қуйидагилардан иборат эди:

— Ҳозирги кунда Перунинг ташқи қарзи 16 миллиард доллардан ошиб кетган, қарзларини вақтида тўлай олмагани учун халқаро молия ҳамжиҳатлиги бундан буён қарз беришни тўхтатган. Жуда оғир иқтисодий тангликни бошидан кечири-ётган Перу ҳукумати эса олдингидай ишончга кириб, яна қарз ундириш пайида — «Глобаник файнэншл сервисиз» яширин равишда Перунинг 4,5 миллиард қарзини, яъни умумий қарзининг тўртдан бирини, ҳар бир долларга бериладиган 5 фоиздан устамаси билан — 225 миллион доллар қўшимча — тўлаш мажбуриятини олди. Перу ҳукуматига қарз берганлар, асосан, пулларининг қайтарилишига кўзлари етмай турган америкалик банк эгалари шу устамага ҳам рози бўлишганди. Энди «Глобаник» Перуга қарз бериб, уни ўзига қарздор қилиб қўйганди.

— Учта — молия, туризм ва меҳнат вазирлиги орқали ҳукумат «Глобаник» таъминлаган 4,5 миллиард қарзини ҳар бир долларга устама 10 фоиздан тўлаб, уни Перу пули — слойда бериш имкониятига эга бўлаётганлиги Перу ҳукуматига маълум қилинди — Фосси кўрсаткич бармоғини нуқаб кўрсатди: — Шундай қилган тақдирда ҳукумат ўзининг мустақкам пул захираси (асосан долларлар)ни сақлаб қолиш имкониятига эга бўлади.

«Глобаник» Перу валютасини қуйидаги шарт билан қабул қилди: Перу ҳукумати нақд пул ўрнига — ҳозир ўзларига тегишли бўлган иккита нуфузли дам олиш масканини хусусий мулк қилиб, уларга бериши керак. Жуда катта имкони-

ятларга эга бўлган бу дам олиш масканларини бошқаришни «Глобаник файнэншл» ўз қўлига олади. Тинч океани қирғоғидаги дам олиш шаҳарчасини иккинчи Пунтадель — Эстега айлантириш кўзда тутилди. Андаги энг машхур маскан бўлмиш Мачу-Пикчу ва Куско эса сайёҳлар ташриф буюрадиган энг сўлим гўшага айлантирилади.

Фосси сўзининг охирида бир неча кун олдин тугаган, узоқ ва қийин кечган музокаралардан сўнг Перу ҳукумати ва «Глобаник файнэншл» ўртасида «Глобаник»нинг ҳамма талаблари инobatга олинган шартнома имзоланганини айтди.

Ж. Фосис Ксенос ўзининг маърузасини тугатиб, ўтирганидан сўнг, бирдан қарсақлар янгради.

Тео Эллиот ўзининг хурсандлигини яширмай сўради:

— Саволлар борми?

— Бизга айтинг-чи, Фосси,— сўради Марго,— Перудаги сиёсий вазият барқарорми? Охириги пайтлар у ерда ўтаинқилобчи унсурлар ғимирлаб қолишди, устига-устак, улар нафақат Анд атрофида, балки Лима ва бошқа шаҳарларда ҳам фаолият олиб боришяпти. Шундай бир вазиятда дам олиш жойларига пул сарфлашга ҳожат бормикан. У ерга бориб дам олувчилар топилармикан?

Марго бу билан бошини тигга қўяётганини яхши биларди. Бироқ бошқа томондан Фосси унга рақиб эди ва унинг маърузаси хамирдан қил суғургандек, силлик ўтишига йўл қўйиб бўлмасди; бунинг устига агар дам олиш жойлари билан боғлиқ режа амалга ошмайдиган бўлса, Марго аввал бошданоқ бунга қарши бўлганини ҳамма билиб қўйсин. Иккинчи томондан эса агар вақти келиб, Марго «Глобаник»ни бошқарадиган бўлса, бирлашмага келтирадиган мўмай даромади билан Фосси унга зарур бўларди. Шунини эътиборга олиб, Марго иложи борича саволи бамаъни ва беғараз туюлишига ҳаракат қилди.

Фосси унинг найрангини пайқаган бўлса ҳам ўзини сезмаганга олиб, бамайлихотир жавоб қилди:

— Мен бир нарсани аниқ биламан; бу инқилобчиларнинг қирпичоқ бўлиши тез орада тугайди ва Перуда туризмнинг гуллаб-яшнашига имкон берадиган тартиб ва демократия, албатта, қарор топади. Бу мамлакат азал-азалдан демократияга асосланган қадимий анъаналарига эга эканлигини унутмаслигимиз керак.

Марго ортиқча изоҳ талаб қилишдан ўзини тийди, бироқ Фоссининг заиф жойини билиб, келгусида ундан фойдаланиш мумкинлигини эътиборга олиб қўйди. У одамлардаги бундай ҳолатни илгари ҳам кўп кузатган, зеро, гап кўчмас мулк ҳақида бораётган бўлса-да, қўйини пуч ёнғоққа тўлдирадиган бундай режалар ҳақиқатдан йироқ эди. Руҳшунослар буни хаёлпарастлик касаллиги деб атар ва Перудаги қуролли кўзғолоннинг тезроқ тугашига ишонаётганлар, Марго назарида, худди шу касалга чалинганлар эди.

«Шубҳасиз,— ўйлади ўзича Марго,— дам олиш масканларини қўлдан чиқармаслик керак — ҳеч бўлмаганда уни кўриқлаш имкони бўлар, зеро, дунёнинг турли бурчақларидаги дам олиш масканларини ҳам хавф-хатардан йироқ деб бўлмайди. Перу масаласида эса унга сарфланадиган харажат ва вақт ким ҳақ эканлини ҳали кўрсатади».

Тео Эллиот, афтидан, Маргонинг шубҳаларига қўшилмасди.

— Агар бошқа ҳеч кимда савол бўлмаса, унда қани, тушликка марҳамат,— деду у.

## 7

Никкининг айтган гаплари Жессикани қайғуга солди; уларни ростдан Перуга олиб келишган бўлса-чи?

«Қандай қилиб? Ахир орадан кўп вақт ўтгани йўқ-ку?»

Бироқ аста-секин шубҳаси ноўрин эканлини сезди: хотирасида айрим нарсалар жонланиб, Никкининг гаплари айни ҳақиқат эканлигига ишонч ҳосил қилди...

Агар бу жой Перу бўлса, уларни бу ёққа қандай олиб келишди экан? Кап-катта уч одамни беҳуш қилиб, олиб келишнинг ўзи бўлмаса керак...

Бирдан хаёли ёришгандек бўлди. Шу пайтгача ухлаб ётган хотирасида воқеалар яна қайта жонланди.

Энди ғира-шира воқеалар бутун хаёлини банд этганди: мурдашўй одамнинг юзини юлиб олгани... ва шу вақт иккита — бири катта, бири кичикроқ тобутга кўзи тушгани ёдига тушди.

Жессика титроқ аралаш бирдан — ўзларини бу ёққа худди марҳумлардек тобутга солиб, олиб келишган бўлишса керак, деган ўйга борди. Бу ўй шунчалик даҳшатли эдики, Жессика уни хаёлидан қувиб, ҳозирги мудҳиш ва қайғули аҳволи ҳақидагина ўйлашга ҳаракат қилди.

Жессика, Никки ва Энгус ҳали ҳам қўллари орқага боғланган ҳолда турли-туман дарахт ва буталар орасидан ўтувчи тор сўқмоқдан кетишарди. Қуролли кишилар уларни олдидан ва орқасидан кўриқлаб боришарди; биронтаси қадамни секинлатадиган бўлса, орқадагилар дарҳол: «Jandale! Japaurense!»\* деб қичқириб қолишар, тутқунларни елкасига автомат қўндоғи билан тушириб, тезроқ юришга ундашарди.

Кун чидаб бўлмас даражада иссиқ, тер сувдай қуйилиб келарди...

Ҳа, деди Жессика ўзича, Никки билан гаплашган одам ёлғон гапирмаган кўринади. Бу ер ростдан ҳам Перу — ҳозир уйдан узоқда эканлиги ва бу ёвузларнинг чангалидан қутулиш осон эмаслигини ўйлаб, хўрлиги келиб кетди.

Оёқларининг тагидаги тупроқ нам бўлиб, энди юриш тобора қийинлашиб борарди. Жессика орқасида кимнингдир чинқириб юборганини ва ниманингдир гупиллаб ерга қулаганини эшитди. У орқасига ўгирилиб, юзтубан йиқилиб ётган Энгусни кўрди.

Чол матонат билан оёққа туришга ҳаракат қилар, бироқ кўли боғлиқ бўлгани учун, бунинг уддасидан чиқолмасди. Орқадан келаётган автоматли кишилар чолнинг устидан хохолаб қулишарди. Улардан бири Энгуснинг елкасига қўндоқ билан тушириш ниятида олдинга юрди.

— Йўқ! Йўқ! — қичқириб юборди Жессика.

Қуролли киши бир муддат иккиланиб қолди, пайтдан фойдаланиб, Жессика Энгуснинг ёнига чошиб келди, ёнига тиззалаб ўтириб олди. Кўли боғлиқ бўлса-да, у йиқилиб тушмади, бироқ Энгуснинг туришига қўмаклашишнинг ҳам иложи бўлмади. Ҳазабдан юзи буришиб кетган соқчилардан бири унга қараб отилган эди, тўсатдан Мигель ўшқириб, уни тўхтатиб қолди. Мигель, Сокорро ва Баудельо кетма-кет бўлиб, сафнинг бошида туришарди.

Жессика бирдан асабийлашган ҳолда титраган товуш билан мурожаат қилди:

— Ҳа, ҳозир биз сизларнинг асирингизмиз. Бироқ ҳеч қаёққа қочиб кетолмаслигимиз беш қўлдай аён бўлса-да, нима учун қўлларимиз боғлиқ эканини тушунолмаёпман. Ундан кўра қўлларимиз бўш бўлгани сизларга яхши эмасми? Суринамасдан, йиқилмасдан илдамроқ юрган бўлардик. Бу аҳволда қандай юриш мумкин? Озгина бўлса-да, мурувват қилинглар, илтимос. Сизларга ёлвораман, қўлларимизни ечиб қўйинглар.

Мигель ҳаётида илк марта иккиланиб қолди — бунинг устига Сокорронинг гапи ҳам уни шошириб қўйди:

— Агар улардан биронтасининг оёғигами, қўлигами, бошқа жойигами шикаст етса, тезда газак олиб, заҳарланишлари мумкин. Нуэва-Эсперанцеда эса бу қалликка қарши ҳеч нарса қила олмаймиз.

Ёнма-ён турган Баудельо тасдиқлади:

— У тўғри айтаяпти.

Мигель шошиб қўлини силкиди-да, испанчалаб қатъий буйруқ берди. Кўриқчилардан бири — юк машинасида Никкига ёрдам бергани олдинга чиқди. Сопи белига осилиб турган пичоғини чиқарди-да, Жессиканинг орқасига ўтди. Жессика қўлини қийиб турган арқон бўшашиб, ерга тушганини сизди. Кейин Никкининг

\* Юрларнинг, юрларнинг тезроқ (*исп.*).



қўлини ечишди. Энгусни эса олдин турғазишга тўғри келди, Жессика ва Никки унга ёрдам бердилар.

Баланд овозда буйруқ янграб, улар яна йўлда давом этдилар.

Шу бир неча дақиқа ичида, ҳамон дили хуфтон эканлигига қарамай, Жессика баъзи бир нарсаларни аниқлашга улгурганди. Биринчидан, улар борадиган манзил у илгари ҳеч қачон эшитмаган Нуэва-Эсперанце деб аталадиган жой. Иккинчидан, Никкига кўмаклашган одамнинг исми Висента экан. Бунини у қўлидаги арқонни кесаётганда унинг исмини айтиб қақриришгандан билиб олганди. Учинчидан, кулда унинг юзига тарсаки тортиб юборган ва ҳозир Мигелга сўз қотган аёл унча-мунча табибликни тушунаркан. Чандиқли ҳам. Афтидан, уларнинг бирови, эҳтимол иккаласи ҳам врач бўлса керак.

Жессика бу нарсаларни юрагининг туб-тубига жойлаб қўйди: у майда-чуйда нарсалар ҳам бир кун келиб, асқотиб қолишини яхши биларди.

Бир неча дақиқадан сўнг сўкмоқ уларни дарё бўйига олиб чиқди.

Мигель қонунбузарлик йўлига киргандан сўнг қаердадир ўкиган эди: ҳақиқий террорчи ўзининг барча инсоний туйғуларидан воз кечиши, ҳар қандай одамни қўрқув ва ваҳимага солиб, ўзига итоат эттира олиши лозим. Ҳатто террорчини ўлғудай ишлашга мажбур қиладиган ва ҳар бир ишида мададкор бўладиган нафрат туйғусига ҳам агар кўпроқ эрк бериладиган бўлса, ақлни ўғирлаб, хушёрликни қўлдан чиқариши мумкин...

Мигель бу ақидага сўзсиз амал қилар ва бунинг устига доимий ҳаракат ва хавф-хатар террорчи учун зарур омил деб ўйларди. Худди гиёҳванд қораторига хумор қилгандек, у ҳам бу икки нарсасиз қўли ҳеч бир ишга бормасди.

Худди шунинг учун ҳам у эртанги ишни орзиқиб кутаётганди.

Тўрт ойдан буён, Лондонга учиб бориб, сохта паспорт ёрдамида Қўшма Штатларга ўтгандан бошлаб, у ҳаминша хавфо хатарнинг чангалида яшаган ва вазият ҳар бир қадамни ўлчаб босишни тақозо этганди; сўнг ишлари хамирдан қил суғиргандек осон кўчганидан масрур бўлган, энди эса жуда хушёр юриши зарур, йўқса, ҳалок бўлиши ҳеч гап эмасди.

Ҳозир Перунинг бу жимжит чакалакзорларидан унчалик чўчимаса ҳам бўларди. Тўғри, истаган пайтда ҳукумат аскарлари келиб қолиб, ўт очишлари ва сўнгра сўроқ қилишлари мумкин эди, аммо бу унчалик таҳликали эмасди. Бироқ шартномага кўра бу ерда — улар ҳозир боришаётган хилватдаги Нуэва-Эсперанце қишлоғида — яна қанча вақт ўралашиб қолишини худо биларди, чунки «Медельин бирлашмаси»га «Сендеро Луминосо»дагилар бу ҳақда бирон тайинли гап айтишмаганди.

У бу тутқунларни нега қўлга олишганини ва эртага уларни қандай қисмат кутаётганини аниқ билмасди. Билгани шу эдики, тутқунларни кўз қорачиғидек авайлаб-асраши керак эди — эҳтимол, шунинг учун ҳам уларга кўз-қулоқ бўлиб туришни унга топширишгандир; юқоридагилар уни ишончли одам деб ҳисоблашарди. Бу ишларнинг бошида «Сендеро Луминосо»нинг асосчиси, ўзини маопараст ва янги Исои Масих деб ҳисоблайдиган, Мигель назарида ғирт аҳмоқ ва баттол Абист Гусман турарди. Албатта, агар у айни пайтларда тирик бўлса? Уни баъзилар ўлган, баъзилар тирик дейишар, бу мишмишларнинг ҳеч қайсисига — бу чакалакзорга ёмғир ёғиши ҳам, ёғмаслиги ҳам гумон бўлганидек — ишониб бўлмасди.

Бу чакалакзорларни — ёхуд перуликлар тили билан айтганда бу хилватнишинини Мигелнинг кўргани кўзи йўқ эди. Силлани қуришиб ташлайдиган бу намгарчиликни, ҳиркинлик ва моғорни сира ёқтирмасди... худди чоҳнинг ичига тушиб қолгандай, ҳаммаёқни босиб кетган, ўтиш қийин бўлган бу чакалакзорда қолиб кетиш хавфини ҳис қилишга асло тоқати йўқ эди. ... Чигирткаларнинг тинимсиз чириллаши жазавасини қайнатарди... заҳарли илонларнинг тўдаси секин судралиб келиб қолганини киши билмай ҳам қоларди. Чакалакзорнинг катталигини айтмай-сизми, сал бўлмаса Калифорниядан икки баравар келарди — зеро, мамлакат аҳолисининг беш фоизи яшаса-да, чакалакзорлар Перу ҳудудининг бешдан уч қисмини ташкил этарди.

Перуликлар учта Перу бор деб айтишарди: улардан биринчиси — минг милга-

ча чўзилган шаҳарларида доимо савдо-сотик қизғин, қирғоқларида ҳаёт қайнаган Перу, иккинчиси — ўз анъаналари ва тарихини авайлаб-асраб келаётган, улкан чўққилари Ҳималай билан тенглашадиган Жанубий Анд тоғликлари ва ниҳоят, учинчиси Амазонка ҳавзаси атрофидаги хилватнишин — маҳаллий, ёввойи аҳоли яшайдиган жой — чакалакзорлар.

Дастлабки икки Перу Мигелга ёқарди. Бироқ учинчи Перуни кўргани кўзи йўқ эди. Чангалзор унинг учун *asquevosa*\* жой эди.

У яна беихтиёр инқилобнинг «Порлоқ йўли» — «Сендеро луминосо» ҳақида ўйлай бошлади...

«Сендеро луминосо» жангарилари мавжуд ҳукуматни ағдариб ташлаб, бутун Перуда ўз ҳокимиятларини ўрнатишларига ишонардилар. Бироқ, бунга кўп вақт керак эди. Ҳаракат дастури бир-икки йилга эмас, бир неча йилларга мўлжалланган эди. Бироқ ҳозирданоқ «Сендеро» йирик ва кучли ташкилотга айланган, унинг таъсир доираси ҳукумат раҳбарлари ўртасида ҳам тобора кенгайиб борар, Мигель эса тез орада давлат тўнтаришини ўз кўзим билан кўрсам керак, деб умид қиларди. Албатта, бу *odiosa*\*\* чакалакзорда ўтириб эмас.

Нима бўлганда ҳам Мигель ҳозир тутқунларни бир ёқли қилиш борасидаги буйруқни сабрсизлик билан кутаётгани — афтидан, буйруқ «Сендеро» катта таъсир кучига эга бўлган Анд тоғ ёнбағридаги қадимий шаҳар Аяжучодан келиш керак эди. Нафсиламбирини айтганда, буйруқнинг қаердан келишининг Мигель учун фарқи йўқ, фақат тезроқ ишга киришса бўлгани.

Ҳозир унинг қаршисида учи-қуйруғи йўқ бу чангалзордаги бирдан-бир ёруғлик — Хуальяга дарёси ястаниб ётарди. Мигель тўхтаб, дарёни яхшилаб томоша қила бошлади.

Кенг ва Анд тоғларининг чўққиндилари кўшилиб, лойқаланиб оқаётган Хуальяга бундан уч юз мил наридаги Мараньон дарёсига бориб қуйилар, Мараньон эса ўз навбатида қудратли Амазонкага қуйиларди. Кўп асрлар муқаддам португалиялик сайёҳлар бутун Амазонка кўрфазини О Рио Маг Дарё-денгиз деб аташганди.

Уларни самолётдан кутиб олган қуролли кўриқчилар гуруҳининг бошлиғи Густаво — ўзлари олиб келаётган юкни қайиққа жойлаштиришни буюрди. Сўнг одамларни қайиққа бўлиб чиқди — тутқинлар биринчи қайиққа чиқишлари керак эди. Қайиққа жойлашиб олгунга қадар ҳукумат аскарлари келиб қолмасин, деган хавотирда иккита кўриқчига Густаво кўз-қулоқ бўлиб туришни тайинлагани Мигелга маъқул бўлди.

Ишнинг боришидан Мигелнинг кўнгли тўқ эди, шунинг учун аралашишни лозим топмади. Нуэво-Эсперанцега борганда у яна жиловни ўз қўлига олади.

Дарёни кўриб, Жессика яна ўзларининг киши билмас овлоқда эканликларини ҳис қилди... У, Никки, Энгус кўндоқ остида тиззаларига сув кечишиб қайиқлардан бирига қараб юришди; қайиққа чиқиб олганларидан сўнг эса уларга пастдаги ҳўл тахта устига ўтиришни буюришди...

Шунда Жессика Никкининг кўнгли беҳузур бўлганидан ранги оқариб, букчайиб қолганини кўрди. Зеро, тупукдан бошқа нарса қайд қилмаётган бўлса-да, ўпкаси томоғига тикилиб қолгудай эди. Жессика унинг ёнига сурилиб, атрофга жовдираб боққанча, бағрига босди.

Биринчи бўлиб, унинг кўзи чандиқли кишига тушди; у қирғоқ бўйлаб юриб келиб, қайиқнинг рўпарасига келиб тўхтади. Жессика энди оғиз очмоқчи бўлганди, илгари бир неча бор кўрган аёл келиб қолди ва чандиқли унга буюрди:

— Уларга яна сув бер. Олдин болага ичир.

Сокорро алюмин идишга сув қуйиб, Николасга тутди — у ютоқиб ича бошлади; танасидаги титроқ аста-секин босилди. Никки зўрға оғзини очиб гапира бошлади:

\* Кабоҳат, жўрканч (исп.).

\*\* Лънати (исп.).

— Корним очди.  
 — Ҳозир ейдиган ҳеч нарса йўқ,— деди Баудельо,— сабр қил.  
 — Ахир сиз врачсиз-ку,— таъна қилди унга Жессика.  
 — Сенинг ишинг бўлмасин.  
 — Бунинг устига америкалик,— кўшилди Энгус,— унинг талаффузини эшит-  
 дингми...

Баудельо миқ этмай бурилди-да, бошқа қайиққа ўтирди.  
 — Илтимос сизлардан, бирон егулик беринглар,— такрорлади Никки ва Жес-  
 сикага ўтирилди.— Ойижон, қўрқиб кетаяпман.

Жессика уни бағрига қаттиқроқ босиб, ноилож деди:

— Мен ҳам, жоним.

Бу гапларни эшитган Сокорро, афтидан, иккиланиб қолди. Сўнг елкасида осиб турган сумкасини очди-да, ундан «Кэдбери» шоколадининг катта бир бўлагини олди. Урамидан очди-да, олтига бўлиб, ҳар қайси тутқунга иккитадан бўлакни индамай узатди. Энг охирида Энгусга тутди — у кескин бош чайқади.

— Менинг ҳақимни ҳам болага беринг.

Сокорро ранжигандек афтини буриштирди-да, шоколадни ўраб қайиқнинг ту-  
 бига ташлади, ўзи иккинчи қайиққа қараб жўнади.

Юк машинасида бирга келишган қуролли кишилардан бир нечтаси уларнинг қайиғига чиқишгач, иккала қайиқ ҳам қирғоқдан узоқлашди. Жессика уларни қайиқ олдида кутиб олганлар ҳам қуроланган эканини англади. Ҳатто қайиқнинг бошидаги, мотор устида ўтирган икки кишининг ҳам тиззаларида ўқланган автомат ётарди. Зеро, қаердалиги номаълум бўлса-да, афтидан, қочишнинг сира иложи йўқ эди.

Иккала қайиқ ҳам дарё оқимига қарши юқорига қараб сузиб кетар экан, Со-  
 корро ҳозирги қилмиши учун ўзини койий бошлади. У биров кўриб қолмадимикан деган хавотирда эди. Ҳатто Перудан ҳам топиш мушкул бўлган шоколадни тутқунларга бериши ожизлик бўлиб, инқилобчиларнинг нафратига лойиқ бўлган кўпгилчанликдан бошқа нарса эмасди.

Бахтга қарши, эҳтимол, тўхтовсиз қирғинбаротнинг таъсири туфайлидир, у вақти-вақти билан ўзида шундай иродасизликни сезиб қоларди...

Дарё тўлкини ва ўт-ўлан қоплаган ям-яшил қирғоққа тикилиб, Сокорро беихтиёр уйқуга кетди. Уч соатлардан сўнг қайиқнинг сузиши секинлашди — Хуальяги дарёсининг унча катта бўлмаган бир қуйилиш жойига етгандилар — улар сузиб борган сайин қирғоқ шунчалик торайиб борарди. Сокорро Нуэва-Эсперанцега яқинлашаётганликларини билди; у ерда эса инқилобий кайфиятда яна руҳи тиклашади.

Баудельо Хуальяги дарёсининг қуйилишида сузиб бораётган олдиндаги қайиқдан кўз узмас экан, сафари охишлаб қолаётганидан хурсанд эди. У ўзига буюрилган ишни бажарган ва тез орада Лимага қайтиб кетишига ишонар эди. Асирларни бу ерга соғ-саломат етказиб келишлари билан унга жавоб беришга ваъда беришган эди.

Асирлар эса кишини лоҳас қиладиган дим ҳавога қарамасдан соғ-саломат эдилар.

Ҳаёлидан шу фикрлар ўтар-ўтмас осмондаги булутлар қуюқлашиб, бирдан ёмғир ёғиб юборди. Олдинда қирғоқ ва у ерда қаторлашиб турган қайиқлар кўриниб турар, бироқ қирғоққача ҳали масофа узоқ бўлиб, асирлар ҳам, кўриқчилар ҳам ёмғирда ивишларига тўғри келди.

Баудельога ёғаётган ёмғирнинг ҳам, умуман, ўтаётган умрининг ҳам ҳеч бир кизиғи йўқ эди... Ўзининг мижозларига нисбатан қачонлардир ҳис қилган инсоний туйғулардан у аллақачонлар мосуво бўлганди.

У ҳозир фақат бир нарсани — сув ичишни, ичганда ҳам тўйиб-тўйиб, чанқоғини босишни истарди...

Бундан ташқари унинг Лимадаги таниш аёлнинг ёнида бўлгиси келарди. У ил-

гари фоҳиша бўлган, худди унинг ўзига ўхшаб, ичкиликка муккасидан кетган, ис-лики бир аёл эди; бироқ унинг бу маънисиз ҳаётида бирдан-бир яқин одами шу аёл бўлгани учун ҳозир уни жуда соғинган эди. Бундан бир ҳафта олдин ёлғизликда зеркиб аёлга Хакенсакдан яширин телефон қилганди. Бу билан Мигелнинг юзига оёқ қўйган ва кейин Мигель билиб қолмаса гўрга эди деб, кўрқиб юришига тўғри келганди. Афтидан, ҳаммасидан осон қутулганга ўхшайди...

О, қанийди бир тўйиб сув ичса!

Шоколад бир оз бўлса-да қоринни алдади.

Жессика бу турки совуқ аёл нега бирдан шоколадни уларга раво кўрганини ўйлаб, бошини қотириб ҳам ўтирмади, фақат унинг феъли ғалати эканини эътиборга олиб қўйди. Жессика шоколадни кўриқчилар кўриб қолмаслиги учун кўйлагининг чўнтагига солиб, яширди.

Қайиқда сузиб боришар экан, Жессика шоколаднинг катта бир бўлагини Никкига берди, ўзи ҳам озроғини еб, Энгусни бир бўлак татиб кўришга мажбур қилди...

Жессика Энгуснинг соқолига қараб бирдан қотиб қолди; учаласи қанча вақт беҳуш бўлганини билиш қийин эмасди... У бу ҳақда Энгусга айтди: у иягини пайпаслаб кўриб, соқолини олгандан буён орадан тўрт-беш кун ўтганини айтди.

Ҳозир бунга ҳеч бир ҳожат бўлмаса-да, Жессика аста-секин маълумот йиғишга киришди.

Дарёда бир неча бор бошқа қайиқ ҳам кўринган, бироқ биронтаси ҳам уларга яқин келмаганди.

Жессиканинг эти тинмай қичиша бошлади... У кулбадан бит илаштирганини биларди, бироқ ундан қутулиш осон эмасди. Ҳозир борадиган жойларида сув се-роб бўлса, кўйлақни ювиб, битдан қутуларман, деб ўйлади.

Бошқалар каби, Жессика, Никки, Энгуснинг ҳам усти ёмғирда жиққа ҳўл бўлганди... Бироқ қайиқ қирғоқдаги омонат ёғоч тўсиққа келиб урилиши билан, ёмғир бирдан тўхтади ва қандай овлоқ жойга келиб қолганини кўриб, учаласининг ҳам руҳи тушиб кетди.

Дарёга олиб келадиган эгри-бугри ифлос йўлнинг охирида — йигирмага яқин пугурдан кетган уйлар кўриниб турарди; уларнинг айримлари жуда хароб бўлиб, эски яшик ва чириб кетган темирларни тақаб, бамбук новдаси билан боғлаб чиқилганди. Кўпчилик кулбаларнинг деразаси йўқ эди — бироқ улардан иккитаси-га даҳлизга ўхшаш қурилма туташиб турарди. Похол ёпилган томлари аллақачон ўйилиб, яроқсиз ҳолга келиб қолган, ҳаммаёқда консерва қутилари ва ҳар хил ах-латлар сочилиб ётганди. Бир неча нимжон товуқлар қаровсиз юрар, озиб-тўзган итлар эса тосиқда беҳол чўзилиб ётишарди...

Йўл тоққа туташган, унинг икки ёнбошидаги ўтиб бўлмас чакалакзор эса қирғоқдан кўриниб турарди. Қияликдан ошгандан сўнг йўл тугарди.

Жессика ва бошқалар ҳам Нуэва-Эсперанце — «Сендеро луминосо» ташкило-ти вақти-вақти билан баъзи операцияларни амалга оширишда қўналға сифатида фойдаланиб келадиган балиқчилик қишлоғи эканлигини кейинчалик билиб оли-шади.

— Inayanse atierra! imuevanse! Jarigueuse!\* — кичқирди Густаво асирларга, қайиқдан тушишларига ишора қилиб.

Шундан сўнг юз берган воқеалар, улар кутганларидан ҳам баттар бўлиб чиқди.

Улар — Густаво ва яна тўрт кўриқчи кузатувида — ўйдим-чуқур йўлдан кета бошлашди; сўнг уларни чеккадаги саройга итариб киргизишди. Саройдаги қоронғиликка кўзлари кўниккунга қадар орадан бир неча дақиқа ўтди. Шундан сўнг Жессика даҳшатдан чинқириб юборди:

— Во, худойим, йўқ! Бизни бу ерга қамаманглар! Фақат қафасга солманглар, ахир биз ҳайвон эмасмиз-кў! Ёлвораман! Илтимос, бундай қилманглар!

\* Қирғоққа чиқинглар! Тезроқ! Қимирланглар! (Исп.)

У қаршисидаги девор томонда ҳар бири саккиз квадрат фут келадиган учта қафас турганини кўрди. Ингичка, чайир бамбук новдалари устидан темир ўралган ва жуда мустаҳкам қилинганди. Асирлар бир-бирлари билан алоқа қилмасликлари учун қафас ўртаси сим тўсик билан ёпиб ташланганди. Ҳар бир қафас эшиги темирдан қилинган бўлиб, унда оғир қулф осилиб турарди.

Ичкарида эса эски тўшак солинган кат ва унинг ёнида, афтидан, ҳожат чиқариш учун мўлжалланган руҳ челақ турарди. Сарой ичидаги қўланса ҳиддан кишининг нафаси қайтиб кетарди.

Жессика ёлвориб, қаршилик кўрсата бошлаганда, Густаво унинг елкасидан кисиб ушлаб олди. У силтаниб чиқишга уришиб кўрди, бироқ эркакнинг чайир қўлларидан қутулиш осон эмасди. Жессикани ичкарига итариб киргизар экан, у ўшқирди:

— Vete pova adentroll! — ва бурролаиб инглизча таржима қилди: — Қани, ичкарига.

«Ичкари» дегани энг охиридаги қафас эди; Густаво уни итариб ўша ёққа киргизди. Жессика ичкаридан деворга ўзини уриб, ёлворар экан, эшик ёпилиб, темир қулф қулфланганини эшитди...

Кўшни қафасда эса Никки хўнграб йиғларди...

## 8

Си-би-эйга вақтинчалик ёлланган олтмиш киши маҳаллий газеталарни кўздан кечиришга киришгандан буён орадан бир ярим ҳафта вақт ўтди... Афсуски уларнинг уринишлари зое кетди, шу пайтгача бирор натижага эришишолмади.

ФТБ сукут сақлар, қидирув боши берк кўчага кириб қолганини тан олгиси келмасди. Мишмишларга қараганда бу ишларга МРБ ҳам жалб этилган, бироқ бу ҳақда ҳеч қандай расмий хабар йўқ эди.

Афтидан, улар жиноятчилар ўз шартларини қўйиш учун алоқа қилишларини кутаётганди. Бироқ жиноятчилар ҳам сувга чўккандай жимжит эди.

Оммавий-ахборот воситалари ўғирлик ҳақидаги хабарга ҳамон эътибор беришаётган бўлса-да, бироқ телевидение кўрсатувларида бу муҳим янгилик бўлмаб қолган, газеталар эса бу ҳақдаги хабарни ички саҳифалардагина ёритишарди, холос.

Аммо бошқа телестанциядан фарқли ўларок, Си-би-эй рақобатчи Си-би-эс телестанцияси қачонлардир қўллаган жанговар усулда ушбу жиноят ҳақида тинмай хабар берарди. 1978—1981 йилларда Эронда Америка фуқаролари гаровга олинган қийин вазиятда, Си-би-эснинг «Окшом хабарлари» шарҳловчиси Уолтер Кронлайт ҳар кўрсатувни қуйидаги сўзлар билан якунларди: «Бугун Америка фуқароларини Эронда гаровга олишганига... шунча кун бўлди».

Шарҳловчилик вазифасини ўтаётган Гарри Партриж ҳам энди ҳар бир кўрсатувини худди шундай бошларди.

«Окшом хабарлари»нинг ҳар бир сониди Слоун оиласи — ҳатто ҳеч қандай янгилик йўқ бўлса ҳам — тўғрисида эслатиб ўтардилар, бу усулни Лэс Чиппингем ва Чак Инсен ҳам маъқуллашганди.

Гарри Партриж ўзининг хонасида ўтирганди. Қоғозлардан бошини кўтариб, эшик олдида Тедди Купер ва унинг ортида турган ҳабаш Жонатан Монига кўзи тушди...

— Гарри, биз, афтидан, нимадир топганга ўхшаймиз, — деди Купер.

Партриж уларга киришга имо қилди.

— Жонатан, ўзинг айта қол. — Купер Монига бош ирғади. — Бошлайвер.

— Кеча, мистер Партриж, мен Асториддаги маҳаллий газеталардан бирининг тахририятида бўлдим, — гап бошлади Мони. — Бу Жэксон Хейтсдан унча узоқ бўлмаган Куинснинг маҳаллий нашрларидан. Тахририят жойлашган бинодан чиқаётиб бир эшикдаги «Испан тилида чиқадиган «Семана» ҳафталигининг тахририяти» деган ёзувга кўзим тушди. Рўйхатга унинг номи киритилмаганди, бироқ кириб кўришга аҳд қилдим.

— Сиз испан тилини биласизми?

— Унча-мунча. Мен бизни қизиқтираётган даврда чиққан сонларни кўриб чиқишга рухсат сўрагандим, изи беришди. Лекин бирор нарса тополмадим ва энди кетмоқчи бўлиб тургандим, қўлимга газетанинг охири сонини тутқазишди. Газетани ўзим билан бирга олиб кетиб, кеча кечқурун уйда кўриб чиқдим.

— Эрталаб эса менга олиб келди,— кўшиб қўйди Купер. У кичик ҳажмли газетани олиб, Партрижнинг столи остига ёйди.— Мана ўша қизиқарли устун, бу эса Жонатан қилган таржима.

Партриж газетага кўз ташлаб, сўнг бир вараққа машинкада ёзилган таржимани ўқий бошлади.

«Салом. Худди Сизу биз баққоллик молларини сотиб олганимиздай кимдир бемалол тобут сотиб олишни тасаввур қила оласизми? Бироқ шунақаси ҳам бўл тураркан — «Годойнинг дафн қилиш маҳкамаси» муассасасидаги Альберт Годойдан сўрасангиз айтиб беради.

Қандайдир йигитча тўғри кўчадан келиб, биттаси каттароқ, иккинчиси болаларга мўлжалланган иккита тобутни индамай сотиб олибди. Йигитчанинг айтишича, уларнинг бирини отасига, кичикроғини онасига совға қилмоқчи эмиш. Қарияларга яхши совға, тўғрими? «Отажон, ойижон, шунча яшаганларингиз етар, қани энди обрўларингиз борида...»

Ҳали шошилманг, бу ҳаммаси эмас. Ўтган ҳафта — биринчи харидидан олти ҳафта ўтгандан сўнг — худди ўша йигитча яна пайдо бўлади: унга яна битта тобут керак бўлиб қолибди. Бу тобутга ҳам худди олдингилардек нақд пул тўлаган. Тобут кимга эканлигини айтиб ўтирмаган. Эҳтимол, бу сафар хотини хиёнат қилгандир?

Бироқ, Альберт Годойга фарқи йўқ. Фақат фойда кўрса бўлгани — қанча тобут десангиз топиб беради, ҳатто у ер юзидаги барча одамларга ҳам тобут ясаб бериши мумкин».

— Яна бир нарса, Гарри,— деди Купер.— Биз ҳозиргина «Семана» таҳририяига қўнғироқ қилдик. Жонатан гаплашди, бахтимизга, хабар муаллифи жойида ўтирган экан.

— Менга айтишича,— деди Мони,— у мақолани ўтган жума куни ёзган. Ўшанда Годой учинчи тобутни сотган — уни барда учратган экан.

— Яъни, — қўшимча қилди Купер, — ўғирлик содир этилган куннинг эртасига.

— Шошилманглар,— деди Партриж, — мулоҳаза қилиб кўрай.

Купер ва Мони жим бўлиб қолишди. Партриж ўйлай бошлади.

«Хотиржамроқ бўл,— деди у ўзига ўзи.— Ўзингиз қўлга ол». Ҳаммаси мос келаётгани: биринчи икки тобут ҳали ўғирлик содир этилмадан олти ҳафта олдин, Слоун оиласини кузата бошлашлари билан сотиб олинган...

Сўнгра эса Энгус кутилмаганда пайдо бўлади. Демак, унинг келишини Слоунларнинг ўзлари ҳам кутмаганларидек, ўғриларнинг ҳам хабари бўлмаган. Бироқ уни ҳам Жессика ва болага кўшиб ўғирлашган. Икки кишининг ўрнига уч кишини ўғирлашган...

Ўғирлик содир этилганининг эртасига «Годойнинг дафн этиш маҳкамаси»дан ортиқча тобут шунинг учун сотиб олинмаганмикан?

Нахотки бу тасодиф бўлса? Бўлиши мумкин. Эҳтимол, бунчалик эмасдир.

Партриж ўзига бетоқат бўлиб, тикилиб ўтирган иккала ҳамкасбига тикилди...

— Биласанми, нимани ўйладим,— деди Купер.— Менимча, миссис Слоун ва бола ҳамда чолни мамлакатдан қай тахлит олиб чиқиб кетишгани бизга энди аён.

— Тобутдами? Ўлдиришган деб ўйлаясанми?

Купер бош чайқади.

— Уларга қорадори беришган. Бундай ҳолни илгари ҳам кўрганмиз.

Партриж ҳам худди шундай фикрда эди.

— Энди нима қиламиз, мистер Партриж? — сўради Мони.

— Тезроқ бу тобуткаш... — Партриж дафн этиш маҳкамаси манзили ёзилган қоғоздаги таржимага кўз югуртирди.— ... Годойни топиш зарур. Бу билан ўзим шуғулланаман.

— Сиз билан борсам майлими?

— Гарри, менимча, у бунга лойиқ,— деди Купер.

— Мен ҳам худди шу фикрдаман.— Партриж Монига кулиб қўйди.— Баракалла, Жонатан...

Партриж ўзи билан операторни ҳам олиб, дарҳол жўнашга қарор қилди.

— Минь Ван Кань, менимча, мажлисхонада бўлиши керак,— Куперга мурожаат қилди у,— апаратыни олиб, бизнинг олдимишга келсин, унга айт.

Купер чиқиб кетиши билан Партриж телефон гўшагини олиб, хизмат машинаси чақиртирди.

Репортёрлар хонасининг ёнидан ўтаётиб, Партриж ва Мони Си-би-эйнинг иқтисод бўйича шарҳловчиси Дон Кеттерингга дуч келдилар. Слоун оиласининг ўғирлангани тўғрисидаги фавқулодда хабарни биринчи марта Кеттеринг экранга олиб чиққанди.

Ҳозир эса у сўради:

— Бирор янгилик борми, Гарри?

Партриж нима дейишни билмай, жим бўлиб қолди. У Кеттерингни фақат иқтисодчи сифатида эмас, биринчи даражали репортёр бўлгани учун ҳам ҳурмат қиларди. Тобуткаш масаласида эса Партрижга нисбатан вазиятни у яхшироқ тушуниши мумкин эди.

— Баъзи бир нарсалар ойдинлашаётганга ўхшайди, Дон. Ҳозир бандмисан?

— Унчалик эмас. Уолл-стритда бугун хотиржамлик. Ёрдамим керакми?

— Ёмон бўлмасди. Юр биз билан. Йўлда ҳаммасини тушунтириб бераман.

— Мен бир оғиз «чамбарак»дагиларга айтиб қўяй.— Кеттеринг столдаги яқинроқ телефон гўшагини кўтарди.— Орқангиздан етиб оламан.

Партриж, Мони ва Минь Ван Канлар кўчага чиқишди; бир дақиқадан сўнг Си-би-эй биносининг эшиги олдига Жип-фургон — хизмат машинаси келиб тўхтади. Уларга Дон Кеттеринг ҳам қўшилиб, машинанинг орқасига ўтирди.

— Куинсга ҳайданг,— деди Партриж ҳайдовчига...

Тезда бурилиб олган машина шарққа — Куинсборо кўпригига қараб елиб кетди.

— Дон,— деди Партриж Кеттерингга ўгирилиб,— биласанми, бизга баъзи бир нарсалар маълум бўлди ва ҳозир ўшани аниқлаш учун кетаяпмиз...

Йигирма дақиқалардан сўнг Гарри Партриж, Дон Кеттеринг ва Жонатан Мони Годойнинг ивирсиган, тамаки тутуни ўтириб қолган хонасига кириб борганлариди, ёзув столида ўтирган дафн этиш маҳкамасининг эгаси бўлмиш, бақалоқ калкиши уларга пешвоз чиқди.

Партрижнинг кўрсатмасига мувофиқ Минь Ван Кань машинада кутиб турадиган бўлди. Зарурад туғилиб, чақирганларига қадар Ван Кань машинада туриб, Годойнинг дафн этиш маҳкамасининг биносини билдирмай суратга ола бошлади.

Тобуткаш ҳар доимгидек сигаретини тутатганча ташриф буюрганларга синчков назар ташлади. Улар эса ўз навбатида унинг тўзғиган хонасига, тўхтовсиз ичкилик туфайли солқиб кетган юзига ҳамда қора нимча, кулранг йўл-йўл шимига яхшилаб разм солишга улгуришганди. Бу жойнинг обрў-эйтиборли ва нуфузли маҳкамалардан эмаслиги аниқ кўриниб турарди.

— Мистер Годой,— гап бошлади Партриж,— қабулхонадаги ёрдамчингизга хабар қилганимдек, биз Си-би-эй телестанциясиданмиз.

Годойнинг юзида қизиқувчанлик аломатлари кўринди.

— Сизни телеэкранда кўргандим! Оқ уйдан кўрсатув тайёрлагандингиз.

— У Жон Кочрэн эди, баъзида мени унга ўхшатишади. У Эн-би-сида ишлайди. Менинг исмим Гарри Партриж.

Годой тиззасига шапателиб урди.

— Ҳа-а, ўғирлик ҳақида гапирган сизмидингиз?

— Ҳа, бу ёққа келишимизга ҳам сабаб худди шу нарса. Ўтирсак бўладими?

Годой курси кўрсатди. Партриж ва бошқалар унинг қаршисига ўтиришди.

Партриж «Семана»ни ёйиб, ундан сўради:

— Сиз бу билан танишиб чиққанмисиз?

Годойнинг афти бурушди.

— Ярамас, суллоҳ, итвачча. Босишга ҳаққи йўқ эди бу гапларни. У искович эшитсин деб айтмаганман.

— Демак, сиз газета билан танишсиз ва гап нима ҳақда эканлиги сизга аён.

— Шундай ҳам дейлик. Хўш, нима бўпти?

— Агар бизнинг баъзи бир саволларимизга жавоб берсангиз, сиздан жуда миннатдор бўлардик. Бу тобутларни сотиб олган кишининг исми шарифи ким? Турқи қандай? Кўринишини бизга тасвирлаб бера оласизми?

Тобутсоз кескин бош чайқади.

— Менинг ишимга бурнингизни суқманг.

— Тушунинг, бу ахир жуда муҳим,— деди Партриж дўстона оҳангда гапиришга ҳаракат қилиб.— Бу воқеа билан ҳозир сиз эслаган Слоун оиласининг ўтирланиши ўртасида боғлиқлик бўлиш эҳтимоли бор.

— Ҳеч қандай боғлиқлик кўрмаяпман.— Годой қатъий оёқ тираб туриб олди.— Бу менинг шахсий ишим ва сизларга айтадиган гапим йўқ. Агар маъзур тутсанглар, мен ишга киришсам.

Шунда жимгина ўтирган Дон Кеттеринг гапга аралашди:

— Тобутни қиммат нарҳда сотгансиз, шундайми, Годой? Қанчага сотганингизни айтмайсизми?

Тобутсоз тутакиб кетди:

— Ахир неча марта айтишим мумкин? Бу менинг ишим, сизлар эса ўз ишларингдан қолманглар.

— Бизнинг ишимиздан ташвишланманг,— деди Кеттеринг.— Ҳозироқ ишимизга киришамиз-да, тўғри шу ердан Нью-Йорк шаҳар молия бошқармасига қараб жўнаймиз. Бу ерда,— у бармоғини нуқиб «Семана»ни кўрсатди,— учала тобут учун ҳам нақд пул олганингиз айтилган ва бу ишда молиячиларни доғда қолдириб, солиқ тўламаганингизга ишончим комил; агар рўйхатга олганингизда эди, унда, сотиб олувчининг исми шарифи ҳам кўрсатилган бўларди.— Кеттеринг Партрижга ўгирилди: — Гарри, бу камгап нусхани шу ерда қолдириб, молия ходимининг олдига борсак бўлмайдами?

Годойнинг ранги оқариб, гўлдирай бошлади:

— Эй, салга жаҳллариңг чиқмасин. Шошманглар.

— Хўш, нима гап? — сўради Кеттеринг ўзини гўлликка солиб.

— Эҳтимол, мен...

— Эҳтимол, сиз солиқ тўлагандирсизу балки бу ҳақда хабар қилишга улгурмагандирсиз, бироқ сиз нақд пул олганингизга қанча бўлди? — дарров унинг гапини бўлди Кеттеринг. Сўнг қўшиб қўйди.— Менга яхшилаб қулоқ солинг, Годой. Бизнинг телестанциямиз катта имкониятларга эга, агар зарур бўлса — айниқса, гап ҳозиргидек ходимларимиздан бирининг тақдири — унинг оиласини ўтирлаганларни қидириб топиш устида бораётганда — бу имкониятларни ишга солишимиз мумкин. Бизнинг саволларимизга тез ва тўғри жавоб берасиз; агар шундай қилсангиз, ҳимматингизни унутмаймиз — бизга тааллуқли бўлмаган кирди-корларингизни — солиқ тўламаганингизни, нақд пулни яширганингизни ошкор қилиб ўтирмаймиз... Агар ёлғон гапирадиган бўлсангиз, ФТБдан вакиллар, шаҳар полицияси ва молия назоратчилари шу бугуноқ бу ерга етиб келишади. Бу ёғини ўзингиз танланг. Ким билан ишлаганингиз маъқул, улар биланми, биз биланми?

Годой тамшаниб қўйди:

— Саволларингизга жавоб бераман, йигитлар,— унинг овози қалтираб чиқди. Кеттеринг бош ирғади.

— Гарри, бошла.

— Жаноб Годой,— сўради Партриж,— тобутни сотиб олган кишининг исми ким эди?

— У ўзини Новакман деб таништирди. Бироқ унга ишонмадим.

— Ишонмай жуда тўғри қилгансиз. Яна бирон нарса биласизми?

— Йўқ.

Партриж чўнтагини кавлай бошлади.

— Сизга ҳозир бир сурат кўрсатаман. Сиз эса рўйиростини айтинг.

У Улиесес Родригеснинг йигирма йил олдин қора қаламда чизилган расмини Годойга узатди.



— Бу ўша,— деди тобутсоз иккиланмасдан.— Новак. Ҳозир суратдагидан кўра ёши ўтганроқ кўрнаниди.

— Ҳа, биламиз. Ишончингиз комилми?

— Эсимни ебманми, танимай. Уни икки марта кўрдим. У худди сиз ўтирган жойда ўтирганди.

Қидирув бошлангандан буён бугун биринчи марта Партриж ўзларининг ишидан қандайдир қопқиши ҳосил қилганди. Тобутнинг сотиб олиниши билан ўғирлик бир-бирига боғлиқ эканлиги равшан эди. У Кеттеринг ва Мониға кўз ташлаб, улар ҳам шу фикрда эканликларини тушунди.

Партриж тобутсозга яна бир қанча саволлар билан мурожаат қилди. Бирок уларга аниқ жавоб ололмади, чунки Улисес Родригес иложи борича из қолдирмасликка ҳаракат қилганди.

— Сенинг бошқа саволларинг йўқми, Дон? — сўради Партриж Кеттерингдан.

— Бир-икки оғиз.— Кеттеринг Годойға мурожаат қилди:— Годой, тўлаган пуллар тўғрисида сўрамоқчи эдим. Агар адашмасам, сиз ҳаммаси бўлиб ўн минг доллар, асосан юзталиклар эди, дедингиз. Шундайми?

— Шундай.

— Пулларда шубҳали бирор нарса сезмадингизми?

Годой бош чайқади.

— Пулларда шубҳали нима бўлиши мумкин — пул ўз оти билан пул-да.

— Улар янгимиди?

— Бир-иккитасини айтмаса, қолганлари эски эди.

— Бу пулларни нима қилдингиз?

— Сарфлаб қўйдим. Унга-бунга ишлатдим, қарзларимни тўладим.— Годой елкасини қисди.— Ҳозир пул қўлнинг қиридай тез кетиб қолади.

Бутун суҳбат давомида Жонатан Мони тобутсоздан кўз узмаганди. Пул ҳақида гап очилгандаёқ у тобутсознинг асабийлашганини пайқаганди. Бунга унинг ишончи комил эди. У ёндафтарчасига шмадир ёзиб, уни Кеттерингга узатди. Унда шундай деб ёзилганди: «Алдаяпти. Пулнинг ҳаммасини ишлатмаган. Солиқдан қўрқиб, тўғриси айтгиси келмаяпти».

Кеттеринг ёзувни ўқиди-да, билдирмай бош ирғаб, дафтарчани қайтариб берди. У худди кетишга чоғлангандек ўрнидан турди-да, Годойдан илмоқлаб сўрай бошлади:

— Бошқа ҳеч нарса ёдингизда йўқми? Балки бирор муҳим нарсани айтгингиз келмаётгандир? — У шундай деб эшик томон йўналди.

Годой ҳаммаси силлиқ тугаганига ишонч ҳосил қилиб, енгил нафас олди; суҳбат тугашидан хурсанд эканлигини яширгиси ҳам келмай, дарҳол жавоб қилди:

— Бошқа ҳеч нарса билмайман.

Кеттеринг шитоб билан ортига бурилди-да, газабдан туси ўзгариб, столга яқинроқ келиб энгашди, тобутсоз ёқасидан тутди. Уни ўзига яқинроқ олиб келиб, ўшқирди:

— Сен ярамас, ёлғончисан, Годой. Пулдан ҳали бор-ку. Бизга кўрсатгинг келмаяптими? Унда солиқ бошқармасидагилар ҳозир етиб келишади. Сени огоҳлантирган эдим, ёрдам берсанг жим бўламан деб, энди ўзингдан кўр.

Кеттеринг Годойни итариб жойига ўтирғазди-да, чўнтагидан кичкина ён дафтарча олиб, столда ўзига яқинроқ турган телефонга қўл чўзди.

— Йўк! — қичқирди Годой. У телефонни қолқиб олди. Оғир нафас олиб, харсиллаганча қичқирди: — Аблаҳ. Бўпти, айтаман.

— Уйлаб кўр,— деди Кеттеринг.— Сенга охириги марта имкон бераяпмиз. Ундан сўнг хафа бўлиб ўтирма...

Годой ўрнидан турди-да, столи устида деворда осиб турган ёрликни олди, унинг орқасида сейф бор эди. Тобутсоз рақамини терди.

Бир неча дақиқадан сўнг эса, Кеттеринг сейфдан чиққан тўрт минг долларни обдон кўздан кечира бошлади, бошқалар уни кузатиб туришди.

Кеттеринг пулларни унга — иккита кичик, битта каттароқ бўлакка ажрат-

да, яхшилаб разм сола бошлади, сўнг каттароқ бўлакни Годойнинг олдига суриб куйди-да, икки кичик бўлакка ишора қилиб деди:

— Буларни бизга қарзга бериб туришингизга тўғри келади.

— Бўпти, олинглар, — сўкинди Годой.

Кеттеринг Партриж ва Монига пуллар ётган столга яқинроқ келишга ишора қилди; пулларнинг ҳаммаси юз долларлик эди.

— Агар ишимиз юришса, ўғрилар қайси банк хизматидан фойдаланганини билишимиз мумкин, эҳтимол, ҳисоб рақамлари ҳам бордир? — У секин елкасини қисди.— Шунини аниқласак, Гарри, унда қидирув ишларинг юришиб кетган бўларди...

## 9

Альберт Годойнинг хонасидаги вазият секин-аста юмшади...

— Мистер Годой, — деди Партриж, — учрашувимизнинг дастлабки дақиқаларидаги англашилмовчиликка қарамасдан, барибир сиз бизга жуда катта ёрдам бердингиз. Сиз, айтганларингизни камерага ёзиб олсак, деган таклифимизга қандай қарайсиз..?

Годой шошиб, бош чайқади:

— Йўқ, керак эмас...

Партриж унинг кўрқиб кетганини сезгандай, бошқача таклифни ўртага ташлади:

— Юзингизни кўрсатмаймиз ва исмингизни ҳам айтмаймиз. Сиз билан, телевидение тили билан айтганда, шарпа-интервью қилишимиз мумкин. Орқа тарафдан суратга олишади: томошабинлар фақат елкангизни кўришади: товушингизни ҳам ўзгартирамиз.

— Нима ҳам дер... — Тобутсоз иккилана бошлади.

Мин Ван Кань Дон Кеттеринг тобутсоз билан қилажак суҳбатни ёзиб олишга киришди. Текширувда иштирок этишини истаётганини сезиб, Партриж суҳбатни Дон Кеттеринг зиммасига юклади... Партрижнинг ўзи эса энди бошқа — энг асосий иш билан шуғулланса ҳам бўларди... У энди Боготага учиб кетиш зарур деган қарорга келганди. Партриж текширувни Лотин Америкасига кўчириш зарурлигини англагани: бундан буён барча йўллар Колумбияда туташар ва кўрсатув тақдири энди АКШдан узоқларда ҳал бўларди.

Куинсидан қайтишда Кеттеринг унга мурожаат қилди:

— Мени Манхэттенга етмай ташлаб кетсангиз... Муллажирингларнинг изига тушсам...

Партриж эътироз билдирмади: Куинсборо кўпригида уни ташлаб кетишди. Жип Си-би-эйга, Кеттеринг ва Мони такси тутиб, Лексингтон-авенга — «Саммит» меҳмонхонаси ёнидаги броккерлик идорасига йўл олишди.

Улар кириб борган бино кенг ва ёруғ эди.

Уларга узоқдан кўзи тушган котиба қиз Кеттерингни таниб, қўл силкиди ва гўшакни кўтариб, келаётган одамлар ҳақида ичкарига хабар берди.

Котибанинг ёнидаги эшик очилиб, қалин мўйлов кўйган бақалоқ киши чиқиб келди ва Кеттеринг билан кучоқлашиб кўришди.

— Сени кўрганимдан хурсандман, Дон... Бизда нима хизматлари бор эди?..

— Раҳмат, Кевин... Менга ярим соатга биронта телефонингни бўшатиб беролмайсанми?

— Бўш телефон? Гап йўқ! Менинг хонам сенинг ихтиёрингда, ҳеч ким ҳа-лақит бермайди.

Улар хонада ёлғиз қолишгач, Кеттеринг Монига деди:

— Биз Кевин билан талабалик йилларимизда Нью-Йорк жамғарма биржасида чопарлик қилардик, шундан бери бир-биримизни йўқлаб турамыз. Сенга жур-налистлик касбининг бир сирини айтмайми?

Мони бош ирғади:

— Айта қол.

— Журналист — афтидан, сендан тупша-тузук журналист чиқади — ҳамиша таниш-билишлар ичида яшаш керак. Агар зўр журналист бўламан десанг, фақат казо-казолар ичида эмас, оддий халқ ичидан ҳам жуда кўп таниш орттир: вақти-вақти билан кўнгил сўраб тур — бўлмаса узоқлашиб кетасизлар. Бу сенинг ҳамма нарсадан хабардор бўлиб туришингни таъминлайди, баъзида улар берган хабарлар сенга тушингда ҳам кўрмаган обрў-эътибор олиб келади. Ёдингда бўлсин, одамлар телемухбирга жон-жон деб ёрдам беришади, ҳатто баъзилари мана бундай қилиб, телефонли хонасини ихтиёрингга бериб, яна хизматидан фойдаланганинг учун сендан миннатдор бўлишади.

Кеттеринг гапира туриб, чўнтагидан Альберт Годойдан олган бир нечта юз долларлик пулларни чиқариб, стол устига ёйиб қўйди.

— Аввалига пулга ёзилган исми-шарифлардан бошлаймиз. Кейин, агар зарур бўлса, ҳисоб рақамини аниқлаймиз.— Юз долларликни қўлига олиб, ўқиди:— Жеймс У. Мортелл. Сўнг қўшиб қўйди:— Жонатан, уни Манхэттин телефон рақамлари маълумотномасидан излаб кўр.

Икки-уч дақиқадан сўнг Жонатан:

— Топдим,— деди.

У телефон рақамини айтиб турди, Кеттеринг эса зарур сонлар ёзилган тугмачаларни бир-бир босди. Икки марта чўзиб, дуту-ути дегандан сўнг гўшақда ёқимли аёл овози эшитилди.

— Қувурларни таъмирловчи Мортелла фирмаси эшитади.

— Хайрли тонг, хоним. Сизни Си-би-эйнинг иқтисод бўйича мухбири Дон Кеттеринг безовта қилаяпти.

Аёл бир оз ажабланиб турди, сўнг:

— Нима, менга ютуқ чиқдими? — деб сўради.

— Афсуски, йўқ, хоним,— Кеттеринг қувноқ ва хушчақчақ гапиришга уриниб.— Биз Си-би-эйчилар баъзи бир нарсаларни аниқлаётган эдик. Тўғриси айтсам, гап эрингизнинг исми-шарифи ёзилган юз долларлик пул ҳақида кетаяпти.

— Биласизми,— ўйлаб туриб жавоб берди аёл.— Баъзи мижозларимиз нақд, яна юз долларлик билан тўлашади... Биз пулларни банкка топшираётганимизда хазиначилар пулга исм-шарифимизни ёзиб қўйишади, биламан, бу мумкин эмас, бироқ негадир ҳамиша шундай қилишади.

— Агар малол келмаса, қайси банклигини айтолмайсизми?

— Нега айтмас эканман? Бу Си-ти-банк.— Аёл ҳисоб рақамлари очилган банкнинг шаҳар марказидаги шўъбасини ва манзилни батафсил тушунтирди.

— Раҳмат сизга. Менга айнан шу нарса керак эди.

Кеттеринг яна битта юз долларлик пулни қўлига олди: бу учинчи авендаги қандолатчилик магазинига тегишли бўлиб чиқди. Гўшакни кўтарган эркак жуда сершубҳа экан, роса суриштирди, сўнг барибир банкнинг номини айтди: бу магазин эгаси ҳамиша пулини, жумладан, юз долларликларни ҳам Даг-Хаммершельд майдондаги Американ-Амазонас банкига топширар экан.

Кейинги юз долларликда исми чиққан киши эркаклар кийими магазини мудирини анча гапга чечан ва хушмуомила чиқди; у магазиннинг учинчи — авен билан олтинчи еттинчи кўча кесишган бурчақда жойлашган Ложа банкда ҳисоби борлигини айтди.

Гўшакни жойига қўйгач, Кеттеринг, юз долларликларни йиғиштириб олди-да, Монига деди:

— Қўлимизга наҳанг илашди. Бошқа ҳеч қаёққа қўнғироқ қилиш шарт эмас. Беш кишига қўнғироқ қилдик: шулардан учтаси битта банкни айтишди — бу шунчаки тасодиף бўлмаса керак. Сити-банк ва Ложа банкда ёзилган ёзувлар бирмунча эскироқ: улар айланиб келиб, Американ-Амазонас банкидан чиқиб кетган бўлиши мумкин...

— Демак, Даг-Хаммершельд — майдонга борарканмиз-да? — ўзича хулоса қилди Мони.

— Бошқа қаёққа ҳам борардик, жин урсин, қани, йўл бошла.

Американ-Амазонасда Дон Кеттерингни дарҳол танишди; ғалатилиги шундаки, уни кўриб, негадир бу ерда ҳеч ким ажабланмади ҳам.

Улар хонага кираётганларида банк мудури қўлларини ёйганча уларга пешвоз чиқди. Столидаги номлавҳа ёзувига кўра мудирнинг исм-шарифи В. Арманда — Кичик эди.

— Танишганимдан гоят хурсандман, мистер Кеттеринг. Сизнинг кўрсатувларингизни қолдирмай кўриб бораман ва мени ҳамшиша ҳайратга соласиз. Тўғриси айтсам, бугун сиз ё бирон ҳамкасбингиз келиб қолса керак, деб кутиб тургандим. Биз жудаям ғалати даврда яшаймиз, ақл бовар қилмас воқеалар содир бўлаяпти, албатта, буни ўзингиз мenden яхшироқ биласиз.

Кеттеринг бир оз ажабланди: мудир уни қандайдир воқеадан хабар бор, деб ўйлаётганди, аммо у мудир нимани назарда тутаётганини тушунмасди. Шундай бўлса ҳам у сир бой бергиси келмади.

— Афсуски, бунақаси бўлиб туради,— деди.

— Қани, менга айтинг-чи, азизим, сиз қандай хабар топдингиз? — сўради Армондо.— «Пост»даги мақолани ўқиб, югуриб келмаган бўлсангиз керак?

— Эҳтимол, мақолага кўзим тушгандир. Бироқ бунинг учун эмас. Сизда ўша газета борми?

Армандо стол тортмасини очиб, ялтироқ конвертга солиб қўйилган газетанинг парчасини — мақола босилган жойини олиб Донга узатди. Мақоланинг сарлавҳаси шундай эди: «БМТ вакили ўйнашини рашк қилиб отиб қўйди ва кейин ўзини ўзи отди». Кеттеринг ўйнаш — бу Американ-Амазонас ходими, Хосе Антонио Салаверри эса Перунинг БМТдаги вакили эканини ўқиғачгина мудирнинг нимани назарда тутаётганини сезди.

Бу худкушлик билан Слоунларни ўғирлаш ўртасида қандайдир яқинлик бордай туюлди унга:

— Сиз, албатта, қўл остингизда ишлайдиган аёлни танисангиз керак? — сўради Кеттеринг.— Эркакни, Салаверрини-чи, танирмидингиз?

— Жаноб Кеттеринг, сиз билан картани очиб қўйиб гаплашмоқчиман, барибир ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Аммо мен банкимизнинг шаънига доғ тушишини ҳам истамайман. Биз Лотин Америкасидаги энг йирик ва нуфузли банклардан бири ҳисобланамиз, шунингдек, бу ерда — Қўшма Штатларда ҳам бир қатор шўьбаларимиз бор. Шунинг учун сиздан айни пайтда бошқа мамлакатда сафарда юрган банк бошлиғи билан маслаҳатлашиб олишим учун икки кун муҳлат берсангиз девдим...

Демак, калаванинг бир учи шу ерда бўлиши мумкин. Бу фикрдан ҳаяжонланиб кетган Кеттеринг кескин бош чайқади.

— Одамларнинг ҳаёти хавф остида турибди — кутишнинг иложи йўқ. Сизга Слоунларнинг ўғирланиши билан Эфферен ва Салаверриларнинг ўлими ўртасида қандайдир боғлиқлик бордай туюлмаётими?

Шу пайтгача Армандо банкнинг обрўсидан хавотир олиб, ўзини қўярга жой тополмаётган бўлса, Кеттерингнинг саволидан сўнг унинг ранги оқариб кетди ва бирдан бўшаган қопдай шалвираб қолди: у анча пайтгача хаёлини бир жойга тўлаб ололмади — бошини кафтлари орасига олганча мўлтираб қараб турарди. Сал ўзига келгач, Кеттерингга ҳадик билан тикилди-да:

— Ҳа, шундай туюлаяпти,— деди у зўрға.

— Жуда йирик миқдордаги — ўн минг долларча, балки ундан ҳам кўпроқдир. — нақд пул одам ўғриларининг қўлига сизнинг банкингиз орқали берилган.

Мудир адойи тамом бўлган қиёфада бош чайқаб қўйди:

— Бизнинг банкда БМТдаги махсус вакилларнинг ҳисоб рақами очилган, шу жумладан, мистер Салаверрига ҳам.

— Бу ҳисобга пул Перудан юборилармиди?

— Ҳа, бу ҳисобга Перудаги банклар пул узатарди. Бошқа махсус вакиллар ҳам шундай имкониятга эгами-йўқми, билмадим, бироқ бу ҳисобдан жаноб Салаверри хоҳлаган миқдорда нақд пул олиш ҳуқуқига эга эди... Кейинги ойда бу

ҳисобга жуда йирик миқдорда пул келиб тушди ва ҳаммаси нақд қилиб олинди — бу ерда ҳаммаси қонуний, банк ўз мажбуриятини бажарган, холос. Фақат бир нарса менга энди ғалати туюлапти: бу ҳисоб билан негадир миссис Эфференнинг ўзи шуғулланар, бировни аралаштиришни истамасди. Кейинги пайтда эса у пулларни яширин тарзда нақд қилиб бергани ҳақида ҳам маълумотлар бор; бироқ бу ҳисобни текширишга йўл қўймаган...

— Бошқача айтганда, бу ҳисобдаги тушум ва чиқимни сир сақламоқчи бўлган.

Армандо бош ирғади:

— Худди шундай.

— Пулни ким олган?

— Имзога қараганда ҳамиша Хосе-Антонио Салаверри олган. Ҳужжатларда бошқа имзо йўқ. Пул ҳатто оралиқ муддат сақланмасдан ҳам нақд қилиб бериларган.

— Бундан чиқди сиз Эфферен ва Салаверрилар ўлими ҳақида полиция хулосасига ишонмайсиз?

— Дастлабки ҳужжат текширувидан сўнг шундай бир фикр хаёлимга келди: кимдир пулни шу ҳисоб орқали Қўшма Штатларга киритиб олган, Салаверри эса бор-йўғи бир воситачи, ана шу пул киритганлар худди худкушликка ўхшатиб, уларни даф қилган бўлиши ҳам мумкин... Бироқ ҳозир сиз Слоунлар оиласи ҳақида эслатганингиздан сўнг мен бу ерда ўшаларнинг қўли борлигига шубҳа қилмай қўйдим. Афтидан, иккаласи жуда кўп нарсадан хабардор бўлган...

— Улар ўғриларни ҳам билган демоқчимисиз?

— Эҳтимол. Билган бўлишлари ҳам мумкин.

— Салаверри ҳисобига кейинги ойда келиб тушган пуллар ҳақида нима дея оласиз? Уларни жўнатганлар маълумми?

Армандо чуқур хўрсинди.

— Мистер Кеттеринг, сиз «Сендеро луминосо» ҳақида бирон нарса эшитганмисиз? Ёки...

— «Ойдин йўл»ми? — шошиб сўради Мони.

Кеттеринг ўрнидан ирғиб турди ва бўзариб кетди:

— Ақл бовар қилмайди...

— Биз ҳали аниқ билмаймиз,— деди мудир.— Бироқ Перудан олинган маълумотга кўра, пулни айнан ўшалар жўнатган бўлиши мумкин...

Кеттеринг ва Монини Куинсборо кўпригига ташлаб кетишгандан сўнг Гарри Партриж ва Мин Ван Кань пайтдан фойдаланиб, тушлик қилиб олмоқчи бўлишди ва 57-кўча билан Олтинчи-авен туташган жойдаги «Вольфе деликатессен»га бурилишди.

Ўша ерда Партриж Минга балким эртага Колумбияга учиб кетиши мумкинлигини айтди. У ўзи билан бирон кишини оладими, йўқми, ҳали бир қарорга келмаганини, бу ҳақда Рита билан маслаҳатлашиши лозимлигини билдирди. Мабодо, суратга олиш гуруҳига эҳтиёж бўлса, унда ўзи билан Минни олиб кетади — бироқ бу ҳали аниқ эмас.

Ван Кань бир қарорга келгунча бир оз ўйланиб турди:

— Яхши, сен ва Кроуф учун боришга тайёрман. Бироқ охирги марта, саёх юриш жонга тегди...

Телестанцияга қайтишгач эса Рита Партрижни кенгаш ўтказадиган хонага бошлади:

— Сенга бир киши кўнғироқ қилапти. Уч марта қилди. Исмини айтишни истамасди. Айтишча, сенда зарур гапи бор экан...

Худди шу пайт хонага Дон Кеттеринг ва Жонатан Мони югуриб киришди.

— Гарри, Рита,— деди у чопиб келганидан овози хириллаб.— Биз, афтидан, калаванинг учини топдик...

Кеттеринг бутун кун давомида олган маълумотларни бир бошдан гапириб берди...

— Ит — Перудан ҳурган,— деди у гапини яқунлаб.

— Фикрингга қўшиламан,— деди Партриж,— бундан ташқари Перу ҳақида менга илгари ҳам эслатишганди.

У Лимада нашр этиладиган «Эсцена» журнали хўжайини ва ношири Мануэл-Леон Семинарио билан бўлган суҳбатни эслади. Ҳанда Семинарио аниқ бир гапни айтишдан бош тортган бўлса-да, бироқ тагдор қилиб «Перуда — одам ўғирлаш — ҳамёнга тушишдай бўлиб қолди», деганди.

Партриж Ритага ўтирилди-да:

— Мен Перуга жўнашим керак,— деди,— бу маълумотлар мен кетгандан 36 соат ўтгач эфирга берилсин. Бўлмаса бутун дунё мухбирлари Перуга ёпирилиб боради. Ишни ҳозироқ бошлаймиз, то кўрсатув тайёр бўлмагунча тун билан бўлса ҳам ўтирамыз. Соат бешга гуруҳни кенгашиб олиш учун тўпла.

— Хўп бўлади, сэр,— жилмайиб жавоб қилди Рита. У ҳам энди ётиб олиб ишлайдиган палла келди, деб ўйларди.

Шу маҳал телефон жиринглади. Рита «Алло», деди-ю, гўшакни Партрижга узатди.

— Бу бугун куни билан сенга тинимсиз кўнғироқ қилаётган одам.

Партриж гўшакни олди.

— Суҳбат давомида менинг исми-шарифимни айтиб қақирманг, тушунарлими,— деди кўнғироқ қилаётган одам ва товушини ўзгартириб гапира бошлади. Партриж уюшган жиноятчилардан мижозлари бўлган оқловчини дарров таниди: — Агар менинг олдимга бирон кишини жўнатсангиз ёхуд менинг номимни ошкор қилсангиз сизни тухматчи деб эълон қиламан. Мен ҳозир ҳаётимни хавф остига қўйиб, бу маълумотни сизга айтаман. Суҳбатимиз тугаши билан, билингни, сизнинг олдингиздаги қарзимни узган бўламан. Тушунарлими?

— Албатта, шубҳасиз...

— Менинг баъзи мижозларимнинг Лотин Америкаси билан алоқаси бор. Сиз излаётган одамларни ўтган шанба куни Кўшма Штатлардан чиқариб кетишган, улар ҳозир Перуда.

— Тушундим. Битта савол берсам майлими?

— Йўқ.

— Илтимос, бу қайси тўданинг иши? — ялинчоқ оҳангда сўради Партриж.— Бу ўғирликни ким уюштирган?

— Яхши қолинг.

— Шошманг, худо ҳаққи, бирпас шошманг. Хўп, номини айтманг. Менинг ўзим айтаман, агар хато қилаётган бўлсам, бирон ишора қилинг, агар тўғри топсам, жим бўлинг, келишдикми?

Бир муддат жим қолди. Сўнг:

— Фақат тезроқ,— деди.

Партриж бутун умиди ва нафрати тўла номни дона-дона қилиб айтди.

— «Сендеро луминосо».

Оқловчи ҳеч нарса демади — бир муддат жим турди, сўнг «тўқ» этган товуш эшитилди: гўшак илиб қўйилганди.

## 11

Жессика ғира-шира саройда ҳушига келиб, ўзи, Никки ва Энгусни Перуда тутқун сифатида ушлаб туришганини англагач, энди учаласи учун ҳам барча масъулият ўзининг зиммасига тушишини сизди: нима қилиб бўлса ҳам умидсизликка тушмасликлари керак. Агар руҳлари тушса секин-аста уларни адои тамом қилишади, сўнгра еса батамом ҳалок бўлишлари мумкин.

Жессика имкони етганича энг аввало ана шу умидсизликка тушишларига йўл қўймаслиги, ўзининг ҳам, уларнинг ҳам руҳларини кўтариши керак.

У бунинг учун нималар қилиш зарурлигини яхши биларди. Бунинг учун маҳсус курсни тугатганди — у курсга қатнаб юрган пайтлари баъзи танишлари бу машғулотга бекорчиликдаги эрмак сифатида қараганди. Энди эса...

«Сиздан жуда миннатдорман, бригадир Уайд. Илоё, юз йил яшанг.

Машғулотиңизга қатнаб юрганымда бошимга шундай қушлар тушиши хаёлимга келганмиди?»

Сержант Уайдни 1951 йил Кореяда асирга туширишганди... Тутқунлик пайтида унга гаплашиб мутлақо таъқиқланганди: у бор-йўғи соқчига мурожаат қила олар, бошқа пайти эса осмонга тикилиб ўтиришдан бошқа барча нарсага, ҳатто китоб ўқишга ҳам рухсат беришмасди.

У ўзиниң тутқунлик даврини дона-дона қилиб, босиқ ва таъсирчан оҳангда сўзлаб бераркан, бу ҳикоя Жессиканиң хотирасида бир умрга муҳрланиб қолганди: «Дастлабки қушларданоқ мени маънан синдирмоқчи бўлишгаётганини сезиб қолдим. Мен, улар бунга эришолмайди, майли, мана шу зиндонда, ҳеч ким эсламайдиған тутқунликда ўлиб кетай, бироқ сўнги нафасгача ўзимга бўлган ҳурматиңи йўқотмайман, деб сўз бердим ва шунга ўзимни руҳан тайёрладим».

Бригадир Уайд Жессикага яна бир нарсани — қўл жангини ўргатган, у қобилиятли ва машқ қилишдан чарчамайдиған шогирд эди.

Уларни қафасга тикишганда Никкиниң йиғлаётганини кўриб, Жессика ҳам йиғлаб юборди; алам ва мусибатдан у буткул тушқунликка тушди: бироқ тезда ўзини тутиб олди.

Ўн дақиқалардан сўнг Жессика Никкига қараб шивирлади:

— Никки, гапимни эшитаяпсанми?

Бир оз жимликдан сўнг Никки батамом тушқун кайфиятда жавоб берди.

— Ҳа, онажон, эшитаяпман.

У ўрнидан туриб, ўзи турган қафасниң Жессика тарафидаги тўсинига келди. Ғира-ширада она ва ўғил иккита қафасдан бир-бирига қарата қўл чўзишди, бироқ орадаги масофа узок эди.

— Аҳволиңг қалай? — сўради Жессика.

— Бир оз тузук. — Сўнг пиқиллаб қўшиб қўйди: — Бу ер менга ёқмаяпти.

— Менга ҳам, болагинам. Бироқ сабр қил. Отанг ва бошқалар бизни излашга ётгани ёдингдан чиқмасин. Улар, албатта, бизни топишади. — Жессика ўғлига далда бериш учун ишонч билан гапирди.

У гапини тугатмасдан қоронғуликда қадам товушлари эшитилди ва шарпа кўринди. Бу Роман исмли соқолли, новча соқчи эди. Саройга соқчи қўйилган, ҳар тўрт соатда алмаштириб туриларди.

Тутқунлар ҳамма соқчилар ҳам бир хил эмаслигини яхши билишарди. Ҳаммасидан машинада Никкига ёрдам берган, Мигель буюргач, чакалакзорда уларниң қўлларини ечиб қўйган Висенте дегани раҳмдилроқ эди. Висенте уларниң гаплашиб туришига рухсат берар, фақат баъзи-баъзида жим бўлиңлар, дея ишора қиларди. Рамон унинг мутлақо тесқариси, уларга оғиз очишга изн бермасди. Бошқа соқчилар эса ҳеч ким бўлмаса, уларниң суҳбатига эътибор қилишмас, саройда ўз хаёллари билан у ёқдан-бу ёққа юриб туришарди.

Орадан бир неча кун ўтди. Тутқунларниң ҳаёти маълум бир тартибга тушди: қунига уч маҳал овқат, кўнгилини айнитар даражада серёғ маниока, гуруч ва қовурилган лағмон беришарди. Ҳар бир қафасга шишада сув қўйишар, эрталаблари ювиниш учун челақ келтиришарди — соқчилар челақдаги қўнғиртоп сувни ичиш мумкин эмаслигини имо-ишора билан тушунтиришарди.

Никки ўзини тетик сезмаса-да, ҳар қалай, энди хархаша қилмасди. У аста-секин соқчилар билан гаплашишни ўрганди. У испанчани зўрға гаплашар, агар соқчи унинг сўзларни нотўғри талаффуз қилишига тоқат қилолса, бемалол суҳбатлашиш мумкин эди. Ҳаммадан ҳам Висенте у билан кўп гаплашарди.

Тутқунлар «доктор»ниң жўнаб кетганини, бироқ «ҳамшира» қолганини Висенте орқали билишди.

Жессика Никкига Висентедан сўраб кўр, саройдан чиқиб, тоза ҳавода айланса бўладими-йўқми, деди. Висенте кескин бош чайқайди. Жессика унда Соқоррони чақириб беришни илтимос қилди. Никки Висентега бир илож қилиб тушунтирди. «Бироқ Висенте яна бош чайқайди, «ҳамшира» барибир келмайди, деди у.

Бироқ шу куни Соқорро Жессикани кўргани келди.

У бадбўй ҳиддан бурнини жийриб, эшик олдида турар, сарой ичини жиркангандек кўздан кечирарди.

— Сизнинг ҳамшира Сокорро эканлигингизни биламиз,— деди шошиб Жессика.— Агар биз тоза ҳаво олиб турмасак, унда тезда касал бўлиб қолишимиз ҳеч гап эмас.

— Сизларга саройдан чиқиш маън қилинган. Улар сизларни кўрмасликлари керак.

— Нима учун? «Улар» деганингиз ким?

— Кимлиги билан ишинг бўлмасин. Сенинг савол беришга ҳақкинг йўқ.

— Бироқ она сифатида ўғлимнинг соғлигидан хавотир олишга менинг ҳаққим бор,— деди Жессика.— Шунингдек, кекса қайнатамдан ҳам. Унга ҳайвондай муомила қилишяпти.

— Ажаб бўпти. Бўлмаса тилини тийсин. Сен ҳам тилингга кўп эрк берма.

Жессика Сокорро бу гапларни мажбурият юзасидагина айтаётганини сезиб турарди. Шу сабабли бир оз хушомад қилиб гапиришга ўтди.

— Сиз инглизчани жуда яхши биларкансиз. Афтидан, Америкада анча йил яшаган бўлсангиз керак.

— Сенинг нима ишинг бор? — Бироқ бир оз ўйлаб тургач, Жессиканинг саволига жавоб берди: — Уч йил. Америкадан нафратланаман. Бетайин ва исқирт мамлакат.

— Менимча, бунини чин дилдан гапирмаяпсиз,— эҳтиёткорлик билан деди Жессика.— Менимча, у ерда сизни жуда хурмат қилишган. Фақат ўзингизни нафратлангандай қилиб кўрсатапсиз.

— Нима деб ўйласанг ўйлайвер,— деди Сокорро саройдан чиқар экан. Эшикка боргач, изига бурилди: — Бу ернинг ҳавосини тозалаб туришларини буюрман.— Сўнг жилмайиб кўшиб қўйди: — Бўлмаса соқчилар ҳам касал бўлиб қолади.

Эртасига асбоб-ускуна кўтарган икки эркак келди: улар қафасларнинг рўпарасидан бир қулоч-бир қулоч жойни тешишиб, туйнук очишди. Саройга ёруғлик ва тоза ҳаво ёпирилиб кирди. Энди тутқунлар бир-бирини бемалол кўриши мумкин эди: тоза ҳаво уларни бир оз тетиклаштирди; руҳлари кўтарилиб, бемалол ухлай оладиган бўлишди.

Бироқ ёруғлик ва тоза ҳаво уларни олдинда кутиб турган азоб-уқубатдан халос қилолмади. Жессика энди уқубатларга дош беришнинг энг машаққатли даври бошланганини ҳис қилиб турарди.

## 12

Тутқунлар қуролли соқчилар ёрдамида Нуэва-Эсперанцега келтирилгандан олти кун ўтгач, Мигель Аякучодаги «Сендеро луминосо»дан бир нечта ёзма буйруқ олди.

Буйруқлар асосан видеоёзув масаласида эди. Буйруққа видеога олиш йўллари ва усули ҳақидаги режа ҳам илова қилинган, бу лойиҳадан четга чиқмаслик қаттиқ таъкидланган, барча ишлар учун масъулият Мигелнинг зиммасига юклатилган эди.

Бошқа бир кўрсатмада Баудельо хизматига энди зарурат йўқлиги тўғрисида ёзилганди. Унинг чопар билан Аякучога келиши ва у ердан Лимага жўнаб кетиши тайинланганди; юк машинаси Нуэва-Эсперанцега яна бир неча кундан сўнг қайтиб келади ва озик-овқат ташлаб, видеоёзувни олиб кетади. Баудельонинг Лимага қайтиши Мигель учун кутилмаган кўрсатма бўлмаса-да, бироқ унда норозилик пайдо қилди. Биринчидан, собиқ доктор жуда кўп нарсадан хабардор эди. Иккинчидан, у яна ичиб олиши ва тилига эрк бериши турган гап. Шунинг учун Баудельонинг Лимага кетиши нафақат Нуэва-Эсперанцедаги оз сонли тўдага, балки Мигелнинг ўзига ҳам жиддий хавф туғдириши мумкин.

Бошқа пайт бўлганда у Баудельони чакалакзорга эргаштириб бориб, отиб ташлаган бўларди. Бироқ темир интизом билан донг таратган «Сендеро луминосо» ўзининг одамини ўлдирган — у ким бўлишидан қатъий назар — кишидан бешафқатларча ўч оларди.



Шунинг учун Мигель чопар орқали Баудельонинг Лимага қайтиши нима оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисидаги тахминлари ёзилган хатни ҳам бериб юборди. Бу ёғи «Сендеро»нинг ўзига ҳавола. Мигель бу тахминлар ваҳший тўдани бефарқ қолдирмаслигига имони комил эди.

Сўнг ёлғиз қолгач, Мигель Аякучодан келтирилган видео ва овоз ёзиш ускуналарига қараб туриб, эртага тонгдан суратга олишни бошлаймиз, деган қарорга келди.

Эртасига саҳар пайти уйғониб кетган Жессика ҳам ўзи мўлжаллаб қўйган ишга киришди.

Перуда эканликларини англагач, улар чўнтакларини бир сидра тинтиб чиқишди; аммо чўнтакларидagi пулларнинг ҳаммаси олиб қўйилган эди. Чўнтакларидa бир нечта қоғоз қисғич, Жессиканинг тароғи ва Энгуснинг орқа чўнтағида — тўдадагилар бу чўнтакка эътибор беришмаган чоғи — кичкина ёндафтарчаси қолган эди.

Кеча Жессика Энгуснинг ёндафтарчаси ва Никкининг қаламини қўлга киритган эди: тўғри, қафаслар ўртасидаги масофа катта бўлгани учун, уларни олиш қийин бўлди, бироқ навбатчилик пайти Висенте дафтарчани ва қаламини Жессикага келтириб берди.

Жессика ҳали хотираси хиралашмай туриб, ўзи дуч келган нусхаларнинг суратларини чизиб қолишга шошарди. У жуда уста рассом бўлмаса-да, бироқ вақти келиб, — агар шундай кунлар пешоналарига ёзилган бўлса, — уларни шу қуйга солган тўдадагиларни ёки уларга боғлиқ кишиларни ушлашда фойдаланса бўладиган даражада асл қиёфаларига ўхшаш қилиб чиза олишига ишонарди. Дастлаб у туйнуксиз хужрада ҳушига келгач, ўзига тикилиб турган тепакал, дароз ва кеккайган кишининг суратини чизишга киришди.

У ким бўлди экан? У ерда нима қилиб юрибди экан? Мабодоки, ўша ерда юрган экан, унинг ўғирликка алоқаси бор. Жессика бу одамнинг америкалик эканлигига шубҳа қилмасди. У ҳатто бошқа ерлик бўлганда ҳам, барибир, бу сурат бир куни унинг изидан тушишларига ёрдам беради.

Қиёфа чизиб бўлингач, суратда «Лиржет» капитани Денис Андерхиллнинг қуйиб қўйгандай қиёфаси намоён бўлди.

Қадам товушларини эшитиб, Жессика сурат чизилган қоғозни шоша-пиша сийнабандига яширди. Қалам билан дафтарчани у сўридаги тўшакнинг ичига тикиб қўйди.

Саройга Мигель, Густаво ва Рамон кириб келишди. Учаласи ҳам Жессикага таниш ускунани кўтариб олишганди.

— Оҳ, йўқ, — деди у Мигелга қараб. — Агар суратга олиш ниятида бўлсаларингиз, бекорга овора бўлибсизлар. Биз барибир суратга тушмаймиз, кўндирамиз, деб овора бўлманг.

Мигель унинг гапларига парво ҳам қилмади. У шошмасдан уч оёқли «тагустун»ни унинг рўпарасига ўрнатди, узун симга уланган чирокни сарой ичига тўғрилади. Чирок уланган сим саройдан ташқарида қариллаб ишлаётган генераторга уланган эди. Сарой ичи ёришиб, «тагустун» ёнига қўйилган стол кўзга ташланди — уни Густаво ва Рамон келтирганди.

Мигель бир оғиз сўз айтмай Жессиканинг қафасига яқинлашди. Унинг қуруқ ва совуқ овози сарой ичида акс-садо бериб жаранглади:

— Сен ҳозир мен нимани буюрсам шуни қиласан. Тушунарлими, манжа-лақи. — У шундай деб Жессиканинг қўлига учта варақ тутқазди. — Қўшмайсан, чатмайсан, биронта сўзни қолдирмайсан, ўзингни ҳар мақомга солмайсан.

Жессика қўлидаги қоғозларга кўз югуртирди, сўнг майда-майда қилиб йиртиб ташлади-да, қафаснинг бир четига улоқтирди.

— Қилмайман дедимми, қилмайман. Менинг сўзим сўз.

Мигель ҳеч нарса демади, фақат Густавога ишора қилди. Густаво бош ирғади.

— Болани бу ёққа келтир.

Бир неча лаҳза олдин ўзининг қатъиятидан қувониб турган Жессика бу сўзни эшитиб, бутун вужуди қалтираб кетди. У Густавонинг Никки турган қафасни оч-

ганини кўрди. Густаво Никкининг елкасидан ушлаб олиб, сўнг болани қафасдан судраб чиқди-да, Жессиканинг рўбарўсига олиб келди. Никки кўрқиб кетган бўлса ҳам жим турарди.

Жессикани даҳшат чулғаб олди ва кўз олди қоронғулашиб кетди.

— Нима қилмоқчи бўлапсизлар?— сўради у ялинчоқ оҳангда.

Бироқ саволига жавоб ололмади.

Рамон саройнинг бурчагига бориб, соқчиларнинг ўтириб дам олиши учун қўйилган курсини келтирди. Густаво Никкини босиб ўтирғизди ва болани арқон билан курсига боғлай бошлади. Рамон бир четга чиқиб тамаки тутатди.

Ҳозир нима воқеа юз беришини сезган Жессика Мигелга қараб бақириб юборди:

— Шошманглар, фикримдан қайтдим. Илтимос, тўхтатинг. Нима десангиз розиман.

Мигель жавоб бермади. Ерга эгилиб, Жессика йиртиб ташлаган қоғоз бўлақларини териб олар экан:

— Уч варақ эди,— деди.— Шундай қилишингни билганим учун сенга нусхасини берган эдим. Бироқ жазо сонини ўзинг белгиладинг.— У шундай деб Рамонга учта бармоғини кўрсатди.

— *Que me lo bien... tre veces\**.

Рамон тамаки чўғдай қизаргунча сигаретани ичига тортди. Сўнг худди олдиндан машқ қилиб юргандай, оғзидан олди-да, кўз илғамас тезликда сигаретанинг чўғини Никкининг кўкрагига босди. Бола шўрлик олдинига нима юз берганини англолмай турди, кейин баданида чидаб бўлмас оғриқни сезгач, жонқолатда бақириб юборди.

Жессика ҳам кўзларидан дув-дув ёш қуйилганча ёввойи бир овозда чинқириб юборди ва жазони тўхтатишни, нима деса шуни қилишга розилигини айтиб, ўзини панжара тўсинига урганча йиғлаб, ялина бошлади.

Рамон ўз ишидан хурсанддай, тиржайиб турарди. У сигаретни яна оғзига олиб, чўғдай қизаргунча ичига тортди. Тамаки қип-қизил чўғ бўлгач, уни яна Никкининг кўкрагига — боягисининг ёнига босди. Учинчи марта кўкракка сигарет босилганда Никки кўм-кўк тусга кирган, худди алаҳсираётгандай ва ҳушини йўқотгандай бор овозда чинқирарди: унинг овози билан бирга сарой ичини куйган тери — эт ҳиди тутиб кетди.

Мигель буларнинг барини совуқ ва бепарво кузатиб турарди. Кўкракка учинчи марта сигарет босилгач, Никкининг товушига бирпас қулоқ солиб турди-да, кейин Жессикадан сўради:

— Камеранинг қаршисида ўтирасан ва мен нима десам шуни гапирасан. Мана бу қоғоздагини ўқиб берасан: бу сен йиртиб ташлаган гапларнинг айнан ўзи; қоғозни сенга узоқдан кўрсатиб турамиз. Сўзма-сўз ўқиб берасан. Тушунарлими?

— Ҳа,— деди Жессика шоша-пиша.

Мигель инграб ётган Никкига қаради:

— Инқиллама деяпман,— кейин Рамонга буюрди.— Рамон, чироқни баландроқ тутиб тур.

— *Si, Shefe\*\**,— бош ирғади Рамон ва яна оғзидаги сигаретни ичига тортди.

Жессика кўзларини юмиб олди. Ичида қайсарлигим бошимга бало бўлди, деб ўйлади. Балким Никки вақти келиб, унинг бу қайсарлигини кечирар... Шунда бирдан ҳаёли ёришиб кетди.

Ларчмонтда, уйларида, суҳбат пайти Слоун мабода террорчилар ўғирлаб кетиб, видеога ёзиб олишса, биров билмас имо-ишоралар қилиш ҳақида гапирган эди, энди у ўша ишораларни эшлагча уринди — барибир видеоёзувни Кроуф ҳам кўради ва у қилган ишораларни тушуниб олади. Ўшанда ишора учун нималар қилиш керак деганди?

Жессика Ларчмонтдаги суҳбатни бирдан эслади, зеро, у хотираси тиниқ аёл-

\* Унинг уч жойига... сигарет бос. (Исп.)

\*\* Ҳўп бўлади, шеф (исп.).

лардан эди. Ўшанда Кроуф шундай деганди: «Агар мен лабимни яласам... демак, «Менинг гапларимга ишонманглар, буни мажбуран қилаяман», деганим бўлади. Агар ўнг қулоғимнинг учини силасам ёки ушласам: «Менга тажовуз қилганлар яхши уюшган, тиш-тирноқларигача қуролланган», деганим. Агар худди шуни чап қулоғимда такрорласам «Мени тутиб турганлар яхши уюшмаган, бемалол уларга ташқаридан ҳужум қилиш мумкин», деганим бўлади.

Густаво Жессиканинг қафасини очиб, унга «чик» деб ишора қилди.

Густавонинг кўрсатмасига биноан у камеранинг рўпарасидаги курсига ўтирди. Густаво унга сув берди, Жессика истамайгина бир-икки марта ҳўплади.

У ўқиб бериши керак бўлган баёнот йирик ҳарфларда қаттиқ қоғозларга ёзилган, уларни Густаво икки қадам нарида ушлаб турарди. Мигель камерага эгилиб, «кўзчаси»га қаради.

— Мен қўл силкишим билан бошлайсан, — деди у.

У қўл силкиши билан Жессика баёнотни равон ўқий бошлади:

— Биз билан яхши муносабатда бўлишмаяпти. Жуда адолатли кишилар экан. Нима гаплигини тушунтиришгач, бизни ўғирлаб, тўғри қилишганига амин бўлдик. Шу билан бирга бизнинг соғ-омон уйга қайтишимиз учун арзимас нарса талаб қилишмаяпти. Бизни қўйиб юборишлари учун...

— Тўхта.

Мигелнинг юзи ғазабдан гезариб кетганди.

— Қанжиқ. Кимни лақиллатаман деб ўйлаяпсан. Гапларингга ишонмасликлар учун гўё сени мажбурлашайтгандай атайлаб қуруқ ва ифодасиз ўқиб бераяпсан.

— Мени ростдан ҳам мажбурлаяпсизлар-ку, — деди Жессика жазва аралаш. Аммо бу гапига салдан сўнг минг пушаймон бўлди.

Мигель Рамонга ишора қилди. Рамон оғзидаги сигаретни яна чўғдай қилиб, тортиб, Никкининг кўрагига босди — бола шўрлик яна чинқириб юборди.

Кўз олди қоронгулашиб кетган Жессика курсидан ирғиб турди.

— Йўқ. Бошқа қилманг, — алинди у. — Кўнглингиздагидай қилиб ўқишга ҳаракат қиламан. Қандай хоҳласангиз, шундай ўқийман... Чин сўзим.

Худоба шукрки, бу сафар Рамон Никкининг кўкрагига иккинчи бор сигарет бошишга улгурмади. Мигель камерага янги тасма ўрнатиб, Жессикага ўтир, деб ишора қилди. Густаво унга сув берди. Жессика баёнотни яна қайтадан ўқий бошлади.

Бутун кучини йиғиб, жумлаларнинг ишонарли чиқишига ва табиий гапиришга ҳаракат қилди.

— ...Бизни қўйиб юборишлари учун илова этилаётган кўрсатмани беками-кўст бажаришларингиз шарт.

«Кўрсатма» сўздан сўнг Жессика лабини ялаб қўйди: у бу ҳаракати билан фақат ўзининг эмас, Никкининг ҳаётини ҳам хатарга қўяётганини тушунарди, аммо унинг лаб ялаганига ҳеч ким эътибор бермади, шунинг учун ҳеч ким эътироз билдирмади: энди Кроуф ва бошқалар бу гапларни мажбуран гапирашайтганини билиб олади. Бундан бир оз бўлса-да, руҳланган Жессика Густаво ушлаб турган қоғоздаги баёнотни охиригача ўқий бошлади.

— ... бироқ эсларингизда бўлсин, мабодо кўрсатмадаги талаблар бажарилмаса, бизни бошқа кўрмайсизлар, ҳаётимизга сизларнинг ўзингиз зомин бўласиз. Бундай қилмасликни сизлардан ўтиниб сўрайман...

Қизиқ, ўша илова қилинаётган кўрсатмада нималар талаб қилинаётган экан? Уларнинг ҳаётини қандай талабларга айирбошлашмоқчи? Афсуски, вақт оз қолаётганди, иккинчи ишорани ҳам қилиб улгуриши керак. Қайси қулоғини ушлаш керак эди. Чапиними, ўнгиними? Жессика ғайришуурий ҳолатда чап қулоғини биров билмайдиган қилаб ушлаб қўйди. Минг қатла шукр. Ҳеч ким сезмай қолди.

Бир оздан сўнг суратга олиш тугади. Жессика енгил тортиб, ичида хайрият, деб қўйди. Мигель жиҳозларини йиғиштириб, эшикка йўл олди — унинг оғзи қулоғида эди.

Никкининг оҳ-воҳидан адоий тамом бўлган Энгус ва Жессика иложсизликдан ўзларини қафас тўсинига уравериб, ҳолдан тойишгач, орадан бир соатлар ўтгач —

Сокорро пайдо бўлди. Унгача Жессика соқчидан ўзини Никкининг олдига олиб киришни ялиниб сўрайвериб, бирор натижага эришолмагани — соқчи инглизчани тушунмаса-да, унинг нимани сўраётганини фахмлаб, бош чайқар ва «No se regimite»<sup>\*</sup> дерди.

Сокорро саройга ўз ихтиёри билан келгани кўриниб турарди.

— Илтмос, Никкига ёрдам беринг,— ялинди унга Жессика.— Сизнинг дўстларингиз унинг кўкрагига чўғ босишди.

— Босишган бўлса, унинг ўзи шуни истагандир-да?

Сокорро соқчига ишора қилиб, Никкининг қафасини очдирди, ўзи ичкарига кириб, куйган жойларни кўздан кечирди, тилининг учи билан ялаб кўрди, кейин ҳеч нарса демай қафасдан чиқди. Соқчи яна қафаснинг эшигини ёпди.

— Сиз қайтиб келасизми? — сўради Жессика илтижоли товушда.

Сокорро ҳар доимгидай кўпол-кўрс қилиб жавоб бермоқчи бўлди-ю, бироқ ўйлаб кўриб, фикридан қайтди, бош ирғаб, чиқиб кетди. Бир оздан сўнг пақир, кўзачада сув, малҳам, дока олиб қайтиб келди.

— Раҳмат,— деди енгил тортиб Жессика.— Сиз қўлингиздан келганини қиладипсиз. Менга айтинг-чи, яра...

— Иккинчи даражали куйиш — тузалиб кетади.

— Илтмос, мени унинг ёнига киритинг. У бор-йўғи ўн бир ёшда, ахир онаман. Бирпас ўғлининг ёнида бўлай, далда берай...

— Мен Мигелдан сўраб кўрдим. У рухсат бермади.

Шундай деб Сокорро кетди. Анча пайтгача учаласи жим — ўз хаёллари билан ўтиришди. Жимликни Энгус бузди:

— Мен сен учун нимадир қиламан деяпману, Никки, бироқ имконим йўқ. Ҳаёт сенга нисбатан жудаям шафқатсизлик қиляпти. Бироқ нима ҳам қила оламиз?..— у ўз иложсизлигидан уялгандек жим қолди.

Яна жимлик чўкди. Сўнг Никкининг товуши эшитилди:

— Бобо.

— Нима дейсан, болагинам?

— Сен мен учун нимадир қилишинг мумкин.

— Сен учун? Нимани назарда тутаяпсан?

— Менга иккинчи жаҳон урушидаги кўшиқлар ҳақида гапириб бер. Биронтасини ўргатсанг ҳам майли...

### 13

Чоршанба куни — туш пайти Гарри Партриж эртасига эрталаб ўзининг Перуга учиб кетишини айтган куни — текширув гуруҳида югур-югур бошланди.

Партрижнинг ўзи жўнаб кетгандан ўттиз олти соатдан сўнг Перу — Си-би-эй ахборот йўлагини пайдо қилиш ҳақидаги қарорини муҳокама қилиш ва орадаги уч кунга хабарлар излаб топиш керак, бунинг учун эса кенгашиб олиш шарт эди.

Кенгаш йиғилгунча Партриж тўртинчи қаватдаги Кроуфорд Слоуннинг хонасига кирди.

Оиласини ўғирлаб кетгандан буён ўн уч кун ўтган, бу кунларда Слоун, гарчи баъзида номига бўлса-да, илгаригидай тиним билмай, иштиёқ билан ишлар, бироқ уни кузатиб турганлар хаёли ишда эмаслигини сезишарди. Бугун эса у яна ҳам чўккан, афтодаҳол кўринарди.

— Менда гапинг борми, Гарри? Негадир шаштинг паст. Бирон ёмон хабар борми?

— Афсуски, ҳа. Биз оилангни мамлакатдан чиқариб кетишганини аниқладик. Уларни Перуга олиб кетишган.

Слоун тирсақларини столга қўйиб, юзини кафти ичига олди.

\* Рухсат йўқ (исп.).

— Мен охир-оқибат шундай бўлиб чиқишидан кўрқардим. Уларни кимлар ўғирлагани маълумми?

— Бизнингча, бу ерда «Сендеро луминосо»нинг қўли бор.

— О, парвардигор. Бу ғирт каллакесар ташкилот-ку.

— Кроуф, мен эрталаб Лимага учиб кетаяпман.

— Мен сен билан бирга кетаман.

Партриж кескин бош чайқади.

— Бунинг мумкин эмаслигини ва бунга телестанция рози бўлмаслигини ўзинг ҳам яхши биласан.

Слоун хўрсинди, бироқ эътироз билдирмади.

— Бу «Сендеро»лик каллакесарларнинг мақсади нима эканлиги маълумми?

— Ҳозирча йўқ. Бироқ ўзлари маълум қилишларига имоним комил.— Иккаласи жим қолди, сўнг Партриж кўшимча қилди: — Мен кенгашни соат бешга таянқладим. Менимча, сен ҳам қатнашишни истасанг керак. Кенгашдан сўнг кўпчилик ярим тунгача ишлашларига тўғри келади...

— Мен кенгашга кираман,— розилик берди Слоун.— Сенга ҳаммаси учун раҳмат.— Сўнг ўридан турди.— Сени бир оз ушлаб қолсам, қарши эмасмисан?

Партриж жавоб беришга иккиланиб турди: унинг иши шунчалик кўп эдики, бош қанишга қўли тегмасди. Бироқ ҳозир Слоун ўзи билан жуда гаплашгиси келатганини ҳис қилди:

— Ғир неча дақиқага осмон ўпирилиб тушмайди,— деди у.

— Ҳозир нимадан бошлашни ҳам билмайман, умуман, буни сўраш шартмикин, деган савол ҳам мени қийнапти,— деди Слоун, сўнг бир неча соғна жим қолди.— Умуман, Гарри, гапнинг пўсткалласини айтсам, мен сенинг Жессикага муносабатингни сўрамоқчи эдим. Ахир қачонлардир жуда яқин эдинглар...

Мана ниҳоят шунча йиллар унинг ичида сасиб, қалбини оғритиб ётган савол ниҳоят юзага портлаб чиқди. У ҳозир айтадиган гапининг Слоун учун қанчалик аҳамиятли эканини сезиб, Партриж дона-дона қилиб, саволга ўрин қолдирмай жавоб беришга тиришди:

— Тўғри, Жессика билан ўзинг айтганиндай, бир пайтлар жуда қадрдон эдик. Бироқ ҳозир мени у бир пайтлар маъшуқам бўлгани учун эмас, балки сенинг хотининг бўлгани учун хавотирга солаяпти. Мен бу ишларни ўтмиш учун эмас, сен менинг дўстим бўлганинг учун қилаяпман. Жессика билан муносабатимиз сизларнинг тўйларингиз куни тугаган.

— Мана бу кўргилик мени шу саволни беришга мажбур қилди. Аммо бу савол бир умр мени қийнаб келган.

— Биламан, Кроуф. Мен ҳам баъзида сенга ҳозиргидай юрак очиб гаплашгим келарди, бироқ ҳамиша сен билан орада масофа ташлаб гаплашишга ҳаракат қилганман. Йўқ, сен Жессикага уйланганинг ёки сенинг обрў-эътиборингга ҳасад қилганим учун эмас. Агар сенга бу гапларни айтсам, барибир ишонмайсан деб ўйлардим.

— Мени обрў-эътибор изидан қуваяпсан, деган гапларинг энди ўйласам ҳақ гаплар экан.— Слоун ўйланиб турди. Сўнг чин юракдан самимий гапирди:— Тўғрисини айтсам, мен сенинг ҳақиқий дўст эканингга ҳеч қачон шубҳа қилмаганман.

Соат бешда бутун гуруҳ кенгашга йиғилди.

Партриж сўнгги маълумотлар билан ҳаммаси таништиргач, эртага саҳар пайти Перуга учиб кетаганини ва ўзи юборадиган кўрсатувни жума кунги кечки янгиликларга мўлжаллашлари мумкинлигини билдирди.

— Сенинг барча таклифларингни қўллаб-қувватлайман,— деди Чипшингем,— бироқ яна бир нарсани эътибордан қочирмаслик керак: ўғирлик воқеасини ва сўнгги маълумотларни ўз ичига олган жума кунги кечки янгиликларнинг давоми сифатида «Янгиликлар»нинг махсус бир соатлик кўрсатувини ҳам тайёрлаш зарур.

Бу гапдан сўнг бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилишди.

Партриж Минь Ван Кань ҳамда Кен О'Хараларни ўзи билан олиб кетиш нияти борлигини айтди.

— Лэс,— деди Рита столнинг ўзига қарама-қарши бурчагида ўтирган Чиппингемга қараб.— Гаррига ва бошқаларга «Лир» компаниясининг Тетербородан эрталаб учадиган хусусий самолётига жой банд қилиш учун сенинг розилигинг керак...

— Сизлар текшириб кўр...— Чиппингем харажатларнинг купма-кун ошиб бораётгани учун «сизлар текшириб кўрдиларингми, қатновдаги самолётда кетаверса бўлмасмикин?» деб сўрамоқчи бўлди, бироқ ўзига еб қўйгудай тикилиб турган Слоуннинг кўзларини кўриб, гапи оғзида қолди: — Мен розилик бераман...— деди.

Рита Нью-Йоркда, кўрсатувлар учун масъул бўлиб қоладиган бўлди: кундалик кўрсатувларнинг тартибловчиси Айрис Иверли, бир соатлик махсус кўрсатувнинг тартибловчиси Жегер ва Оуэнс. Жума куни кечаси Рита Партрижнинг изидан Лимага учади, унинг ўрнида Норман Жегер қолади.

Чиппингем билан келишгач, гуруҳ раҳбари сифатида Партриж ўз ўрнига Дон Кеттерингни тайинлади. Иқтисодий кўрсатувларни вақтинча Доннинг ёрдамчиси олиб борадиган бўлди.

— Бироқ,— деди Партриж,— жума кунги телеянгликларда ҳам ва изидан бериладиган махсус кўрсатувда ҳам унинг Перуга кетгани ҳақида лом-мим дейилмаслиги керак. Ўзининг шарҳларини эса олдиндан суратга тушириб, худди «тўғридан-тўғри» берилаётгандай эфирга узатилади.

— Бугун кечаси ва кейинги икки кунги воқеалар ҳақида,— огоҳлантирди Лэс Чиппингем,— бирон кишига, ҳатто янгликлар бўлимининг бошқа ходимларига ҳам ёт кишилару оила аъзолари ўз-ўзидан шу ҳисобда — гапириш, муҳокама қилиш таъқиқланади. Бу илтимос эмас, буйруқ.— Лэс гуруҳнинг ҳар бир аъзосига бир-бир қараб чиқди.— Келинлар, Гаррига жудаям зарур бўлаётган йигирма тўрт соатлик имконият берайлик — бу ҳақда гаплашишдан ўзимизни тияйлик. Бир нарсани — қартага энг яқин кишиларимизнинг,— у шундай деб Кроуфордга кўз ташлади,— ҳаёти тикилганини унутмайлик — уларнинг озод бўлиши кўп жиҳатдан бизга боғлиқ. Шунинг учун орамиздан бирон оғиз маълумот ташқарига чиқмасин.

Бошқа масалалар ҳам муҳокама қилиниб, эҳтиёт чоралари кўрилди. Эртага ва индинга — махсус кўрсатув тайёрланадиган кунлари студияга ва ускунахонага соқчи қўйилади ва у текширув гуруҳининг олдига Рита берган рўйхатдаги кишиларнинггина киритади, бундан ташқари мониторинг ва ундаги лавҳаларга бирон чет кишининг кўзи тушмаслиги учун ускунахонани ичкаридан қулфлаб олишади. Фақат жума куни эрталабга бориб, маълумотлар — кечки кўрсатувни реклама қилиш учун — оз-оздан ошкор қилинади: кўрсатувлар орасида кечки янгликларда ва махсус кўрсатувда Слоунлар оиласининг ўғирланишига доир янги маълумотлар берилишини ора-сира эслатиб туришади. Ҳамкасблик ҳурмати юзасидан бошқа теле ва радиостанцияларга ҳам кўрсатувнинг умумий мундарижасини акс эттирувчи маълумотлар берилади.

— Яна бир масала,— деди Рита.— Лэс, мен Перуга учадиган жума куни яна бир хусусий самолёта жой банд қилишга ёрдам бер. Мен ўзим билан муҳаррир Боб Уотсонни ва монтаж жиҳозларини олиб кетаман. Бундан ташқари, менга анчагина нақд пул керак бўлади. Ўзининг миллий валютасининг оддий қоғоздан фарқи қолмаган пайтда Перуда қадри баланд валютага ҳамиша эҳтиёж сезилади — долларга у ерда ҳамма нарсани, шу жумладан, зарур маълумотларни ҳам осонгина сотиб олиш мумкин.

Чиппингем чуқур хўрсинди. У ичида Рита орадаги муносабатимизга қарамасдан мени танг аҳволга солиб қўйганини билмаса керак, деб ўйлади.

— Яхши,— деди у.— Буюртма беравер.

Кенгаш тугаши билан Партриж жума кунги кўрсатувнинг матнини қоралаб қўйишга киришди.

## ТЎРТИНЧИ ҚИСМ

## 1

Шарқий соҳил бўйича соат тўрт эди; тонг ғира-шира ёришган, ёмғир ёғарди. «Лир» компаниясининг самолёти Нью-Жерси штатининг Тетерборо аэропортидан Боготага учаётганди. Самолётда Партриж, Минь Ван Кань ва Кен О'Харалар ўз жойларида хаёл сўриб ўтиришарди.

Самолёт Лимагача учиб боролмас, шу сабабли ёнилғи қуйиб олиш учун Боготага қўниб ўтар ва Перунинг пойтахтига тахминан соат бир яримларда етиб борарди.

Партриж ҳамроҳлари билан Тетерборога тўғри Си-би-эйдан махсус машинада келишганда ишнинг кўчилигидан Партриж «Интер Континентал»га кириб, жомадонини йиғиштиришгагина улгурди, холос. Ҳатто хонасини ҳам топширмади; эрта-лаб телестанциясидан биронтаси топшириб қўяр.

Самолёт осмонга кўтарилиб, Боготага қараб учиб кетаётганда Партриж донг қотиб ухлаб ётарди.

Партриж бир уйғониб, соатига қараганда 9 бўлганди; демак, Лимада соат саккиз. Боготагача яна икки соатлик йўл қолганди.

У жуда ғалати, алоғ-чалоғ тушлар кўрди.

У уйқудан уйғонганда самолёт Богота устида учиб борарди.

## 2

Лима манзараси худди мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаёти каби хароба, искирт, палапартиш ва тўзонли, одамда мудҳиш бир қўрқув уйғотарди.

Улкан ва баҳайбат майдонга чўзилиб кетган Перу пойтахти бир неча туманларга бўлинган эса-да, асосан икки қисмдан иборат — бир томонда фақат беҳад бадавлат кишилар, бошқа қисмида бир тишлам нонга зор қашшоқлар яшашар, бу икки томон шаҳарнинг гўё икки қаноти эди. Партриж дунёнинг барча мамлакатларида учратган шаҳар аҳолисининг асосий қисмини ташкил этувчи ўртамиёна кишилар бу шаҳарга ёт эди: бир томонда шаҳарнинг тўртдан уч қисмини эгаллаган майдонда кенг-кенг қўрғонлар, сароймонанд қурилган, гуллару яшилликка бурканган боғлар ўртасига узукнинг кўзидек ҳашамдор ва жимжимадор уйлар жойлашган, бошқа қисмида эса каталакдай-каталакдай хароба кулбалар ўрин олганди.

Партриж, Минь Ван Кань ва Кен О'Харалар ўтирган самолёт Хорке Чавеса аэропортига келиб қўнганда соат йигирмата кам икки бўлганди. Уларни самолётдан тушиш жойида Си-би-эйнинг Перудаги доимий муҳбири Фернандес Пабур кутиб олди.

У навбат ҳам кутиб ўтирмай меҳмонларни паспорт ва божхона назоратидан олиб ўтди-да, — афтидан, ҳужжатлардан кўра назоратчилар қўлларига тушган пул билан кўпроқ қизиқишди — сўнг хайдовчи ўтирган «форд-универсал»га олиб борди.

Фернандес паст бўйли, қора сочли, тиниб-тинчимас, қора қош йигит бўлиб, кулганда сўйлоқ тишлари кўришиб кетар, шу сабабли табиатан қувноқ бу йигит атайлаб тишларини кўрсатиб юрадиган бетайин йигитдай таассурот қолдирарди. Бироқ унинг юзидаги бетайинликдан қатъи назар, Партриж уни ҳар қандай пайтда ҳам суянса бўладиган, дўстга панд бермайдиган масъулиятли ходим сифатида ҳурмат қиларди: Фернандес ҳар қандай вазифани айтганидан ошиқ қилиб удаларди.

Ҳозир ҳам Фернандеснинг удабуронлиги туфайли улар беш юлдузли «Сесар» меҳмонхонасининг энг шинам хонасига осонгина жойлашиб олдилар.

Партриж ювиниб олгунга қадар унинг илтимосига кўра Фернандес биринчи учрашув тўғрисида келишиб олди. Партриж энг аввало Анд радиоси муҳбири ва муҳаррири Серхио Хуртадо билан учрашмоқчи эди.

Ярим соатлардан сўнг эса Партриж Хуртадога хизмат хонаси вазифасини бажарувчи студияда ўтирарди.

— Гарри, ошнажон, кўнглингни кўтарадиган ҳеч қандай хабарим йўқ, — деб гап бошлади Серхио. — Бизнинг мамлакатда қонун ишламай қўйганига анча бўлди. Демократия қуруқ гап, у фақат қоғозларда бор. Раҳбарлар чет элга борганларида кийиб борадиган либос у. Қайтиб келгач, счиб қўйишади ёки тил бошқа-ю, дил бошқа деган мақолга амал қилишади. Мамлакат аллақачон тўзиб бўлди. Оммавий қирғинлар одатдаги воқеага айланди. Бу қирғинлар сиёсий арбобларнинг иш услуби бўлиб қолди. Президент бошчилик қилаётган партиянинг яширин қора тўдаси бор — улар ким ўзларига қарши чиқса, қириб ташлашади, вассалом...

Улар бошиданоқ ораларидаги суҳбат эртагача сир бўлиб қолишга келишгандилар. Партриж Слоунлар оиласининг ўғирланишига доир воқеани қисқача баён қилиб, сўради:

— Серхио, бирон маслаҳат берарсан? Балки сенда бизга асқотадиган бирон маълумот бордир?

Хуртадо кескин бош чайқади:

— Мен ҳеч нарса билмайман. Бунга ажабланмасанг ҳам бўлади, чунки «Сендеро» ўз маълумотларини жуда махфий саклайди. Улар сал шубҳаланган кишиларни ўйлаб ўтирмай ўлдиришади. Тирик юришни истасанг, яхшиси тилингни тий. Бироқ мен бирон нарса топишга ҳаракат қиламан. Умид — тикилган таёқ дейдилар-ку, меваси бўлиб қолар.

— Раҳмат.

— Эртага бўладиган «Оқшом хабарлари»нгиз учун мен тасмангизни сунъий йўлдош орқали узатишга ёрдам бераман. Тўғрисини айтсам, сеники ортиқча, ўзимизнинг ташвиш ҳам етарли.

— Бизга «Сендеро» ҳақида хилма-хил маълумотлар беришди. Ростдан ҳам у жуда кучли ташкилотми?

— Кучли ҳам гапми? У мамлакатнинг қоқ ярмини ўзиники қилиб олган; шу сабабли ҳам сен жуда мушкул муаммони зимманга олгансан — уни амалга оширишни ўйлашнинг ўзи даҳшат. Мабода ўғирланганлар шу ерда бўлган тақдирда ҳам мамлакатнинг минглаб овлоқ қишлоқлари бор — қаерда яширишганини билолмайсан. Ҳаммадан олдин менинг олдимга келиб тўғри қилибсан. Сен иккита нарсани қулоғинга қуйиб ол.

— Нимани?

— Ҳукумат ёрдамидан умид қилма — мен Перу армияси ва полицияни назарда тутаяман. Аксинча, улардан узоқ юр. Чунки ҳукуматнинг ўзи «Сендеро»дан сира қолишмайди.

— Бу гапингни исботлайдиган далиллар борми?

— Қанча хоҳласанг шунча топилади. Агар вақтинг бўлса, иккита мисол келтиришим мумкин.

Партриж шу захотиёқ «Оқшом хабарлари» учун бўлажак репортажига далил йиғи бошлади.

Партриж гаровдагиларни қутқаришнинг фақат битта йўли борлигини Перуга келмасданоқ англаб етганди: бошқа йўлларнинг ҳаммаси боши берк кўчага кириб кетар, мавҳум, мужмал эди. Бундай пайтда фақат телемухбир текширувигина иш бериши мумкин; эски маълумотчиларини ишга солиш, янги маълумот берувчилар билан алоқа ўрнатиш, ишга алоқаси бўлган янгиликларни излаб, дунёнинг нариги чеккаси бўлса ҳам бориш ҳамда сўрашдан, суриштиришдан қарчамаслик, ҳеч қачон умидсизликка берилмаслик, оддий икир-чикиргача эътибор бериш — шундагина тўсатдан калаванинг учи чиқиб қолади; тутқунлар яшаётган жойни фақат шу йўл билан аниқлаш мумкин.

Албатта, жойи аниқ бўлгач, уларни қандай қилиб озод қилиш муаммоси ҳам туғилади. Бироқ бу муаммо учун ўша пайти бош қотирса ҳам бўлади. Ҳамма нарчаниннинг ўз вақти бор...

Ўз режасини амалга ошириш мақсадида — телемухбир сифатида — Партриж мўллий теле-радиокомпаниянинг Лимадаги қароргоҳи жойлашган Энтель-Перуга



йўл олди. Энтель уни Нью-Йорк Си-би-эй телестанцияси билан боғлаб турувчи ўзига хос «йўлак» вазифасини ўтарди; шу ердан туриб, янгиликларни сайёрага узатиш ва Нью-Йоркка етказилади. Эрта-индин ёпирилиб келадиган телемухбирлар ҳам барибир Энтелдан фойдаланишга мажбур бўлишади.

Фернандес Пабур олдиндан огоҳлантириб қўйган Энтелнинг халқаро бўлими мудири Виктор Веласко ишчан ва доимо банд одам эди. Унинг ёши қирқлар атрофида бўлса-да, сочи оқариб кетганди — унинг Партрижсиз ҳам ташвиши ўзига етиб ортаётгани шундоқ кўриниб турарди.

— Сизлар учун алоҳида хона топиб беролмайман, — деди у Партрижга. — Бироқ муҳаррирингизга монтаж ускуналарини ўрнатиш ва ишлатиш учун бир бурчакдан жой қилиб бера оламан, бундан ташқари ўша жойга иккита телефон ҳам қўйиб бераман. Аммо доимий кириб-чиқишга рухсатнома олиш жуда мушкул...

Партриж минг доллар солинган ва олдиндан тайёрлаб қўйилган конвертни Веласконинг қўлига тутқазди.

— Бизни деб ташвишга қолганингиз учун арзимас хизмат ҳақингиз, сеньор Веласко. Кетиш олдиндан хизматларингизни яна бир марта тақдирлаймиз.

Веласко бир пулга, бир Партрижга қаради: Партриж пул олишдан бош тортса-я, деб қўқиб кетди. Конвертни очиб, у ердаги долларларни кўргач, Веласко бош ирғади-да, чўнтагига солиб қўйди.

— Раҳмат. Агар яна бошқа муаммолар чиқса-чи?

— Қийналмай айтаверинг, — деди Партриж. — Муаммо ҳамиша бўлади. Гап уни ҳал қилишда.

Партриж Энгелдан меҳмонхонага қайтиб, соат олтиларда эски танишига кўнғироқ қилди:

— Нега бунча ушланиб қолдинг, — деб сўради Мануэль-Леон Семинарио саломлашиб улгурмасдан. — Мен сени ўша суҳбатимиздан буён кутиб ўтирибман.

— Нью-Йоркдаги ишларимни охирига етказдим... Менга қара, бугун кечкурун сен қаерда тамадди қиласан? Тамадди қиласанми ўзи?

— Албатта. Мен соат саккизда «Пиццирин»да қадрли ва ягона меҳмоним Гарри Партриж билан тамадди қиламан.

Саккиздан ўн бешта ўтганда улар перуча «Аччиқ чанқоқбости» номли хуштаъм мусалласни ичиб, бир оз ширакайф ҳолда ўтиришарди. Журнал ношири жуда пўрим кийинган, мўйловлари иштиёқ билан таралган, Куртъёнинг сўниги модадаги кўзойнагини тақиб, эгинда Брионининг энг қимматбаҳо костюмини кийиб олган — бир сўз билан айтганда, киборларча назокат ва ҳашам уфуриб турарди ундан. У ўзи билан тўқ қизил чарм папка ҳам кўтариб келганди.

Нонушта қилиб бўлишгач, Семинарио ўзини орқага ташлаб, ястаниб ўтириб олди.

— Бир нарсани айтиб қўяй: «Сендеро луминосо» сенинг келганингдан аллақачон хабар топган ёки эртанги кўрсатувингдан сўнг хабар топишади. Шунинг учун кўчага чиққанингда, айниқса, кечки пайт, сенга қўриқчи керак бўлади.

Партриж жилмайиб қўйди:

— Аллақачон бунинг ғамини еганман.

Фернандес Пабур меҳмонхонага келишда ҳам, кетишда ҳам кузатиб юришга Партрижни кўндирган эди. У билан ҳамиша машинада баҳайбат бир эркак, афтидан, оғир вазили курашчи бўлса керак, бирга юрарди. Камзулининг чўнтаги осилиб туришига қараганда, у қуролланиб ҳам олганди. Улар ресторанга келишганда Баҳайбат тушиб, атрофни кўздан кечирди; у ҳаммаёқ тинч деб ишора қилгачгина Фернандес ва Партриж машинадан тушишди. Баҳайбат ҳозир ҳам нарироқда Партриждан кўз-қулоқ бўлиб турганди.

— Жуда соз, — деди Семинарио. — Қўриқчинг ўз ишини биладиганга ўхшайди.

Улар энди турсак ҳам бўлади деб кўзғалишганда залда улардан бошқа ҳеч ким қолмаган, ресторани ёпмоқчи бўлиб туришарди.

Фернандес билан қўриқчи эса ташқарида эди.

«Сесар» меҳмонхонасига қайтишар экан, Партриж Фернандесдан сўради:

— Балким мен ҳам қурол олиб юрганим маъқулдир?

— Албатта. Қанақасидан бўлсин?

Партриж ўйланиб қолди. Қасб-қори тақозасига кўра у курулларни фарқлай олар, тупна-тузук отишни ҳам биларди.

— Менга тўққиз миллиметрли браунинг берсанг, албатта, овоз пасайтиргичи билан.

— Эртагаёқ ҳўлингизда бўлади. Дарвоқе, эртага нима иш қилмоқчисиз? Иш-маларни режалаштираялсиз?

— Худди бугунгидай ишларни. Учрашамиз, учрашамиз, учрашаверамиз...— Сўнг Партриж ичида қўшиб қўйди: «Токи калаванинг учи тошлмагунча ҳар кун иш — текшираверамиз, текшираверамиз...»

### 3

Си-би-эй телестанциясида жума кун илдинги жума кунларга қараганда оғир кечди — мўлжалдагидан ташқари ишлар жуда ҳам кўпайиб кетганди.

Одатдагидек кундузги дастур эрталаб соат 6.00 да «Эрта тонгда турувчилар учун» кўрсатуви билан бошланганди. Бу кўрсатувда ҳам кундузги бошқа кўрсатувлар каби Си-би-эйнинг тижорат янгиликларига кўн ўрин ажратилди. Бу галги янгиликлар ўрнига эса Си-би-эй Партрижнинг сўзлари ёзиб олган тасмани эфирга узатди:

«Си-би-эйнинг «Оқилом янгиликлари»нинг бугунги кечки сонида сизларни Кроуфорд Слоун оиласини қидириш борасидаги ишчимиз билан батафсил таништирамиз. Шарқий соҳил вақти билан соат 21.00 да ва ўрта мишқа вақти билан 19.00 да «Телевиденияга тажовуз: Слоун оиласининг ўғирлаиши» деган махсус кўрсатувимиз эфирга чиқди».

Лэс Чиппингем бу хабарни Саксон иккинчи кўчадаги ижара ўйида наридан-бери нокушта қилаётиб эшитди. Янгиликлар бўлимининг бошлиғи бугун иш жуда қизғин бўлишини билиб, шошиларди, у ошхона деразасидан ўзини лимузинда кўтиб ўтирган Си-би-эй ҳайдовчисига қаради. Лимузинни кўриб, Марго Ллойд-Мэйсон илк марта учрашганларида ўзига тақсида юришни буюрганини эслади — буйруғи ўзига сийлов. Бироқ у Маргога бор гапни етказиши керак эди — шундай қилмаса бўлмасди — қойнақой у ҳам хабарни эшитгандир: ишхонага бориши билан дарҳол унга кўнғироқ қилади.

Бироқ Марго эпчиллик қилди. У машинага ўтирган заҳотиёқ ҳайдовчи унга узатган гўшакни олиши билан Маргонинг чийиллаган овози эшитилди:

— «Ўғирликни қидириш борасидаги ишчимиз билан батафсил танишасиз» дегани қандай гап, нега мен бехабарман?

— Ҳаммаси қўгилмаганда юз берди. Мен ўз хонамдан кўнғироқ қилмоқчи эдим.

— Борган заҳотингиз кўнғироқ қилинг.

Ўн беш дақиқалардан сўнг Чиппингем «Глобаник» бирлашмаси директорлар кенгашининг аъзоси ва телескомпания директори билан телефонда боғланиб, гапни шундай бошлади:

— Бизнинг ходимларимиздан айримлари ўта муҳим фактларни қўлга кириштирди. Бироқ Кроуф учун бу қувончли хабар эмас.

— Оиласи қаерда экан?

— Перуда. «Сендеро Луминосо» қўлида.

— Перуда? Ишончингиз комелми?

— Ҳозиргина айтганимдек, бу иш билан энг тажрибали ходимларимиз шуғулланишган, энг аввало Гарри Партрижни назарда тутаяпман — улар аниқлаган маълумотлар жуда ишонарли, менинг назаримда.

Бироқ Перуни тилга олиш билан Маргонинг ҳам ҳайрат, ҳам кўрқувга тушганини сезиб, Чиппингем хушёр тортиди ва бу бекорга эмас деб қўйди ичида.

Марго қатъий қилиб деди:

— Мен Партрижнинг ўзи билан гаплашмоқчи эдим.

— Бунинг сира иложи йўқ. У кечадан буён Перуда. Биз ундан душанба куни кўрсатув учун янги хабар олиш ниятидамиз.

— Бундай шошмашошарликдан мақсад нима?

— Марго, бу янгиликлар телестанцияси. Биз ҳамиша шундай ишлаймиз.— Бу гапдан — Маргонинг ишонқирамай асабийлаша боплаганидан у хайрон эди. Шунинг учун у сўради: — Перуни тилга олишим сизни хавотирга солгандай туюлди менга. Сабабини билсам бўладими?

Марго жавоб берсамми-йўқми деб иккиланиб қолди.

— Яқинда «Глобаник индастриз» ва Перу ўртасида катта шартнома имзоланган. Ўртага катта маблағ ташланган — шунинг учун хабарлар Перу ҳукумати билан алоқамизга путур етказмаслиги керак.

— Мен сизга Си-би-эй телестанцияси на Перу ҳукумати билан, на бошқа давлат билан ҳеч бир шартнома тузмаганини эслатиб қўймоқчи эдим.

— Си-би-эй — бу «Глобаник» дегани, — зарда билан эътироз билдирди Марго. — Агар, «Глобаник» Перу ҳукумати билан алоқа қилаётган экан, демак, Си-би-эй ҳам алоқа қилади. Бу оддий нарсани сиз қачон тушунасиз?

Чишпингем «ҳеч қачон» деб ҳайқирмоқчи бўлди. Бироқ айна пайтда бундай қилиш подонлик эканини сезиб, шундай деди:

— Энг аввало биз янгиликлар тарқатувчимиз ва бизнинг вазифамиз воқеаларни тўғри ёритиш. Сизга яна шуни айтмоқчи эдимки, бизнинг ходимимизнинг оиласини «Сендеро луминосо» ташкилотидагилар ўғирлашган — Перу ҳукуматининг бунга алоқаси йўқ.

— Мени воқеалардан воқиф қилиб туринг, — деди Марго. — Бирор нарса бўладиган бўлса, айниқса, гап Перу ҳақида кетадиган бўлса қайси пайт бўлмасин, тортинмай дарҳол хабар қилинг.

Чишпингем шақирлаган товуш эшитди; алоқа-телефон узлиб қолди...

Марго Ллойд-Мэйсон Стоунхэнждаги ўзининг бежирим хонасида ўйга толганча ўтирарди. Унинг боши қотган, бу гап у қандай йўл танилашни билмасди. «Глобаник» бошқаруви раиси Тео Эллиотни хабардор қилсамикан, йўқмикан? Охири оқибат уни хабардор қилишни лозим топди. Бу янгиликни телевизордан эшитгандан кўра, яхшиси Маргонинг оғзидан эшитгани маъқул.

Эллиот уни хайрон қолдириб, гапларига унчалик аҳамият бермади.

— Хўш, нима бўпти, бу ўғирликда «Ойдин йўл» тўдасининг қўли бор экан, буни яширишга сира ҳожат йўқ. Ёдингизда бўлсин, Перу ҳукуматининг бунга алоқаси йўқ: «Ойдин йўл» унинг бирдан-бир душмани. Кўрсатувда худди мана шунга нарсага урғу беришларини назорат қилинг. Бу воқеа Перуга катта обрў келтириши мумкин, шундай экан, Си-би-эй буни қўлдан бой бермаслиги керак.

Эллиотнинг бу сўзини эшитиб, у гапга аралашди.

— Қандай қилиб?

— Перу ҳукумати ўғирланган америкаликларни топиш учун бор имкониятини ишга солади. Уларнинг бу ҳаракатини муносиб тақдирламоқ лозим. Шунинг учун бизнинг телевидениемиздаги репортажлар ҳукуматга ишонч руҳида бўлсин. Мен президент Кастаньедега қўнғироқ қилиб: «Қаранглар, биз ҳукуматингизни қандай кўкка кўтараямиз», — деб айтаман — бу эса ўз навбатида, «Глобаник файнэшл» ва Перу ўртасида шартнома имзоланаётганда жуда асқотади.

Бу гаплар Маргоши ҳам иккилантириб қўйди.

— Тео, балки бунчалик чуқурлаштириш яхши эмасдир?

— Мен сизнинг нимани ўйлаётганингизни тушуниб турибман, — бу билан биз оммавий ахборот воситасидагиларга зуғум қилган бўламиз — демоқчисиз. — «Глобаник» бошқаруви раиси овозини кўтарди. — Во, худо. Ахир бу жин ургур телестанциянинг ҳўжайини биз эмасми? Қўл остингиздагиларга телевидение ҳам тижорат эканлигини, яъни рақобатчилардан ва фойдадан қочиб қутулиб бўлмаслигини, уларга ёқадими-йўқми, яхшилаб ўқтириб қўйсангиз бўларди, дарвоқе, улар мана шунинг учун ҳам афсонавий қалам ҳақи олишяпти. Ёқмаса, кетишсин — бошқа йўл йўқ.

— Ҳаммасини тушундим, Тео,— деди Марго.

Лэс Чиппингем Маргонинг томдан тараша тушгандай қилиқларига кўникиб қолганди. Бироқ гап бирлашманинг кўрсатувга аралашини ҳақида боргани учун ҳам суҳбат мавзун жуда оғир кечди — бундай воқеалар бошқа телестанцияларда ҳам вақти-вақти билан бўлиб турарди, бироқ уларнинг хўжайинлари ҳеч қачон шов-шувли воқеаларга аралашинишолмасди. Бироқ у Марго билан иложи борица босиқ гаплашди:

— Перу ҳукуматининг бунга алоқадор эканлигига ҳеч қайсимиз шубҳа қилаётганимиз йўқ,— деди Янгиликлар бўлимининг бошлиғи.— Афтида, бугунги кўрсатувда ҳаммаси маълум бўлади.

— «Маълум бўлади» мени қониқтирмайди. Мен бунга урғу бериб, таъкидлашларингизни истардим.

— Мен сценарийни кўриб чиқишим керак,— деди Чиппингем.— Сизга ўн беш дақиқадан сўнг кўнғироқ қиламан.

Чиппингем ўн дақиқадан сўнг кўнғироқ қилди.

— Гарри Партриж шундай деб ёзган: «Перу ҳукумати ва «Сендеро Луминосо» кўп йиллардан буён ўзаро уруш олиб бормоқда. Президент Кастаньеда: «Сендеро» мавжуд экан Перу хотиржам яшай олмайди. Бу каллакесарлар менинг кўксимга санчилган тигдир» деган. Биз архивдан керакли тасвирларни топиб, Кастаньеданинг сўзларини берамиз.— Чиппингем бир оз енгил тортиб, масхаромуз оҳангда деди.— Марго, афтида, Гарри сизнинг фикрларингизни олдиндан билган кўринади.

— Маъкул. Қайтадан ўқинг, ёзиб олмоқчиман.

Гўшакни қўйгач, Марго котибасини чақиртирди-да, Тео Эллиотга жўнатиладиган матни ўқиб турди...

Идора хизматчиси хатни шахсан «Глобаник индастриз» раисига олиб бориб берди.

Кейинги кўнғироқ Вашингтонга — давлат котибига қилинди.

Жума кунин бутун кун давомида олти яримдаги «Янгиликлар»нинг биринчи қисми эфирга узатилгунга қадар Си-би-эйдагилар хавфсизлик хизматига қатъий риоя қилдилар...

Сўнги хабар эфирга узатилгач, бутун дунёдаги бошқа телестанциялар Си-би-эйнинг маълумотига асосланган ҳолда ўғирликка доир янги хабарларни бердилар.

Шунга қарамай муҳим, янги воқеа юз берди.

Си-би-эйнинг қидирув гуруҳини бошқараётган Дон Кеттеринг бу ҳақда «Янгиликлар» кўрсатувиининг тугашига бир неча дақиқа қолганда, кечки соат ўнларга яқин эшитди. Унга бу хабарни ўртадаги тижорат янгиликлари учун ажратилган танаффус чоғида кўнғироқ қилган Норман Жегер етказди.

— Дон, дарҳол гуруҳни йиғишимиз шарт. Ҳозиргина Лэс кўнғироқ қилди. Террорчилар Стоунхенжга ўз талаблари ва Жессика Слоун туширилган тасмани юборишибди.

## 4

Катта залнинг чироғи бирин-кетин ўчди. Девордаги телеэкранда ёзувсиз тасмани айлантиришгаётганда пайдо бўладиган оқ-қора тасвир липшиллаб ўта бошлади. Бироқ бу тасвирсиз тасмага овоз — юракни ларзага соладиган оҳу фарёд ёзилган эди. Фарёд қандай бошланган бўлса шундай дафъатан — томоша қилаётганларнинг юрагини сиркиратиб ўчди ва тасмада Жессиканинг аввал боши, елкаси, сўнг бутун қиёфаси пайдо бўлди.

Жессика шундай деди: «Биз билан яхши муносабатда бўлишяпти... Бизни қўйиб юборишлари учун илова этиладиган кўрсатмани беками кўст бажаришларингиз шарт... бироқ эсларингизда бўлсин...»

«Эсларингизда бўлсин» деган сўздан сўнг Кроуфорд Слоун чуқур нафас олиб, хўрсинди-да, нимадир деб ғулдиради.

«...мабодо кўрсатмадаги талаблар бажарилмаса, бизни бошқа кўрмайсизлар. Ҳаётимизга зомин бўласизлар. Бундай қилмасликни сизлардан ўтиниб сўрайман...»

Кроуфорд Слоун яна бетоқатларча шивирлади:

— Ана, яна ишора қилди.

«Биз сизларнинг тўғри йўл таплашларингизга, талабни беками кўст бажаришларингизга умид қиламиз. Шунда ҳаммамиз соғ-омон дийдор кўришишимиз мумкин».

Жессика жим бўлди. Бир неча сония экранда унинг ҳаракатсиз тасвири бериб турилди. Сўнг овоз ҳам, тасвир ҳам йўқолди. Залда қайтадан чироқ ёнди.

— Жессика икки марта маълум маънони англатувчи ишора қилди, — деди Слоун. — У лабини ялади, бу — «Ўз ихтиёрим билан гапирётганим йўқ. Менинг бирофта ҳам сўзимга ишонманг...» дегани. Биз бундай гарзда ишора қилиш ҳақида ўтирлик содир бўлишдан бир кун аввал гаплашган эдик.

— У яна бирон нарса дедими? — сўради Чиппингем.

— Вақт кетаяпти, — деди сабрсизлик билан Айрис Иверли. — Миссис Слоун қандайдир кўрсатма ҳақида гапирди. Ўша кўрсатма қўлимизда борми? — Айрис ёш бўлишга қарамасдан — у ўтирганлар ичида энг ёши эди — раҳбарларнинг оғзига қараб, тил қисиб ўтирадиганлардан эмасди.

— Ҳа, қўлимизда, — деди Франция президентини кутиб олганда кийган, Оскар де ла Рентанинг либосхонасида тайёрланган хушбичим шифон кўйлак кийиб олган Марго. — Менимча, уни бир киши ҳамма эшитсин учун товуш чиқариб ўқиб бергани маъкул.

Унинг ёрдамчиларидан бири тасма гилофига қистириб қўйилган қоғозни олдида, кўзойнак тақиб, ёруғликка эгилганча ўқий бошлади. Баёнотнинг сарлавҳаси шундай эди:

#### «Хўрланганларнинг ойдинликка чиқиш даври келди»

«Жаҳоний инқилобга ўзини бахшида этган даҳолар ва йўлбошчилар ҳақорат ва хўрликка тўла ҳаётларига сабр-тоқат қилиб келдилар, улар ҳар бир сонияда инсон иродасининг қудратини намоён қилдилар, шу йўлда мусибатларга, азоб-уқубатларга дуч келишди, бироқ бир зум бўлса-да, эътиқодларидан воз кечмадилар. Ана шу эътиқодлари туйғайли улар империализмнинг қонли, ваҳшийна қиёфасини, дунё иккита синфдан, бир ҳовуч эзувчилар ва кўпчиликни ташкил этувчи эзилувчилардан иборат эканлигини кўрсатиб бердилар. Буржуа-капиталистлар синфи ўлимга маҳкуmdir.

«Сендеро луминосо» учун сукут сақлаш даври, хўрланиш даври тугади. Эзилувчилар юрагидан таралаётган даъватлар унинг Ойдин йўлини ёритмоқда. Биз энди жим туролмаймиз.

Ўзларини тинчликпарвар қилиб кўрсатаётган йирик давлатлар империализм ва социалистик — империализмга бўлиниб олиб, инсониятни ҳалокат ёқасига стақлаб кетишяпти — улар ўртасидаги рақобат жаҳоний миқёсдаги хавфини алангалатмоқда. Бу урушда бегуноҳ эзилувчилар ва ҳимоясиз одамлар бириччи навбатда қирилиб бораёпти, ваҳоланки, бу уруш қуроллари уларнинг қора меҳнати ва улардан қароқчиларча шилиб олинган бойлик эвазига кўпдан-кўп ишлаб чиқарилмоқда. Бу урушдан бир ҳовуч кишилар ақл бовар қилмас даражада бойиб келмоқда — шу сабабли ҳам улар ўз ҳамёнларини тўлдириш учун янгидан-янги урушларни ўйлаб топмоқда, кичик мамлакатларни бир-бирига гижгяжламоқда, инсониятнинг муқаррар ҳалокатини тайёрламоқда. Бу хил адолатсизлик ва хунрезликка қарши инқилобий ҳаракатлар авж олди. Бу инқилобий ҳаракатга, шубҳасиз, «Сендеро луминосо» раҳбарлик қилмоқда. Бунинг учун унинг билими ҳам, тажрибаси ҳам етарли. Бутун дунё партиямизнинг қанчалар қудратли эканини ич-ичидан ҳис қилиб туришибди.

Бугун эса бизни яна ҳам яхшироқ таниб олишларини истаймиз.

Ўзининг хўжайинларидан пул олиб, ҳуриб турган ва уларнинг инов-ихтиёрига тўлиқ бўйсунган капитализмнинг ёлғончи сариқ матбуоти узоқ вақт — то шу

кунгача «Сендеро луминосо»нинг қахрамонона курашини тухматлар аралаш бир томонлама ёритиб келди.

Энди рост гапни айтадиган пайт келди. Биз шунинг учун ҳам капиталистларни гаровга олдик.

Ушбу ҳужжат Америка Си-би-эй телестанцияси олдига шундай талаб қўяди: 1. Кўрсатув ёзилган биринчи тасма пайшанба кuni етказилади. Душанбадан бошлаб, дастурдаги «Оқшом хабарлари» — ҳар иккаласи ҳам олиб ташланади. 2. Бу кўрсатув ўрнига «Сендеро луминосо» жўнатган бешта тасмадаги кўрсатувлар бериллади. Пайшанбадан бошлаб тасмалар пешма-пеш юбориллади. Бу тасмалардаги кўрсатувлар шундай номланади: «Жаҳон инқилоби», «Сендеро луминосо» — истиқбол йўлини кўрсатади. 3. «Сендеро луминосо» кўрсатувлари кетаётганда тижорат рекламалари берилмайди. 4. Си-би-эй кўрсатувни қўйишдан олдин уни шарҳламайди ва у ҳақда лом-лим демайди. Агар кўрсатув нима сабабдан берилганга озгина ишора қилинса ҳам тутқундаги кишиларнинг биттаси дарҳол ўлдирилади. Буни яна давом этса навбатдаги тутқун қатл этилади. 5. Бизнинг бу талабимизни муҳокама қилиш керак эмас, уни беками-кўст бажариш шарт.

Агар Си-би-эй ва бошқа телестанциялар ушбу ҳужжатдаги талабни беками-кўст бажаришса, «Сендеро луминосо»нинг бешинчи кўрсатуви эфирга берилгандан тўрт кун ўтгач, гаровда ушлаб турилганлар озод қилинади, мабода талаб бажарилмаса, Америка тутқундаги фуқароларини бошқа кўрмайди ва уларнинг жасадларини ҳам топиша олмайди».

Нохуш жимлик чўкди. Афтидан, бирон киши бу жимликни биринчи бўлиб бузишга ботинолмаётганди. Баъзилар Кроуфорд Слоунга кўз остидан қараб қўйишарди — у эса адоин тамом бўлгандек мотамсаро қиёфада ўтирарди.

Ниҳоят Лэс Чиппингем гапиришга қарор қилди:

— Мана улар нимани талаб қилишяпти? Биз эса шу пайтгача негалигига ақлимиз етмай бош қотириб юрибмиз. Улар пул талаб қилишса керак деб ўйлабмиз. Уларнинг эса иштаҳалари карнай экан.

— Террорчилар ҳақ қачон мушоҳада қилиб ўтиришмайди — мушоҳада қилишганда улар террорчи бўлмасди, — деди Норм Жегер. — Бироқ бу гапим уларнинг пўписасига эътибор бермаслик керак деган маънони бермайди. Эрондаги воқеа бизга сабоқ бўлиши керак. — Жегер тепасидаги — девордаги соатга қаради: 22 дан 50 дақиқа ўтганди. Сўнг Чиппингемга ўтирилди. — Лэс, агар ҳозирок ишга киришсак, Слоун хонимнинг тасвирини бир соатлик кўрсатувга киритиш мумкин. Агар бошқа телестанцияларга ҳам тасмалар жўнатилган бўлса, улар ҳар қандай маҳал тасмани қўйиб юбориши мумкин.

— Майли, бераверишсин, — деди қатъий қилиб бошлиқ. — Ҳозиргина ўйин шарти ўзгарди. Келинлар, кишишмасдан муҳокама қилайлик. Соат ўн иккида махсус кўрсатувни берамиз, демак ҳали бир соат вақтимиз бор. Энди кўрсатув эмас, балки улар қўйган талабга жавобимиз муҳим.

— Жавоб бериш ҳақида ўйлаб ҳам ўтирманглар, — хитоб қилди Марго Ллойд-Мэйсон. — Биз бу аҳмоқона талабни қабул қилолмаймиз.

— Нима қилиш кераклигини янгиликлар бўлими ҳал қилади. Бошқа ҳеч ким. Чунки ишнинг нозик томонларини фақат биз биламиз, бундан ташқари, энг яхши мухбиримиз ҳозир Перуда. У билан маслаҳатлашишимиз керак.

— Маслаҳатлашасизми, бошқа иш қиласизми, бу сизнинг ишингиз, — Лэснинг гапини зарда билан бўлди Марго. — Бироқ бу корпорация манфаатларига тааллуқли масала бўлгани учун қарорни у қабул қилади.

— Йўқ! Йўқ! Жин урсин, йўқ! Бунга корпорациянинг заррача алоқаси йўқ, — баҳириб юборди Кроуфорд Слоун. — Шу гапингиз биланоқ сиз бирон қарор қабул қилишга қодир эмаслигингизни, буниг учун на тажриба, на билим, на салоҳиятингиз борлигини кўрсатдингиз. Маъмуриятнинг бир қисми бўлган сизнинг гапингизни эшитдик... Си-би-эйни ёлиб, уни бир ҳафта мобайнида «Сендеро» ихтиёрига бериб қўйиш мумкин эмаслигини мен ҳам яхши биламан. Мен бундай қилиш нодонлик эканлигини таъкидлайман. Гувоҳлар иштирокида айтаман, мен ҳам қаршиман. — Слоун бир оз жим қолди, ютинди, кейин давом этди: — Бироқ

Янгиликлар бўлими ўз тажрибаси ва билимини ишга солиб, вақтдан ютиши мумкин. Ҳозир биз учун асосийси вақт. Бундан ташқари, бизнинг Гарри Партрижимиз бор: ҳамма умид... менинг бутун умидим ундан.

Марго унинг ҳақоратларидан бир зум шошиб қолди, сўнг орага чўккан жимликдан усталик билан фойдаланишни маъқул кўрди.

— Жуда яхши,— деди у Чиппингемга.— Бирон важ-карсон ўйлаб топинглар. Розимаи.

— Раҳмат,— деди Чиппингем.— Фақат битта нарсани айтиб қўяй: бизнинг ушбу қароримиз маълум муддатгача сир бўлиб қолсин.

— Сиз бу гапни менга эмас, бу ерда ўтирган ходимларингизга айтинг...

Барча йиғилганлар ҳушёр тортди. Чиппингем уларга ўтирилиб, сўради:

— Менга сўз бера оласизларми?

Ўтирганлар бирин-кетин «ҳа» дегандек бош чайқашди.

Чиппингем ўзининг хонасига келганда 23 дан 25 дақиқа ўтганди. Ун бир яримда эса Рейтер агентлиги Лимадан «Сендеро луминосо» талабларининг нусхасини жўнатди. Бир неча дақиқадан сўнг эса АП бўлими ҳам талабларининг асосий мазмунини ва «Хўрланганларнинг оидиёликка чиқиш даври келди» ҳужжатининг тўлиқ матнини узатди.

Орадан ўн беш дақиқа ўтмай Эй-би-си, Эн-би-си ва Си-би-эс телестанциялари Жессиканинг гаплари ва тасвири ёзилган махсус янгиликлар сонини беришди... Шунга қарамасдан, Чиппингем ўз қарориди қатъий турди: кўрсатув узилмади, соат ўн иккида бериладиган махсус кўрсатувга тайёргарлик кўра бошлашди.

Ўн бешта кам ўн иккида Чиппингем хонасидан чиқиб, иш қайнаётган «Чамбарак» турган залга кирди.

— Биз ҳеч қандай шарҳсиз соф янгиликлар кўрсатувини тайёрлаяпмиз,— деди Жегер Чиппингемга.

Чиппингем «яхши» дегандек бош ирғади.

Жегер «чамбарак»нинг нариги томонида ўтирган Карл Оуэнсни кўрсатди.

— Биз қандай йўл тутишимиз кераклиги ҳақида Карл яхши таклиф айтган.

— Эшитиб кўрайлик-чи?

Кўрсатув тавловчисининг ёрдамчиси бўлиб ишлаётган Оуэнс Улсес Родригеснинг шахсини аниқлаш бўйича бир қанча ишларни қилиб улгурганди. У ўзининг қозғаларини кўрсатди ва шундай таклиф қилди:

— Бизга юборилган ҳужжатда «Оқшом хабарлари» ўрнига бериладиган тасмалар Си-би-эйга келаси пайшанбадан бошлаб, бирин-кетин юборилиши айтилган. Бугунги Слоун хоним ёзилган тасмалардан ташқари ўша тасмалар бир нусхада — фақат Си-би-эйга жўнатилади ва бошқалар ундан кўчириб олади. Мен сешанба кунгача Си-би-эйнинг қарорини эълон қилмасликни таклиф қиламан. Душанба кун эса сешанбада Си-би-эй қарорини эълон қилишини айтаман. Сешанба кун токи биринчи тасман олмагунча, яъни пайшанба кунгача бирон-бир қарорга келмаганимизни баён қиламиз. Бу эса пайшанбагача ихтиёримизда олти кун бор дегани. Энди эса пайшанба кун тасман олгач, нима қилишимизни гаплашайлик.

— Ҳўш, нима қиламиз?

— Биз тасман темир қутига ташлаймиз-да, ундаги тасвирлар ёмон ёзилган, тасма бузуқ чиқди деб телевидение ва радио орқали хабар қиламиз. Бу хабар, албатта, Перуга — «Сендеро»чиларга етиб боради.

— Гапингни тушундим,— деди Чиппингем.— Бироқ ўзинг охиригача тушунтира қол.

— «Сендеро» тўдаси биз ёлгон гапираяпмизми ёки ростми, билолмайди. Чунки тасма йўлда бузилиши мумкинлигини улар ҳам тушунишади. Шунда улар тасман бошқатдан жўнатишга мажбур бўлишади. Биз яна бир неча кун ютамыз.

— Ажойиб таклиф,— мақтади Чиппингем.

«Сендеро»нинг ақл бовар қилмас талаби ва видеоёзувдаги Жессика айтган

гаплар соат ўн иккидаги «Янгиликлар»нинг асосий мавзуси бўлди ва бутун дунё воқеалар ривожини диққат билан кузата бошлади. Қўнғироқлардан Си-би-эйдагиларнинг қулоқлари қоматга келди. Аксарият кишилар: «Бўш келманглар», «Биз сиз билан» деб сим қоқишарди.

Бироқ ғалатиси шунда эдики, аксарият сим қоқувчилар гаровдагиларни қутқариш учун «Сендеро»нинг талабини бажаришни таклиф қиларди. Бундай таклифларни эшитган Норман Жегер нафратомуз ижирғанарди:

— Бу талабни бажаришимиз оқибатида бундан буён жиноятчилар телевидениечиларни ўғирлаб, талаб қўйсақ, сўзсиз бажаришади деган қарорга келишларини наҳотки бу хумкаллалар тушунмаса...

«Сендеро»нинг талабини Си-би-эй қабул қилмаслиги ҳақидаги қарорини сир сақлаш тўғрисидаги Чиппингемнинг буйруғи ходимлар томонидан сўзсиз бажарилди — бу ҳақда ҳеч ким лом-лим демади. Бироқ бу ваъдани Марго Ллойд-Мэйсон бузди — у яқшанба куни Теодор Эллотга қўнғироқ қилиб, жума куни кечкурун Си-би-эй қандай қарорга келганини айтиб қўйди.

## 5

«Глобаник индастриз»нинг бош идораси Манхэттиндан ўттиз чақирим наридаги Нью-Йоркнинг Пизантвилла шаҳарчасида — катта боғ ичида жойлашганди. Бу идорада «Глобаник индастриз»нинг sanoat ва молиявий соҳадаги ғала-ғовуридан ўзларини бир четга олган, шовқин-суронга тоби йўқ нозиктаъб концерн бошлиқлари — казо-казолар ишлар эди.

Бироқ баъзида «Глобаник индастриз» корчалонларининг оромини бузиб, бу ерга ҳам ўзбошимча кишилар суқилиб кирар ва уларни турли масалаларда безовта қилиб туришарди. Шундайлардан бири «Балтимор стар»нинг репортёри Глен Доусон эди. У душанба куни соат 10 да палладий масаласида маълумот олиш учун бу мухташам қаҳқошонда пайдо бўлди. Бу қимматбаҳо маъданни қазиб олувчи ишчилар исён қилишгани ҳақида «телеянгиликлар»да хабар пайдо бўлган, «Глобаник индастриз»нинг палладий ва платино қазиб олувчи конлари айнан ўша исён бўлаётган ерда — Бразилиянинг Минас-Жериас водийсида жойлашганди.

Доусон энг юқори мартабали бошлиқларнинг хонаси жойлашган ҳашаматли қабулхонада — ёрдамчи нозирничг қабул қилишини кутиб ўтирарди. Бирдан хоналардан бирининг эшиги очилиб, у ердан икки киши чиқиб келди. Улардан бири Теодор Эллот эди — Доусон газетлардаги суратига қараб, дарров таниди. Иккинчиси ҳам танишдай туюлди, бироқ унинг кимлигини эслолмади. Улар ичкарида бошланган суҳбатини қабулхонада давом эттиришди — асосан нотаниш одам гапирарди.

— ... Сизнинг Си-би-эйингиз жуда қийин вазиятда қолди. Анали перулик тўданинг талаби сизнинг обрў-эътиборингизни тушириб юбориши мумкин.

Бошқарув раиси бош ирғади.

— Гарчи ҳали ошкор қилмаган бўлсак ҳам, аллақачон бир қарорга келиб қўйдик. Анови телба-коммунистларнинг бизга буйруқ қилишларига йўл қўймаймиз — улар ҳеч қачон мақсадларига эришишолмайди.

— Демак Си-би-эй «Оқшом хабарлари»ни тўхтатиб қўймайди?

— Асло тўхтамайди. Жин урсин, ўша «Сендеро луминосо»ни ҳам, тасма-пасмасини ҳам. Бош қотириб ўтиришга арзимамайди.

Икки эркак нари кетгач, овозлари эшитилмай қолди.

Ён дафтгарчасини журналнинг тагига қўйиб, Глен Доусон эшитганларининг ҳаммасини ёзиб олди. Ҳаяжонланганидан юраги қинидан чиқиб кетгудай бўлиб, гупилларди. У журналистлар ойлаб қидирса ҳам тополмайдагин маълумотларни эшитиб турганини биларди.

— Мистер Доусон, — деб қолди котиба қиз. — Мистер Ликата сизни кутаяптилар.

Котиба қизни айланиб ўтар экан, Доусон унинг бошига эгилиб, жилмайди-да, хушомад оҳангида сўради:



— Жаноб Эллиот билан турган жанобни қаердадир кўрганману ҳеч эслол-маягман.

Котиба қиз ҳўмрайиб олди. Доусон эса унга худди ялингандай тикилиб, жил-майиб тураверди. Қиз охири унинг тузоғига тушди.

— Бу киши мистер Олден Родс. Давлат котибининг ёрдамчиси.

— Дарвоқе. Бу ўша-ку. Таний олмаганимни қаранг.

«Глобаник» нозирни билан Доусон жуда бетоқат бўлиб суҳбат қилди — у суҳбатнинг тезроқ тугагини истарди. Ниҳоят маълумотларни олиб бўлгач, таҳририятга қараб чошти. Рокфеллер-плаздаги камтаргина хонасида Глен Доусон палладий ҳақидаги мақолани бир зумда компьютерга ёзиб қўйди. Сўнг иккинчиси — унга жуда муҳимдай бўлиб туюлаётган иккинчи мақолани ёзишга киришди. Ёзаркан, унинг бармоқлари клавишлар устида гўё рақсга тушарди. Шунда бирдан бутун шуурини битта савол қамраб олди: бу мақоласи туфайли Перудаги тутқунларга зиён-заҳмат етмасмикин?

Тўғрироғи, Си-би-эй «Сендеро луминосо»нинг талабини бажармаслиги ҳақидаги бу ўта махфий қарор туфайли Слоунлар оиласи жабр чекиб қолмасмикин?

Бошқа томондан эса кенг жамоатчилик енг ичида нима ишлар қилаётганларини билиб қўйса ёмон бўлмасди. Албатта, булар жиддий масала, бироқ Доусон буёғи мухбирнинг иши эмаслигини яхши биларди — у бурчини бажараяпти, холос. Репортёр билганини, зарур деб ҳисоблаганини ёзади. Ёзганларини ҳозирданоқ ўз хонасидаги компьютерда муҳаррир кўриб чиқади. Бу ёғи унга ҳавола, қандай қарор қилса, шундай бўлади. Мақолани ёзиб бўлгач, у ўзига нусха олиш учун клавишни босди. У матини энди оламан деб турганда, кимдир ундан олдинроқ қоғозга қўл чўзди. Бу ҳозиргина хонага кириб келган бўлим мудирини Сэнди Сефтон эди. У репортажга кўз югуртириб чикди-да, ҳуштак чалиб юборди ва сичқонникидай кўзларини Доусонга тикди.

— Шов-шув остида қоласан.— бунга аминман. Эллиотнинг сўзларини айтиши билан ёзиб олдингми?

— Ўша лаҳзадаёқ.— Доусон ёзганларини кўрсатди.

— Жуда зўр. Сен униси — Олден Родс билан гаплашиб кўрдингми?

Доусон бош чайқади.

— «Балтимор» бошлиқлари эса унинг тасдиқлашини истайди.— Шу пайт телефон жиринглади.— Мана, сўроқ ҳам бошланди. Бу бошлиқлардан биттаси.

Кўнғироқ қилаётган Алларгис Фрэйзер — «Балтимор стар»нинг масъул муҳаррири эди. У Доусоннинг компьютеридан узатилган мақолани ўз компьютерида ўқиб чикқанди, афтидан, у буйруқ оҳангида сўради:

— Сен Теодор Эллиот билан юзма-юз гаплашмагансан, тўғрими?

— Шундай, мистер Фрэйзер.

— Унда аввал гаплаш. Унга ҳаммаси сенга маълумлигини ва бу масалада нима дейишни сўра. Агар у бош тортса, бош тортди деб ёз. Агар ундан бирон иш чикмаса, Олден Родсдан тасдиқлатиб ол. Қандай саволлар беришни биласанми?

— Билсам керак деб ўйлайман.

Доусон «Глобаник»ка кўнғироқ қилди.

Гўшакни аёл киши кўтарди. У ўзини таништириб, мистер Теодор Эллиот билан гаплашмоқчи эканлигини айтди.

— Мистер Эллиот ҳозир бандлар,— деди аёл хушмуомалалик билан.— Мен Кесслер хонимман. Балким сизга менинг бирон ёрдамим тегад.

— Балким,— деди Доусон ҳам ва нима масалада кўнғироқ қилаётганини айтди.

— Бир дақиқа, мен ҳозир.— Аёлнинг овози бирдан ўзгарди.

Орадан бир неча дақиқа ўтди. Доусон гўшакни энди қўймоқчи бўлиб турганди, нари томондан овоз келди. Аёл бу сафар ўта расмий оҳангда гаплашди.

— Мистер Эллиот чош этишга руҳсат берилмайдиган суҳбатни эшитганингизни маълум қилди.

— Мен репортёрман, — деди Доусон. — Шунинг учун гарчи шахсан менга айтилмаган бўлса ҳам эшитган ҳар қандай маълумотимни эълон қилишга ҳаққим бор.

— Мистер Доусон, мен суҳбатимиз тугади деб ўйлайман.

— Бир дақиқа. Илтимос, айтинг-чи, мистер Эллиот мен сизга айтган маълумотни инкор қилаяптими?

— Мистер Эллиот ҳар қандай изоҳга ҳожат йўқ десапти.

Доусон саволни ҳам, жавобни ҳам ёзиб қўйди.

— Миссис Кесслер, менга ўзингизнинг исмингизни айтолмайсизми?

— Нима учун?... Хўп майли, Дайана...

Доусон ичда кулиб қўйди: Кесслер хошим агар ўзининг номи матбуотда чиқар экан, яхшиси, тўлиқ чиққани маъқул деган қарорга келганини сезди. У «миннатдорман» демоқчи эди, бироқ нариги томондаги гўшак қўйиб қўйилди.

Доусон ҳам гўшакни жойига қўйган эди ҳамки, бўлим мудирини унга бир парча қоғоз берди.

— Родс ҳозир давлат департаменти машинасида Ла-Гардия аэропортига қараб кетаяпти. Машинадаги телефоннинг рақами.

Доусон яна гўшакни кўтарди.

Бу сафар ундан эркак овози келди. Доусон «Менга мистер Олдон Родс керак эди» деди. Эркак «Эшитаман» деб жавоб берди.

— Мистер Родс, сиз Теодор Эллиотнинг Си-би-эй «Сендеро луминосо» талабинини бажармаслиги ҳақида «... телба коммунистларнинг бизга буйруқ беришларига йўл қўйолмаймиз» деган гапини қандай шарҳлайсиз?

— Бу маълумотни Тео Эллиотнинг ўзи сизга айтдимми?

— Бу гапни унинг оғзидан ўзим эшитдим, мистер Родс.

— Мен у бу гапни ўта махфий тарзда гапираяпти деб ўйловдим. — Сўнг жим қолди. — Шошманг, менга қаранг, биз суҳбатлашиб чиқаётганда унинг қабулхонасида сиз ўтирганмидингиз?

— Ҳа, мен эдим.

— Унда ҳозир айтган гапларим ошкор этилмаслигини талаб қиламан.

— Мистер Родс, мен сизга бошдаёқ ўзимнинг кимлигимни айтгандим. Сиз гапларим ошкор этилмасин демагандингиз.

— Жудаям бемаъни одам экансан, Доусон.

— Мен ҳақимдаги бу юксак мақтовингизни, албатта, ошкор этмасам ҳам бўлади. Чунки энди оғҳлангирдингиз деб ҳисоблайман.

Бўлим мудирини кулиб юбормаслик учун оғзини қўллари билан ёпиб олди.

Оммавий ахборот воситаларига тааллуқли ҳар қандай нашр шов-шувга сабаб бўладиган мақолани ушлаб туришдан кўра тезроқ чоп этиш пайида бўлади. Бирок баъзи мақолалар — Доусоннинг мақоласи шундайлардан эди — жиддий муҳокама қилинади. Шу сабабли масъул муҳаррир ҳам, Америка ички янгилликлари муҳаррири ҳам мақолани жуда ҳижжалаб ўқиди. Сўнгги дақиқалардагина масъул муҳаррир ўз хулосасини айтди.

— Ҳеч қандай шахсга тегадиган жойи йўқ. Мақолани чоп этамиз.

Репортаж «Балтимор стар»нинг кундузги сонида «Си-би-эй Слоунларни гаровда ушлаб турганларнинг талабига «йўқ» деб жавоб бермоқда» деган йирик сарлавҳа остида эълон қилинди.

«Балтимор стар» сотувга чиқмасдан бу ҳақда барча ахборот агентликлари хабар топди. Кечки теле ва радио янгилликлар, Си-би-эй ҳам газетадаги — гарчи бу хабар улар учун ёз кундаги момақалдиरोқдек таассурот қолдирган бўлса-да — хабарни шарҳлаб ўтдилар.

Эртасига эса Перу оммавий ахборот воситалари Теодор Эллиотнинг «телба коммунистлар» — «Сендеро луминосо» ҳақидаги гапига алоҳида урғу бериб, шов-шув кўтарди.

— Менга Висенте ёқиб қолди,— деди Никки.— Унга ишонсак бўлади.

— Мен ҳам шу фикрдаман,— деди ўз қафасида турганча Энгус. У йиғма тўшакка ташланган искирт кўрпа устида деворда ўрмалаб юрган қўнғизларни эрмак учун кузатиб ётарди.

— Бу гапни хаёлларингдан чиқариб ташланглар,— деди қатъий қилиб Жессика.— У ҳам бошқаларга ўхшаган аҳмоқ, фақат ўзини дўст қилиб кўрсатади.— У бирдан айтаётганларига ўзи ҳам унчалик ишонмаслигини ўйлаб, тўхтаб қолди. Никкининг сазасини ўлдириш яхши эмас. Ҳеч қурса умидвор бўлиб тургани тузук.

Аммо икки ҳафталик қафас ичидаги тутқунликлари уларнинг ҳаммасини асабий, жиззаки қилиб қўйганди, шу сабабли ҳамма кўзларига душман бўлиб кўринарди.

Генерал Уайднинг тутқунлиги мутлақо бошқача эди, деб ўйлади Жессика террорчиликка қарши маърузаларни эслаб: Уайд Корейнинг ертўласига ташланган бўлса-да, у Ватан солдати эди, ватанининг шаънини ерга урмаслик ҳисси унга куч бағишлаб турарди — уруш даври эди. Ҳозир эса ҳеч қандай уруш йўқ. Улар эса гаровга олинган. Биров эсламайдиган оддий фуқаролар... Хўш, улар нимадан куч олсин? Нимадан руҳлансин. Жессика ҳозирча руҳини кўтарадиган бирон нарса тополмаган эди.

Слоунлар ўғирланганлиги ҳақидаги хабар Перунинг энг овлоқ бурчакларига-ча радио орқали етиб борганди.

Сешанба кунини эрталаб, яъни «Балтимор стар» Теодор Эллиотнинг «Сендеро луминосо»нинг талабини рад қилгани ҳақидаги баёнотини босиб чиқарган куннинг эртасига тоғли Аякучо шаҳридаги тўдабошилар ва Нуэва — Эсперанцадагилар ҳам радио орқали янгиликдан хабардор бўлдилар.

Шу кунпёқ Мигель билан «Сендеро луминосо» йўлбошчиларидан бири ўртасида қисқа муддатли сим орқали суҳбат бўлиб ўтди. Иккаласи ҳам алоқа сими бошқа қишлоқлардан ўтганини ва суҳбатларини полиция ҳамда армия эшитиши эҳтимоли борлигини яхши билишарди. Шунинг учун улар фақат иккаласигина тушунини мумкин бўлган ибораларда гаплашишди.

Суҳбат якунида икки томон ҳам бир тўхташга келишди: имилламай қандайдир қарши чора кўрилиши шарт. Американинг ўша Си-би-эй телестанциясига ўзларининг ким эканликларини, пўписадан қўрқадиган ношудлар эмасликларини кўрсатиб қўйиш керак. Балким тутқунлардан бирини ўлдириб, топиб, таниб олишлари осон бўлиши учун Лимага олиб бориб ташлаш керакдир? Мигель «бу усул ҳам яхши, бироқ учала тутқунни ҳам ҳозирча тирик ушлаб туриш кўпроқ фойда беради; қарши чорага келсак эса... қилиш керак» деб таклиф қилди. Унинг таклифи ўша заҳоти қабул қилинди. Таклифни амалга ошириш учун машина ёки пикап керак бўларди. Аякучодан Нуэва-Эсперанцага шу заҳоти машина жўнатиладиган бўлди.

Саройга бирдан бир неча киши кириб келди. Булар Мигель, Сокорро, Густаво, Роман ва яна бир қуролли соқчи эди. Ҳозир нимадир юз бериши уларнинг авзодан кўриниб турарди: Жессика, Никки, Энгус — юрак ҳовучлаб кутиб туришди. Видеоасмага ёзиб олингандан буён олти кун ўтган — ўша кунги Жессиканинг ўжарлигига Никкининг кўкрагига сигарет босиб билан жавоб қилишган, гарчи жароҳат битиб, Никки энди азоб чекмаётган бўлса-да, Жессика ўғлига азоб бермасликлари учун ҳар нарсага тайёр эди.

Террорчилар яна Никкининг қафасига киришганини кўриб, Жессика ниманидир сезгандай бақриб юборди.

— Нима қилмоқчи бўладисизлар? Ўтинаман, энди унга азоб берманглар. У шусиз ҳам жуда кўп азоб чекди. Нима қилсангиз мени қилинг. Нега яна унга ёпишиб олдиларинг?

Жессика Мигель Никкининг қафасига ёғоч столни киритганини кўрди; Густаво билан қуролли соқчи Никкининг қўл-оёғидан маҳкам ушлаб олишди. Жессика яна жонҳолатда бақира бошлади.

— Бу қандай ваҳшийлик. Худо ҳақки, унга тегманг.

Жессиканинг гапига эътибор ҳам бермай, Сокорро Никкига қараб деди:

— Ҳозир сенинг бармоқларингни чопишади.— Шусиз ҳам кўрқувдан қалтириб турган Никки «бармоқларингни» деган сўздан сўнг батамом кўкариб кетди.

Сокорро гапини давом эттирди.

— Бу одамлар бармоқларингни кесишади, шундай қарор қилинди. Агар сен кўрқиб, жазава қилсанг, уч-тўрт баробар кўп азоб чекасан. Шунинг учун жим тур.

Никки унинг гапларини эшитмади ҳам. Худди беҳуш одамдай кўзлари олайиб, танаси қалт-қалт титрарди.

— Йўқ,— деган фиғон отилиб чиқди Жессиканинг бўғзидан.— Бармоқларига тегманг. Ахир у пианиночи. Бутун ҳаётини барбод қиласизлар.

— Биладан,— Мигель унга сурлик билан тиржайди.— Эрингиз телевидениеда — матбуот-конференциясида бу ҳақда жуда керилиб гапирганди. Энди ўғлининг бармоқларини олгач, ўша гапларига минг марта пушаймон бўлади.

— Менинг бармоқларимни кесинглар! — хитоб қилди Энгус ва қўлларини чўзди.— Сизларга нима фарқи бор? Боланинг ҳаётини азобга қўйиб нима қиласиз?

Мигелнинг юзи ғазабдан бўзариб кетди.

— Ҳар йили ёшга ҳам тўлмай ўлиб кетаётган олтмиш минг перулик гўдак олдида бир мишиқи буржуйининг иккита бармоғи нима деган гап?

— Бироқ биз америкаликмиз,— эътироз билдирди Энгус.— Уларнинг ўлимига биз айбдор эмасмиз.

— Айбдорсизлар. Капиталистик тузум — сизларнинг тузумларингиз бутун дунё халқларини асоратга солиб, уларни қашшоқ ва касалманд қилиб, ҳалок этапти. Яна ким айбдор деб сўраб ўтирибсан...

Қолгани кўз очиб юмгунча содир бўлди. Густаво столи Никкининг ёнига қўйди. Боланинг дод солишига, ўзини ҳар ён ташлашига, йиғлаб-ёлворишига қарамай Густаво унинг ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғини стол устига қўйди. Роман ёнидан ов пичоғини олди, тиғига ўткир-ўткир эмаслигини билмоқчидек қўл тегизиб кўрди.

Пичоғидан кўнгли тўлгач, Роман Никкининг бармоғи устида пичоғини баланд кўтарди ва пичоқ шип этди. Кесилган бармоқдан қон отила бошлади. Никки чиққириб юборди. Бироқ бармоқ ҳали узилмаган эди. Роман пичоқни яна кўтариб туширди — бармоқ чирт узилди.

Қоннинг шариллаб оқаётганига қарамай, энди стол устига ўнг қўлнинг жимжилоқ бармоғини қўйишди. Бу марта Роман бир зарб билан бармоқни узиб ташлади.

Сокорро биринчи бармоқни солиб олган полиэтилен қопчага жимжилоқни ҳам ташлагаж, халтачани Мигелга узатди. Унинг ҳам юзи оқариб кетган, лабларини қаттиқ тишлаб олганди. У юзини кафтлари билан яшириб, инграб ётган Жессикага кўз ташлаб қўқарди.

Никки эса ҳушидан кетгандек ерда чўзилиб ётар, бақирмас, йиғламас, фақат юракни ларзага солиб, инқилларди. Қонга ботган столи олиб, Мигель, Роман ва қуролли соқчи чиқиб кетишгач, Сокорро Густавога тўхтаб тур дегандек имо қилди.

— Агагга chuco. Sientalo.\*

Густаво Никкини ердан кўтариб олиб, ўтқазди-да, Сокорро ташқарига чиқиб, иссиқ сув, совун келтиргунча қадини суяб турди. Сокорро Никкининг ўнг қўлини кўтариб, жароҳат жойларини ювди — сув бирдан оч-қизил тусга кирди. Сўнг Сокорро узилган бармоқлар ўршига қатланган дока қўйди-да, қаттиқ қилиб ўраб ташлади. Никкининг аъзой бадани қалтирар, хаёли жойида эмасди.

Эшикда турган Мигелни кўриб, Жессика ўз қафаси ичида зир айланиб, ялинди:

— Илтимос, мени ўғлимнинг олдига ўтказинг, илтимос. Ўтиниб сўрайман.

\* Болани ушла. Ўтқазиб қўй (*исп.*).

Мигель кескин бош чайқади.

— Бу кучукваччага ҳеч нарса қилмайди, қайтанга тезроқ ҳақиқий эркак бўлади.

— У ҳозир ҳам сенга қараганда юз қарра ҳақиқий эркак, — деди Энгус нафрат ва ғазаб тўла овоз билан. У бир ҳафта олдин Никки ўргатган испанча сўкишни эслади ва зўрға талаффуз қилди. — Сен Maldito hifo de puta\*.

Мигель бошини илкис кўтарди. У Энгусга совуқ, ҳеч қачон ҳеч кимга раҳм қилмасликка ўрганган шафқатсиз кўзларини текди. Сўнг бирон оғиз гапирмай чикиб кетди.

Никкининг қафасида туриб, сўкишни эшитиб, Мигелнинг ёвуз нигоҳини сезган Густаво Энгусга қараб бош чайқади.

— Сен қари ҳўкиз, ёмон гап гапирдинг. Бунинг учун ҳали кунингни кўрасан.

Орадан бир соатлар чамаси вақт ўтди. Вақт ўтган сайин Жессика ўғлининг руҳий аҳволидан шунчалик кўп хавотир ола бошлади. У ўз қафасида туриб бўлса-да, қандайдир йўл билан ўғлига далда бергиси, меҳрибонлик қилгиси келарди; бироқ Никки унга қайрилиб ҳам қарамас, ҳаёт асари қолмагандек чўзилиб ётар, фақат баъзи-баъзида ингроқ аралаш хўрсиниб кўярди. Сўнг бирдан ўрнидан ирғиб туриб, бутун вужуди қалтираганча бақира бошларди. Жессика унинг қилт этмай ётиши ҳам, дод-фарёди ҳам асабий-руҳий маромнинг бузилганлиги оқибати эканини биларди; унинг фаҳмича, Никкининг кўзлари ҳеч нарсага кўрмаётган, сезмаётгандай катта-катта очилган, юзи ифодасиз ва оппоқ эди.

— Бирон нарса де, жонгинам, болагинам, кўзинчоғим, — йиғлаб ялинарди у. — Бир оғиз сўз айт. Бирон нарса де.

Бироқ Никки эшитмаётгандай миқ этмасди. Энгус ҳам уни гапга солиб кўрди, бироқ фойдаси бўлмади. Овқат келтиришди, уни қафаслар ёнига қўйиб кетишди. Никки овқатга қайрилиб ҳам қарамади. Жессика эса кучдан қолмаслик учун ўзини мажбурлаб тамадди қилди, аммо иштаҳаси мутлақо йўқолган, худди коғозни чайнаётгандай эди.

Кеч тушиб, сарой ичини кўриб бўлмай қолди. Ярим тунга яқин соқчилар алмашдилар. Навбатчиликка Висента келди. Атрофга зулмат сукунати чўкди: ташқаридан фақат ҳашаротларнинг чириллаши эшитилар, ҳамма аллақачон ухлаб қолган эди. Саройга Сокорро кириб келди. У илиқ сув, дока, малҳам, мойчи-роқ кўтариб олганди. Никкини сўрига суяб, қўлини қайтадан боғлаб қўйди.

Оғрик, афтидан, пасайганди: Никки фақат қалтириб турарди. Жессика уларга бир оз қараб турди-да, секин шивирлади:

— Сокорро, ўтиниб сўрайман...

Сокорро унга ўгирилиб қаради ва лабларига бармоғини қўйиб, жим бўл дегандек ишора қилди. Никкининг қўлини боғлаб бўлгач, Сокорро қафасдан чиқди, бироқ уни қулфламади. Жессика ўтирган қафаснинг ёнига келиб, калит солиб, эшигини очди... Сўнг Жессикага Никки турган қафаснинг эшигини кўрсатди.

— Фақат тонг оқармасдан жойингга ўт, — шивирлади Сокорро. Кейин Висентага ишора қилди. — Қачонлигини у айтади.

Жессика Никкининг ёнига отилиб қирмоқчи эди, бироқ тўхтади-да, ўгирилиб, Сокорронинг пешонасидан ўпиб қўйди.

Жессика Никкини кучоғига олганда:

— Оҳ, онажон, — деб ингради у ва шу заҳотли пишиллаб ухлаб қолди.

д. (Давоми келгуси сонда).

д.  
д.  
д.  
д.  
д.

\* Хароми. Бузуқнинг боласи (исп.).

Меҳмед Эмин ЮРДАҚУЛ

## Эй турк, уйғон

Эй, қардошлар, уйғонинг,  
Шу туркларка беринг жон,  
Куш излагай уяна —  
Туркларни бу Турон!

*Турк юртига бағишлайман.*

**Э**й миллатим! Сен бундан тамом беш минг йил аввал  
Олтойларда яшаркан,  
Тангриинг сенга дедик: «Эй турк ирки, бу ердан  
Куёш томон толпинган бургут каби уч, юксал!  
Сенинг ҳар бир қувватни эга олувчи қўлинг  
Бўйсунмаган бошларга йилдиримлар сочажак,  
Сенга Чиннинг, Эроннинг, Мисру Ҳинднинг, ҳар элнинг  
Бир ботирни истаган тахти кучоқ очажак!»

Сен бу сасни эшитгач, довулдай йўллар ошдинг,  
Ёли тик-тик тиккайган арслон каби савашдинг.  
Илк бор филларни кўрган  
Қари Алплар, Қафқазлар...  
Тўфонлар-ла ҳайқирган  
Эски Ниллар, Оразлар  
Сенинг каби савашчи ва бир улуғ миллатни  
Инсон ўғли яралган кундан бери кўрмади.

Сен ҳар ерда футухот қўшиқларин куйладинг,  
Қорахошлар, Ўғузлар,  
Атиллалар, Темурлару Ёвузлар —  
Сенинг у кенг кўксингни кўтартирган аждодинг.  
Сен уч дунё, уч қитъа устига туғинг қадаб,  
Оқ, қора ирқлар тили, тарихида саналдинг;  
Шарку ғарбнинг юзларча бутлари қолди қараб,—  
Қилич билан қалқоннинг Тангриси деб танилдинг.

Тахтлар йиқдинг, лекин сен меҳробларга юз сурдинг,  
Тожлар олдинг, лекин сен миллатларга ҳақ бердинг.  
Сен-да қонли майдонда  
Ёқувчи оташ эдинг,

---

М. Э. ЮРДАҚУЛ (1869—1944) — «Туркча шеърлар» (1898), «Турк сози» (1914), «Эй турк, уйғон» (1914), «Тонг товушлари» (1915), «Ўрду достони» (1916), «Дажла олдида» (1916), «Ҳаста боқувчи хонимлар» (1917), «Туронга қараб» (1918), «Зафар йўлида» (1918), «Исён ва дуо» (1919), «Ойдин қизлари» (1921), «Анқара» (1939) сингари китоблар муаллифи. «Эй турк, уйғон» шеъри унга, айниқса, шуҳрат келтирди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ  
МТЭН. 42А

82

Бироқ бошқа замонда  
 Иситгиç куёш эдинг,  
 Боқ, тупроғинг бошвида жаллодларнинг панжаси,  
 На-да қошли, мотамли Варфоломей кечаси!..

Сенинг ўйинг эмасди фақат мулк фатҳ айламак;  
 Сенга илму ҳикматнинг,  
 Билим, ақлу мантиқнинг, шеърийатнинг, санъатинг  
 Энг буюк даҳоларин яратиб берди фалак.  
 Сенинг ҳар бир қарвонинг Исфакхондан, Пекиндан  
 Инжуларни, қимматли матоларни таширди;  
 Қўркинç Гўби чўлидан ва Искандар саддидан  
 Фикру динни элларга сенинг элинг оширди.

Сен дунёга инқилоб уруғларин қададинг,  
 Тараққий далачиси, ўримчиси атандинг.  
 Сендан чиққан Форобий,  
 Ибн Сино, Мавлоқонг,  
 Замаҳшарий, Бухорий,  
 Яна минглаб уламонг  
 Колоқлигу ваҳшатга, жажлға мушт урдилар,  
 Муҳаммаднинг юртида маданият қурдилар.

Сен яралиб, шарқда бир Турк дунёси яратдинг,  
 Уни олтин куббалар,  
 Кўк чинишли меҳроблар, мармар тошли турба<sup>1</sup>лар,  
 Мадрасалар, чашмалар, кўприқлар-ла яшнатдинг.  
 Сенинг ёлғиз Ўрхунинг, Самарқандинг, Турфонинг  
 Қандай буюк бир миллат бўлганингни билдирар.  
 Бу элларнинг ҳар тоши, ҳар девори Туроннинг  
 Шонли минг-минг йилини кўз олдинга келтирар.

Демак, сенинг «маданий бўлмаган»нинг ёлғондир,  
 Сенга фақат «темиркўл» дейилиши бўхтондир.  
 Қиличингдай онгинг ҳам  
 Доим ўтқир, устундир;  
 Севгинг, билгинг, донгинг ҳам  
 Маданият учундир.

Сен бўлмасанг агарда, дунё ортда қоларди,  
 Кўк остида ҳар нени қайғу қамраб оларди.

Фақат энди... Ҳа, сўнги уч юз йилдан беридир  
 Сенинг шонли ҳаётинг, биллур бахтинг тўниқдир,  
 Ёруғ кентлар, қишлоқлар, ўчоқларинг сўниқдир,  
 Ҳар бурчагинг — бир мазор, қайғу, ёнғин еридир.

Унда — йиқиқ саройлару жасад — ўлик шаҳарлар  
 Ерга чўккан тахтлар учун гўё унсиз йиғлайди;  
 Буида — ёруғ, бўм-бўш қолган маъбадлару деворлар,  
 Қайғу кўмган уйлар, қуйлар юракларни доғлайди.  
 Бу хароба юртлардаги жаҳолат  
 Қутбдаги ваҳшийликдан кўпроқдир;  
 Бу заволли эллардаги сафолат  
 Африканинг чўлларида ҳам йўқдир!

<sup>1</sup> Турба — макбара.

Шу ишсизлар, шу ҳайқирган йўқсуллар,  
 Шу маҳбуслар, оч оғизлар сенингдир,  
 Шу хасталар, шу тиланган ёш туллар,  
 Шу етимлар, қари қизлар сенингдир.  
 Қишлоқларда ҳайвондай ўт еганлар, боқ, турклардир,  
 У, инларда яшаб, пўстин кийганлар, боқ, турклардир.

Бугун сенинг ҳар тарафдан эшитилар фарёдинг,  
 Тангринг, дининг билмайдилар, йиқилмоқда меҳробинг.  
 Шаънинг, ҳаққинг топталмоқда, ёқилмоқда Китобинг,  
 Бўғилмоқда тилинг, туйғунг, хўрланмоқда турк отинг!

Бок, шу қонли кафандайин совуқ ва ёт кўлкалар  
 Қўлидаги кир латталар — бир душманнинг байроғи.  
 Турк товуши, қардош саси инграган ул ўлкалар  
 Бу соатда бирор жаллод ҳукуматнинг тупроғи.

Осиёда эски Гангнинг ул фақир  
 Лўлисидай кезиб, жондан безгансан.  
 Исроилнинг у ватансиз, у ҳақир  
 Наслидай ўз юрагингни эзгансан.

Оврупода фатҳ айлаган юртингдан  
 Сургун бўлиб, қувилмоққа маҳкумсан.  
 Ер юзида бир адолат, бир виждон  
 Эгасига етишмоқдан маҳрумсан.

Кўп боқдинг сен истибдодлар, хоинликлар турқиға,  
 Нонкўрлардан қайтди зулм сен, бахтсиз турк ирқиға!

Айт-чи энди, сенинг фотих, олтин ўрдунг не бўлди?  
 Қуйма олтин у тахтларинг, саройларинг не бўлди?  
 У юрт тузиш шанликларинг, чиройларинг не бўлди?  
 Уфқида кун қораймаган у кенг юртинг не бўлди?

Ботирларинг оқ кўникли селлар каби тоштирган  
 Яса<sup>1</sup>ларинг, байроқларинг, хоқонларинг қаерда?  
 Кирилларни тиз чўктирган, ялангоёқ қочтирган  
 Қиличларинг, найзаларинг, қалқонларинг қаерда?

Қайда сенинг у сувўрдунг<sup>2</sup>, у шараф,  
 У тўрали, янги черик ўчоғинг?  
 Денгизларда, қуруқликда ҳилпираб,  
 Юз минг ғазот кўрган шошли байроғинг?

Ватан учун Кўк Тангрига онт ичган  
 Қиличдай у йигитларинг қайдадир?  
 Шошли йўлда ҳар нарсадан воз кечган  
 У муҳтарам шаҳидларинг қайдадир?

Энди ортиқ Аланқува аллалари йўқмидир?  
 Она арслон сутин берган сийналари йўқмидир?

<sup>1</sup> Яса — конун.

<sup>2</sup> Сувўрду — флот.



Шу вайрона тупроқлар-ку Шарққа тожлар кийдирган —  
Самарқандинг, Эдикутинг, Қорақурум — ҳар шахринг;  
Оқмачитинг, Қорабоғинг, Мовароунаҳринг,  
Кўнёнг, Бурсанг, Арзируминг, Истанбулинг, Эдирнанг?..

Қани минглаб ишхонали қайноқ кентлар, чиройлар?  
Улар энди шамол эсган водийларнинг сиртими?  
Қани товус тўла боғлар? Қирқ устунли саройлар?  
Улар энди бойқуш босган шул тошлиқлар ортими?

Қани сенинг минг бир турли ҳосилинг,  
Қани сонсиз карвон бошлаб юрганлар?  
Яшноқ юзли, манглай терли у наслинг —  
Тош мамлакат, темир давлат курганлар?

Бир олиминг, бир шоиринг борми, у —  
Бу қақшаган, бузғун юртни кузатса?  
Қутқаргучи бармоқлари билан шу  
Чириётган яраларинг тузатса?

Қани қонинг билан ёзган у тарихинг, у отинг?  
Шуми энди фатҳ этганинг ва маданий ҳаётинг?..  
Балки бир кун Баҳри муҳит кўкка ўрлаб, қурпай,  
Балки бир кун Ҳимолай-да учурумга дўнажак.  
Балки бир кун қуёшнинг-да оловлари сўнажак,  
Балки бир кун айланишдан тўхтаб, Ер ҳам тинч тургай.

Бироқ эсга келганмиди — бу салтанат бир кун  
Шундай вайрон бўлишию ингроқларга тўлиши?  
Зағжир саси қора илон каби ўраб ўлкани,  
Заҳарланган ўқлар каби эл бағрини тилиши?

Оҳ, не бўлдинг? Толиқдингми, бу замон  
Пўлат қалбинг босган ўлим, уйқуми?  
Яшашингга олов берган асл қон  
Ортиқ бу кун бир йирингли қуйқами?

Фалокатли, золим йиллар сенинг-да  
Яшноқ руҳинг сўлдирдимми, эздими?  
Йигит кўнглинг бу шафқатсиз дунёда  
Энди нажот умидини уздимми?

Ёш авлодинг — жанозами? Бешиқларинг — тобутму?  
Ўлимингму бугун сени ухлаттирган бу уйқу?..

Йўқ, йўқ! Кимса йиқилса гар, ўлди, дея англонамас.  
Лек дунёда юрагини йўқотганлар ўнглонамас;  
Улар учун инсоният қора кийсин, йиғласин!

Ҳолбуки, сен бугун тирик, соғлом ирқсан, улусим,  
Хоинларинг фақат сенинг гул юзингни сўлдирди,  
У ярали виждонингга қора қайғу тўлдирди.

Бироқ у алп юрагининг оташлари сўнмади,  
Музли ерда ёнган ўтдай у қувватинг оширар,  
Бу қувват-ла ҳар умидинг чечаклари яшарар!

Давлатинг-ку тикланажак, толе сендан дўнмади,  
Бир имонли қаҳрамонинг чиқар — ҳар иш бўлар ўнг,  
«Турк бешиги даҳоларнинг ётоғидир!» дерлар сўнг.

Тек, йиғлама! Харобангдан қалқ, ўт соч!  
Кўтар сўлгин, фалокатли бошингни,  
Тиндир қонли кўзларингнинг ёшини!  
Майдонга чиқ, қутулишга бир йўл оч!

Билки, қайғу битар, бироқ ғам билан  
Кун ўтказмоқ — яшаш эмас, иш эмас!  
Сени девдан кўра кучли яратган  
Тиланчилик қилишингни истамас!

Билурмисан, йиғлагувчи кимлардир?  
Қора бахтга бўйнин эгган бир сафил!  
Золимини авф айлаган бир залил!  
Кишанини судраб юрган бир асир!..

Турк онанинг пок сутини ичса ким,  
Фалокатга бош эгмагай, куладир!  
Турон насли йиғларкан, у турмас жим,  
Ёшин артиб, мунглиғ бошин силайдир.

Кутганинг у яна қайси мусибат?  
Ҳеч битмасми бағрингдаги яралар?  
Ҳеч кетмасми манглайдаги қоралар?  
Ҳеч кетмасми йўқлик, хорлик, бу зиллат?..

Оталарнинг суяклари бу кун, боқ,  
Ер остинда бу хўрликдан инглайдир...  
Ҳар қишлоқда кул босган минг-минг ўчоқ,  
Боқ, арвоҳлар оёқ товшинг тинглайдир...

Истармисан — сўнгги тахт ҳам йиқилсин?!  
Сўнгги юртга қонли мазор қазилсин?  
Сўнг буржга-да ёт байроғи осилсин?  
Сўнг наслга малъун кишан тақилсин?!

Сен буларни ўйла... титра, ҳиддатлан!  
Қайси ирқдан эканингни хотирла,  
Бир бўғувчи денгиз каби қувватлан,  
Ўзингни бир инқилобга ҳозирла!..

Эй улусим, юз милён бу эл сенинг наслингдир;  
Қоғқоз тоғи, Эржийас  
Ҳеч вақт қондош туркларни қардошлиқдан айирмас;  
Бу тоғлар ҳам ўз юртинг, бир бўлагинг, аслингдир.

Сен эшитган эртақлар, қўшиқлару дostonлар  
Эски Турон нафаси, Туроннинг тирик шони;  
Ўйнаган, кураш тушган, улоқ чопган инсонлар  
Бари арслон келбатли оталаринг ўғлони.

Она ватан чувашни, озарийни, бошқирдни  
Сартни, финни, қалмиқни айна қон-ла ўстирди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Шу соф қонни ташиган  
 Ҳар ким, уруғ, ашират,  
 Туркча сўйлаб, яшаган  
 Ҳар бир шаҳар, мамлакат,

Сенинг бирор наслингдир, сенинг бирор аймоғинг,  
 Сенинг бирор юртингдир, сенинг бирор пучмоғинг!

Сен истасанг, Туналар Чингача мавж уражак,  
 Олтой, Қипчоқ, Сибирйа,  
 Озарбайжон, Хоразм, Бухоро, Хива, Ғазна...  
 Ҳар ер янги Туроннинг тупроғига киражак,  
 Усмон билан Нодиринг, Элхон билан Бобиринг  
 Қардош эллар бир бўлиб, битта улку<sup>1</sup> қуражак,  
 Милёнларча у асл, у ўтли юракларинг  
 Бари турклик ишқи-ла бир юракдай уражак.

У вафоли қирғизлар, манглайтерли тотарлар,  
 Кўзи қаттиқ тунгуслар, гўзал юзли можарлар  
 Иссиқ, совуқ чўллардан  
 Узоқ, яқин эллардан,  
 Мовий, яшил кўллардан,  
 Тепалардан, беллардан...  
 Оқин-оқин келарлар, тахтингга бош эгарлар,  
 Жондан сўйлаб, қувониб: «Қутлуғ бўлсин!» деярлар.

Йўқсул, жоҳил ҳар туркни миллий виждон ўстирар;  
 Туркнинг азиз минбари —  
 Ҳар бир туркнинг кўкси, бил! Унинг айтган сўзлари  
 Манглайга нур, руҳга ишқ, юракка умид берар.

Ёт сўзлар-ла, бўғилган тилинг эрта тирилар,  
 У ҳар кучни туркликнинг виждонидан олажак;  
 Вергилийдан-да даҳо бахшинг ҳали кўп келар —  
 Ўқиб Турон достонин, олтин чолғу чалажак.

Унинг булбул нафаси, эзгили<sup>2</sup> ҳар нағмаси  
 Аждодлардан сўйларкан, юртни уйғотар саси;  
 Бўзқирлар-ла безалиб,  
 Юз бир ул эски юртлар,  
 Афшар, туркман гўзали  
 Каби бир-бирин қутлар,  
 У қизлар кўшиғидай тўрт томонга учажак,  
 Бутун ирқнинг руҳини, бор туркларни кучажак.

Олтин ўрдунг қалқаркан, етти давлат синажак,  
 Денгизда, ёт қирғоқдан  
 Байроғинг хилпираган ҳар бир кеманг ўтаркан,  
 Унга барча байроқлар салом бериб, инажак.  
 Буюк Турон юртида бой Осиёнг, Оврупонг  
 Янги бир Япўния, Америка бўладир,

<sup>1</sup> Ул ку — ғоя.

<sup>2</sup> Эзгили — турк мусиқа санъатида (қайғули) куй тури.

Етти улуғ денгизда турк кемаси урар бонг,  
Турк матоси, юклари соҳилларга тўладир.

Истанбул бўлгай юксак бир сиёсат маркази,  
Шарқнинг янги Берлини, Парижи ва Венаси,  
Бир Лүндүни ўлароқ  
Ғарбда ҳукм сурадир;  
Турк ва ислом ҳар тупроқ  
Масъуд қушлар кўрадир.

Ҳоконининг буйруғи шарқу ғарбда ўтажак,  
Унинг қўли дунёга янги бир бахт тутажак.

Билки, бунни яратажак фақат миллий туйғудир,  
Ўликларга мазорлардан бошларин кўтартирган,  
Тирикларга ердан темир, кўклардан ўт олдирган —  
Орзуларнинг ўлкасини тирилтирган Онг будир.

Фотих, шоир «Қалқ!» деганда қаҳрамон ботирларга,  
Элнинг хаёл-умидлари денгиз бўлиб чайқалар.  
Хурриятсиз миллатларга, саодатсиз ерларга  
Шоир Расул каби боқиб: «Уйғон!» дея қайқирар.

Уйғон! Бу сас тоғдан-тоққа ўтаркан,  
Шамол каби ҳар эшикда чарх ургай;  
Уйғон! Бу сас қалбдан қалбга етаркан,  
Ваҳий мисол ҳар виждонга жон бергай.

Бу хитобни тинглаб қалққай ҳар инсон,  
Юракларга янгидан ҳаёт келар;  
Ҳар бир киши улуғвор бир қаҳрамон  
Ғурури-ла тўлиб, руҳан юксалар.  
Туманли уфқларга боқажак бутун кўзлар,  
Кўкдаги ҳар булут, қуш янги бир хабар сўзлар.

Бунни туйган миллатга у яшаган ҳар кент, қишлоқ  
Боболари хотиралар қолдирган ҳар саҳро, қир,  
Неча шонли асрларга шоҳид тоғлар, ҳар овлоқ,  
Афсонали харобалар кечмишларни сўйлайдир.

Англатарки: «У — энг улуғ бир давлатни, ватанни  
Илк илоҳлар замонида қурганларнинг авлоди.  
Унинг буюк миллатининг қўй боққан бир чўполи  
Бошқа ирқнинг олмос тожли ҳоконидан авлодир».

Бу муқаддас туйғу билан Пруссия  
Жаҳонгирлик орзуси-ла уйғонди.  
Татарларга хирож берган бир Русия  
Шарққа юриш фикри билан жонланди.

Италийалик бир Матсини у буюк,  
Эски Рўмо хаёлини порлатди,  
Митскевичнинг заиф қўли у суюк  
Пўлшадаги куллик занжирин отди.

Миллатларки, асрлардан оқиб келган селлардир —  
Йўлига не чиқса — суриб, йиқиб, отиб келади!

Осиё ҳам бу руҳ билан ўзин қайта яратди.  
 Бугун унинг тўрт ёғида ҳар бир ўлка, ҳар тупроқ  
 Юз йилларча тўқилган ул кафанларни йиртароқ,  
 «Яшаш! Кураш!» деган эркин товушини таратди.

Ана, кўргин, ҳинду афғон энг бўлувчи сўзлар-да  
 Қардош, қондош юракларда низо ўтин ёқмоқда,  
 Ана, кўргин, Чину Эрон бир ўч тўла кўзлар-ла  
 Оврупога ғазабланиб, нафратланиб боқмоқда.

Бок: Лахўрнинг бир оқсоқол хўжаси  
 Балхдаги чол билан бир туш кўрмоқда,  
 Банораснинг сўлғин юзли рожаси  
 Улар билан бир манзилга юрмоқда,

Бок: Зардўштнинг ўлкасида тиз чўккан  
 Бу кун бунда бошқа ўт истаб турур;  
 Муҳаммаднинг меҳробига ёш тўккан  
 Бу кун бунда бошқа дуо ўқийор.

Шарқнинг нари қизларидан эшитилган кўшиқлар  
 Қоҳиллар айтган улуғ кунлардан берар хабар...

У қутилган улуғ кунда қутурадир бўронлар,  
 Қора, қизил ёнғишларга қоришадир ол қонлар;  
 Бу қирмизи ёнартоғлар, бу қирмизи тўфонлар  
 Йиқажак ёт саройларни, йўқолар у зиндонлар!..

Харобалар тепасида келажак Осиёси  
 Сочларининг учи қонли қуёш каби туғилар,  
 Бу қуёшдек асир бўлган Шарқнинг мазлум дунёси  
 Эрклик олар; ёт, босқинчи сурув-сурув қувилар.

Осиё дер: «Эй алдоқчи инсонлар!  
 Эй, қонларни зулук каби эмганлар!  
 Эй, эл ҳаққин тимсоҳ каби ютганлар!  
 Эй, тахтларни, тарихларни кўмганлар!

Кетинг энди! Сочганингиз заҳарли  
 Нифоқларни бошқа ерда уқтиринг!  
 Бу пок ерга тикқанингиз у кирли  
 Завқингизни бошқа ерда юқтиринг!

Сизнинг бўлсин маданият аталмиш бу ваҳшатлар!  
 Барингизнинг шумшук, нурсиз юзингизга лаънатлар!...»

Майли, бугун темиркучлар Хўнг-Кўнларни титратсин,  
 Майли, туғжли обидалар Панжобларни банд қилсин,  
 Майли, қонли у байроқлар Техронларга тикилсин,  
 Майли, ваҳший истехкомлар Ботумларни ром этсин!..

Булар бари — вақтинчалик, пуч нарса, ўтиб кетгай,  
 Умри қисқа — ҳақ олдида ёлғоннинг умри қадар.  
 Бари чуруқ оғоч каби йиқилгай, тамом йитгай,  
 Бир оз ўтиб, барчасининг ўрнида еллар эсар.

Юракларда темирларни, тошларни,  
 Оташларни эритгувчи қувват бор!  
 Олтин тожли, дубулғали бошларни  
 Эгилтириб, титратгувчи шиддат бор!

Бил, бўйсунган, кишанланган ҳар мазлум  
 Золимига қарши нафрат, ўч туяр;  
 Бу ўч гўё лошлар тўла учурум<sup>1</sup>,  
 Мазлум қалбга чўғлар тўла кул уяр!

Мазлум учун икки йўл бор: бирисин танлаш керак —  
 Ё золимни йўқотмак, ёки жондан воз кечмак!  
 Эй, буюк црк! Бутун дунё... Эски Персепўлислар,  
 Янги Япўниялар, Арабэли, Мемфислар,  
 Ханибалсиз Картажалар бугун сени излайди;

Тангринг сенга қибланг бу деб танитгани Каъбалар,  
 Жаброилнинг сенга Куръон келтирган у тепалар,  
 Азон саси келган ҳар ер бугун сени кўзлайди.

Зероки, сен ўзингдан кўп бошқаларни кўрурсан,  
 Инсоният учун ҳар он ёрдамга шай турурсан,  
 Бу йўлда ҳар авлодингни, бор-йўгингни берурсан.

Халифатнинг чорагини бошқарган қўмондансан,  
 Муҳаммаддан қолган қутлуғ сурувларга чўпопсан,  
 Ҳар мусулмон мамлакатни яшатмоққа маъмурсан.

Уйғон энди! Нажот куни келмишдир!  
 Бу туркликни фалокатдан қутқармоқ,  
 Уни қудрат кенглигига чиқармоқ  
 Сенинг учун энг муборак бир ишдир.

Сен Тангрининг меҳробига бор, эгил,  
 Турон учун дуо айла ва онт ич!  
 Темирларни, оташларни қардош бил,  
 Алпга айлан — ёвларингга кафан бич!

Ўша қутлуғ Олтойларга чик, ҳайқир,  
 Айт: «Инқилоб қонсиз бўлмас ҳеч қачон!»  
 Ҳар бир туркдан иста нймон, азму қон,  
 Улусларни, ўз ҳақнинг ол, деб чақир!

Қалқ! Олга бос! Бу оламда ҳар зафар  
 Фақат арслон бўлганларга берилар.  
 Ҳурриятлар, саодатлар, севинчлар  
 Машаққатли манглайларда пориллар!..

Уйғон энди! Бу яшамдан юзинг бур!  
 Тарихингга, оталарга содиқ қол!  
 У жаҳонгир турклик шонин қўлга ол,  
 Янги ҳаёт қурмоқ учун йикит, сур!

Бир аскар бўл, майдонга чик, қурол ол:  
 Бир шоир бўл, миллатингни тўлқинлат,  
 Бир ишчи бўл, ярат, янги йўллар сол,  
 Бир олим бўл, ҳақиқатни ёлқинлат!..

<sup>1</sup> Учурум — жарлик, чоҳ.

Билки, сенинг мавқеянгни оширган  
 У турк даҳонг янги дунё қуражак,  
 Бу асрда Турон қалқиб туражак —  
 Фақат шудир кутилган иш ёшлардан.

Тур, олға бос! Маданият, шараф, шон  
 Ёш-қариси миллий руҳли элники!  
 Эски, янги, ҳур ва масъуд Туркистон,  
 Бу Осиё, бу истиқбол сеники!..

7 Қонунаввал, 1329 (20. XII. 1913)

Тоҳир ҚАҲҲОР  
 таржимаси

### ДОНИШМАНДЛАР БИСОТИДАН

Эл-юрт бирлашса, оз нарса ҳам кўпая боради, жанжал-  
 можаро қилса, буюк неъматлар ҳам йўққа чиқади.

**Саллюстий**

Халқ овози — муқаддасдур!

**Сенека**

Шахсий эҳтиёжлар ижтимоий эҳтиёжларга ўз ўрнини  
 бўшатиб бериши керак.

**Плиний**

Одамлар бошига фалокат тушса, тақдиру худоларни айб-  
 лайдилар-у, аммо ўзларини беайб-бегуноҳ ҳисоблайдилар.

**Платон**

Эл фаровонлиги энг олий қонун бўлиши зарур.

**Цицерон**

Биз эркин бўлишимиз учун қонунлар қули бўлишимиз  
 шарт.

**Цицерон**

Яхши қонунлар расво хулқ-атворларнинг олдини олиш за-  
 рурлиги туфайли ҳам келиб чиққандур.

**Тацит**

Журжи ЗАЙДОН

# Хорун ар-Рашиднинг синглиси

Роман<sup>1</sup>*Йигирма биринчи боб*

## ТОЖУ ТАХТГА ЯНА БИР ДАЪВОГАР

**Б**ағдодда нима чаққон — гапнинг бозори чаққон. Чунки халифаликда ҳамма янги гаплар оғзаки ривоят тарзида тарқалади. Янги гаплар пулга сотилади. Шу жумладан, ғийбатлар ҳам, олди-қочди, узунқулоқ гаплар ҳам. Хуффия гап-сўзлар эса уч карра қиммат. Курумсоқ одам барча гапдан қуруқ қолади.

Шоирга изҳори ташаккур ва муҳими, уни ўзига кўпроқ ром қилиш истагида Фазл, одатиға кўра, қўйнида олиб юргувчи олтин танга тўла қопчикни чиқариб, Абул Атахияга узатаркан:

— Сен шоир, одатда шоир халқи мукофот исини сезмаса, ҳатто жўн гапни ҳам ёлчитиб айтмайди. Ҳали яна мўътабар ул-эътибор валиаҳддан ҳам ўз улушингни оларсан: оқбадан соҳибжамоллар, шояд, унинг нозик дилига хуш келгуси. Савдо-сотикда сенинг ҳам ҳиссанг бор, шекилли?

Ортиқ эҳтиёж қолмаганидан Фазл юзидан бурқани кўтарди ва қаҳ-қаҳ уриб куларкан, шоирнинг елкасига қоқиб:

— Ҳа, айтганча,— деб қўшиб қўйди, ўйлаб ўйига етолмай, унинг қўлларини ялаб-юлкаб ўпаётган шоирга қараб,— асти вазирнинг кўзига кўрина кўрма, хиппа бўғиб, зиндонга ташлайди-қўяди. Ё мўътабар ул-эҳтиром валиаҳд паноҳида жон сақла, ё менинг уйимга бор. Лекин узоқ ҳаяллаб қолма. Эҳтимол, керак бўлиб қоларсан. Бора қол, Оллоҳ сени ўз паноҳи исматида асрағай!

Саройга олий мартабали меҳмон ташриф буюрган чоғи, майдонга қараган темир дарвоза ланг очилган: «Бу ким бўлса экан?!» дея ўйлаб қолди Абул Атахия билан хўшлашган Фазл. Сарой соқчилари қалъа девори тагида тизилишган бир талай маҳрамларга йўлни катта очиб қўйишган. Отбоқарлар аргумоқларнинг тақасини кўздан кечириб, кўпирган сағрисини сомон бовлиқ билан артишар, хизматкорлар отларнинг олдиға ем-хашак ташлашарди. Бу манзарага бир зум боқиб турган Фазл: «Эй-ҳа, бу ибн ал-Ҳодийнинг одамлари-ку! Демак, ҳали у Басрага қайтиб кетмабди-да!» деди ўзича.

Унинг нисбасидан кўриниб турибдики, ибн ал-Ҳодий Хорун ар-Рашиднинг туғишган акаси халифа ал-Ҳодийнинг ўғли эди. Оға-иниларнинг отаси халифа ал-Маҳди кўзи тириклигида ҳар икки ўғлини ҳам тахт вориси қилиб тайинлади: ал-Ҳодий — биринчи валиаҳд, Хорун ар-Рашид — иккинчи валиаҳд. Ҳижрий бир юзу олтимиш тўққизинчи йилда ал-Маҳди вафотидан сўнг, ал-Ҳодий халифалик тахтини эгаллади. Ўзининг ҳокими мутлақ салтанатини мустаҳкамлаш мақсадида, она-

<sup>1</sup> Давоми. Боши ўтган сонда.



лик ҳуқуқидан фойдаланиб, халифаликни идора қилишга интилган онаси ал-Ҳайзуроини давлат ишларидан четлатди, шунингдек, ҳали балоғатга етмаган ўғли фойдасига Хорун ар-Рашидни тахт ворислигидан маҳрум этди. Хорун ар-Рашид бўйин эгишга мажбур бўлди. Биринчи валиаҳд ибн ал-Ҳодий бўлиб қолди. Кураш шу билан тугамади. Қудратли Яҳё ибн Ҳолид ал-Бармакий Хорун ар-Рашидни ёқлади. Ўлгудек қув, удабурон, узоқни ўйлаб иш тутувчи вазир, раҳматли ал-Маҳднинг васиятига амал қилмаслик — халифалиқда ўзаро жанжал-тортишувларга сабаб бўлғуси, деган овозаларни зўр бериб тарқатарди.

— Бунинг устига, ибн ал-Ҳодий жуда ёш, — деб ишонтиришга уринарди у, — шаҳзодани тахт вориси этиб тайинлашга ҳали эрта.

Халифа ғазабига учраган укани ҳимоя қилишга уринган Яҳё ибн Ҳолид ал-Бармакий зиндонга ташланди, сал бўлмаса боши куидага тутилай деди. Аммо тез орада халқ орасида Хорун ар-Рашид биринчи валиаҳд деб эълон этилди. Бекордан-бекорга жабрланган форс эса озод этилди. Орадан сал кун ўтмай, хасталанган ал-Ҳодий тўсатдан вафот этди. Халифанинг вафотида Хорун ар-Рашид, Яҳё ибн Ҳолид ал-Бармакий ва мархумнинг қасоскор онасининг қўли бор деган миш-мишлар саройда узоқ вақтгача кезиб юрди. Эҳтимол, ал-Ҳайзурон иккинчи ўғил она иззат-эҳтиромини ўрнига қўяр деб ўйлагандир. Ҳарқалай, у бўлди, бу бўлди, ҳаммаси бўлиб бир йилу уч ой ҳукмфармо бўлган ал-Ҳодий беҳад азобу уқубатлар тортиб, жон берди. Бу машъум ҳодиса ярим тунда юз берди. Шу заҳотиёқ Яҳё ибн Ҳолид ал-Бармакий тинчгина ухлаб ётган Хорун ар-Рашид ҳузурига югурди. Бунчалик ардоқли садоқат (магар тил бириктириш бўлмаса) юз карра ортиғи билан тақдирланди: устомон, чадпаст собиқ кул деярли чекланмас ҳуқуққа эга бўлдики, бутун халифаликнинг идора ишларини ўз қўлига олди, инҳоят ўғли Жаъфар ибн Яҳё вазирлик мансабини эгаллади. Даставвал ишни Хорун ар-Рашид эҳтиёт шарт юзасидан Бағдоддан узоқлаштирилиб, Басрага жойлаштирилган Ҳошимийларга инъому эҳсонлар улашувдан бошлади. Тахтда устивор бўлмоқликнинг йўриғи — саховат эди. Олтин — ўзгалар қалбига кўприк бўлиб, бу кўприк халифа учун жуда зарур эди. Чунки, олтин зебу зийнатда чўмилган ҳасадгўйлар оғзини тияр, ҳаддан зиёда роҳат-фароғат улар зехнини хиралаштириб, қобилият ва қувватини заифлаштирар, ҳукмронликка бўлган даъвосини сўндирарди. Халифа Ҳошимийларнинг ҳаю-ҳавасларини қўллаб-қувватлар, уларни жуда талтайтирар ва шу йўсин тахтда собит эди. Халифанинг ҳокимиятга дахлдор, лекин ишрат уммонида сузувчи, куиларини боғу-роғларда роҳат-фароғатда ўтказувчи, тунлари соҳибжамол канизақлар қўйнида айш этувчи ва Бағдодга фақатгина нафақа, инъому эҳсон олишу хушсурат чўрилар харид қилиш ниятидагина ташриф буюрувчи қариндош-уруғларига яна нима етишмайди? Сиртдан қараганда, ибн ал-Ҳодий ҳам ўзга Ҳошимийлардан унча фарқ қилмасди: бадавлат, еру мулклар соҳиби, ишрат кетидан қувувчи бир шаҳзода. Аммо ёш йигитнинг қалбиде уни ота тахтдан маҳрум этган одамларга қарши ваҳшиёна нафрат ўти ловиллаб етилмоқда эди. Ахир, қисқа вақтга бўлса ҳам у тахтнинг биринчи вориси эди-ку! Туғишган амакиси халифа бўлиб олгач, бу гапни тамоман унутганга ўхшайди. Бўлмаса қандай қилиб у Муҳаммад ал-Амин ва ал-Маъмунларни тахт ворислари этиб тайинлади! Ҳарқалай, ибн ал-Ҳодий, қандайдир мўъжиза туфайли, шояд қисматимда янги ўзгаришлар содир бўлса деган умид ва ишонч оғушида яшарди.

Энг ашаддий душмани вазир эди. Жаъфар ибн Яҳё қонига Фазл ҳам жуда жуда ташна. Бу айни муддао. Майли, бу йўлда кўнглига сиққанча ҳаракат қилаверсин, қўлдан келганча кўмагини аямайди. Охир-оқибатда вазир ғазабга йўликқудек бўлса, ал-Маъмуннинг ҳам куни битди деган гап. Ахир, Хорун ар-Рашид вазирнинг юзидан ўтолмай, унинг қийин-қистови билан ал-Маъмунни тахтга иккинчи ворис қилиб фармон берди. Орзулар ушалгудек бўлса, бир даъвогар камаяди... Муҳаммад ал-Аминдан қутулишнинг йўриғи анча жўнроқ — унинг ишрат-парастлик иллатини янада ловиллатилса бас. Тез орада биринчи валиаҳднинг бўлари бўлиб, ишратпарастликни афзал билиб, тахтга ворислиқдан воз кечиши турган гап. Фаҳшбозлик ботқоғига ботиб, айшу-ишратдан бош кўтармайдиган ал-Амин Ҳошимийлар мададига таянolмайди: иродаси заифлашиб, салтанат беҳбудлиги ва фаровонлигини хавф остида қолдириши мумкин бўлган халифага

кимнинг ҳам кўзи учиб турибди. Ҳаққу ноҳақ, қудратли сулоланинг нигоҳи учинчи даъвогарга тушиши мумкин... Хуллас, салтанатга эришмоқ йўл-йўриғи аён. Ҳамма гап мазкур воситадан исчоғлик маҳорат билан истифода эта билишга боғлиқ.

Ортиқча шубҳа туғдирмаслик учун Бағдодга ахён-ахёнда келадиган ибн ал-Ҳодий биринчи валиаҳдни ишратпарастлик ва фаҳшбозликнинг оҳори тўкилмаган усулларига ўргатиб, янгидан-янги йўриқларига рағбатлантириб кетарди. Муҳаммад ал-Амин эса тобора кайф-сафо оғушига чулғонарди. Халифага бўлса, ибн ал-Ҳодий буткул ишратга берилган, унинг фикру хаёлида сиёсатдан ному нишон кўринмайди, дея хабар қилишарди.

Бу сафар ёш йигит нафақа олиш баҳонасида Басрани тарк этганди. Биринчи валиаҳд саройида берилган ишрат базмлари икки кечаю икки кундуз узлуксиз давом этди. Бу гал ибн ал-Ҳодий жуда ҳам ҳаддидан ошди. Ҳою ҳавас оловини янада ловуллаштириш иштиёқида оқбадан чўрилар харид қилиш борасидаги фикрни Муҳаммад ал-Амин қулоғига у қўйганди.

### *Йигирма иккинчи боб*

## МУҲАММАД АЛ-АМИН

Зархарид чўриларни қайиқда олиб келишар деган тахминда биринчи валиаҳд ва унинг меҳмони чоштгоҳгача Дажлага қараган айвонда суҳбат қуришди. Фазл ҳаяллаб қолди. Кутишга тоқати йўқ, Муҳаммад ал-Амин ибн ал-Ҳодийни жуда ажойиб, мароқли ўйин — ёввойи кўчқорлар жангига ҳозирлик тугагунча боғни айланиб келишни таклиф этди.

Биринчи валиаҳднинг боғи табиатини қадрловчи энг позик дидли шинавандаларнинг ҳам ақлини шоширади. Анвойи райҳон ва сунбуллар экилган гулзорнинг нариги томонида теп-текис қилиб қирқилган бутазор тепасида шохлари селкиллаб турган кўм-кўк дарахтлар саф тортган. Хиёбоннинг икки томонида шамолнинг андак эсишидан елпанувчи баҳайбат яшил пардалар осиб кўйилгандек. Бу сабзорда зумраддек тиник, тўқ баргикарамдан тортиб оч кўк, сарғиш, кумушсимон ранглар жилоси ҳим-ҳим товланиб, ранг-баранг анвойи шуъла таратарди. Бундаيين ҳим-ҳим товланишлар халифаликнинг турли бурчақларидан Африка ва Осиёнинг узоқ денгиз орти ўлкаларидан келтирилган наботот оламининг ажойиб хиллари бўлмиш сарв, шамшод, санубар, сандароқ, мажнутол, писта, бодом, сандал каби дарахтларнинг ғаройиб хосияти туфайли вужудга келишди.

— Ҳар қанча ҳайратланса арзийди, ё муҳтарам ул-эҳтиром! — деди завқшавқ билан ибн ал-Ҳодий товус юрган майсазордан чиқиб келишаркан.

— Яхшиси, ҳув анави ёққа қара, дўстим! — деди ал-Амин бепарвогина қўл силқиркан, азим туп чинор тағида турган баҳайбат йўлбарсни кўрсатиб.

Мабодо тажрибасиз меҳмон бўлса борми, даҳшатдан нафаси оғзига тиқиларди. Аммо қўрқинчли ҳеч гап йўқ: бу омилкор боғбонлар ҳунари бўлиб турли бута, майса ва гулларни дид билан саралаб ясалган йўлбарс сурати эди. Боғда жонли шер, йўлбарс, товус, филлар ҳам бор эди. Улар, оддий фуқаро кулбасидан анчагина кенг қафасларда сақланарди.

Сербарг хурмо дарахтларининг нариги томонида ерости қувурларидан ҳосил бўлган зилол сувли чоғроқ ҳовузнинг салқин нафаси кишини ўз оғушига тортади. Жуда ажойиб ва ғаройиб шакл-шамойилдаги балиқчалар ҳовуз четида осойишта турар, гоҳ истамайгина сузғичларини билинар-билимас қимирлатиб, виқор билан сузиб бир-бирини қувлайди. Емиш мўллигидан яхши боқилган балиқчалар жуда тез кўпаярди. Торгина ариқчадан нарироқда қизил, кўк ва сариқ рангли нилуфарлар барқ уриб ўсган ҳовуз кўзга ташланади. Оёқ остида хиёбон йўли аста ёйилиб борар, ибн ал-Ҳодий ва ал-Амин азим гилам устида юргандек одимлашарди. Ранг-баранг майда тош ва узоқдан келтирилган шағаллардан ўсимлик, қуш ва ҳайвонларнинг нақшин суратлари тортилган, турли гулдонлар ўрнатилган. Бу ишлар учун Эрон ва Румдан махсус усталар олиб келинганди.

Улар кўчқорлар жанги учун мўлжалланган майдондаги шийпонга кўтарилиб курсига эндигина ўтирган ҳам эдиларки, сарой майдонига олиб келадиган хиёбон адоғида Фазл кўзга ташланди. У ҳаллослаб чопиб келарди.

— Ҳа-ҳа, келдингми? — дея хитоб қилди ўз арзандасига кўзи тушган ал-Амин ва сабрсизлик билан ҳайқирди: — Қани, қандай янги гаплар бор, азизим?!

— Яхшиликдан ўзга ҳеч гап! — дея жавоб қилди югуришдан харсиллаб Фазл.

— Чўрилар қани? Нега орқангдан чопқиллаб келишмади?

— Муҳтарамул эҳтиром, улар унча ҳам чопқир эмас! Насиб бўлса, уларни кўрарсан.

Фазл аранг нафасини ростлаб олди. Унинг нигоҳи ал-Аминнинг кийим-бошига қадалди. Валиаҳд буни дарҳол пайқади:

— «Мастона жомада» кимга ўхшаб кетибман-а, азизим?

— Самовий жинларга, — деди кўзларини ола-кула қилиб муқарриб.

Биринчи валиаҳд ўн етти ёшга қадам қўйган бўлиб, соқол-мурти эндигина сабза урганига қарамай, кўзларида ғаддорлик, хунхорлик ва бузуқлик акс этарди! Митти кўзлари бежо, қиррабурун. Аммо куч-қувватдан худо берган. Шер билан бемалол олишмоққа қодир. Бебошликда мисли йўқ бу йигит ақли ноқис, савдойи эди. Аммо, бу исрофгар ва фаҳшбоз биринчи кўришда кишида яхши таассурот қолдирарди.

— Ҳали шундайми, жинга ўхшаш дегин! — сўз қотди у. — Сен ҳам либосингни алмаштириб ол! Ҳаяллаганинг туфайли кундузги базмини бой бердик, бизни қанча роҳат-фароғатдан маҳрум этдинг. Хайрият, Оллоҳга шукрлар бўлсинки, куннинг қолганини, шояд, хушнуд ўтказармиз.

Шаҳзода икки бор чапак чалган эди, шийпон олдида асли туркми ва ё черкаси, силлиқина, қизлардек сарвқомат кимса пайдо бўлди-ю, икки букилиб таъзим қилди. Бу — ҳарам оғаси эди. Жингалак сочлари битта қилиб, йўғон ўрилиб, орқасига ташланганди.

— Ашъорнавислардан бугун кимлар бўлади?

— Абу Нувос, ё ҳожам, — балад, хушоҳанг овозда жавоб қилди ҳарам оғаси, — шунингдек Абул Атахия ва яна...

— Жин урсин ўшал Абул Атахиянгни! Бизга май ва маҳбубдан сўзловчи шоири бодафарастлар даркор! Абу Нувосни чорлаю ўзгаларини қувиб юбор! Пиридайрга тайинла, бода базми бекаму кўст бўлсин!

— Ё муҳтарам ул-эҳтиром! — дея илтижо қилди Фазл. — Амр эт, Абул Атахияни қувмасинлар. Эҳтиёт шарт. Бирон кунга яраб қолар. Ичмаса ичмай ўлсин.

— Хўп, майли! — розилик берди ал-Амин.

### Йигирма учинчи боб

## ЁВВОЙИ ҚЎЧҚОРЛАР ЖАНГИ

Яна бир чапак чалиндию шийпон олдида янги бир қул оҳиста пайдо бўлди.

— Қўчқорлар қаерда? — дағдаға билан сўради валиаҳд. — Урушқоқликда на Бағдодда, на Басрада ва на бутун Бобилда мисли йўқ ҳайвонларни ҳозирнинг ўзидаёқ амакиваччамга намойиш қилмоқчиман.

— Қўчқорлар жойида, хожам! — жавоб қилди елкасини кўтармай қул. — Туёқлари билан депсиниб, хиёбоннинг кошинкор нақшларини бузиб юбормасин деб эгаси уларни бу ерга келтирганча йўқ. Айтганча, улар қаттиқ ерда яхшироқ ташлашади. Мабодо хожам у ерга ўтишга рози бўлсалар.

— Хўп, яхши, қўчқорлар кучларини бекорга сарф қилмасин! — деди ал-Амин, чаққон ўрнидан туриб, виқор билан қалъа девори олдидаги шиббаланган майдон — қўчқорлар жангтоҳи сари одимлади. Агар эгнидаги ҳавойи жомаси бўлмаганда, уни давлат анжуманига кетмоқда деб ўйлаш мумкин эди. Унинг ортидан кетаётган ибн ал-Ҳодий ва Фазл бир-бирлари билан маъноли кўз уриштириб қўйишиди: «Машриқда — баҳри муҳити Ҳинд сарҳадларидан, мағрибда — то баҳри

муҳити Атталун<sup>1</sup> қирғоқларига қадар ёйилган халифалик тақдирини шу ғаддор оварсар, тентакнамо савдойига ишониб бўладими? Унинг хаёлида ўйин-кулги, гўдакларча ҳою ҳавас! Ахир, у элу элатларни бошқаришга, улар билан жавоб-муомала қилишга, қонуларга қаттиқ риоя этишга, сиёсат ва давлат манфаатларини қўлда тутиб туришга қодирми? Зеро, унга иккитагина қўчқор кифоя!

Тўсатдан буталар орасидан:

— Ё хожам! Ё хожам! — деб чақирган овоз эштилди.

Бошига ҳинд тожирларига ўхшаб салла ўраган хушбичим ва серсоқол кимса лип этиб хиёбонга чиқди. Бу ҳинд ўлкаси ортидаги тоғли мамлакатдан чиққан ҳайвон ўйнатувчи сайёр масхарабоз эди.

— Юр бу ёққа, юра қол! — бақирарди у. Ён томондаги йўлкага ишора қилиб. — Қўчқоргинам яхшилаб таъзиригини бериб кўяди!

Олдинги туёқлари билан ерга тираниб олган икки ёввойи тоғ қўчқори бир-бирларига еб қўйгудек тикилиб турарди. Оқ жушлари даҳшатли кўринсин деб хилма-хил рангларга бўяб ташланган. Бўйинларига йўлда боғланадиган занжир ўрнига бир шода-бир шода йирик мунчоқлар осиб қўйилган. Бир қўчқорнинг шохи яшил, биришики эса қизил рангга бўялган.

— Хўбам келишган! — қойил қолди қувониб кетган биринчи валиаҳд. — Қай бири мен учун жанг қилади?

— Мана буниси, хожам, мана бушиси! — Сайёр масхарабоз таъзим билан қизил шохли қўчқорга ишора қилди.

— Розиман! Иккинчиси сеники, Фазл. Фақат битта шарт билан: ким ютқазса, ғолибнинг бўйинига ақиқ шода осиб кўяди. Ҳа, киссани каттароқ очишга тўғри келади, азизим! Қалай, маъкулми?

Фазл гўё қувониб кетгандек бўлди.

— Ё муҳтарамул эҳтиром! Қўчқорнинг ғолиб келсин дея Оллоҳга ёлбораман! Йўқса, ноқулай ҳолатда қолурмен!

— Мен ҳам қизил шохнинг ғолиб келишини хоҳлайман, — кулгусини аранг босиб хитоб қилди ал-Амин. — Фақат ўзга сабабга кўра... Шундай эмасми, дўстим? — Ибн ал-Ҳодийга қараб имо қиларкан, кўз қисиб кўйди.

У арзандага тушунтирди:

— Сенинг яшил шохингни Бармак дерлар. Агар у мағлуб бўлса, алғараз, Жаъфар ибн Яхё ал-Бармакий мағлуб бўлди деган гап.

Фазл кинояли кулимсиради: биринчи валиаҳд қўчқорни Жаъфар демоқчи эди-ю, аммо тилини тийди. Чунки амакиваччасининг исми ҳам Жаъфар эди-да.

Эгаси тарафидан гижгижланган қизил шох қўчқор орқа оёқларида тик турдию сапчиб муҳолифини сузиб юборди. Япил шох ҳам жавоб зарбаси урди. Жанг бошланиб кетди. Қўчқорлар жангтоҳ бўйлаб чандишар, сузишар, бир-бирини ерга думалатар, сакраб туриб, яна сузишар, бир-бирига чатишган шохлар қарсилларди. Масхарабоз, ҳайвонлар ортидан мажнуннамо югурар, қамчилар, қарши зарбага йўллар, ора-сира яшил шохни орқасидан сурарди. Кутилгандек, Бармак мағлуб бўлди, ерга ағашаб, оёқларини осмонга кўтарди.

Қувониб кетганидан ал-Амин сакраб-сакраб чапак чалар, Фазлни ғолиб қўчқор ва эгасини мукофотлашга кистарди. Бўшаб қолган жангтоҳда икки букилиб ҳарам оғаси пайдо бўлди.

— Гапир! — ижозат берди биринчи валиаҳд.

— Ё хожам! — мулоим товушда сайрай кетди ҳарам оғаси. — Амир ал-Мажлис сени хўрозлар жанги томошасига таклиф этади.

— Яна қанақа хўрозлар? Қўчқорларнинг ўзи етарли. Энди ичмоқ фурсати етди. Хўрозлар кейинги сафаргача сабр қилишсин, — амр этди ал-Амин ва меҳмонлар сари ўгириларкан, кўшиб кўйди: — Ибн ал-Ҳодий, Фазл, қани, энди товуқхонамга марҳабо! Ҳа-ха-ха!..

Биринчи валиаҳднинг саройи Эрон ва Юнон наққошлик саъбатининг омукташи бўлиб, унинг дарё томонга қараган кўпчилик ўймакор айвонча ва даричалари

<sup>1</sup> Атталун — Атлантик океани.

Дажла сувига виқор билан боқиб тургандек. Пешайвондаги махфий эшикдан Муҳаммад ал-Аминнинг қирғоқда чайқалиб турган елканли кемалари, қайиқлари турган дарё беқатига тушса бўларди.

Боғ томондан саройга ёйсимон ярим доира шаклидаги деворнинг ўртасидаги эшиклар орқали кирса бўларди. Бир неча зина билан чиқиладиган эшиклар ёнида соябонли мрамор курсилар териб қўйилган. Тошдан ясалган равоқ тоқига кўркам ва жимжимадор хатти куфийда:

МУҲАММАД АЛ-АМИН ИБН ХОРУН АР-РАШИД сўзлари ўйиб битилган. Олдинга чоғиб ўтган жарчи биринчи валиахднинг қайтиб келганини хабар қилди. Боғ қопқаси олдида ҳозир турган эшик оғаси боши ерга теккудек бухилиб таъзим қилди.

Ал-Амин, ибн ал-Ҳодий ва Фазл зинапоялардан юқорига кўтарилиб, бир томонида ёрдамчи бинолар ва хизматкорларнинг хужралари, бошқа томонида эса ҳашаматли девон ва меҳмонлар учун аталган хоналар жойлашган сарой йўлаклари, айланма тор даҳлизлари орқали ичкарига юриб, ниҳоят, серҳашамат шоҳи парда ортидаги энг муқаддас макон бутун бошли шаҳарчани эслатувчи шахзода ҳарамига етиб келишди.

### *Йигирма тўртинчи боб*

## САРОЙ ҲАРАМИ

Ҳабаший ҳарам оғалари сардори қўли билан оҳишта тортилган кимхоб заррин пардалар асагина очилди. Пахмоқ табарий гиламлар устидан юрганда оёқ товушлари эшитилмасди. Кичик ва торгина йўлакча, очиқ айвон, ички боғнинг доира шакли гулзори ва тарам-тарам қизил мрамрдан ишланган етти зина ортда қолди. Бу ердан аёллар салтанати бошланарди. Мулойим феруза рангли шоҳи дарпардаларга бу салтанатнинг яккаю ягона, олийҳиммат ва мурувватпаноҳ султони-нинг фазилатлари шаънига битилган ашрафий заррин мисралар ярқираб кўзга ташланарди.

Мисралар муаллифи шоир Хатим ут-Тан эди.

Мен теваминг жиловини бўшатмам асло,  
Сув ичишга ё сояга қўймасман ҳатто,  
Эгаридан туширмасман юкни ҳам бир он,  
Йўлни босиб ўтсин учун қийналмай, осон,  
Йўк, кўрқаман бўшатишга жиловини қўлдан  
То ёнма-ён дўст бораркан бу узок йўлдан.  
Башарти сен тева сотиб олмоқчи бўлсанг  
Ва қаттиққўл соҳиб бўлиб қолмоқчи бўлсанг,  
Насиҳатим ёдинда тут қийин сафарда:  
Яёв бўлса ёнингдаги дўстинг агарда,  
Шу заҳоти тевагни тиз чўктириб шартта,  
Дўстни ўтқиз эгарга-ю, айлини торт-да;  
Иккалангни ҳеч қийналмай кўтариб кетар,  
Дўстинг билан писанд эмас ҳар қандай хатар.  
Юрмоқ учун тевагда гар колмаса мадор,  
Ул теваги навбат билан мўнмоқлик даркор.

Меҳмонлар ашъор мутолаасини тамомлагач, ҳарам оғалари сардори дарпардани аста суриб қўйди. Базму ишрат ўтказилувчи шийпонга олиб чиқадиган катта ва кенг хона ҳам, ётоқхоналар ҳам асл арман услубида безатилган, санама тикилган шоҳиларга кўмилган. Ерга жуда моҳирона тўқилган чор атрофи йигирма қулочли ажойиб гилам тўшалган. Ҳар томонга туяқуш пати тикилган парқу бо-

лишлар териб қўйилган. Деворларга эрон шоҳлари, юнон подшолари, зотдор аргумоқлар, қоплон, наҳанг ва улкан йиртқич балиқлар сурати осилган. Суратлар эбан дарахтидан ва ё фил суягидан ясалган тахтачаларга ишланган бўлиб, гардишларига олтин, садаф ва асл тошлар мўл-кўл қадалган. Ҳатто, суратлар осилган миҳлар олтиндан. Эшикларнинг зиҳи залворли кумуш ўймакор ҳошиялар билан безалган. Хона шифтларига нафис ва юпқа мрамр тахтачалар қопланган. Улардан бемалол ўтган офтоб нурлари туфайли хоналар ёп-ёруғ.

Ал-Амин қизил ва қора сандал қопланган тахтиравондаги гулдор болишга ён-бошларкан, меҳмонларни ҳам жойнишинликка таклиф этди. Шоҳи пардалар тutilган девор ортидан созланаётган мусиқий асбобларнинг тинғир-тинғири эшитиларди.

Шаҳзоданинг имоси билан ҳабаший амир ал-ҳарам хонадан югурганча чиқиб кетди. Ибн ал-Ҳодий ўз режаларининг қанчалик тез рўёбга чиқиши борасида, Фазл бўлса валиаҳдга қай бири — Карнафлэлми ва ё унинг дугонаси кўпроқ маъқул бўлиши ҳақида ўйлаб улгуролмасданоқ, девор ортидаги овозлар тинди. Шу заҳотиёқ ётоқхоналарнинг эшиклари ланг очилиб, қўлларида уд, ўзлари ўзларига жўр бўлиб қуйлаётган ёш, гўзал ва сарвқомат канизақлар бирин-кетин хонага кириб келди. Улар ўнта эди. Табассум билан ал-Амин ва меҳмонлари олдиндан бир маромда юриб, қаршидаги эшикка кириб, кўздан ғойиб бўлишди. Шу заҳоти бошқа бир тоифа қаторлашди. Улар ҳам ўнта канизақ бўлиб, фақат либослари ўзгача эди. Янги кўшиқ янгради. Шу тариқа, ўн бор ўнтадан канизақлар тоифаси саф тортиб ўтаркан, аёлларгагина хос гўзаллик, нафосат ва фусункор ҳусни таровати сеҳрини аҳли мажлис қошида намойиш қилишди. Бу ҳарам аҳлига бағишланган тантанавор кўрик эди. Ибн ал-Ҳодий ва Фазл сафма-саф ўтаётган канизақларга лоқайдлик билан қараб ўтиришарди. Ҳарам аҳлини тантанавор кўриқдан ўтказиш Хорун ар-Рашид тарафидан жорий этилган расм-русум бўлиб, унинг вазири сарой аъёнлари ва халифаликнинг барча саройларида тезгина ўзлашиб кетди. Яна нима гап ўзи? Ал-Амин, давом этинг, дея имо қилди. Ҳайратга тушган меҳмонлар нигоҳидан, — бунга ҳайратланса арзирди, — кўркам, хушқомат, пардоз-андозли, оқтанли гулўғлонларнинг дид билан сараланган тоифаси<sup>1</sup> кўз-кўз қилинди. Уларнинг либоси, канизақларникига қараганда ҳам жуда қимматбаҳо бўлиб, ярқираб товланиб, кўзни қамаштирарди. Бу қимматбаҳо матолар халифаликнинг ўзида ишланган ё ўзга мамлакатлардан келтирилган энг сара буюмлар эди. Тахтиравон олдиндан саф тортиб ўтаётган ахта гулўғлонлар худди чўрилар каби қош қоқиб, кўзларини сузиб, томоқларини тақиллатиб, баданларини ўйпатиб, баччаларга хос ишваю ноз кўрсатиб ўтишарди.

— Оҳ... оҳ... чигирткажонларим-ей! — завқиёб оҳ тортди биринчи валиаҳд. Овози бўғиқ эди. Гулўғлонлар ишрати ал-Аминнинг жону тани, улар иштиёқи бутун борлигини чулғаган. Ўшаларсиз ҳаловатини йўқотади. Гулўғлонлар бор жойда емоқни ҳам, ичмоқни ҳам ёдидан фаромуш қилади. Халойиқнинг таъна-дашномлари, бу борада номаълум қимсалар томонидан ёзилган ҳажвьялару қинғир гап-сўзларни сиртига юқтирмайди. Уларни ниёму эҳсонларга кўмиб ташлар, силаб-сийпалар, мақтовларини етти фалақдан ошчирарди. — Войдод, жоним садақа бўлсин чигирткажонларимга! — Буларнинг таги мўл! Қарғабаччаларнинг<sup>2</sup> ҳам! Уд, талбур, қолун, рубоб ва чанг чалаётган гулўғлонларнинг аёлларникидан ҳам йўғон қилиб ўрилган сочлари мусиқа оҳангларига монанд силкиниб турарди. Хонани баланд овоз билан куйланаётган ашуланинг сержозиба, жўшқини ва серзавқ оҳанги қоплади. — Оҳ, қандай овозлар-а! — Ҳамма нарсани, ҳатто пешайвонда ҳозирланган шарбатни ҳам унутаязган ал-Амин ширини хаёллар оғушига шўнғиб кетди.

<sup>1</sup> Ахта қилинган гўзал оқтанли ўғлонлар.

<sup>2</sup> Қарғабаччалар деб ал-Амин хушсурат ахта ҳабаший ўғлонларни кўзда тутати. Бу ҳақда ибн ал-Асир хабар беради.

## Йигирма бешинчи боб

## ПЕШАЙВОНДАГИ КАЙФУ САФО МАЖЛИСИ

Мажлислар турли-туман бўлади: давлат ишлари, ҳарбий ишлар, молиявий ва сиёсатга доир мажлисларда халифалик ва ё бутун жаҳон муаммолари ҳал этилади. Мажлислар бўладики, унда навбатдаги овга чиқиш, янги чўрилар харид қилиш, мушоира ва ё бўлажак улоқ масалалари муҳокама этилади. Одатда халифа ва амир бошлиқ бир неча эркаклар тўпландими, мажлис қурилади деярверинг. Ҳарамнинг тантанавор намоёниш этилишидан сўнг ал-Амин саройида ҳам худди шундай мажлис қурилдики, унда канизақлардан ташқари илк бор гулўғлонлар ҳам иштирок этишди. Биринчи валиаҳд ва унинг икки меҳмони зиналардан пастга тушиб, йўлак орқали очиқ пешайвонга чиқишганда, кайфу сафо асбоби тахт қилиб қўйилганди. Гиштин ерга тўшалган кўркам гиламларга янги узилган гуллар сочиб ташланган. Бурчак девори олдидаги тагкурси устида эбан дарахтидан яса-либ, ёнларига олтин ва садафлар қадалган серҳашам кат ўрнатилган бўлиб, унинг тепасига қимматбаҳо гулдор чодир тортилган, унинг икки томонига ясси курсичалар ва гулдор болишлар ярим доира шаклида териб қўйилган.

Кат олдига тўшалиб, чиройли ишлов берилган йўлбарс терисига ёйилган ним шаффоф шоҳи чойшаб устида қизил дарахтдан ясалган хонтахта, устида кайфу сафо асбоблари муҳайё. Ажойиб-ғаройиб биллур идишларда узум ва хурмодан сузилган шароб, яхдек шарбат. Нақшлар билан зарб қилинган кумуш идишларга қорамтир сулоф<sup>1</sup> тўлдириб қўйилган. Ясатилган хонтахтада пиёла ва катта-кичик қадаҳлар. Ликопларда анвои ҳўл мевалар, хандон писта, нишопур қумида қовурилган данаклар, гулобда ювилган шакарқамишлар, яхна қуш гўшти, мушк-анбар сепилган кулчалар, ўрама нон ва турли ноз-неъматлар тортилган. Кўринмас хушбўй елимдан аниқётган нозик муаттар ислар ҳавони тўлдирган.

Катга ўтирган ал-Амин иби ал-Ҳодийни ўз ёнига имлади, кейин иккинчи меҳмонга боқиб:

— Азизим Фазл, либосинг мажлисбоп эмас, ҳозир сенга «мастона жома» келтирурлар.

У хизматкорларга ишора қилди. Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас Фазл ёввойи жаъфар суви билан бўялган ва кўркам сарғиш тусда товланувчи кенг жалабия кийиб олди. Хизматдаги ҳабаш чўри тоза гуллардан ясалган гулчамбарни унга чуқур таъзим билан узатди.

Ал-Амин чапак чалди.

— Чақир хонанда канизақларни! — пайдо бўлган эшик оғасига буюрди. — Бизда янги канизақлардан борми?

— Ё хожаи соҳиби давлатим, ишрат мажлисига Бағдоднинг энг там-там хонанда канизақлари танланган. Бунақалари амир ал-муслиминда ҳам топилмайди.

— Яхши, чақир шокиладор чўриларни, мени интизор қилган жориялар етиб келгунча вақтимизни чоғ қилиб турсин.

Қойим чуқур таъзим адо қиларкан, орқаси билан юриб чиқиб кетди. Гўё қафасдан аранг қутилган оҳудек хушандом соҳибжамол канизақ шитоб билан пешайвонга чиқиб келди. Эгнида султония матосидан тикилган кўйлак. Кўйлак тагидан гуландом қомати элас-элас кўзга ташланиб турибди. Бошида танғиб боғланган ипак дурра, дуррага заррин ип билан шундай мисралар тикилган:

Нечун ололмадим ившонга сени,  
Камонни ингротиб қайга учди ўх?  
Биринчи ўқинг-ла, эй мерган, менинг  
Юрагимни кабоб қилдинг мисли чўғ.

Гуландомнинг чаккаларида ҳалқасимон гажак, қошлари ёйдек, тугмачадек но-

<sup>1</sup> Қвасга ўхшаш шарқ ичимлиги.

зик бурунлар, лаблари таргунчадек, кўкракларининг усти гавҳарсимон товланади. Гуландомнинг ўнг қўлида тола ипак билан йўрмаланган туяқуш патидан ясалган елпиғич, елпиғичнинг филсуяк бандига иккита тўртлик ўйиб битилган:

Мени эгалласа кимки, беканда  
Эркалашу олқиш этгум армуғон.  
Ёзда салқин сабо йўллай у томон,  
Чошгоҳ гармсели — оташ эганда.

Мен ёғфирман ва мен маъсум шабнамман,  
Ал-Аминга танҳо тасалли ҳам — ман.  
Менинг хусним магар кимга очса гул,  
Дунёнинг энг гўзал ҳукмдори — ул<sup>1</sup>.

Канизакнинг билақларига тақилган қўнғироқчалар бир-бирига тегиб, мулойим жириглар, бармоқлари хинадан лоларанг, оппоқ тишлари дурри ятим<sup>2</sup> дек ялтирар, кўкрагини безаб турган кенг ойсимон олтин тақинчоққа арабий ҳарфлар билан битилган тўрт мисра шеър ораларига гавҳар қадалган.

Жаннат боғининг жами нозик адо ҳурлари —  
Дугоналар бағрдан кочиб келдим сиз томон.  
Кимники тасодифан тушса менга назари —  
Барига олқиш ила сафо этгум армуғон.

Ибн ал-Ҳодий ва Фазл ботинда канизакларнинг хусни латофатига лол қолган бўлсалар-да, зоҳирда унга эҳтиром билан боқардилар. Чунки ал-Аминни елпиб турган канизакка дам-бадам диққат-эътибор билан қараб қўйишларини сезиб туришганди. Оёқ учида мулойим тебраниб яқинлаб келаётган канизакка жой бўшатиб, Фазл аста бир томонга сурилди, аммо канизак ҳукмдор оёқлари остидаги курсичага ўтирди. Қўлидаги елпиғич бир текисда оҳистагина юқори-қуйи бориб келарди. Мабодо хожасининг пешонасида қатра тер кўрингудек бўлса, канизак чап қўлида тутган рўмолча билан артиб қўйишга ҳозир. Эгнига янги очилган қирмизи гулранг кўйлак кийган сарвқомат юнона<sup>3</sup> чиқиб келди. Бўйинини қимматбахо маржон ва олтин хоч безаб турарди. Пишган узум бошларига ўхшатиб ўрилган сочлари елкаларига тушиб турарди. Пешонасида Абу Нувос шеърлари битилган тиллақош.

Нима қилиб қўйддинг, тийрак мерганим?  
Абад маҳрум бўлдим ақлим, дилимдан.  
Мен — ўзимдан кетдам, сен — гўё ғаним,  
Бир ўқ билан эрким олдинг кўлимдан.

Ўқинг очди жисму танам узра гул,  
Жоним, ишқ ўтида куйдирдинг тамом.  
Ингра, нола қилар бўлмасдан кул,  
Шундан бирор жойда топмасман ором.

Ал-Амин юнонага ишорат қилганди, у югуртилаб ал-Ҳодийнинг орқасига келиб турди ва унга елпий бошлади. Ана энди номдор меҳмоннинг кизишган юзларини салқин елпиниш сийлаб ўтгандек бўлди.

Пешайвонга виқор билан қадам ташлаб учинчи бир канизак чиқиб келди. Унинг бошида одатий пешбанд йўқ. Турмақланган сочининг фарқи тўғри очилган бўлиб, бу тахлит тараниш илк бор Ҳусайннинг қизи Сукайно томонидан русум

<sup>1</sup> Шеърлар ибн ар-Раббоҳнинг «Асл мэржонлар» мажмуасидан олинган.

<sup>2</sup> Йерик дурлар.

<sup>3</sup> Юнистондан келтирилган гўзал чўрв.



қилинганди. Сукайно ҳаддан зиёда қуюқ жингалак сочининг кўркамлигини кўз-кўз қилиш иштиёқида фарқларни тўғри очиб, кўриниш беришни одат қилганди. Канизакнинг пешонасига оч қизил ёғупа билан шундай байтлар битилганди:

Олтин гулчамбарли, эй ўспарин-ой,  
Қандай соз, қасрдан чиқсанг хойнаҳой!  
Нечун фол, ҳаяжон чекмоқ беҳуда,  
Тун узунми ё тоғг ақин, деб, жуда.  
Буни ҳозир қайдан билай мен, бағда,  
Жоним ўтда ёниб битай деганда?

Оқ баркут либосининг гулдор жиякларига нақшнн услубда шеърлар тикилган:

Нигоҳ хат йўлади жонимга аста  
Ва завқ-ла муҳрлар унга борлигин.  
Шерин ўйлар мени айлади хаста,  
Унда — ишқим ўти, шармисорлигим.

Ўнг биқинида шеърнинг давоми:

Юрагимни кўп имтаҳонга  
Дучор этди ўткинчи нигоҳ!  
Кўп уқубат, азобни қонга  
Қуйди севги захри баногоҳ!

Фазл канизак унга аталганини англади. Айнан шундай: Ал-Амин бир ишора қилган эдики, нозикадо биринчи валнаҳднинг арзандаси қаршисига келиб, бир тиззаси билан чўккалади, елпигичини силқитди.

### *Йигирма олтинчи боб*

## АБУ НУВОС

Ён томондаги эшикдан кўзачаларда шароб кўтарган қуллар кириб келишди. Қулларнинг биринчиси — мовий, иккинчиси — яшил, учинчиси — сариқ ва қолганлари ҳам шу тариқа гулранг, қизил, бишафшаранг чакмон кўйиб олишган. Ранглар жилоси шу қадар дид билан сараланганки, тўё ёмғирдан кейинги камалакни эслатарди. Амир ал-Ишрат соқийлар тавлашга раққосалар тайёрлашдан кўра кўпроқ вақт сарфлаганлиги аён кўриниб турибди. Қуллар ёш, кўркам ва тароватини йўқотмаган, узоқ ўлкалардан Бағдодга яқинда келтирилган бўлиб, арабчани тушунамас, барчаси ахта қилинган. Бундай покиза малоҳат ва маъсумлик уларга абадий латофат бағишлагандек.

Пешайвоннинг ўртасига тутилган шоҳи дарпарда орқасидан қонун, уд, танбурнинг мулоҳим ва қалбни қитиқловчи титроқ саслари таралмоқда. Оҳанглар тобора яқинлашиб, овоз пардалари аста-секин баландлашмоқда. Парда ортидан кийгоч кўзли, сариқ ирк зотига мансуб аёл гилам устига чиқиб келди. Аёлнинг хусни ўртамеъна, аммо овози жон озиғи. Ёнида қўлига уд ва танбур тутган тўртта машпоқа.

Ишора бўлгач, амир ал-Ишрат қадаҳ тўла шарбатни ал-Аминга тутди. Биринчи валиаҳд қадаҳни бўшатди. Гулўғлонлар тутган қадаҳларни иби ал-Ҳодий ва Фазл эҳтиром юзасидан лабларига тегизиб кўйишди. Иккисининг ҳам ичгиси йўқ.

Хонанда ва машпоқалар гиламнинг ўзлари учун белгиланган яқин бир чеккасига ўтиришди.

— Нега Абу Нувос йўқ? — савол ташлади ал-Амин.

— Ё хожай соҳиб давлатим, — деди амир ал-Ишрат, — шоир, меҳмонлар хонасида, амрингга мунтазир.

— Чақир уни!

Гулўғлон эшик сари йўл олди.

— Сабр қил! — орқасидан гап ташлади биринчи валиаҳд. У турган ерида қотиб қолди. Хинога бўялган боши билан ерга теккудек таъзим бажо қилди.

— «Мастона жома» кийиб олсин! — сўзини тамомлади ал-Амин.

— Фармони бардорман!

Бир неча дақиқа ўтар-ўтмас (эҳтиёткор шоир олдиндан «Мастона жома» кийиб олганди), пайдо бўлган гулўғлон эълон этди:

— Хожая соҳибдавлатим, Абу Нувос эшик қошида!

— Ташрифга рухсат этамиз, — жавоб қилди ал-Амин.

Пешайвонда шоир кўринди. Ёши қирқлардан ошган, аммо калта қилиб қирқилган соқолига ҳали деярли оқ ораламаган. У чиройли, чеҳраси нафис, кўзлари кўм-кўк. Онаси одамлари ўз ҳусни малоҳати билан шуҳрат топган Ахваз элидан. Шоирнинг нигоҳи ақли, зийрак ва истеҳзоли.

— Ассалом! — хитоб қилди қаноат топган ал-Амин болишини хонандаси яқинроқ суриб қўяётган гулўғлонни кузатаркан. — Рисоладаги биронта шират мажлиси шоирсиз кечса бўлмас. Мисранавис машхур устозлар — бизнинг зебу зийнатимиз.

Абу Нувос салом-аликка жавоб қиларкан, хонанда яқинига келиб ўтирди.

Бундай тантанаворлик давом этаркан, ибн ал-Ҳодий ёнидагидан, Фанхасдан харид қилинган чўрилар келиб қолармикан, дея сўради. Абул Атахиядан эшитган хуфия гаплар хаёлидан кетмаган Фазл, унинг кўлини аста қисиб: «Биздек сабр-бардошли бўл! Оллоҳ марҳамат қилгудек бўлса, чўрилар шу дақиқаларда келиб қолур!» дегандек бўлди. Ишрат мажлисида ўйчанлик — бориб турган беадаблик эканлиги эсига тушган Фазл дарҳол хушёр тортиб, табассум билан Абу Нувосга гап ташлади:

— Ё мисранавис дўстем, янги ашъоринг билан бизни хушнуд этмайсанми? Мисраларинг хонандалар хонишида олийзот биринчи валиаҳдимизга асл шавқи-завқ бахш этмоқда!

— Андак сабр, — деди боши шаробдан сархуш бўлиб қолган шоирга ишора қилиб ал-Амин. — Аввал сармастлик, баъдаз ашъор!

Гулўғлон катта жом тутди. Абу Нувос жомни бирваракайга сипқориб соқийга қайтараркан, «Қани, яна тўлдир, жомчи!» дегандек ишора қилди.

### *Йигирма еттинчи боб*

## ҲАЖВ ИШТИЁҚИ

Шаробхўрликка одатланган ал-Амин ҳам шоирнинг бунчалар бодапарастлигига лол қолди. Ал-Амин олмадан бир тишладия чайнамасдан гап қотди:

— Ҳой ахвазий, энди бизни хушнуд эт!

— Амринг қандай — мадҳия ё ҳажвия? — сўраркан Абу Нувоснинг кўркем чеҳрасига истеҳзоли табассум югурди.

— Нега ноўрин савол ташлайсан, мисранавис? — қаҳрланиб деди Фазл. — Қандай тилинг борди? Соҳиби давлатимизни ҳажвия қачон хушҳол қилган? Мен сендан, шундай бир снгил, равоң, шўх ва ўйшоқи сўз айтки, шу ондаёқ унга куй басталаш мумкин бўлсин, дея илтимос қилдим.

Валиаҳд арзандасига истеҳзоли боқаркан, Абу Нувос унинг ҳаммасига чаққонлик билан зарба берди:

— Ҳукмдоримизни нима хушҳол қила олишини сен қайдан била қолдинг, муҳтарам зот? Мабодо фолбинликдан хабаринг йўқми? Э, ҳазрат муҳтарамул эҳтиром зоти шариф биринчи валиаҳдимиз менга савол ташлади, жавоб қилдим, у рози қолди. Бу орада сенинг аралашувиңга ҳожат йўқ.

— Тўғри жавоб! — гапни илиб кетди ал-Амин.

— Ўзим ҳаммасини англадим. Қулоқларим ҳажвияга мунтазир. Мадҳиядан

кўра ҳажвияда фойдали гаплар кўпроқ. Ўзинг ҳам бунга тезда қаноат ҳосил қилгунг, Фазл. Қани, шоир, хонандага бир нарса де, куйласин!

Абу Нувосдан илтимоснинг ҳожати йўқ. Чўрининг кулоғига энгашиб, бир нарса салар деб пичирлади. Барча аҳли мажлис, ҳатто ал-Амин ҳам жимгина кутарди. Хонанда қонун торларини тераркан, пешайвон гумбазида мисралар жаранглаб кетди:

Ақлём етмас, тўғриси, асло,  
Қайга сарфлар Хорун-шоҳ зўрин.  
Сенга — эмин-эркинлик, аммо  
Одамларга қарар нақ бўри.  
Жаъфар йиллар оша бўлгандир  
Зикна, бахил, янада йиртқич.  
Хазинани қилди-да тақдир,  
Сездирмайди давлатини ҳеч.  
Унинг барча гуноҳи аро  
Энг енгили — хасислик шу тоб.  
Айтиш мумкин, вазирни зеро  
Подонлиги айлади хароб.

Хониш аро чўри маънодор тин оларди. Биринчи валиаҳднинг кулгидан нафаси қисилди. Унинг ашадий душмани ҳажв қилинаётганини англаган Фазлнинг оғзининг таноби қочди. Вазирни калака қилиш ҳаммадан кўра кўпроқ ибн ал-Ҳодийни хушнуд этди. Сўнгги оҳанг тинар-тинмас у шоирга хушхўл қичқирди:

— Аъло ҳажвия! Қасида айтган тилингга Оллоҳ кушойиш берсин! Умрингни дароз этсин! — Тахтга учинчи даъвогар қўлидаги гавҳар тасбеҳни тинмай ўтирарди. Абу Нувосга катта инъом беришга ошиқар, аммо бировнинг меҳмони, мезбон инъому эҳсон қилмай туриб, бундай қилиш ўринсизлигини яхши тушунарди.

Улфатнинг иштиёқини сезган ал-Амин биринчи бўлиб шоирни тақдирлашга ижозат берди. Ибн ал-Ҳодий итқитган гавҳар шодаси тўпша-тўғри шоирнинг тиззасига бориб тушди. Абу Нувос гавҳар шодасини илиб олиб, унга таажжубланиб қараркан, бутун борлиғи билан: «Зебу зийнат на даркор? Ахир мен уни тақиб юрмайман-ку...» дегандек бўлди.

Шоир таважжуҳини дарҳол англаган ал-Амин:

— Қараб турсам, дафинани не ерга қўйишни билмай турибсан шекилли? — деди кулимсираб. — Ўргатай сенга! Гавҳарлар кўпроқ оқ балхитларга ярашади. — У елпигич тебратаётган чўрига ишора қилади. — Бу аёл сенга тортиқ. Аммо бугунги мажлисдан сўнг. — Абу Нувос биринчи валиаҳдга чин қалбдан ташаккур айтишга оғиз жуфтлаган ҳам эдики, у шоирнинг сўзини бўлиб деди:

— Яхшиси, бизни яна бир нарса билан хушхўл эт. Инъому эҳсоннинг чегараси бўлмас. — Амир ал-Ишрат шоша-пиша қадаҳларга хурмо ва олмадан тайёрланган шароб тўлдирди. Аслан жингалак сочлари бир текис таралган ёш гулўғлон силлиқ қора шиша қадаҳни шоирга тутди. Сармаст шоир гулўғлоннинг келишган қадди-қоматига тикилиб қолди.

— Қани, гулўғлон мадҳига бир нима де-чи, — тақлиф қилди ал-Амин, — уни сенга ҳадя қилурмен.

Шароб сипқораркан, шоир хушоҳанг товушда ўқий кетди:

Кўринишда нозик, кўнгилчан, дилгир,  
Юзидаги ғоза нигоҳни ушлар.  
Ҳаммани хуснига қилади асир,  
Ҳар қандай кўнгилни сеҳрлар, хушлар.  
Гажаги чаккага ослган хийла,  
Пешонага тушган заъфар кокили.  
Шахло кўзлар эса қора ва чўгдай,  
Кўзларим оғригиб чақади ўқдай.

Киприклари кўrsa кувончини раво,  
 Маккор нигоҳидир дардимга даво,  
 Ундан сипқораман ҳали ёш майни,  
 Фақат насиб этар сармастлик айни!  
 Дўстлар билан эса тубигача то  
 Ўзга май жомини бўшатгум ҳатто.

— Минг тасанно! — қичқирди ал-Амин. — Ол, у билан давру даврон сур. У сеники!

Биринчи валиаҳднинг кайфи тобора ошиб бораётганини сезган Фазл анчадан бери тилининг учида турган саволни ўртага ташлади:

— Ё соҳибул саховат, Фанҳасдан харид қилинмиш оқбадан чўрилар хаёлингдан фаромуш бўлдимми?

— Қанақасига фаромуш қилай? Ҳеч нарсани фаромуш этмасман! Қани улар?

— Ё хожан соҳиби давлатим! — хитоб қилди ал-Аминнинг нигоҳи қадалгач амир ал-Ишрат. — Бир соат бўлдики, чўрилар саройда.

— Дарҳол уларни бу ёққа келтиринг!

Амир ал-Ишрат фармонни ўринлатмоқ учун эшик сари югургилаб кетдию тўсатдан бир томонга сапчиб тушди. У чиқмоқчи бўлган эшикдан маймун сапчиб ҳақкалак отиб чиқди. Қулоқларига бостириб олган учи найза қалпоғига қўнғироқлар осилган. Улар қулоқларни батанг қилғудек жиринглайди. Маймун тажовузкорона ириллаб, қад ростлади. Шундагина мажлис аҳли унинг маймун эмас, балки маймун териси ёпиниб олган нимжон одам эканлигини сезиб қолишди. Нимжон махлуқ эгилар, афти башарасини буруштирар, бесўнақай узунчоқ тилини чиқариб, ҳақкалаб сакрар, бу қилиқлари шу қадар ажиб масхарабозона эдики, қаҳқаҳадан пешайвон ларзага келди. Ҳаммадан кўра биринчи валиаҳд баралла хандон ташларди.

— Абу Ҳусайн эмасмисан, ҳой мажнун? — сўради қаҳқаҳадан нафаси бўғилиб ал-Амин.

— Худо урсин, худди ўшанинг ўзгинаси! — жавоб қилди заиф махлуқ ерда боши билан ўмбалоқ ошаркан. — Ана ўшани деб худонинг бу меров бандаси ақлу ҳушидан жудо бўлди.

Эшик яна ланг очилди ва пешайвонга Фанҳасдан харид этилган оқбадан чўрилар кириб келди. Олдинда Карнафлэл. Ипақдек мулойим қоп-қора зулфи елкаларида паришон. Дугоналари изма-из келмоқда. Уд тутган қизлар ҳали ҳеч ким эшитмаган ажиб бир куйни чалишмоқда. Ал-Аминнинг ишораси билан улар ўтиришди. Карнафлэл хониш бошлади:

У бозорда ҳаммага машҳур,  
 Қул аёлдан туғилган эмас.  
 Фасодчилар қасддан лоф қилур.  
 Нархи эди динордан ҳам паст.  
 Ҳамма ёқда — қипқизил ёлгон,  
 Ҳеч ким тоймас ғийбат йўлидан.  
 Гуноҳ, суддан кўрқмас бегумон,  
 На Оллоҳнинг одил қўлидан.

— Ҳақ гап, сенга лозими шу, ҳақ гап! — дея оёқларини ерга уриб типиллатганча, қичқирарди ал-Амин.

Фазл мамнун. Ўз манфаатини кўзлаб, бундан икки кун олдин Абул Атахияга буюриб, чўридан туғилган иккинчи валиаҳдни таҳқирловчи мазкур ашъорни бити-лишига эришган эди.

## Йигирма саккизинчи боб

## МУХТАРАМ ШАЙХ ИСМОИЛ ИБН ЯХЁ АЛ-ҲОШИМИЙ

Кеч кириб қолди. Кун ботишга яқинлашди. Бирдан, Дажла томондан ал-Амин амри билан қўйиб юборилган соқчи итларнинг қаттиқ вовуллагани эшитилди.

Югурганча пешайвонга соқчилар бошлиғи кириб келди.

— Ё ҳукмфармо! — таъзим билан ер ўпиб деди у. — Дарё бекатига қайик яқинлашиб қолди. Қайиқда, билишимча, шайх Исмоил ибн Яхё ал-Ҳошимий борга ўхшайди.

Сўзлар гулдурос тошбўрондек туюлди. Мусиқий оҳанглар узилди. Ишрат мажлиси бузилди. Ибн ал-Ҳодийнинг ранги қув ўчди. Ҳошимийлар оқсоқолига сархушлар орасида бақамти келиш — бориб турган юзқоралик.

Устидан бир кўза совуқ сув қуйилгандек биринчи валиаҳд ҳушёр тортди, бошидаги гултожини юлқиб олиб ташлади, қадаҳ ва жомлар турган хонтахтага қараб қўйди, масхарабоз олдида шамдек қотиб қолган ярим яланғоч чўриларга қаҳрли назар ташларкан:

— Йўқолларинг кўзимдан, нопоклар! — деди.

Ким ташриф буюрганини аниқлаб келиш учун гулўғлонни юборди. Гулўғлон қайтиб келаркан, овози қалтираб жавоб қилди:

— Исмоил ибн Яхё ал-Ҳошимий! Кирмоққа ижозат сўрайди.

— Муҳтарам шайхни кўриш — бизга ҳар вақт қувонч бағишлайди! — деди чайналийб ал-Амин. — Исмоил ибн Яхё ал-Ҳошимий ташрифлари билан бошимизни кўкка етказгайлар!

Хизматкор эшикни очиб юборди. Аммо остонада ҳеч зот кўринмади. Орадан дақиқалар ўтмоқда... Кутиш оғир ботмоқда, шийпонга тортилган гулдор дарпардада гўё ваҳший қушлар учиб келгандек соя пайдо бўлди. Ниҳоят, эғнига қора жалабня, бошига шоҳи салла ўраган барваста қомат, қотмадан келган мўйсафид остонага аста қадам қўйди. Бу, кўпгина амир ал-муслимин ва атоқли давлат арбоблари етишиб чиққан ҳошимийлар сулоласининг раҳнамоси, ўткир ақл соҳиби ва узоқни ўйлаб иш тутувчи Исмоил ибн Яхё ал-Ҳошимий эди. Эл орасида Шайх Исмоил номи билан машҳур ва манзур бўлмиш бу нуруний зоти шарифнинг мутафаккирона дўнг пешонаси, ёши бир ерга бориб қолганига қарамай, бақувват елкалари, қордек опшоқ қошлари, бўялмаган соқоли, унинг фоний дунё лаззатларига лоқайдлиги ва тақводорлигидан далолат берарди. У одамларга, асли зоти ва ё (худо кўрсатмасин), шакли-шамойилига қараб эмас, уларнинг хизматлари ва табиий ақлу гидрокига қараб баҳо берарди. Унинг эътиқодича, инсондаги энг аъло фазилат — мусаффолик ва художўйлик. Хорун ар-Рашид ота авлоди тарафидан унга жиян. Мўйсафид, амир ал-муслиминни ўзига жиян бўлгани ва ё худди ўзи каби ҳошимий зотидан эканлиги туфайли эъзозлайди ёки вазир Жаъфар ибн Яхёни форс бўлганлиги туфайли ҳуш кўрмайди дейиш, хато бўлурдан. Асло, шайхнинг кўнглида ягона истак — халифаликнинг гуллаб-яшнаши — бу ободликнинг умри боқий бўлишида эди. Бу хайрли давру давронни бунёд этиш кимга, қайси хонадонга муяссар бўлади, шайх учун бефарқ. Салтанатнинг гуллаб-яшнаши барҳақ ва барқарор бўлса, бас.

Шайх Исмоил сарой тўла фитнаю ҳодисаларни диққат билан кузатиб борарди: вазир халифага қарши фитна кўзғар, тахт ворислари бир-бирларига қарши ифвогарлик қилиб, фитнаю найранг ишлатар, рақиб гуруҳлар эса ошкора ва хуфия тарзда ўз хусусий ҳукми-қудратининг барқарорлиги учун курашарди. Бундай поёни йўқ кураш-тортишувларга шайх юксак мутафаккирона нуқтаи назардан нигоҳ ташлар, фоже ҳодисаларнинг олдини олишга интилар, давлат теласида турган икки арбобнинг нуқсонларини ҳаммадан кўра яхшироқ кўрарди, шунингдек, уларнинг фазилатларини ҳам беш қўлдек билиб олганди. Хорун ар-Рашид ва Жаъфар ибн Яхё ал-Бармакий муҳтарам қарияни улугсифат хулқ-атвори ва мусаффо қалби, халифаликка нисбатан бўлган беғараз ва чексиз муҳаббати туфайли чуқур эҳтиром этишарди. Фақат ҳали тухумидан чиқиб улгурмаган, калласида

ёшликнинг тинимсиз қайноқ эҳтирослари жўш урган ал-Амингина кўринишидан бадқовоқ туюлган шайхнинг панд-насиҳатларига нописандлик билан қарарди.

### Йигирма тўққизинчи боб

## КУТИЛМАГАН ТАШРИФ БОИСИ

Яхши устоз сифатида шайх Исмоил ибн ал-Ҳодийни тақвойи ҳақиқат сари бошлар, шуҳратпарастлик ўспириннинг майда-чуйда даъволарини қўллаб-қувватлар, уни ўзича хуш кўрарди. Халифалик манфаатини ҳамма нарсадан муқаддас деб билган шайх, ҳатто ўз манфаатларини ҳам шу хайрли эътиқодга итоат эттирганди. Васийси бўлмиш ибн ал-Ҳодийнинг Хорун ар-Рашид ва Бармакийларга қарши ўтли нафрати қарияни ҳаддан зиёда безовта қиларди. Бу туйғуни қандай қилиб бўлмасин тизгинлаш зарур, йўқса ишнинг охири «вой» бўлиши аён.

Ўша йилларда Басра атрофида ўринлашган Ҳошимийлар амир ал-муслимин тарафидан зўр бериб рағбатлантирилаётган ишрат ботқоғига ботиб кетганди. Халифа уларнинг чўри харид қилиш, ишратпарастлик бобидаги сарф-харажатларига хаёпна эшикларини очиб кўйди, уларнинг бошидан зар сочди. Ҳошимийлар саройидаги бир-бирига улашиб кетган ишрат мажлисларининг кети узилмас экан, халифанинг кўнгли тўқ: ишратпарастларга сиёсат билан шуғулланмоққа йўл бўлсин.

Шайх Исмоил бу хонадонни фахшбозлик гирдобидан халос этишдан аллақачон умидини узган, ишратбозликда донг тартган Басранинг кайфу сафо базмларида ибн ал-Ҳодийни иштирак этмаслигинга уни хушнуд этарди. Лекин ўспириндаги тийинчоқликнинг боиси, устоз панд-насиҳатларининг таъсири эмас, билъакс, Хорун ар-Рашиднинг ғаламислигига нисбатан ўспирин қалбида уйғонган қарши зарба уруш туйғусининг қудратида эди. Ўз ўрнида, халифа ҳам рад этилган тож-тахт ворисининг узлатнишини турмуш йўсунидан бохабар бўлиб, уни мутасил диққат назаридан қочирмасди. Вазиятнинг нозиклигини яхши англаган шайх Исмоил бағоят эҳтиёткорлик билан иш тутарди. Ибн ал-Ҳодийнинг отасининг ўчили олиш, тожу тахт сари интилишдек йиғиллик иштиёқини усталик билан бошқа томонга буриб, ўспирин учун ҳам, халифалик учун ҳам завоқ етмаслик йўлини ахтарарди. Фақат бир ҳолат уни қаттиқ изтиробга соларди: ал-Аминнинг давлат манфаатларига ҳам раҳна солаётган поёни йўқ фахшбозлигининг фалокатли таъсиридан қутулишга қурби етмай қолганди. Ибн ал-Ҳодий бўлса, жўрттага гулханга мой сепгандек, вақти-вақти билан биринчи валиаҳдни йўқлаб турарди. Шундай бўлди ҳам. Қария ўспириннинг Бағдод сафарини эшитиши биланок, отланиб, изма-из йўлга тушди. Пойтахтда унга Дажла бўйида қурилган ишрат мажлиси хабарини етказишди. Шайх қайиқ чақиртириб, шахсан ўзи саройга ташриф буюрди.

Пешайвондагилар эҳтиром билан бош эгиб, таъзим бажо келтиришди. Ал-Амин ўридан сал тургандай бўлди-ю, ammo жойидан туриб қариянинг исгиқболига боришга журъат етолмади. Фақат, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини хушёр тутиш фазилатига эга Фазлгина муҳтарам зот истиқболга бориб, эҳтиром билан унинг қаримсиқ қўлини ўпди.

— Марҳаб, ё муҳтарам зоти шариф! — қулай тўқима ўриндиқни суриб қўйди. — Марҳамат қилиб, ўтиринг!

— Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ, ё шайхим! — баланд катдан туриб эъозлади ал-Амин. — Лутф этиб ўтиришингга имоним комил.

Шайх Исмоил саломга тантанавор «алик» олиб, ўриндиққа ўтиргач, ўзини Дажлада сайр қилиб юргани, бу ерга ташрифи билан ишрат мажлисига халақит берганлиги учун узр сўраб, узундан-узоқ сўзлади, — хонандаларга, девор тагида қисниб-қимтиниб турган гулўғлошларга, йиғиштириб олинмаган хонтахтага бирма-бир узоқ разм солгач:

— Ташрифимдан мақсад, ибн ал-Ҳодий билан икки оғиз гаплашиб олишдир. Дарё узра унинг овози эшитилгандек бўлди.

— Бу ердаман, устоз! — деди ўспирин дарпарда орқасидан чиқиб, — эрта би-

ланоқ Басрага жўнаб кетмоқчи эдим, лекин ал-Амин қўярда-қўймай янги хонанда-лар хонишини тинглашга таклиф этди.

— Ўзингни оқламай қўя қол, бўтам, ҳеч бир гуноҳ қилганинг йўқ, — деди Ибн ал-Ҳодийнинг хижолат тортганидан қўнгли ийиган шайх Исмоил. — Мабодо рози бўлсанг, бирга қайтамыз. Тоғу тахтнинг муносиб вориси ўйин-кулгисига халақит бермоқда эканлигимни сезиб турибман.

— Фақат либосимни ўзгартириб олай! — дедию ўзига ажратилган хос хонага чиқиб кетди ўспирин.

Қария хайр-маъзур қилиб, ташқари чиқди. Чорак соатдан сўнг яна улар қайиқда учрашишди. Қора жубба кийиб олган Ибн ал-Ҳодий тахта зинадан қайиққа кўтариларкан, шайх Исмоил қайиқ четида у ён-бу ён юриб турарди.

— Бўтам, бундай хулқ-атворингни нима билан оқлашинг мумкин? — дея савол ташлади устоз ўпишга интилган шоғирддан қўлларини тортиб оларкан. — Ахир, шу қилиқларинг истиқбол сари интилаётган сендек одамга ярашадими?

Жавоб бўлмади. Қайиқ қирғоқдан сузиб кетди ва ал-Амин саройи қалъа деворлари ортида кўздан ғойиб бўлди.

— Ҳарқалай, сени шундай хою ҳавасга бериларсан деб асти ўйламагандим, — гапида давом этди, қайиқнинг бош томонига йўналаркан қария.

— Наҳотки мен сармаст бўлсам? — сўрашга жазм этди устоз кетидан бораркан ўспирин йигит. — Худо ҳаққи, ўша лаънати ҳаром ичимликка андаккича қўл тегиздим, холос.

— Мен сени, бўтам, сармаст деяётганим йўқ, — деди Ибн ал-Ҳодийга разм солишга улгурган шайх Исмоил. — Агар сен ҳаётда анча-мунча нарсага эришмоқ ниятида бўлсанг, ал-Аминни базму ишрат фалокатидан асрамоғинг даркор. Бу фикрим халифалик манфаати учун, қолаверса, ўз манфаатинг учун ҳам жуда зарур.

### Ўттизинчи боб

## ХАЛИФА АЛ-ҲОДИЙ НИМАДАН ВАФОТ ЭТДИ

Ибн ал-Ҳодий қайиқ тумшуғида туриб узун ёғоч билан дарё чуқурлигини ўлчаётган дарғанинг ишини диққат билан кузатарди. Аммо шайх Исмоилни алдаш осон гап эмас.

— Фикринг нохуш хаёллар билан банд, ўғлим, — деди қария, — ҳокимият илинжидасан.

— Мен қаллоб эмасман! — деди қизишиб адабсизларча ўспирин. — Ўз ҳаққи-ҳуқуқим нимани жоиз кўрса, ўшани олмоқчиман, холос.

— Қани, ижозатинг билан эшитай-чи, сенга нима жоиз экан, бўтам?

— Менга демишларки, — дея гап бошладию бирдан жимиб қолган ибн ал-Ҳодий атрофга разм солди ва биров эшитмаётганига қаноат ҳосил қилгач, секингина гапида давом этди: — жин чалгур собиқ қулбаччалар ҳийлаю найранг билан менни ҳокимиятдан маҳрум этишди. Аслида тоғу тахт менга тегишли-ку!

— Дарҳақиқат шундайдир, мунозара қилиб ўтирмайман, — деди шайх Исмоил гўё сўзни чайнаётгандек, — аммо ал-Аминнинг сержанжал мажлислари билан ҳокимият борасидаги сенинг ҳақ-ҳуқуқинг орасида қандай алоқа бўлиши мумкин?

— Ё устоз, бу ҳақда оғиз очмасангиз маъқул бўлурди! — илтижо қилди ўспирин йигит. — Яхшиси, ижозатингиз билан гапнинг лўндасини айтиб қўя қолай.

— Бажонидил, ижозат, бўтам. Агар сўзларинг ҳақ бўлса, қўлимдан келганча кўмаклашай: йўқса, бундан буён қандай йўл тутиш борасида бамаслаҳат фикрлашармиз. Ҳар икки ҳолатда ҳам асроринг бирон кимса қулоғига етмайди.

— Ташаққуримни қабул этинг, устоз! Албатта, Сизга равшанки, бобом халифа ал-Маҳдий салтанатни отам бўлмиш ал-Ҳодийга қолдирди. Билишимча, отам халифалик салтанатини менга васият қилиб қолдирмоқчи бўлган. Худди менинг ўзимга!

— Хўш, яна нима?

— Яна нимага бало борми? Фикру зикрим тожу тахт иштиёқида!

— Гўри нурга тўлгур бобонгнинг васияти сенга аниқ маълумми? Ал-Маҳдий, салтанат жиловини отангга тутқазар экан, ундан кейин тожу тахт амакинг бўлмиш Хорун ар-Рашидга ўтиши лозимлигини шарт қилиб қўйганди. Кейинчалик ал-Ҳодий шартни бузиб, Хорун ар-Рашидни четлатиб, салтанатнинг калитини сенга тутқазмоқчи бўлувди. Ана шунин сен ўз ҳақ-ҳуқуқинг деб биласанми?

— Ҳа, худди шуни! — деярли ҳайқирди қошларини чимириб ўспирин. — Наҳотки, отам, ҳақиқатан ҳам бобом васиятидан воз кечгани қулоғингизга чалинмаган бўлса? Тўғри, форсинг жусту-жуни туфайли салтанатни Хорун ар-Рашидга топшираркан, кейинроқ тожу тахтни менга қайтарш борасида амаким қасамд қилган-ку.

— Миш-мишлар қулоғимга чалинган. Эҳтимол, шундайдир. Лекин, булар фақат хомаки гаплар эди, холос.

— Хомаки гаплар эди! — ўзини аранг босиб деди Ибн ал-Ҳодий. — Ҳали бир йилгина ҳам тахтда ҳукмронлик қилиб улгурмаган отамнинг қатл этилиши, ўша гапларнинг ҳақ эканлигини тасдиқламайдими?

— Қотиллик? — такрор сўради шайх Исмоил. — Ҳали сен халифа ал-Ҳодий қатл этилган демоқчимсан? Бу гапларни нимага асослаиб гапиряпсан? Билишимча, у ўз ажали билан олами фонийдан кўз юмган. Бедаво дарддан. Албатта, бу борада, шунча ҳийлаю найрангларига қарамай, халифаликнинг идора ишларига қўл чўзолмаган муҳтарама бибинг Хайрузонанинг жусту-жў қилганлиги сир эмас. Эҳтимол, у ҳам бечора фарзандини беҳад азоб-уқубатлардан тезроқ фориг бўлишини ўйлагандир. Лекин сен ҳадеб ортиқча валдираб юрма. «Қатл этмоқ» бошқаю, «Хасталикни тезроқ поёнига етказмоқ» бошқа. Бу гаплар маъносида тафовут катта. Тақдирга тап бермоқ даркор, бўтам!

— Бибим ўзича бирон хатти-ҳаракатга қўл урганмас. Уни йўл-йўриққа солган анави лаънати форс.

— Сен ҳозирги вазирнинг отаси Яҳё ибн Ҳолидни кўзда тутяпсанми?

— Йўқса кимни бўларди! Албатта, ўшани! Отам бобом васиятдан воз кечиши биланоқ қулвачча хаста атрофида парвона бўлиб қолди. Қолдан тойган отамга форс бошқа васиятномага имзо чектиришга муваффақ бўлди. Иш биттач, отам уларга ортиқча даҳмаза бўлиб қолди. Уни дарҳол орадан кўтариб ташлашди. Ҳали аниқ билмайману, аммо, вайсақиларнинг гапига қараганда, заҳарни «бебаҳо» бибижоним ичирган, бироқ, нима бўлганда ҳам отам вафотининг ҳақиқий сабабкори — қулвачча. Қайғули хабарни биринчи бўлиб эшитган лаънати форс ярим тун бўлишга қарамай, Хорун ар-Рашид даргоҳига югуриб боргани бежиз эмасди-ку. Ана энди, ўзингиз ҳам кўриб турибсиз, устоз, уни амир ал-муслимин нақадар юксак мукофотга лойиқ топди: ўғлини вазир этиб тайинладики, бутун халифаликнинг жилови унинг қўлига тутқазилди. Агар гапнинг сирасини айтилса, халифа билан вазир ўрин алмашишди: ҳақиқий амир ал-муслимин Жаъфар ибн Яҳё бўлиб қолди.

### Ўттиз биринчи боб

## БАРМАКИЙЛАР ВА ХАЛИФАЛИК

Ибн ал-Ҳодийнинг даъвоси маълум даражада қонуний эканлиги борасида хаёл сурааркан, шайх Исмоил бу муаммонинг бошқа бир позик томони ҳақида ҳам бош қотирмай иложи йўқ эди. Бордию уни қўллаб-қувватлаган тақдирда, жорий қонунқондалар бузилиши, низо кўзғалиши, халифаликнинг қудратига раҳна тушши мумкин эди. Мана шунинг учун ҳам унинг даъвосини асоссиз деб топиш зарур эди.

— Бўтам, сен Бармакийлар ҳақида ношоён фикр юритмоқдасан, — деди қария. — Худди уларни ашаддий душмандек билиб, барча ишларини бирваракайига лаънатламоқдасан. Аммо Бармакийлар халифаликка шунчалар хайрли хизмат қилдиларки, ҳеч бир кимса бунчалик яхшиликни бунёдга келтиролганмас.



Бу хонадоннинг хизматлари бебаҳо. Мен ҳам, сен ҳам, амир ал-муслимин ҳам, барчамиз, Ҳошимийлар зурриёти. Танамиз ва жонимиз, дўсту душманларимиз битта; ҳар ишда аҳил бўлиб, бир ёқадан бош чиқармоғимиз даркор. Бармакийлар борасида адолатсизлик қилмоқдасан. Уларни ёмонлашга қандай тилинг борди? Худди мана шу Жаъфар ибн Яҳёнинг бобоси Халид умавийлар хонадонига қарши бош кўтарган Абу Муслимни қўллаб-қувватлаган, худди ана шу вазият бизга қўл келиб, умавийларнинг сўнгги вакили тахтдан тобутга тортилиб, Ҳошимийлар давлат тепасига келганини унутдингми? Сўнгра, халифа Абу Жаъфар ал-Мансур Абу Муслимни қатл этгач, чегара вилоятларида курд ва эронийлар кўзғолон кўтариб, халифалик тақдири қил устда турганда яна ўша Халид орага тушиб, ғалаён ҳарбий куч ёрдамисиз тинчителиб, салтанатда осойишталик барқарор бўлгани ёдингдан кўтарилдимми? Халид ва ўғли Яҳёнинг салтанатда давлат мажлиси ва девон жорий этиб, уларнинг мунтазам ишлаши йўлга қўйилганини унутиб бўладими? Ҳозирги кунда Халиднинг бошлаган ишларини унинг икки набираси Жаъфар ибн Яҳё ва Фазл ибн Яҳё жуда яхши давом эттирмоқда. Шу гапларни ўзинг яхши билмайсанми ва ё ёдингдан фаромуш қилдингми? Бармакий, жон бўтам,— деди тўлқинланиб қария,— халифаликнинг пойтахти, фахримиз ва шавкатимиз Бағдодга диққат билан бир назар ташла, ана ўшада Бармакийлар фаолиятининг ажойиб самарасини аниқ тасаввур қиласан: жаҳонда мисли йўқ кутубхона, аслаҳона, хастахона, қозихоналар, Бармакийларнинг уч авлоди мобайнида салтанатимизда илм, фалсафа ва адабиёт равнақиға имкон яратилди. Улар шаҳарларда мунтазам соқчилик хизмати барпо қилдиларки, ҳозир шусиз бир кун ҳам кун кўролмаймиз. Юнон, ҳинд ва форс тилларидан шунчалик беҳисоб китобларни таржима этилишига замин яратдиларки, унинг баҳосини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Яҳудийлар, насронийлар ва мусулмонлар уларнинг раҳнамолигида иш юритдилар. Тиббиёт ишларини илк бор йўлга қўйиб, унинг равнақи борасида ғамхўрлик кўрсатганлар дея кимларни эъзозлашимиз керак? Бармакийлар олимлару ҳинд табибларини бу ерга тақлиф қилганлари сенга маълум эмасми? Ҳеч бўлмаса барча умидини узган пайтда Хорун ар-Рашидни ажал чангалидан тортиб олган Моникни хотирлаб кўр-чи. Бу табибни ҳам тавсия этган худди ўша Яҳё ибн Халид эди. Ниҳоят, жиннихонани ёдингга келтир. Бундай хастахоналар ҳали ҳеч ерда бунёдга келмаганди! Амир ал-муслимин ижозати билан Бармакийлар ўз маблағлари ҳисобига ўша хастахонани бунёд этиб, савдойиларни даволашга табиб ибн Дахнани олиб келдилар. Қоғозлар борасида нима дейсан? Шоирлар ўз қасидаларини сўйилган ҳайвон терисига, халифа қарорлари эса папирус ва ўрама қоғозларга битиладиган вақтлар аллақачон ўтиб кетди. Ал-Фазл ибн Яҳё Бағдодда қоғоз ясаш қорхонаси бунёд этиб, йўлга қўйдик, шубҳасиз, сен уни кўргансан. Бизни барча давр ва халқларнинг энг бебаҳо кашфиётлари билан ошно қилди. Ўтар шунча гап! — деди қария ва чуқур тил олди.— Мабодо мен Бармакийлар қилган хайрли ишларини бошдан-оёқ муфассал гапирмоққа жазм этгудек бўлсам борми, уларни санаб чиқишга ҳам мадорим етмас. Форслар халифаликнинг равнақи йўлида жаҳду жадал қилмоқдалар. Ҳамонки, давлатимизни чин дилдан суярканман, уларни ҳам суймасдан иложим йўқ. Эсингда тут, бўталоғим, оний ҳислар таъсирида бу қадар жўшиб гапираётганим йўқ, дилимда қандайдир хуфня фикр-андишалар ҳам йўқ, мен фақат икки нимарсани кўзда тутиб сўзламоқдаман: адолатпарварлик йўриғидан тоймаслик ва халифаликни мустаҳкамлаш.

Қайиқ чеккасига суянган Ибн ал-Ҳодий, қайиқнинг ён томонга сувнинг шитоб билан урилишига жимгина тикилиб борарди. Безовта хаёллар, дарё қаърига ботиб, гўё уни илғаб олиш мушкулдек туюларди.

— Биламан, Бармакийларни қарғайдилар,— давом этди шайх Исмоил ўспиринга нигоҳ ташларкан,— хўш, кимлар? Ал-Фазл ибн ар-Робия каби одам қиёфасини йўқотган бевурд сотқинлар! Ўшанақалар сени йўлдан урган бўлмасин яна? Уларнинг гапига қулоқ солиш — бориб турган тентаклик. У тахлит кимсалар хусусий манфаатлари йўлида оғзиларига келганини гапираверадилар.

Ибн ал-Ҳодий қаддини тиклади. Форсларга нисбатан бўлган ғазаб ўти, улар-

нинг рад этиб бўлмас шунча фазилатларига қарамай, ўспирин қалбида заррача ҳам ўчмади.

— Ё устоз, гапингиздан Бармакийларга омад йўлини очган самовий фаришталар бўлиб чиқмасин, тағин? — деди заҳарханда тарзда ўспирин. — Ё алҳазар! Отамни у дунёга жўнатиб, мени халифаликдан маҳрум этган разил, аҳли қабохат ана ўшалар эмасми, ахир!

— Сенда қўлга илинадиган бирор далил йўқ, бўталоғим, — деди ўспиринни ёшлиқ ҳовридан туширишга интилиб қария. — Билишимча, Яҳё ибн-Холидни отаингнинг ўлимида бевосита ва ё билвосита сабабкор дея бирон кимса тасдиқлаёлмайди. Бу гап менга ҳам қоронғу.

— Мен бўлсам ҳечам шубҳа қилмайман! — хитоб қилди ўспирин. — Хорун ар-Рашидни тахт вориси этиб белгилаш ҳақидаги ўша машъум ҳужжатга ҳеч қандай шарту сабабсиз, энг қизиғи, олдинроқ ҳам эмас, кейинроқ ҳам эмас, имзо чекиши биланоқ, отамнинг жони узилди. Бу қутилмаган тасодифмикан-а? Йўқ, асло бундаймас, устоз, бу — билвосита далил! Кейин-чи, ишлар хамирдан қил суғургандек битди-қўйди. Муҳтарам амакижоним халифалик тахтини қўлга киритгач, тахт вориси борасида ташвиш чекиб, менинг ўрнимга ўз ўғли фаҳшбоз ал-Аминни тахт вориси этиб тасдиқлади. Кейин-чи, ҳар вақт бўлганидек, Жаъфар ибн Яҳё орага тушди, эроний чўридан туғилган ал-Маъмун тахтнинг иккинчи вориси этиб тасдиқланди! Мен-чи? Мен бўлсам, икки қўлимни бурнимга тикиб қолавердим. Ё оллоҳ, агарда уддасидан чиқолсам борми...

— Бўтам, гапинг билан қилаётган ишларинг бир-бирига мувофиқ эмас, — вазминлик билан сўз қотди норози оҳангда шайх Исмоил. — Ал-Аминни оғизда ёмонлаб, фаҳшбоз дейсану, ўзинг бўлсанг, унинг ишрат базмларида бемалол кайфу сафо сурасан. Аввалгисини сўзларкансан, кейингисини қилма. Ҳамонки у билан нон-қаттиқ бўларкансаи, юзига оёқ босма. Лекин асосий гап бунда эмас. Англашимча, сен тортиб олинган ҳақ-ҳуқуқингни қайтариш иштиёқида ёнмоқдасан. Ижозатинг билан сўрай, нимадан умидворсан? Амакин — халифа. Лашкар унинг ихтиёрида, тарафдорлари қўп, уни Ҳошимийлар қўллаб-қувватламоқда. Тахтга даъвогарлигинг қулоғига етиб қолса борми, ҳолингга вой. Дарғазаб ҳолатда Хорун ар-Рашид раҳм-шафқат нималигини буткул унутади. Исёнкорни бурда-бурда қилиб ташлашни буюрса борми, гўштини қиймалиб, сахрога сочиб юборадиларки, оқибатда дафи қилиш учун бир парча гўштингни топиш ҳам амру маҳол бўлиб қолади. Ва сенга туя сийдиги шимдирилган жун кўйлак кийдириб, офтоб тифига қўйсалар, унда додингни кимга айтасан? Мен, аввал деганимдек, бу гапларни бирон кимсага қилмасман. Ақлу ҳушингни йиғиб олу, гоятда ўзингга эҳтиёт бўл. Болаларча хом хаёлларни унут, бўтам. Мабодо, иш бориб халифаликнинг бутунлиги ва қудратига тақалгудек бўлса, қанчалик аччиқ бўлмасин, сени қурбон қилишдан ўзга иложим қолмайди.

— Устоз, илтижо қилурмен, мен билан гўдақларча муомала қилманг! — хитоб қилди Ибн ал-Ҳодий вужудини қамраган титроқни аранг босиб.

— Амакимга қарши бош кўтариш хаёлимга ҳам келганмас. Оллоҳ сақлағай! Ахир бу — телбалик-ку! Майли, эълон этилгандек тожу тахт вориси ал-Амин бўла қолсин, эътирозим йўқ: аммо ал-Амин тожу тахтни тутиб туришга ноқобил, чунки у бориб турган калтафаҳм. Кейин-чи, ал-Маъмун тахтга минади. Собик чўри ўглининг эҳтиёткор ва донишмадлигига тан бераман. Аммо Ҳошимийлар унга қарши, мабодо, Жаъфар ибн Яҳё унга мададкор бўлмаса, ал-Маъмун ҳам тахтда барқарор бўлолмайди. Ана, кўрдингми, менинг йўлимга бошқа биров эмас, худди ана шу вазирнинг ўзгинаси тўғаноқ бўлмоқда. Ажаб эмаски, тожу тахтга кўз олайтирса. Ҳақ гаплар эмасми?! Ҳу лаънати, у ҳалокатга маҳкум! Ё муҳтарам устоз, дейсизки, отамнинг қатли борасида далилу исбот йўқ. Хўп, бу гапни қўйиб турайлик. Ўзга ёвузлик далилу исботлар тўлиб-тошиб ётибди. Дейлик, Бармакийлар қандай қилиб бунча давлат орттирди? Ўзингиз халифалик саодати устида куйиб-пишасизу, аммо собик қулвачча бизни қандай чув тушираётгани билан ишингиз йўқ! Унинг хусусий даромади давлат даромадидан кам эмас. Бу борада менга хазина девонининг сардори Саҳл ибн-Хорун очиқ-ойдин сўзлаб берди. Ахир унга ҳамма иш аниқ маълум. Мана, аниқ рақамлар, уларни ёддан билурман: Ха-

лифаликнинг мағрибдан машрикқача бўлган сарҳадларидан солиқ тарзида келадиган маблағ тахминан тўрт юз миллион дирҳам ёки йигирма етти миллион динорга тенг, Бармакийларнинг йиллик даромадлари эса йигирма миллион динордан ортиқроқ. Ахир, бу жиноят бўлмай — нима? Яна қандай жиноят! Биз, хошимийлар қанча даромад олмоқдамиз, деб сўрасиз? Кўнгил очишу чўрилар хариди учун берилаётган хайру эҳсон. Ўз фақирлигимизни Бармакийлардагидек тўкин-сочинлик билан таққослашдан ор-номус қиламан. Суворийлар Абодият қасри олдида эмас, балки Жаъфар ибн Яҳё саройи олдида кўпроқ отдан тушиб ўтадилар. Номус! Баъзан фиғоним фалакка чиқади, бу ишларнинг охири «вой».

### Ўттиз иккинчи боб

## МАРДОНАВОР НИЯТ

Хазина аҳволидан яхши хабардор бўлган шайх Исмоил Ибн ал-Ҳодий келтирган рақамларга эътироз билдирилмас, — бу гаплар унга беш бармоқдек аён, — Бармакийларнинг мил-мил бойлиги, эҳтимол, халифалик учун енгил лоҳасликдир: аммо унинг хавфли хасталикка айланиб кетишига ким ҳам ишонарди? Сармоя, кимнинг қўлида бўлишидан қатъи назар, давлатнинг куч-қудратини оширади.

— Сенга баъзи гапларни айтмоқчиман, — Ибн ал-Ҳодийга боқиб, осойишта гап бошлади Шайх Исмоил. — Жаъфар ибн Яҳёнинг динорлари ошиб-тошиб ётибди. Ҳеч кимга сир эмас. Аммо, бўтам, селдек келган олтинларнинг селдек совурилиши ҳам ҳақ гап. Бармакийлар бойлиги араблар хизматида. Инъому эҳсонлар, нафақа ва ионаларга вазирнинг қўли очиқ. Қани, ўзинг айт-чи, қайси Ҳошимий вазир қўлидан бахшиш олмаган? Хўш? Нега жимсан? Жаъфар ибн Яҳёнинг хазинабонни — менга таниш. Унинг айтишича, Бармакийлар ҳар йили ўз даромадларининг ярмидан кўпини — деярли ўн икки миллион динорни керакли кимсаларга улашиб берадилар. Бу ишларнинг барчаси муҳрли қоғозларга битиклик. Хазинабон янглишмаслик учун пулларни тўп-тўп қилиб ажратиб қўйган, чунончи, ҳар тўпда ўн миң дирҳам бўлиб, уларнинг устида қанчалиги ҳақида аниқ битиклар бор. Мен вазирнинг қатл этилишига қаршиман. Бу гапларни аввало, халифаликнинг устунлари қирқилади, ажойиб тадбиркорлик, омилкорлик билан юритилаётган ҳўжалик ишлари издан чиқиши мумкин дебгина гапираётганим йўқ, шунингдек, қотиллик учун ҳеч қандай асос йўқ демоқчиман. Бундай хатти-ҳаракат яна шунинг учун ҳам хавфлики, Жаъфар ибн Яҳё тарафдорларининг ҳад-ҳисоби йўқ. Сенинг хусусингда бўлса, демоқчиманки, — дея гапини давом эттираркан, шогирдини дарҳол ҳўшёр тортганига разм солди шайх Исмоил. — Хавфли ишларга бош қўшма, навжувонлик ҳўсни тароватингни авайлаб асра. Бу сенга ҳаётда бир бор ато қилинган. Тилагим, бу сен учун ҳам, айниқса, фойдали. Хорун ар-Рашиддан ўзингни олиб қочма, унга қарши турма, билъакс, имкон борица ўзингни амир ал-муслиминга яқин тут.

— Қай йўсинда? Мен-ку бажонидил! — хитоб қилди ўспирин гўё итоаткорона, аслида эса устоз сўзларининг адоғини сабр билан кутиб турарди.

— Ақлу идрокинг жойидалигидан мамнунман. Ҳошимийларга мансуб зот сифатида халифага муқаррибликнинг энг осон йўлими? — деди атайин гапни чўзиб шайх Исмоил, у ўспириннинг оёқ-қўли шундай моҳирлик билан боғлансинки, сарой тўнтариши борасида узоқ вақт гап кўзғолмасин деб ўйларкан, сўзида давом этди, — чунончи, айтайлик, халифага куёв бўлиш. Азалдан синалган йўриқ. Хусусан, Аълияни бўйи етиб турибди. Бу ҳақда Хорун ар-Рашид билан гаплашиб, сенга қўмаклашмоғим мумкин бўлурди.

— Ё муруватпаноҳим! — дея хитоб қиларкан, халифанинг қизи ажойиб жуфт деган фикр ўспирини хаёлида яшин тезлигида кечди. Албатта, маълум фурсат иззатталаб ниятлардан чекинишга тўғри келар. Истикболда эса олийнасаб хотин тожу тахт учун курашда муҳим восита бўлиб қолур. — Аммо, Хорун ар-Рашид вазирга маслаҳат солгудек бўлса, у айнатиб қўймасмикан, деган хавфдаман.

— Бўтам, халифа сен ўйлагандан кўра ҳам шижоатли ва чўрткесар, — дея

эътироз билдирди қария. Ўз хоҳишинг билан уйланишингдан мамнунман. Шояд, омад бизга ёр бўлғуси! Қолган ишларни менга қўявер, Басрага қайт ва мени кут.

— Бажонидил, устоз! Бағдодда қиладиган ишим йўқ. Аммо, лекин... мен... мен... хайр-хўшлашмадим-ку. Ҳар қалай ёмон бўлмасди...

— Майли, бора қол! — деди қария хусусий фикрлари оғушида. — Эртага эрта билан Хоруи ар-Рашид ҳузурига йўл олурман.

— Ал-Амин саройига қайтишга ижозат беринг, — дея давом этди Ибн ал-Ҳодий, — фақат бир кунгина тунайман.

— Қайтиб бориш? Сабаб? — қайта савол қиларкан, шайх Исмоил андак ўйлаб тургач, жавоб қилди. — Майли, Оллоҳ сени ўз паноҳи исматида асрагай!

Қайиқ қирғоққа бурилди, ўспирин хурмо дарахтидан ясалган таги ясси қайиққа ўтиб, орқага сузиб кетди, қария эса, хаёлга чўмиб, Дажлани тун қоплагунга қадар унинг ортидан қараб турарди.

Биринчи хуфтон кирди. Ярим ойнинг ўроғи оппоқ жингалак сочли ҳабаш бошидек самодан хира боқиб турар, сув юзаси кумушранг гиламдек теп-текис. Дарё бурилишида ал-Амин саройи кўзга ташланди. Сарой чироқлари ўчирилган. На мусиқа, на хониш эшитилади. Боғаро безовта бўлган итлар вовуллаб, у ён-бу ён югурарди.

Ибн ал-Ҳодий бўшаб қолган пешайвонни айланиб, дарвозаси бўлган қалъа деворига яқинлашди.

Айвондан фокус шуъласи кўринди. Итлар итоаткорона жимиб қолди. Нақшинкор панжара олдида хизматкор пайдо бўлди. Либосига қараганда ахта қул эди. Ибн ал-Ҳодий таги ясси қайиқда туриб уни чақирди.

— Бу сизми, хожам? — сўради қул.

— Қирғоққа тушиб олишга ёрдамлашиб юбор, — қичқирди ўспирин.

— Хўп бўлади, ҳозир тушиб борғум.

Фокус ғойиб бўлди. Сўнгра, қирғоқ олдида пайдо бўлди.

— Қўлингизни беринг, хожам! Фақат товуш чиқарманг. Яхшиси, яширин эшикдан кирамиз.

«Қачондан бери ал-Аминникида товушдан ҳайиқадиган бўлиб қолибдилар? Бу қандай асрор?» — таги ясси қайиқдан қирғоққа ўтиб, йўлбошловчи ахта қул ортидан бораркан, ўйлаб қолди Ибн ал-Ҳодий.

Пешайвон ивирсиб ётибди: кўзачалар тўнтарилган, биттаси чил-чил бўлган, болишлар устига шароб тўкилган, айқаш-уйқаш, еб тугатилмаган ноз-неъматлар бир ерга уйиб қўйилган.

Йўлакдан ўтиб, ахта қул ортидан бўм-бўш катта хонага кирди. Кумуш шамдонларга қўйилган шамлар хира нур сочарди.

— Биринчи валиаҳдимиз қанилар? — ахта қул кетидан бораркан, сўради хувиллаб ётган теварак-атрофга ҳайратланиб қараган Ибн ал-Ҳодий.

— Андак сабр, хожам. Ҳозир уни кўрасиз, — жавоб қилди қул.

### Ўттиз учинчи боб

## ТУНГИ ХАБАРЛАР

Қаторма-қатор хоналарни минора тахлит шамдонлар чароғон ёритган. Жиҳозланиши билан хоналар бир-биридан фарқланарди. Ҳар бир хона алоҳида-алоҳида — юноний, эроний, ҳиндий ва мисрий услубда жиҳозланган. Хоналар сил-силасининг охиридаги катта ва кенг уй эса мавритоний тарзда ясоғлиқ. Кейинги эшик ичидан беқланган. Ахта қул тўхтаб, эшикни уч бор чертди. Сурилаётган ил-гак овози эшитилди, уймакор эшик ланг очилди, Ибн ал-Ҳодий қаршида Фазл пайдо бўлди. Бир оғиз сўз айтмай, ишора билан ўспиринни даричасиз чоғроққина хонага таклиф қилди. Ал-Амин гилам устида чордона қуриб ўтирарди. Фазлга ўхшаб у ҳам «мастона жома»да унинг қаршида чодра ёпинган кекса аёл тик турар. Чўри бўлганлиги учун юзи очиқ.

— Ўтир,— дея гиламни кўрсатиб таклиф қилди ҳирқироқ овозда Ибн ал-Ҳодий биринчи валиаҳдга.— Биз муҳим хабарлар олдик. Бу менинг айғоқчим,— деди ал-Амин чўрига ишора қилиб.— Чўри вазир хизматида. Эшит! У Жаъфар ибн Яҳёнинг қаллоблиги ҳақида сенга сўзлаб беради.

— Албатта сўзлагум, кўзичоғим, сўзма-сўз, қандай бўлса — шундайлигича айтаман. Ё, Оллоҳ, раҳмонур раҳимсан! — дуога қўл очди ал-Амин қаршисида таъзим қиларкан кекса чўри.— Бундан бир йилча аввал Дайламда исёнкор ал-Алавий ғулу чиқарди. Мен унинг исми насабини тўла ёдлаб олганман: Яҳё ибн Абдуллоҳ ибн ал-Алавий. У бадбахт бизнинг мурувватпаноҳ Аббосийларни,— оллоҳ уларни ҳаминча ўз паноҳи исматида асрағай! — улоқтириб ташлаб, халифалик тасарруфидан қутулмоқчи бўлган. Унинг рўбарўсига амир ал-муслимин бир талай лашкар йўлламиш, исёнкор тоққа яширинган. Ривоят қилурларки, исёнкорни у ерлардан суриб чиқариш осон иш эмас. Халифанинг чароғон хаёлига вазирнинг туғишган укаси ал-Фазл ибн Яҳёни элчи қилиб юбориш фикри келиб қолган. Улар тезда ўзаро тил топишган. Ахир иккаласи ҳам форс-да! Элчи исёнкорга тинчлик ва омонлик ваъда қилган. Эсингда бўлса, исёнкор Бағдодда меҳру шафқат билан кутиб олиниб, унинг қўлига халифа муҳофаза ёрлиғи тутқазди. Хоҳ инои, хоҳ иноиша, кўзичоғим, исёнкор ўзининг ўғринча фикрларидан воз кечган эмас.

— Тўғри гапирялсан, ё уммо! — мақтади ал-Амин.— Биз унга қанчалик ишонсак, у ҳам бизга шунчалик ишонади. Халифаликда нақадар бемаъни ишлар бўляпти, ўзи, а!

— Бармакийлар билан ал-Алавийнинг тили бир эканлигини ким исботлаши мумкин? — Ҳафсаласи пир бўлиб миғиллади Ибн ал-Ҳодий.— Бу форслар орқамизга ханжар санчиш учун қулай фурсат кутаётганлигига имоним комил.

— Билишимча, исёнкорга берилган муҳофаза ёрлиғи сохта бўлса керак,— дея гап кўшиб қўйди Фазл.

— Бемаъин валдирашни бас қилинг,— қўл силтади ал-Амин.— Яхшиси, чўрининг гапини эшитинг!

— Нима деяётган эдим-а, кўзичоғим, сени Оллоҳнинг ўзи ёрлақай! — бидирлади чўри.

— Ҳа, ҳа, ал-Алавий ўғринча фикрларидан воз кечишни хаёлининг кўчасига ҳам келтирган эмас. Шунинг учун ҳам Хорун ар-Рашид, буни ўзинг яхши биласан, исёнкорни зиндонга ташлади, илоҳо тани зиндонда чиритай. Лекин исёнкор зиндондами-йўқми, буяисини билмайсан.

— Унинг зиндонда эканлигига меҳмонининг имони комил,— деди табассумла ал-Амин.

— Йўқ, зиндонда эмас. Озодликда. Ўз исёнчилари ёнига шошилмоқда.

— Тузукроқ гапирсанг-чи, уммо, уни ким бўшатиб юборди? Ким журъат этди?

— Вазир чиқариб юборди. Жаъфар ибн Яҳё.

— Вой падарига лаънат. Қандай журъат қилдийкин?

— Гапимни тамомлашга ижозат бергайсан, кўзичоғим. Барини айтиб бераман. Шу кўзларим билан кўриб, шу қулоқларим билан эшитдим.

Ибн ал-Ҳодий ҳар бир сўзни илиб олишга интиларди.

— Кеча тунда хожа ётоғини йиғиштираётгандим, ахир хизматкорлар тарқаб кетишганди-да,— гапида давом этди чўри.— Ҳар галгидек йиғиштирарканман, у ён-бу ёнга қараб кўярдим. Вазир ўз хонасида эка. Шундоқ қарасам, келяпти! Оллоҳ ҳаққи-ҳурмати, кўзларимга ишонмай қолдим. Кўзларимни уқалаб, яна боқдим. Ўша! Худди ўшанинг ўзи!

— Уммо, гапира қолсанг-чи, ким ўшанинг?!

— Гапинг қизиг-а, кўзичоққинам, оппоққинам, ким бўларди? Ўзинг яхши биласан-ку! Ер юткур ал-Алавий-да, юриб эмас, у ён-бу ёнга аланглаб, ўғри мушукдек писиб келмоқда. Хушёр бўл, кўзингга қара, дедим ўз-ўзимга. У бўлса лип этиб вазирининг хонасига ўзини урди. Эшик оғаси кутиб турган бўлса керак, уни кири-тиб, эшикни қулфлаб олди. Бу орада мен аста писиб яширин ёриқ бор жойга ўзимни олдим. Эшита бошладим. Гапирётган Хожа эди. Овози аянчли, сўради:

«Зиндонда қандай чидадинг?» — Ал-Алавий жавоб қилди: «Оллоҳ марҳамати билан бир амалладим. Лекин, мени бекорга зиндонга ташладиларинг». Аниқ эшитдим, «бекорга» деди. Кейин улар ивир-шивир гаплашишди. Ҳеч нарса англаёлмадим. Фақат охирида Хожа дедики: «Орқа-ўнгингга қарамай, Бағдоддан қочиб қол! Қайга борсанг ҳам тезроқ жўнаб қол!»

— Равшанми сенга, Ибн ал-Ҳодий?! — наъра тортгандек деди ал-Амин. — Падарингга лаънат, вазир отам бандисини қочириб юборибди. Бу сотқинлик бўлмай нима?

— Сотқинлик, албатта, сотқинлик, кўзичоққинам, — дея маъқуллади чўри. — Исёнкор бўлса қандай жавоб қилди дегин: "Бу ердан қочишим мушкул, тутиб олмасалар дея кўрқаман".

— У тўғри гапни айтибди, — дея гапга қўшилди Фазл.

— Шундан сўнг вазир нима қилди? — сўради Ибн ал-Ҳодий.

— Меҳмонга жавоб қил, уммо. Жаъфар ибн Яҳё нима қилди?

— Вой-вой, жуда ёмон иш қилди. Содиқ кимсалардан соқчи бермоқчи бўлди. Исёнкор унга ташаккурлар ёғдирди...

— Мана, кўряпсанми, дўстим, хиёнат, сотқинлик! — бақирганидан ал-Аминнинг бўйин томирлари бўртиб кетди. — Вазир кимни қочирмоқчи бўлган, а, кимни?! — деб сўраяпман? Халифанинг бандисини-я!

— Сени хабардор қилмоқчи эдим, аммо кеча, кўзичоққинам, оппоғим, саройдан чиқишнинг иложини қилолмадим.

— Менинг саройимдан бемалол чиқишнинг мумкин! Бахшишни чўриларимнинг мураббиясидан олурсан, — фармойиш берди ал-Амин. Чўри аёл ал-Аминнинг этакларини ўпиб, орқаси билан юриб хонадан чиқиб кетди.

Бармакийларни улоқтириб ташлаш борасида очиқдан-очиқ сўз айтишга ботинолмаган Ибн ал-Ҳодий ўртача йўл тутишга ҳаракат қилиб:

— Сабр-тоқатнинг оқибати — заифлик аломати бўлиб чиқмасин, яна! — деди куйиб-пишиб.

Ал-Амин қаҳ-қаҳ урди.

— Сенга бир гап бўлдими, ўзи, ё муҳтарам ул-эҳтиром? — деди довдираб қолган Ибн ал-Ҳодий. — Ноўрин қаҳқаҳанинг боиси нимада?

— Ё биродари азиз! — кулгусини босолмай деди биринчи валиаҳд. — Фазл топиб келган гапдан ҳали сенинг хабаринг йўқ. Биласанми, аммам... Етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган гаплар!.. Ўзимни кулгудан ҳеч тўхтатолмай қолдим. Ичакларим узилиб кетди.

— Аббоса... — дея гап бошладию муқарриб, гапи оғзида қолди.

— Ҳа, ҳа... ҳа..! Худди ўшанинг ўзи! — Хузур қилиб хохоларди ал-Амин. — Вой фоҳиша-ей! Гапир, азизим, айтиб бер унинг бузуқликларини! Ха-ха-ха!

Биринчи валиаҳд кулишдан тўхтагач, Фазл Абул Атахиядан эшитган гапларини оқизмай-томизмай сўзлаб берди.

Ибн Ал-Ҳодий қотиб қолди.

— Хиёнат! — хитоб қилди ривоятни эшитар-эшитмас. — Амир ал-муслиминни огоҳ қилмоғимиз шарт. Хорун ар-Рашид хиёнатдан хабар топмоғи зарур, унинг номига доғ туширилган!

— Ким юрак ютиб журъат қилоларди? Ким бошини кундага қўйгиси келарди? — деди шубҳа аралаш Фазл. — Оллоҳ кимни Халифа ғазабидан асраб қолишини тасаввур қилолмайман.

— Хўш, энди нима қилмоқчисан? — куйиб-пишарди Ибн ал-Ҳодий, — хиёнатни билишу жим қолаверишми? Бу янги бир хиёнат деган гап-ку, ахир!

— Фикри ожизимча, орқаваротдан йўл изламоқ лозим. Чунончи, қосид Халиф хузурида қасида ўқиркан, имо-ишоралар қилиб ўтса... — Таклиф киритди сарой муқарриби.

— Бу қандай имо-ишора бўлишини тушуниб турибман, азизим Фазл, — қаҳ-қаҳ урди ал-Амин.

— Яхшиси ал-Алавийнинг қочиш хабаридан иш бошланса бехатарроқ бўлурди. Бу гап вазирнинг илдизига бошлаб болта урарди.

Ибн ал-Ҳодий, ҳозирча қочқин ҳақидаги яширин хабар билан кифояланиб,

Аббоса масаласини эҳтиёт шарт учун сақлаб туриб, ўрни келганда Бармакийларга бошлаб зарба уришда энг асосий восита бўлурмиди, дея ўйлаб қолди.

— Кулваччанинг ҳаромзодалари қаердайки?! — сўради болалар эсига тушиб қолган Ибн ал-Ҳодий.

— Улар жонли гувоҳ сифатида даркор бўлиб қолғуси.

— Мени шунчалар аҳмоқ деб ўйлама,— деди кўнгли оғриб Фазл.— Уларни ўзим ҳам қидириб топишим мумкин эди. Болаларни йўлдаёқ қўлга киритиш тadbирларини кўриб қўйганман. Ҳали одамларим қайтиб келганича йўқ.— Тўсатдан эшик тақиллаб қолди. Арзада туриб, эшикни очди. Қоратан қул остонага қадам қўйди. Жимгина тўхтаб, бошини этди.

— Гапир!

Хизматкор жим. Бу ҳолат келтирилган хабар фақат биринчи валиаҳд қулоғига аталганини аниқларди. Ибн ал-Ҳодий билан Фазл хўшлашиб, ўз хоналарига чиқиб кетишди.

— Ё хожан соҳиби фармоним! — деди тантанавор оҳангда ахта қул.— Саййида Зубайдадан чопар келди.

— Яна нима гапикин? — сўради тунги чопар келишидан ажабланмаган ал-Амин. Чунки, у онажониси ёлланма хабарчилар жорий этиб, улар чопқир арғумоқларда туну кун унинг номасини халифаликнинг исталган нуқтасига етказишга ҳозир у пазир эканликларини яхши биларди.

— Саййида Зубайда хожайи соҳиби фармонини эртага эрта билан кўришга мунтазир,— хабардор қилди ахта қул.— Муҳим гаплари бор эмиш.

— Чопарга дегинки, худо хоҳласа, тонг отар-отмас мушфиқ волидан муҳтарама ҳузурда бўлурман,— жавоб қилди ал-Амин.

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас, биринчи валиаҳд саройининг барча одамлари қаттиқ уйқуга кетди.

### *Ўттиз тўртинчи боб*

## ХАЛИФАНИНГ СУЮКЛИ ХОТИНИ ЗУБАЙДА

Халифа Жаъфар ибн Абу Жаъфар ал-Мансурнинг қизи Зубайда — Хорун ар-Рашидга амаки томонидан қариндош бўлиб, ҳижрий бир юз олтмиш бешинчи йили Хорун ар-Рашидга узатилди. Тўй жуда дабдабали бўлди. Ҳошимийлар хонадонининг фаҳри, шаъну шавкати, шуқуҳи бўлмиш ёш келинчак — шу қадар баркамол ҳусну латофат соҳибаси бўлганлиги туфайли уни Саййидаи халифот деб юритишарди. Кейинчалик, у фарзанд кўргач, кўкраги серсут, бадани қаймоқранг, нафосати, назокати ва мулойимлигини йўқотмагани учун халифа қизини Зубайда<sup>1</sup> деб аталди ва шу ном билан тарихда қолди. Хорун ар-Рашид илк бор ўлароқ ислом оламида тариқ ул-ақл (беҳад ақл соҳибаси) деб донг таратган суюкли хотинининг гапига қулоқ соларди. Унинг тақлифига мувофиқ, Ҳижоздаги серсув Айн ал-Манаш чашмаси чуқурлаштирилди, атрофига тош терилди, текис ва жарликлар бўйлаб оқара ариқ қазилди. Ариқ Маккаи Мукаррамадан атиги ўн икки минг қулоч юқорида тўхтади. Устахоналар, назоратчилар учун уйлар, ҳовузлар ва қудуқлар қурилиши учун сарфланган маблағни ҳисобга олмаганда, бу иншоот давлат хазинасига бир миллион етти юз минг динорга тушди. Илгари қурғоқчиликдан қақшаган вилоятлар сувга сероб бўлди.

Зубайда ўзини шу қадар ҳашаматли ҳижозлару зебу зийнатларга кўмиб юбордики, бу борада қурувчилик ишларидан ҳам кўпроқ доврўғ таратди. Дафинаси олтин, кумуш, шоҳи, кимхоб, дуру жавоҳир билан шунчалар тўлиб-тошдики, бунчалик давлат бошқа бирон кимсага асло насиб бўлмаганди. Фақат тантаналарда кийиладиган либосларининг ўзигина эллик минг динор турарди. Хорун ар-Рашиднинг суюкли хотинининг Тураржой деб аталмиш саройи қуюқ дарахтзор орасида

<sup>1</sup> Зубайда, зубди — бирон нарсанинг сараси, қаймоғи.

бўлиб, Абадият қасридан жануброқда, ал-Мансур шаҳрининг шарқий томонида жойлашган. Бутун бошли халифаликнинг бирон-бир ерида бу қадар қашаматли боғ, баҳайбат ва доира гулзор йўқ эди. Зубайда янгидан-янги безаклар ўйлаб топилган жуда омилкор чиқиб қолди. Бурчаклари бурама зарҳал устунчаларга осиб қўйиладиган гўшангани ўйлаб топган ҳам шу Зубайда эди. Гўшанганинг юқориги қисми савсар ва хилма-хил шоҳилар билан безалган, қуйи қисми позик нақшин ҳошияли кумуш қопланган қора эбан дарахти тусига монанд бўлиб, уларга нишопур ферузаси, сарандиб<sup>1</sup> мовий зумради, Уммон гавҳарлари, Миср зумрадлари, Яман лаъли ва Африқонинг асл маржонлари қадалган.

Гўшанга олдидаги заррин шамдонларга анбар шамлар ўрнатилган.

Барча Ҳошимийлар қониди бўлганидек, Зубайдаининг ҳам Бармакийларга нафрати беҳад. Айниқса, ўғлининг тахтга ворислик ҳуқуқини чеклаб қўйгандан бери Жаъфар Ибн Яҳёни кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ. Бу ҳодиса ҳижрий бир юз саксон олтинчи йили, Макка зиёрати пайтида содир бўлганди. Хорун ар-Рашидни муқаддас саждагоҳга ал-Амин ва ал-Маъмуун билан биргаликда бир талай маҳрамлар, аъёну ақобирлар кузатиб борган. Уларга вазир раҳнамо эди. Шу муқаддас саждагоҳни тавоф этишдан кузатилган асл мудоао тожи тахт ворислари борасидаги аҳдномаи табаррук Каъбада расман шаръийлаштириш эди. Аҳднома имзоланиб, хутба ўқилиб, Макка шайхининг илоҳий муҳри босилди. Бу маросимда вазир ҳам ҳозир эди. Битикчилар тантанавор маросимни бошдан-охиригача батафсил ёзиб қолдирган. Ал-Амин садоқатга қасамёд қилгач, ўрнидан туриб, Каъба ташқарисига чиқиб кетмоқчи бўлди. Хушёр Жаъфар ибн Яҳё шу ондаёқ уни жойига ўтқазиб қўйди. Бу ҳам етмагандек, вазир ҳаммага эшиттириб: «Агар укашнинг ҳаққига хиёнат қилмоқчи бўлсанг, Оллоҳнинг қаҳрига йўлиқарсан!» дея беҳаёлик билан ал-Аминни кўрқитди. Уч бор такрорлашга мажбур эди. Ўғлига қилинган бундай бедабликдан Зубайдаининг ғазаби қайнаб, фигони фалакка чиқди.

Иккинчи валиаҳд шариатнинг бутун қонун-қоидаларига мувофиқ олий унвонга сазовор этилиб, оқ фотиҳа олди. Хорун ар-Рашиднинг суюкли хотини эса Жаъфар ибн Яҳёдан бошлаб ўч олишга қасам ичди. Ўшандан бери вазир қароргоҳига айғоқчилар, мўралағичлар юборар, фиску-фасод гаплар тарқатар ва хуфия кимсалар орқали вазирининг Аббоса ёнига серкатнов бўлиб қолганидан хабардор эди. Аббосанинг Дор ар-Рақиқ сафари ҳам унинг назаридан четда қолмади.

Эрта тонгда, кўёш ўзининг заррин туғини чарх узра чекиб улгурмасдан Дажланинги ўнг қирғоғида суворийлар кўринди. Суворийлар тўдаси олдида кўлида биринчи валиаҳд туғини ушлаган найзабардор от сурарди. Ундан бир неча қадам нарида зотдор арғумоқ суворий ал-Амин Аббосийларнинг расмий жомасида. Бу хушманзара тўданинги охирида тева минган куллар борарди.

Суворийлар Қуйи кўприккача боргач, чап қирғоққа ўтишди. Рўбарўдан келатганлар букилиб таъзим қилишарди. Бардам ва тетик ал-Амин саховат билан табассум қилар ва йўл-йўлакай дирҳам тангалар сочиб борарди.

Зубайда фарзандини кутарди: саройлар ораси унчалик олис эмас. У бир неча бор йўлга қанча вақт кетишини чамалаб чиқди. Зубайда, бутун орзу-армонлари тимсоли бўлмиш яккаю ягона ўғлини нима билан хушнуд этиш борасида бош қотирар, ўғли учун ёйилган пойандоз устига чўрилар янги узилган гул ва райҳонлар сочишди.

Зубайда Ал-Аминни шиплари сандал ёғочидан ишланган ўймакор гумбазсимон катта хонада қабул қилишга қарор берди. Хона деворларидаги олтин ҳалқаларга илинган шоҳи дарпардалар осилган. Уларга тикилган шеърин мисра ва мақолларни бемалол ўқиш мумкин эди. Ерга ярқиллаган гилам тўшалган, унинг ўртасида думларини гажак қилган товус, унинг йирик кўзлари — зумраддан, думида заррин ва кумуш йўл-йўл чизиклар, чизикларга ҳикматлар битилган. Гилам Эрон шоҳига тегишли бўлиб, қачонлардир унинг шикор аравасини безаган. Қарши томондаги зийнатли катдан таралаётган ёқимли бўйдан ҳамма ёқни муат-

<sup>1</sup> Сарандиб — — Цейлон (Шри Ланка).



тар ис қоплаган. Кат олдига тўшалган арман ғилами устига сахтиён ёстиқлар те-  
рилган. Мана шу жиҳознинг ўзигина беш миңг динор турарди. Ўймакор дарича-  
ларга янги нафис пардалар тutilган, бурчакларга минорасимон заррин шамдон-  
лар осилган, уларга муаттар шамлар ўрнатилган, ҳамма ёқда қимматбаҳо безак-  
лар. Хона жуда жозибатор ясатилганди.

### Ўттиз бешинчи боб

## ЎҒЛОНЛАРДЕК КИЙИНГАН ЧЎРИЛАР

Боғ дарвозаси олдида суворийлар аргумоқларни эпчиллик билан тўхтатишди. Уларнинг истиқболига чиқиб турган хизматкорлар ал-Аминни қўлтиғидан тутиб отдан туширишди. У янги узилган гуллар сочилган йўлдан одимлар, одатга кўра, олдида тамғали туғ кўтарган найзабардор борарди. Фақат, ўғли истиқболига сабрсиз шошилган Зубайда тушиб келаётган катта зина олдига яқинлашгандаги-  
на, найзабардор четланиб, биринчи валиаҳдга йўл берди. Ал-Амин шиддат билан онасини кучиб, кўлларини ўпди. Охирги кўришганларидан бери ўтган вақт ораси-  
да онаси анча тўлишган эди. Фақат катта-катта ўйноқи, бесаранжом ва тийрак кўзлари, қирра бурнию торгина оғзини қоплаган лаълин лабларигина бурунги Зу-  
байдани эслатарди.

— Олам ичра гўзалликда мисли йўқ волидаин муҳтарама, Оллоҳ сизни ҳамиша ўз паноҳида, исматида асрағай! — дея хитоб қиларкан, ал-Амин онасининг оддийгина либосидан ҳайратланиб, кўшиб кўйди. — Ия, бу ёғи қандай бўлди?

Зубайда бошидан товонига қадар тўқ қизил шоҳи пешбандга ўралиб, белини биргина асл тош қадалган тўқима заррин камар билан боғлаб олганди.

— Бўйиниғизда на маржон, на узуклар, на ўзиниғиз ардоқлаган билакузуклариниғиз кўринади?

— Оллоҳ сенга ҳамиша ўткир ақлу идрок ато қилғай! — табассум қилди Зубайда. — Халифанинғ суюкли рафиқасига зебу зийнатлар кетидан қувиш ярашмайди. Уларни ўзим ўйлаб топганман, ўғлим.

— Ҳа, шунинг учун ҳам бошнингизга Олия аммаминикига ўхшаш одмигина пешбанд ёпиниб олган экансиз-да. Ҳамма жойда қимматбаҳо тақинчоқларини кўз-кўз қилувчи амиру вазирларнинг хотинларини бошлаб калака қилибсиз-да.

— Сен, болам, яхшиси, бу ёққа қара! — деди тўқ қизил пешбандининг бир барини кўтариб. Зубайда кафшининг бутун сиртига гавҳар қадалган. Офтобдан ярқираган гавҳар нурлари кўзни қамаштирарди.

— Бу ҳали ҳеч кимнинг хаёлига келмаган иш! — ҳайратдан оғзи очилиб қолган ал-Амин бир зум кўзларини юмиб олди.

Зубайда ўз ишидан мамнун қолди. Зубайда ўғлини олиб ўтган хоналардан катта асалари уяларидагидек ғувуллашга ўхшаш майин товуш таралиб турарди. Бу — бир хил товушда қилинаётган Қуръон қироатидан ҳосил бўлмоқда эди. Юзта чўрининг ҳар бири Қуръоннинг ўнтадан сурасини ёд олган бўлиб, кун бўйи уни узлуксиз қироат қилиб туришарди.

Ўғлини кутиб олиш учун махсус ясатилган гумбазсимон катта хонанинғ жиҳозлари билан бундай ишларда суяги қотган ал-Аминни ажаблантириш осон иш эмасди. Бошқа бир ҳолат ал-Амин ақлини шошириб қўйди: икки қатор сафланган ёш ўғлонларнинг барчаси бир хил дўмбоққина, шаҳло кўз, шу қадар кўркамки, мўъжизанинғ ўзгинаси: келишган бўй-бастига ярашиб тушган авра-астарли тўн устидан хипча белларига камар боғланган, бошларида қийшиқ кўндирилган жажжи салла, чаккаларида ҳалқасимон гажак, кўлларида эса...

Тўсатдан ал-Амин қаҳ-қаҳ урди: тўн остида ҳали ўсиб етилмаган аёлларга хос кўкракларнинг бўртмаси билинар-билинемас сезилиб турарди.

— Ҳа-ҳа-ҳа! Уларни жуда усталик билан бежабсиз-у! Ҳа-ҳа-ҳа!

— Эркатоим, фақат сендан ибрат олдим, — деди мутойиба тарзида Зубайда. — Айтишларича, сен соҳибжамоллар ўрнига ахта ўғлонлар асрап эмишсан.

Мен эса чўриларни гулўғлоиларга ўхшатиб бежадим. Албатта, улар бундай ўзгаришдан ўз хусни, тароватини йўқотгани йўқ. Ўзинг қаноат ҳосил қилдинг. Уларни сенга тортиқ қилурман.

— Валлоҳи биллоҳ! Сиздек волидаи муҳтарамани жамики оламда излаб топиб бўлмас! — хитоб қилди шавқ-завқ билан ўспирин.— Оллоҳ халифаликда сизга обрў-эътибор ва тенгсиз саховатпешалик ато қилмиш!

Шодонликдан чехрасига қизиллик югурган Зубайда туякуш патли болишга ёибошлади ва «ўғил бола» сифат чўриларга «чиқнинг» ишорасини қилди.

### Ўттиз олтинчи боб

## ОНАЛАРЧА НАСИХАТ ВА ФАРЗАНДОНА ҚУВЛИК

— Қани, энди менга сўзла-чи, кечаги кунни қандай ўтказдинг? — сўради Зубайда. Чехраси жиддийлашди. Лабидаги табассум сўнди.

— Оллоҳнинг марҳамати билан сиз истаганча,— тавозе билан жавоб қилди биринчи валиаҳд.— Ҳузур-ҳаловатда, ҳар қачонгидек, мазза қилиб!

— Сенинг ёшингда бундан бўлак нима билан ҳам шуғулланиш мумкин? — оғзидан чиқиб кетди Зубайданинг ва шу ондаёқ у ўғлига маккорона боқиб сўради:— Ўтган кечада-чи, қароғим, сени ўйин-кулги билан хурсанд қилувчи чўри ва кулларсиз, ёлғиз ўзинг нима қилувдинг?

Ал-Амин ҳайрон бўлиб қолди.

— Ё алҳазар, Саййидаи халифалик жуда қалтис савол қилди-ку! Кўринишидан, мен вақтни қандай ўтказишимдан ва ҳатто унинг бутун икир-чирларидан ҳам батафсил хабардор эканлар-да! — хитоб қилди у онасига яқинроқ сурилиб.— Ижозатиңгиз билан сўрай, бу гаплар сизга қаердан маълум бўла қолди, а?

— Ишончли манбадан, валиаҳд,— ғолибона тарзда жавоб қилди Зубайда.— Лекин сен мени, ўз зурриётлари уйда айғоқчилар сақловчи оналарга тенглаштирма. Мутлақо ундай ўйлама. Хонаси келиб, чопарим хизматкорларинг билан ҳамгап бўлиб қолибди. Хизматкорларинг эса ўлгудек сергап экан. Тажрибали айғоқчи ўзига керагини дарров билиб олади, лекин узр, сенинг тунги бедорлигинг яширин сир эканлигини хаёлимга ҳам келтирмабман...

— Фақат сиздангина бекитадиган сирим йўқ, волидаи муҳтарамма,— деди ҳозиржавоблик билан ал-Амин.— Барчасини яширмай айтиб бераман. Чопарни менинг гулўғлоиларимни чалғитиш учунгина юбормаган бўлсангиз керак? Улар ҳали ақли ноқис болақайлар.

— Гапинг чакки эмас, ўғлим! — дея мактаб қўйди Зубайда ва ўғлининг даҳани, юзларини силади.— Қувончли хабарни етказиш учун сени йўқлатдик. Яқинда мурдор қулвачадан халос бўлурмиз.

Ал-Амин онаси сўзини елга ташламаслигини яхши биларди.

— Бундай хабарни Саййидаи халифаликнинг ўз оғзидан эшитганимдан хурсандман! — хитоб қиларкан ўзича ўйлади у: "Кўрамиз янги хабарлар кимда мўлроқ экан?" ва сўради:— Мабодо, хабардор Аббоса борасида эмасми?

— Ҳа-ҳа, қушча темирқанот бўлиб қолибди-ку! У аммажониси борасида бирон нима деб сўраса ҳам ажаб эмас? — Ўз навбатида ҳайрон бўлди Зубайда.— Парвозинг чакки эмас, йингит,— деди Зубайда овозини баландлатиб.— Аммо-лекин ўзи ҳам сирмисан-сир-да! Оддий янги хабарлардан кўра тезроқ тарқалади. Мўмайгина пул тўллаб, сирни сотиб оласану ўзингни унинг ягона эгаси деб қувонасан. Қаёқда! Сир деб аталмиш хабар аллақачон керакли одамлар қулоғига бориб етган бўлади. Мана, атрофлама айғоқчилик қандай оқибатларга олиб келди. Бу ўринда ожизман,— қўлларини ёзди у.— Хайр, майли, ўзингда борини тўкиб сол-чи, шаҳзода. Камини, эҳтимол, мен тўлдирамман...

— Менга қолса, эй волидаи муҳтарамма, аммажоним воқеасидан бир иш

чиқиши даргумон, — деди ал-Амин ва янада гиж-гижлаш тилагида қўшиб қўйди: — Яхсиси ал-Алавий можаросини сўзлаб бера қолай.

— Ал-Алавий дейсанми? — такрор сўради Зубайда. — Яна буниси ким бўлди? Ҳа, эсимга тушди... Хўш, у билан қандай ҳодиса юз бермиш?

Халифа бандисининг қочиши ҳақидаги ўгли сўзлаган ҳикоятни жимгина эшитди, чуқур ух тортгач, деди:

— Бу сафар мени йўлда қолдирдинг, болам, қандайин қувончли ҳол! Лекин шуни ачинарли, жуда ҳам ачинарлики, Оллоҳ бизга ато қилмиш бу салтанатда. Шу ҳам ҳукмронлик бўлдими? Аслида ҳам қудратлими? Асли халифа отанг эмас. Хорун ар-Рашид — хўжа кўрсинга халифа. Салтанат тизгини анави манфур форсининг қўлида.

— Амир ал-муслимин салтанатнинг кундалик ташвишларини бус-бутун ўз елкасига ортолмайди-ку? Бу ҳаддан зиёда ортиқча юк бўлурди! — эътироз билдирди ал-Амин. — Аммо садоқатли хизматкор бўлиш бошқа гап.

— Қобилиятли арбоблар давлат ишларида жуда зарур, бу борада мунозарага ўрин йўқ, — деди ўзини ўнглаб олиб Зубайда. — Лекин ҳар нарсанингни ўз ҳадди-ҳудуди бўлмоғи зарур. Вазирга бунчалик кенг ваколат бериш на даркор? Бобонг ал-Маҳди ҳам Бармакийларга таянган, лекин орқа-ўнгига қараб, эҳтиёткорлик билан иш тутган. Халифа ал-Ходий ҳам худди шундай қилган. Хўш, нега энди Хорун ар-Рашид вазирга ҳарам эшикларини очиб қўйди. Нима, бу иш халифаликни бошқаришга кўмаклашарканми?

— Ҳарам эшикларини очиб қўйилган! Бу билан нима демоқчисиз, волидайи муҳтарама?

— Нима эшитган бўлсанг, шуйи. Лаънати Жаъфар ибн Яҳё отангининг хотинлари, чўрилари, канизаклари ва ҳатто қизлари олдига ҳам бемалол кириб чиқади. Оқибати — Аббоса билан бўлган воқеа. Гўё, халифа билан вазир сут эмишган оғанилар деган афсона тарқатишибди. Бас, шундай эканми, ҳарамга қадам ранжида қилиши шаръий ҳисобланади.

— Ҳали, сизнинг ҳузурингизга ҳам ташриф буюрдими?

Шифтга осилган оловдонга бир бўлак анбар ташламоқчи бўлиб турган Зубайданингни қўли қалтираб, анбар гилам устига тушди.

— Қорасини кўрсатиб боқсин-чи! — деди дарғазаб Зубайда. — Панжарадан бу ёққа ўтиб кўрсин-чи. Саройимда форс олифтасининг таъзирини бериб қўйишга қодир хизматкорлар анча-мунча топилди. Нима бўлса ҳам онангман. Эсингда сақлагинки, қулваччадан ҳеч вақт бирон-бир илтижо қилган эмасман ва қилмайман ҳам.

— Сизни бежиз Саййидаи халифалик демайдилар-да, ахир. Сиз асл Ҳошимий қизисиз! — деди кўнгли эриб онасига ҳамди-сано ўқиркан ал-Амин ва гилам устига тушган анбарни олиб оловдонга ташлади. — Бироқ аммам қандай қилиб форс тузоғига илинганига ҳеч ақлим бовар қилмайди. Ақл-ҳушидан жудо бўлгани бир Оллоҳга аён!

— Аслида унда ақл-ҳушнинг ўзи бормиди, болам, — деди кўзларини чақчайтириб Зубайда. — Кўриб турибман, ўғлим, ғўрсан, ҳали хотинларнинг совунига кир ювмагансан. Бир хотиннинг макри қиқ эшакка юк бўлади, дейдилар. Ҳушёр бўл. Бу, ахта ўғлошларга мубталогининг оқибати бўлса керак. Биласанми, бўтам, у қулоқ-бу қулоғинг билан эшитиб ол. Хотин кишига нима керак? Давлат ва савлат. Қиз онага тортади, дейдилар. Онасига ўхшаб хомхаёлга берилган гумроҳ қиз ўзинча ўйлаган: Кимсан — вазир... Басавлат, бадавлат, келишган, хушсурат, хушқомат. Бунинг устига вазирдан анвойи муаттар ислар анқиб туради. Қизик, у нима истегмол қиларкан?.. Шу тахлит, ақл-ҳушини йўқотиб, маст бўлган гумроҳ қиз вазир «гаҳ» деса қўлига қўнган-қўйган. Қуруқ новдани оташ ўз домига тортган. Ғунажин кўзини сузгану буқа ипини узган. Валлоҳу аълам биссавоб!..

Зубайда оловдонга яна бир бўлак анбар ташлади ва бурқсиб, тезгина тарқалиб кетаётган паға-паға тутунга қараб турди.

— Вазирни йўқотиш керак! — хитоб қилди ўспирин ва ҳа деса борми, жаллод юборишдан ҳам тоймасди.

— Биламан сени, бўтам! Сен энг қаттиқ жазо тарафдорисан, — деди Зубайда

ўғлининг дилидагини тилига чиқаролмаётганлигини пайқаб ва эркалаб унинг елкасини силади.— Отанга фоҳишалик хабарини айтиб, нимага эришмоғимиз бора-сида ҳар томонлама ўйлаб кўрмоғимиз даркор. Узр, ўғлим, аммангни шу ном билан аташдан ўзга иложим йўқ, жазосини Оллоҳнинг ўзи бергай! Ўзидан кўрсин. Бундай беномуслик ҳақида отанга хабар қилишдан ҳатто мен ҳам чўчийман. Жуда қалтис ва ҳавфли юмуш. Унинг қай даража ғазабнок бўлишини тасаввурга ҳам келтириш қийин. Ё Оллоҳ, қанчадан-қанча каллалар кесилиши мумкин! — Зубайда камари орасидан тўрт буклоғлиқ қоғоз чиқариб, ал-Аминга узатди.— Сен ал-Алавийдан бошлашни маъқул кўрасанми? Балким, бир уришиб кўриш керакмиди. Баъзи нарсаларнинг тадоригини қилиб кўйганман. Бурноғи йил Каъба олдида қулвачча мени шунчалик таҳқирладикки, уни бир умр кечириб бўлмайди. Сўзсиз, қасос олгум. Қани, ўқиб кўр-чи, шаҳзода, бу фош этувчи ҳажвия буюртмамга мубофиқ битилмиш. Хорун ар-Рашид уни тасодифан топиб олади. Мабодо шу ҳам унга таъсир қилмаса, бундан баттарроғини буюртма қилишга тўғри келади.

— Бу сафар ҳам мени доғда қолдирмишсиз?! — хитоб қилди ўспирин.— Мен ҳам худди шундай ашъор буюртириб, отам назарига етказиш ияятида эдим!  
У қоғозни очиб, ўқиди:

Шараф-ла қилгувчи бизни идора,  
Оллоҳнинг ердаги ноиб зора,  
Билса, ким давлатни тортиқлар тинмай,  
Ва халифаликни ўғирлашга шай.  
Бу — вазир Жаъфардир. Қара, халифа,  
У қандай давлатманд, кеккайган, сипо,  
Кп амри-г чакача кўрмайди ғаддор,  
Ҳар жойда фармонинг айлар шармисор.  
Чин донодай оҳанг берар сўзига:  
Шундай сарой куриб олди ўзига,  
Қарагин, халифа, этгум қасамёд.  
На ҳинд, на форс этган бундайни бунёд.  
Қаёкка қарама, дуру жавоҳир,  
Оёқ топтар анбар, ёқутни, ахир.  
Кўрқаман, халифа, чорласа Оллоҳ  
Сени ташвиши йўқ дунёга ногоҳ,  
Жаъфар шу лаҳзаёқ чиқади тахтга,  
Харис кўзи тўлиб даврондан бахтга.  
Қул ҳурмат қилмаса ҳукмдорни гар,  
Салтанатга иснод солиб кеккаяр.  
То ҳукмдордан у бўлмас миннатдор,  
Қолар пасткаш бўлиб ожизликда, хор!

— Жуда соз! — деди қасидани ўқиб бўлгач ал-Амин.— Фақат отамнинг ўлимидан сўнг тожу тахтни қулвачча эгаллайди ибораси бирмунча қалтис чиққанми, дейман.

— Бу шеърый рамзия,— деди ўз хатосини тўғрилашга шошилиб Зубайда.— Абадият қасрида ўз ишончли одамим бор. Ашъорни саждагоҳга ташлайдилар. Чунки намози бомдодни халифа ёлғиз ўзи ўқийди. Хоруннинг ўйлаб кўришга фурсати етади,— Зубайда бир оз нафас ростлагач, расмий гап-сўзлар тамом дегандек илова қилди:— Энди бир оз тамадди қилиб олсак бўлармиди! Корнинг ҳам чапак чалаётгандир, болам?

— Жон-жон деб дастурхонга ўтирардим! — жавоб қилди сара шароб ва бўлажақ зиёфатнинг лаззатли ноз-неъматлари ҳақида ўйларкан биринчи валиаҳд.— Кейин нима қиламиз? Ахир, мен дарҳол ўз маконимга қайтиб кетмайман-ку?

— Бугунги куни биргаликда ўтказамиз,— деди табассум қилиб Зубайда.

<sup>1</sup> Шеърлар ибн Халлиқон ва ал-Итлийдийларнинг тарихий асарларидан олинган.

## Ўттиз еттинчи боб

## АМИР АЛ-МУСЛИМИННИНГ ШУКУҲВОР НАМОЙИШИ

Совчиликда амир ал-муслиминнинг розилигини олиш мушкул иш: Хорун ар-Рашид жияни Ибн ал-Ҳодийни хуш кўрмасди; Оллоҳ кўрсатмасин, ғазаби кўзиб кетса борми, тамом-вассалом. Унинг қахридан қўрқулик.

Абадият қасри сари равона бўлган шайх Исмоил демоқчи бўлган сўзларини бирма-бир хаёлидан кечирарди. У арғумоқда худди ёш чавандоз каби қуйиб қўйгандек ўтирарди; кўзларини қисиб, бетини қаршидан эсаётган елга бурди, қора жуббасининг олдини очиб юборди.

Дарё бекатига олиб борадиган йўлда тумонат одам. Муҳтарам қария уни кузатиб бораётган қулни чақриб, нимага тўпланишганини билиб келишни буюрди.

У от чоптириб олдинга ўтдию шу ондаёқ қайтиб келиб, хабар қилди:

— Хожам, тўпланганлар амир ал-муслиминнинг ўтиб кетишини кутмоқда экан. Амир ал-муслимин Шамаосийга борармиш. У ерда отчопар — улоқ ўйинлари бўлармиш.

Жуда шовқин-суронли ўтадиган отчопар ўйинлари олдиндан пишиқ-пухта ўйлашиб, тайёргарлик кўришлар, кун бўйи давом этарди. Бу жуда сержозиба томоша. Хорун ар-Рашид ўлгудек ишқибоз, ўйин чоғи унинг қулоғига ҳеч гап кирмас, жуда муҳим ишлар борасидаги гапни ҳам унга уқтириб бўлмасди.

Ибн ал-Ҳодий учун совчи бўлиб халифа хузурига бориш масаласини эртага қолдиришдан ўзга илож йўқлигини англаган шайх Исмоил уйига қайтиш учун йўлнинг чеккасида от жиловини бурган ҳам эдики, оёқларни чаққон ўнлаб калтабақай қуллар муюлишдан чопиб чиқиб қолди. Ҳаракатларининг шиддатлилиги, тезкор ва ҳовлиқиб елиб-югуришлари туфайли уларни чумоли дейишарди.

Қуллар ёнғоқ повда хивич билан бекорчиларни ҳайдашарди. Амир ал-муслиминнинг яқинлашаётган шукуҳвор тўдаси ўтадиган йўл очилган. Жарчиларнинг овози ҳам эшитила бошлади:

- Амир ал-муслиминга йўл бўшатилин!
- Амир ал-муслиминга йўл бўшатилин!
- Амир ал-муслиминга йўл бўшатилин!

«Ўзим неча бор иштирок этган намоийишга четдан туриб бир қур назар ташласам, ёмон бўлмасди»,— деб ўйлаган шайх Исмоил отдан тушиб, четроққа ўтди, таниб қолмасинлар, деган андиша билан юзини жуббасининг этаги билан паналади. Жарчилардан сўнг аламдор ва халифалик туғини ушлаган кимса, уларнинг кетидан хос соқчилар сафи кўринди; ёлланма соқчилар сафи бир текис, шамширлари яланғочланган, қайралган тиғи офтобда ялтирайди. Кетидан ўқ-ёйларини жанговар ҳолда тутган камондозлар ўтиб борарди.

Бекорчилар жимиб қолди. Сукунатни отларнинг бир маромдаги туёқ товуши бузарди.

Ниҳоят, Хорун ар-Рашиднинг ўзи кўринди. Халифалик имтиёзига кўра, арғумоқ миниб олган, бошида салла ўрнига учдор дастор ўралган бўлиб, бўйини баландроқ қилиб кўрсатарди. Фуқароларнинг биронтаси ҳам амир ал-муслиминдан бўйдорроқ бўлишни жоиз эмасди. Хорун ар-Рашиднинг ёши қирқ бирда. Ранг-пар чехраси чексиз табассумга мойил, мушуксимон сийрак мўйлови диккайиб турарди. Кўзлари шахло, соқоли тўқ заъфар рангда. Унг қўлида учига ўймакор заррин пойнак қопланган қора эбан ҳасса. Халифанинг арғумоғи ўзининг басавлат жиҳози билан яққол кўзга ташланиб туради: устида ранг-баранг товланувчи шоҳи ёпик, қимматбаҳо эгар-жабдуқ, ёли ва думи, замон тақозосига кўра хинага бўялган. Арғумоқ, гўё суворий қимлигини сезгандек, мағрур ўйноқлар, бошини гижинглатарди.

Арғумоқ ёнида туяқуш патидан ясалган узун соябон тутган қул пилдираб борарди; гоҳ олдинга ўтиб кетар, гоҳ орқада қолар ва гоҳо бир томонга қийшайрди — кун иссиқ, халифа бошига бир қатра ҳам офтоб нури тушмаслиги керак!

Улар кетидан, бир оз орқароқда, аёну акобирлар: давлат мажлиси ва девон амирлари, Ҳошимийларнинг казо-казолари, қабила раҳнамолари, хазинабон ёрдамчилари билан боришарди.

Амир ал-арғумоқ савлат тўкиб борарди. Ахир у бугунги байрамда энг етукли амирлардан бири. Айтишларича, келаётган ўйноқи айғирларни совутишда бу туркининг олдига тушадигани йўқ. Енгилгина эгарланган арғумоқлар пишқирав, кишнашар, нўхтани узинга интиларди.

Тантанавор намоённинг энг охирида бир гуруҳ лашкар ва боягидек қўлига хивич ушлаган калтабақай қуллар борарди.

Шайх Исмоил шу ондаёқ вазирининг йўқлигини сезиб қолди. Бу қандай гап? Тантанавор маросимга осойишта мутафаккирона нигоҳ ташлайди. Амир ал-муслимин намоёншлари оддий фуқаро кўз ўнгида сержозиба қудрат касб этарди. Кўркам ва ибратомуз томоша. Кўпни кўрган кимсани эса лақиллатиш қийин. Халифалик тақдирини қўлда тутиб турган муқаррибларнинг сафлари зич ўтиб бормоқда... Аслида, улар ана шундай бир ёқадан бош чиқаришармикин? Ҳув анави, ўнг томондагиси Хорун ар-Рашид ўлимини кутавериб тоқати тоқ, ким тарафида бўлмасин, хоҳлаган фитна-фасодга қатнашмоққа ҳозир у нозир, анави иккитаси биринчи валиаҳдга содиқ, уларнинг ортидан бораётганлар иккинчи валиаҳдни қўллайди... «Ким учун жон чекмоқдаман? — тўсатдан ўйлаб қолди қария. — Ҳокимият қанча мустақкам бўлса, уларнинг ҳар бири жиловни ўз томонларига кучлироқ тортишга уринади. Халифаликнинг бундан буёнги истиқболи йўлидаги энг катта тўсиқлардан бири шу эмасмикин?»

*Ўттиз саккизинчи боб*

## ҲИНД РОЖАСИНИНГ ЭЛЧИЛАРИ

Эртасига эрталаб Аббосийлар расмий либосида кийинган шайх Исмоил Абдият қасрига етиб келди. Икки кул уни кузатиб келарди. Тўрт сидра қалъа девори билан ўралган Хорун ар-Рашид қароргоҳини баланд бўйли, қадди тик қарияни яхши таппидиган соқчилар қўриқлашаётгани туфайли уни бемалол ўтказиб юборишди. Тўртинчи дарвоза олдига етиб келгач шайх Исмоил отдан тушиб, от ва қулларни шу ерда қолдириб, бу ёғига пиёда кетди.

Унинг олдига тушган халифа хизматкорлари намоёншкоруна қадам ташлаб йўл бошлаб боришарди. Саройнинг айланма чигал йўлларини яхши билган Ҳошимийлар оқсоқоли учун бу ортиқча даҳмаза эди. Қария виқор билан шошилмасдан қадам ташларди.

Кутиш хоналарида ҳар галгидек одам кўп ва ғовур-ғувур эди. Шоирлар, хонандалар, муқарриблар, сарой амирлари кун бўйи шу ерда айланишарди — истаган пайтда улардан кимдир халифага зарур бўлиб қолиши мумкин эди, — лекин ҳали ҳеч ким йўқланмади. Хорун ар-Рашид муқарриблари ўзаро суҳбатлашар, хилма-хил шарбатлар ичиб чанқоқни қондиришар, нима қилишларини билмай, у бурчакдан бу бурчакка ганда қўйишарди.

Қабул маросими ўтказиладиган катта девонхонанинг эшиги ланг очиқ. Соқчилар кўринмайди. Белига машҳур шамширини осган ўлгудек дағал Масрурга кўзи тушган шайх Исмоил амир ал-муслиминнинг арзандасини ўзинга имлади, у келиб шайхнинг қўлларини ўпишга тутинган ҳам эдики, шайх афтини бурштириб, қўлини тортиб оларкан, сўради:

— Халифамиз не ердалар?

— Халифа, хожа катта давлатхонадалар, — мўйлабини силаб илжаркан, жавоб қилди жаллод. Унинг асли зоти йироқ Фарғона заминидан бўлганлиги учун талаффузи анча юмшоқ эшитиларди.

— Нега халифа кўриниш бермаётир? — сўради шайх Исмоил. — Билишимча, бугун қабул куни-ку.

— Сўзингиз ҳақ, хожа. Бизга ҳинд элчилари ташриф буюрмиш. Амир ал-

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

муслимин элчиларни Катта девонхонада қабул қилмоқда. У ер кенг. Юринг мен билан, хожа.

Масрур ҳамроҳлигида шайх Исмоил Катта девонхона сари йўл олди. Кенг йўлак ва хоналарда совут кийган ёлланма турк соқчилари икки қатордан саф тортиб туришарди.

— Ишқилиб, кофирлар билан жангу жадал қилиш мўлжали йўқми? — Истеҳзоли савол ташлади қария.

— Умидворманки, Абадият қасри жанг майдонига айланмағай.

— Ҳинд элчилари хабарини эшитган халифа куч-қудратимизни кўрсатиш ниётида уларни даҳшатга солмоқчи бўлди-да,— сиполик билан жавоб қилди жаллод.— Вой-бў, қандай забардаст куч-қудрат-а! Майли, ҳинд элчилари ўз рожаларига ҳар қанча сўзлаб берсалар, арзийди!

— Дарҳақиқат, зарур бўлганда ҳар ерда халифалик қудратини намойиш қилмоқ даркор,— оқ мрамар ва кўкимтир тошдан қилинган қашамдор зинадан юқорига кўтариларкан, ўнча ризолик билдирди шайх Исмоил.— Ҳайҳот, исён ва фиску фасод бўлмаганида борми, қанчалик куч-қудрат касб этишимиз мумкин эди-я!

Баланд ўймакор эшик олдида қилич яланғочлаган шахсий соқчилар тик қотиб отиб туришарди. Масрур олдинга чопиб ўтди. Одимларини секинлаштирди. Халифага хабар қилгушларича кутиб туришга тоқати йўқ эди. Гумони бекорчи бўлиб чиқди. Эшик оғаси Ҳошимийлар оқсоқолига камоли эҳтиром билан таъзим қиларкан, уни ичкарига таклиф этди. Улар ўтиб бораётган пешайвон тагига зихига олтин қопланган тарам-тарам пушти мрамар ётқизилган. Чапда, усти ёпилган майдон сифатида истифода этилувчи чоғроқ ички ҳовлида мисли йўқ жуда катта учта кўппак ғазабига чидолмай қутуриб, ирилламоқда. Уч барзанги ҳинд уларни бўйин тасмасига илинган занжирда зўр-базўр тутиб турибди.

Хоналар силсиласининг сўнгиси — даричасиз доирасимон уйга шер ва йўлбарс териси тўшалган. Шамдонларда хилма-хил рангдаги шамлар чароғон. Шайх Исмоил турли ҳикмат ва шеърлар битилган девор олдида тўхтади. Чунки сарой расм-русумларига кўра иккинчи бор таклифдан кейингина халифа ҳузурига қадам қўйиш лозим эди.

— Ҳазратим, амир ал-муслиминга иккинчи мурожаат этишга ҳожат йўқ. Амир ал-муслимин, Оллоҳ ҳамиди бошидан ўз лутфу иноятини нисор этгай, ҳазратим жамолини кўришга мунтазир,— деди чуқур таъзим билан эшик оғаси ва чап қўли билан кимхоб пардани кўтараркан, ўнг қўли билан оқсоқолни ичкарига таклиф қилди.

Шайх Исмоил катта девонхонага қадам қўйганида ҳинд элчиларини қабул қилиш маросими охирлаб қолганди. Ҳошимийлар учун аталган ўриндиқлар бўш турарди. Амир ва аъёнлар учун аталган ва гилам устига мунтазам тартибда териб қўйилган гулдор болишларда фил тасвири туширилган кенг ва узун либос кийган ҳинд элчилари ўтиришарди. Уларнинг бўйнида ноёб олмос шодаси. Елкаларига тумор осилган, биқинларига узун қинли шамшир. Парда соқчиси оқсоқолни Ҳошимийлар учун хос ўриндиққа таклиф этди.

Парда ортидан йўтал, сўнгра халифанинг таптанавор овози эшитилди:

— Менинг олийнасаб ва муҳтарам меҳмонларим буюк халифалик ҳукмдорига яна қандай истак билдирмоқчилар?

Тилмоч кул саволни ҳиндий тилига таржима қилди.

— Юртимизнинг қудратли кўшниси ҳукмдорига энг омилкор ҳинд усталари ясаган ҳинд шамширларини тортиқ қилиш ниётида эдик,— жавоб қилди баланд бўйли озгин кимса ҳинд элчилари помидан.— Бундай шамширлар дунёнинг бирон бир бошқа ерида топилмайди.

Икки мунший суҳбатни ёзиб боришарди.

— Амир ал-муслимин сўзларининг эзгу ниёт рамзи деб билади. Рожага ташаккур айтади ва унинг дўстона ниётларига эҳтиром юзасидан тортиқни қабул қилади,— эълон этди халифа ва таптанавор деди:— Амир ал-муслимин ҳинд шамширларининг сифатини синаб кўрмоқ истади.

Хона ўртасига қўлига самсама тутган тўрт ёлланма соқчи чиқди, шамширларни қабул қилиб олди, улар орасидан энг каттасини танлаб, ҳавога отди ва бор ку-

чи билан қулочкашлаб самсама билан тушиб келаётган шамширга зарба урди: маъдан жаранглаб, самсама шамширни иккига бўлиб юборди.

— Муҳтарам элчилар араб аслаҳасини кўздан кечирсин, — барча ҳинд шамширларни бўлак-бўлак қилиб ташлангач, таклиф этди Хорун ар-Рашид. — Дарҳақиқат, дунёда бундан яхшисини топиш мушқил. Бу афсонавий самсама Амра ибн Маъади Карибга тегишли.

Бир муддат уялиқираб турган ҳинд элчилари шивирлашиб, самсамани кўздан кечиришди, унинг бирон еридан на бир тирналиш ва на бир кертик тополдилар.

— Буюк халифалик ҳукмдорига яна қандай истаклари бор? — овоз эшитилди парда ортидан.

— Юртингизнинг қудратли ҳукмдорига шерни кўрса бурдалаб ташловчи кўпаклар тортиқ қилишни истардик. — Гўё шамширлар воқеаси бўлмагандек дадил сўзларди барваста, озгин ҳинд элчиси.

— Амир ал-муслимин сўзларингизни эзгу ният рамзи деб билади, — деди Хорун ар-Рашид. — Тортиқни қабул қилар экан, рожага ўзининг ташаккурини ва дўстона тилақларига эҳтиромини изҳор этади. Қасримизда ким билан бўлмасин, куч синашишга тайёр шерлар асралади. — Муҳтарам меҳмонлар шийпонга қадам ранжида қилсинлар. Биз ҳам олишувни томоша қилғумиз.

Қизиқсинган шайх Исмоил ҳам ҳиндлар билан бирга чиқди. Пастда, майдонда занжирдан бўшатилган кўпаклар бетоқат ириллаб югуришарди. Дарвоза очилиб, майдонга бир сакраб, каттакон шер чиқди. Бир неча дақиқа мобайнида шиббаланган ерда бир-бирига ёпишиб олган ҳайвонлар булғалашарди. Сўнгра бир-бирига ёнишган танлар ажралишди. Шер бурда-бурда қилиб ташланган, кўпаклар эса саппа-соғ эди.

Катта девонхонадаги шоҳона қабул давом этарди. Парда ортидан яна Хорун ар-Рашиднинг товуши эшитилди:

— Амир ал-муслимин бебаҳо пешкаши учун яна бир бор ўз ташаккурини изҳор этади ва элчилардан икки саволга жавоб бермоқларини истайди: шерни бурдалаб ташлаган кўпаклар зоти нима ва қаердан олиб келинган?

— Юртимизнинг қудратли қўшниси бўлмиш эй ҳукмдор, рожамиз юборган кўпаклар амир ал-муслиминга маъқул бўлганидан минг бор мамнунмиз. Амир ал-муслимин кўпакларнинг зоти ва улар қаердан деб савол қилди: Жавоб берурмиз: зоти сайюрт деб юритилади, Ҳиндистонда боқиб ўстирилади. Дунёнинг ўзга бирон ерида учрамайди.

— Буюк халифалик ҳукмдори Ҳиндистонда ештирилган сайюрт кўпакларини дунёдаги энг сара итлар дея шахсан тасдиқ этади ва тап олади, — таантанавор эълон этди Хорун ар-Рашид.

Амир ал-муслимин муҳтарам элчиларни муносиб тақдирлаш ниятида сўради:

— Ўз рожалари учун биздан қандай тортиқ олиб боришни истайдилар?

— Ё муҳтарам зот! — бараварига хитоб қилишди элчилар. — Биз ақлимизни лол қилмиш самсама иштиёқидамиз!

— Амир ал-муслимин муҳтарам элчилар тилагини тушунади, — пурвиқор жавоб қилди Хорун ар-Рашид. — Таассуфки, шариат шаръи унга ҳатто ўз яқинларига ҳам аслаҳа тақдим қилишни ман этади. Ўзга ҳар қандай хоҳишлари бўлса, айтсинлар, ўрнига етказишга кафолат берурмиз.

Чорак соатдан сўнг таантанавор қабул маросими тугади.

Элчилар Ҳиндистонга шундайин бебаҳо тортиқлар билан қайтиб кетдиларки, бу бойликлар рожада халифаликка эҳтиром, арабларнинг ҳарбий қудратидан даҳшат ҳисларини уйғотгусидир!

*(Давоми келгуси сонда)*



Муҳаммад ҲОДИЙ

## Ҳаёт садолари

1

**Ҳ**аётнинг саслари гўшимда кўп фарёд шаклинда,  
Бу инсонлар ки қардошдир ва лекин ёт шаклинда,  
Бу тупроқ қонли авлоқдир, башар сайёд шаклинда,  
Адоват доимо бордир, муҳаббат от шаклинда,  
Бу дунё эскидандир саҳнаи бедод шаклинда.  
Жаҳон бошдан аёқ майдони мотамзод шаклинда,  
Фараҳлар ҳибс бўлмиш ҳузнлар озод шаклинда,  
Мушибатлар, балолар, ғуссалар обод шаклинда,  
Юраклар ғам ўти-ла ҳар замон барбод шаклинда,  
Боқишлар кўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда.

2

Саодат бир амал, аммо шақоватлар ҳақиқатдир,  
Масаррат оний бир нарса, малолатлар ҳақиқатдир,  
Муҳаббатлар муваққатдир, адоватлар ҳақиқатдир,  
Адолат қайда лекин зулму ваҳшатлар ҳақиқатдир,  
Қани ҳуррият оламда асоратлар ҳақиқатдир,  
Қочғон бир кўлкадир роҳат, машаққатлар ҳақиқатдир,  
Балолар, дардлар кўпдир, фалокатлар ҳақиқатдир,  
Бутун асоримиз қонли, жиноятлар ҳақиқатдир,  
Будур тарих майдонида ҳикоятлар ҳақиқатдир,  
Бани одамда ҳар кунги шароратлар ҳақиқатдир,  
Жаҳон бир арзи мотамдир, мушибатлар ҳақиқатдир,  
Жаҳаннам бор бу дунёда, азниятлар ҳақиқатдир,  
Маишат оламинда ранжу заҳматлар ҳақиқатдир,  
Башар шаки умриндан шикоятлар ҳақиқатдир,

---

МУҲАММАД ҲОДИЙ (1879—1920) — Озарбайжон романтизмнинг йирик сиймоларидан бири 1905 йилдан «Ҳаёт», «Фуюзот», «Бурхони та-раққий» газеталарида шоирнинг шеърлари билан бир қаторда адабий-фалсафий мақолалари ҳам чоп этила бошлаган. М. Ҳодийнинг ижодида унинг «Алвоҳи интибоҳ, ёхуд инсонларнинг тарихий фожиялари» номли фалсафий достони эпоҳида ўрин тутади. Мазкур асар ўз чуқур бадий-фалсафий хулосалари билан озарбайжон адабиётининг дурдоналаридан ҳисобланади.

Кадарлар, ғуссалар, ғамлар, сафолатлар ҳақиқатдир,  
 Бани одамда ҳар кун бу суръатлар ҳақиқатдир.  
 Боқишлар кўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда.

## 3

Кулишлар кўп келишмасдир, фақат ғамлар табиийдур,  
 Фараҳларда тамал йўқтур, у мотамлар табиийдур,  
 Кўнгулда фузи ўти, кўзлардаги намлар табиийдур,  
 Ҳамиша қалбини маҳзун айлаган дамлар табиийдур,  
 Ернинг устида ҳар кун оққан дамлар табиийдур,  
 Демак, ислоҳи мушкул қошли одамлар табиийдур,  
 Демак, пок бўлмаган бу кирли оламлар табиийдур,  
 Демак, дунёда мазлум ила азламлар табиийдур,  
 Табиат оламида ғамли кўркамлар табиийдур,  
 Боқишлар кўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда.

## 4

Бу одам ўғли кўпдандир мубориздур табиат-ла,  
 Кўп эски бир мубориздур туганмас дарду офат-ла,  
 Мубориздур маразу микрўб ила бутун иллат-ла,  
 Мубориздур ел ила ваҳший дарёлар-ла, зулмат-ла,  
 Бутун дунёни портлатмоқ тилар анвори ҳикмат-ла,  
 Бутун туфроҳни обод этмак истар дасти санъат-ла,  
 Ерн кўп шонлик этмишдир ишламоқлик-ла, ғайрат-ла,  
 Йўлнинг устидаги харсанглари йиғмоқда ҳикмат-ла.  
 Ҳамиша умри кечмишдир машаққатлар-ла, заҳмат-ла,  
 Неча минг йил-да кечти, кечмаган бир вақти роҳат-ла,  
 У ҳали музтарлбдур, умри бадбахт-и фалокат-ла  
 Башар тинчимайдир, бир кулмайдир, йиғлар мусибат-ла.  
 Боқишлар кўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда.

## 5

Совуқда титрар, ишлар, иссиқ кунларда қораймоқда,  
 Сувдан, ўтдан, темирдан, тошдан, эрмаклар чикмоқда,  
 Ковуштирмоқ учун дарёларнинг туфроғини ёрмоқда,  
 Лаҳмлар очмоқ учун энг буюк тоғни кўпармоқда,  
 Туганмас куч бор эмиш ул биладда, қўлда, бармоқда,  
 Бутун қўллар, оёқлар кўп ишламакдан қабармоқда.  
 Фақат мажруҳдир умри шўрлик ҳар кун сарғаймоқда.  
 Юзинда бир булут бор, кўзлари кулмас, ёш оқмоқда.  
 Боқишлар кўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда.

## 6

Бани одам ишламишдир ҳамиша, дема ётмишдир,  
 Ерн илм ила, санъат ила илитмишдир, дўнатмишдир,  
 Асир этмиш ерни занжирга, чекмишдир, кўшатмишдир,  
 Темирдан йўл қайирмишдир, қозон уйлар яратмишдир,  
 Теран дарёларни бузмиш, темп тўрларни отмишдир,

Тоғни-тошни қўпормиш, бир-бирига захри қотмишдир,  
 Ернинг остидаги маъданларга қўллар узатмишдир,  
 Бу захматлар-ла шундоқ ҳар замонда қонга ботмишдир,  
 Бу уни, у бунӣ ҳар кунда урмишдур, қонатмишдир,  
 Бу ҳаёт оламида то азалдан оғу тотмишдир,  
 Ҳамиша олгани ғамдир, сурурин сурув сотмишдир.  
 Боқишлар қўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда.

## 7

Туганмасдир бу инсоннинг кундуз, ақлу урфони,  
 Башар бир жонли маъдандир, башар бир маърифат нони,  
 Гул этмишдир тамомила бу сарватгоҳи имкони,  
 Тоғнинг қалбидаги ашё бутун минқоди фармони,  
 Ернинг остида олтинлар асири-дасти-инсонӣ,  
 Кўкнинг, дарёларнинг, туфроқларнинг чиндан ҳукмони,  
 Буюқдир, кўп буюқдир кўп-да юксак одамнинг шони,  
 Бутун зулматларни тасвир этаркан фикри раҳшони,  
 Эмасдир мунтазам тагин-да аҳволи паришони,  
 Юраклар ўтли, кўзлар ёш, қулишсиз жумла пешони.  
 Боқишлар қўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда.

## 8

Ернинг устинда инсон ўғли — инсон кўп қолишқондир,  
 Азал кундан бери захматларга ортиқ олишқондир,  
 Ерни кўп шанлик этмишдир, фақат ўз ҳоли вайрондир,  
 Ҳали фаҳм этмас инсонлар шуъладир, аҳли урфондир,  
 Буюк бир қисми ақвомнинг қоронғуликларда пиёндир,  
 Кўп оздир англаган, одамларнинг кўп қисми нодондир,  
 У ҳали билгисиздир, нурсиздир ва айни нуқсондир,  
 Бунинг учун-да хушнуд кўрмагай ҳар кунда гирёндир,  
 Қани хушбахт жамият бутун олам паришондир.  
 Боқишлар қўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда.

## 9

Нурафшон кўклар остинда омидур жонли инсонлар,  
 Чечакли ерлар устинда хазон виждонли, инсонлар,  
 Баҳори норлоқ оламда кўзи бўронли, инсонлар,  
 Ҳаёти Нуҳга менгзар, умрингиз тўфонли, инсонлар,  
 Бу дарёи балода бемадад афшонли, инсонлар,  
 Тижоратгоҳи дунёда, ажаб, хусронли, инсонлар,  
 Гоҳи оташли, тўпли, гоҳ қилич, қалқонли, инсонлар,  
 Мудом бўлсинми туфроқнинг кучоғи қонли, инсонлар.  
 Боқишлар қўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда.

## 10

Башар! Бадбахтсан гирён, паришон бир ҳаётинг бор,  
 Мусибат туфроғидан йўғрилган бадбахт зотинг бор,  
 Азиятдан яралмиш бир каёбу бесаботинг бор,

Таворихнинг ичинда қонли-қонли фожиётинг бор,  
 Зулумот кунларинг мотам-ла тўлмиш коинотинг бор,  
 Ҳаёти музлимнингдан сўнгра барид бир мамотинг бор,  
 Ерининг остида шундоқ бемураса иртиботинг бор,  
 Деюрлар ҳашру нашринг бор деюрларки сиротинг бор,  
 Ўлим-ла қутулиш, йўқса тарийқи нажотинг бор?  
 Демакки, бемураса табиий ихтилотинг бор,  
 Демак, йўқ бўлмагайсан гарчи зоҳирда вафотинг бор,  
 Ҳаётинг оламида мен кўрган шундоқ сифотинг бор.  
 Боқишлар қўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда.

## 11

Ҳаётингда сироти мустақимни кўрмагайсан, сан,  
 Ҳидоят раҳбари ақли ҳакимни кўрмагайсан, сан,  
 Шўрлик инсон! Нечун қалби салимни кўрмагайсан, сан,  
 Адоват норини кўрдинг, наимни кўрмагайсан, сан,  
 Муҳаббат оламидан зарра мимни кўрмагайсан сан,  
 Нечун фармони виждони, раҳимни кўрмагайсан, сан,  
 Ҳаётинг йиғлар рўйи басимни кўрмагайсан, сан.  
 Боқишлар қўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда.

## 12

Келганингдан бери, эй, Одам ўғли, арзи имкона,  
 Тош отмоқ вожиб экан сандаги жаҳл отли шайтона,  
 Дош бермак фарз экан ул раҳбари зулмати ҳуррона,  
 Фақат сен тошлар отдинг чехраи арбоби виждона,  
 Тупурдинг рўйи ҳаққа, яъни рўйи аҳли урфона,  
 Бу кун қочмоқдасан оташли, қонли бир биёбона,  
 Яхши боқ, сендаги чиркинликка ҳоли паришона,  
 Булғонмишсан букун бошдан-оёқ кип-қизил қона,  
 Ерининг усти тўнибдир ўз қўлинг-ла қонли майдона,  
 Боқаркан кўзларим йиғлар бу инсон ўғли инсона,  
 Боқинг, диққат-ла миллатлардаги сиймон гирёна.  
 Боқишлар қўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда.

## 13

Башар! Таъм кўрганнинг йўқ, йўқса самданми яралмишсан?  
 Адолат-ла оранг йўқдир, ситамданми яралмишсан?  
 Суқушдор бўлмаюрсан, мавжи ямданми яралмишсан?  
 Ҳаётинг бир жаҳаннамдир, аламданми яралмишсан?  
 Кунинг, ойинг, йилинг мотамми, ғамданми яралмишсан?  
 Таворихинг тамоман қонли, дамданми яралмишсан?  
 Ҳамиша йиғлаюрсан, дами намданми яралмишсан?  
 Охири йўқлигинг бордир, одамданми яралмишсан?  
 Боқишлар қўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда?

## 14

Онангдан тўққашинг кундан ишинг фарёду афғондир,  
 У кундан эътиборан кўзларинг ҳар кунда гирёндир,

Гўдакликдан эмганинг сут ва ёинки бу оқ қондир,  
 Демак, хунҳор ваҳшийсан, отинг гарчанд инсондир!  
 Нечук бадбахтсанки оламинг бир байтулаҳзондир?  
 Азалдан йиғлаюрсан, сўнг ҳаётинг кўп паришондир,  
 Бўйла сен жонли бир ғамсан, бу ҳолинг бўйла бурхондир.  
 Боқишлар кўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда.

## 15

Қоронғу асрлар кечди, фақат йўқ нуритобанда,  
 Муҳаббат нури порларми, бунга ҳайратдаман манда,  
 Нечук бир кунда арзи талъат айлар субҳи раҳшанда.  
 Неча минг йилда кетди, келмади бир рўзи фарҳанда,  
 Шўрлик эй, Одамнинг ўғли сенга ҳар кунда, ҳар онда —  
 Ҳаётинг гирядир, ғамдир, харом бўлмиш сенга ханда,  
 Табассум қилса-да гуллар юзинг қулмас бу гулшанда,  
 Дудоқсиз қолганинг кунда куларсан, яъни мадфанда,  
 Демакки, чеҳраи толе абад гирёндир санда,  
 У кечмиш ғамли ҳолинг, балли, ғамсизми бу аёнда  
 Ва ёхуд насли отинг-да бутун гирёну гирёнда?  
 Бу кун кўнглинг паришондир, бу кун ҳолинг пароканда.  
 Боқишлар кўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда.

## 16

Учибурсан кўкка, аммо, ҳоло, сирли табиатсан,  
 Гўзал йўллар қайирмишсан ва лекин бетарихатсан,  
 Шуълали шаҳарлар қурдинг, ўзинг мағлуби зулматсан,  
 Деюрсан маърифат лозим, ўзинг тимсоли ваҳшатсан,  
 Садоқатдан урусан дам, ёлғончи бесадоқатсан,  
 Тилингдан тушмаюркан ҳақпарастии шикори-қувватсан,  
 Бу хосият-ки бор санда, инонки, носаодатсан.  
 Боқишлар кўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда.

## 17

Гуноҳ этмиш демак дунёда уйланмишдир, инсонлар,  
 У тўйлардан ҳам туғмишдир ернинг устиди афғонлар,  
 Азалдан портламиш оламда ғавғо отлиғ вулқонлар,  
 Бўйла, кўп эски жонийлар бу номасъуд бўлган жонлар,  
 Ҳамниша бир-бирин кесмиш бу аҳволи паришонлар,  
 Асарбахш бўлмаюр инсонларга руҳони дармонлар,  
 Асарсиз қолмиш мана сўйланган нуруни фармонлар,  
 Қани одамда инсонтик, қани одамда виждонлар,  
 Надир бир бунча ваҳшатлар, надир бир бунча хусронлар,  
 Нечук бир яродир бу тўхтамас ундан оққан қонлар?  
 Башар оламини билдирмакка бордирки бухронлар.  
 Боқишлар кўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда.

## 18

Нечук кўрдингми тарихни башар қонлар-ла бошланмиш,  
 Бўйла, қонлар-ла, афғонлар-ла, хусронлар-ла бошланмиш,

У қон тарихинда ноқобил инсонлар-ла бошланмиш,  
 Ҳаётинг илк даври, бўйла, исёнлар-ла бошланмиш,  
 Бўйла, қон тўкмак ила ҳамда туғёнлар-ла бошланмиш,  
 Ернинг-да ўз ҳаёти ўт-ла, вулқонлар-ла бошланмиш,  
 Ҳаёти аҳли арзинг охи афғонлар-ла бошланмиш,  
 Боқишлар қўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда.

## 19

Башар ҳар кунда мотамли башар ҳар кунда гирёндир,  
 Башар ҳар кунда маҳзундир, жаҳон бир дорилаҳзондир,  
 Башар аҳли жаҳаннамдир ҳаёти чунки найрондир,  
 Тили обод бўлган йўқдир, кўнгиллар бори вайрондир,  
 Азалдан Одамнинг ўғли бу туфроқда паришондир,  
 Азалдан ғам жаҳонинда бу инсон кўнгли сўзондир,  
 Надир бу олами меҳнатки, ўғли, қонли майдондир?  
 На сиймодир бу сиймо, бўйла, бу сиймои инсондир.  
 Боқишлар қўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда.

## 20

Бу тупроқдан бўлган кундан бери авлоди Одам ҳам,  
 Эгиз қардошдир Одам ўғли ила йавми мотам ҳам,  
 Кўзи бир ғам булоғи, айри эрмас чашмадан нам ҳам,  
 Азалдан ёридир, айрилмас ундан намли кўркам ҳам,  
 Заволли, бахтсиз инсон, ҳаётинг жумла барҳам ҳам,  
 Яранг кўп қўркувли, таъсирсиз қолмоқда марҳам ҳам,  
 Демак, «о» ҳарфи зоиддир, отингдир ғолибо дам ҳам.  
 Ва ё сўнг ҳарф экан саҳфи қалам ёзмишдир ақдам ҳам,  
 Нечун сафқ-и домادين чиқмаюрсан даст бир дам ҳам,  
 У хун-и-ижтимоий турмагир, бўлсанг-да, аълам ҳам,  
 Сенинг ҳақингда сўйланмиш эшит бир насс-и-«қаррам» ҳам,  
 Саодат, жаннатинг йўқми? Ҳаётингдир жаҳаннам ҳам,  
 Кўзимда қонли дунё саҳнаи-мотамдир, алам, ғам ҳам,  
 Гузаргоҳ-и-сиёҳ-и умрда ҳар шахси кўрсам ҳам:  
 Боқишлар қўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда?

## 21

Гўзал сўз, жонли сўз, порлоқ сўз ила бўлмаюр бедор,  
 Бу чиркинликдан қўл узмас нечун бу қон тўккан ғаддор?  
 Демак, комил эмас баайни бўларкан-да такомилдор,  
 Бир оз боқ ўзингга, инсон, надир умрингдаги ақдор?  
 На рутба бўлсанг имрон-и, сен, эй, хосият-и хунхор,  
 Бу ахлоқинг ки вайрондир, куларми сендаги анзор?  
 Бу ваҳшат боғи тургунча ҳаётинг доимо йиғлор,  
 Мусибатлар-ла тўлигдур таворихингдаги аъсор,  
 Ҳамиша ғамли бўлмиш сендаги анзор ила абсор,  
 Эвоҳ, кечмишларинг, ҳолинг буни этмақдадир изҳор.  
 Боқишлар қўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда?

## 22

Бу инсон ўғлига мақсад надир ғам интиҳобидан?  
 Очилса меҳр боби, кўз юмар, виждон китобидан,  
 Демак, нур ичмагандир асли ирфон офтобидан,  
 Тили тўнмиш, ҳарорат олмаюр нурнинг хитобидан,  
 Шуълалар кўп ёғарди, бўлмаюр бедор хобидан,  
 Ёнар оташларда анзори, қутулмас ҳеч ғам обидан,  
 Ҳаёт, бўйла, йўғрилмиш мусибатлар туробидан,  
 Паришондир ҳолатинг тундбод-и инқилобидан,  
 Бир ўйла сас келар, мотам саси даҳрнинг рубобидан,  
 Фалокатлар ададсиздир таворихнинг ҳисобидан,  
 Азалдан инграюр инсон бу дунёнинг азобидан...  
 Боқишлар кўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда?

## 23

Башар тарихи хуни саргузашти одамиятдир,  
 Башар тарихи мотамдир, башар тарихи захматдир,  
 Ёзилмиш қиссалар бошдан-оёқ кони мусибатдир,  
 Бизга нақл этгани кечмиш замонлар кўп фалокатдир,  
 Бугун мозий ҳаёл бўлмиш, ҳикоятлар ҳақиқатдир,  
 Бу тупроқ қонлидир, вулқонлидир, жойи адоватдир,  
 Бу бадбахт арзимиз чиндан-да бир майдони ваҳшатдир,  
 Насиб-и аҳл-и дунё дарддир, ғамдир, малолатдир,  
 Башар сиймосига ҳар кун қўнган зилл-и сафолатдир,  
 Бани одамдан айрилмас бўлган сурат бу суратдир:  
 Боқишлар кўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда?

## 24

Таворих-и ҳаёт-и мозия қондир, фиғондир хўп,  
 Бу Одам ўғли қотилдир, иши ҳарб ила қондир хўп,  
 Азал кундан бери тупроқ паришон бир жаҳондир хўп,  
 Жаҳон бир бўлса-да, бадбахти-и, одам жавондир хўп,  
 Эвоҳ, авлод-и одам ғамнишоқи, мотамнишондир хўп,  
 Азалдандир ки дунё бир жаҳон-и имтиҳондир кўп,  
 Ситамлар, қаҳрлар зоҳир, адолатлар ниҳондир хўп,  
 Адоват тўғридир, бордир, муҳаббатлар ёлғондир хўп,  
 Қадимий ваҳшат-и фитрия инсонда аёндир хўп,  
 Ўлганлар, ўлдирганлар тош эмасдир, бори жондир хўп,  
 Юраклар ўтлидир, ҳоло, бу кўзлар ашқдондир хўп.  
 Боқишлар кўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда?

## 25

Жаҳон тарихи хун-и можаро-и аҳли-и оламдир,  
 Менинг энди-да ҳар сатрим бирор шоҳномаи ғамдир,  
 Бутун япроқлари хоки-ий бадбахти-ий одамдир,  
 Ёзилмиш қиссалар ғамдир, аламдир, мотаму дамдир,  
 Башар мазлумдир аммо ки кўп ортиқ-да аламдир,  
 Азалдандир ки, мозийси хазиндир ҳоли барҳамдир,  
 Кўк остинда, ер устинда башар бир жонли мотамдир,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Бу бадбахт одамнинг вазияти кўп ғамли кўркамдир.  
Боқишлар кўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда?

## 26

Теран бир кўз-ла боқ, тадқиқ қил тарих-и адворин,  
У тарих бўйла ҳоқийдир ҳаёти-и олам-и торин,  
Ҳикоят айлаюр афсона-и хунин-и аъсорин,  
У мозий энди кечмишдир фақат бордирки, осори,  
Башар тарихи кўлда кечмишнинг миръот-и ахбори,  
Бизга кўрсатурда тарихлар мозий-и ғамзори,  
Ҳамиша қонлидир қонлар-ла тупроқнинг рухсори,  
Тамошо қил бу кунда Одам ўғлининг анзорин.  
Боқишлар кўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда?

## 27

Этилди нурдан қайрилма сўз ирсол-и инсона,  
Шуълалари йўл очилмиш бўлмади ансол-и инсона,  
Қоронғулар кўринмиш чеҳра-и-иқбол-и инсона,  
Қалин шаблар чекилмиш субҳ-и-истикбол-и инсона,  
Ҳали сифлидир инсон, боқмайинг шаҳбол-и инсона,  
Ҳали улви муҳаббат кирмамишдир бол-и инсона,  
У нафас-и оташиндир раҳнамо излол-и инсона,  
Адолат ҳукмфармодир, ёзиқ аҳвол-и инсона!  
Кўзим гоҳи боқар мозийга, гоҳи ҳол-и инсона:  
Боқишлар кўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда?

## 28

Ваҳки, тарихнинг авроқи тамоман хоки-йи-хундир,  
Замонлар кечса-да ҳол-и-башар тарихга мадфундир.  
Бу ер кўн эски мақталдир, у кўк, кўп кўҳна гардундир,  
Башар фан-ла етукдир, лекин инсонияти дундир,  
Азал кундан бу бадбахт Одамнинг авлоди маҳзундир,  
Қисқа бир умр бор, аммо башар олами афзундир,  
Кўзи ҳар кунда ёмғирли, фақат сиймоси сўлғундир,  
Боқишлар кўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда?

## 29

Кирон-и мозия жиддий мусибатлар-ла кечмишдир,  
Мусибатлар-ла, заҳматлар-ла, зиллатлар-ла кечмишдир,  
Ёлғон эрмас десам, ҳар кун фалокатлар-ла кечмишдир,  
Бу ақвомнинг ҳаёти қонли ваҳшатлар-ла кечмишдир,  
Ҳаёт-и-аҳл-и-дунё хўп жароҳатлар-ла кечмишдир,  
Башар умри тамомила малолатлар-ла кечмишдир,  
Кечган инсонларнинг ҳоли бу ҳолатлар-ла кечмишдир:  
Боқишлар кўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда?



## 30

Тун эрди, қўшнилар ётмиш, фақат мен ул кеча бедор,  
 Оламда ёлғиз эдим, ёлғиз бўлмоқ менга қийматдор,  
 У танҳо шабларга руҳимда ҳўп ишқу муҳаббат бор,  
 У шаблардир менга бахш айлаюрлар энг шуъла асҳор,  
 У шабларда пари-и-шеъру илҳомим очар рухсор,  
 У шабларда тулуъ айлар шу юлдузлар каби ашъор,  
 У шабларда хаёлотим бўлар бололари сайёр,  
 У шаблардир исола айлаюрлар руҳимга анвор,  
 У шаблардир само-ий-шеъриятдан туғар ақмор,  
 Агар бир бўйла шабдир, ёлғиз эдим ё илул абсор!  
 Турарди пешгоҳимда ҳаётни англаган осор,  
 Ёзув шаклинда турмишда ҳикоятни қилгон аъсор.  
 Буюк тарих эди қаршимдаги мажмуа-и-ахбор,  
 Ихота этмиш эди ҳар тарафдан байним афкор —  
 Ва гоҳи жонланарди мақбар-и-мозийдаги адвор,  
 Кўрардим насл-и-мозийни: бутун ашхос мотамкор,  
 Боқишлар кўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда?

## 31

Ваҳки, ансол-и мадфуна ўнгимда жонли турмишди,  
 Буюк бир қисми макруҳ эди, жисми қонли турмишди,  
 Демак, мақтул эмиш онлар, қизил бурҳонли турмишди,  
 Гўдаклар йиғлаюрди, кўзлари бўронли турмишди,  
 Аёллар йиғлаюрди, тиллари афғонли турмишди,  
 Боқишлар кўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда?

## 32

Кўрарди кўзларим қонлар ичинда жонли мовтойи,  
 Кўни маълум эди, яъни кесилмиш даст ила пойи,  
 Замон-и ҳарбда ғайб этиш онлар баъзи аъзойи,  
 Бу маълулинг-да ҳўп бадбахт кўрмишдир бу дунёи —  
 Ва кўрмишлар ҳамиша тупроқнинг устунда ғавғойи,  
 Тамошо айладим онлардаги анзору сиймойи:  
 Боқишлар кўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда?

## 33

Кийимлар жумласи хунин эди андом-и-мавтода,  
 Турарди ҳўп қизил қонлар бутун кўзлар-ла сиймода,  
 Шу номасъудлар-да яраланмишларди ғавғода,  
 Демак-ки рўйи-роҳат кўрмамиш, онлар-да дунёда,  
 Жаройиҳдордир инсон у кечмишларда, ҳолода,  
 У мозий қонли, ҳол шундоқ... Саодат борми фардода,  
 Ва ёхуд насл-и-оти-да яшар айнан бу маънода:  
 Боқишлар кўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда?

## 34

Ҳаёлим қаршисидан фирқа-фирқа кечди мозийун,  
 Бутун кўзлар, боқишлар, чеҳралар ғоятда номамнун,  
 Бўйла бир қисм-и-аъзо яралийдир юзлари маҳзун,

Азалдан бир мусибатгоҳдир бу водий-и-пурхун,  
 Башар умри кўп оз нарса лекин дардлар афзун,  
 Боқишлар кўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда?

## 35

Бу мозиюнга боқдим, барчасни мотамда кўрдим мен,  
 Бу холиюнга боқдим, йиғлаюрлар, ғамда кўрдим мен,  
 Бу отиюнга боқдим ўртикли оламда кўрдим мен —  
 Ки, яъни онларни мубҳам бўлган кўркамда кўрдим мен,  
 Яна аҳволга боқдим, холи-да барҳамда кўрдим мен,  
 Тамассул этди мотам сурат-и-одамда кўрдим мен:  
 Боқишлар кўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда?

## 36

У мозиюн сўнг уй отли бир дунёя толмишдир,  
 Бу холиюн отли, қонли бир ғавғоя толмишдир,  
 Бу отиюн ўшал бир ўртукли фардоя толмишдир,  
 Саодат-да луғат япроғига бир соя солмишдир,  
 Бу, илк одамдан ўз авлодига бир моя қолмишдир:  
 Боқишлар кўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда?

## 37

Бу мозиюн сўнмишдир, фақат ғавғо дарахшондир,  
 Бу холиюн кўп бадбахтдир, холи паришондир,  
 Бу отиюнда сас йўқдир, онлар хўп хомушондир,  
 Ғамнинг дарёси дунёмизда жўшондир, хурушондир,  
 Бу дарёлар қадар ғам бор, аччиқ ёшлар ки бурҳондир —  
 Ва ҳоло жанг-и-оташраиғ ер устинда таннондир,  
 Насиб-и-хаста-и-одам бу оламларда афғондир,  
 Бу номасъуд инсоннинг ҳаёти доимо қондир,  
 Унинг бадбахтлигига кўзлари бурҳон-и-гўёндир,  
 Боқишлар кўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда?

## 38

## ИНТОҚИ-МОЗИЙ

Ҳаёлан сайр этаркан қалб-и-шабда ҳол-и-дунёни,  
 Вужуд-и-мозийни кўрдим, у даҳшатли ҳаюлои.  
 Бир оз тадқиқ қилдим ундаги мотамли сиймойи.  
 «Менга англат, — дедим, — эй пир, бу дунё-йи-аднойи —  
 Ки, сен зўр пирсан, кўп кўрдинг оламларда ғавғойи,  
 Яқиндирки, саналмас кўрганинг ғавғоларнинг сойи,  
 Албат, кўп кўрдинг, мана, кўкдаги ойдан бўлган ойи,  
 Фақат ҳеч тинч кўрдингми бу дорулҳарб зулмойи?  
 Кулган кўрдингми, сўйла, чашму рўй-и-аҳл-и-қабройи!  
 Нечук одамдир англат, бўйла, бу абной-и ҳаввойи,  
 Биз эсак доимо кўрдик ҳаёт-и-мотамафзойи:  
 Боқишлар кўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда?»

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

## 39

Тамассул айламиш мозий фақат этсиздир андоми,  
 Мен ундан кўрқмадим, тарк, этмишман иблис-и-аҳвоми,  
 Тўхтагибман ўнгимда, сўрдим ундан кечмиш айёми,  
 Кўп ойдин сўзлар ила айтмиш аъсор-и-сиёҳфоми,  
 Менга кашф айлади, йиғлар кабидир лекин ифҳоми,  
 Дед: «— Мен кечмиш аъсорменки, бўйла кўрмишман, ҳоми:  
 Боқишлар кўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда?»

## 40

## МОЗИЙ:

Абул-инсондан аввалди башар ҳайвон ҳолинда,  
 Такомил этмаишди, жумласи нуқсон ҳолинда,  
 Баҳоим ила инсон одатан яқсон ҳолинда,  
 Бу одам асринда хўп бўлдилар шайтон ҳолинда,  
 Жаҳонни кўрмадим мен бир беҳиштистон ҳолинда,  
 Заминни кўрмадим мен жаннат-и-ҳурон ҳолинда,  
 Бу хокни кўрмадим мен равза-и-ризвон ҳолинда,  
 Ерни кўрдим ҳамиша қон ила алвон ҳолинда,  
 У Ҳобил-Қобилни кўрдим, фақат хасмон ҳолинда,  
 Икки қардошдилар, тошқалбли инсон ҳолинда,  
 Ҳаёт-и-Одамни бир кўрмадим шодон ҳолинда,  
 У Ҳаввони кўрардим доимо гирён ҳолинда...

## 41

## МОЗИЙНИНГ СЎЗИНИ КЕСАРАК ДЕДИМ:

— У Ҳавво қизлари ҳоли-да пураҳзон ҳолинда,  
 Замин-и-Шарқда бадбахту баддаврон ҳолинда,  
 Яшарлар ҳам шарафсиз, бахтсиз, бешон ҳолинда,  
 Бу Машриқ олами писвон учун зиндон ҳолинда...

## 42

## ТЎХТАДИМ. МОЗИЙ ДАВОМ ЭТДИ:

— У Нуҳнинг вақти навҳа, ҳамда бир тўфон ҳолинда,  
 Унинг-да қавми ботди, неъматга куфрон ҳолинда,  
 Ўзи бир яхши одам, ўғли-да Каён ҳолинда,  
 У Лутнинг қавми ботди, ерлари вайрон ҳолинда,  
 У Яқубларни кўрдим бутун амён ҳолинда,  
 У Юсуф вақти кечди чоҳ ила зиндон ҳолинда,  
 Ҳасадлар жонли, очсам бўлдилар ихвон ҳолинда,  
 Албат, Яқубни кўрдим чашмсиз пийрон ҳолинда,  
 Оқарган соқоли-ла кўзлари ҳижрон ҳолинда,  
 У Мусо асри Мисрни кўрмиш эдим қон ҳолинда,  
 Гўдақлар йўрғагида бўлдилар қурбон ҳолинда,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

115

У фиръавиларни кўрдим бутун гургон ҳолинда,  
 Мададрас бўлмади бир кимса-да чўбон ҳолинда.  
 Яҳудий миллати бадбахту мазлумон ҳолинда.—  
 Асир эрмиш тамоман бандай-и-фармон ҳолинда.  
 У Фиръавн, бундоқ, энг золим ҳукмдорон ҳолинда,  
 У Мисрни кўрмишмен хўн қонли бир майдон ҳолинда,  
 У Фиръавн замони кечибдир туғён ҳолинда,  
 У Фиръавилар бўлмиш бутун Ҳомон ҳолинда,  
 Албат, кўрдим у даври давра-и-хусрон ҳолинда.  
 Бу Иброҳимнинг асри оташ-и-сўзон ҳолинда,  
 Утга отмишдилар бечорани урён ҳолинда,  
 Демишди ҳақ сўзни ҳақ сўйлаган мардон ҳолинда,  
 Деюрди халққа тўғри сўзларин шажъон ҳолинда,  
 Деюрди: «— Топмайинг асномда маъбудон ҳолинда».  
 Нерон ёндирмиш эди Румни бир найрон ҳолинда,  
 Жамоат йиғлаюрди, ўзгаси хандон ҳолинда,  
 Аччиқ тарих ичинда: маҳрикул-булдон ҳолинда,  
 У Суқрот асри: диллар хаста, бедармон ҳолинда,  
 Ҳақимни тинглаган йўқ, халқ хўп нодон ҳолинда,  
 Деюрди: «Тўғри йўл бу!» Халқ гумроҳон ҳолинда,  
 Жамоат олам-и-ғафлатда хўп пиён ҳолинда,  
 У Марям ўғлининг-да асри қабристон ҳолинда,  
 Тамоман маййиб эди, жонлилар бежон ҳолинда.  
 Масиҳо зулм этмиш гўё ки, бир имон ҳолинда,  
 Уни ўлдирмакка зани этдилар виждон ҳолинда,  
 Гўзал бир зотга қарши чиқдилар идвон ҳолинда.  
 Жаноби-Аҳмад асри: халқ беурфон ҳолинда,  
 Жаҳолат жисманмишди абужаҳлон ҳолинда.  
 Ҳамиша қатлу ғорат, одатан бир шон ҳолинда,  
 Албат, кўрдим у даври даври-хунхорон ҳолинда.  
 Шуълали йўл-да келди қудрати-Қуръон ҳолинда,  
 У Зардушт асри нисонлар бутун синдон ҳолинда.  
 Албат, Ҳинд ила Эрон бўлди оташдон ҳолинда,  
 Ситам соҳиблари ҳукм этарда бек, хон ҳолинда,  
 Бутун маснад нишинан зулм этган шоҳон ҳолинда,  
 Бу Эрон тупроғи жойи-ситамкорон ҳолинда,  
 Заволли аҳли-Эрон жумласи нолон ҳолинда,  
 Бутун заҳматкаш эди тибки ҳаммолон ҳолинда,  
 Албат, хонларни андоқ мустабид султон ҳолинда,  
 Жафопарварлар, бундоқ давлатга аркон ҳолинда.  
 Аҳоли йиғлаюрди кимсасиз сибён ҳолинда —  
 Ва ёхуд Шарқда бадбахт бўлган нисвон ҳолинда,  
 Хулоса, хоки-Эрон саҳна-йи-афғон ҳолинда.  
 Дедим: — Қани, буюр. Тинди. Дедим,— вулқон ҳолинда.  
 Боқишлар кўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
 Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда?

## 43

У Мозий тинди, бир афсус чекди, бир-да вовайло,  
 Дедим: «Нечук бу афсусинг, бу вовайло, бу воҳайфо?»  
 Деди: «Чиндан-да шоёни-таассуф сўзлари бор, ё —  
 Халос этмишми зиллат кунларидан қавмини Мусо?  
 «Тирк маййиблар»ни, оё, тирилтмиш бўлдим Исо?  
 Муҳаббат руҳи ила этдими ўликларни эҳё?»

## 44

МЕН:

— Муҳаммад уммати ётмиш мазор-и-жаҳлда ҳоло,  
Зулумот, кўп зулумотдир, заволли уммат-и-тоҳо.  
Бутун отаишпарастон руҳи дўнмиш бир сирӯ мавто,  
Баҳоуллоҳнинг афкори чечакли, тогли бир рӯё,  
Ҳаёлга менгзамас, кўп ўтлидир, кўп қонлидир дунё.  
Ҳамиша йиғлаган кўрдим бу Одам ўғлини, зеро —  
Адоватлар-ла қардошдир, муҳаббатлар-ла кўп аъдо,  
Албат, мозиймаиен, кўрдим бутун аъсорин мотамзо.

## 45

МОЗИЙ:

Ёди-байзайи-Мусо очдими бир йўлки кўп рахшон,  
Масихнинг фикри Одам ўглига бахш этдими бир жон?  
Жаноби-Аҳмаднинг пайравлари беилму ноурфон?  
Парастии-шикори-норин нури сўнмиш, бари шабгардон,  
Баҳоилар-да хулёлар йўлида бўлмади поён.

## 46

МЕН:

— Ҳақиқат бўйла майдонда, башар маҳзун, башар гирён!  
Зиёбахш бўлмади инсонларга Таврот ила Куръон,  
Зиёдор этмади миллатларни Инжил ила Ййғон,  
Умумий бир муҳаббат бўлмаюр ки қобили-имкон,  
Адоват ўтларида ёнмакда қардош бўлган инсон,  
Жаҳон арзия-адоватдир азал кундан бери ҳар он,  
Ер усти доимо қонли, башар қонли, юраклар қон.

МЕН:

— Чўбонсиздир бу кунда «рай-и-ақнам»нинг ақвоми,  
Масихнинг уммати қурмиш темирдан дўзахандоми,  
Албат, ижод қилмиш олати-қатл ила эъдоми,  
Муҳаммад уммати тутмиш раҳи-Зулмати авҳоми,  
Сўнди отаиш-парастонинг-да партавгоҳи-илҳоми,  
Баҳо қардошлигидан бир асар йўқ, бор фақат номи,  
Бутун қолмишдир овора жаҳоннинг пухтаси, хоми,  
Тамошо айла инсоннинг юзинда зилли-аъломи.

МОЗИЙ ИЛА БИР ОҒИЗДАН:

— Боқишлар кўлкали, юзлар бутун ношод шаклинда,  
Бу мотамгоҳни ким кўрмиш суруробод шаклинда?

*Озарбайжончадан  
Абдурахмон БОДИЛИЙ ва  
Рауф ПАРФИ таржимаси*

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

# Банди бургут

ҲИКОЯ

1

**Ў**шанда бир қарич жужук эдим. Тенг-тўшлар билан ёзда тупроқ чангитиб, қишда қорбўрон ўйнаб, баҳор кезларида ҳам ўзига бир қизиқ юмуш топиб юрган беғам, бахтиёр чоғларим эди.

Биз, айниқса, кўклам кезларида тўрт-бешта бўлволиб, полиз пайкалларида изғиб юрардик. Ўтган йилдан қолиб кетган савзи борми, лавлаги, картишка борми — кавлаб олиб, қишлоқнинг четидаги бир ғариб дала шийпонига бориб, ўт ёкиб, унинг қўрига топган-тутганимизни кўмиб-пишириб ер эдик. Қўлларимиз, оғзи-бурнимиз қорайиб, бир-биримиздан кулиб, йаза қилиб ўтирардик.

Шундай ўтиришларнинг бирида ҳаво айниб қолди, қоп-қора, хунук-увада булутлар тепамизни бир зумда қоплаб олди-да, худонинг қудрати билан, тухумдек-тухумдек дўл ёға кетди.

Бунинг устига осмон дарз кетгандек момақалдироқ гурсиллайди, чақмоқ чақади. О, инсон бундай пайтда ожизлигини нечоғлиқ аниқ сезади. Бу самовий кучлар қаршисида йўқ бўлиб кетадигандек сезасан ўзингни.

Лекин биз бор эдик, бир-биримизнинг пинжимизга тиқилиб, ҳазил-ҳузунни ҳам батамом унутиб, ташқарига қараб ўтирардик.

Бир маҳал шийпоннинг орқа томонидан бир қора нарса шундай рўпарамиздаги ёлғиз ўрик шохига қўнди. Бу қанотлари ҳўл бўлиб ёнига осилган, кўзлари олазарак бургут экан. Дўл урган бўлса керак.

Салдан кейин унинг, нисбатан, ёш бургут эканини англадик. Кулангир товуқча келар, аммо қанотларини ёзса, бир қулочдан кам чиқмас эди.

Биласиз, жала ёққанда, шамол ҳам зўраяди. Шамол денг, ён томондан увуллаб эсганда, боёқиш дарахтнинг шохлари ерга теккудек бўлиб эгилар, кейин зўрға ўнгланиб оларди. Бургутча ҳам шох билан бирга пасайиб, бирга кўтарилар, ана шунда қанотлари борица очилиб кетар эди.

Афтидан, у ҳам табиатнинг бу ўйинидан ҳайратда, шунинг учун қўним топган жойини тарк этишни истамасди.

Ерга қўнмаганини қаранг: бургут-да...

2

Бир замон шамол секинлаб, дўл ҳам сийраклашди. Шунга баробар атроф ҳам ёришиб қолди. Табиатнинг бу товланишлари бир неча дақиқа орасида юз берди, азизим.

Қарангки, инсоннинг табиати ҳам сиртқи муҳитдаги ўзгаришларга мос ҳолда ўзгарар экан: бизнинг-да лабларимизга кулгу югурди. Бургут эса...

Худди энди палапон силкиниб, ҳўл-шалаббо бўлган қанотларини ёнларига

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

118

қарс-қарс уриб, парвоз қилди. Албатта, бу учишни парвоз деб бўлмас эди. Шунчаки ерга тушиб кетишни истамагани ва осмонга кўтарилишига ҳам мадори йўқлиги туфайли зўрға қанот қоқарди — тўтри кишлоқ томонга учиб кетди.

Биз тапир-тапир қилиб ташқарига чиқдик. Ихтиёрсиз бир тарзда билардикки, бу қуш бора-бора тағин бир дарахтга кўнади. Унга одамларнинг кўзлари тушади: табиийки, уни тутишга ҳаракат қилишади. Нима учун?

Ўзларни ҳам билмаса керак... Ҳа-ха, биз ҳам унга эга бўлишни истардик, холос.

Кишлоқ биз турган ердан уч чақиримлар этакда эди. Лой кечиб, жўнадик. Қайсимиз кишлоққа олдинроқ етсак, осмон қуши ўшаники бўладигандек. Ҳе йиқилиб-суриниб денг, томида лолақизғалдоқлар очиладиган илк кулбаларга етдик.

Қуш йўқ эди.

Сойликкача чўзилган хонадонлар, торкўчалардан бургутнинг бирон-бир жойга кўнганидан дарак бергувчи шовқин-сурон ҳам эшитилмасди.

Тарвузимиз қўлтигимиздан тушиб, шийпон айвончасида — қўр остида қолган тотли емишларимизни эслаб, бир-биримиздан айб топишга чоғланиб турганимизда, эшитилиб қолди:

— Йўқо-от! Йўқот дегимман сенга! Жўжаларни еб қўяди. Бургут-ку бу!

Шундайгина олдимиздаги ҳовлидан эшитиларди аёл кишининг ваҳимали сўзлари.

— Тўрақулди энаси-ку! Тўрақулга айтаяпти...— шундай дейишиб, томорқани айланиб ўтдик.

Четандан қарасак, орамизда энг нимжон, бизга қўшилавермайдиган тенгқуримиз бургутнинг оёғига боғланган ипни тутиб турипти. Бургут қанотларини ёзиб, ер бағирлаб ётипти. Тирноқлари ерга қадалган, қутлишига ҳаракат қилаётгани ҳам кўриниб турипти.

— Эй, муни нима қилай, жўралар? — деди Тўрақул дир-дир титраб.

— Бизга бер, жўра,— дедим мен.— Менга бер...— Кейин бошқа болалар ҳам бошлашди:

— Менга бер, менга бер...

— Биринчи мен айтдим, мен оламан,— дедим мен.— Хола, менга берсин, бизда товук йўқ...

— Бекорларни айтибсан,— деди Тўрақулнинг онаси.— Бачаларни чалғитиб, ҳар гўрларга обориб юрасан. Биладан, шийпондан, қабристоннинг остидан келаяписизлар. Бало борми у ерда?.. Тўрақул, буларга қўшилма!

— Вей, муни қаранг, қандай яхши,— деди шунда Тўрақул йиғлаб-пиқиллаб.

Ҳе, камбағалчилик курсин, азизим. Тўрақуллар кишлоқда энг фақир оилалардан эди. Камбағалчилик оламини ақтиёткор қилиб қўяр экан-да.

Қисқаси, Тўрақулнинг онаси қилчильвирни унинг қўлидан олиб, Бургутчани ўзи судрай кетди... Ҳа, энгаракдан чиқариб, сойга оптушадиган сўқмоққа йўналди. Хайрият, ер лой-сирпанчик эди, холанинг ўзиям базўр қадам босарди. Биз унга эргашиб чувиллаганимиз-чувиллаган:

— Холажон, ўлдирманг... Бунни дўл урган, гаранг бўп қолган. Бир кун турса, ўзига келади. Учиб кетади ота-энасининг олдига...

— Йўқол ҳамманг,— деб шанғиллайди хола.— Қорни тўқ билан қорни очнинг нима парвойи бор. Бу етимча нимани билади ҳали.. Сенларга ўйин бўлса, бўлди...

Ала шунда бодомгулли йирик отда кичкина бўлиб ўтирган бир киши — кишлоқдаги энг қорни тўқ зодагоннинг ўғли Йўлдошбой чиқиб кела бошлади.

«Зодагон» ким бўларди, дўстим? Колхоз ранси-да: кишлоқнинг беги.

Лекин «раис» деганда сиз этик кийган, қорин қўйган, шопмўйловни кишини тугунманг. Жуда нозик, Тўрақулга ўхшаш дардман, рангпар киши эди у. Бўйшидан галстук узилмас, бошида шляпа, тагида — «Победа» мошинаси.

Уйи ҳам...

Шоширманг, бир бошдан айтай.

## 3

Йўлдошбой ўзимиз тенгли йигитча эди. Қўшни синфда ўқирди. Лекин жуда яхши кийинарди. Шундай кийинардик, бир-иккита болалар ҳасад қилганларидан унинг уст-бошини бир-икки марта йиртиб ташлашган эди.

Менга у бола ёқарди, умуман. Яхши ўқирди, информацияга бой эди. Сўнгра ундаям қандайдир, сиз айтмиш «романтика»дан бор эди. Бироқ раис оталари худди Тўракул жулдурнинг онасидек ўғлини биз жулдурвақиларга қўшилиб юришини хоҳламасди: қаранг, бойлар ҳам эҳтиёткор бўлишади, а?

Хуллас, биз ота-онамиздан гап эшитмаслик учун ундан ўзимизни тортиб юардик.

Хола Йўлдошбойни кўрди-да, таққа тўхтаб таъзим қилди:

— Ассалому алайкум, раис бобо! — Ҳа-ҳа, раиснинг ўғлиниям «Раис бобо» дейишарди. — Эсон-омонгина юрибсизми? Бобо яхшимилар? Энагинангиз?

— Раҳмат, хола,— деди-у. Кўзи қанотларини ёзганича бизга тикилиб ётган бургутда.— У нима? Нима қиласиз уни? Қаердан ушладингиз?

— Ҳе, мана бу шумтакалар рагатка билан урганми, дўл урганми, шундай келиб гужумга кўнди-ю, ерга тушди. Мана бу дирриқ жўрангиз Тўракул ушлаб олди. «Катакка солиб боқаман» дейди. Ахир, бир кечада бари жўжаларни еб қўяди.

— Емайди. Омборда боқаман,— деди Тўракул.

Биз ҳам орага тушдик:

— Бизгаям бермаяптилар...

— Муни нима қиласиз, хола? — деб сўради Йўлдош.

— Култепага оптушиб ўлдираман, оғажон.

Шунда Йўлдошбой жонимизга ора кирди:

— Менга беринг, хола. Мунга катак ясатаман. Ташқарига чиқармасдан боқаман,— деди. Кейин яна қўшимча қилди:— Бизнинг уйдаям шундай бургутдан бири бор. Лекин у жонсиз, ҳайкал... Мен бургутти яхши кўраман...

Табиий, биз ундан хурсанд бўлдик. Бироқ бу марта ҳам унга ҳасад қилганимиз аниқ.

— Беринг Раис бобога, беринг,— деган гаплар оғзимизда қолди. Хола рози бўлди:

— Ҳа, эса майли, оғажон. Эҳтиёт бўласиз-да. Тағин чиқиб-нетиб бизнинг...

— Холажон, йиртқич қушлар ўзларининг атрофидаги товук жўжаларига тегинмайди,— деди Йўлдош.

Хола чилвирни тутамлаётгандек бўлиб йиртқич қуш тенасига келди-ю, унга қўл тегизишга журъат этолмай қолди. Шунда камина югуриб бориб, бургутчанинг қанотларини ёнига босиб кўтарди. У негадир мени чўқимади. Аксинча, мени онаси деб фаҳмлагандек оғзини очиб тутди, холос.

Оғиргина экан. Кўтариб обориб, Йўлдошга узатдим. У олиб, эгарнинг қошига қўйди.

— Борсак, кўрсатасанми? — дедим.

— Кўрсатаман,— деди у.— «Юний натуралист»га аъзомисан?

— Нима?

— Шундай журнал бор.

— Билмайман.

— Бўлмаса Бўзмерганни топиб сўрагин: бургут нима ейди? Бу ёш экан, нима бериш керак?

— Хўп,— дедим.— Лекин бу касалга ўхшайди. Ёки дўл урган буни.

— Опам кўриб беради, у киши дўхтир-ку.

Йўлдошбой холага қўшиб бизларга ҳам раҳмат айтди-да, бўз йўргани буриб, пастга эниб кетди.

## 4

Бўзмерган деган овчи бўларди. Ёнида бир жуфт този (ит) билан битта гуржу (кучуквачча)ни эргаштириб юарди. Кучуквачча муштдек бўлгани билан жуда



довюрак, жангари бўларкан: тулкиларнинг инига бемалол кириб кетиб, ўзидан уч-тўрт карра катта хайвонни қитиқлаб гордан чиқараркан. Кейин този итлар уни қувиб ушлашаркан. Тозиларнинг бўйи мендан баланд эди: ор-риқ, хипча, ола-була. Тумшуклари узун. Югурганда, леопардни ҳам орқада қолдираркан. Лекин қизик-да: тулки шайтон унгаям чап бериб қоларкан баъзан. Шу чап берганда, ўқдек учиб бораётган този ҳам буриларкан-у, эпсизроқ бўлса, думалаб, бели сиғиб кетаркан.

Ҳе, ҳозир ундай итлар ҳам йўқ. «Гуржи»ни бўлса, «лайча» дейишади.

Хўш десангиз, Бўзмерганни топдим. Бургут ҳақида сўрадим-суриштирдим.

Кейинги кун саҳарлаб Йўлдошбойларнинг уйига йўл олдим.

Сой бўйига тушсам, Раис бобонинг хизматкори суви бўғилган ирмоқнинг қўлмақларида оралаб юриб, балиқ овляпти. «Овламаяпти» — териб-тутиб олаяпти. Қўлида майда чивикдан тўкилган чуқур саватча.

Бу ёйда сувдан анча балад кўтарилиб қурилгандек ёғоч кўприк. Ажойиб кўприк эди: тагида туриб қарасангиз, ости гумбаз ичидек кўринарди. Пўстлоғи арчилмаган арча хариларидан иборат. Сувнинг икки четида бир қават тош, бир қават ёғоч босилиб кўтарилган-да, устига ҳалиги харилардан ётқизилган. Кейин уловнинг оёғи тушиб кетиши мумкин бўлган ораллиқларга тош ташлаб қўйилган. Эшак ўтсаям кўприк лопиллар, ёғирлар эди. Хуркак хайвонлар эса, умуман, ўтолмасди.

Аззим, кўприк ҳақидаям таъриф бераётганимнинг сабаби шундаки, бу — «романтик» дўсганиз ана шунақанги сирли жойларни яхши кўрарди: ўлай агар, култепани ҳам ой ёруғида кўн кузатганман. Шийшон юқорисидаги қабристонни ҳам. Ахир, кўприк, култета, мазорлар ҳақида қанча сирли афсоналар бор. Жин-ажиналар, ялмоғиз кампирларнинг манзиллари, дейишарди-да... Э, қадрдон, ҳалиям шу гапларга ишонгим келади. Сиз ишонманг — майли. Мен ишонай. Нима бўпти? Бир-биримизда йўқ жиҳатларни тўлдираемиз, холос...

Хизматкор мени кўриб, қошни учирди. Бароққошли тожик йиғит эди. Умуман, Раис бобонинг оиласи — байналминал оила эди, деса бўлади. Хотини — тоторми, бошқирдми, ишқиллиб, тили ўзбекчадан фарқ қиларди.

— Йўлдошбойга гапим бор, — дедим.

У қаср томонга қаради.

— Сани келишингди биладими Йўллошвой?

— Билади, — дедим.

— Ундоқ бўлса, ўзи эниб келаду ҳозир. Унинг дурбуни бор, сани кўриб турбу.

Ҳақиқатан ҳам иккинчи қаватдаги... ҳа-да, болохонада туриб мени кўрган экан.

Сўқмоқдан чопиб келаётипти-ю, мени қўли билан имлай бошлади. Хизматкор «сенга рўҳсат» дегандай бошини қимирлатиб қўйди. Мен кўприкдан шип-шип юриб ўтдим. Шундаям кўприк силкинди. Худдики, пружинаси бордек.

## 5

— Юр уйга, — деди у қўлимни қўйвормай.

— Йўқ, — дедим мен. — Отанг билса, ёмон бўлади.

— Ҳечам ёмон бўлмайди, — деди у. — Мен айтдим у кишига, шу бургутга ўхшаб ёлғиз юраман, дедим. Бир кун меням дўл уриб кетади, дедим.

— Зўр экансан-у?

— Онам менинг ёнимни олди. Бу бола бойқуш бўлиб ўсапти, деди.

— А-а, бойқуш ҳам ёлғиз яшайди.

— Юр. Қафас қилишяпти балконда... Айвонда. — Кейин биллагимдан тортиб: — Бўзмерганга борганинг учун раҳмат, дўстим, — деди. — Оқшом унинг ўзи уйга келди. Бургутти кўриб, «қарчиғайлар авлодидан», деди. Унга фақат гўшт бериш керак экан. Кейин тирик қуён, каламуш, қаптар...

Мен унинг гапига қизиқиб йўлга тушган эдим. Шу ўрида жиндаккина манзара тасвирини қилмасам бўлмайди.

Сойнинг биз тарафида дарахт кўп, баҳайбат ёнғоқлар кўп, ток, дўлана... Бу томонда мевали дарахт дегани фақатгина каттакон четан кўра ичида ўсган, атрофлар — ям-яшил ўтлоқ, қамишли жойлар ҳам бор, бу ерга сув сойнинг бош томонидан қирни қиялатиб олиб келинган эди.

Бу томоннинг ҳар ёни очик, атрофдаги тоғлар баралла кўринар, бу ернинг ҳавосиям бошқача — тоза, ўпка нафас олгудек эди. Кейин бу томонда бўш ерлар, яъни бедазорлар мўл, у ерларда бемалол чопқиллаб ўйнаш мумкин эди.

Сезяпсизми, анави қишлоқ ҳам ўшанда менга тор-биқиқ кўринар экан.

Уйлари ажабтовур эди: болохонасининг олди айвон. Лекин айвонни пастдан бир неча оппоқ устунлар кўтариб турар, улар орасида чипта креслолар, чипта-тўгарак стол, столлардан бирида нақ чўққиларда битадиган ёввойи гуллар солинган малла сопол тувак. Шифтда уч чироқли тилларанг қандил...

Ҳа, МТСда движок ишлар эди. Кечалари соат ўн биргача чироқ ёнарди. Буларнинг уйида бирон йиғин ё зиёфат бўлса, тонггача ўчмас эди.

Мен жиддий айтаяпман: Йўлдошбойларнинг уйи ҳам, яшаш тарзлари ҳам оддий қишлоқ одамларининг ҳаётидан кескин фарқ қилар, бамисоли сойнинг икки томони — икки қутб эдики, дарҳақиқат, бу гўшада ўриснинг дворяни, у томонда крестьянлари яшайтгандек эди. Ишонаверинг, мен бўрттираётганим йўқ. Бунинг устига, бу — ўзаро фарққа урғу беришдан менга наф йўқ. Яъни, сизга айтмоқчи бўлганим воқеаларга анчайин дахли бор, холос.

Узун бу иморатнинг орқа томони оқ девор билан ўралган сарой эди: сигир, қўй, пичан...

Қисқаси, такхона айвонидан кўтарилган зинапоя билан иккинчи қаватга чиқдик. Бу тарафдаям, у тарафдаям — хоналар, оқ-оқ эшиклар. Оёғимиз ости — тахта пол қилинган эдики, буни ҳам биринчи марта кўришим эди.

Биз кигизнинг остидан солинадиган бўйрани билардик-да, биродар...

— Баққа юр,— деб бир хонага бошлади. Ошхона экан: газ плитасини ҳам шундай кўрдим.— Юр-юр.— Кичкина раис шу хонадан очилган эшикка бошлади.

Ундан чиқдим-у, қаршимда — сойнинг у бетига сочилиб ётган қишлоғимни кўрдим.

Мен сизга раис бобонинг уйи, ашқол-дашқоли ҳақида ҳайратимни баён қилаяпман, қадрдон. Бу ҳали — унга меҳрим тушиб қолди, деганим эмас.

## 6

Айвон-балконга қадам босиб, қишлоғимдан кейин кўрганим ёғоч раңдалаётган уста Шодмону бурчакда худди малла мушук каби хурпайиб турган бургут бўлди.

Унинг кечаги ҳўл қанотлари, патлари қуриган, ўзиям шишини кетгандай эди.

— Шунқор. Менинг Шунқорим,— деди Йўлдош қуш олдида чўнқайиб ўтириб.— Е, егин. Нимага емайсан? Хафа бўлма, ўртоқ бўлиб кетамиз.

У битта чўп олиб, қушдан анча нарида ётган хом гўшт бўлақларини унга сура бошлади. Бургутча батгар хурпайиб, ишонинг-ишонманг айна мушукка ўхшаш «фиш-фиш» этган овоз чиқарди. Тумшуғи унчалик узунмас, аммо қайтиқ, кўзлари сарғиш, оппоқ панжалари тахминан уч яшар жужуқнинг бармоқларидек келар эди.

Мен уни томоша қилар эканман, кўзларига тикилишни истамасдим. Нимагаки унинг нигоҳида бизга нисбатанми — бир ёвузлик, ётлик бор эди.

Мен бунинг сабабини тушуниб турсам ҳам:

— Бизни ёмон кўряпти-я? — дедим.

— Бизни эмас,— деди Йўлдош.— Анавуни... Қара. Тур ўрингдан.

— Бургутти жўжалигида олиб боқсанг, эл бўлади,— деди шунда иши билан банд уста.— Қозоқлар ителгини шунда ўргатишади овга, қўлга...

— Буни ўргатиб бўлмайдами? — деб сўрадим.

— Йўқ, бу каттариб қолган, улям. Бу эркинликнинг ҳавосини олган. Бу бандиликда узоқ қололмайди...

— Қолади! — деб дўк қилди Кичкина раис.

— Хўп-хўп. Илойи, илойи, — деди уста.

— Бўзмерган айтди. Халиям ўргатса бўлади, деди. Овқат бермай-бермай — берсанг, ейди, деди. Тирик куён опкелади. Отам бўғалтирга товуқ жўжасидан опкелинг, деди... Юр, жўра. Юр-юр. Бу — бизнинг залимиз. Яъни, меҳмонхона бу... Қара, яхши, а? Яхши. Энди кўзингни юм!

Меҳмонхонада биллур идишлар, анвойи ичимликлар сақланадиган буфет бўлиши, суянчиги баланд — тахтмонанд курсилару узун стол ҳам бўлиши, четда юмшоқ дивану креслолар туриши, деворларда табиат манзаралари тасвирланган йирик-йирик ромларда расмлар туриши мумкинлигини ҳам, онт ичамак, шу ерда кўрдим. Раис бобо кўз юмишим кераклигини айтди ва мен кўзларимни чирт юмдим.

Биласизми, дўстим, бундай дав-даска менга ўхшаган ўртаҳол бир кимсанинг боласини маҳв этиб эмас, эзиб, қандайдир хижолатга солиб қўяркан: ўзингни фақирлигинг, бу нарсалардан биттаси ҳам хонадонингда йўқлигидан уяла бошлар экансан... Ғалати туйғу, а?

— Кўзингни оч, — деди Йўлдошбой.

Мен кўзимни очиб, ҳеч нарсани кўрмадим. Уй эгаси дераза пардаларини ёпган, шундоқ ҳам қора мебеллардан нимқоронги бўлиб турган меҳмонхона энди тун қўйнига чўмган-у, оптимиздаги ойнабанд эшикдан тушаётган нур — баайни ойнинг шуъласи эдики, буни ҳам ғира-шира ҳис этардим.

— Кўряпсанми? — деб сўради сеҳргар раис.

— Нимани?

— Тўрга қара.

Қарайми-у, кўзимнинг пахтаси чиқиб кетай деди. Анқайиб қолдим. Тўрдаги телевизор устида бир неча маротаба қабристонда кўрганым оқиш нур қандайдир қабариб-каттариб кета бошлади. Кейин у шаклга кирди: қушга ўхшай бошлади. Шунда қушнинг кўзларига кўзларим қадалиб қолди.

У кўзлар тўқ қизил бўлиб, тобора аланга олаётганга ўхшар, бунга сари бу афсонавий парранданинг шакли-шамойили аниқ кўринар эди.

## 7

— Бургут! — деб юбордим. — Топдимми?

— Топдинг, — деди у. — Кечаям айтувдим-ку, биздаям бургут бор, лекин ҳайкали бор, деб эдим.

— Ҳа-я, шундай дегандинг.

— Қалай?

— Зўр.

— Нимага ёниб турипти у, биласанми?

— Шу, мозордаги...

— Буням топдинг. Буям фосфор, — деди Йўлдош. — Фосфор бургут. Отам Болгариядан опкелган... Ҳа-ҳа! Узоқ йили курортга борганларида опкелганлар.

— Ҳе, уйлари ажайибхона экан.

— Анави бургутнинг нимага қараётганини энди билдингми?

— Тушунмадим?

— Анаву дўл урган бургутча... Шу ёқдан кўз узмайди-ку? Кўрдинг-ку!

— Ҳа-ҳа.

— Мана шунга тикилгани тикилган.

— Қизик.

— Мана, ҳозир эшикни очайин, кўрасан... Ана, ана, қаради. Бизга эмас. Дадам ҳам сендек ўйлагандилар. Кейин кузатиб билдлар, мана шу жонсиз шеригига қараб турган экан... Жуда қизик-а? У бунинг ўлик эканини билармикан?

— Қандайига «ўлик» бўларкан бу? Олдин тирик бўлган бўлса, унда...

— Кечирасан. Бу — шунчаки жонсиз хайкал эканини билармикан, ўртоқ?  
 — Билмадим.  
 — Эшик ёпиқ бўлса, тинчиб гўшт-пўшт ейди. Эшик очилдими, тикилиб қолади.

## 8

Сухбатларимиздан бирини Йўлдошнинг онаси эшитган экан, бизни яна-да яқин бўлишга рағбатлантирадиган сўзлар айтди. Йўлдошнинг отаси — Раис бобо эса менда хукнук таассурот қолдирдики, бу хотира ҳамон ўчгани йўқ.

Бир куни тожик хизматкор ушлаган балиқларни кўтаришиб келдик. Йўлдошнинг онаси бизни илиқ қарши олиб:

— Жарит қилиб берайми, уха ейсизларми? — деди.

— Уха, — деди Йўлдош. — Бу тоғликлар фақат қовуриб ейишни билишади.

Шу нарсани қайд қилишим лозимки, энди буларнинг уйлари жойлашган ерлар ҳам, иморатларининг антиқалиги ҳам, меҳмонхона ва бошқа хона жиҳозлари ҳам менга олдингидек кўз қамаштирадиган бўлиб кўринмас эди.

Аксинча: энди мен ўзимизнинг анави томондаги торкўчаларимизу лойсувоқ уйларимизни, гилам-кигиз, бўйраларимизу пўстак ва кўрпачаларимизни яна-да кўпроқ яхши кўрадиган бўлиб қолган эдим. Шунчаликки, буларнинг уйида кўпроқ вақт тутилиб қолсам, кетгим келаверам эди.

Ҳа, тенг-тўшларим-чи, қадрдон? Уларнинг кўзи тўрт бўлиб шу томонга тикилишар, Тўракул нимжон бўлса, ҳар кўрганида, бургутнинг аҳволини сўрар эди.

Дарвоқе, ўтган бир-икки ой мобайнида бургутча анча етилиб, бўйину қанотлари чўзилиб қолган, қандайдир ориқлагандек кўринар, аммо етилаётган йиртқич қушлиги яққол билиниб турарди. Тағин шуниси завқли эдики, у (ҳамон оёғидан боғланган) қафас ичида қанотларини ҳалпиллатиб уриб, бурчакка суяб кўйилган куруқ ўрик шохига учиб чиқар, ўша ерда мағрур ўтириб, патларини чўқир, сарғиш, гажак тумшугини бутоққа роса суркаб артар эди. Умуман, бу — ўлимтиххўр йиртқич қушлар туркумидан бўлса ҳам, жуда озода эди: тумшугини денг, бутоқнинг гоҳ бу, гоҳ у томонига роса суйкаб артар, гоҳида шох остидаги катта тоғорага солиб кўйилган сувга тушиб олиб, қанотларини пат-патлатиб уриб чўмилар, сўнгра шумшуккина бўлиб четга чиқар ва сойни кечиб ўтган молдек силкиниб, патларини қурита бошлар эди.

Уни бу машгулотлардан фақат бир нарса чалғита олар эди: меҳмонхона эшигининг очилишию жонсиз бургутнинг кўзга ташланиши эди. Шунда у яна хўмрайиб, сезиларли ҳурпайиб олар, кўзларида ёвузона бир ёвқурлик чақнар эди.

Тағин бир гап: Йўлдошнинг айтишича, осмондан ўзга бургутларнинг титроқли чинқирини эшитилган чоғларда жуда безовта бўларкан. Бир-икки марта қафасни айланиб ўтипти ҳам. Лекин икки гал ҳам панжарага урилиб йиқилибди.

## 9

Энди Раис бобонинг мен билан ўғлининг яқинлигига ҳамда бургутга бўлган муносабати ҳақида икки оғиз сўзлашим шарт: бусиз...

Ёз бошланиб кетди, кундуз кунлари қанчалик иссиқ бўлса (тоғнинг тошлари дарров қизийди-да), кечалари шунчалик салқин, ҳатто совуқ бўладиган кунлардан бири эди.

Чўмилишни соғинган эканмиз, сойнинг йўлини тош-чим билан тўсиб, кўл, яъни «гум» қилаётган пайтимизда кичкина Раис бобо келиб қолди.

— Ана, Райис жўранг, ана бургутчи! — деб ҳасаду ҳавас билан чуғурлашди тенгдошлар.

Албатта, мен Йўлдошбойни орамиздаги энг фақир Тўракулчадан ҳам баланд кўрмасдим-у, кўлидаги бургут, унинг антиқа саводхонлиги, тўғрироғи, «билимдон»лиги, бориники, унинг «маданияти» мени жуда қизиқтирар, қолаверса, ожиз

бандамиз-да: кимсан — Раис бобонинг арзандаси билан «дўстлигим»дан ҳамда буни бировлар кўриб турганидан гурурланар ҳам эдим.

— А-аа, Йўлдош, ке! — дедим хизматкорга тақлид қилиб. У ҳам кулумсираб:

— Мирзажон, салом! — деди.— Сизни Райнс бобо чақиропти!

— Қайси Раис? — дедим атай. Биладан, ўзига керакман, албатта.

— Кичкина райнс,— деди у.

Мен кўйлакни кийиб, ҳимарилган иштон почасини тушириб, унинг ёшига чиқиб бордим.

— Бургут гўшт емаяпти,— деб шивирлади у. Ўзи оқ-сарикдан келган болайди, ранги, умуман, оқариб кетган эди.— Мунақада ўлиб қолади, а?

— Ўлади. Овқат емаса, одам ҳам ўлади,— деб жавоб бердим.

— Юр, ичим ачиб кетаяпти.

Мен ҳам унга, яъни, бургутга ичим ачишини айтдим-да, кейин қайси гўрдан ҳам оғзимга келган гапни қайтармадим. Бунга ҳамон таажжуб қиламан.

— Эй, ўшани кўйиб юборсанг-чи, Йўлдош... А? Униям сен билан менга ўхшаган ота-онаси бордир. Бор, ахир? Ота-онасиз бола туғиладими? Улар болаларини йўқотиб, хапа бўлиб юришгандир... — Яна авж қилдим: — Балким уйлариинг тспасида айланадиган бургутлар — ўшаниннг ота-онаси ёки ака-укасиدير?

Йўлдош менга ёвқараш қилди-да:

— Гапкинг-ку тўғри,— деди.— Лекин мен уни яхши кўраман... Йўқ, уни кўйвормайман, ўртоқ! Сен билмайсан, кечалари уйғониб кетиб, ундан хабар оламан...

— Залди эшигини очиб қўясанми?

— Ҳа, безовта бўлаётган бўлса, бирдан тинчиб қолади... У баъзи кечалари ўзини ҳар томонга уради, жўра. Айниҳса, тонг отаётганда...

— Бечора.

## 10

Хуллас, олдинма-кетин болохона айвонига чиқиб борсак, Йўлдошнинг отаси залга кираверишда курси кўйиб ўтирибди. Сомон шляпаси билан елпинаётган экан.

— Дада, келдингизми? — деди Йўлдош.

Дадаси саволга жавоб беришни лозим топмади-да (бир ҳисобда у кишининг келгани аниқ эди-да!) дафъатан менга бошдан-оёқ қандайдир ҳорғин назар билан тикилиб:

— Ҳим, оёққа бир нарса кийиб юриш керак,— деди.

— Бор эди, қолди,— дедим. Бу кишининг ана шу зерикарли нигоҳи менга ёқмас, айтиш мумкинки, бу шахсан мендан бошқаларга, колхозчиларга ҳам шундай нигоҳ билан қарар, табиийки, уларни ўзидан юз чандон наст кўрарди.

— Кийиб юр,— деб тақрорлади у киши. Кейин шляпани чап кўлига олиб, ўнг кўлини бурчакда тумшайиб турган бургутга чўзди.— Шунинг феъли ёмон,— деди.— Бу эл бўлмайти, ўғлим... Лекин чиройли, мағрур қуш.

— Ҳа, чиройли. Яхши кўраман,— деди Йўлдош шошилиб. Сездимки, бу борада отаси билан ўзининг орасида қандайдир гаплар кечган бўлиши керак.

Дарвоқе, бир муҳим нарса ёдимдан кўтарилибди.

Йўлдошбой билан дўстлигимиз бошланган кунлар эди. У мени саройларига эргаштириб бориб, бир эчкини кўрсатди. Қип-қизил. «Кийикдан тарқаган!» деди. Бу гап тўғрими, нотўғрими — ҳамон билмайман, аммо ёввойи такадан қочган жайдари эчкиларининг туққанини эшитганман.

Қолаверса, бу усулда молнинг зотини яхшилаш, иссиқ-совуққа, емиш танла-масликка ўргатиш бобида селекционерлар иш олиб боришяпти.

Гапнинг қисқаси, қизил эчкининг бурама шохига қизиқиб қолдим-у, Булғориядай жойдан фосфор бургут кўтариб келган Раис бобонинг ғалати феъллари борлиги, яъни, бор эканидан гап очдим. Ахир, Раис бобо — «халқнинг отаси» ҳисоблансалар ҳам, халққа қандайдир бегона эдилар-да, дўстим...

Уэр, такрорлаган бўлсам.

Йўлдош менинг мулоҳазамдан завқланиб кетиб, билагимдан тутди. Бедахонага олиб кириб, ундан яна бир хонанинг эшигини очди. Кейин эшикни «ёпма» деб, четланди-да, қўлини чўзиб, деворларни кўрсатди.

Ёпирай, деворларда тулкининг ҳам, бўрининг ҳам, қоплоннинг териси илинган, бир нечта бурама, чангарак кийик ҳамда ёввойи кўйнинг шохлари-да бор эди.

Ўлай агар, бу ердан чиққим келмай қолди! Бу маконда вақтидами, бевақтми ҳалок бўлган жонзотлардан қолган нишонлар — уларнинг руҳидек туюлди менга!

Ҳа-ҳа, Раис бобо буларни кўчадан териб олгани йўқ. Бирлари ўлдирилган, бирлари қопқонга тушириб нобуд қилинган, хуллас, Раис бобонинг яқин кишиларининг иши бу: табиийки, унга хушомаддан шу ишни қилишган.

Ҳе, биродари азиз, буям ҳолва экан.

— Энди бу ёққа қара,— деди Йўлдош.

Бурилиб, ортимдаги деворга қарасам, ўнлаб қушларнинг — каклик дейсизми, чил, ҳакка, кумри, ҳатто жаннат чивинхўри деган думи узун қизғиш қушнинг ҳам чучеласи, яъни, мўласи саф тортиб турибди.

Худди тирикдай!

Кўзлари...

## 11

Энди Раис бобо билан «суҳбат»га қайтаман. Кичкина раис бургутни яхши кўриши, унинг чиройли экани ҳақида шошилиб айтди.

— Барибир бу ўлади, ўғлим,— деди Раис бобо.

— Ўлмайди! — деди Йўлдош йиғламсираб.— Шунчаки эркинликни, учишни соғинган.

— Йўғасам, кўйвор.

— Қизикмисиз?..

— Шу-да. Мен ҳам истамайман... Лекин бундан яхши чучела чиқади, ўғлим,— деди Раис бобо. Ўшанда мен «чучела» сўзининг маъносини билмасдим. Аммо бургутнинг терисига ҳам сомон тикилиши мумкинлигини ҳис этдим. Раис бобо сўзида давом этди: — Бўзмерганнинг ҳам фикри шу.

«Бўзмерганнинг?». Юрагим шув этиб кетди. Саройдаги хилват хона ва ундаги ёввойи ҳайвонлардан шилиб олинган терилару арралаб қоқиб олинган шохлар кўз олдимга келди: демак, бу ишларнинг бошида ўша одам турса керак.

— Керакмас ўша Бўзмерганингиз,— деб, энди барала йиғлаб юборди Йўлдош.

Унга кўшилиб менинг ҳам йиғлагим келиб турган бир пайтда, худо шоҳид, калламга яна бир фикр келдики, унинг амалга ошганини кўриб, бошим осмонларга етди.

— Раис бобо,— дедим қунишибгина.— Йўлдошбойнинг бургутни қафасда турган бўлсаям оёғи боғлиқ. Шу, қафаснинг анави томони очиб кўйилса-чи? Бургут ҳавога учарди. Тағин қайтиб келади. Агар ипи узунроқ қилинса...

— Ана, ана! — деб менинг кифтимдан кучиб олди Йўлдош.— Шундай қиламиз!

Раис бобо хўрсиниб, ўрнидан турди.

— Майли.— Кейин ижирганиб, айвон тўсиғига борди.— Галназар! — деб чақирди. Жавоб қайтмагач, ошхонага йўналди.— Сасиб кетипти ҳамма ёқ. Гўшт, гўшт сасипти. Димоғинг битганми... Вабше, сассиқ нарса бўлар экан бу. Тоғниям олисдан томоша қил, деганлари шу.

У киши вайсаниб, ошхонадан ҳам чиққач, иттифоқо кўланса эт ҳиди менинг ҳам димоғимга урилди. Йўлдош эса бурнини кафти билан тўсиб кулди.

— Мен сезмапман.

— Мен ҳам,— дедим.

— Лекин дадамни онам: «Сиз — сабачий ньюх» дейдилар... Таржимаси — «искович ит»га тўғри келади. Дадам асматик-да... Нафаси қисиб турарди. Дамқисар

хам.— Кейин залнинг эшигини баралла очиб юборди. Лекин фикридан чалғимас эди: — Дадам илгари Кишлоқ Хўжалик министрлигида ишлар эди. Шаҳарнинг ҳавоси тўғри келмай қолди... Уртоқлари шу томонларга кетишни маслаҳат беришди. Дадам ҳам шу тоғ ҳавосини истар эди. Хў, мен чақалоқ эканимда уларнинг дачаси шу ерда бўлган...

— Мана шу уйни айтяпсанми?

— Ушанда бунақа бўлмаган... Дадамга ачинаман. Лекин шу ерда яшашга мажбур. Менга бўлса жуда-а ёқиб қолди... Эй, дўстим, яқинда туғилган куним бўлади.

— Туғилган кунинг бўлса...— Кулманг, кадрдон, ҳозир ёли оқариб, балога ақли етадиган бўлиб қолган бу дўстингиз ўша вақтларда «туғилган кунни нишонлаш» деган гапнинг ҳам маъносини тушуинмасди.

— Имсини-да! — деди у.— Тўплапамиз. Ана, залда ўтирамыз! Онам чабуреки пишириб беради...— Йўлдошбой шу тариқа ҳар бир сўзи изоҳга муҳтожлигини сезмай сўзлар экан, мен яна бургутга тикилиб қолган эдим.

У эса бирданига ўқрайиб қолди. Бу ҳам етмагандай, қанотларини ёнида сал кериб, худди: «Урушасанми? Бир куч синашайлик!» дегандай панжарага етиб, бирдан тортилиб кетди. Сўнгра бир оёғи думи томонда қолганича тўхтаб, бағрини ерга бериб ётди. Шу ёнишида ўлжасини пойлаётган оч бир махлукқа ўхшарди.

## 12

Ҳамон ҳайрон, ҳайронлар бўламан, кадрдон. Бу банди қуш анаву жонсиз ҳайкалга нечук бунча қизиқиб қолди? Уни ўз қавмидан эканини сезгани учунми?

Балки, балки унинг уй тўрида эркин тургани ҳолда озодликка интилмаётганидан ҳайратда, балки ғазаби ҳам шундадир?

Кулманг, азизим. Биз ҳали паррандаларнинг тилини билмаймиз-у, туйғуларини қаёқдан ҳис қиламиз?

Эртаси томоша бошланди. Кишлоқ бўйича том бошига чиқиб олиб, Раис бобонинг қасри томонга қарамагани йўқ эди десам, муболағага ўтмайди.

Ўзингиз ўйлаб кўринг: ям-яшил қир остидаги зумраддек ўтлоқ ўртасида қад кўтарган оппоқ иморат устида — тепасида бир баҳайбат қуш айланаётир!

Шундай тез айланардики, боши айланиб йиқилиб тушмаганига ҳайрон қоласан!

Тагин: бир хил баландликда, тахминан бир арқон бўйи тепада чарх урмоқда ёввойи — йиртқич қуш! О, ана қаранг энди! Тоғнинг бағирларидан пистирма ичида ётган «миг» самолётлари каби сонсиз бургутлар елиб кела бошлади. Улар Раис бобонинг уйи тепасига етгач, секинлаб айлаанишга тушдилар. Улар баландда. Тутқин — оёғида капрон занжири бор бургут эса пастда... У титраб, чинқирок овоз чиқаради. Тепадагилар унга жўр бўлишиб, айримлари бандининг ёнидан учиб ўтишади. Учиб ўтишадигу бу «йиғитча»нинг не кўйга тушганига ақллари етмагандай яна баландлаб кетишади ва зорланиб овоз чиқаришади.

Мен сизга ўша манзараю ҳолатни қандай етказяман, билмайман, аммо ўшанда кўзларим гилқ ёшга тўлган, бироқ лабларим кулар эди: менинг «ихтиром» рўёбга чиқиб, шу туфайли бургутча эркинроқ парвоз этаётганидан бир қаноатим ҳам бор эди, бироқ... бунча шерекларининг ёпирилиб келишидан, инсон деган махлукнинг бир ҳайласи туфайли мағрур иниларни кўклай олмаётганидан ҳайрон бўлаётганлари мени маҳв этар эди.

О, инсон, бошинг омон бўлсин-у, нақадар маккорсан!

Дўстим, мен ҳозир ҳам тўлиқиб кетаётибман: у — ажойиб ва фожиавий бир манзара эди.

Тасаввур этингики, уни томоша қилаётганлардан кўпларининг юзларида кулгу бор, Раис бобонинг ўғли қилган ишдан фахрланиш, унга тан бериш бор, тагин: театр, телевизор деган нарсалардан беҳабар гумроҳларнинг лакмаларча анқайиши бор... ўй, мулоҳаза — йўқ эди, десам бўлади.

Бир маҳал бургут шундай айланишга берилиб кетдики, туйқус қафасга урилдими ёки хизматкор ишдан қаттиқ тордими — худди ўқ теккандек бир ағдарилиб

пастлай бошлади. Кейин уй атрофида худди ипга боғланган ажабтовур варрак каби айлана-айлана айвонга тортилди.

Мен тасаввур этдим: бургут ўз қафасида ҳансираб ётибди шу тобда. Илло кўпдан бери бундай парвоз қилмаган! Шубҳа йўқки, шу тобда меҳмонхона эшиги очик, у ерда Раис бобогина эмас, у кишининг хотини ва ўғли ҳам бор.

Шубҳам йўқки, толиққан, ип тортилганда, бирон ери балки шикастланган бургут яна зал тўрига кўз тикиб қолган. Балки энди қушнинг вазоҳати, бурунгидан ҳам баттардир: ахир, ўзи кўкларда парвоз этиб келди.

Анави нотавон эса, ҳамон уйнинг тўрида қотиб, кўзлари ловуллаб турибди.

### 13

Худди шундай бўлган экан, қадрдон.

Йўлдошбойнинг туғилган куни муносабати билан чорланган меҳмонлар, яъни, «айбдор»нинг падари бузрукворию волидан муҳтарамаси, тагин иккита фельдшер билан Йўлдош ўқийдиган синф раҳбари ва биз жужуқлар — ҳе, стулда тўғри ўтиришни билмайдиган, айримининг оёғи ерга тегмай тагига қатлаб олган қишлоқ шумтакалари даврасида бургутнинг илк бор узун ипда учирилгани ҳикоя қилинар эди.

— Менимча, шу ҳайкални ёмон кўриб қолган, — деди Раис бобо инжиқланиб. У киши даврадан туриб кетишни истар, аёли қўймас, афтидан, яна уч-тўрт дақиқа ўтиришга ундар эди. — Буям одамзодга ўхшайди-да, — деб давом этди у киши. — Чиройли бир гўшада яшаётган кишига бошқаларнинг рашки келади.

— Шундай-шундай, — деб тасдиқлашди дўхтирлар. Ўқитувчи эса иримиға яраша:

— Шундай қилманглар, болалар, — деди бизга. — Рашк яхши фазилат эмас...

Чоғимда, Йўлдош ҳам уларнинг сўзидан ўзига тегишли маънони чиқариб ололмаётган эканми, гапни бўлиб:

— Вей, ўша куни ёввойи бургутлар бирам қочиб қолишди! — деб кулди. — Кейин о-осмонга чиқиб кетишди. Кейин секин-секин товуш чиқаришди. Кейин буям секин-секин ингради.

Ёспирай, унияш кўзи ёшга тўлиб кетди. Ҳаммамиз бир сония тинч қолдик.

Шунда Йўлдош улуғ бир хулосани айтди:

— Дада, онажон, бугунги кун меники, менинг гапимни қиласиз, тўғрими? — Меҳмонлар ҳам «тўғри» деб тасдиқлашди. Мен унинг чехрасидаги нурли бир изтиробни кўриб ҳайратга тушдим. Гапни ҳам жуда улуғ одам қазо қилганида сўзлаётган нотикдек тантанали ва фожиавий тарзда бошлаганди-да. — Шу бургутни, шу қушни, — дея титраб ўрнидан турди. — Ҳозир қўйворайлик... А, жўралар, тўғрими гапим? Биз уни, йўқ, сизлар уни тутиб олдинглар. Мен... биз уни тузатдик...

Бизга бирдан жон кирди-ку!

— Қўйвориш керак! — дедим.

Бошқа болалар ҳам ўз мулоҳазаларига кўра бу фикрни, яъни Йўлдошнинг илтимосини маъқуллаб Раис бобога қарашди. «Зиёфат айбдори»нинг онаси ҳам бу фикрга ҳайрон эканини яширмайдиган бир назар ила эрига боқарди.

Раис бобо мийиғида кулимсирар экан, пешонаси тиришди. Касалванд қиёфаси тагин мискин бир тус олди.

— Раҳмдиллик — яхши нарса, — деди. — Сизларнинг ёшларингда бўлганимда, мен ҳам шу фикрни айтган бўлардим эҳтимол... Бироқ, йигитчалар, билиб қўйингларки, бизнинг фалсафамиз — ҳамма нарса Инсон учун, дейилади. Табиат ҳам, гуллар ҳам, мана шу бургут каби қушлар ҳам... Улардан завқланишимиз лозим. Ана шунинг учун ҳам бизда зоопарклар бор, кўриқхоналар бор. Биз ноёб паррандалар ва камёб ҳайвонларни асраймиз. Тўғри, уларнинг жайдари бўлишлари шарт эмас.

— Албатта, албатта, — деди ўқитувчи. — Циркнинг йўриғи бошқа.

— Балли, — деб давом этди уй эгаси. — Лекин биз бу шунқор қушни хонадони-



мизга ўргатмоқчийдик. Бир ҳисобда шунинг учун ҳам унинг бу ерда туришига рухсат этувдим...

— Лекин ўрганмади. Ўрганмас экан, — деди Йўлдош отасининг нима демоқчи эканини англагандек. — Бўзмерган ҳам айтдилар... менгаям айтдилар...

— Ана бу бошқа гап, — деб яна табассум қилди отаси. — Демак, бунинг жойи — бу ер эмас.

— Демак, бунинг жойи — тоғ! — деб юборди Йўлдош ва мен енгил тортиб кетдим.

— Э, йў-ўқ, — деб бош чайқади отаси ва... Йўлдошбой йпглаб юборди.

— Бунинг жойи, бунинг жойи... сарой-да, а? Айтинг, тўғриси, дада! Айтинг... Йўқ, айтмайсиз ҳозир. Аммо мен биламан: сиз бунинг терисини шилиб, Бўзмерганга берасиз. У устасига обориб, чучела қилдириб келади. — Раис бобо оташин бўлиб, гулдираб ўрнидан турди. Онаси Йўлдошнинг билагидан ушлаб бир нималар деб ёлворди. Энди Йўлдош ўзини тўхтолмас эди: — Чунки бу — ноёб қуш, а, дада? Шунқорлар авлодидан! Ёки қарчиғайлар туркумиданми? Дада, деяман! Ана кўрасиз, қўйвораман шунин...

Эшик оғзига етган Раис бобо ўғлига илкис қаради.

— Ўзингни босиб ол. Меҳмонлар бор... Жўраларингниям биринчи марта келиши. Кансерт кўрсатма, ўғлим. Ҳа, бир гап бўлар. Ундан кўра, таомга қаранглар, де. Еб-ичиб ўтиринглар. Кейин, ана, бургутингни учир. Онанг бир тасмага: «Ўғлим, туғилган кунинг муборақ!» деб ёзиб қўйипти. Хизматкорни чақир, унпям бургутнинг оёғига боғласин. Кейин учиринглар.

Раис бобо чиқиб кетди. Салдан кейин уй бекасининг имоси билан меҳмонлар ҳам туришди, яъни, катталар кўзгалашиб, бошқа хонага ўтадиган бўлишди.

Биз болалар ҳам бенхтиёр ўрнимиздан турган эдик: ўзимиз қўлга туширган қарчиғайни, йўқ — шунқорни, бас, бургутни ўз кўлимиз билан ҳавога учуриб томоша қилишни истардик.

Албатта, уни буткул озод қилиш — фақат Раис бобонинг иродасига боғлиқ эди.

## 14

Хулласи калом, бургутни учирдик. Вай-вай, бундай гўзал манзарани кўриш кинга камдан-кам насиб этади: бургут парвоз қилиб айланаётир, бошқа оёғига боғланган оқ тасма ҳилпираб эргашган, ундаги қизил ёзувлар кўриниб-кўриниб қолади.

Вей, бундай манзарани кўрганмисиз? Бунинг тўқиб чиқариб ҳам бўлмайди, дўстим!

Аммо ўзи жўнгина муносабатлардан келиб чиқди... Ҳа, ҳамма буюк нарсаларнинг отаси — соддалик.

Бироқ, жиндак хаёлга толсангиз, шу манзара ҳам фоже манзара эканини уқасиз: биз дўстимизни кўкдан туриб табрикляймиз! Яхши. Кўпга кирсин Йўлдошбой.

Аммо банди-занжирбанд бургутдан фойдаланяймиз-ку? У қушнинг бағри қон-ку?

Биз — пастда қийдириб чанак чалаётганларга қараб у, агар ақли бўлса, нимани ўйлаган бўларди?

Шубҳасиз, биздан жирканар, нафратланар эди бу — гладнатор бургут...

Лекин сал вақт ўтмасдан томошанинг пачаваси чиқди: йиртқич қуш ортидан илон каби чирмашган нарсани пайқаб қолиб кўрқиб кетди, шекилли, шундай учушга — айланишга тушдики, мотори бузилган «миг»дан фарқи қолмади. Ёки шамол оқимиға тушиб қолгандек ҳаракат қила бошлади: дам пастлаб кетади, дам юқорилаб ва бирдан тўхтаб тесқари томонга учади.

Хуллас, шўрлик бургут думиға пақир боғланган қандайдир махлуқ ҳолиға тушди.

Нагижа шу бўлдики, толиқдими, бошқа бир нарса таъсир этдими, секинлаб-се-

кинлаб, яна-да секинлади-да, шундай осилди-қолди. Боши пастда, қанотлари қайрилиб тумшугига тушган. Худди ўлаётган каби эди.

Томда туриб челақдан лой тортган сувоқчидек уни тезда тортиб айвонга чиқардик.

У қанотларини ёзиб ётиб олди.

Вой, нақадар ночор кўринди у менга!

У касал эмас эди, йўқ — банди энди: биз уни банди қилгандик, биз...

## 15

Биз болалар залдаги дераза пардаларини тушириб, нимқоронғиликда фосфор бургутни томоша қилиб, хаёлимизда у туфайли кўзгалган ҳар хил афсоналар, олди-қочдиларни эслаб, айна чоғда ҳайкалнинг қизил кўзларидан ҳайқиб, шу боисданми, паст овозда гаплашиб ўтирардик.

Боя бургутни ўз ҳолида қолдириб, катак эшигини ҳам ёпмасдан кирган эканмиз: бир пайт патир-путир қилиб ўзини нари-берига ура бошлади-да, биз ташқарига чиққунча у ҳавога парвоз қилди. Қараб қолдик.

У жуда оҳиста учар эди. Таажжуб: бояги чарчоғидан асар ҳам йўқ эди. Кўкда бир оз тўхтаган бўлиб, титроқли овоз ҳам чиқарди. Бояги бургутлар (боя тасма билан учирганимизда ҳам бир неча шериги кўкда пайдо бўлган эди) яна аллақайлардан етиб келиб, тагин баландда айлана бошлашди. Биз ихтиёрсиз бир тарзда унинг осмонга интилишини кутардик. Лекин у интилмас, шу баландликда учишга ҳам рози бўлган каби эди.

Бироқ, тепани кўйиб, тобора айвон қаршида айлана бошлади. Ниҳоят, айвонга кириб ҳам ўтди.

Биз бундан қувониб ҳам кетдик: назаримда, бургут «ўз қафаси»га ўрганаётган каби эди.

Бир маҳал қарасам, ёши улуг меҳмонлар ҳам ошхона деразасидан қараб томоша қилишяпти.

Капрон чилвирининг учи Йўлдошбойнинг кўлида эди. У дамо-дам: «Уч! Бургутим, уч!» деб гўё далда берар, биз ҳам унинг сўзини такрорлар эдик.

Ана шундай анқайиб-антрайиб, қувониб-суюниб турган чоғимизда шунқор, йўқ — қарчигай, ундай эмас — бургут яна айвон ичида разведка қилгандай учиб ўтди-ю, бирдан шитоб билан айлана кетди. У айланаяпти, бизнинг ҳам бошимиз айланади. Худо урсин, кўзим тиний деганда, уни яна, ҳа, демак, охириги марта тепамда кўрдим, холос.

Кейин, меҳмонхона тўрида тақир-туқир бўлиб кетди. Ичкарига кирсак, фосфор бургут чил-чил синиб кетган, бизнинг шоввоз эса телевизорнинг оёғи остида қанотларини ёзиб жонсиз ётибди.

Меҳмонлар ҳам орқамиздан киришган эди. Унинг тепасига келишди.

Йўлдош қушга эгилганча қўлини тегизишни ҳам, тегизмасликни ҳам билмай ҳижиллаб тураркан, Раис бобо келиб тиззаларига кафтини тираган кўйи қушга бир муддат тикилди-да, хўрсиниб қоматини кўтарди.

— Тамом бўпти, — деди. — Саройга обориб ташлаш керак... — Ниҳоят, телевизор устига, кейин атрофда сочилиб ётган ҳайкал парчаларига боқиб, ачиниш билан бош қимирлатди. — Эсиз ҳайкал.

Кейинги куни, тонг пайти эди, уйимизнинг деворини биров дукиллашиб урди. Мен сигиримизни подага қўшиш учун уйдан чиқаётган эдим. Айвон четига бориб, уй ортига қарасам, Йўлдошбой бўз отида турибди. Олдига пахмоқ адёлга ўралган бир нарсани ўнгариб олган. Кам ухлагандек қовоқлари шишиб кетган.

— Муни, муни нима қиламиз? — деди. — Отам чучела қилдиради барибир...

— Ҳим, эслатиб туради, ёмонми? — дедим.

— Йўқ, эслатмасин ўзини... Барибир ёдимда қолди энди. Бунга яна азоб бершмасин.

Кўзим чарақлаб очилгандек бўлди: дарҳақиқат, тўғри айтаяпти бу!

Калламга келган илк фикрни айтдим:

— Кўмамиз.

— Ҳа,— деди у.

— Сен шийпонга боравер бўлмаса. Мен бу ёкдан ситирди ҳайдаб чиқаман.

— Майли. Хув, ўша кулба-я?

— Ўша.

... Атрофини сиз тўр билан ўраш ҳам одамларнинг ҳаёлига келмайдиган, тўғрироғи, бу ҳолни ҳаёлларидан чиқаришган, яна-да тўғриси, бунга рухсат этишмайдиган, бундан ҳам тўғриси — обод қилишни ўйлаган одамни қишлоқдан бадарға этилишига сабаб бўладиган қабристонга етиб борганимда, Йўлдошбойнинг ёнида Тўракул, яна бир-икки бола бор эди.

Биз хас-хашақларни еб юрган эшакларни ҳайдаб юбориб, қабристоннинг тоғ томонига ўтиб, чўккан бир гўрни кўрдик. Унда одам суяқлари бўлса керак, деб ўзимиз гўр қазилга киришдик. Биримиз чўп билан, биримиз плугнинг занглаган тиши билан хўп унаиб чуқургина лаҳим қаздик.

Кейин сор бургутни аёлга яхшилаб ўраб лаҳимга қўйдик-да, кўмдик.

Қабристонда шаҳид ўлганларнинг, яъни, ҳув граждандар уруши даврида Озодлик, Мустақиллик йўлида курашиб ҳалок бўлган «босмачи»лардан ҳам бир нечасининг қабри бор, халқ уни пинҳон тугар, биз жужуқлар ҳам бировга оғзимиздан гулламас эдик: уларнинг белгиси — бир қулоч чўпу ярим газ чурук бўз эди.

Бу фикр мендан чиқди десам — хато бўлар, ишқилиб, қайсимиздандир чиқди:

— Туғ қадаб қўяйлик, а?

Биз ўзимиз англамаган ҳолда озодлиги йўлида қўп интилиб, бағри қон бўлиб, ҳалокатдан ўзга чора тополмаган, шу ишни ҳам ўзига хос бир тарзда адо этган сор бургутни баайни «шаҳид» деб дафн этган эдик.

*Тошкент, 1996 й.,  
Дўрмон.*

Усмон АЗИМ

## Яшаш — жасорат

### БОШҚА САВОЛЛАР, БОШҚА ЖАВОБЛАР ВА БИР ХУЛОСА

**Ў**лган одам ўлиб кетмайдими? Нега тушларимга кирасан? Нега хо-муш ўтирасан тушимда? У дунёда ишларинг қандай? Нима ёқмаяпти сенга? Ҳақиқат нималигининг тагига етдингми? Ёки унинг таги йўқ эканми у ерда ҳам? Фаришталар ҳақиқатдан ҳам фариштами? Дўзахда кимлар ёнаяпти? Устод Дантенинг ёзганига ишонаверайми? Бу дунёдагиларга нима дейин? Қорин ғами у ерда ростдан ҳам йўқми? У ерда ҳатто қориннинг ўзи йўқлигини ҳаммага айтаверайми? Рухнинг нималигини билдим, аммо вужуднинг нималигидан гапир? Нега бош чайқайсан? Фақат савол берган икки дунёга ҳам ёқмайдими? Бўлмаса, биргина саволга жавоб бер — дўзах қайси дунёда?

Осмонда булутлар. Ёмғир ёғиб турибди. Кўз ўнгимда ўсаёпти майсалар. Қандай самимий уларнинг яшаш тарзи. Фақат чиндан иборатга ўхшайди бу ёлғон дунё. Ҳамма саволлар бежавоб. Яшашнинг шуниси қизиқ. Қизиқ — мияга қон қуйилиши. Юракнинг ёрилиши қизиқ. Ҳаммасидан қизиғи — ўзини осиб қўймоқ. Ўта қизиғи — бир-бирини отмоқ. Чидаб бўлмайдиган ўта қизиғи — отмасдан ўлдириш. Энг қизиғи эса — гўдақларнинг туғилиши. (Эҳтироф этинг шуниси — жуда қизиқ!) Эндиги масала — саволлар ёдимизда туришида. Жавоб муҳимдир, аммо энг муҳими — савол. Хотирамиз эса бедарак кетган. Агар у саломат бўлганида, аниқ биларди — дўзах қайси дунёда эканлигини. Бироқ биринчи галдаги вазифа — саволларга жавоб бермаслик. Жаннатда яшайверинглар. Сен эса тушимга кирма. «Савол — ўзликни англамоққа тангри юборган иноят» деб ким айтди?

Гуноҳкор!

\* \* \*

Қўлга ўргатилган бўри бу — кучук,  
Қорни тўқ — сарқитнинг ҳар хили... Ялоқ...  
Собиқ бўри, қани думингнинг учи,  
Собиқ даҳшат, нега кесилган қулоқ?

Бўйнингда нишонлар — обрўйинг аъло,  
Ўзлигидан кечган шунча азизми?  
— Бўри! — деб чақирдим — қилмади парво,  
Ит! — дедим... Қаради... Ишонасизми?

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

132

\* \* \*

Қора булутлар уфқдан судралиб келар.  
Қушлар сайрашдан тўхтайти.

Ёмғир ёғади ҳозир.

Хонамга кириб ўлтираман энди.  
Оқ қоғоз оқлиғича қолаверар.  
«Қалайсиз?» деб  
эшикни очмайди болам,  
Чой кўтариб  
кирмайди хотиним.  
Деразада  
ийғлаётган ёмғирнинг  
ёшларини артай десам,  
ўртамизда  
пиша бор.

\* \* \*

Агар қийналсанг.  
Ушбу сатрларни ўқи:

Умр — фақат тоқат,  
Умр фақат — тоқат,  
Умр — фақат тоқатдир...

Агар ночор қолсанг,  
Ушбу сатрларни ўқи:

Яшаш бу — жасорат,  
Яшаш бу — жасорат,  
Яшаш бу — жасоратдир...

Агар хиёнат бошинга тушса,  
Ушбу сатрларни ўқи:

Шеърият бу — мардлик,  
Шеърият бу — мардлик,  
Шеърият фақат мардликдир...

Агар ёлғиз қолсанг,  
Ушбу сатрларни ўқи:

Мен билан оллоҳ бор,  
Мен билан оллоҳ бор,  
Мен билан фақат оллоҳ бордир...

\* \* \*

Охир ғолиб келди кўнгилнинг майли...  
Энди тирилайми, энди ўлайми?  
Сукут сақлайинми, бақирайми ё? —  
Гоҳида зим-зиё, гоҳо сим-сиё  
Сен кезган дунёю мен сезган дунё...

Мен сенга ғарқ бўлгим келмоқда бу дам,  
Худди ёзда адо бўлгандай кўклам.

Ўзини сингдириб, ўзини ёйиб,  
Ариқ боғ бағрида бўлгандай ғойиб —  
Ҳар бир гиёингда кўкариб бирдан.

Қушдай ҳаволарга боримни отсам,  
Ўзимни йўқотсам, сенда йўқотсам.  
Топганим ҳеч бўлса, арзимаган ҳеч...  
Менинг руҳимдан бу телбалиқни еч —  
Қандай чидаб бўлмас, бетўхтов додсан?

Титрайди кўларинг, титрайди лабинг,  
Титрайди барг қаби лабингда гапинг...  
Сўз — етмас... Ўзбакнинг тили барбоддир!  
Кетасан... О, қолган қандай ҳаётдир?  
Алвидо бўсада оғриқнинг тафти.

Дунё кетишингга тўлди... Қайтмагин!..  
Юрақни ҳижронга энди кўндирсам —  
Йиғлаб шеърлар ёзсам бир умр... Тагин  
Келар йўлларингга қараб ўлтирсам...

## ШАВКАТ РАҲМОН ХОТИРАСИГА ШЕЪРЛАР

### 1

Бу дунё — ёлғон дунё.

— Шавкат, айрилиқ ёмон...  
— Айрилиқ — ёмон.  
— Наҳот, бу дунё — ёлғон?  
— Ёлғон... Ҳа, ёлғон!

— Шунчалар ёлғонмидир,  
Дўсти хазонрез,  
Бу дунёни тарк этдинг,  
Ростни кўмсаб — тез.

Шавкат, айрилиқ ёмон...  
— Айрилиқ ёмон...  
— Наҳот бу дунё — ёлғон?  
— Ёлғон!.. Энг ёлғон!

— Ёлғондан — бир умрли  
Дордан қочдингми?  
Ростга ҳаммадан бурун  
Қучоқ очдингми?

Наҳот, айрилиқ — ёмон?  
— Усмон, кўп ёмон.  
— Бу дунё...  
— Ёлғон! Ёлғон!  
Энг улкан ёлғон!

— Ҳижрон жондан ўтди, қайт...  
— Усмон, энди кеч...

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Ёмонга чидаш мумкин,  
Ёлгонга-чи? Ҳеч!..

## 2

Ўтгиз қушми? («Лиссон ут-тайр»)  
Ё қирқ қушми? (Бу — энди достон!) —  
Водийларни этолмас сайр...  
Бир мен қолдим қушлардан омон.

Аммо хануз қоқарман қанот,  
Уфқ сари гавдам чўзилган —  
Қуш тилини тушунмас ҳаёт  
Хавотирда боқар кўзимга.

Саф-саф учган қушларнинг сафи  
Ботиб борар «Борса келмас»га...  
Орзулардан ёдгорлик каби  
Мен бир ўзим қолдим ўлмасдан.

Йўқ, Семурғлик этмади насиб!  
Гарчи биздан сезгани йўқ хавф —  
Чархнинг ўзи чангалин ёзиб,  
Парвозларни этаётир маҳв.

Қандай учдик Ҳақ сари, Шавкат! —  
Ҳақиқатни тугиб кўнгилга,  
Бошни эгиб худога фақат,  
Таслим бўлиб фақат ўлимга.

## 3

Жонингга, қушим не хатар етди?  
«Сўнг сафар они» деб қадар етди.  
«Гар ўлим жонини олдию, бироқ  
Парвози қолди» деб хабар етди.

## ЯНА БИР ЭРТАК

Эртак айтди: «Бу девнинг жони кабутарда. Нафас чиқарса, учиб чиқади. Мен пойладим. Нафас чиқармади, фақат нафас олди бу дев. Бутун дунё кирди нафаси билан девнинг ичига. Не-не орзулар, не-не армонлар, не-не умрлар...»

Мендан бошқа ҳамма нарсани ютди. Мен пойладим. Мени пойлади у. Бир салчиб ёпишди юрагимга. Қанча кўшини, қанча махфияти, қанча даврони бор чангалида — юрагимни эзғилар. «Сен — кабутаримсан! Сен билан нафас оламан! Сен менинг жоним бўлмоғинг керак!» — қичқиради у.

Дев билан юрагим тенгсиз курашда. Қисирлаб синади қанотларим... Майли, учмасам ҳам яшайман. Алаmidан баъзан безаради дев. Бармоқлари асабий қалтирар, юрагимга ботиб. Кучи етмайди...

Юрагимда парвардигор борлигини сезмайди у бефаросат.

\* \* \*

Қаю қисмат боғлади,  
эй, дил, бизни сахро томон.  
Биз — қайиқмиз, юр борайлик,  
сузғали дарё томон.

Биз оқиб ўтмоғимизни  
бирпас тасаввур айлабон,  
қум соҳилда «оҳ» урайлик  
ўтрилиб дунё томон.

Боргин, эй, суз ўртада —  
гирдоб уурса қўрқмағил,  
дахшати келса яқин,  
дил, қочмағил авло томон.

Ҳар мавжнинг зарбида  
тангрини ёд айлаким,  
Насиб ўлғай, охири  
сен ўлғуси пайдо томон.

Оҳ, қайиқнинг қисмати  
ҳар дам фалокат измида,  
англаю отғил ўзингни  
шаршара — савдо томон.

Бул наҳр — руҳим маним —  
Бир кун висолга етказар,  
Тангриким, солғай назар  
мендай ғариб шайдо томон.

Дўст, суҳбату май базмида  
бизни наҳрдан излама,  
биз баҳрга етдигу  
кетдик у танҳо томон.

## ЯНА БИР ЭРТАК ЁХУД МАНГУ ҲАҚИҚАТЛАРДАН БИРИ

Тун. Подшоҳ фақир либосида юрт айланар.

Чойхонада  
чойхўрлар латифа айтаяпти.  
подшоҳ ҳақида.

Майхонада  
шоирлар шеър тўқияптилар  
озодликни соғиниб.

Камбағаллар  
кулбаларда  
салтанатни қарғаяптилар.

Саройларда  
бойлар

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

136



саноч-саноч олтинга суяниб  
подшоҳга дўст бўлмоқни орзу қилишар.

Мухолифлар  
мажлис қурмишлар  
салтанатнинг иштиёқида.

Подшоҳнинг суратини кимдир  
уйининг пештоқига  
осиб қўйибди —  
теграсини гулларга ўраб.

Подшоҳнинг суратини кимдир  
ахлатхонага ғижимлаб отган.

Энг қувонарлиси,  
ўғрилар миршаблардан қўрқиб  
(ишонинг, қўрқиб!),  
пусиб юрарлар  
кўчанинг қоронғу чеккаларидан.

Энг қувонарлиси,  
Ҳамманинг боши елкасида!

Кўрқув йўқ.  
Осойишталик.

«Худога шуқур!  
Мамлакат обод!..» —  
ўз-ўзига гапиринар подшоҳ.

Тонг. Подшоҳ ўрдасига қайтар.  
Ва фақирлик либосини ечмай  
ўлтирар узоқ.

«Ишдан бўшайман» деган  
жаллоднинг  
аризасига қўл қўймайди бироқ.

Ҳар эҳтимолга қарши.

\* \* \*

Туннинг тасвирига юрагим эпсиз.  
Қоғозга кўчирсам — ўчгайдир ранги.  
Осмонда тўзғиган юлдузлар — чексиз  
Мангулик қоврилган оловнинг чанги.  
Қарайман... Тиралар манглаймга тун,  
Шундоқ ажинларнинг кирар қатига!  
Бир кудрат — бешафқат, ханжарсўз зуғум  
Қисматимни қўшиб тунга чатиган.  
Эй, умид! Руҳимга бағишла қанот!  
Бир тизим нур, ана, кўнгилнинг роҳи.  
Кеча — кундуздан ҳам — илоҳий ижод —  
Беэшиқ қолгандай дунёнинг чоҳи.  
Бошимда айланар сир-саноатлар.  
Зулматнинг қаърида чексизлик ўсар.  
Тутди жону жисмим шаън муножатлар —

Гуссага тўлганман! Бўлмайди бўшаб...  
 О! Замин юзидан чекингин, риё!  
 Ахир, узилмоқда илдимиз тандан!..  
 Ахир, қандай ухлай? —  
 Кўз юмсам гўё  
 Ҳамма юлдуз учиб кетадигандай...

\* \* \*

Кўшиққа кўчмаган одам одаммас.  
 Кўчадан бораман — кўшиқлар гавжум:  
 Бири — кўз ёш каби — янграйди бесас,  
 Бири жонни ўртар сукутнинг авжи.  
 Бир кўшиқ — елкаси мункайган нидо,  
 Кўзлари чақнайди — бир кўшиқ — жасур.  
 Бир наво — пошшодир, бир садо — гадо,  
 Бир оҳанг — арузда, бир баёт — мансур!  
 Инсоният — маним кўшиқзоримсан!  
 Миллиард оҳангларда тентиган чолғу,  
 Менинг юрагимга тинмай урилсанг,  
 Қуйламай бу юрак не қилсин, ёху!  
 Ёху!.. Қуйламоқдан тўхтатдинг нечун?  
 Сен — кимсан? Кўшиққа айланмаган зот?  
 Сен қандай бечора — оҳангдан маҳрум?  
 Сен қандай руҳдирсан — ўлган бенажот?  
 Жаллодлик қилдингми, дорлик қилдингми,  
 Ёхуд адолатнинг буздинг тартибин? —  
 Шул сабаб кўшиққа торлик қилдингми  
 Муסיқа тарк этди умринг таркибин?  
 Ўтган йўлларингда хиралашар нур,  
 Ҳаёт салқи тортар, тўхтайдди шамол.  
 Даҳшати шундаки, борасан мағрур —  
 Худди бу дунёнинг эгаси мисол.  
 Борасан — ҳаётнинг равиши қулай,  
 Сени ололмайди ҳеч ким ўртага —  
 Чунки одамизот куйлар пайдар-пай,  
 Турфа оҳангларда, турфа пардада!  
 Ҳаммани куйлатгим келди баробар,  
 Аммо бу фикрдан руҳим яхлади,  
 Кўшиқлар «ух» тортди бирдан саросар:  
 — Худо бир сақлади! Худо сақлади!..

\* \* \*

Юрагидан ўрлаган нурдан  
 Тирмашади фалак сари Шарқ.  
 Музлаб қолган бадбахт шуурдан  
 Қоронғуга тўрт тарафи фарқ.  
 — Аналҳак!..  
 Ҳақ —  
 Сўзга кўчган ҳақ,  
 Ҳақ нафаси — шеърдаги ғурур...  
 Курбонликка умрин этиб тахт,  
 Дор тагига боради Мансур.

Тўхтаб қолди замоннинг руҳи,  
 Фалак билан узилди суҳбат.  
 Қалбнинг қайдан келганин уқиб,

Машраб топди ўзида қурбат.  
 Рост сўз эрур — тангри сифати,  
 Илҳом — учмоқ — Ҳақ сари — тошқин.  
 Машрабнинг ҳам етди навбати —  
 Ҳады этди дунёга бошин.

Алдоқ билан тўлди ер юзи,  
 Манглайдан ўқ еган — номус.  
 Ўзбекнинг эрк истаган сўзи  
 Ўлим билан чиқди юзма-юз.  
 О! Озодлик! — тангрининг иши! —  
 Қурбонликка тошшироқлик жон!..  
 Типирчилар тупроқни қучиб,  
 Сўнгги тоши қўлида Чўлпон.

Маним ҳамма ғурурим йитди,  
 Юракларим тўла оғир мунг.  
 Замон билан ҳисобим битди —  
 Саволимга жавоб бермас — гунг!  
 Оллоҳ ишқи эсар беминнат,  
 Урилади қалбга — елканга.  
 Не гуноҳим бор эди фақат,  
 Ҳали-ҳануз бошим елкамда...

\* \* \*

Майда русумлардан тамом кечасан,  
 Дилда қолдирасан туйғунинг аслин —  
 Устингдан дунёни аста ечасан,  
 ҲАВО қиёфада бўласан таслим.  
 Яшалган кунларнинг барчаси унут,  
 Келажак кунлардан ҳайқиш йўқдир.  
 Бизнинг ҳаяжондан чиқади униб,  
 Муҳаббат яратган бир ўжар тақдир.  
 Музу оловларга кирамиз қулиб,  
 Бир ёнда Кабиру бир ёнда Сибир...  
 Фақат юракларга боради тўлиб,  
 Юксак фалаклардан тўкилган шивир.  
 Тўфонлар бошланар — тўзиймиз сасдай,  
 Қумнинг заррасидай... Қайдасан қайда?  
 Жодининг дамига дуч келган ҳасдай  
 Ҳамма бахт бўлади майдаю майда.  
 Дунёнинг тубига ташлайди нигоҳ,  
 Тунларга тикилиб ҳориган кўзим —  
 Қанчалар даҳшатли эсимдасан, о!  
 Қанчалар даҳшатли унутман ўзим...

\* \* \*

Мангу арчазорнинг шундоқ четида.  
 Мангу яшилликдан тинглаб мангу куй,  
 Бир уйча яшарди тоғнинг бетида...  
 Кўп бўлди кўрмадим... Бормикан шу уй?  
 Менинг бир хаёлкаш дўстим қурганди —  
 «Усмон келарида олар» деб ҳордиқ...  
 Бир кеча у уйда даврон сургандим.  
 Бордай туюлганди дунёда борлик.  
 Гулхан теғрасига дўстлар бўлиб жам,  
 Шодон чехраларда липиллаб шуъла,

Суҳбат қургандилар мастона, бекам,  
 Кимдир айтган эди бесўз ашула.  
 Даралар тун билан тўлган эди лим,  
 Чўққилар тутганди кифтин фалакка.  
 Бир четда фақат уй турган эди жим,  
 Ҳар бир лаҳзамизни тугиб юракка.  
 Бир дардда хуйламоқ нақадар осон,  
 Эвоҳким, кўнгилда оғриқлар ғужум...  
 Ўша уй бормикан?.. Жўнайсан шу он,  
 Ичида — бекиниб — йиғламоқ учун?  
 Борсам, о, албатта ёқади чирок,  
 Тоғлардан нарига ҳайдар ғанимни.  
 Менинг ёшларимни артолмас, бироқ  
 Ҳеч кимга айтмайди йиғлаганимни.  
 Кетарда кўзимда порлайди ёлқин,  
 Уй эса хатарда қотади у дам:  
 — Мен-ку тоғлар билан Бойсинда қолдим,  
 Тоғларсиз қайларга кетди бу одам?  
 Оқибат умримда хувиллаган дашт —  
 Ёлғизлик! Рухимга шамолингдан қуй!  
 Кўнглимда тугамай худо берган гашт,  
 Бориб тўкилайин — бормикан у уй?  
 Тоғлари қум бўлган дунга басма-бас,  
 Қумдай эзилмасдан, ҳар қисматга шай —  
 Дўст қурган ул уйга етай-да, бесас  
 Деворига бир дам ҳорғин суянай?..

\* \* \*

Ортимдан боғ қолмайди — мен ўлиб кетсам,  
 Беошкор «оҳ» қолмайди — мен ўлиб кетсам.  
 Бор қайғуни олиб кетгум бу дунёдин,  
 Дунёда доғ қолмайди — мен ўлиб кетсам.  
 Эй, соғ, ёндир шеъримни! — ишқ шеваси ул.  
 Соғ ўқиб соғ қолмайди — мен ўлиб кетсам.  
 Не қарони оқ этдим бахтқаролиғда,  
 Қаросиз оқ қолмайди — мен ўлиб кетсам.  
 Ўлиб кетсам уланур бул икки жаҳон,  
 Мангу фироқ қолмайди — мен ўлиб кетсам.  
 Қайтгум бир кун фанодин бир парвонадек,  
 Ўчган чироқ қолмайди — мен ўлиб кетсам.  
 Усмон йитсин деб ўлдирдинг, ўлим — ҳақдир,  
 Ҳақиқий роҳ қолмайди — мен ўлиб кетсам..

\* \* \*

Дилимга бир соғинч тушди беовоз —  
 Лаҳзада унутдим сўлу соғимни.  
 Юрагим сесканди, энтиқди ноҳос —  
 Қайси нотаниш дўст мени соғинди.

Ошкор соғинишининг ўтгандир фасли,  
 Меҳрим — ботинликда, манзилим — четда.  
 Менга — адо айлаб ғойиблик расмин —  
 Қайси юраклининг юраги етди.

Ёлғизлик ғамига интиқлик ҳамроз —  
 Воҳ, жоним қоврилди тиниқлигида! —

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

140

Биров соғинганин мен сездим холос  
Бугунги ёнишнинг илиқлигидан.

Юракни очгани дўсти ғариб бер,  
Энди илҳомимнинг йўриғи — сукут.  
Мен ўзим ўзимга пичирлайман шеър —  
Пинҳон садоларга тўлди бу вужуд.

Кўзимни юмаман. Сезади дилим  
Менинг азобимдан яралган байтни —  
Ҳамма фалак сендан чўчиди, гулим —  
Ўзимнинг соғинчим — ўзимга қайтдинг.

\* \* \*

Ёруғлик — опшоқ тул —  
лаҳзада сўлди.  
Васлига тўймадим —  
адо бўлди кун.  
Иш билан  
мия ва қўлим банд бўлди  
шом бўйи...  
Соғинчда ўлмаслик учун.  
Дунёни  
жимгина  
қоронғу босди,  
Руҳимга жимгина  
инди бир ғусса.  
Сенинг соғинчингда  
мен шеърлар ёздим —  
қайтиб келар  
шеърни  
соғинган  
бўлса...

\* \* \*

Қийин бўладими, ва ёхуд осон,  
Тобут бўладими, ёки бетобут —  
Абад қайтмас бўлиб кетсайдим бу он,  
Ҳатто тушларингга кирмасдай бўлиб...

Юнус РАЖАБИЙ таваллудининг 100 йиллигига

Тўхтасин ҒАФУРБЕКОВ

## Миллий мусиқамиз алломаси

**Ж**аҳон мусиқа маданиятида шундай улуғ сиймолар борки, улар яшаган давр узоқлашган сари— мерос қолган асарлари, ижрочилик бобидаги талқинлари ва ҳатто ҳаёт тарзи шунчалик қадрлана бораверади. Иоганн Себастьян Бах ва Людвиг Бетховен, Жузеппе Верди ва Фредерик Шопен, Ференц Лист ва Жорж Бизе, Сергей Рахманинов ва Дмитрий Шостакович... Бу мусиқа даҳолари бошқа маданият арбоблари каби буткул бир миллат, улкан тарихга бой бир маданиятнинг фахрли рамзига айланиб кетганлар.

Дунёнинг қай бир ерида бўлмайдик — бу номларни эшитмаган, ҳеч бўлмаганда бирор асарини тингламаган инсонни топиш қийин. Юқоридаги оламшумул ижодкорлар умумоврупоча кўп овозли мусиқа намояндаларидир, бизда бундай услуб — атиги 70—80 йил мобайнида пайдо бўлиб, ривожлана бошлади. Лекин мақомларимиз мажмуи — Шашмақом таркибида бизгача етиб келган Насруллоҳи, Ислимхон ва Султон, Ҳусайний, Ҳожихўжа, Мирза Ҳаким, Бастанигор сингари табаррук номлар силсиласини ёки ашула ва катта ашулаларимиз сарлавҳасида сақланиб қолган — Абдурахмонбеги, Феруз, Каримқулбеги, чолғу йўлларидаги — Мирзадават, Алиқамбар каби исмларни кўз олдимдан ўтказар эканман, доим табиий бир савол безовта қилади. Нега ўнлаб ва юзлаб ижодкорларимизнинг исмларини ўзида мужассам эта олган саноқсиз асарлар — асрлар оша бизга етиб келгану буларга умрбоқийлик ато этган муаллифлар ҳақидаги маълумотлар сақланиб қолмаган? Бу нима, мазкур ижод аҳлига ўз замондошларининг бефарқлигими? Ёки алғов-далғовликлар билан тўлиб-тошган тарих ва тақдир қисматими?

Назаримда, бунинг кўп ачинарли сабаблари бор. Ачинарли дейишимнинг сабаби ҳозирги кунга қадар деярли 1500 йиллик

тарихи, шаклланган анъаналари, муайян ижрочилик ва ижодчилик мактабларига эга бўлган ўзбек бастакорлик санъати, сўнгги 150 йил, яъни Туркистонни Россия босиб олгандан кейин, айниқса XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб, бир чеккага суриб чиқарилди. Ота-боболаримиздан эсон-омон етиб келган туб маҳаллий ижодиёт ўрнига, соф оврупоча кўп овозли мусиқа шакллари сингдирила бошланди.

Ана шундай ўта мураккаб жараёнда она заминимизда Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Мулла Тўйчи Ҳофиз Тошмуҳаммедов, Шораҳим Шоумаров, Домла Ҳалим Ибодов, Мирзақосим Ҳофиз, Мадумар Ҳофиз, Ҳамроқулқори ва Эркақори, Матёқуб ва Матюсуф Ҳарратов каби серқирра фаолиятли санъаткорлар туғилиб, мусиқий ижод ва ижро, илм ва таълим соҳаларидаги бой анъаналаримизни сақлаб қолишда филойлик кўрсатдилар. Яратганга шукроналар бўлсин.

Ўз навбатида булардан бевосита ва билвосита сабоқ кўрган Юнус Ражабий ва Тўхтасин Жалилов, Комилжон Отаниёзов, Имомжон Икромов ва Фахриддин Содиқов, Ғанижон Топматов ва Комилжон Жабборовлардек теран билимли бастакорлар, моҳир ижрочилар пайдо бўлди ва мавжуд ришталар маълум даражада узилган бўлсада, охир-оқибатда интиҳога юз тутмади. Бунга ҳам минг шукурлар айтаемиз!

Шу ўринда ўқувчи муаллиф нега Ҳамзадек забардаст ижодкорни тилга олмаётти, деб, каминанага таъна қилиши мумкин. Ахир бир пайтлари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг XX аср ўзбек мусиқаси, театри ва драматургиясига қўшган ҳиссаси ҳақида мусиқашунос ва театршуносларимиз маҳсуус китоблар яратилган эди-ку! Айрим ҳамзашунослар диссертация ва қатор рисо-лаларида Ҳамза — янги ўзбек операси, симфоник ва хор мусиқасини яратган, де-

ган фикрларни ҳам ўртага ташлаган эди-ку? Ҳа, бариси тўғри, шундай муаллифлар, уларнинг китоб ва мақолалари диссертациялари — яқин ўтмишдаги сохта мафкураравий тузумнинг меваларидир. Бизнингча, Ҳамзадек мураккаб шахс ва ижодкорнинг оқилона баҳосини келажак беради. Унинг қўшиқчилик санъатимизга қўшган улушини ҳеч инкор этмаган ҳолда, бир ҳақиқатни тан олишимиз зарур: Ҳамза билан ёнма-ён туриб, чинакамига ўзбекона оҳанг ва усуллар заминидан ўнлаб куй, қўшиқлар яратган Юнус Ражабий, Тўхтасин Жалилов, ижодий тафаккур соҳиблари бўлган Абдурахмон Умаров, Матюсуф Харратовлар «Ишқилоб жарчиси»нинг соясида қолиб кетишган...

Куйида биз аллома санъаткор, нозиктаб созанда, дилкаш хонанда ва бағри кенг макомдон — устоз бастакор Юнус Ражабий фаолиятига диққатингизни жалб этмоқчимиз. Бундан роппа-роса 100 йил муқаддам, яъни XX аср бўсағасида таваллуд тошган санъаткор болалик чоғлариданоқ созаңдали ва хонишлар қилиш, янгича куйлар тўқинишга меҳр кўйган экан. Шу боис у халқимиз орасида ана шу аср бошларида танилган ва тан олинган — самарқандлик Ҳожи Абдулазиз, бухоролик Домла Ҳалим, водийлик Мирзақосим, тошкентлик Тўйчи Ҳофизлар ўғитини бевосита ўзлаштиришга киришади. Вақтини аямай, булар кетидан даврама-даврагина эмас, шаҳарма-шаҳар кезиб, ўзига маъқул, овозига монаҳд асарларни «сиртдан» ёдлаб юради. Баъзи китобу мақолаларда ёзилганидан фарқли ўлароқ, Юнус Ражабий 1917 йилдан кейин эмас балки ундан аввал ижро ва ижод йўлини англаб олган эди.

Юнус ака Октябрь тўнтариши арафасида ва ундан кейинги дастлабки даврдаёқ халқ орасида юрнб аллау ялаларимиз, лапару қўшиқларимиз, ашулау катта ашуларимиз, достоғу мақомларимизни тўплаш, замонавий нота ёзувига туширишга киришади. Савоби олтин бу ишнинг самараларини 1930 йиллардаёқ нашр юзини кўрган ўзбек халқ мусиқа меросидан — «Фабрика», «Қайларга борай?», «Жўралар», «Гулёр» каби оммабоп қўшиқлар, «Тановар», «Анджон самоси», «Сайёра» сингари лирик ашулалар, замондош бастакорлар (Тўхтасин Жалиловнинг «Сигнал»идек) асарларини илк бор нотага олинганида кўриш мумкин.

Шу билан бирга, Юнус Ражабий, бу соҳадаги дастлабки тажрибаларида — назарий билими, амалий машқларини ўстириши зарур эканлигини сезади. Улкан устозларидан деярли ёдлаб олган мураккаб куй ва ашулаларини нотада ифода этиш йўлларини излайди. Тошкентдаги Туркистон халқ консерваторияси, сўнгра Тош-

кент мусиқа техникуми ва бастакорлик курсларида таҳсил кўради.

Айнан XX асрнинг дастлабки ўн йилликлари, хусусан, 1920 йиллар бошида Тошкентдаги собиқ «Коллизей» театрида саҳналаштирилган «Фарҳод ва Ширин» (1922), «Лайли ва Мажнун» (1926) каби спектаклларга ўзбек мусиқа мероси намуналарини танлашда, ёш Юнус Ражабий Ш. Шоумаров ва бошқа устозлари ёнида тетапоя туриб, том маънодаги ижодий жараёни бошдан кечирадики, бу ҳам унинг учун асл бастакорлик дорилфунунига айланади. Айнан ана шу йиллари Ражабий номини наинки санъат аҳли, балки бутун Ўзбекистонга танилган «Баҳор» марши, «Ёшлар марши», «Ўртоқлар» сингари қолғу асарлар, «Ҳаммамиз» (Жиғой шеър), «Ғалаба» (Уйғун шеър), «Ўртоқлар» ва «Гулбоғлар» (Ҳабибий шеърлари) каби қўшиқлар, «Ёр ила» (Муқимий ғазали) ашуласи юзага келди.

Ижодкорнинг ўзбек мусиқади драмасининг ривож, мазмунан кенг қулоқ ёйишидаги бевосита улуши Иккинчи жаҳон уруши йилларида айниқса кенг намоён бўлди. Композиторлардан Б. Надежин билан ҳамкорликда А. Умарий ва Ш. Туйғун пьесаси асосида «Қасос» (премьераси 1941 йилнинг 19 декабрида), Н. Миронов ҳамкорлигида «Кўчқор Турдиев» — Собир Абдулло ва Чустий пьесаси (премьераси 1942 йилнинг 5 декабрида) ва айниқса, Г. Мушель билан биргаликда Ҳамид Олимжоннинг тарихий драмаси заминидан ёзилган «Муқанна» (премьераси 1943 йилда) каби мусиқади драмалари мазкур жанрнинг шаклланиш жараёнига катта ҳисса қўшди. Буларда аввалги («Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун»)ларга ўхшамас услубга таяниб, Юнус Ражабий илк бор муайян саҳнавий ҳолат, у ёки бу қаҳрамон кайфиятини акс эттирувчи ария, қўшиқ ва қолғу куйларни басталашига тўғри келди. Хусусан, «Кўчқор Турдиев»даги «Не наво, соз айлағай» (Алишер Навоий ғазали) ёки «Муқанна»даги «Куйғай» (Ҳамид Олимжон ғазали) сингари, айнан ражабийча мустақил бастакорлик услубига хос боқий битиклар ана шулар сирасидан ўрин эгаллаган эди. Бундан ташқари, мазкур мусиқий-саҳнавий асарларда Юнус Ражабий баҳоли қудрат бу борадаги умуминсоний тажрибалардан ҳам фойдаланишга интилади ва айрим лавҳаларда — гуруҳли хор, икки-уч хил ансамбль саҳналарини киритадики, бунинг ўзи ижодкор тафаккури қай даражада кенг, ўша даврдаёқ Жаҳон мусиқа амалиёти билан узвий боғлана бошлаганидан далолат беради.

Бу эзгу интилиш инъикосини, биз, кейинчалик — 50- ва 60-йиллар маҳсули бўлмиш янги таҳрирдаги «Фарҳод ва Ши-

рин» (Мувель билан ҳамкорликда), «Навой Астрободда» (Иноят Махсумов пьесаси, мусикаси Сайфи Жалил билан биргаликда яратилган) мусикали драмалари ва айниқса ҳаммуаллифликда юзага келган «Зайнаб ва Омон» (1958 йил Зулфия либреттоси асосидаги) операсида яққол кўрамаиз. Кўп жиҳатдан сўшти асар диққатга сазовордир.

Биринчидан, у XX аср ўзбек мусикаси тарихида маҳаллий бастакор (кўп овозли мусика яратувчи композитор қатори) иштирокида яратилаётган иккинчи опера эди. Эслатиш ўринлики, — мусика ижодиётининг энг мураккаб соҳаларидан ҳисобланиб келаётган мазкур жанрдаги бастакорлик тажрибасини 1949 йили бошлаб берган дарға ижодкорларимиздан бири, ўзбек мусикали драмасининг асосчиси Тўхтасин Жалиловдир. Маълумки, у Б. Бровцин билан биргаликда мазкур ишни («Тоҳир ва Зухра» операси) амалга оширган ва аънавий йўналишда ижод этувчи бастакорлар ҳам бу мураккаб вазифани ҳал этишга қодирлигини исботлаб берган эди.

Демак, орадан ўн йил ўтиб-ўтмай Юнус Ражабий ҳам операга қўл уриб, «Зайнаб ва Омон» асарини Толибжон Содиқов, Доғи Зокиров ва Б. Зейдманлар билан ҳамкорликда ниҳоясига етказган. Ушбу асар ҳақида баъзи-баъзида «тўрт мусика муаллифи — тўрт томонга йўрғалар» қабилидаги гаплар ҳануз қулоққа чалиниб келади. Шунинг учун бу ҳақда муфассалроқ тўхтаб ўтиш зарур.

Назаримда, XX аср ўзбек шеърятининг забардаст сиймоси бўлиши Ҳамид Олимжон тўқитган бу халқлик дostonнинг ўзи бўлажак операнинг мусиқий йўналиши бош қаҳрамонларнинг тадрижий йўли, лейтмотивлар тизими ва бошқа йўсинларини аллақачон белгилаб қўйган эди. Зеро, умрининг охирида мазкур дostonдан илҳомланган Толибжон Содиқов, асл ўзбекона мусиқий-дуғавий диалектларимиз билимдони Дони Зокиров, мақом мулкимиз хазинабони Юнус Ражабий ва тажрибали Борис Зейдманлар опера мусикасини Зулфия либреттоси асосида яратишар экан, бирламчи назмий манбадаги теран лирик, баъзан кўтаринки романтик руҳиятни авайлаб сақлаб қолишга интилишган. Парда очилиши биланоқ янграйдиган «Зайнаб мактуби», Омоннинг «Ассалом...» арияси ва унга улашган Зайнаб ва Омон дуэти — юқоридаги фикрни яққол исботлайди. Шу билан бирга, асарда кенг қўламли ўзбек мусика мероси қатламларидан — эпик дoston («Раис ҳикояси», мақом йўллари (опера муқаддимаси, айрим оммавий саҳналар), фольклор намуналари (қатор рақс, «Эргашнинг ҳазил кўшиги» тўй маросими)дан самарали фойдаланилган ўринларда,

шубҳасиз, Юнус Ражабийнинг хизматлари беқиёс, деб ўйлайман. Диққатга сазовор томони шундаки, опера яратилаётган давр — 50- йиллар бошида мақомларимиз ўз тақдирда илк маротаба ўта мафкуравийлашиб кетган «маданият бошқарувчилар» томонидан тазйиққа учраган эди. Мақомларни тадқиқ ва тарғиб этиш, бастакорлик ижодида улардан фойдаланиш деярли ман этилган эди. Шунга қарамай Юнус Ражабий, наинки операдаги айрим саҳналардагина мақом оҳанглари ва типик усулларига мурожаат қилишдан чўчимайди. Аллома айна шу аксилмақомчилик ҳаракати авж олган йилларда — ўша даврдаги Ўзбекистон раҳбарияти, хусусан Усмон Юсуповнинг қўллаб-қувватлаши туфайли ўзбек мусика меросининг асосий қатламлари, яқин ўтмиш ва замондош бастакорлар ижоди намуналари қатори, Бухоро «Шашмақоми», Фарғона — Топкент мақом йўллари деярли тўла-тўқис тўплаб нота ёзувига туширади. 1955—1959 йиллари кетма-кетга Ўзбекистон Давлат нашриёти томонидан чоп этилган «Ўзбек халқ мусикаси»нинг I—IV жилдларида қарийб 750 га яқин асар, V жилдда эса ўша кезлари маълум бўлган ропша-роса 202 (46 чолғу ва 156 ашула йўллари)дан иборат) мақом куйлари ўрин олган. Бу хазинага Юнус Ражабийнинг 20—30- йилларда нотага олган 93 та халқ куйлари (29 таси «Ўзбек халқ кўшиқлари» тўпламининг 1- китобида нашр этилган), «Шашмақом»нинг 1966—1975 йиллардаги янги наشري ва ниҳоят, аллома вафотидан сўнг нашрдан чиққан «Мусика меросимизга бир назар» (1978) китобидаги ўнлаб асарларни кўшак — жами 1500 дан зиёдрок мерос намуналаридан иборат рўйхат юзага келади. Булар орасида серқатлам ва сершева ўзбек халқ куй ва кўшиқлари, мумтоз мусикамиз дурдоналари, баъзан ўта нодир, шаклан ва мазмунан камёб асарлар қатори, тожик, уйғур халқлари фольклоридан лавҳалар, XIX аср охири — XX аср биринчи ярмига доир бастакорлик ижодиёти намуналари жамланганлигини инobatта олсак — Юнус Ражабий ҳақиқатан ҳам мусикамиз хазинабони эканлигини ҳозир, янги ғор, навқирон миш йиллик арафасида эътиمود ила эътироф этишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Зеро, Юнус Ражабий мақом ансамбллари тузиш, таркибларини — у ёки бу миқдорда белгилаш яккаон, якканавоз ва умумий-жамоавий садоланшлар мувоzanатини аниқлаш борасида маълумотларни бир томондан — ўтмиш рисоаларидан тўплаган бўлса, иккинчи томондан — бевоcита замона зайлидан келиб чиқиб, мазкур соҳадаги аъналарни 1920 йилларданноқ ўрғана бошлаган эди. Шу мақсадда наинки Топкент ва Фарғона водийси, Самарқанду



Бухорони, балки кўшни Тожикистон воҳаларини кезиб, турли-туман ансамбллар тузилиши билан танишиб чиқади. Масалани ойдинлаштириш мақсадида Абдурауф Фитратнинг «Ўзбек мусикаси ва унинг тарихи» (1927) китоби саҳифаларини очсак қуйидагиларни ўқиймиз: «Бизда «Шашмақом»дан биртаси чалинмоқчи бўлганда мажлисининг тубандаги йўсунда бориши лозим кўрилгандир: икки танбур, бир дутор: ёхуд икки танбур билан бир кўбуз (кўбуз бўлмаганда учинчи танбур камонча билан чалинадир), икки ё уч ҳофиз ўтирадурулар, чолғулар ишга киришадирлар. Бир киши чирманда (доира-даф) билан усул сақлайдир».

Демак, Фитрат, бир кўринишда — учта торли соз, доира ва 2—3 хонандани, яна ўзгача кўринишда — иккита торли, битта камонли доира ва 2—3 хонандани назарда тутмоқда. Жами мақом ансамблида — 6—8 ижроцигина қатнашгани таъкидланмоқда. Юнус Ражабий мақомдон раҳбар сифатида илк тажрибасида, яъни бундан рошпа-роса 70 йил муқаддам, Ўзбекистон радиоси қошида ташкил этилган мақом ансамблининг таркибини шакллантиришда Фитрат фикрини ҳам четда қолдирмаган кўринади. Айнан 1927 йили ташкил топган бу жамоа ўз тенгдоши бўлмиш, мазкур китобдаги яқин ўтмишда одат тусини олган кўпроқ яккаҳон ва якканавоз (ҳозирги истилоҳда — солист)лардан иборат таркибда тузилган. Жами 13 ижрочини жиқслаштирган мақом ансамблига Юнус Ражабий раҳбар этиб тайинланар экан, унинг ёнида Шораҳим Шоумаров, Имомжон Икромов, Ризқи Ражабий каби — ҳар бири дарға хонанда, бастакор ва созандалар жалб этилган эди. Шу-шу, бўлажак мақом жамоаларига замин яратиб берган радио қошидаги биринчи ансамбль аънаналари ҳануз давом этиб келмоқда.

Хусусан, Юнус Ражабийни — унинг номидаги Бош мақом ансамбли раҳбарларидан Орифхожи Алимаҳсумов ва Фахриддин Содиқов, Шавкат Мирзаев ва Темур Маҳмудов, Абдуҳошим Исмоилов ва Абдураҳмон Холтожиев ва Исроилжон Ваҳобовлар, композиторлардан Толибжон Содиқов, Дони Зокиров, Дадаали Соатқулов, бастакорлардан Набижон Ҳасанов, Комилжон Жабборов, Саиджон Қалонов, хонанда ва созандалардан Ортиқхўжа Имомхўжаев, Карим Мўминов, Шокиржон Эргашев, Берта Давидова, Коммуна Исмоилова ва бошқалар ўз Устозим, деб ардоқлайдилар.

Алломанинг қай даражада талабчанлик

ва сабот билан оила бошқарганлиги ҳақида ривоят ҳангомалар халқ орасида тарқалган. Узоқ ва яқин хориж сафарларига насиб этган чоғларда ўша ерли мусика аҳли ва шинавандалари доирасида — Юнус отанинг 12 та фарзандни оёққа турғизиб, булардан халқ артисти Обид Юнусов, халқ ҳофизи Ҳасанбой Ражабий ва моҳир созанда Тохир Ражабий, телевидение муҳаррири Аҳмаджон Юнусов, қўли гул жарроҳ — доктор Маҳмуд Юнусов, географ Малоҳат Юнусова, каштадўз Саноат Юнусовалар ҳақида сўз юритганимизда, доимо ҳайратбахш олқишлар гувоҳи бўламиз. Мана, ҳозирги кунга келиб бу пири бадавлат оила аъзолари сони 200 дан ортиб кетдики, бунинг ўзи жаҳоншумул китоблардан ўрин олиши мумкин.

Биз эса, ўз касбий бурчимизга кўра Юнус Ражабий меросининг наинки XX асрдаги ўрни, балки минг йилликлар солномасидаги ҳиссасини аниқлашга астойдил киришишимиз зарур.

Дастлабки энг умумий хулосалар сифатида фикрларимизни қуйидагича яқунлашимиз мумкин:

Юнус Ражабий тахминан 1,5 минг йиллик аъна — бутун Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида мавжуд бўлган аънавий бастакорлик санъатининг энг ёрқин намоёндаларидандир.

XX асрда яшаб, ижод қилар экан, аллома — ўз даври зайлига хос ўткинчи майларни матонат билан енгиб, фаолият кўрсата олди. У ўз сиймосида бастакорлик, хонандалик ва созандалик соҳаларини тўла мужассамлаштирди. Академик аллома асрлар мобайнида оғзаки аънадагича сақланиб келган ўзбек халқи мусика меросидаги деярли барча қатламларни ё тўлалигича, ёки асосий намуналарида тўплади ва нота ёзувларида битихлаб, келгуси асрлар учун туҳфа этди.

Ижодкор аънавий бастакорлик доирасини тубдан кенгайтириб XX асрда ўзбек мусикасига кириб келган янги — мусикали драма ва комедия, опера каби жанрлар тарққийётига ябратли ҳисса қўшди.

Демак, мақоламиз бошида айтилганидек, миллат ва муайян маданият рамзлари ҳақида фикр юритилган пайтда, биз — ўзбекларнинг ҳам жаҳон минбарларига кўтарилган мусика арбоблари борми деган саволга дадил жавоб бера оламиз. Аллома санъаткор, академик Юнус Ражабий ана шундай буюк сиймолардан биридир. Унинг порлоқ номи асрлар оша эл ардоғида яшайди.

А. ДЕХТЯР

## Мусулмон миниатюра мактаби

**Х**ар қандай дин ўз қонун-қоидаларини ўрнатиб, тарафдорларини жамоага жипсларкан, ўз замонасининг санъатида из қолдиришга ҳаракат қилади. Христианлик ва будда дини билан бир вақтда дунёга келган санъат муқаддас китобларнинг айрим ҳодисаларини оддий тасвирлашнинггина ўз олдига мақсад қилиб қўймагани. У «эътиқоднинг олий оромбахшлиги»ни ва «илоҳнинг яратилмаслиги»ни исботлаши ҳам керак эди. Ажанта ва Хорюдзи ибодатхонасидаги нақшлар, Ассизи ва Ферапонтон монастыри безаклари бир-биридан ҳар қанча ажралиб турмасин, уларни будда ёки христиан дини ихлосмандлари ҳаёти кечиши лозим бўлган идеал дунё тасаввурини беришга интилиш истаги бирлаштириб туради. Диний тасаввурлар маълум маънода дин тарғиботчисига ўхшайди. Унинг мақсади диндорларни ахлоқий поклашиш, уларда муқаддас кўрқув туйғуларини уйғотишга қаратилгандир.

Бироқ, бир вақтлар Арабистондан Хитойга қадар бепоён ерларни ғолибона босиб ўтган ислом дини санъатни ўзига қудратли иттифоқчи қилолмади, ўз ғоя ва қоидаларини санъат орқали оммавийлаштиролмади. Нега шундай бўлди?— бу жуда мураккаб савол ва жиддий эътибор беришга лойиқдир.

Мусулмонларнинг Ҳадиси шарифлари барча асрлар давомида тангри суратини чизиб бўлмаслигини эълон қилиб келди. «Кишилар суратини чизувчи рассом эса,— дея пўписа қилар-

ди улар.— Қиёмат куни ўзлари чизган суратга жон ато қилишлари керак бўлади, агар буни эплай олмасалар оловда жизғанак бўладилар». Шунинг учун ҳам мусулмон Шарқда тасвирий санъат анъаналарининг ривожланишига диний чеклашлар тўсқинлик қилган, деган фикр тарқалган эди. Лекин Ислом мавжуд бўлган дастлабки асрдаёқ бузила бошланган бундай таъқиқларнинг аҳамияти шунчалик катта эдими? Ахир, Озарбайжондаги шиалар масжидида имом Ҳусайн эҳтирослари акс этган, Қуддусдаги масжидда эса жаннат ва дўзах тасвирланган эди-ку!

Ҳайкалтарошлик борасида ҳам худди шундай бўлганди. Мустақкам эътиқодли мусулмонлар ҳайкалларнинг қадимги қабилаларнинг Исломгача бўлган санамларига ўхшашлиги учун уларни хуш кўрмасдилар. Бироқ фотимийларнинг ҳайвон шаклидаги хумлари, салжуқийларнинг бургут рамзлари ҳайкалларнинг таъқиқланишига зид эмасмиди?

Ҳайкалтарошлик инсон сиймосини тасвирлашдан ҳайиқса-да, амалий санъат билан уйғунлашиб, турли кўринишларда яшаб келарди. Мусулмон халқларининг тарихи диний таъқиқлардан усталик билан четлаб ўтиш тарихига айланди.

Ислом динининг ҳар қанча таъқиқлашларига қарамай, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари санъатининг ўзига хослиги араблар ва туркларнинг меъморлик ва рассомлик санъатида нақшларга, ҳандасавий, ислимий шакл-

ларга мойиллиги бундай санъатнинг яшаб қолишига имкон берди. Бу халқларда, айниқса Яқин Шарқ меъморчилигида бундай безаклар кўп учради. Мазкур нақшлар табиат манзараларини акс эттирса-да, мавжуд борлиқдан олинди. Баъзан уларга илоҳий тус ҳам бериларди.

Кизиғи шундаки, Византияда ҳам худди ўша пайт (VIII—IX аср) юқоридагига ўхшаш ҳоллар юз берганди. Христианликнинг санамларга қарши кураш ҳаракати тасвири рад этибгина қолмай, нақш сифатида хочни такрорий чизишга даъват этарди. Аммо христианлик учун оддий кўринишлар Ислом динида қоида тусига кирганди.

Нақшинкорлик — тасвирийликка зидди. Санъат қонуни шундай. Ё буюмларни тасвирлаш жимжимадор нақшларга қўшилиб кетиб мустақил роль ўйнамай кўяди, ёхуд безаклар тўлалигича тасвирга бўйсундирилади. Ислом тасвирий санъати аввалбошданок ана шу зиддиятга дуч келиб, қайтадан туғилди, буюк миниатюра санъати вужудга келди. Айнан шу санъат мусулмон халқлар маданиятининг энг улкан ютуғига айланди.

Яқин Шарқда тиббий рисоаларга кичик-кичик тушунтириш расмлари сифатида пайдо бўлган миниатюра аста-секин Ўрта Шарқ, Кичик Осиё, Кавказorti ва Ҳиндистонга ёйилди. Туркияда у сават тўқималарига ўхшаш кескин характерли, Ҳиндистонда ўта жимжимали ва ҳашамдор, Эронда эса нафис ва мулойим кўринишда эди. Айнан Эронда мусулмон миниатюрасининг нафис кўринишлари вужудга келди. Шу боисдан ҳам мусулмон миниатюраси ҳақида гап кетганда уни кўпинча форс миниатюраси тарзида ҳам тилга олишади.

Мумтоз форс миниатюраси китоб варағининг ажойиб уйғунлиги билан ажралиб туради. Бундай варақларда ёзув, тасвир ҳамда нақш ранг ва оҳангни акс эттиради. Форс китоби — хаттотона кўчириб ёзилган матн бўлиб, унда тасвир унсурлари ҳам юз кўрсатади. Ўз навбатида миниатюралар ёзувлар чизиғи билан қўшилиб кетади. Айни чоғда расм чизиқлари ҳарф устунлари йўналишини такрорлаб туради. Гуллар, дарахтлар, ирмоқлар ва булутлар эса араб каштасини акс эт-

тиргандай бўлади. Ранглар ва чизиқлар шу қадар усталик билан ишлатилдики, миниатюралар жимжимадор гиламларни эслатиб туради.

Китоб варағининг ана шу ажойиб уйғунлиги ҳам Исломнинг санамларга қарши кўрсатмаларини четлаб ўтишга ёрдам беради. Бир томондан, миниатюра ҳамшиша тасвирий санъат намунаси бўлиб, иккинчи томондан эса дин руҳсат этган нақшларнинг ажралмас унсури сифатида яшаб келди.

Хўш, бундай тасвир ва матн ўзаро узилмас боғлиқлигининг манбаи қаерда? Бу ҳодисанинг сабаби, афтидан, рассом ва адиб бадий тасаввурининг ўхшашлигидандир. Чунки мусулмон назмининг кўпгина сиймолари тасвирий санъат ифодалари билан уйғунлашиб кетади, баъзан эса ундан тасвирий санъат уфуриб туради. Туркий халқларнинг эпик ёдгорлиги «Бобом Куркут китоби»да қиз қошлари хаттот тортган чизикқа ўхшатилади. Турк миниатюраси билан таниш бўлганлар аёлларнинг қалам билан чизилган туташ қошларини яхши эшлашади. Шоир учун ҳам, рассом учун ҳам олий гўзаллик безатилган китоб билан ҳамоҳангдир. Шарқ адиби аёл чехрасининг гўзал аломатларини Куръон сатрлари билан солиштирар экан, бу муқоясани оғзаки ва пластик сиймолар алоқадорлигини ҳисобга олмасдан тушуниш қийин.

Ҳинд романтик дostonларида кўпинча шундай мажозлар қўлланилади: «Эрталаб куёш порлоқ қалами билан олам саҳифасига нурли белгисини қўйиб, коинот варағини ёритгач...» Бу ерда коинот — варақ, осмон ёритқичи — ёзув буюми, тангри — хаттот назарда тугилади. Китоб безаш санъати адабий анъаналарга ана шу даража чуқур кириб борганди. Форс мумтоз адабиёти вакили Ҳоқонийда ҳам шу мавзу учрайди:

Ҳар қандай сиймони қалам-ла, рассом

кoтyриб чизасан, гўзал, мулойим,

Орзунинг амалга oшмоғи эса

қўлидадир тақдир — рассомнинг доим.

Шарқ шеърятининг эстетик идеаллари жуда ҳам ўхшаш. Бу ўхшашлик, айниқса, санъат ҳар икки турининг иконография соҳасида яққол кўзга ташланади. Худди сарвдек келишган,

ёки арабларнинг «Алиф» ҳарфи мисол тик қомат форс лирикасининг гўзаллари китоб варағидан чиқиб келгандай. Буюк рассомлар Султон Муҳаммад ва Ризо Аббосий Сафавий шахзодалар портретларини яратишда дoston қаҳрамонлари Юсуф, Баҳром, Фарҳодлар тасвиридан кенг фойдаланганлар. Ниҳоят, мусулмон назми жим-жимадор услубининг ўзиёқ сўзлар шодасидан арқон эшиб, табиат манзаралари билан уйғунлашган ҳолда миниатюраларда гуллаб турган оламни акс эттиради. Умар Ҳайём худди шу оламни тасвирлагандай:

Букун булбул ўқир дostonу дoston,  
 Майни қўлдан кўйма мастону мастон.  
 Туриб гулзорга чик, уч-гўрт кун бўлсин,  
 Хуррамлик манзилимиз бўстону бўстон.

Миниатюраларнинг энг яхши намуналари китобларда ўз аксини топган бўлиб, дунёвий руҳ билан суғорилган эди. Албатта, бундан тасвирий санъат диний мавзулардан фойдаланмасди, деган маъно чиқмайди. Жомий ва Румийнинг сўфийлик рисолалари миниатюралар билан безалиб чиқарди. Уларда дарвешларнинг ибодатларию шайхларнинг қаландарлар билан гурунглари тасвирланарди. Бундай миниатюраларнинг қаҳрамонлари Пайғамбар Мусо ва авлиё Юсуф, ниҳоят Меърож кечаси осмони фалакка кўтарилаётган Муҳаммаднинг ўзи бўларди. Оддий одамлар тасвиридан уларни фақат мураккаб, кўп босқичли нур чамбарлар ажратиб туради. Лекин мазмун қандай бўлишидан қатъи назар бадиий тимсолнинг қонуллари бундай миниатюраларда ҳам базмлар, олишувлар ёхуд шахвоний саҳналар тасвири сифатида сақланиб қоларди. Рассомлар Муқаддас китобга ундаги образларни олиш учун эмас, балки ҳодисалардан фойдаланиш учун мурожаат қилишарди. Бу билан санъатнинг дин томонидан тақиқланиши учун ўч олгандай бўлардилар. Бу мусулмон халқлари тасвирий санъатининг ўзига хос дунёвий хусусиятидир. Буддаликдаги деворий нақшлар, христианликдаги тасвир, кошин, иконалар руҳий оламга хосдир, мусулмон миниатюрасининг қисмати эса кундалик ҳаёт инъикосидир.

Демак, мусулмонлик христианлик ёки буддаликка ўхшаб фақат диний тасвирлар яратмади. Бу ерда гап фақат ислом динининг тақиқлашидагина эмас. Нақшларга мойил тарихий шарт-шароитлар ва тасвирнинг китоб безаги қонунларига бўйсунуш ҳам, мустақил девор тасвири йўқлиги ҳам, ва ниҳоят, тасвирий санъатнинг асосий жанри — миниатюранинг дунёвий хусусияти ҳам муҳим роль ўйнаганди.

Бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга ўтиб, ривожланиб бораркан, миниатюра китоб билан муштарақлик доирасидан чиқа бошлади. Рассом хатотдан борган сари кўпроқ жой эгаллай бошлади, кенг қамровли, мазмунли тасвирлар чизди. Янги жанрлар, портрет, сарой ҳаёти, жониворлар тасвири пайдо бўла бошлади. Бундай эволюция Ҳиндистонда яққол кўзга ташланади, у ерда XVI асрдан эътиборан мўғуллар<sup>1</sup> тасвирий мактаби ривожлана бошлайди.

Форс рассомлари томонидан асос солинган бу мактаб санъат тарихида ўзига хос ва бетакрор ҳодиса эди, мўғуллар тасвирий санъати мавжуд бўлган икки аср давомида ранг ва мавзу соҳасида кўплаб янгиликлар ва ютуқларга эришди. Европа бу тасвирий мактабни жуда барвақт ҳис этди. Бундай санъат намуналарини кадрловчи ва тўпловчи дастлабки намояндлардан бири Рембрандт эди. Икки (1654—1656) йил давомида у миниатюралардан нусха кўчириш билан машғул бўлди. Рембрандт тўплаган миниатюралар нусхаларидан айримлари сақланиб қолган. Бу нусхалар мўйқалам устаси томонидан ғарб санъати қонунларига биноан яратилган. Рембрандт икки мўғул аслзодаси қиёфасини қалам ва рангли бўр билан чизган.

XIX асрда мўғул миниатюраси Россияга ҳам маълум бўлди. Улар таниқли танқидчи В. В. Стасов диққатини жалб қилди. Бизнинг асримизда эса С. Ф. Ольденбург ва Ф. А. Розенберг сингари йирик шарқшунослар ўзларининг қатор асарларини миниатюра санъатига бағишладилар.

Бобурийлар саройида ҳокимиятнинг

<sup>1</sup> Бобурийлар салтанати — ғарбда янгилик ҳолда мўғуллар салтанати деб аталган.

марказлашуви, шаҳар аҳолисининг кўпайиши, XVI—XVII асрларда Ҳиндистонда хунармандчиликнинг ривожланиши санъатнинг гуркираб ўсишига ёрдам берди. Бобурийлар тасвирий санъатга ихлосманд эканликларини намоён қилдилар, бадиий ижоднинг равнақиға қизиқиб қарадилар. Сулола бошлиғи — лашкарбоши, шоир ва олим Захириддин Бобур ўз «Бобурнома»сида Самарқанд иншоотлари, машҳур Беҳзоднинг «ўта нафис расмлари»дан завқланганини ёзган эди. Бобурнинг ўғли Ҳумоюн эса дастлабки амалий қадамни кўяди — Табриздан Мир Сайид Али, Машҳаддан Абд ас-Саманни Ҳиндистонга таклиф этади. Булар Бобурийлар тасвирий санъат мактабининг асосчилари эдилар. Ҳумоюннинг ўғли, Ислоҳ билан ҳинду динини келиштиришга даъват этилган янги «илоҳий дин»ни яратган подшо Акбар бўлса рассом истеъдодига юксак баҳо берганди: «Менинча, рассом Оллоҳни ҳис қилишдек алоҳида истеъдод соҳибидир. Чунки у жонли мавжудотларни тасвирлар экан, уларга жон ато қилолмаслигини яхши тушунади. Бу эса уни ҳаёт бахш этувчи парвардигор ҳақида кўпроқ ўйлашга мажбур қилади» деб ёзган эди. Акбарнинг ўрнига тахтга ўтирган Жаҳонгир ўз хотираларида шундай ёзганди: «Мен тасвирларни шу қадар яхши кўраман ва уларни шу қадар ажрата оламанки, унинг рассоми хоҳ ўлик, хоҳ тирик, ким эканини айтиб бера оламан». Аммо Акбарнинг чевараси, ислон мутаассиби Аврангзеб саройдаги барча ҳинд рассомларини ҳайдаб юборди, кейин эса устахоналарни умуман беркиттириб ташлади.

Миниатюра Бобурийларнинг ўша давр бадиий дидига мувофиқ буюртмачиларнинг талаби билан чизилган портрет тасвирларини сақлаб қолди. Бу портретлар баъзан у ёки бу ҳукмдорнинг турмуш тарзи ёки ҳаёти тўғрисида улар ўзлари айтганидан, ёхуд солномачилар сўзларидан кўра кўпроқ маълумот берадилар. «Бобурнома»га ишланган миниатюраларда, масалан, унинг муаллифи энг аввало шавкатли аскар, мардлик намунаси сифатида тасвирланган. Бобур қалъани камал қиляпти, душман билан олишяпти, кўшинни кўздан кечиряпти, базм

қурмоқда ва шикорда юрипти. Унинг қиёфаси барча миниатюраларда осон танилиб туради. У барча тасвирларнинг композицион маркази, иккинчи даражали қаҳрамонларнинг қиёфаси унга қаратилган. Бош қаҳрамон Бобурнинг қиёфаси доимо диққат марказида тасвирланади. Унинг юзи рўбарўдан ёки сал бурилган, ҳатто композицион мантиқ ёндан тасвирлашни талаб қилган чоғда ҳам тўғри қараб турган ҳолда акс эттирилади. Миниатюра Бобур шахсининг бошқа томонини ҳам акс эттирган. Портретлардан бирида (1505 йил атрофи) у чаманзор боғда ўй сурмоқда, қўлида китоб, унинг орқа томонида зангори осмон кўзга ташланади. Юзи «Бобурнома»нинг қаттиққўл қаҳрамонига сира ўхшамайди. Бу — шоир, лирик ғазаллар девони ва «Аруз ҳақида рисола»нинг муаллифидир.

Акбар портретлари ҳам худди шундай эстетик принциплар асосида ишланган. Лекин Бобур расмда ҳукмдорнинг идеал ва умумлашган сиймоси ҳолида тасвирланса, Акбарнинг юзи жонли ва ақли расо, индивидуаллаштирилган ҳолда акс эттирилади. Акбар ҳукмронлиги йилларида тасвирланаётган сиймонинг аниқ акс эттирилиши тенденцияси кучаяди. Шаҳаншоҳни шахсан кўрган европаликларнинг кўпчилиги «Акбарнома» китобига чизилган миниатюралардаги портретлар ўхшашлигини таъкидлашади.

Дарвоқе, 1580 йили Акбар ҳузурига борган бир гуруҳ яҳудий руҳонийлари унга Европа тасвирий санъат намуналарини тақдим этишади. Ғарб санъати билан илк танишув шу тариқа юз берганди. Шундан кейин Жаҳонгир даврида рассомлар шаҳаншоҳ альбомини Альбрехт Дюрер мавзулари билан тўлдирди бошлайдилар, Европа мўйқалам усталарининг гравюралари асосида «Муқаддас онла» ва «Парис Суди» асарларидан нусхалар кўчирдилар.

Жаҳонгир подшолик қилган даврда Бобурийлар санъат мактаби гуллаб-яшнади. Подшонинг ҳукмдорларга хос чехраси рассомлар томонидан юзларча марта тасвирланади. Унинг қиёфаси шоҳнинг сарой аъёнлари билан учрашув, авлиёлар ҳузурида бўлиши, сиёсий арбоблар билан музокаралар олиб бориши, ўргатилган шерлар билан сайр

қилиши тасвирланган миниатюраларда яққол кўзга ташланади. Бу давр миниатюраси ёрликлар рамзи билан суғорилган эди. Ҳукмдорлар барча тасвирларда алоҳида эҳтирос билан чизилар, уларнинг бошлари товлашиб турган нур чамбарларда тасвирланган бўларди. Жаҳонгир сиймосида унинг дунё ҳукмдори экани акс эттирилади. Кўпинча у Куёш ва Ой фониди, белбоғида ер шарининг калити билан тасвирланарди. Тасвир тағидан: «Икки олам устидан музаффарлик калити унга ишониб топширилган» сўзи ёзиларди. Эрон шоҳи Аббос билан акс эттирилган аллегорик портретлар мажмуида Жаҳонгир узоқни кўра биладиган сиёсатчи сифатида тасвирланади. Икки ҳукмдор ўртасидаги муносабатлар анча гаранглашган бўлишига қарамай, Жаҳонгир ўзининг энг яхши миниатюра усталарига шоҳлар ўртасида дўстликни абадийлаштиришни топширади. У ўзининг ўта диёнатли эканини кўрсатиш учун ҳам бунга алоҳида эътибор беради. Сўфийлар шайхи билан суҳбат қуриш учун усмонлилар салтанатининг султони, Англия қироли ва Ҳинд рожаси билан учрашувдан воз кечганини тасвирловчи миниатюра бунинг ёрқин далилидир. Бундай тасвирлар шаҳаншоҳнинг биринчи исми Нуриддин номини оқлашга даъват этилгандир.

Жаҳонгир энг яхши ҳинд рассомлари ўз саройига тўплади. Машҳур портретчи Вишну Дас, анималчи Мансур, ўша даврнинг энг йирик рассоми Абул Ҳасан шу ерда ижод қилдилар. Бетақрор санъати учун Нодир аз-Замон унвонига сазовор бўлган Абул Ҳасан воқеабанд тасвирларда замондошлари портретларини усталлик билан акс эттирди.

Жаҳонгирнинг ўғли Шоҳ Жаҳон ҳам санъатга ҳомийлик қилишни давом эттирди. Лекин у меъморчиликка катта ихлос қўйганди. Унинг ҳукмронлиги пайтида Тож Маҳал қад ростлагани бежиз эмас, янги ҳукмдор таъбиға қараб рассомлар миниатюрага меъморий стаффажлар — саройлар, шийпонлар, интерьерларни кирита бошлади. Шоҳ Жаҳон ҳаётининг турли давларини акс эттирувчи тасвирлар сақлашиб қолган. Бу тасвирларда, ўсмири, ҳали соқоли чиқмаган шаҳзодани, соч-соқоли оппоқ

чолни кўриш мумкин. Шаҳаншоҳ Шоҳ Жаҳон ўзининг подшо аждодларига нисбатан ортодоксал мусулмончиликка кўпроқ ружу қўйганди. Бу унинг сиёсий қарашларига ҳам хос эди. Жумладан, 1617 йилда ишланган миниатюрада Шоҳ Жаҳоннинг Хизр пайғамбар билан учрашуви тасвирланган. Мусулмон афсоналарига қараганда, Искандар Зулқарнайн ўзининг диёнатли йўлдоши Хизр билан ҳаётбахш сувли булоқ топшиган. Лекин на дунёни эгаллаган тождорга, на авлиёга абадий яшашлик насиб этди. Ўша давр миниатюрасида яшил або кийган Хизр диний эътиқоди учун Шоҳ Жаҳон бир ҳовуч қимматбаҳо тошлар ҳадя қилади.

Аврангзеб тасвири асосан Шоҳ Жаҳон давридаги портретлар гуруҳларида учраб туради. Унинг ўзи, афтидан, ўз қиёфасини абадийлаштиришга унчалик интилмаганга ўхшайди. Тахтга ўтиргач, Аврангзеб рассомлар фақат диний мавзуларда чизишни талаб қилди. Саҳрода, фаришталар қуршовида ибодат қилиб ўтирган қаландарлар Бобурий санъати мактабидан қолган сўнгги расмдир. Кўп ўтмай бу мактаб барҳам топди. Рассомлар мўғуллар саройини тарк этишди ва янги ҳомийлар қидириб, таркалиб кетишди.

Миниатюра мактабининг тушқунликка юз тутиш сабаблари турлича. Бир томондан саройга ҳаддан ташқари қарамлик бўлса, иккинчи томондан Аврангзебнинг қаттиққўллигидир. Албатта, бошқа сабаблар ҳам бор. Лекин асосий сабаб, ғайритабиий кўринса-да, Бобурийлар мактаби эришган ютуқлардир. Шарқ миниатюраси текис китоб varaғининг мевасидир, унинг қамрови эса унчалик кенг эмас. Ана шу мўъжазгина кенглик буюмлар тасвири билан тўлиб кетади. Бир-бирининг устига қалашиб кетган тасвирларга китоб зарварақлари торлик қилади. Санъат мактаби изланишлари миниатюра шарти доирасидан чиқиб кета бошлади. Зеро бу мактаб миниатюрага ҳаво кенгликларини олиб кирди. Манзара ранг-баранг гуллар оғушида қола бошлади. Рассомлар «ҳаёт ҳақиқати»ни тасвирлашга ўтишди, бироқ одилонга тасвирланган манзараларга олдинги планда чизилган анъанавий текисликдаги қиёфалар зид келар эди. Миниатюра тузилмаси

сина бошлади, фон бузилди, текислик бадний тизим сифатида маҳв бўлди, тасвирдаги изчиллик йўқолди. Бобурийлар мўйқалам усталари миниатюранинг Ғарб санъати билан яқинлашувига эришиб, ўз санъатлари қонуни доирасидан чиқиб кетдилар. Бу қоида ҳаётнинг ўзидагидек шартли тасвир учун ҳалокатли бўлиб чиқди.

Бобурийлар мактабининг инқирози билан бир қаторда ҳинд санъати ҳам маҳв бўлди, ҳам ғолиб келди. У анъанани парчалади, лекин олға қараб — манзара, портрет, натюрморт сари қадам ташлади. Тасвирий санъатнинг асосий тури сифатида миниатюранинг эскириши кўплаб янги мустақил жанрларга йўл очиб берди.

Шарқ рассомлари ўн саккизинчи аср охирида ўзлари учун Европа санъатини кашф қилишди. Дастлаб маҳаллий анъаналарни бойитган Ғарб намуналарига эргашиш аста-секин ҳиссиз тақлидчиликка айлана борди. Фақат ҳозирги асримизга келиб, Шарқ мамлакатлари санъатида миллий белгилар уйғониши бошланди. Бунда ўрта асрлар миниатюраси принципларига муурожаат қилиш асосий роль ўйнади.

Бу даврда Ҳиндистонда «Бенгалия уйғониши» номини олган замонавий китоб безаги вужудга келди. 20-йилларнинг йирик графиги Раҳмон Чўғтоий шоир Ғолиб «Девон»ига ишлаган безаклари билан шу соҳага асос солди. Мазкур нақшлар ҳинд-форс миниатюрасини янги тасвирларнинг реал белгилари билан уйғунлаштирган эди.

Миниатюраларнинг таъсир доираси китоб безаги санъати билангина чекланиб қолмади. «Шарқий» ёки «миллий» услубдаги ҳинд нақш санъати ундан текислик, муҳит ёрқинлиги, пластик шартлилиқ хусусиятини мерос қилиб олди. Эронда «ҳарф тасвири» деб аталган нақш миниатюраси — Шарқда мавҳум санъат турларидан бири сифатида кўзга ташлана бошлади. Ўрта Осиё ва Кавказорти ўлкалари рассомлари миниатюранинг пластик ва гулдорлигини монументал тасвир ва кандакорликка ҳам жорий этдилар. Ниҳоят энг муҳими, ўрта асрлар Шарқ миниатюраси янги санъатга мангу ҳаётбахш руҳ, байрамопа манзарадорлик, эскирмайдиган тасвирий дунёни мерос қилиб қолдирди.

## Бугунги насримиз тамойиллари

**С**ўз санъати ривожида яратилган асарларнинг сони эмас, сифати ҳал қилувчи аҳамият касб этишини яхши биламиз. Шу маънода бугунги насримизнинг ички ривожида ҳам ҳаёт, инсон ва унинг қалби ҳақидаги ҳақиқатни кашф этиш, янги тасвирий ифодаларни ихтиро қилиш бобида ҳам бир қатор янги аломатларни кўриш, кузатиш мумкин.

### ХОТИРА ҲАМ САНЪАТ

Беш-олти йиллик танаффусдан сўнг ёзувчи публицистикасининг эссе-хотира тури қайта жонлана бошлади. Саид Аҳмаднинг Ойбек, Ғафур Ғулом, Миртемир, Шайхзода, Шухрат, Саида Зуннунова ҳақидаги туркум хотиралари, Ўлмас Умарбековнинг «Қизимга мактублар», Неъмат Аминовнинг «Бир аср ҳикояти», Шукур Холмирзанинг «Одил ака ҳақида ўйласам» каби асарлари адабий жамоатчилик орасида катта қизиқиш уйғотди. Саид Аҳмад, шунингдек, Шукур Холмирза хотиралари аввало яқин ўтмишдаги адабий ҳаёт, улкан адибларимиз, машҳур асарлар қисмати хусусида аччиқ ҳақиқатлар мардона айтилганлиги билан жозибадор. Бу тур асарлар шундан далолат берадики, чинакам санъат намунасига, чин истеъдод соҳибига қилинган адолатсизлик, ноҳақликлар ҳеч қачон унутилмас экан, эртадир-кечдир, барибир, айтилар экан; турли-туман йўллар билан истеъдодлар йўлига тўғаноқ бўлган, дилига озор етказган кимсаларнинг қилмиши эса элга албатта аён бўлар экан. Хотираларда ҳасадгўй, дилозор кимсаларнинг номлари бирма-бир тилга олинган, қилмишлари ошқора ифода этилган. Бу зотлар қора қилмишлари учун фақат бу фоний дунёда эмас, у дунёда Оллоҳ олдида жавоб беражакларини юракдан ҳис этиб турасиз. Миртемир, Шайхзода, Шухрат, Саида Зуннунова ҳақидаги хотиралар мутолааси чоғида ўкинч-армон туйғуси вужуд-вужудингизни ўртайди. Энг ачинарлиси, қатағон даври қурбони бўлмиш бу жафокаш, табаррук зотлар «эрувгарчилик» йилларида ҳам рўшнолик кўрмади; ҳаётлик чоғида меҳнатига, истеъдодига яраша қадр топмади. Аслида улар адолатсиз жамиятнинг илтифот, муқофоту садақасига зор эмас эдилар, ўз шаънини билар, юксак кадрлар эдилар; бироқ тирик инсон сифатида адабий ҳаётдаги адолатсизликлар, ҳақсизликлардан, «меҳнат қилган ўнг қўл қолиб чап қўлнинг олтин соат тақишга» эришаётганидан эзилардилар; гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона камситиш, таҳқирлар улар кўнглини чўқтирар эди... Мана шу изтиробли руҳий ҳолатлар айниқса Саид Аҳмад хотираларида бетакрор, ҳаққоний, таъсирчан ифодасини топган.

Шукур Холмирза эссесида ёзувчилар уюшмасида ўтадиган асар қўлёзмалари муҳокамалари, адабиётдаги чин бадий кашфиётлар йўлини тўсиш, бўш асарларга йўл очишнинг ғаройиб кулгили усуллари, икки асар муҳокамаси мисолида яхши кўрсатилган. Бундан ҳам ғаройиб, кулгили, гоҳо эса жоҳилона муҳокамаларнинг гувоҳи бўлганмиз. Қани энди улар ҳам қаламга олинса, кенг жамоатчиликка маълум этилса! Буларсиз ХХ асрдаги адабий ҳаёт, жараён тарихини тўла тасаввур этиш мумкин эмас.

Нихоят, бу хотираларга хос яна бир муҳим жиҳатни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Кейинги йилларда ёзувчиларимиз орасида ҳамкасблари ҳақида хотира-қайдлар ёзиш кенг урф бўлиб бормоқда. Афсуски, уларнинг аксарияти шунчаки хотира-қайд ҳолида қолиб кетаётир. Улардан фарқли ўларок, Саид Аҳмад ва Шукур Холмирзанинг хотиралари тўла маънодаги бадий асар даражасига кўтарилган, уларда қаламга олинган адибларнинг аксарияти, асарда кенг ва оз



ўрин эгаллашидан қатъи назар, тирик инсон сифатида гавдаланади, уларнинг ўзига хос характери ёки характернинг муайян қирралари очилади. Энг муҳими, уларнинг жонли сиймоси, қисмати тасвирида теран маъно, жиддий сабоқ мужассам. Ойбек, Ғафур Ғулом, Миртемир, Шайхзода, Саида Зуннунова, Одил Ёқубов, Шароф Рашидов, Раҳмат Файзий, Назир Сафаров — буларнинг барчаси айни «соф» ҳикоя, қисса персонажлари каби бор ҳолича кўринадилар, муайян эстетик маъно ташийдилар.

«Қизимга мактублар» асари муаллиф оғир хасталик чоғида, она юртдан олисда — Москвада даволанаётган пайтларда битилган. Умрининг санокли кунлари қолганлигини юракдан ҳис этиб турган адиб келгусида ёзиш ниятида бўлган хотираларини, қолаверса, ўша кезлари кўнглида кечган кайфият, ўйларини, энг яқин одамларига айтмоқчи бўлган дил сўзларини, васиятларини қоғозга туширишга шопилган. Асарни ўқиётиб инсон табиатининг ғаройиб жиҳати — «чиқмаган жондан умид» деган нақлнинг нақадар ҳақлиги устида ўйга толасиз. Ақлли, билимдон, маърифатли, ўта мулоҳазакор реалист адиб бедаво дардга мубтало эканини, кундан-кунга аҳволи оғирлашиб бораётганлигини билгани ҳолда, барибир, мўъжиза юз беришига, шифо топишига, юртга соғайиб қайтишига умид боғлайди; шифокорлардан мадад кутади, улар оғзидан умидбахш сўзлар эшитгиси келади, куну тун дардига шифо тилаб Оллоҳга илтижо қилади.

«Ё Худо, ҳар нарсага қодир, қудратли Парвардигор! Бандаларинг қатори мендан ҳам марҳаматингни аяма, ўзинг шифо бер! Шу ердан тузалиб, соғ-саломат уйимга етай! Ўзинг қўлла мени. Қолган умримни тоат-ибодатда ўтказай, қувватим, имконим етганича элимга, юртимга хизмат қилай. Эй қодир Худо! Шафқатингни аяма! Қанча умр берган бўлсанг, энди ҳаммасини гуноҳларимни ювишга, пок хайрли ишларга бағишлайман. Эртаю кеч сен тилимда, дилимда бўласан, Оллоҳим...»

Бу сўзларда қанчалар самимият, армон-ўқинч, тавба-тазарру, қолаверса, ҳаётга чексиз муҳаббат, яшашга умид бор... Асардаги шу хил ўринлар ўқувчи қалбини ларзага солади.

Н. Аминовнинг «Бир аср ҳикояти» асари бошдан-оёқ асосан бир шахс — ота тўғрисидаги хотиралардан иборат. Йўқ, бу шунчаки шахсий, хусусий олди-қочди саргузаштлар эмас, балки бу фоний дунёда бир кам юз йил яшаб ўтган оддий, пири бадавлат меҳнаткаш — темирчи одамнинг — XX аср талотумлари ичида гўзал инсоний сифатларини сақлаб қола олган ҳалол, иймон-эътиқоди бутун чин мусулмон бир банданинг умр сабоқлари, ўзига хос ҳикматларидан иборат. Муаллиф асарини «Темирчидан қолган тиллолар» деган иккинчи бир ном билан ҳам атайти. Темирчи отадан фарзанду набираларига моддий бойлик эмас, олтинга тенг шу китобчага жо бўлган ҳикматлар қолди. Улар билан танишганда, аминманки, ўқувчи кўз олдига айни Уста Аминга ўхшаш ота-бобоси ёки бирор яқин қариндоши келади; бунақа оддий донишманд одамлар ҳар бир ўзбек оиласи шажарасида топилади. «Бир аср ҳикояти»нинг энг қимматли жиҳати у бизга ана шу ҳақиқатни — оддий халқ донишмандлигини ўзида ташувчи бетакрор характер — Уста Амин образини кашф этиб берганлигидадир.

Уста Амин тилидан айтилган кўпгина ҳикоят, ривоят, ҳикматлар аллақачон одамлар оғзига тушиб кетди. Мана, шулардан биттаси: Кампир амир олдига келиб: «Бисотимда биттагина эчким бор эди, шунини ўтган кеча ўғирлаб кетдилар», — дея арз қилади. Амир эса: «Э, энам-а, энам, ухлаб қолибсизда-а?» — дея мийиғида кулади. Кампир амирга нурсиз кўзларини қадаб дейди: «Тўғри, мен ухлаб қолганим рост, лекин сиз — мамлакат подшоиси уйғоқ деб ўйлаган эдим». Амир кампирнинг бу писандасига жавоб қилишга ожиз. Бу ҳикоятда қанчалар теран маъно, улкан ҳақиқат мужассам. Ҳаётда кўрдик, кўряпмиз, юрт бошида турган арбоб ҳаммиша сергак, уйғоқ бўлишга мажбур, салгина бўлсин у ғафлатда қолар экан, фуқароларнинг осойиши бузилади, шўри қурийди, жиноят, қабоҳатлар учун имкон туғилади.

Асарда қария қисмати, табиати, руҳияти ифодаси асносида умуман инсон табиати, руҳиятининг ғаройиб жумбоқларига эътибор жалб этилади. Қариянинг ўлим олдига ҳолати, руҳияти, дил розини, сўнгги сўзларини эслайлик. Ота видолашув

олдида ўзини бамисоли кўшни қишлоққа сафар қилаётгандек хотиржам тутди. Ўғлига жаноза тадбирлари хусусида маслаҳатлар беради, дастлаб Самад муаллимга хабар қилишни айтади, чунки у «Менга алифбони ўргатган» дейди. Қаранг, бу одамнинг қалбида маърифат кишисига, илк ҳарф ўргатган одамга нақадар улур эҳтиром бор! Жон таслим этиш пайтидаги сўнги сўзлари одамни ўйга толдиради: «Ё қудратингдан, ҳаммаёқ сувми?... Майсазорни кўрпсанми?»

Ҳай дариг... ака... ака... акажо... он...»

Бу қандай сир-сипоат? Нега Отанинг энг сўнги дамларда кўзига сув, майсазор кўринди, нега акасини, акажонни чорлапти, унга талпиняпти? Эҳтимол, бир умр олов олдида ташна ҳолда ўтган темирчи бандасига Оллоҳ сувга мўл майсазор бир манзилни раво кўргандир, бу масканда энг яқин кишиси, жигари — аллақачон оламдан ўтган акаси руҳи билан учрашаётгандир... Ким билсин, у ёғи Оллоҳга аён...

Асқад Мухторнинг «Кундаликлар», Ўткир Ҳошимовнинг «Дафтар ҳошиясидаги битиклар»и кўп қирралиги — бир жумлалик ҳикматлар, ҳаётий кузатишлар, хотиралар, адабий ўйлардан тортиб мўъжаз оммабоп новеллаларга барчасини бағрига жо этганлиги туфайли турли соҳа кишилари, хилма-хил савия, дид эгалари улардан ўзига керакли маънавий озик топишга мушарраф бўлмоқда.

## ТАРИХ САБОҚЛАРИ

Бизда «тарихий роман», «тарихий драма» истилоҳлари кўп қўлланилса-да, бироқ «тарихий қисса», хусусан «тарихий ҳикоя» атамалари кам ишлатилади. Бунинг боиси, кўз-кўз қилгудек тарихий роман, драмаларимиз нисбатан кўп, таҳлилга бардош берадиган тарихий ҳикоялар эса жуда оз. Эҳтимол, тарихий ўтмиш кўламли нигоҳ, мушоҳадаларни талаб этиши сабабли адиблар бу борада ўз истеъдодларини йирикроқ шаклларда тўлароқ намоён этишга эришар. Кейинги айрим тажрибалар кичик жанрларда ҳам муҳим тарихий ҳақиқатларни, кўламли фикр, мушоҳадаларни ифодалаш мумкин эканлигини тасдиқлайди. Бу ўринда Маҳкам Маҳмуднинг «Орифи маъоний», Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Миркомилбойнинг қазо бўлган намози», «Тўхтабойнинг бойликлари» тарихий ҳикояларини назарда тутаётirman.

«Орифи маъоний» ҳикоясини ўқиганда туғиладиган илк таассурот шуки, шу мўъжаз асарни ёзиш учун муаллиф жуда катта меҳнат қилган; айтиш мумкинки, бутун бошли тадқиқот олиб борган. Ўзи айтмоқчи, Ҳазрат Навоий асарлари уммонига шўнғиб, топганларини ўқувчи эътиборига ҳавола этган. Хоқони сайд Шохруҳ, ўғиллари Улуғбек, Мирзо Бойсунгур давридаги воқеалар, сиёсий-маънавий муҳит, қатор тарихий шахслар, улар орасидаги нозик ва чигал муносабатлар — кўйинг-чи, бир ҳикоя имкониятлари доирасида ғоят бой ва ишончли ахборот — маълумот оласиз. Ёзувчи эътиборимизни ўша тарихий муҳит учун ибратли бўлган ғаройиб бир ҳодисага тортади — дарвешлар, риндлар, ёқавайрон ошиқлар базми, уларнинг суҳбати, баҳс-мунозаралари билан таништиради. Жумладан, Бойсунгурнинг бир куни май базмини хурсандчилик қилиб шоҳлик тахтини шоир Бобо Савдойига эртадан-кечгача бўшатиб бергани, ўша куни шоир фармонлар чиқариб, зolim ҳокимларни мансабдан олиб, улар ўрнига олиму фозилларни кўйгани, оқшом тушиб Бойсунгур Мирзо яна тахтга қайтгач, Бобо Савдойи чиқарган фармонлар тўғри эканини тан олгани ҳақидаги ривоят тусини олган ҳаётий воқеа келтирилади...

Ҳикоядаги энг асосий ўрин Сайд Ҳасан Ардашер хонадонидagi риндлар базми, у ердаги баланд кайфият ва хатти-ҳаракатлар моҳияти хусусидаги баҳс-мунозараларди. Ислонда май ичиш гуноҳ. Ўзларини чин мусулмон сановчи риндлар буни билгани ҳолда базмларда май ила кўнгилхушлик қиладилар; уларнинг бу хатти-ҳаракатини оқлайдиган асослари ҳам бор: «Тўғри, май ичиш гуноҳ, бу айбимиз равшандир. Аммо, қани айтинг-чи, адлу инсоф юзасидан, бир тўда май ичмайдиган, ҳушёр амир ва навкарлар қишлоқларга бостириб кириб одамларга жабр-зулм қилиб, молу жонларига қасд қилиб, бола-чақаларини етим қолдириш яхшими

ёхуд биздек, хушманзара, соя-салқин боғда ўтириб, май ичиб, шеърхонлик қилгани яхшими?.. Бизнинг мастлигимиз тонггача тарқаб кетур. Аммо иззу-жоҳ (амал, мансаб) ила маст бўлгонларнинг кайфи фақат мансабдан тушгандан кейин тарқалур. Ва ўшал узоқ мастлик пайтида не ишларни қилмаслар...» Ҳикоянавис бу баҳсга яқун ясаб: «Чиндан ҳам подшоҳлар мастлиги олдида бу риндларнинг мастлиги бегуноҳ гўдаклар ншидек эди», деб ёзади: лутфу эҳсон, илму урфон, меҳру шафқат, шукр ва қаноат, ёшу улуғларга ширинсўз, Ҳақ таоло ишқида завқ-шавқ — уларнинг сифати эканини таъкидлайди. Риндлар базмини кузатиш учун келган Ҳирот муҳтасиби уларнинг фазлу ҳимматига тан беради, шу билан баробар май-парастлигини оқлолмайди... Айни шу зиддиятли ҳол — маънавий муаммо неча асрлардан бери ислом оламида, хусусан Шарқ адабиётида ўткир жумбоқлардан бири бўлиб келади.

Ёзувчи Ардашер хонадонидagi риндлар базмига ёш Алишер ва Ҳусайн Бойқарони олиб киради; ота Ғиёсиддин уларни ана шу улуғ издиҳомга бошлаб боради. Ёзувчининг бундан кузатган мақсади аён: Алишер болалигиданоқ риндлар дунёси билан ошно бўлганлигини таъкидламоқчи, Саид Ҳасан Ардашерга нисбатан бир умрлик чуқур ҳурмат, эҳтироми сабабини, шоир ижодидаги риндона кайфиятлар илдизини очиб бермоқчи...

Кўрамизки, реалистик ҳикоянинг кичик майдони қанчалар катта имкониятга эга, бу борада у кўламли жанрлар — роман ва драма билан мусобақа қила олиши мумкин! Гап шу имкониятлардан фойдалана билишда.

«Миркомилбойнинг қазо бўлган намози» муаллифи янги тарихимизнинг ёрқин ва мураккаб бир сиймоси қисмати орқали тарихимизнинг аччиқ, аламли бир ҳақиқатини ўқинч, афсус-надомат, чуқур изтироб билан ифода этади. Ҳикоя қаҳрамони — андижонлик машҳур Миркомилбой. Бу донишманд, тадбиркор одам эл-юрт фаровонлиги йўлида бетиним заҳмат чекиб, ҳаётлигида рўшнолик кўрмади, қатл этилгандан кейин эса етмиш йил давомида фақат золим бой, иккиюзламачи мунофиқ одам сифатида тилга олиниб келди. Ҳатто Ҳамза, Чўлпондек замондошлари ҳам уни хушламадилар. У ҳақдаги асл ҳақиқат истиқлол даврига келиб юзага чиқа бошлади. Ҳ. Дўстмуҳаммаднинг мазкур асари Миркомилбой тўғрисидаги тарихий ҳужжатлар билан деярли бир пайтда дунё юзини кўрди. Бу тараққийпарвар сиймо ҳаёти, фожиаси моҳиятини ёзувчи теравроқ, таъсирчанроқ ифодалашга эришган. Миркомилбой мустаҳкам эътиқоди, ростгўйлиги, эл-юрт ғами, равнақи йўлидаги дадил фикрлари, жонбозликлари туфайли, бир томондан, қинғирқўл батрак-ишчи, иккинчи томондан, ношуд бойлар, таъмагир мансабдорлар билан келиша олмайди. Миллат ғамида юрган бу тадбиркор бойни чор ҳукумати одамлари ҳам ёқтирмайди, мудом таъкибда, сиқувда кун кўради; шўро ҳукумати одамлари эса ҳибсга олиб уни ўз қўли билан чоҳ қазитиб, сўнг отиб ўлдирадилар.

«Тўхтабойнинг бойликлари» ҳикояси юқоридаги асарга оҳангдош. Аммо ёзувчи унда қаҳрамон қисмати моҳиятини бошқа томондан очади; асарда қаҳрамоннинг сўнгги кунлари қаламга олинади; шўро ҳокимияти туфайли Тўхтабой жами бойликлари, битмас-туганмас орзу-ниятлари, бири-бирдан арзанда уч аёли, бири-бирдан шакар ўн бир ўғил-қизидан жудо бўлди. Тўхтабойнинг ўша кезлардаги аламли ўйлари, руҳий қийноқлари, ҳалокати таъсирчан ифода этилган; Миркомилбой қисматидан фарқли ўлароқ, бу ҳикоя хотимасида ўқувчи кўнглига таскин берадиган аллақандай нурли руҳ бор. Тўхтабой учун қазилган лаҳад шиғфтада осплиб, тебраниб турган қилдай ингичка илдиз, илдизнинг уч-учида симобдай йилтираб турган «бу қадар суяқ, бу қадар тиниқ, бу қадар тотли томчи сув, ўша илдиз ширасининг майитнинг қоқ лаби устига томиши, пахтадай оқ қафанликдан шимилиб ўтиб гўё марҳум танидаги ташналикни қондиришида — мана шу ғаройиб тасодифда қандайдир сеҳр бор... Гап шундаки, Тўхтабой умрининг охириги изтиробли кулларида қаттиқ ташналик ҳасталигига учраганди. Адолатсизликни қарангки, бу фоний дунёда шунча бойликлардан жудо бўлган бу табаррук зот учун сўнгги дақиқаларида оғзига сув томизадиган одам бўлмади! Лаҳад ичига киргандагина чанқоғини қондириш имкони туғилди. Ҳаётда бўлган шу ғаройиб воқеа асар қаҳрамони фожей қисмати, умуман, ҳикоя учун ажойиб, балки илоҳий бир ечим вазифасини ўтаган.

Кўриниб турибдики, бу ҳикояларда муҳим тарихий ҳақиқатлар, тарихий шахслар қисмати бадиият талаблари, жанр имкониятлари асосида қайта идрок этилиб, инкишоф қилинган, бадиий образга айлантирилган. Чинакам тарихий ҳикоя яратилишнинг қийинлиги бу мавзуда ёзилган сон-саноксиз «асар»ларнинг санъат намунаси даражасига кўтарила олмаётганлигига сабаб ана шунда. Тарихий ҳақиқат бадиий модел тусини олганда, ёзувчи шахси билан тасвир объекти бир-биридан ажралади, тасвир объекти мустақил ҳаёт кечириб имконига эга бўлади, энди у китобхоннинг «кўнгил мулки»га айланади, ҳақиқатнинг моҳиятини очиш, у ҳақда хилма-хил фикр-мушоҳада юритиш, баҳслашиш имкони туғилади.

Эҳтимол, тарихий материалнинг бадиий модел тусини олиш-олмаслиги қисса ёки романда дарҳол билинмас, аммо ҳикояда дарров кўринади. Ёзувчи фикри-қарашларини яланғоч тарзда баён эта бошласа, асар қанчалар муҳим тарихий материал асосида битилган бўлмасин, таъсирчанликка эришолмайди. Масалан, Ражаббой Рауповнинг «Иймон минораси» ҳикояси ҳозир қизгин баҳсларга асос бўлаётган Бухоро инқилоби, бу воқеада Файзулла Хўжаевнинг иштироки масаласига бағишланган. Ҳозирги қарашлар ва эълон қилинган янги ҳужжатлардан келиб чиқиб, муаллиф Файзулла фаолиятини ошқора қоралаш йўлидан боради. Дўсти Қодирхўжа тилидан унга маломатлар ёғдирад: «Йўқ, хато қиласан, Файзулла, уларга сен эмас, Бухоро керак!.. Сен аллақачон большевойнинг аравасига мингансан, тушмайсан, тушолмайсан, тўйиб-тўйиб кўшнингини айтасан, айтмасанг айттиради...»

Бугунги кайфиятлар таъсири остида аср бошларидаги ўта мураккаб, чалқаш тарихий ҳодисаларга, улкан тарихий шахсларнинг ўша кезлардаги йўли, хатти-ҳаракатларига енгил, юзаки муносабатда бўлиш, қуруқ «фoш этиш»нинг бадииятга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

## БУГУННИНГ ҲИКОЯЛАРИ

80-йилларнинг охирларида адабиётимизда «Маймун етаклаган одам» ҳикояси пайдо бўлди. Унда асрга тенгдош, умри асрнинг алғов-далғовлари, бемаъни мақсадлар йўлида ўтган, адашган одамнинг фожей қисмати бетакрор тарзда ифода этилган эди.

Бу ҳикоя замондош-асрдош образини яратиш йўлидаги етмиш йиллик тажрибаларнинг муайян интиҳоси ва айни замонда янги босқичнинг бошланиши бўлди. Бинобарин, шу асар билан ўзбек ҳикоячилигида янги давр бошланди деб айтиш мумкин. Ҳикоя муаллифи Назар Эшонкул кейинги олти-етти йил мобайнида ёзган талай ҳикояларида асосан ўша асардаги ғояни турли кўринишда давом эттирди, маънисиз ўтган умр манзаралари таҳлили билан банд бўлди. Н. Эшонкул тажрибаси бошқаларга ҳам юқди, унга гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона тақлид қилувчилар кўпайди.

Нихоят, 1996 йил ёзида матбуотда ёзувчининг «Шамолни тутиб бўлмайди» ҳикояси чикди. Асар жамоатчилик эътиборини ўзига тортди. Ёзувчилар уюшмасининг махсус мукофоти билан тақдирланди.

Ёзувчи асар қаҳрамони Байна момонинг узоқ давом этган фожей, мотамсаро, айни пайтда мардона ҳаёт йўлини ўзига хос йўсин-оҳангда ҳикоя қилади. Унда Момо қисмати билан боғлиқ ибратли воқеалар, чунончи, у билан қишлоқ аҳли, оломон орасидаги зиддият бир-икки деталлар, чизгилар, ихчам лавҳалар орқали эслатилади. Ҳатто ҳикоядаги энг жиддий тўқнашув-олишув — Момонинг эри ва ўғлининг қотили Замон отбоқардан қасос олиши, уни чавақлаб, қонли бармоқларидан жудо этиш воқеаси саҳна ортида юз беради; бу мудҳиш воқеани муаллиф имо-ишоралар, деталлар орқали аён этади. Асарни мутолаа қилаётганда ғам-ғуссага тўла ва айни пайтда мардонавор оғир бир куйни тинглаётгандай бўласиз. Момонинг руҳий ҳолати ва ҳаёти гўё шу куй пардалари орқали тарангум этилади.

Байна момо бир пайтлар фақат қишлоқ эмас, бутун тоғли халқнинг обрўсини кўтариб, номини чиқарган эри Райим полвонни қулоқ дея таъқиб қилиш, мол-мулкни тортиб олиш, сўнг итдай хор қилиб отиб ташлашга йўл қўйгани ва ўғли билан эрини янги замоннинг эгалари — Замон отбоқарлар ихтиёрига бериб қўйгани

учун ҳамқишлоқларини асло кечиролмайди. Одамларнинг, аниқроғи, оломоннинг ожиз, хуркак, бепарқ, муте ҳолга тушиб қолгани уни изтиробга солади: «Бу қишлоқнинг аёллари энди фақат ҳезалак туғади» дея масхара ва нафрат билан оломондан бутушлай юз ўгиради. Эллик йил давомида ёлғиз алам-изтироблар ичида умр кечиради; «ўз ёлғизлиги ва мусибатини ҳаётнинг бадбўй, забун, хор этилган ҳидлари анқиб ётган замонлар даҳлизидан» етаклаб ўтади. Муаллиф мунгли куйлар қанотида Момонинг мушкул руҳий ҳаётини изҳор этишда давом этади: «Байна момо ҳар кеча кўз ёшлари билан тўлган қайиқда йиллар қоялари орасида қолиб кетган эри ва ўғлининг илма-тешик бўлган мурдаси ва Замон отбоқарнинг музаффар қамчиси ётган қонли қалқоб билан тўлган айвонга сузиб борар, эрталаблари ҳўл бўлиб кетган ёстиғини худди қадим аждодларнинг унут бўлган ялавидай уйининг олдидаги... баланд толга осиб офтобда қуритарди...» Яна: «Қиш пайтлари ғамлаб кўйган ўтини етмаган кунлари у кўрпага оёғини тикқанича хотирасига исяниб жон сақларди». Яна: «...ушнинг шу туриши азоб-уқубатнинг бир тўплам уюмига ўхшарди». Қаҳратонда «хотирага исиниб жон сақлаш», мотамсаро аёлнинг ҳолатини «азоб-уқубатнинг бир тўплам уюми»га ўхшатиш саҳифаларга чўзилган драматик саҳналар, оху фарёдлардан кўра қаҳрамон руҳий ҳолатини аниқроқ ва таъсирчанроқ ифодалайди.

Шу хил изтироб, ғам-аламларга қарамай у ғурурини, шаънини баланд тутуди: «Байна момо қишлоқдошларига кўз-кўз қилмоқчидай ва бу уйнинг эркаги ва орияти ўлмаган дея таъкидлаётгандай эри ва ўғлининг полвонлик яктақларини ҳар ойнинг охирида шусиз ҳам ҳамманнинг кўзига ташлашиб турадиган уйининг шаппатгайига осиб кўярди». Бироқ бу машғулотнинг давоми, оқибати, барибир, аянчли ва мунгли: «яктақлар ҳам бора-бора нафрат тўла чангалга дош беролмади: Замон қассоб ўлимидан бир кун олдин яктақлар дорда увада-увада бўлиб осилиб турар, улар энди кийимдан кўра кўпроқ қабрлар устига илиб кўядиган лахтакка ўхшаб қолганди».

Алам, афсус-надоматлар ичра ўй сурасан киши, бу фоний дунёда яхши ва ёмонликлар, одамларнинг қувончлари, ададсиз ғам-ғуссалари, улардан қолган хотира-ёдгорликлар, барибир, унутилади; не-не қувончу ғам-аламлар маскани бўлмиш, бир вақтлар қишлоқнинг кўрки саналмиш, бугун эса путурдан кетган Байна момо уйи бузилмоқда, номаълум ва мудҳиш синоатларга тўла қадим кўрғонни эслатувчи бу уй билан бирга тақдирнинг бешафқат ўйинига қарши кураша-кураша дунёдан ёлғиз ва изсиз ўтиш азобини кўтариб келган, ҳаёти одамлар учун тушунуқсиз ва мавҳум туюлган Момо ҳақидаги хотиралар ҳам йўқлик қаърига кетмоқда... Яхшиямки инсон ихтиёрида унинг ажиб даҳоси маҳсули санъат, адабиёт деб аталган мўъжиза бор. Қаранг, биргина мўъжаз ҳикояда кўримсиз, эътиборсиз, одамлардан, оломондан четда ғарибона умр кечирган аламдийда мағрур аёлнинг аср фожиалари, замон талотумларидан дарак берувчи чексиз ғам-андуҳлари, кўнгил фарёдлари, исёни, ёрқин руҳий сиймоси муҳрланиб қолган!

«Шамолни тутиб бўлмайди» ҳикоясида янгича сюжет тузиш ва руҳий таҳлил йўллари яққол сезилади. Бу асар «Маймун етаклаган одам» каби янги жаҳон адабиётида кенг тарқалган реал ҳаёт ҳодисаларини мифологик модел асосида гавдалантиришнинг яхши миллий намунасиدير.

## ҚИССАДАН ҲИССАЛАР

Бугунги қиссачилигимизга назар ташлаганда биринчи галда ундаги мавзу, муаммо, шаклий, услубий жиҳатдан ранг-баранглик эътиборни тортади. Улар орасида тарихий, замонавий, ижтимоий-сиёсий, оилавий-маиший, ишқий мавзулардаги ҳам анъанавий романтик, реалистик, ҳам модернистик, ҳам жиддий, ҳам юмористик, саргузашт — детектив йўналишдаги асарларни кўриш мумкин. Турли савияда бўлишидан қатъий назар, ранг-барангликка не етсин?

Сўнги йилларда тилга тушган қиссалардан бири ёш қаламкаш Наби Жалолдиннинг «Ўлимнинг ранги» асаридир. У мудҳиш афғон урушининг марҳум ва тирик қолган қурбонлари ҳақида. Қиссада уруш одамларининг қатор ҳаққоний образлари, аниқроғи, образларига чизгилар бор. Очиғи, асарни бошдан-оёқ тутиб ту-

радиган ёрқин концептуал қаҳрамон образи йўқ. Бу вазифани уруш ҳақидаги ҳақиқат лавҳалари адо этади. Л. Толстойнинг машҳур «Севастополь ҳикоялари»даги каби бу асарнинг бош қаҳрамони ҳам уруш ҳақидаги шафқатсиз ҳақиқатдир.

Қиссадаги уруш даҳшатлари лавҳалари — танадан чўрт узилиб қонга беланиб ётган бошлар, тупроқда қоришган қонли таналар, култепага айланган қишлоқлар, аҳл бовар қилмас шафқатсизликлар, бир томоннинг шафқатсизлигига жавобан иккинчи томондан қилинган ваҳшийликлар ифодаси билан танишар экансиз, беихтиёр Ўткир Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар» романидаги айни ўша кўриниш лавҳалари ёдга тушади. Муаллиф афғон урушида қатнашган, ўзи кўрган, билганларини, хотирада қолганларини қоғозга ҳаққоний туширган. Ўткир Ҳошимов эса афғон урушида қатнашган эмас, аммо бу уруш қатнашчилари билан суҳбатлар қурган, уларнинг қисматини сиңчиклаб ўрганган. Ёзувчи истеъдоди, фантазиясининг сеҳрини қарангки, романда афғон уруши манзаралари, уруш одамнинг қисмати, руҳияти уруш кўрган одамниқидан кўра ҳаққоний, ҳаётий чиққан, уруш даҳшатлари эса, очиги, қиссадагидан кўра теранроқ, кўламдорроқ очилган.

Қиссада юракдан ҳис этиб қоғозга туширилган лавҳалар, ибратли чизгилар бисёр. Муаллиф бир ўринда жангчиларнинг командир келиши олдидаги ҳолати ҳақида шундай ёзади: «Уруш пайти учун мантиқсиз ва шунингдек, кулгили бўлган яна бир нарсаси шуки, — булар душман ҳужумидан эмас, навбатчи зобитнинг ёки баталён командирининг текшириб келиб қолишидан кўпроқ кўрқишади, ҳадиксирашади...»

Асирга тушган шўровий ўзбек йигити Акбар очлик, ташналик азобини чекаётганига қарамай мужоҳидлар егулик инъом этганида қўл ювмай туриб овқатланмайди. Энг даҳшатли дамларда ҳам ота-болалар қонидан ўтган ўзбеккона удумга содиқ қолади. Акбар мужоҳидлардан овқат сўрамайди, ювиниш учун сув сўрайди. Ўзини овқат устига ташлашга тайёр турган Слава ҳам ноилоҳ Акбарга эргашади, Акбар сўраб олган обдастадаги сувдан иккаласи юз-қўлларини ювиб, овқатни баҳам кўришади.

Бошқа бир ибратли, кўнгилни хижил қиладиган лавҳа: аскар йигитлар жангдан қайтгач, уйда киярмиз деб «жинси» шим қидирадилар. Ватанда ўша «жинси»нинг нархи фалон пул. Бу йигитлар учун ҳатто урушда ҳам «модабон» матоҳ олиб кетиш ширин орзу эди. Бироқ мана шу «ширин орзу» йўққа чиқади; уларнинг не-не машаққат билан топган матоҳини қуролдош дўстлари ўмариб кетади. Нақадар шармацдали ҳол! Шу кичик бўлса-да, инсон, миллат шаънини ерга урадиган кўнгилсиз ҳодисада 70-йиллар шўро тузуми ҳақиқатининг, бу тузум етиштирган кишилар руҳияти, ахлоқи, маданиятининг бир хунук қирраси ярқ этиб кўринади... Айни шу хилдаги ҳаётий, маънодор лавҳа, чизгилар қиссага зеб бериб турибди.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Ҳижроним менингдир, менинг...» қиссаси бир қарашда анъанавий лиро-романтик йўсинда битилган, асар ошиқ ва машуқларнинг кўнгил розларини изҳор этувчи мактуб — ёзишмалардан иборат. Бу ёзишмалар Лайли ва Мажнуннинг, «Ўтган кунлар»даги Отабек билан Кумушнинг мактубларини ёдга туширади. Фарқ шундаки, бу ердаги диллар изҳориди айтарли нолишлар йўқ, аслида севги йўлида ташқи тўғаноқлар, орада «Қоработир»лар, жиддий драмалар учун асоснинг ўзи йўқ. Биз кўп йиллар «конфликтсизлик назарияси»га қарши жанг қилиб келдик, ҳар бир асарда албатта «жиддий конфликт», «жанг учун асос» бўлиши зарур деган даъвода юрдик. Энди ўйлаб қарасак, бу шарт эмас экан. Жаҳон адабиётида шундай ноёб бадий обидалар борки, улар биз ўрганган ҳаётий зиддиятлардан, ўткир конфликт-интригалардан холи. Шунга қарамай, уларда инсон табиати, қалби ажиб бир тарзда очилган. Хуршид Дўстмуҳаммад қиссасидаги ошиқ ва машуқлар бир-бирига фақат эзгу туйғуларини изҳор этади, севги мулоқотлари жараёнида уларнинг хаёли, вужуди, борингки, бутун ҳаёти бамисоли нурли, мусаффо туйғулар қанотида сайр этади. Бу нафис, мусаффо туйғулар уларни инсоний камолот сари етаклайди. Улар ошиқона мулоқотлар асносида ўзгача одамга айланиб бораётганлигини, ҳаёти бошқача маъно касб этаётганини ҳис этиб турадилар. Икки ошиқ орасидаги нур, нафосат билан йўғрилган бахтиёр дамларини кузатар экансиз, кўнгилнингизнинг бир чеккасида қандайдир хавф-хатар, бирор кори-ҳол юз бермасмикан, деган хавотир кезиб юради; улар гўё висол эмас, ҳижронга маҳкумдек, мабодо

улар висолга эришса, ҳаммаси барбод бўладигандек туюлади кишига. Сизу биздаги мана шу хавотир туйғуси ошиқ ва маъшуқанинг кўнглида ҳам пинҳона, онг остида кечади. Аслида ҳаётнинг ўзида шундай. «Дамлар шудир, ўзга дамни дам дема» деган ҳикмат бежиз айтилмаган; инсонга берилган ширин, бахтли дамлар ўткинчи, ҳамниша таъқиб остида, кичик бир тасодиф билан ҳаммаси бир дамда тугаши мумкин. Асарда ҳали бундай тасодиф, хатарнинг ўзи йўқ, бироқ сезилар-сезилмас хавотир шарпаси бор. Ёзувчи қиссасида шу сеҳрли руҳий ҳолат-вазиятни, ғаройиб ҳақиқатни бадиий кашф этган.

Ёш қаламкаш Саид Анварнинг «Уч кун хўроз бўлганим» асарини ўқиганда тамомила ўзгача қувноқ бир даврага кириб қолгандай бўласиз. Машҳур Юсуф Қизикдан сўнг сўна бошлаган халқ қизиқчилиги санъатини қайтадан тирилтирган фарғоналик машҳур кулги устаси Муҳиддин Дарвеш хотирасига бағишланган, унинг болалиги ҳақидаги бу қисса адабиётимиздаги машҳур юмористик персонажлар — Қалвак махзумнинг болалиги, Шум бола, Ҳошимжон, Аламазон саргузаштларини ёдга туширади. Қиссанинг талай ўринлари ҳозирги энг номдор ҳажвчиларнинг асарлари билан бемалол беллаша олади. Чунончи, Муҳиддиннинг шумлиги орқасида бемаҳал қичқирган хўроз товуши туфайли қишлоқда юз берган қизиқ ҳангомалар, соддадил қишлоқ одамларининг бемаҳал уйғониб, кундалик машғулотларини бемаҳал бошлаб юбориб, ноқулай-кулгили аҳволга тушиб қолишлари, Муҳиддиннинг икки бева — Раззоқ бува билан Лоҳила хола орасида «почтачи»лик қилиб, чол ҳадя этган ёнғоқни кампирга, кампир инъом этган суз-мани чолга ташиб, уларнинг висолга эришувида воситачилик қилиши каби қувноқ юмористик лавҳалар чиндан маҳорат, завқ-шавқ билан битилган.

Юмор, сатира энг демократик адабий тур; ҳажв олдида шоҳу гадо баробар, ҳажвчи адиб гап келганда ҳатто отасини, қолаверса, ўзини ҳам аямайди. Бу нарса бизнинг қизиқчилик санъатимизга ҳам хос. Воқеа, саргузаштлар қаҳрамон тилидан ҳикоя қилинган бу қиссада Муҳиддин ичак узди кулгилар орқали фақат ўзгаларни эмас, ўзини ҳам «фош этиш» дан тап тортмайди, ўз ожизликлари, шумликлари, гоҳо қалтис «гуноҳ»лари қанчалар қимматга тушганлигини тортинмай айтади. Бу нарса асарга янада ўзгача файз, илиқлик, самимият бахш этади... Кулги тили билан сўзлаш истеъдодини илк асаридаёқ кўз-кўз қила олган ёш адиб бундан буён ҳажвий характерларнинг кўламдорлиги, мазмуннинг терадлиги, қаҳрамонларнинг концептуаллиги устида бош қотириши керак. Шунда у ҳажвий насримизни янги босқичга кўтара оладиган асарлар ярата олади.

Сўнгги йилларда бизда ҳам замонавий жаҳон адабиётида кенг тарқалган детектив-саргузашт тур анча жонланди, бу адабий турнинг Тоҳир Маликдай истеъдодли соҳиби қаламлари ва унинг издошлари етишиб чикди. Тоҳир Маликнинг жаҳон детектив-саргузашт адабиёти яхши намуналари билан бўйлаша оладиган қиссалари, «Шайтанат», шунингдек, «Сўнгги ўқ» асари асосида суратга олинган телесериал эл орасида катта шухрат топди. Энг муҳими, Тоҳир Малик ўзбек адабиётида бу турга юксак маданият олиб кирди, уни чинакам санъат даражасига кўтара олди. Бу ҳақда кўп ва хўб гаплар айтилди ва айтилмоқда. Минг афсус, ҳамон бу соҳага тасадибий, шунчаки ҳаваскор кимсаларнинг бош суқиши давом этмоқда. Шу билан баробар, бу борада махсус малака, тажриба етишмаси-да истеъдодли ёшлар қалам тебратаётганлиги таҳсинга сазовор. Шулардан бири Абдуқаюм Йўлдош қаламига мансуб «Катта ўйин» қиссасидир. Қисса тижорат соҳасидаги мафия гирдобига тушиб, уюшган жиноятчиларнинг катта ўйинига аралшиб қолган ёш, ҳаваскор тижоратчи, аслида соддадил журналист йигит саргузашти ҳақида баҳс этади. Қисса қаҳрамони ҳаваскор тижоратчи йигит журналист бўлганидан детектив асар учун зарур изкувар вазифасини ҳам ўтайди. Айни пайтда ёзувчи олдида савдодаги жиноят механизми, анатомиясини журналист нигоҳи орқали публицистик таҳлил этиш имконияти очилади. Бунинг муайян самаралари ҳам кўринади. Афсуски, ёзувчи мана шундай қулай имкониятдан етарли фойдалана олмайди. Биринчидан, муаллиф мураккаб, чигал ҳодисаларни жиддий таҳлил этиш ўрнига енгил, осон қизиқтирувчанлик йўлидан бориб касалхонада бадбашара барзанги аёлнинг қаҳрамонга ҳирсий ҳамласи, қаҳрамоннинг унга берган зарбаси сингари олди-қочди воқеалар билан банд бўлади. Иккинчидан, изкувар қаҳрамон

чин фаолият, энг қалтис курашлар, олишувлар гирдобига кирмай туриб, сафдан чиқади, ҳалок бўлади, унинг ўрнига курашга тушган милиция ходими фаолияти эса куруқ шарҳдан иборат бўлиб қолган. Шу тариха детектив-саргузашт тур асар учун муҳим шарт — маккор жиноятчи ва моҳир изқувар имкониятлари орасидаги нисбат бузилгани, жиноятчининг ҳаддан ташқари маккорлиги, изқуварнинг содда, гўл, фаолиятсизлиги туфайли асардаги яхши ният тўла рўёбга чиқмай, ҳодисанинг моҳияти етарли очилмай қолган.

Гуноҳу қабоҳатларга тўлиб-тошган бир қишлоқда юз берган ҳам реал, ҳам фавқуллодда хаёлий-фантастик, ваҳм, кўрқинчли, мудҳиш воқеалар тизими ифодасидан иборат «Қора қун» қиссаси теварагида жиддий тортишувлар бўлаётир, эътирозлар билдирилаётир. Эътирозлар чоғи жаҳонда анча кенг ёйилган, руслар «ужас» (даҳшат) деб атайдиган йўлда битилган Шодикул Ҳамроевнинг бу қиссаси ўзбек адабиётида бу йўлдаги дастлабки тажрибалардан эканини, қолаверса, бу турнинг ўзига хос хусусиятларини унутмайлик.

## ЯНГИ УФҚЛАР

Бугунги насримиздаги янги жараёнлар, маънавий, шаклий-услубий изланишлар кўпроқ роман жанрида ёрқинроқ намоён бўлаётир. Айниқса сўз санъатининг ўзак масаласи — инсонни англаш, инсон табиатининг, қалбининг тушуниш-тушунтириш қийин бўлган сир-синаотларини тафтиш этиш, инсон жумбоғи устида астойдил бош қотириш, энг муҳими, бу борада одатдаги андозалардан қочиб янги йўллар ахтариш романчилигимиз ривождаги етакчи тамойилга айланиб бораётир. Инсонни англаш, инсон шахсини таҳлил ва талқин этишда бизда узоқ йиллар устувор бўлган ижтимоий-ахлоқий ёндашиш анъанаси давом этаётгани ҳолда ХХ аср жаҳон адабиётида кенг тарқалган эстетик-фалсафий оқимлар тажрибаларига астойдил қизиқиш, қолаверса, Шарқ адабиётининг буюк мероси — диний-исломий ақидалар, тасаввуф фалсафаси ва эстетикасига қайтиш ҳозирнинг ўзидаёқ ўз самарасини бера бошлади. Романларимиз ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзгача қиёфа касб этмоқда, роман уфқи кенгаймоқда.

Кейинги бир-икки йил ичида яратилган Шукр Холмирзанинг «Динозавр», Аббос Саиднинг «Беш кунлик дунё», Шойим Бўтаевнинг «Қўрғонланган ой», Омон Мухторнинг «Ффу», «Аёллар мамлақати ва салтанати», Эркин Самандарнинг «Тангри қудуғи» асарлари — буларнинг ҳар бири жиддий баҳс-мунозаралар, теран илмий мушоҳада, таҳлиллар учун бой озуқа бера олади.

«Динозавр» романи мавзу-материали, мазмун-мундарижаси жиҳатидан ўта замонавий асар; унда шу куннинг нафаси уфуриб турибди, мамлакатдаги, жамиятдаги туб бурилиш, бозор иқтисодига ўтиш жараёнида одамлар ҳаёти, табиати, руҳияти, тақдирида, ўзаро муносабатларида юз бераётган ўзгариш, эврилишлар қаламга олинади, одамларнинг шу кунги кайфияти бамисоли кўзгуга солиб кўрсатилади. Дадил айтиш мумкинки, ҳозирги туб бурилиш асносида одамлар руҳиятидаги эврилишлар, уларнинг кайфияти ўзбек адабиётида илк бор «Динозавр» орқали роман кўзгусида ўз аксини топди.

Ҳозир асарнинг ҳозиржавоблигига қараб баҳолаш, «долзарб мавзу»да ёзилгани учун тасаннолар айтиш удуми эскирган. Айни вақтда бу тур асарларни эскича «мавсумий машғулот»нинг давоми деб камситиш ҳам ўринсиз. Бадий асар қиммати мавзунинг долзарблиги, мавсумийлиги ёки абадийлиги билан белгиланмайди. Ҳар қандай мавзуда ёзилган асарлар орасида юксак санъат намуналари ҳам, ўта жўн, юзаки нарсаларга ҳам дуч келиш мумкин. Жаҳон адабиётида бунга мисоллар кўп. «Динозавр» муаллифи ҳозирги ижтимоий жараёнларга шунчаки муносабат билдириш, ниманидир тасдиқлаш, улуғлаш ёки рад этиш, қоралашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эмас; балки сўз санъатининг асл табиатидан келиб чиққан ҳолда мана шу туб бурилиш палласида юзага чиқаётган инсон жумбоғи, аниқроғи, инсон табиати, руҳиятининг турфа жилвалари, янги қирралари, турли садолари, сир-саноати билан қизиқади.

Бугун «жамият қитъи»га тегадиган ўткир гапларни айтиш, жиддий ижтимоий-ахлоқий муаммоларни кўтариш билангина эътибор қозониш қийин. Инсон қалби,



табиати ҳақидаги ҳақиқатнинг янги жиҳатларини кашф этиш йўли билангина ҳозирги маърифатли, дидли китобхон кўнглига йўл топиш мумкин. «Динозавр» романи аини шу жиҳати билан эътиборимизни тортади, бизни асар воқеалари, персонажлар даврасининг иштирокчисига, суҳбатдошига айлантиради. Роман персонажлари — кеча моҳир актёр саналган Шаҳлонинг хорийжий мамлакатларга қатнайидиган тижоратчи, кеча таниқли совет болалар шоири бўлган Авзал аканинг бугун мутаассиб тақводор, куни кеча СССР тарихи ўқитувчиси сифатида ёш авлод онгига коммунистик ғояларни сингдирган, раҳбар ходим сифатида даҳрий ишларга қўл урган Тойиров бугун катта фирма эгаси — «бозор иқтисоди» одами, савдогар, Жамолиддин оз фурсат ичида авваллари ҳатто тасаввур этиш ҳам мумкин бўлмаган кўламли мулкдор, бизнесмен. Бу тур одамларнинг табиати, руҳиятидаги бу қадар кескин ўзгаришлар ғалати жумбоқ. Кеча қандай бўлса, бугун ҳам шундай — жайдари, қувноқ, танги, асл меҳнаткаш — «трудяга»лигича қолган, фақат ер, она табиат билан мулоқот, пешона тери эвазига кун кўришга одатланган Куюн ака ҳам ўзига хос жумбоқ.

Асарнинг бош қаҳрамони Маҳкам ҳам пок, соддадил, самимий инсон сифатида, ҳам истеъдодли адиб, моҳир тараққийпарвар кинорежиссёр, янги «шароит мевалари»ни ҳазм қилолмай қийналади. У истиқлол, янгича ижтимоий муносабатларга қарши эмас, аини пайтда унда эски тузумни кўмсаш кайфияти ҳам йўқ. Моҳият-эътибори билан бу одам мустабид тузум жабрдийдалари тоифасига мансуб; отаси, тоғаси, яқин одамлари эл-юрт қайғуси билан яшаган зиёли одамлар бўлган; отаси қатағонга учраган, Сталин ўлиmidан олдин қамокда ўзини осиб қўйган; ўзи эса ижодкор сафида оғир шароитларда ижтимоий адолат учун курашчилар сифатида турган... Истиқлол туфайли ажодлари, ўз кўнглидаги орзу-ниятлари ушала бошлади. Шундай бўла туриб, нега энди бу одам янги шароитга дарҳол мослаша олмайди, туб ўзгаришларни ҳазм қилолмайди; санъаткор сифатида янгиликлар шайнига мадҳиялар айтмайди, айтолмайди? Бутун гап ҳаётнинг мураккаблиги, асарни асар, образни образ қиладиган бадий жумбоқ ана шунда.

«Бозор иқтисодига ўтиш» даврида юзага чиқаётган мураккаб муносабатларни, даврнинг ўзига хос шафқатсизликларини Маҳкам типидagi ижодкор одам дарҳол ҳазм қилиши қийин. Айниқса, одамлараро муносабатларда ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоб, пул, шахсий манфаат асосига қуриш тамойили қарор топиб бораётгани, бу нарса ҳатто оиласига ҳам кириб келаётгани Маҳкамни қийноққа солади. Ҳаёт тарзининг ўзгариши билан ижодга муносабат, бадий мезонлар ҳам тубдан ўзгаради. Авваллари ҳар қанча илғор маррада турган бўлмасин, бугун ижодкор одам кечаги мезонлар билан иш кўриши мумкин эмас. Маҳкам сиймосида биз ма на шуларни ҳис этаётган, ўзини янгилаш машаққатини бошдан кечираётган ижодкор шахси драмаси, балки фожиасини кўрамиз. Шу тарихи Маҳкам ўтиш даври зиддиятларини ҳам содда, самимий чин инсон, ҳам виждонли, истеъдодли санъаткор сифатида намоён этганлиги билан жозибадор. Қизиқ, янги замон ўзгаришларини қийинчилик билан қабул қиладиган Маҳкам, романда қаламга олинган шароитга осонлик билан мослашиб олган кимсаларга қараганда истиқлолга яқин, мустақил Ватаннинг чин ўғлони сифатида таассурот қолдиради.

«Динозавр» тажрибаси шундан далолат берадики, қуруқ мадҳиялардан кўра янги давр одамлари руҳиятидаги жараёнларни ҳаққоний кўрсатувчи бу тур асарлар истиқлол учун кўпроқ наф келтиради.

Изчил реализм йўлидан бориб персонажлар руҳиятини, турмуш икир-чикирларини тафсилотлари билан кўрсатиш жиҳатидан Аббос Саиднинг «Беш кунлик дунё» романи «Динозавр»га ўхшаб кетади. Аини пайтда бу асарда ҳозирги замон жаҳон янги романчилиги тажрибалари унсурлари ҳам кўзга ташланади. Романда Шарлотта Бронте, Селинжер, Фолкнер, Булгаков, Булгаков, Маркес номлари, асарлари, персонажлари кўп марта эҳтиром билан тилга олинади; асар бош қаҳрамони ёш ёзувчи, журналист Анвар аини ўша асарлар руҳида тарбияланган янгича бадий тафаккурга мойил шахс. Қаҳрамон руҳияти ва хатти-ҳаракатлари ифодасида муаллиф ғарб адабиётида урф бўлган бир усулни қўллайди: Анвар ҳар бир вазиятда ичида ўзгача ўйлайди, мушоҳада юритади, аммо вазиятга қараб гоҳо ўзгача сўзлайди, ўзгача хатти-ҳаракат қилади; нега шундай қиладиганини ўзи ҳам сез-

майди; кўнгил розига, виждонига зид бориб ўзгача гапиргани, виждонига хилоф ишлар қилиб қўйгани учун руҳан эзилади, ўзини кечирмайди. Шу билан баробар бу йигит қалби тубидан келган «айтма», «қилма», деган нидога қулоқ солмай мурасасизлик йўлини тутгани, тўғриси айтгани учун бошига балолар орттиради.

Ёзувчи асарни ҳақиқатгўй Анвар билан қаллоб бошлиғи, унинг ювиндихўрлари орасидаги зиддиятлар интиҳосидан, қаҳрамоннинг ишдан кетишидан бошлайди. Қаламга олинавериб сийқаси чиққан, «ишдаги зиддиятлар»нинг батафсил тасвиридан воз кечиб, бутун эътиборни кўча-қўйдаги тасодифий учрашувлар, мулоқотлар ва оиладаги муаммо-можароларга қаратади. Шуниси қизиқки, Анвар ишда тўқнаш келган қаллоб муҳаррир Шариф Юсупов ҳам, унинг Пирриев сингари гумашталари ҳам характер-образ сифатида бизни ўзига унча тортмайди, аниқроғи, жиддий янгилик бермайди. Қаҳрамон кўча-қўйда дуч келган Ҳаким Мансур, Махмуд Пўлат, Акбар муаллим, Альфия, Тўлқин Турсунзода, Осие, Махмуд Дарё, Фаарида опа — буларнинг ҳар бири ажиб характери, мураккаб, чалқаш қисмати билан ўзига хос бадий жумбоқ сифатида катта қизиқиш уйғотади. Булар билан танишув, мулоқот қаҳрамон учун ҳаёт мактаби, ибрат, сабоқ, савоб ва гуноҳ дарси, ҳам қувонч, ҳам аянч, ҳам ўй-мушоҳадалар манбаига айланади.

Бироқ қатор фазилатларга эга бўлган бу романи ўқиб тугатгач, негадир қалбингизда кутилган ўзгариш, балки ғалаён, инқилоб рўй бермайди. «Ўтган кунлар»ни, «Кеча ва кундуз»ни, «Оқ кема»ни, «Қиёмат»ни ўқиб тугатганда қалбингизда бўрон кўзғолади-ку, қарашларингиз ўзгариб кетади-ку, ахир! «Беш кунлик дунё»да ҳам бунинг учун имконият бор эди. Афсуски, романда турли шахобчалар — ишдаги кўнгилсизлик, кўча-қўйдаги таниш ва нотаниш химсалар билан мулоқат ва, ниҳоят, оилавий-маиший ҳаёт жумбоқлари билан боғлиқ йўналишлар қаҳрамон қисмати, онгида бир нуқтага йиғилиб, қудратли бир маънавий-бадий омилга айланмай қолгандек туюлади. Қаранг, қисқа муддат ичида шунча савдоларни бошдан кечирган, неча ғаройиб, чалқаш тақдир эгалари бошига тушган ғалвалар билан яқиндан танишган, жоғеий воқеа-ҳодисаларга гувоҳ бўлган ижодкор йигит ҳаётда, онги қарашда кутилган жиддийроқ ўзгариш рўй бермайди.

Шойим Бўтаевнинг «Қўрғонланган ой» романида қаҳрамон онги, қараш, характери ва қисматида юз берган туб бурилиш, ўзгаришлар ва буларнинг оқибатлари таъсирчан ифода этилади.

Асар бош қаҳрамони Муртазо бир пок мусулмон оиласи муҳитида халқимизнинг, тоғликларнинг энг мўътабар ахлоқий анъаналари руҳида тарбияланган; у ўта ҳалол, раҳмдил, ҳатто товуқ қони тўкилишига ҳам тоқат қилолмайдиган беозор, майин-мулойим йигит бўлиб етишади. Оила муҳитидан чиқиб, катта ҳаёт кучоғига кириши билан бирин-кетин дағаллик, шафқатсизлик, адолатсизликларга дуч кела бошлайди. Унда энди ҳам шафқатсиз муҳитга, ҳам ўз табиатига нисбатан исён туйғуси жўш уради; бора-бора у шафқатсиз, дағал, харомдан хазар қилмайдиган кимсага айланади. У оилада севиб олган турмуш ўртоғига, ота ва оналарига, қариндош-уруғларига муносабатда ўта қўпол. Унинг дастидан жондорларга ҳам кун йўқ... Ҳаётнинг қайноқ гирдобидан олинган бу романда ҳам қаҳрамон қисмати ифодасида мифологик модел қўлланган: аслидан узоқлашган одам охир-оқибат тақдир жазосига учрайди, ўзи алдов билан тузоққа илинтирган, қанотлари қайрилиб қўлга ўргатилган, бешафқат овчи қилиб тарбияланган бургут охирида эгаси Муртазонинг кўзига чанг солади! Бу жараёнларнинг барчаси рухий жиҳатдан яхши таҳлил этилади.

Омон Мухтор романлари шакл-шамойили, сюжет тузилиши, ифода тарзига кўра янгича; уларда замонавий жаҳон романчилиги тажрибаларини ёдга туширувчи хусусиятлар талайгина: анъанавий реализмга хос аниқ замон ва макон тушунчаси йўқ, ҳодиса-воқеаларни айни ҳаётдагидек гавдалантириш, изчил баён этиш, қаҳрамонлар руҳиятини урф бўлган реализм мантиғи асосида очиш, ифодалаш ҳам йўқ, реаллик билан ҳаёлот, ўнг билан туш айқаш-уйқаш ҳолда келади; аниқроғи, воқеа-ҳодисалар реал ҳаётда, объектив борлиқда эмас, қаҳрамонларнинг хаёлида, онгида кечади; қаҳрамон руҳиятида реаллик билан ҳаёлотнинг қўшилиб-туташуvidан иборат ғаройиб дунё, ҳаётнинг ўзига хос бадий модели яратилади; реаллик билан ҳаёл, у дунё билан бу дунё орасидаги чегара

йўқолади, реаллик ҳаёл, афсона либосида, афсона эса реаллик тарзида намоён бўлади, тириклар ўликка айланади, руҳ тандан ажралиб бир-бирини тафтиш этишга киришади, ўликлар тирилиб тириклар билан мулоқотга киришади, турли аср одамлари бир-бирларига рўбарў келади... Бир қарашда тартибсиз, мантиқсиз, айқаш-уйқаш туюлган ҳодисалар замирига синчиклаб назар ташласангиз, масалага асарнинг ўз ички қонуниятлари асосида ёндошсангиз, уларда теран маъно, боғиний тартиб, мантиқ, ҳаёт ҳақиқати борлигига амин бўласиз.

Омон Мухтор романларида гарчи жаҳон замонавий адабиёти тажрибаларига эш жиҳатлар кўп бўлса-да, уларга кўр-кўрона, юзаки тақлидлар йўқ. Бу асарлар шарқона миллий руҳ, фалсафа билан йўғрилган. Кутилмаган фавқуллода бир шаклда битилган асарлардан бири «Ффу» ривоят-романи сўзбошисида муаллиф: «Бу ёзганим барчаси — эски гап. Биронта янги гап йўқ! Тополмайсиз», — дейди. Бунинг маънисини изоҳлаб «Менинг отам (эски одам эдилар!) бир куни барибир орқага қайтасан, дердилар. Мен олдинга қараб югурар эдим... Бу кун қайта бошладим... Бу кун янги бўлиб кўринган дунё — эртага эскира бошлайди», — деб ёзади.

Ёзувчи қадим адабий анъана асосида бош қаҳрамон Тоштемирнинг афсона-ривоят либосида намоён бўлган реал қисмати, саргузашти воситасида айни ўша панд-фалсафани тасдиқлашга ҳаракат қилади: Болажон ота укувсиз, омадсиз ўғлига бахт, омад тилаб не-не кўйларга тушади, ниҳоят, йўли топилади, ақл касод бўлган замонда ўғли учун «ақл» сотиб олади; афсоналардагидек бир мўъжиза рўй беради, ўғил бошига бахт қуши кўнади, ўғил ота касби — қурувчиликни танлаб, даста тузиб катта бойлик, шухрат қозонади; ғойибдан келган осон бахт, шухрат уни чалғитади, қаллоблик, бузуқликларга, жинойий ишларга бошлайди, ҳаёти жар ёқасига келиб қолади... Болажон ота энди янги ташвишлар гирдобиде қолади, авваллари ўғлининг укувсизлиги фақат отани ташвишга солган эди, энди унинг қилмишларидан эл-юрт ташвишга тушмоқда, зарар кўрмоқда... Отанинг югуриб-елишлари оқибатида ўғил ижарага олинган «ақл»дан халос бўлади, аслига қайтади, имон-этиқод, камтарона ҳалол меҳнатга, ҳаётга қайтади. Бундан ўғил ҳам мамнун, отанинг ҳам кўнгли тинч, эл-юрт ҳам манфаатдор...

Шу тариқа янгича ифода шакли билан қадимий, анъанавий, шарқона эски ҳикмат кўшилиб ўзига хос роман-ривоят майдонга келган.

Қадимий анъаналар оқибати бўлса керак, роман қаҳрамони ҳаётининг турли босқичлардаги ҳолатлари ифодасида бир оз тарафкашлик, яқранглик аломатлари бор. Бу ҳол инсон шахси, қалби ҳақидаги ҳақиқатни бир оз жўнлаштиради. «Аёллар мамлақати ва салтанати» романида эса ҳар хил вазиятларда, реаллик ва ҳаёлот маҳсули бўлган саҳналарда, онгдаги жараёнлар ифодасида персонажлар ҳаёти ва шахсиятига хилма-хил томондан ёндашиш устивор. «Аёллар мамлақати ва салтанати» матни муаллифнинг бошқа романларга қараганда пухтароқ ишланган; аввало роман муайян доира бўйлаб айланувчи, бетиним тақрорланиб турувчи ўзига хос сирли-сеҳрли мусикий оҳанг билан йўғрилган, насрий ифода ва шеърый сатрлар омукталиги, насрдан шеърга, шеърдан насрга эркин кўчиш, ўзга шоирлар шеърый сатрларидан эркин фойдаланиш, тарихий ҳужжатларга мурожаат, халқ оғзаки ижоди намуналари — ривоят ва эртақлар сюжетининг қайта ҳикояси, хусусан «Уч ёлғонда қирқ ёлғон» эртаги баёни — булар асар матнига ажиб файз, кўп оҳанглилик бахш этган.

Эркин Самандарнинг «Тангри қудуғи» романи билан танишганда туғиладиган илк таассурот шуки, ўзбек адабиётида Қодирий асос солган, Чўлпон, Ойбек, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Мирмуҳсин каби адиблар янги хусусиятлар билан бойитган тарихий романчилигимиз анъанаси бугун ҳам давом этмоқда.

Муаллиф Хоразм тарихининг энг мураккаб, чигал палласи — Абулғози Баҳодирхон даври, аниқроғи, Абулғози Султоннинг тахтга келиш олдидаги ўта таҳликали драмалар, фожейий воқеалар, мусибатларга тўла тарихий вазиятни қаламга олади. Арабмуҳаммадхоннинг тахтдан четлаштирилиши, оға-инилар орасидаги тож-тахт учун мурасасиз курашлар, бундай шармандали олишувлар туфайли эл-юртнинг чин ўғлонлари бошига тушган кулфатлар бутун даҳшатлари билан кўрсатилади.

Пиримкул Қодировнинг тарихий романлар устидаги иш, ижодий тажрибасидан келиб чиқиб айтган бир сўзи бор. «Асрлар китобини ўқиганингиз сари,— деб ёзади адиб,— тарих томонидан яратилган драмалар, фожиалар, сюжетларни алоҳида ёзувчининг фантазияси билан яратиб бўлмаслигига ишонч ҳосил қиласиз», «Тангри қудуғи» да ёзувчи фантазияси — бадий тўқима маҳсули бўлган ўринлар, сюжет йўналишлари кўп: Ануша-Нигина ва Давлатёр саргузаштлари, башоратчи Шамсиддин хожа, Бўризот ит билан боғлиқ воқеалар, Хева шаҳри, Тангри қудуғи билан алоқадор ва бошқа кўплаб ривоятлар қизиқиш билан ўқилади. Бироқ асардаги энг ҳаяжонли, мафтункор ўринлар «тарих томонидан яратилган драмалар, фожиалар, сюжетлар»дир; Арабмуҳаммадхон ва унинг ноқобил фарзандлари— Ҳабаш ва Элбарс султонлар орасида оналари Гулсимбону қасди баҳонасида бошланган ўзаро низо, фитна, ошқора кураш ва қонли интиқом, Арабмуҳаммаднинг тахтдан четлатилиши, таъқиб остига олиниши ва, ниҳоят, кўзига мил тортилиши; икки нобакор ўғлоннинг фожией қисмати— Элбарснинг тириклайин ерга кўмилиши, Ҳабашнинг қутуриб чеккан азоблари, у тушган панжарали арава билан бирга ўтга ёқилиши, шунингдек мустабид шоҳ Аббоснинг пойгада адолатсизлик қилган ўғли Сафо Мирзони ўлимга маҳкум этиши — романда қаламга олинган бу каби ҳаяжонли, драматик тарихий воқеаларни ҳақиқатан ҳам фақат «ёзувчининг фантазияси» яратиши қийин. Хуллас, ёзувчи тарихий шахслар ҳаётини, тарих драмаларини бутун даҳшатлари билан бор ҳолича гавдалантирган. Бу асар тарихий роман жанри катта маърифий қимматга эга эканини, «Халқнинг чинакам тарихини тарихчилар эмас, адиблар яратади» деган нақл маълум маънода тўғрилигини яна бир қарра тасдиқлайди.

## АНЪАНАВИЙЛИК ВА МОДЕРНИЗМ МУАММОСИ

Ҳозирги насримиз ривожи билан боғлиқ мунозарали масалалар кўп. Айниқса, насрдаги анъанавийлик ва модернизм муаммоси қизгин тортишувларга асос бўлмоқда.

Шуниси қувонарлики, бу борадаги баҳс-мунозаралар чоғида мустабид тузум даврида бўлгани каби масалага ғоявий-сиёсий тус бериш ҳоллари, Худога шукур, энди йўқ! Яқин-яқинларда бирор янгича йўлдан борган қаламкашга, албатта, «модернист», ёки эски шаклларга мойил ижодкорга «консерватор» деган ёрлиқлар тақалар, шунинг ўзиёқ ижодкорни қора курсига ўтқазиб билан баробар эди. Тасвирий санъат, ҳайкалтарошликдаги рамзий-модернистик изланишлар теварагида кўтарилган маш-машалар ҳамон ёдимизда. Ўшанда қанчадан-қанча ёрқин истеъодлар шаъни жоҳилларча топталган эди. Бугун «модернизм»да айбланган ўша ижодкорлар, асарлар миллий санъатнинг фахри сифатида тилга олинади; ҳозир аср бадий тарфаккур тарзи ҳосиласи бўлмиш модернизм тажрибаларидан қандайдир даражада баҳраманд бўлмаган рассом ёки ҳайкалтарошни топиш мумкин эмас. Ҳатто анъанавий миниатюра санъатини қайта тирилтираётган рассомлар ишларида ҳам асримиз санъатига хос чизгилар кўплаб учрайди. Ҳар бир ижодкор ўзи танлаган йўлни афзал санаши табиий ҳол. Аммо, айни пайтда, бошқаларнинг ҳам ўзлари танлаган йўлдан боришга ҳақли эканлигини тан олиш маданияти, бу борада бағри кенглик гоҳо етишмай қолаётир. Айниқса, якка ҳоким мафкура, ягона социализм талаблари аллақачон рад этилган бир шароитда бу нарса хунук кўринар экан. Бадий асар қиммати қайси йўналиш — анъанавий ёки модернизм шаклида яратилганида эмас, балки у чинакам санъат намунаси даражасига кўтарилган ёки кўтарилмаганлиги билан белгиланади. Асарнинг қайси йўналишга мансублиги ҳали уни ҳимоя қилиш ёки рад этиш учун асос бўлолмайди. Ф. Кафканинг бир ибратли гапи бор. Адабиётдаги синовлардан ўтган эски нарсалар энг бебаҳо фазилати — мангуликка дахлдорлиги билан ажралиб туради. «Шунчаки янгилик — ўз-ўзидан ўткинчи нарса,— дейди у.— Бугун у гўзал бўлиб кўриниши мумкин. Эртага эса бор тутуруқсизлиги ошқор бўлади. Адабиёт йўли ана шундай».

Қаранг, XX аср тонгида сўз санъатида янги йўл очган буюк адиблардан бири, «Эврилиш», «Жараён» каби новаторона асарлар муаллифи ана шундай деган!

Умуман, Ф. Кафканинг мумтоз адабиёт, жумладан, Гётега, ўзгача йўналишга мансуб замондош адибларга ҳурмат-эҳтироми ниҳоятда баланд бўлган. Бу ижодда бағри кенгликнинг ажойиб намунаси дир.

Бундан икки йил бурун Берлин университетидан бир адабиётшунос ТошДуга меҳмон бўлиб келди. У Ленинград университети шарқшунослик факультетини тугатган, рус ва форс тилларини яхши билар экан. Талаба ва аспирантлар унинг «модернизм»га муносабатини сўраганларида, елка қисиб ҳазил аралаш «санъатда, адабиётда бунақа муаммо йўқ, мен уни тан олмайман» деди ва фикрини давом эттириб: «Тўғри, ҳовлиқиб олдинга югуришлар ёки имиллаб орқада судралишлар бор, аммо хоҳлаймизми, йўқми, санъат, адабиёт бетиним янгиланиб, ўзгариб боради, тарихнинг, инсон маънавияти, тафаккурининг бурилиш паллаларида бу жараён хийла тезлашиши мумкин. XX аср — фан-техника асри, аср суръати адабиёт ва санъат ривожига модернизм кўринишида зуҳур этилган бўлса, бундан ажабланмаслик керак» деган мулоҳазани ўртага ташлади. «Биламан, сизлар бир вақтлар «модернизм» деган сўзни хайрихоҳлик билан тилга олишдан ҳам чўчир эдингиз, энди эса унга ҳаддан ташқари маҳлиё бўлиб қолаётирсиз. Менинг кузатишимча, сизлар ҳодисанинг ташқи, шаклий томони билан кўпроқ қизиқаётирсизлар. Аслида адабий жараёндаги асосий нарса ички моҳиятда», дея илова қилди.

Мен ҳамкасбимнинг «ички моҳият» ҳақидаги сўзларини санъат ва адабиёт ривожига асосий нарса ҳаёт ва шахсни янги томонлардан кашф этиш деб тушундим. Охир-оқибат ҳар бир ижодкорнинг адабиёт ривожига ўрни, хизмати ҳаёт ва инсон ҳақида қандай янги сўз айтгани, бу борадаги янги концепцияси билан белгиланади. Ҳаётга, инсон шахсига янгича муносабат барибир ифода тарзида, шаклда муайян ўзгаришлар ясади. Сўнгги йилларда ҳаётга, инсон шахсига муносабатнинг кескин ўзгариши туфайли анъанавий реализмга мансуб асарлар ифода тарзида, шаклида ҳам қатор янгиларнинг, модернизм аломатларининг содир бўлаётганини кузатиш мумкин. Биргина мисол. Тоғай Муроднинг «Отандан қолган далалар» романи танқидчиликда таъкидланганидек, халқона услубда, халқ дostonлари оҳангида битилган. Шу билан баробар сюжет тузилиши, воқеалар баёни, ифодасидаги стихия — бебошлик, қутилмаган қайрилишлар, узуқликлар ва мана шу «бебошлик»дан таркиб топган ўзига хос уйғунлик, персонажлар руҳияти, хатти-ҳаракатлари ифодасида имо-ишоралар, чизгиларнинг муҳим рамзий маъно ташиши, бош қаҳрамондан тортиб асарда бир-икки бор кўриниш берадиган персонажларга қадар — барчаси ўзига хос шахс бўлишидан ташқари рамзий-символик моҳият касб этиши, уларнинг аниқ исми-шарифи туриб Оқпошшо, Қизил, Идеология, Физика, Жўгрофия, Адабиёт, Директор деган номлар билан аташдан мурод — уларнинг асл моҳиятига ишора экани, булар XX аср жаҳон янги адабиёти услубига хос муҳим белгилар дир.

Шунга яқин хусусиятларни Шукур Холмирза, Мурод Муҳаммад Дўстнинг романи, қисса ва ҳикояларида ҳам кузатиш мумкин: уларнинг асарларини ўқиганда, бир томондан, кўз олдингизда ҳаётнинг изчил, осойишта, холис анъанавий реализм услубида гавдалантирилган аниқ-гиниқ манзаралари гавдаланади. Иккинчи томондан, қаҳрамонлар қисмати, шахсияти, руҳияти тасвири, таҳлилида кўпдан-кўп рамзий-символик ишоралар, чизгилар, киноя-кесатиқлар, яна қандайдир сирли жиҳатларга дуч келиб хаёлга толасиз, уларнинг мағзини чақишга уринасиз.

«Соф анъанавий» реализм йўлида битилган Пиримкул Қодиров, Ўткир Ҳошимов каби адибларимиз романларидаги бадий кашфиётлар «энг янги услуб»да битилган етук асарлардаги янгилар билан бемалол бўйлаша олади. Биз узоқ вақт ҳаёт, тараққиёт зиддиятлар, муҳолиф кучлар курашидан иборат деб келдик. Ҳолбуки, ҳаёт, тараққиёт айна пайтда бир-бирига зид турган кучларнинг ўзаро тотувлиги, бир-бирига ён бериши, муросага келишувидан ҳам иборат экан. Бу, айниқса, XX асрда инсоният ихтиёридаги фан-техника мислсиз қудратга молик қурооллар кашф этган бир даврда жиддий аҳамият касб этмоқда. Инсоният муҳолифликни давом эттирадиган, қудратли қурооллар ишга тушадиган бўлса, қиёмат-қойим рўй бериши ҳаммага аён! Мана шу хавф-хатар инсониятни, аниқроғи, ақл-заковатли одамларни ҳушёр торттирди, XX аср охирларига келиб муроса фалсафаси шакллана бошлади. Фалсафада синергетика деган оқим пайдо

бўлди. Буни қарангки, айна шу қараш шаклланаётган бир паллада 60—80- йиллар давомида ўзбек адабиётида муроса, барқарорлик ғоясини ташувчи асарлар, образлар яратила бошланди. Бу жиҳатдан, айниқса, Пиримкул Қодировнинг ҳам замонавий, ҳам тирихий мавзудаги асарлари, хусусан «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довоғи» романлари ибратли. Ёзувчи талқинида Бобур ва унинг авлодлари, хусусан, Акбар ижтимоий-сиёсий, диний, ирқий, бошқа турли мафкуравий зиддиятларга тўлиб-тошган мамлакатда янги қудратли империя барпо этиб, катта шон-шавкатга эришган эканлар, бунинг бирламчи асоси уларнинг ақл-заковат билан муроса йўлини тутганликларида, «сулҳи қулл» — ҳар тарафлама тинчлик сиёсати ижодкори сифатида майдонга чиққанликларидадир. Буюк тарихий шахслар қисмати таҳлилидан чиқарилган бу хулосалар ХХ аср, бугунги инсоният олдида турган ҳаёт-мамонт масалаларига нақадар мос-оҳангдош.

«Тушда кечган умрлар»да уруш ва уруш одами образи ўзбек адабиётида илк бор бутунлай ўзгача талқин этилди. Шу пайтга қадар бизда уруш мавзуида битилган асарлардан фарқли ўлароқ, бу романда қаҳрамонларни «оқлар» ва «қизиллар»га, «душманлар» ва «ўзимизникилар»га, «ғолиблар ва мағлублар»га ажратиш йўқ. Уруш давлатлараро можароларни ҳал этишнинг ваҳшиёна усули, инсон табиати, шаънига хилоф шармандали, ифлос бир машғулот. Уруш ҳар икки томон учун ҳам бирдек кулфат, вайронагарчилик, йўқотиш, фожа. Бу фикр — ғоя фақат «шўровий»лар ва «мужоҳид»лар орасидаги тўқнашувлар, жанглар тасвири эмас, иккинчи жаҳон урушига оид лавҳаларда — совет ва немис солдатлари орасидаги муносабатлар ифодаси орқали ҳам ўтказилган.

Бундай мисоллар шундан далолат берадики, анъанавий реализм имкониятлари ҳам тутаган эмас, бу йўлда улкан кашфиётлар яратиш мумкин. Қолаверса, реализм худудлари чексиз, унинг бағри жамики янгиларга, дадил изланишларга кенг очил. Ўта ибтидоий, жўн, ҳаётнинг шунчаки нусхасидан, қаҳрамон ҳаёт йўли, саргузаштларининг икир-чикирларигача баёнидан иборат «асар»ларга қараб «реализмнинг эскирганлиги» ҳақида хулоса чиқариш ўринсиз. Бундай «асар»лар ҳамма даврларда бўлгани каби ҳозир ҳам тўлиб-тошиб ётибди, улар «танқиддан тубан» туради, ҳатто тилга олишга ҳам арзймайди. Чинакам санъат намунаси даражасига кўтарилган олган асарлар ҳар доим кам бўлган, ҳозир ҳам шундай. Бу фикр фақат анъанавий реализм эмас, янгича модернистик йўналишга ҳам дахлдор. Кейинги ўн йил давомида бу йўналишда яратилган, ўз вақтида кўп шов-шувларга сабаб бўлган асарларни эсланг. Қани улар? Хотирингизда, бинобарин адабиётда, қолганлари бармоқ билан санарли. «Жажман», «Маймун етаклаган одам» сингари ёрқин рамзий символик образлари билан адабиётимизда жиддий кашфиёт бўлган асарлар оз, жуда оз!

Санъат ва адабиётдаги янгича изланишлар ардоққа, ҳимояга муҳтож дейдилар. Тўғри, ижод, изланиш ҳамийша ҳимояга муҳтож, бироқ охир-оқибат бу соҳада бош ҳимоячи — изланиш самараси бўлмиш янги асарнинг ўзи. У чин бадий кашфиёт, юксак санъат намунаси бўлса, унга ҳеч қандай куч панд беролмайди.

## МУХТАСАР СЎНГГИ СЎЗ

Юқоридаги обзор, таҳлил, кузатишлардан маълум бўладики, бугунги ўзбек насри кечаги кун асорати остида бир жойда депсиниб тургани йўқ. У жамики кам-кўстларига қарамай ҳаракатда, ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан изланиш, ўрганиш, янгиланиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Ҳозирнинг ўзида бу ҳаракатнинг хайрли самараларини кўриб турибмиз. Бу ҳол насримизнинг эртасига умид уйғотади. Бугунги изланишлар, янги асарлар хусусидаги ижобий баҳоларга келсак, уларни узил-кесил ҳукм-хулоса тарзида қабул қилмаслик керак. Улар тақдирини келажак, давр синовлари ҳал этади.

## Янги имкониятлар

**И**шончим комилки, бугун барчамиз зиддиятлар юзма-юз келган даврда яшаймиз. Бу зиддиятлар, айниқса, минг йиллик бўсағасида жамият фалсафасига янги-ча ёндашувларда яққол кўзга ташланмоқда. Эҳтимол вазиятнинг зиддиятларга тўлиқлиги тасодиғий эмасдир. Зеро, воқелик бизга экология, маданият ва цивилизацияга доир улкан хавф-хатарлар мавжудлигини кўрсатди: фан Марс сайёрасининг куйиб кулга айланган юзасини намойиш этди. Ҳолбуки, бир вақтлар Марсда ҳаёт мавж урганлиги маълум. Қарийб қуруқ савсатга айланган «Марсда ҳаёт борми?» деган саволга жавоб топилди. Ҳа, Марсда ҳаёт бўлган, лекин номалум сабабларга кўра у сўнган. Одам бу сайёранинг қақраб ётган манзараларини унсизгина кузатади. Телевизор экранлари орқали сўнган ҳаёт, мангу совуқлик, зимистон ва йўқлик кўзга ташланади. Шунда Она сайёрамизнинг ҳам омонатлиги ва унда ҳозир қулф ураётган ҳаёт қадри, уни авайлаб асрашимиз лозимлиги яққол сезилади.

Лекин бу айрим шахслар ва ҳатто айрим давлатлар бир томонлама ҳал қилишлари мумкин бўлган муаммо эмас. Сўнги йилларда дунё тубдан ўзгаришларни бошидан кечирди. Икки қутбли дунё тизимидан воз кечилганидан кейин ўзаро уйғун тамойиллар муҳим хусусият касб этди. Бу нарса тараққиётнинг дунё миқёсида ўсиши ҳамда тарихий синалган кўпқиррали муштаракликка асосланган давлатларнинг кенгайиб бораётган минтақавий ҳамкорлигида ўз ифодасини топмоқда. Бундай ҳамкорликнинг омиллари ранг-баранг ва хилма-хилдир. Бу тарихий ва ижтимоий умумийлик маданиятларнинг ўхшашлиги ва яқинлиги, шу минтақада яшовчи халқлар олдида пайдо бўлаётган вазибаларнинг бир хиллигида намоён бўлади.

Шу нарса чинакам ҳақиқатга айланмоқдаки, халқларнинг маданий асосда ривожланиши учун мумкин бўлган ягона йўл — ўзаро ҳар томонлама самарали мулоқот, куч-ғайратлар ва сая-ҳаракатларни уйғунлаштиришдир. Кўплаб ижтимоий, миллий-давлат, диний тўсиқлар билан ажралиб ташланган инсоният бугунги кунда барча халқлар битта сайёрада яшаётганини, бу сайёра эса одамзод қисматини ўзига жо этган ягона

жонли организм эканини тушуниб етмоқдалар. Бу ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди.

Минтақавий алоқа ва ҳамкорликка доир барча фаолиятларимиз бу оламнинг бир бутунлиги ва ўзаро боғлиқлиги туфайли дунё миқёсидаги манфаатлар билан уйғунлашиб кетади. Минтақалар, қитъаларро алоқалар маданиятларни янги ахборотлар даражасига кўтариш учун кенг шароитлар яратади. Бу — дунёвий маданий алмашувларда қатнашишнинг кенг имкониятлари очилишини билдиради. Бу — маданият, демография ва иқтисодиётда бўҳронли ҳолатларни бартараф этиш учун ҳаракатларни бирлаштириш демакдир. Айнан шу соҳаларда вужудга келадиган муаммолар табиатан шундай мураккаб бўладики, уларни алоҳида бир давлат, баъзан ҳатто куч-ғайратларини бирлаштирган айрим давлатлар ҳам ҳал қилолмайдилар. Бу ўринда барча мамлакатлар ва халқларнинг ялли сая-ҳаракатларигина самара бериши мумкин.

Ушбу масалани Ўзбекистон мисолида қулай экологик шароит яратиш, кескин ижтимоий муаммоларни бартараф этиш орқали ечиш мумкин. Аҳоли сони билан мавжуд заҳиралар ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши салбий оқибатларга олиб келади ва давлатнинг ўз фуқаролари учун юксак турмуш даражасини таъминлаш қобилиятини издан чиқаради.

Ҳозирги давр эски алоқалар занжиридаги узилишлар, янгиларининг пайдо бўлиши ёхуд бир вақтлар узилиб қолган алоқаларнинг тикланиши билан ажралиб туради. Россия ва бошқа славян давлатлари — собиқ МДҲ республикалари билан эски алоқалар анча бўшашди, айни пайтда янги минтақавий иттифоқлар юзага келиши эҳтимоли сезилиб турибди.

Марказий Осиёдаги беш янги мустақил давлат ягона ижтимоий давлат тизимидан чиқиб, қадимий давлатлар тизими доирасида бирлашишга интилмоқдалар. Улар муштарак диний эътиқодга эга, этник қардош халқлардир. Бу халқларнинг ялли кучи билан Марказий Осиёдаги юксак маданият яратилган эди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов туркийзабон давлатлар бошлиқларининг Бишкекдаги учрашувида таъкидлаганидек, «Давлатларимиз олдида кенг имкониятлар

очиляпти, айни вақтда эса бизнинг олдимизда ҳақиқий хавф-хатарлар турибди. Миллий мустақилликини мустаҳкамлаш, янги мустақил туркийзабон давлатларда тизимли ўзгаришларни амалга оширишдан иборат жуда мушкул ва ғоят мураккаб жараён дунёда эзгулик билан ёвузлик, инсонпарварлик қарама-қарши турган шароитда, баъзан ҳудудларимиздан анча олисда туриб бошқарилаётган, мамлакатлар ва сиёсий кучлар таъсир кўрсатаётган шароитда ўтляпти».

Бундан ташқари минтақавий ҳамкорликнинг янги даражаси — Осиё — Тинч океани минтақаси вужудга келмоқдаки, биз дунё миқёсида жўғрофий жиҳатдан ана шу минтақага мансубмиз. Лекин бу ҳамкорлик бутунлай янгидан вужудга келмоқдами? Марказий Осиё мамлакатларининг бутун ўрта асрлик тарихи Осиё-Тинч океан минтақасида жойлашган мамлакатлар: Хитой, Ҳиндистон, Афғонистон, Покистон ва бошқа ўлкалар билан боғлиқ эди. Минтақанинг Япония, Сингапур, Малайзия, Таиланд сингари мамлакатлари ҳозир дунёнинг энг жўшқин ривожланаётган ўлкалари қаторига киради. Ер юзининг иқтисодий марказлари ана шу минтақага жамланмоқдаки, бу ердаги мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш янги Осиё давлатлари учун ўта истиқболлидир. Осиё — Тинч океани минтақаси мамлакатлари билан ҳамкорликни кенгайтира бориб, биз минтақадаги иқтисодий ва маданий жараёнларга қўшилаемиз. Шу тариқа XXI асрда етакчи ўринни эгалладиган мазкур минтақа билан бирга ривожланиш имконига эга бўлаемиз.

Изчил геомаданий тараққиёт кўп қиррали умумминтақавий вазифадир. У кўп муштарак масалаларни биргаликда ҳал қилишни тақозо этади. Бу муаммо айни пайтда оламшумул аҳамият касб этмоқда. Чунки геомаданий жиҳатдан муносиб минтақаларни вужудга келтириш орқали бутун ер юзининг қиёфаси яхшиланади. Бу борада ўзаро ҳамкорлик учун, минтақавий ва дунё миқёсида интеграция учун улкан истиқболлар мавжуддир.

Янги муносабатлар ўрнатишда ворислик мезонлари қўл келадими? Мулоқот иштирокчиларининг биронтасида ижобий этник ўхшашликнинг бузилиши юз бермаслиги учун ҳамкорлик йўналишларини қайси қонунлар асосида ишлаб чиқиш керак?

Мулоқот имкониятларидан фойдаланмаслик, турли маданиятлар, миллатлар ўртасида алоқалар ўрнатишга бефарқ бўлиш низоларга олиб келиши мумкин. Бўҳрон ва тангликлар пайтида тарихий алоқалар узилиши, фикрлар чалкашлиги юз бериши ҳеч гап эмас. Бундай нохуш оқибатларнинг олдини олиш учун биргаликда

ҳаракат қилиш шакллари ишлаб чиқиш керак бўлади. Бундай муаммоларни эски мантиқий — оғзаки усуллар билан ҳал қилиб бўлмайди. Ҳаёт дунё тараққиётига янги, жамоа бўлиб ёндашишни тақозо этмоқда. Ана шу улкан вазифани ечишга синергетика ёрдам бериши мумкин.

«Синергетика» атамаси бирлашишга даъватни ифодалайди. Синергетика умумий мақсадлар йўлида бирлашган тизимларнинг янги энергетикаси демакдир. Синергетика — бу оламда дунёга ва инсон шахсига алоҳида нуқтаи назарнинг тикланишини ифодаловчи замонавий янги ҳаракатдир. Синергетика — инсоннинг табиат билан мулоқотининг юқори босқичи, фан ва инсон зақосининг янги синтезидир. Синергетика — эволюцион бўҳронлар, беқарорлик ва бошбошдоқликни англашга ва уни бартараф этишга кўмак берувчи турғи ёндашув усулидир. Синергетика тўран дунёқараш натижаларига, устувор илмий изланиш йўналишларига хизмат қилади. У фақат тизимни ва тафаккур мантиғини ўзгартирибгина қолмай, балки макон ва замонни муштарак уйғунликда қабул қилишга имкон яратади. Синергетика дунёнинг иккинчи томонини — унинг кам-кўстларини, беқарорлиги ва очиклигини, эволюцион бутунлиликнинг мураккаблигини ҳам очиб беради.

«Синергетика»нинг ўзи янги атама ҳисобланади. Европа, Япония, Россиянинг бир қатор илмий мактабларида ўтказилаётган тадқиқотларнинг умумий йўналишини — мураккаблик, бошбошдоқлик, эволюция, нозволюция, нотўғрилиқ, беқарорлик, очиклик каби сўзлар билан ифодалаш мумкин. Бу жиҳатдан синергетика моҳиятини ифодаловчи қоида диққатга моликдир. Гамбург университети профессори Шефер томонидан тақлиф қилинган бу қоида шундай таърифланади; «Синергетика — олимларнинг, умуман, ўз-ўзидан ривожланувчи тизимлар, хусусан, мавжуд тизимларнинг хатти-ҳаракатини таърифлаш, тушунтириш, англаш ва эҳтимол, ҳатто, айтиб бериш йўлидаги умидбахш уринишларидир».

Синергетика биринчи навбатда аввалги дунёвий фанларнинг аънавий ҳудудларини кесиб ўтади. У Шарқ билан Ғарбни яқинлаштиришга имкон беради. Синергетика турли маданиятлар вакиллари бўлган кишилар ўртасида янги мулоқот ўрнатишга, бизнинг ҳаётга муносабатимизни, ҳаётий қарашларимизни ўзгартиришга кўмаклашади.

Вазият баъзан тубдан ўзгариб кетади. Бу эса бундай ўзгаришларга кўникиб улгурмаган шахсларнинг инқирозига олиб келади. Шахснинг инқирози эса ижтимоий жамятда ўпирилишга сабаб бўлади. Маданий, ижтимоий, экологик, демографик, энергетик



трансформациянинг бугунги суръатлари шундайки, агар бутун инсониятнинг дадил куч-ғайратлари сарфланмаса, бухронли ҳодисалар ҳалокатга айланиши мумкин. Шундай бир вазиятда масалани маҳаллий тарзда ҳал қилиш воқеаларнинг ялпи боришига қатъий тарзда таъсир кўрсатолмайди. Эндиликда бу ишларга бутунлай бошқача ёндашмоқ керак. Зеро, шахснинг ижодий имкониятлари кучайиб бормоқда.

Бир қарашда «маданият», «хавф-хатар», «тахдид» ва «хавфсизлик» тушунчалари жуда мураккаб ўзаро муносабатларни англатади. Аммо тарих шундан далолат берадики, инсоний энергетика манбаларининг; маънавий қувватларнинг жамиятда тақчиллиги жиддий хавф солади. Бу иқтисодиётни ривожлантириш учун ўта муҳим бўлган энергия воситалари камомадига нисбатан ҳам хавфлироқдир. Буни яқин тарихий ўтмиш ҳам кўрсатиб турибди. Зеро, СССРдек улкан салтанат, дунё харитасидан ғойиб бўлди. Давлат қоидалари ва ҳарбий шароитларига кўра, мамлакат чегаралари сал-пал бузилган тақдирда ҳам бутун ҳарбий қудрат ўз чегараларини кўриқлаш учун жанговар шай ҳолга келтирилади. Аммо маданий ҳолатни белгилловчи давлат «руҳи» ва давлат «ғоялари»нинг кучсизлиги, дармонсизлиги шу ҳолга келган эдики, мамлакатни парчаланишдан сақлаб қолиш учун ҳеч қандай уриниш ҳам бўлмади.

Биз тарихга, ўтмишга мурожаат қиламиз. Ундан сабоқ олиш бизнинг вазифамиз. Чунки келажакимиз қиёфасини белгилашимиз учун ўтмишимизга, «яхшилиқ», «инсонпарварлик», «тарғибот», «ватанга хизмат қилиш» анъаналарини четлаб ўтиб бўлмайди.

Маданиятнинг асл моҳияти илм-фанда, санъатда, айниқса, адабиётда ўз ифодасини топгандир. Айнан оғзаки ва ёзма адабиёт Шарқ жамиятининг маданий бутунлигини шакллантирди. Ўзбек тилида «адабиёт» ва «адаб» терминларининг ўзи бир-бири билан қаттиқ боғланган, улар бир ўзакдан пайдо бўлган. Адабиёт анъанавий

тарзда маънавий қадриятларга озуқа бериб келди. Шубҳа йўқки, мамлакатнинг жўшқин ривожланиши, цивилизация юксалиши унинг маданият ва миллий адабиёт соҳасида эришган ютуқлари билан боғлиқдир. Ўрта асрлар Англиясида Шекспирнинг, мусулмон уйғониш даврида эса Низомий ва Навоийларнинг пайдо бўлиши бунинг ёрқин мисолидир. Одатда, кучли ёзувчилар гуруҳининг пайдо бўлиши маданий юксалишга сабаб бўлади. Инсон тафаккурининг тинимсиз ўчиб ва янгиланиб бориши, айниқса, адабиётда кучли намоён бўлади. Бугунги кунда жиддий адабиёт телевидениенинг оммавий каналлари ва паст савияли кино маҳсулотлар орқали булғанаётган маданий қадриятлар инқирозига қарши турибди. Адабиёт синергетиканинг ҳиссий мужассамидир. Чунки адабий асарларда кўпинча келажак қирралари белгиланади ва катта давлатлар тарихи яратилади. Синергетика — фан ва бадий адабиётнинг маънавий ва кадр-қимматга молик синтези яққол уйғунлашиб кетадиган кенг қамровли таълимотдир. Шу маънода адабиёт, айниқса, катта аҳамиятга эгадир. Бадий адабиётда тасвирланган дунёнинг ривожланиш режаси синергетика қонунлари асосида амалга ошади: тўқима ҳақиқатдан олдин юз бериб, уни бойитади.

Материянинг бирламчилиги ҳақидаги қоидалар билан чирмаб ташланган фан тўнтаришлар ва инқилобий кашфиётларга эътибор бермасди. Ҳолбуки, бундай инқилобий ўзгаришлар адабий асарларда кенг акс эттириларди. Адабиёт фанга туртки берувчи муҳим омилдир ва у тадқиқотчилар олдига янги вазифалар қўяди. Тафаккур янгиланишини бошлаб беради ҳамда унга куч-қувват бағишлаб туради. Синергетиканинг пайдо бўлиши эса давр даъватига салмоқли жавоб бўлиб, ватан адабиёти олдига миллий ва умумбашарий масалаларни ҳал қилиш вазифаларини қўяди. Шунингдек, адабиётнинг ўзини ҳам тафаккур билан бирга бетиним янгиланиб туришига йўл очади.

Жумабекмурод МУРТОЗАЕВ

Худойберди СОҲИБОВ

## Фитратга қарши фитна

*Ўзбекистон — мустақил ва суверен давлат! Бу ҳақда фахру ғурурга тўлиб, қувонч билан гапирамиз.*

*Мустақиллик ўз-ўзидан қўлга кирган неъмат эмас. Бунинг учун халқимизнинг фидойи фарзандлари, не-не авлодлар кураш олиб бордилар. Ўзбекистон раҳбариятининг ёш давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида юритаётган ҳар томонлама оқилона сиёсати тўғриси, мана, беш йилдан ошяптики, мамлакатимиз тараққиёт ва демократия сари дадил қадам ташляпти. Минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги муайян ташаббуслари, умумжаҳон муаммоларини ҳал этишида фаол ва тенг ҳуқуқли бир давлат сифатида иштирок этаётгани республикамизнинг халқаро майдонда — Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам обрў-эътиборини оширяпти.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, ҳозирги шароитда жамиятнинг ижтимоий-психологик, маънавий-ахлоқий ва тарихий ўзагига суянган ҳолдагина давлат барқарорлигига эришиш мумкин. Халқни маънан озод этиш, ижтимоий-сиёсий тажриба ва маданий-тарихий мерос, шунингдек, унинг улкан ахлоқий салоҳиятига таянган ҳолда мамлакатимиз кучига куч қўшила боряпти. Ўзбек халқининг мустақиллигимиз учун курашган, бугун номлари бизга таниш ёки мутлақо нотаниш содиқ фарзандлари ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар давом эттириляпти, бундай фидойи зотлар номини оммага танитиши бошланди. Бу, хусусан, ёш авлодни маънавий қадриятлар ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун жуда зарур.*

*Ватан озодлиги йўлида жон фидо қилганлар ҳақида сўз кетгудек бўлса, биринчи галда Файзулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон ва бошқаларнинг номи ёдимизга тушади.*

*Абдурауф Фитрат чинакам мустақиллик куйчиси ҳисобланади. Бу ҳақда Президентимизнинг мана бу сўзларини эслаш ўринли: «Миллий мустақиллигимиз учун оташин курашчилардан бири — Абдурауф Фитрат, у бир шеърда Ватан — саждагоҳ каби муқаддасдир, деган... Биз аждодларимиздан Ўзбекистон мустақиллиги ва шон-шарафини ҳимоя қилишни ўрганишимиз ва уни муҳофаза қилишга ҳамиша тайёр туришимиз керак».*

*И. А. Каримовнинг бу сўзлари Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Хизмати институти тадқиқотчиларини Фитрат ҳаётининг йўлининг энг асосий даврларини Хавфсизлик Хизмати архивида сақланаётган ҳужжатлар асосида ўрганиш ва уни кенг халқ оmmasига етказишга ундади. Бу тадқиқотнинг ўзига хослиги шундан иборатки, унда қарийб, 80 йил давомида «муҳраб» ташланган материаллар ўрганиб чиқилган.*

*Бу китоб фақат Фитрат ҳақида эмас. У Марказий Осиё халқлари учун оғир кечган йилларда мустақиллик учун курашган жасур инсонлар ҳаётидан ҳикоя қилади.*

*Фитрат эса, шубҳасиз, Туркистонда миллий ҳаракатнинг бошида турганлардан бири эди.*

*Бу кичик тадқиқот — катта ва эзгу ишнинг бошланиши. Шубҳасиз, бу иш давом эттирилади, Ватан мустақиллиги ва равнақи учун курашган содиқ фарзандлар ҳақида ҳикоя қилувчи тадқиқотлар ва очерклар яна кўплаб яратилади.*

\* \* \*

1935 йилда НКВД органлари Фитрат деган «бало»ни узил-кесил орадан кўтаришга қарор қилди. Шу тариқа ҳам эълон қилинмаган асарлардаги аксилшўравий жиҳатларни топиш мақсадида 1935 йил 5 май куни адибнинг Тошкентдаги уйида тинтув ўтказилади. 20-йилларнинг охирларида у Тошкентдаги Афғонистон консулхонасида котиб бўлиб ишлаган эди. Фитратнинг хорижийлар билан алоқалари ҳақидаги чақувларга таяниб, ундан афғон маориф вазирлиги нашр этган «Йиллик солнома» китобини талаб қилдилар. Китобни Фитратга Афғонистоннинг Тошкентдаги элчихонаси почта орқали юборган эди. Тинтув қайдномасида қуйидагилар ёзилган: «Йиллик солнома» китоби масаласида Абдурауф Фитрат тушунтириш бериб, бу китобни Тошкентдаги афғон консулидан олганини, китоб билан бирга ўзининг номига мактуб ҳам бўлганини айтди» (П-22934-иш, 4-саҳифа).

Бу гал иш бир нав осон кўчди ва тинтув қилувчилар ҳамма ёқнинг унчалик тўс-тўпалонини чиқарганлари йўқ: «Кўриб чиқилган адабиётдан ҳеч нарса олингани йўқ, фақат афғон маориф вазирлигининг 1934 йил учун чиқарган «Йиллик салномаси» китобигина олинди». (Ўша жойда, 4-саҳифа).

1937 йилнинг 24 апрелида Фитрат қамоққа олинадди ва отилишига қадар, яъни 1938 йил 4 октябргача ҳибсда сақланади. Қамоққа олиш ҳақидаги қарорни ЎзССР Ички ишлар Халқ Комиссари Загвоздин тасдиқлаган ва у ЎзССР Прокурори томонидан маъқулланган. Фитратнинг бўйнига бир қатор «жиноятлар» юкланган. Жумладан, у аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти «Миллий иттиҳод»га аъзоликда айбланган. Бошқа айблар қатори Фитратга «Ўзбекистондаги аксилинқилобий ташкилотга раҳбарлик қилиб, Озарбайжонда иш юритган миллатчи аксилинқилобий ташкилот билан унинг раҳбарларидан бири Чўпонзода орқали яқинлашган, бундан мақсад Шарқ республикаларини Совет Иттифоқидан ажратиш олиш ва пантуркистик буржуа давлатини тузиш, ташкилотга ёшларни ва адабий ходимларни жалб этиш, уларни аксилинқилобий миллатчилик руҳида тарбиялаш, аксилинқилобий миллатчилик руҳидаги асарлар ёздирини» бўлган деб тухмат қилинди (П-22931-иш, 1-саҳифа).

Шу тарзда Фитратни айблаш бўйича машъум «4269-иш» майдонга келди. У 1937 йилнинг 22 июнида бошланиб, 1939 йилнинг 30 ноябрида тугалланган

(ҳаммаси бўлиб 218 саҳифа). 1937 йил 27 апрель куни Фитратнинг уйдан тинтув вақтида қуйидаги буюмлар олиб кетилган: 1. Фитратнинг номига берилган паспорт. № ЮЖ-184671; 2. Илмий ходимлар секциясининг аъзолик билети (№ 10256); 3. Фотоқўлёзма; 4. Пьеса-нинг қўлёзмаси; 5. Учта китоб; 6. 59 саҳифалик ҳар хил ёзишмалар; 7. Бир дона очилмаган конверт; 8. Битта очилган конверт, ичида уч саҳифалик мактуби билан; 9. Учинчи конверт; 10. Иккита ён дафтар; 11. Учта жанговар ов ўқи. Юқорда саналган буюмларнинг ҳаммаси эски чарм портфелда» (ўша жойда, 5- с).

Орадан уч ой ўтгандан кейин 1937 йилнинг 5 августига келиб, унинг «айблари» уч барабар кўпаяди ва чуқурлашади. 1937 йил 24 апрелдаги қарорда кўрсатилган айбларга янгилари қўшилади:

«Хориждаги аксилинкалобий миллатчи муҳожирлар билан (Усмон Хўжаев, Ҳошим Шоик) ва афғон ҳукуматининг айрим арбоблари билан (Афғонистоннинг Тошкентдаги собиқ консули Муҳаммад Асланхон ва Мирза Муҳаммадхон миссиясига раҳбарлик қилган генерал Муҳаммад Валихон) доимий тарзда алоқа қилиб турган».

«Хориждаги аксилинкалобий миллатчи муҳожирлар билан алоқа ўрнатилган учун Афғонистонга шахсан аксилинкалобчи-миллатчи Ҳайдар Ҳаётини (қамалган) юборган».

«1921 йилдан 1931 йилга қадар аксилинкалобий пантуркизмнинг мафкурачиларидан бири бўлароқ ва адабиётчи бўлароқ, ўзининг адабий асарларида ва газета мақолаларида миллатчилик ғояларини, пантуркистик ғояларни кенг тарқатган, шу тариқа «Чиғатой гурунги», «Нашри маориф» сингари аксилинкалобий пантуркистик тузилмаларнинг вужудга келишига замин яратган. «Чиғатой гурунги» ташкилоти эса Фитратнинг бевосита раҳбарлиги остида майдонга келган».

«Сўнги вақтларда маълум аксилинкалобий пантуркистик ташкилотнинг раҳбарларидан бўлган ва Файзулла Хўжаевнинг кўрсатмаси билан бу ташкилотнинг мафкура жабҳасидаги аксил-

инкилобий ишларига раҳбарлик қилган».

«Ибод Хўжаев ва Аминовларнинг аксилинкалобий миллатчи террористик гуруҳларининг йиғинларида иштирок этган. Уларда Ўзбекистон КП (б) МКнинг раҳбариятига қарши кураш масалалари муҳокама қилинган, яъни Абдурауф Фитратнинг жинояткорона фаолияти ЎзССР ЖКнинг 67- моддасида, 66- моддасининг 1- қисмида назарда тутилган...» (ўша жойда, 7- с).

Жинной ишнинг қайдномасидан кўриниб турибдики, Фитратнинг «айблари» ой сайин кўпайиб борган. Масалан, тергов муддатини бир ойга чўзиш ҳақидаги 1937 йил 6 октябрдаги қарорда Фитратга ажнабий давлатлар билан алоқада бўлган ва «жосуслик ишларини амалга оширган» деган айб тўнкалади. Тўртинчи қарорда эса (1937 йил 30 ноябрь) уни очикдан-очик «халқ душмани» деб атайдилар ва қуйидагиларни илова қиладилар: «Фитрат Англия ва Германия ёрдамида совет ҳокимиятини қурол кучи билан ағдариб ташламоқчи бўлган... Ватан хоини Файзулла Хўжаев билан бирга Афғонистон ва Эрондаги инглиз ҳукуматининг вакиллари ёрдамида совет ҳокимиятини зўрлик билан ағдариб ташлаш тўғрисида махфий ҳарбий-сиёсий шартномалар тузган (ҳар доимдагидек, тергов материалларида бирон далил-исбот ёхуд гувоҳларнинг диққатга сазовор бирон кўрсатмаси йўқ — муаллифлар изоҳи). Босмачилик ҳаракатини вужудга келтиришга ва унга раҳбарлик қилишда фаол қатнашган. Фитрат ва Файзулла Хўжаевнинг Туркия ҳукумати билан келишувига мувофиқ босмачилик ҳаракатига раҳбарлик қилиш учун Совет Иттифоқига таниқли аксилинкалобчи Анвар пошша жўнатилган (1918 йилнинг январидан ўзини ва оиласини қутқариш мақсадида у Туркиядан Германияга қочишга мажбур бўлган эди — муаллифлар изоҳи). Ташкилот раҳбари Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаевларнинг бевосита кўрсатмасига биноан мунтазам равишда оғзаки тарзда ва матбуот орқали аксилинкалобий миллатчилик ташвиқоти олиб борган, шу йўналишда дostonлар, пьесалар ва мақолалар ёзган...»

<sup>1</sup> Ф. Хўжаевнинг шахсий котиби.

Натижада Фитратга «қўшимча равишда ЎзССР ЖК 57-моддасининг 1-қисми бўйича Ватан хойни» сифатида айб қўйилади.

Бу ўта беаъни, куракда турмайдиган айблов усули эди. Бир киши томонидан шунча жиноят қилишнинг жисмонан имконияти ҳам йўқ. Шунга қарамай, Фитрат хужжатга имзо чекади. Аммо имзода терговчилар учун унча муҳим бўлмаган, аҳамиятсиздай кўринадиган, аммо тарих учун бағоят муҳим бўлган бир нуқта бор: «Фитрат «ўқидим, қисман розиман» деб имзо чеккан.

Афтидан, Фитрат сўроқ вақтларида «самимий иқдор» бўлгани учун ҳукумат доиралари раҳм-шафқат қилади, муруватлироқ бўлади деб ўйлаган шекилли, терговчилар тайёрлаган қайдномага имзо чекаверган. Масалан, бир қайдномада айбланувчи қуйидаги кўрсатмани беради: «Жадидчиликнинг ғоявий раҳнамоси сифатида мен аксилинқилобий махфий ташкилот бўлмиш «Миллий иттиҳод»нинг раҳбарлари билан алоқа ўрнатдим ва унинг раҳбарлик марказига кириб, совет ҳокимиятига қарши уюшган аксилинқилобий кураш йўлига ўтдим ҳамда қамоққа олинган кунимга қадар бу курашни давом эттирдим» (ўша жойда, 12-саҳифа).

Қолбуки, хужжатлар бутунлай бошқа нарсадан далолат беради: Фитрат ташкилот фаолиятидан хабардор бўлган, лекин ҳеч қачон унинг раҳбарлари қаторидан ўрин олмаган. Мазкур иш бўйича сўроқ қилинган айбланувчилар ва гувоҳлардан биронтаси унинг «кўрсатмалари»ни тасдиқламайди. НКВД органлари қилган ошкора соҳтакорлик, айниқса, Фитратдан зўрлаб олинган қуйидаги «кўрсатма»да очиқдан-очиқ кўриниб туради: «Туркия ҳукумати биз билан алоқа ўрнатиш мақсадида, шунингдек, совет ҳокимиятига қарши қуролли курашни уюштиришга ёрдам бериш учун Туркияга таниқли генерал Анвар пошшани жўнатди. Анвар пошшанинг шахсан Файзулла Хўжаев билан алоқаси бор эди». Тарихий фактларга мурожаат қилайлик. Маълумки, биринчи жаҳон урушида мағлубиятга учраган, заифлашган ва иттифокчи қўшинлар томонидан оккупация қилинган Туркия Туркистонда советларга қарши курашни уюштиришга ёрдам беролмас эди. Бу-

нинг устига, 1918 йилда турк «Иттиҳоди тараққий» ташкилотининг раҳнамолари Анвар пошша, Жамол пошша ва Талъат пошша Оврупога қочибган. У ердан Анвар пошша билан Жамол пошша Туркистонга 1920 йилнинг охиридагина келган. 1920 йилда Туркияда ҳокимият тепасига Камол пошша (Ота Турк) келгандан кейин у Россия билан дўстона муносабатлар ўрнатиш йўлидан борди. Шунга кўра кўпгина турк зобитлари совет ҳукумати билан ҳамкорлик қила бошладилар. Улар қаторида Жамол пошша ҳам бор эди. Фақат Анвар пошшагина Шарқий Бухорода «босмачилик» ҳаракатига бошчилик қилди ва 1922 йилнинг августда ўлдирилди.

Учта сўроқ пайтида Фитрат, асосан, республикадаги таниқли шахслар фаолияти ҳақида фикр юритган. У Файзулла Хўжаев, Турор Рискулов, Акмал Икромов, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Салимхон Тиллахонов, Миён Бузрук Солихов, Отажон Ҳошимов, Абдулхай Тожаев, Боту, Маннон Рамз, Боис Қориев-Олтойлар амалга оширган ишлар моҳиятига «баҳо» берган. Фитратнинг ташкилот «фаол»и сифатидаги аксилинқилобий миллатчилик фаолияти хусусида қайдномада биронта тайинли гап йўқ.

1937 йил 25 октябрдаги сўроқ қайдномасида Фитрат «ташкилот томонидан кишлоқ хўжалиги ва савдо соҳасида аксилинқилобий зараркунандалик ишлари амалга оширилгани»ни «тан олади». «Биз босмачи унсурларни асраб қолган эдик, аммо бу масалалар бўйича батафсил кўрсатмалар беролмайман, чунки шахсан мен фақат мафкура соҳасида аксилинқилобий миллатчилик ишларини олиб борганман. Бу тўғрида батафсил маълумотлар бера оламан». Терговда қўлланган маълум усуллар туфайли Фитрат ўзини-ўзи «фош қилади»: «Мен ўз асарларимда мунтазам равишда пантуркизмни тарғиб қилдим ва ягона пантуркистик давлат тузиш ғоясини олға сурдим. Менинг «Ўзбек адабиёти намуналари» ва «Қадимги туркий адабиёт намуналари» деган асарларим ана шунга хизмат қилган». (4269-иш, 28-саҳифа). Айтиш керакки, бу асарлар республика матбуотида очиқ эълон қилинган ва ўз вақтида улар ҳақида ошкора илмий баҳслар бўлиб ўтган эди. Ўша баҳслар давомида Фитрат илмий

муҳолифларга берган жавоблари ўн йилдан кейин ўзига қарши «пантуркизм тарғиботчиси», «қиғатоизм ҳимоятчиси» каби даҳшатли айбловлар учун асос бўлиши мумкинлигини ҳаёлига келтирганмикин? Шарқнинг ўзига хослиги ҳақидаги Фитрат ғоялари, айниқса, бугун ғоят долзарб оҳангда жарангламоқда. «Мен Шарқнинг ўзига хослиги ҳақидаги назарияни асослашда ва омалаштиришда қатнашганман... Бу назария Шарқ маданиятининг ривожланиши масалаларига марксча-ленинча таълимотни татбиқ қилиш мумкин эмаслигини исбот қиларди. Энг сўнгги кунларга қадар бу назарияга зарба берилгани йўқ». (Ўша жойда, 29-саҳифа).

Шу йилларда бу назарияни Бойбулатов «Ўзбекларнинг адабий мероси байроғи остидаги пантуркизм» деган мақоласида тор-мор келтирмоқчи бўлган. Мазкур мақола фoш қилувчи ҳужжат сифатида 1937 йилнинг 30 ноябрда Фитратнинг ишига тикиб қўйилган.

Фитратнинг «иши»ни сохталаштириш учун машҳур қийноқ усуллари қўллаган ҳолда 18 та гувоҳ жалб қилинган. Улар республикадаги таниқли шахслар бўлиб, ўз навбатида Фитрат каби тузумнинг қурбонлари эдилар. Уларнинг орасида шоир Чўлпон, олим ва ёзувчи Қаюм Рамазон, Халқ нозирлари кенгаши Раисининг муовини Ота Пўлатович Хўжаев, ЎзССР Фанлар Қўмитасининг Раис муовини Султон Матқул, ёзувчи, профессор Ғози Олим Юнусов, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг муҳаррири Аъзам Аюпов, «Правда Востока» газетасининг муҳаррири Муҳаммад Фаттохович Ҳасанов, ёзувчи Ғулом Зафарийлар бор эди. Шуниси эътиборга лойиқки, кўрсатмаларнинг биронтасида Фитрат шайъига айтилган аниқ айблов йўқ. Қайдиномаларда терговчиларнинг бир қолидаги гаплари бор, холос: Фитрат «таниқли пантуркист», «Тонг» журналининг раҳбари» (Аъзам Аюповнинг 1937 йил 5 ноябрдаги кўрсатмасидан, 103-саҳифа). «Ташкилотнинг кўзга

кўринган аъзолари Фитрат ва Эҳсон Афанди<sup>1</sup> эдилар». (Гулсум Ашрафий — Раҳимованинг 1937 йил 28 майдаги кўрсатмасидан, 45-саҳифа). «Инқилобнинг биринчи кунларидан ҳозирги пайтга қадар аксилинқилобий ташкилотнинг раҳбарларидан бири профессор Фитрат ва Юнусов эди...» (Қаюм Рамазоннинг 1937 йил 29 июлдаги кўрсатмасидан, 48-саҳифа). Тўғри, Қаюм Рамазоннинг кўрсатмасида жиддий айбловлар ҳам мавжуд: «Бизнинг аксилинқилобий ташкилотимиз раҳбарлари ичида совет ҳокимиятига қарши энг нафрати зўр одам Фитратдир. Айниқса, 1933 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари танқис бўлган кезларда у ошқора тарзда совет ҳокимиятига қарши фаол курашга чақирган эди. Фитрат билан бирга Қозоғистон ҳудудидан Москвага ўтиб кетаётганимизда у менга «кўриб қўй, совет ҳокимиятининг қилмишини кўриб қўй — қозоқ халқини қириб ташламоқда...» деди (49-саҳифа).

Фитрат қамоққа олингандан кейин унинг асарларидан парчалар кирган дарсликларнинг ҳаммаси «пантуркистик» деб тан олинди. Улар қаторида «Билим йўллари», «Тил сабоқлари» каби дарсликлар ҳам бор эди. «Тил сабоқлари»да Фитрат, Чўлпон, ёш шоир Боту ва бошқа ўзбек ёзувчиларининг асарларидан ҳам фойдаланилган эди. «Бу дарслик пантуркизми мана мен деб кўриниб турган айрим жойлари бир оз пардозланганидан кейин то сўнгги вақтларгача (1937 йилга қадар — муаллифлар изоҳи) ўқув юртларида қўлланиб келинди» (53-с.).

Айниқса, Худойбаҳт Анқабой ўз ҳамкасбларини кескин қоралади. 1905 йилда туғилган, миллати ўзбек бўлмиш бу одам Ўзбекистон ёзувчилар уюммаси Президиуми аъзоси эди. 1937 йил 10 августдаги терговда у республиканинг деярли ҳамма атоқли ёзувчиларини тилга олиб, Фитрат, Чўлпон, Элбек, Ҳусайн Шамс, Ойбек, Ойдин, Уйғун, Жулқунбой (Абдулла Қодирий), Қаюм Рамазон, Усмон Носир, Ҳамид Олим-

<sup>1</sup> Шoҳид Эҳсон Афанди — турк, Тошкент шаҳридаги педагогика техникумининг мудир. (Архивда вилоят партия қўмитаси тарғибот ва ташвиқот бўлими номига кўпчилик ёзган мактубларнинг таржимаси сақланади. Унинг муаллифлари — Ойбек ва педагогика техникумининг яна ўн учта ўқитувчиси шундай илтимос билан мурожаат қилган: «...Адолатни тиклаб, ҳеч қандай сабабсиз ишдан четлаштирилган, ўзининг бағоят теран билимлари билан ҳар жиҳатдан ажралиб турадиган Шoҳид Эҳсон Афанди техникумга қайтарилса...») (Биринчи қутв, 1-жилд, 690-с.).

жон, Ғози Олим Юнусов, Миён Бузрук Солиҳовларни миллатчи сифатида баҳолади. «Санаб ўтилган бу миллатчи ёзувчилар совет мавзуларида сифатли асарлар яратмаётирлар, балки фақат миллатчиллик руҳидаги асарлар ижод қилиш билан бандлар. Ўзбекистонда ҳозирга қадар совет мавзусида бақувват асар беришга лаёқатли бўлган биронта ҳам дурустроқ ёзувчи етишиб чиқмади» (57-саҳифа). 20 йил мобайнида (1917—1937) совет ҳокимияти томон юз ўғирмаган ва ҳатто қаттиқ тазйиқ остида ҳам янги тузумни маъқул этувчи асарлар яратилмаган экан, демак, ёзувчилар бу тузумни маъқул кўрмаган ва унга ишонмаган экан-да?! Афтидан, 1916 йилдаёқ айрим рус мансабдорлари «босмачилик» деб атаган халқ ғалаёнларининг илдизи шунда бўлса керак.

Бунинг тасдиғи учун Садриддин Айнийга мурожаат қилиш мумкин. У хотираларида ёзади: «1918 йилининг бошларидаёқ... Самарқанд шаҳридаги ўғрилар (Колесов вожааларидан кейин — муаллиф изоҳи) босмачи бўлиб қолишди...» Бундан ташқари, архив ҳужжатларининг бирида (1841-иш, 68-с.) 1916 йилда «Иттиҳоди исломия» жамияти Туркистонда эркакларни мардикорликка олишга қарши кўтарилган ғалаёнга ғазавот тусини бермоқ учун «босмачиларни қуроллантириб, кучайтирмоқчи бўлгани» ҳақида ахборот бор. Шундай қилиб, «босмачи» атамаси Октябрь инқилобидан аввал пайдо бўлганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Фитрат «иши» бўйича сўроқ қилинганларнинг жавоби деярли бир хил. Масалан, Тил ва адабиёт институтининг директори Отажон Ҳошим роса ҳолдан тойдирилгандан кейин «Тил ва адабиёт соҳасида амалга оширилган «зараркунандалик» ҳақида гапиришга мажбур бўлади. Бу зараркунандалик шундан иборатки, у ишлайдиган «институтга сарфланган жуда катта маблағ ҳеч қандай самара бермаган. Институт бор-йўти 13 та асар чиқарган, унинг ҳам олтитаси Ойбек, Элбек, Фитрат каби миллатчиларнинг асарларини оммалаштиришга бағишланган» (77-саҳифа).

Жамики айбланувчи «миллатчи» ёзувчилар ва олимларни терговчилар бир-бирларига қарши гиж-гижлатганлар. Кейинчалик айбланувчилар «бош-

қаларга тухмат қилгандан кўра ўзимни қоралаганим яхши» деб ўйлаганлар шеклли, аслида қилмаган ишларини «қилдим» деб кўрсатма бера бошлаганлар. Масалан, Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон 1937 йилнинг 25 сентябридаги терговда Отажон Ҳошим, Фитрат ва ўзига қарши кўрсатма беради: «1935 йилда Фанлар Кўмитаси менга ва Фитратга «Минг бир кеча»ни ўзбек тилига таржима қилишни топширди. Таржимани, асосан, Фитрат қилди. У асар услубини бузиб, соддалаштирди ва ишни зараркунандалик билан чўзиб юборди. Отажон Ҳошим бундан хабардор эди ва у бу ишларни хас-пўшлади» (90-саҳифа).

«Иш»да Фитрат билан Файзулла Хўжаев ўртасидаги муносабатларга анча кенг ўрин берилган. Файзулла Хўжаев ёзувчи ижодини ижобий баҳолагани маълум. Масалан, 1937 йил 9 августдаги сўроқ вақтида Раҳмат Музаффаров (1898 йилда туғилган, ўзбек, экспорт хом ашёларини тайёрловчи) шундай кўрсатма берган: «Фитрат таниқли миллатчи — тронцкиичидир. Шўро жамоатчилиги бир неча марта Фитратни фош қилмоқчи бўлган, лекин Файзулла Хўжаев унга ҳомийлик қилиб, бунга йўл кўймаган» (81-саҳифа).

Ёзувчи Отажон Ҳошимов эса бундай маълумот берган: «Файзулла Хўжаев мен билан гаплашганда институтнинг ишлари ва Фитратнинг фаолияти ҳақида сўраб-суриштирди. Фитратни Туркия, Эрон ва Афғонистон билан мустақкам алоқаларга эга бўлган ишончли одам сифатида баҳолади» (75-саҳифа).

«Иш»да Фитратга қарши берилган жуда кўп кўрсатмалар «таниқли миллатчи», «пантуркист» деган сўзлар билан бошланади ва тергов чўзилган сари адибнинг «айблари» сезиларли даражада кўпайиб борарди. «Фитрат капиталистик мамлакатларнинг кўмагидан, яъни Япония ва Германия томонидан СССРга қарши қилинадиган интервенциядан умидвор бўлган эди»,— деб кўрсатма беради Султон Маққул (1902 йилда туғилган, электрик муҳандис, 1922—1931 йилда Германияда ўқиган, ЎзССР Фанлар Кўмитаси Раисининг собиқ муовини) 1937 йил 22 сентябрдаги сўроқда. У мадрасада ўқиган мулла Олимжон Идрисийга таянади (85-

саҳифа). Ёзувчининг террорга муносабати ҳақидаги саволга у «Фитратнинг бу масалада нима дегани аниқ эсимда йўқ», деб жавоб беради. Кейин гапига илова қилиб, «лекин гира-шира эсимда бор, у ташкилот таркибида ёшларнинг террорчи гуруҳлари борлиги ҳақида гапиргандай бўлиб эди»,— дейди (86-саҳифа). Терговда айтилган бу ва бошқа тахминлар кейинчалик Фитратни террорчи деб айблаш учун замин бўлди. Султон Матқулнинг кўрсатмалари билан тергов Фитратга узил-кесил «зарба» беради: «...аҳолини совет ҳокимиятига қарши кўтаришни — халқ ҳўжалигининг ҳамма соҳаларида зараркунандалик қилиш, ишчилар ва колхозчилар таъминотини издан чиқаришни Фитрат шўро тузумини заифлаштириш усули сифатида олға сурган эди...» (85-саҳифа).

Фитратга қарши берилган кўрсатмаларнинг ҳаммаси бир қолипда, жуда бемаъни ва ҳавойи гаплардан иборат. Улар ҳар хил шаклда бир-бириши такрорлашдан нарига ўтмайди. Баъзи бир мисолларни кўздан кечирайлик. 1937 йилнинг октябр ойида ёзувчи Ғози Олим Юнусов шундай кўрсатма берган: «Ташкилот раҳбариятига Отажон Ҳошимов, Фитрат, мен, яъни Ғози Олим Юнусов, Пўлат Солиев кирар эдик... Фитрат ташкилотнинг адабиёт соҳасидаги таъсирини таъминлаши керак эди... Фитрат раҳбарлигида Ойбек, Иззат Султонов, Аҳмедов, Абдураҳмон Саъдийлар ишлар эдилар. Абдураҳмон Саъдий адабиётшуносликда етакчи роль ўйнади» (93-саҳифа).

Саъдулла Турсунхўжаев «миллатчилик ташкилотининг раҳбарият марказини ташкил этувчи 14 киши орасида Абдурауф Фитрат ҳам бор эди — у аксилшўровий ҳаракатнинг кекса мафкурачиларидан бўлиб, эски «иттиҳод»чи, Файзулла Хўжаевнинг тарафдори эди» (100-саҳифа),— деб кўрсатма беради.

Кўриниб туриптики, ёзувчининг номини «Миллий истиқдол» билан қаттиқ боғлашга уриниляпти. Бу ташкилотга эса жуда жиддий айблар тақилганди: ташкилот «исёнчи кучларни уюштирмоғи ва тарбияламоғи, улар учун қурол топмоғи ва зарур бўлган фурсатда шўро ҳокимиятига қарши кўтармоғи шарт эди» (100-саҳифа). Айни чоқда, «иш»да ташкилот аъзолари хорижий давлатлар

ва ёхуд ташкилотларнинг биронта вакили билан ёки лоақал хусусий шахслар билан қурол сотиб олиш тўғрисида музокарага киришгани хусусида биронта ҳам далил келтирилмайди. Шунингдек, бу масалада гувоҳларнинг ҳам биронта аниқ кўрсатмаси йўқ. Бунинг устига, юқорида зикр этилган Турсунхўжаев: «Бу масалада бирон марта махсус кенгаш ўтказилгани йўқ»,— деб кўрсатма берган.

Юқорида «гувоҳ» Бойбулатовнинг номи зикр этилди. Мафкура масалаларида Фитрат йўл қўйган «айблар» унинг «Ўзбекларнинг маданий мероси байроғи остидаги пантуркизм» деган мақоласида батафсил баён қилинган. НКВД Давлат хавфсизлиги Бошқармасининг 1937 йил 30 ноябрдаги қарорига биноан бу мақола далил-ҳужжат сифатида «иш»га қўшиб қўйилган (122—131-саҳифа). Аввал мақола Тошкентда «Шарқ ҳақиқати» газетасида (1930 йил, 180, 182, 183-сонлар) босилди. Кейинчалик эса бу «асар» бир оз кенгайтирилган ҳолда биринчи марта рус тилида «СААП» («Ўрта Осиё пролетар ёзувчилари уюшмаси») журналида эълон қилинди. Мақолани рус тилига муаллифнинг ўзи ағдарган.

Бойбулатов Фитрат ва Отажон Ҳошимовларнинг «Шарқнинг Оврүподан фарқ қилувчи ўзига хос ривожланиши» ҳақидаги назарияларини кескин танқид қилади. Бу назарияни муаллиф японларнинг «Шарқ Оврүпога қараганда мутлақо ўзига хос йўлдан юрган, Оврүпо билан сира боғланмаган ҳолда ривожланган ва бундан кейин ҳам шундай бўлади» деган қарашлари билан айнан бир хил деб ҳисоблайди. Терговчиларнинг назарида бундай дейиш катта жиноятдир!

Бойбулатов мақоласида ўзбек адабиёти намуналарини келтиради-да, «буларнинг бари «Қуръон» тарғиб қилган нарсаларни тарғиб қилади» — деган даъво ни олға суради, узундан-узоқ тарзда «Ўзбек адабиётидан намуналар»ни (Фитратнинг 1929 йилда босилган асари — муаллифлар изоҳи) нашр қилиш билан «синфий душман ҳозирги мавjud тузумга қарши ташвиқотнинг энг хавфсиз ва ниқобланган усулини топишга ҳаракат қилади» деган фикрни исботламоқчи бўлади (125-саҳифа).

Мақолада Фитратнинг 1920 йил 29



январда «Иштирокиюн» газетасида босилган компартиянинг шарқ сиёсати ҳақидаги мақоласи ҳам тилга олинган. «Тошкентда «Шарқ инқилобий кўмитаси» ташкил қилинди. Унинг раиси Микаильяндир. Шарқда инқилобни рўёбга чиқармоғи лозим бўлган кўмитанинг раиси — армени. Эҳтимол, Микаильян улуғ ва юксак одамдир, фидойи коммунистдир, «ҳақиқий байналмилалчидир». Лекин у армени. Мусулмон Шарқда арман миллати томонидан қолдирилган излар қонли излардир...» (127-саҳифа). Муаллиф бу сўзларни шунчаки «танқид» эмас, «партия сиёсатига қарши кураш» сифатида баҳолайди. (Бойбулатов бу даъвосини олға сураётган экан, ўқувчиларга Фитратнинг мақоласи 1920 йилда ёзилганини айтиб ўтишни унутиб қўяди. Маълумки, 1918 йилнинг февраль ойида «Дашнакҷотун» партиясининг қуроли жангарилари Қўқон мухториятини тугатиш шиори остида Қўқондаги тинч аҳолини қирғин қилган эдилар. Ўшанда уч кун давомида қонли қирғин оқибатида шаҳар аҳолисидан ўн минг киши ҳалок бўлган эди. Фитрат мақоласини ёзган кезларда бу қонли воқеалар ёди ҳали хотиралардан ўчмаган эди. Шунинг учун адиб бу масалада кескин оҳанглarda гапирган бўлиши мумкин. Ўшанда большевиклар 1915 йилдаги маълум арман-турк воқеаларини ҳисобга олиб, дашноқлар бир хумордан чиқсин деган мақсадда уларни Қўқон устига атайин юборган бўлишлари мумкин — муаллифлар изоҳи).

Ёзувчи номига қаратилган танқиднинг кўп қисми унинг 1917 йил октябрдан аввал ёзилган асарларига таяниб айтилган. Фитратнинг ўзи Бойбулатов билан мунозарарага киришар экан, «Сиз менинг 1908 ва 1910 йилда ёзилган асарларимдан мисоллар келтирасиз...» — деган ва «бу ўтмишнинг ҳозирги куним билан алоқасини ҳамда муносабатини аниқлаб олиш зарур», — дея илова қилган эди (129-саҳифа).

Албата, Фитрат инқилобни дарҳол қабул қилди ёхуд совет ҳокимияти Туркистонда амалга оширган баъзи бир ижобий ўзгаришларни тезда тушуниб олди деб бўлмайди. Бунинг учун унинг асослари бор эди. 1918—1920 йилларда Колесов отрядлари ва Фрунзе қўшинлари томонидан Бухоронинг

тўпга тутилиши ва хароб қилиниши адибга жуда қаттиқ таъсир кўрсатди. Худди шу йилларда Ибн Сауднинг Арабистон мустақиллиги учун инглизларга қарши олиб борган фаол кураши, инглиз тўплари ўқидан Муҳаммад алайҳиссалом қабрининг зарарланиши Фитрат учун «Йиғла, ислом» деган асари ёзилишига туртки бўлди. 1919 йилда битилган бу асарда Фитрат туркий халқлар бир замонлардаги қудратини йўқотиб қўйгани учун афсуслар чекади. Темур сингари боболарнинг шуҳратини тиклашга чақиради» (129-саҳифа).

Бойбулатов Фитрат ижодини танқид қилар экан, ҳеч иккиланмаган ҳолда республика жамотчилигини бир нарсага ишонтирмоқчи бўлади: Фитрат ўтмишда миллатчи пантуркист бўлган ва ҳозирда ҳам шундай. «Намуналар»да, — деб ёзади мунаққид, — Фитратнинг жамики пантуркистик майллари ўз ифодасини топган. Китобда у «Ўзбекларнинг адабий мероси» байроғи остида Ўрта Осиёда VIII—XVI асрларда яшаган Энасой татарлари, ўрхун, ўғиз, қашғар, уйғур ва қиғатой туркийларининг адабиётини бирлаштиради. 1929 йил бўсағасида бу «неъмат» ашаддий пантуркизм гулдастаси бўлмай нима бўлади?» (128-саҳифа).

1937 йил 4 декабрда бор-йўғи битта сўроқдан кейин Фитратга тергов тамом бўлганини эълон қиладилар. Бу ҳақдаги қайдномага у «Даъвойим йўқ, ҳеч нарсани илова қилолмайман» деб имзо чекади (1932-саҳифа).

Тадқиқотлар кўрсатадики, НКВД органлари адибни маънавий жиҳатдан қайириб олиш учун имкони бор ҳамма ишни қилган. Масалан, у қамоққа олингандан кейин (1937 йил 24 апрель) ярим йил ўтгандан кейингина биринчи марта сўроқ қилинган (1937 йил 25 октябрь). У ҳам қўшимча айблов эълон қилиш учун (1937 йил 30 ноябрда) ўтказилган. Иккинчи сўроқ эса яна етти ой ўтгандан кейин қилинган (1938 йил 23 май). Сўнгги учинчи сўроқ эса 1938 йилнинг 23 сентябрь кuni, яъни Фитрат отилишидан ўн бир кун аввал (1938 йил 4 октябрь) ўтказилган.

Айбловлар, асосан, Фитратнинг «кўрсатмалари», бошқа айбланувчилар кўрсатмаларидан олинган кўчирмалар (ҳаммаси бўлиб 14 та) материаллари ва юзлаштиришлар (ҳаммаси 5та) қайдно-

малари асосига қурилган. Ҳамма кўчирмалар 1937 йил август — октябрь саналари билан белгиланган, юзлаштиришлар эса 1938 йилнинг апрель — май ойларига тўғри келади. Уларнинг иккитаси 29 сентябрда ҳамда Фитратнинг отилишига атиги икки кун қолганда — 1938 йилнинг 2 октябрида ўтказилган.

1937 йил октябрь ойидаги биринчи сўроқдаёқ барча «айб»ларини тан олган Фитрат 1938 йилнинг 4 апрелида биринчи марта бошқа одамларнинг туҳмат ва бўҳтонларидан ўзини ҳимоя қилишга уринади. Масалан, 1938 йил 4 апрелида юзлаштиришда у Иноятулла Бахшуллахоновнинг гапларини рад этади. Бахшуллахонов 1938 йил ёзида инглиз полковниги Бейли иштирокида Фитрат уни Англия разведкаси фойдасига ёллаганини айтган: «Полковник Бейлини танимайман. Бахшуллахоновга аксилинқилобий характердаги жосуслик топшириқлари берган эмасман (156-саҳифа). Адиб аллақандай Абдураб деган «инглиз жосуси» билан алоқада бўлганини эслатадилар. У жавоб бериб, Абдураб деган ҳиндини ҳинд инқилобчиси сифатида билганини, Афғонистон консулхонасида ишлаганида унга таржимон сифатида ёрдам берганини айтади. Терговчи томонидан тазйиқ ўтказилганига қарамай, Фитрат сўзида қатъий туради:

«Мен жосуслик иши ҳақида кўрсатма беролмайман, чунки жосуслик билан шуғулланган эмасман» (156-саҳифа).

Аммо қирқ кундан кейин (1938 йил 13 майда Аминжон Малах Пўлатов билан юзлаштириш вақтида) ҳолдан тойган ва продаси букилган Фитрат бутунлай бошқача «кўрсатмалар» бера бошлайди. Шу вақтдан бошлаб юзлаштирувларда ва сўроқларда «жосус» Абдураб ҳақида бошқа савол берилмайди. Унинг ўрнига мутлақо бошқа бир одамнинг номи қалқиб чиқади. Бу — ҳинд табиби Саид афанди Фазлиддинов эди. Кейинги қайдномаларда фақат унинг номи учрайди. Гарчи Фитрат ўз «айби»ни тасдиқлаш учун Аминжон Малах Пўлатовни 1919 йилда инглиз разведкаси учун ёллаганини маълум қилса-да, ўзининг жосуслик фаолияти ва ўзи раҳбарлик қилган Пўлатовнинг фаолияти ҳақида аниқ бирор фактни келтир-

майди, умумий гаплар билан чекланади: «Аминжон Малах Пўлатов ёллангандан кейин икки йил мобайнида бевосита менинг шахсий раҳбарлигимда фаол жосуслик ишлари билан шуғулланди ва менинг топширигим билан жосуслик характеридаги материаллар тўплади. Мен бу материалларни Отаҳўжа Пўлатовга топшираддим, у эса уларни ҳинд Саид афандига етказарди» (158-саҳифа). Лекин Аминжон Малах Пўлатов билан юзлаштирилганда Фитрат инглиз разведкасига қачон, қаерда ва қандай жосуслик характеридаги материаллар берганини аниқ айтолмайди.

Шунга қарамай, бундан кейинги сўроқлар ва юзлашувларда у устма-уст «айблар»ни бўйнига олаверади. 1938 йил 20—23 майдаги сўроқ вақтида терговчи Фитратга тусмоллаб савол беради: «Моҳият эътибори билан жосуслик фаолиятингиз тўғрисида батафсил маълумот беринг...» Фитрат деярли йигирма йил мобайнидаги жиноятларини худди кеча қилгандай батафсил баён этади: «Мен камалгандан бери ўтган 9 ой ичида 1918 йилдан бошлаб камалган кунимгача шўро ҳокимиятига қарши олиб борган жосуслик ишларимни ўжарлик билан терговдан яшириб келдим... Инглиз разведкасига мансублигимни терговдан яшириб келдим» (133-саҳифа). Бунга қадар эса 1938 йил 26 апрелда Ғози Олим Юнусов билан юзлаштирилгандан сўнг «инглиз разведкасининг оддий ходимигина эмас, балки резиденти бўлганини» тан олади ва ўзи ёллаган 9 кишини номма-ном санайди. Булар орасида Ғози Олим Юнусов, Отажон Ҳошимов, Совет ҳуқуқи ва қурилиши Институтининг директори Ҳикмат Нейматов, Бухоро Халқ жумҳуриятининг собиқ маориф нозири Кори Йўлдош Пўлатов, Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институтининг доценти Каюм Рамазонов, Аминжон Малах Пўлатовлар бор. Айни чоқда тергов давомида у тўрт кишини (Чўлпон, Бахшуллахонов, Шоҳид Эсон Мусаев, Сўлаймон Шавкат) инглиз разведкасининг ходимлари сифатида билишини айтади. Бир қарашда тақдирнинг ёвуз ўйинидай кўринса-да, аслида НКВДнинг хоҳиш-иродаси билан шундай қилинадик, ўша пайтларда Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институтида ишлаган ҳамма истеъдодли ёзувчилар ва олимлар

(Ҳамид Олимжон, Ойбек, Иззат Султонов, Ҳоди Зарипов ва бошқалар) «аксилшўровий зараркунаҳдаллик ишларини амалга ошириш учун аксилинқилобий миллатчилик ташкилотига жалб қилинган» бўлиб чиққанлар (145-саҳифа).

Тергов Фитратдан асл маънодаги «жосус» ясашга ҳаракат қилган: «...Саид афандининг топшириғи билан мен шахсан икки марта Ўзбекистон шаҳарлари ва туманларига Буюк Қаримовни<sup>1</sup> жўнатганман. У Қизил Армия қисмларининг жойлашиши тўғрисида, темир йўл орқали ўтадиган ҳарбий юклар тўғрисида, аҳолининг сиёсий кайфияти ҳақида жосуслик характеридаги қимматли маълумотлар тўплаган» (151-саҳифа).

Кўриниб турибдики, Фитрат ўз ихтиёри билан ўзига қарши «далиллар»ни қалаштириб, жаллодлар қўлига қурол беряпти. Негаки, бу кўрсатмаларнинг «чинлигига» ҳеч ким шубҳа қилмайди: ҳеч ким уларни текшириб кўрмайди ва рад қилмайди ҳам. Ахир, бу гаплар 1938 йилда содир бўляпти. Ҳали гуноҳсизлик презумпцияси деган гап йўқ, балки «айбдорнинг тан олиши — далиллар маликаси» деган машъум қоида амалда. Шунга қарамай, ёзувчинини олий жазога ҳукм қилмоқ учун бу тан олишларнинг ўзи камлик қиларди. Вазиятни кескинлаштириб, тазйиқ этиш давом этади: «Терговга маълумки, инглиз резиденти Саид афанди кенг кўламда исёнчилик, террорчилик ва

бузғунчилик ишларини олиб борган». Бу ўринда Фитрат терговчилар ишни олий жазога тўғрилаб олиб боришаётганини тушуниб, иккинчи марта ўзини ҳимоя қилишга уринади ва ўзига юкланаётган «исёнчилик ҳаракатини» уюштириш, «террорчилик ва бузғунчилик фаолияти билан шуғулланиш каби «айблар»ни рад этади. У «Саид афандидан топшириқ олмаганман» дейди: «Шўро ҳокимиятига қарши қўзғолонни тайёрлашда иштирок этиш менинг вазифамга кирарди... лекин бу одамларни мафкуравий жиҳатдан тайёрлашда ифодаланар эди. Мен қўзғолоннинг муваффақиятига ёрдам берадиган шароитни тайёрламоғим керак эди. Бироқ мен жойларда (қишлоқларда) бевосита қўзғолончи кадрлар ёллаш бўйича иш олиб борган эмасман» (151-саҳифа).

Фитрат ўзи билан инглиз резиденти ўртасида 1938 йилгача шоир Ғулом Зафарий воситачилик қилганини «тан олади».

Шуниси таажжубланарлики, «бир гуруҳ жосусларга раҳбарлик қила туриб», Саид афанди ҳақида ҳамма гапни билатуриб, бу Туркистонда деярли 20 йил (1919—1937 йиллар) истиқомат қилган бўлса-да, Фитрат у билан бирон марта ҳам учрашмапти! НКВД бу резидентни шунча вақт ўз ихтиёрига қўйиб қўйишти, унинг бутун мамлакат бўйича бемалол, эмин-эркин юришига эътибор бермапти-да, фақат ўн саккиз йил ўтгандан кейингина унинг «агентлари»ни қамай бошлапти».

## БУХОРО ХАЛҚ ЖУМҲУРИЯТИ ВА ТУРКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ УЧУН

Ҳужжатлар Фитратнинг ёшлар тарбиясига фавқуллодда эътибор билан қараганидан далолат беради. «Бухоро пролетари» газетасининг собиқ адабий ходими Насриддин Раҳимий «Ёшлардан Фитратнинг умиди катта эди», деб кўрсатма беради (Иш П-24981, 2-саҳифа). Унинг теварагида жуда кўп истеъдодли ёшлар бўлган. Ҳаётининг сўнгги йилларида Маориф Халқ Комиссариати ходими Барака Азизов, ўқитувчиларидан Ҳусайн Султонов, Амиржон Низомий, Тошкент маориф уюшмаси

ходими Абдуллажон Шариповлар унинг энг яқин, садоқатли шогирдлари ҳисобланади. Кўпни кўрган, тажрибали устоз сифатида Фитрат ёш олимлар ва педагогик ходимлар билан тез-тез суҳбатлар ўтказиб турган. Масалан, Насриддин Раҳимийнинг маълумотида кўра, «1932 йилда Самарқандда Фитрат ўз уйида Неъмат Ҳикматовни (1936—1937 йилларда Шўро ҳуқуқи институтининг директори) ҳақиқий аҳвол билан таништирар ва унга насихат қилар экан, менинг ҳузуримда

<sup>1</sup> Олим, Тил ва адабиёт институтининг ходими.

унга «энди сен яхши ишлаб, ўз обрўйингни кўтармоғинг, хизматда юқори мансабларни эгалламоғинг керак», деган экан. Фитратнинг бу гапларида бирон жиний мазмун бўлмаса-да, терговчи бу суҳбатни адибнинг душманлик руҳидаги фаолиятига «далил» сифатида ҳужжатлаштирган. Жумладан, олий ҳокимият тизимига суқилиб кириб олиб, шўро ҳукуматини ичдан кўпоришга чақириб, Туркистон манфаатлари учун курашга даъват сифатида баҳолаган.

Умуман олганда, Фитратнинг ёшларга муносабатида жуда кўп таҳсинга сазовор ва ибратли жиҳатлар бор. Масалан, амирлик емирилиб, Бухорода ҳокимият ёш бухороликлар қўлига ўтгач, ўша даврдаги бир гуруҳ тараққийпарвар арбобларнинг ташаббуси билан, табиийки, биринчи навбатда Фитратнинг саъйи-ҳаракатлари билан бир қатор ёшлар давлат ҳисобидан Германияга ўқишга юборилган. Ўқиш учун танланган талабалар ичида бухороликдан ташқари Туркистоннинг бошқа ҳудудларидан, жумладан, Тошкент шаҳридан олинган ёшлар ҳам бор эди. Бу жиҳатдан қамоққа олинган Бухоро Халқ Комиссарлари Кенгашининг собиқ Раиси Муин Аминов 1938 йил 28 январда берган кўрсатма диққатга сазовор: «1922 йилда Куйбишев... менинг олдимга Германияга юборилган ёшларни қайтариш масаласини кўйди. Унинг фикрича, бу ёшлар ўқишни Москвада давом эттирмоғи керак. Мен буни Файзулла Хўжаевга айтдим. У кескин норозилик билдирди» (иш П—31922, 1-жилд, 161-саҳифа). Бу итоатсизлик изсиз кетмади: Туркистоннинг машҳур арбоблари ёшларни миллатчилик руҳида тарбиялашда айбланадилар: «Буржуа-миллатчи кадрлар тарбиялаш мақсадини кўзлаб, «Миллий Иттиҳод»нинг қарори билан давлат маблағлари ҳисобига Германияга ўқувчи ёшлар жўнатилган. Улар Германияда муҳожирликда юрган аксилниклобий миллатчи арбоблар билан яқиндан алоқалар боғлаганлар». Аммо Берлинда бу ўқувчи ёшларга бирон-бир муҳолиф гуруҳ қизиқиш билан қараганини кўрсатувчи ҳеч қандай далил йўқ.

Янги ташкил топган Бухоро Халқ Жумҳуриятида халқ турмушини изга солиш учун Фитрат жуда фаол жонбозлик қилган. Давлатни бошқаришга доир

деярли ҳамма соҳаларда унинг фикри инобатга олинган. Фитрат Берлинда ўқидиган Азиз Хўжаевга 1923 йилнинг 6 июлида йўллаган мактубида ўзи эгаллаб турган мансабларни санаб кўрсатадики: «Ислоҳот комиссиясининг раиси», «Халқ хўжалиги олий кенгашининг раиси», «Марказий Ижроия Қўмита Раисининг муовини», «Шарқий мусиқа мактабининг мудирини», «Ташқи ишлар нозири», «Халқ нозирлари кенгашининг режалари комиссиясининг раиси» (ОФ—208, 1-жилд, 265-саҳифа).

Таассуфки, Азиз Хўжаев ҳам Фитратнинг яқин одами сифатида 1936 йилда ППУ томонидан қамоққа олинган ва беш йилга Селовкига сургун қилинган. Гўё Фитрат у орқали Туркияга БХЖ Марказий Ижроия Қўмитасининг собиқ раиси Усмон Хўжаевга мактуб жўнатмоқчи бўлган экан.

БХЖ раҳбарлари учун Бухоронинг мустақиллигини сақлаб қолиш энг муҳим масала эди. Бу нозик муаммо туфайли Бухоро ва Туркистон раҳбарлари ўртасида доимий баҳслар давом этарди.

Амир зулмига қарши мурасасиз курашчилардан бўлган Садриддин Айний Бухорода амирлик тузуми қулагандан кейин «Манғитлар сулоласининг бир юзу етмиш йиллик ҳукмронлиги ва Олимхоннинг тўққиз йилу ўн бир куну бир соат давом этган салтанати ниҳоясига етди»,— деб ёзганди. У 1921 йилдаёқ кўпчилик маърифатли одамларнинг хоҳишини шундай ифодалаган эди:

«Рус империализмидан тасодифан халос бўлган Бухоро меҳнаткашлари бошқа империяга қарам бўлиб қолмоқни сира-сира истамайдилар» (Коллекция 1—2—а—1, 68-саҳифа).

Бу фикрни 1937 йил 2 июлда сўроқ қилинган Бухоронинг собиқ қозиси — Қози Саид Эшонхўжаев кўрсатмалари ҳам тасдиқлайди. Аён бўладикки, жумҳурият ҳаётини қай тарзда ривожлантириш масаласида БХЖ раҳбарлари коммунистларникидан фарқ қиладиган қарашларга эга бўлганлар. Қози Саид куйидагиларни маълум қилади: «Бухоро Халқ Жумҳурияти вақтида 1922 йилда мен Бухорода қози эдим. Бир кун мени Абдурауф Фитрат уйига таклиф қилди. Унинг уйда Фитратнинг укаси Абдурахмон, Файзулла Хў-

жаевнинг укаси Ибодхўжа ва амакиси Отаулла хўжа, Убайдулла Хўжаевлар бор эди. Ундан (яъни Қози Саид Эшонхўжаевдан — муаллифлар изоҳи) қишлоқларда Файзулла Хўжаев сўбсати учун ташвиқот юриштиши, (бошқарув) болыпевиқлар ният қилганидек бўлмаслигини, аксинча, мулкчилик сақла-ниб қолишни, савдогарчилик йўқ қилинмаслигини, Бухорода ўзгача тартиб ўрнатилишни халққа тушунтиришни илтимос қилишди». «Фитрат менга пул бериб, қишлоқларга жўнатилишни топширди. Икки кундан кейин менга Бухоро компартиясининг Назорат Комиссиясидан хужжат беришди. Назорат Комиссиясининг раиси Ҳожи Мирбобо Муҳсинов эди. Хужжатга шу киши қўл қўйган эди. Қишлоқларда тахминан 15 кунча бўлдим, аммо ташвиқот ишларини берилган кўрсатмалар асосида олиб бормадим. Фитрат менинг ишчидан қаноат ҳосил қилмади ва бунинг жазоси сифатида мени ишдан олдилар (иш П—31922, 3-жилд, 277-саҳифа).

Эшонхўжаевнинг терговда ўзини қандай тутгани, албатта, тушунарли. Ахир, у ўзига-ўзи қарши бормади-ку!

Бухоро жумҳуриятининг олий раҳбарияти, айниқса, марказий ҳокимият томонидан 1923 йилда ўтказишга мўлжалланаётган Ўрта Осиё республикалари ташқи иқтисодиёти кенгашидан қаттиқ ташвишга тушиб қолган эдилар. Иноятулла Бахшуллаев (1932 йилда Сталинободга ишга ўтказилган) терговда ўша йилларнинг ҳодисаларини эслаб, қуйидагиларни таъкидлайди: «..1923 йилда Ўрта Осиё республикалари иқтисодиётига бағъшланган кенгашнинг ўтказилишига йўл қўймаслик учун катта ишлар қилинди. Бу тadbир арафасида Файзулла Хўжаев «Миллий Иттиҳод» аъзоларининг яширин кенгашини чақирди ва унда аҳолининг кенг қатламлари орасида Ўрта Осиё республикаларининг иқтисодий бирлашишига қарши тарғибот ва ташвиқот ишларини кенгайтириш тўғрисида кўрсатма берди. Унинг фикрича, бундай битимнинг тузилиши Бухоронинг РСФСР томонидан қарам қилиниши билан баробар эди» (иш П—21922, 3-жилд, 340-саҳифа). Бу ўринда шуни айтмоқ лозимки, тергов материалларида, архив ишларида ва оператив хужжатларда деярли беистисно тарзда бир далилга рўпара келинади — Бухоро

Халқ Жумҳурияти раҳбарлари, миллий арбоблар, собиқ жадидлар, таниқли ёзувчилар ва олимлар иштирок этган йиғинлар, суҳбатлар, зиёфатлар, гапларнинг ҳаммасини қарсда бўлганидан қатъий назар, ОГПУ ходимлари уларнинг моҳиятини аниқлаб ўтирмай, «махфий», «яширин», «хуфия» деб айтаверадилар.

Бахшуллахоновнинг маълумотларини қамоққа олинишига қадар «Тожикистон сурх» газетаси муҳаррири бўлиб ишлаган Мисбах Бурҳонов ҳам тасдиқлайди. У ўз кўрсатмаларида шундай дейди: «1923 йилда Ўрта Осиё республикаларининг иқтисодий конференцияси олдиан Бухородаги Файзулла Хўжаевнинг уйида яширин кенгаш бўлиб ўтди. Унда Файзулла Хўжаев, Ота Хўжаев, Муин Аминов, Фитрат, Масҳар Бурҳонов, Мухтор Санджонов ва бошқалар қатнашдилар. Бу кенгашда Файзулла Хўжаев сўзга чиқиб, «биз шу пайтга қадар ўзаро гуруҳбозлик билан шуғулланиб келдик (бу ўринда Абдуқодир Муҳиддиновнинг гуруҳи назарда тутиляпти — муаллифлар изоҳи). Бу миллатни ҳалокатга олиб борадиган ишдир. Жумҳуриятимизнинг мустақиллиги учун бирлашган кучлар билан курашмоқ керак. Тошкентда Ўрта Осиё республикаларининг иқтисодий бирлашиши ҳақида масала қўйилган. Агар биз бунга рози бўлсак, мустақиллигимизни бой бериб қўямиз. Бунга йўл қўя олмаймиз». Шундан кейин Бурҳонов давом этади: «Шу кенгашдан кейин мен уйга Фитрат билан бирга кетдим. Йўлда Фитрат менга «бўлиб ўтган кенгаш фавқулдда жиддий аҳамиятга эга, лекин Файзулла Хўжаев бир оз ўйламай иш қилди. Агарда Файзулла Хўжаев бу кенгашда кимларнинг иштирок эттиш-этимаслиги тўғрисида мenden сўраганида, баъзи бир шахслар бу жиддий кенгашга қўйилмаган бўларди, — деди». Бурҳоновнинг гапига қараганда Файзулла Хўжаев кенгашда шундай деган: «Биз Бухоро Халқ Жумҳуриятида афғон консулхонасининг тугатилишига рози бўлиб, катта хатога йўл қўйдик. Афғон ваколатхонасини сақлаб қолиш-гина эмас, балки бошқа мамлакатлар билан ҳам бевосита дипломатик алоқалар ўрнатмоқ керак эди» (иш П—31922, 3-жилд, 183-саҳифа).

Дарҳақиқат, 1923 йилдаёқ Файзулла Хўжаев Москванинг Бухорода афғон

давлати ваколатхонасини тугатиш ҳақидаги талабига бекорга рози бўлгани ҳақида жиддий ўйлай бошлаган эди. Яккаю ягона бўлса-да, шу консулхонанинг мавжудлиги Бухоро Халқ Жумҳуриятининг мустақиллигидан далолат берар эди. Бухоронинг ана шу муҳим давлат белгисидан маҳрум этилиши, албатта, марказ томонидан аввалдан назарда тутилган эди. Бу нарса келажакда (1924 йил октябрида) Ўрта Осиё миллий чегараланишини ўтказиш жараёнида БХЖни давлат сифатида тугатишда қўл келарди.

Фитратга қайтайлик, Файзулла Хўжаевнинг уйидаги йиғинда ишончсиз одамлар ҳам қатнашгани ҳақида Фитрат берган кўрсатмани архив материаллари тўла тасдиқлайди. Масалан, Файзулла Хўжаев Бухоро Халқ Жумҳуриятининг мустақил давлат сифатидаги мақомини сақлаб қолиш масаласини ҳал қилиш умидида Москвага жўнайди. У ердагилар эса Бухоро Жумҳурияти раҳбарларининг режалари ва ниятларидан аллақачон хабардор бўлиб, ҳатто давлат бошлиғининг ўзига анча-мунча даъволар тайёрлаб қўйишган экан. Файзулла Хўжаев Бухоро Жумҳурияти ҳукумати аъзоларининг айрим «гуноҳлари»ни тан олишга мажбур бўлса-да, умуман, вазиятни муайян даражада юмшатишга эришади. Шу таразда, марказ Бухоро раҳбариятидан ўзига маъқул бўлмаган Отаулла Хўжа, Фитрат, Муинжон Аминов ва Саттор Хўжа каби миллий кадрларни маълум муддатга четлатишга эришади. Бу ходимларни узил-кесил обрўсизлантириш учун «Озод Бухоро» газетасида 1926 йилнинг 16 октябрида «Собиқ ноzirлар нима билан машғул бўлганлар?» деган сарлавҳа остида «Аҳмад Рафиқовнинг доклади» эълон қилинган. Унда, хусусан, қуйидагилар хабар қилинади:

«...1923 йилнинг июль ойида Марказий Ижроия Қўмитасининг қарори билан Отаулла Хўжа, Фитрат, Муинжон Аминов ва Саттор Хўжалар мансабларидан четлатилдилар ва жумҳурият ҳудудидан қувилдилар. Шу фурсатдан бошлаб Марказий Ижроия Қўмита қарори билан юқорида зикр этилган шахсларнинг жинорий ишларини тафтиш қилиб текшириш учун комиссия тузилди. Комиссияга Позднишев, Раҳимбоев ва Уста Нур ўртоқлар кирди».

Шундан кейин газетада қуйидагилар босилган:

«1. Отаулланинг жинояти нималардан иборат эди? Инқилоб бошида Шарқий Бухорода мухтор вакил бўлиб турганида 500 бош қўйни ўзлаштирган, ... шахсий уйига давлат материалларини ишлатган... шахсий манфаатлари йўлида ҳокимият номидан буйруқлар чиқарган...»

«2. Фитратнинг жиноятлари: шарқий музыка мактабининг мудирини бўлган кезларда ўқувчиларни бачча бўлишга мажбур қилган, мактаб биносида қўлбола ароқ тайёрлаган..., давлат зарарига ҳар хил шартномалар тузган, берилган маблағларни суиистеъмол қилган (шахсий уйини таъмирлаган)...» (ОФ—208, 1-жилд, 245—249-саҳифалар).

Бу воқеалардан сўнг Файзулла Хўжаевнинг қистови билан Фитрат Москвага ишга кетади.

Фитратни таъкиб қилиш ва ҳар хил йўсинда айблаш шу билан тугамайди, аксинча, эндиликда ОГПУ—НКВД унга ниҳоятда жиддий қизиқиб қолади.

Бу ўринда йиллар тартибидан бир оз чекиниб, ёш бухоролик — жадид Фитратнинг Истамбулдаги илк фаолиятига эътиборни қаратайлик. Ота Хўжаев 1937 йил 13 апрелдаги кўрсатмаларида 1909—1913 йилларда Фитрат билан бирга Туркияда ўқигани тўғрисида аниқ маълумот беради. Садриддин Айний эса Фитрат ижодининг Истамбул даври ҳақида кенроқ тўхталар экан, унинг асарлари ўша вақтлардаёқ Россия цензурасини бефарқ қолдирмаганини таъкидлайди. У 1921 йилда шундай ёзган эди:

«Истамбулда Фитрат «Мунозара» деган асар ёзди. Асар Бухорога олиб келинаётганида унинг бир қисмини Россия цензураси ушлаб қолди, қолган нусхалари Бухорога етиб келди ва хонликда яширин жамиятлар (жадидлар — муаллифлар изоҳи) томонидан тарқатилди. Тошкентда 1918 йилда вафот қилган бухоролик тараққийпарвар мударрис Абдул Қодир Маҳзум бу асарларни тарқатиш учун Шаҳрисабз, Китоб, Чироқчиларга борди... Саводсизларга эса китобни ўзи ўқиб берарди. Бу асарни ўзбек тилига самарқандлик Муин афанди ўтирган» (Коллекция 1—2—а—1).

Фитратнинг Истамбулда ёзилган иккинчи асари «Ҳинд сайёҳининг қисса-

си»дир. Россия цензураси бу гал ҳам китобнинг бир қисмини ушлаб қолди. Уни самарқандлик муфти Маҳмудхўжа Бехбудий рус тилига таржима қилган.

Фитратнинг Истамбулда ёзган учинчи асари — «Сайха» деб аталган шеърлар тўплами бўлиб, китоб инқилобий руҳга эга, у империализмга қарши қаратилган. «Бу тўпламни Истамбулдан махфий равишда келтиришган ва Бухорода яширин равишда тарқатишган. Китоб ўқувчиларга электр токидай таъсир кўрсатган».

Фитратнинг яна бир асари «Раҳбари дошиш» деб аталади. Бешинчи асари эса — «Оила»дир.

Фитрат туркий тилдан тожик тилига Исмоил Гаспринскийнинг «Дорулроҳат мусулмонлари» деган асарини таржима қилган. Бу таржима Бухородаги китоб савдоси билан шуғулланган «Майрифат» жамиятининг ҳисобига нашр қилинган (Коллекция 1—2—а—1, 30—36-саҳифалар).

Садриддин Айний шундай давом этади:

«Россия сиёсий агентлиги яширин жамият мавжудлигини тахмин қиларди-ю, лекин бу ҳақда муайян маълумотларга эга эмас эди. Фитрат билан Фазлиддин махсум (ёш бухоролик жадидларнинг етакчилари — муаллифлар изоҳи). Дастурхончи маҳалласида истикомат қилганлари учун жамиятнинг йиғинлари шу ерда ва Кўкалдош мадрасасида бўлиб турса керак, деб тахмин қилинган ҳамда қушбеги ва қозикалонга жамият аъзоларини қамоққа олиш ҳамда ҳужжатларни мусодара қилиш топширилган. Бухоро айғоқчилари бир ой давомида из қувиб, ҳеч нарса топа олмаганлар. Россия сиёсий агентлигининг ходими Вельманнинг шахсан ўзи ишга киришган» (Коллекция 1—2—а—1, 37—38-саҳифалар).

Кўриниб турибдики, Фитратнинг фаолияти Россия сиёсатчиларини 1917 йил иқтилобидан аввалроқ анча ташвишга солиб қўйган эди. Бухородаги Россия ваколатхонаси талаби билан амирнинг олий мансабдорлари Фитратни ҳам, унга дахлдор одамларни ҳам қамоққа олиш пайдидан бўлишган. Бу масалада уларнинг манфаатлари бир-бирига тўла мос келган. Февраль инқилобидан кейин эса Садриддин Айнийнинг ёзишича, «Россия Вақтли ҳукумати билан

мунозара олиб бориш учун жамият (ёш бухороликлар — муаллифлар изоҳи) Россияга Фитрат билан Усмон Хўжани жўнатган» (ўша жилда).

1928—1930 йилларга қайтайлик. Мавжуд материаллар шундан далолат берадики, Фитрат ва унинг теваратидагилар учрашув ва йиғинларда халқ ҳаётининг муаммолари тўғрисида, муайян шахсларнинг таъқиб қилинаётгани ҳақида кўп гапиринган. Масалан, Насриддин Раҳимийнинг маълумотларига кўра, «1928 йилдаёқ Фитратнинг уйида (Самарқанддаги уйи — муаллифлар изоҳи) Файзулла Хўжаев, М. Саиджонов, Муин Амнов, Ота Хўжаев, Ҳайдар Ҳаётий ва бошқалар зиёфатга тўпланишган». Файзулла Хўжаев ҳамма тўпланганларга гўё ўз фикрлари билан ўртоқлашаётгандай, ЎзССР Ер ишлари халқ комиссари, «18лар гуруҳининг етакчиси» Хидиралиевнинг ўз-ўзини ўлдирганини, бунинг сабаби «бизнинг ожизлигимиз ва унга қўмак беролмаганимиз. Энди биз тузукрок уқушиб, бир-биримизга ёрдам беришимиз зарур»лигини гапирган (иш П—24981, 4-саҳифа).

Насриддин Раҳимийнинг кўрсатмасига кўра, 1930—1932 йилларда Фитрат Троцкий асарларини сиңчиклаб ўрганган. Бир кунги у Насриддин Раҳимий билан суҳбатда «Троцкий катта истеводд эгаси, у инқилоб даҳоси, у классик ёзувчи ва доно одам»,— деган.

Фитрат Троцкий асарларини тарғиб қилади, шунингдек, бошқача асарларни ва ҳатто хорижда босилган асарларни ҳам мақтаб гапирди деган айбни мустаҳкамлаш учун унинг теваратидаги яқин одамларга қарши ҳам «фош қилувчи» материаллар тўпланган. Кейинчалик уларнинг кўпчилиги қамоққа олинган. Масалан, Насриддин Раҳимийдан тергов қуйидаги кўрсатмани олишга муваффақ бўлади: «Абдураҳмон Раҳимов (Фитратнинг укаси — муаллифлар изоҳи) ва Ҳайдар Ҳаётий (Фитратнинг жияни, 1935 йилда қамоққа ҳукм қилинган — муаллифлар изоҳи) Троцкий китобларини тез-тез ўқиб туришган. Ҳайдар Ҳаётий институт доценти эди».

Насриддин Раҳимий ана шундай гувоҳлик беради: «1937 йилда афғон консулининг чопари Фанлар Кўмитасига «Профессор Фитрат» номига Афғонистоннинг бир йиллик иқтисодий ва

сиёсий ҳаётига бағишланган журнал олиб келди. Фитрат бу журнални уйига олиб кетди» (иш П—31922, 3-жилд, 283-саҳифа).

1932 йилнинг охирига келиб Фитратни яна — энди бу гал Самарқандда — «миллатчи ва аксилшўровий шахс» сифатида фош қилдилар. Файзулла Хўжаев ўз мавқеидан фойдаланиб, Фитратни Ленинград ва Москва шаҳарларига илмий командировкага жўнатишга муваффақ бўлади. Бу иш кейинчалик терговда шундай баҳоланади: Фитрат Москвага «амалда троцкийчилар билан учрашиш ва танишмоқ учун, улар билан алоқаларни мустақкамламоқ учун юборилган».

1933 йилда, орадан 7—8 ой ўтгач, Фитрат Тошкентга қайтади ва Тил ва адабиёт институтига профессор бўлиб ишга қиради. Албатта, бунда ҳам Файзулла Хўжаевнинг кўмаги ва ҳомийлиги бўлган эди.

Шундай бўлиб чиқардики, Фитрат қаерда яшамасин ва қаерда хизмат қилмасин, ҳамиша унинг атрофида ҳамфикр одамлар бўлар ва улар адибнинг Туркистонга мустақиллик бериш ҳақидаги қарашларини қўллаб-қувватлар эдилар. Унинг ўзаро суҳбатлари, Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳақидаги мулоҳазалари яширин жамиятлар, аксилшўровий, аксилинқилобий ва ҳатто террорчи гуруҳлар ҳамда ташкилотлар тузиш каби оғир айблов билан хотималанди. Қизиғи шундаки, бу «гуруҳ»ларнинг аъзолари ҳамиша бир хил одамлар эди. Ишда (П—24981) Фитратнинг «1927 йилда Самарқандда миллатчи аксилинқилобий гуруҳ тузгани, бу гуруҳга Исмоил Садрий, Ҳайдар Ҳаётий, Ҳикмат Неъмат, Буюк Каримовлар киргани» ҳақида маълумот келтирилган. «1930 йилда Фитратнинг уйда... Буюк Каримов, Ғулом Қодир, Исмоилзода ва мен, яъни Насриддин Раҳимий ҳамда баъзи бир самарқандлик иштирокида йиғин бўлган эди. СССРнинг беш йиллик режасини муҳокама қилар экан, Фитрат бу режанинг ноҳаётийлигини тасдиқлади. Унинг фикрича, халқ бу режадақ манфаатдор бўлмас экан, негаки аҳолининг моддий аҳволи тобора ёмонлашиб бораётган эмиш» (Ўша жойда, 1-саҳифа).

1933 йилда 1937 йил апрелигача — Фитрат Тошкентда истиқомат қилган

даврд унинг яшаш тарзида бирон-бир жиддий ўзгариш бўлгани йўқ. Бу йилларда ҳам у қаттиқ таъқиб остида яшадди. Юқорида зикр этилган ишда қуйидаги маълумот бор:

«Ибод Хўжаевнинг қирқиди (1936 йил 21 мартада) Ҳикмат Неъматов гўё «Москвада бир ой ушланиб қолдим, бўлмаса, Ибодхонни таъқиб этган одамни жойида тил тортирмай ўлдирар эдим» деган эмиш (Маълумки, Файзулла Хўжаевнинг укаси Ибод Хўжаев 1936 йилнинг 7 февраль куни ўзини-ўзи отиб ўлдирган эди. (Иш П—31922, 286-саҳифа). Таажжуб эмаски, бунақа гаплардан кейин фақат Ҳикмат Неъматовнинг эмас, бошқаларнинг тақдирлари ҳам ҳал бўларди. НКВД ишларида шундай қайд мавжуд:

«...Файзулла Хўжаев ва Фитрат Тошкентда террористик гуруҳ тузишган. Бу гуруҳ таркибига аввал дипломат бўлган, БХЖ ҳукуматида чопар бўлиб хизмат қилган, Афғонистонга қатнаб турган Музаффаржон Мақсудов, ҳамиша ёнида каттакон пичоқ олиб юрадиган Ҳамиджон Саиджонов, шўро ҳуқуқи институтининг директори Ҳикмат Неъматов, ёнида «браунинг»и бор Ҳожи Вафо Шариповлар кирган».

Шу ернинг ўзида Иноятулла Бахшуллахоновнинг 1937 йил 27 сентябрдаги кўрсатмаси бор. Унга кўра Фитрат гўё «Инглиз тарафдори» деган ташкилотга бевосита алоқадор эмиш. Бу ташкилотнинг тепасида Файзулла Хўжаев турган, таркибида 63 киши бўлган экан: (Иш П—31922, 1-жилд, 298-саҳифа).

Бундан ташқари Фитрат яна шунда айбланадики, унинг топшириғи билан Бахшуллахонов «Миллий иттиҳод» аъзоларидан Қўқонда ташкилот гуруҳини тузган ва унга исёнчи ячейкаларни ташкил қилишни топширган. Бу топшириқларга биноан Қўқондаги аксилинқилобий ташкилот гуруҳининг аъзоси Миён Қудрат гўё босмачилар тўдасини ташкил қилган, аммо фош бўлгандан кейин 1935 йилда хорижга қочган (ўша жойда, 334-саҳифа). Аммо Фитратнинг бўйнига юкланган энг асосий айб шунда эдики, «у 1933 йилдан 1937 йилгача аксилинқилобий миллатчи гуруҳга раҳбарлик қилган. Бу гуруҳга 34 киши аъзо бўлган. Шу жумладан, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Жалол Икромий, Ғози Юнус, Ибод Халиллар ҳам



гуруҳга аъзо бўлганлар» (Иш П—24981, 4-саҳифа). Хужжатда Ўзбекистон зиёлиларининг деярли ҳамма пешқадам вакиллари саналган.

Ўзбекистоннинг миллий арбоблари қасрда бўлмасликлари, давом этаётган қатли омга қарамай, ҳамон ҳаётда бирон-бир ижобий ўзгаришлар бўлишидан умид узмаган ҳолда ўша даврдаги сиёсий вазиятнинг муҳокама қилишдан, ўз ўлкаларининг мустақиллиги тўғрисида гапиришдан тўхтаган эмаслар. Халқ артисти Қорн Ёқубов Фитратнинг айрим шеърларини қўшиқ қилиб айтган (Иш П—31922, 1-жилд, 187-саҳифа).

Қуллас, Фитрат ҳамон органларнинг диққат марказида эди. БХЖнинг Москвадаги собиқ мухтор вакили Ота Хўжаев 1937 йил 13 апрель куни терговда берган кўрсатмасида шундай дейди: «1935 йилда Файзулла Хўжаевнинг уйида қизиқинг тугилган куни муносабати билан зиёфат бўлди. Унда Ота Хўжаев, Фитрат, Ибод Хўжаев, Яшин ва Ҳалима Насировалар қатнашди. Файзулла Хўжаев Ўзбекистонни келажакда мустақил, ҳеч кимга қарам бўлмаган бир ўлка сифатида кўришни орзу қилишини айтди». Бухоро Халқ Жумҳурияти Халқ комиссарлари кенгазининг собиқ раиси Муин Аминов эслайди: «Файзулла Хўжаев турли вақтларда дер эдики, бизлар, яъни унинг энг яқин ёрдამчилари Бухоро Халқ Жумҳурияти замонларида унинг кўрсатмаларини аниқ бажармаганмиз, бунинг оқибатида Бухоро мустақилликдан маҳрум бўлган» (Иш П—31922, 1-жилд, 193-саҳифа).

«1938 йилнинг баҳорида,— деб кўрсатади Бухоро Халқ Жумҳурияти давлат назоратининг собиқ раиси Раҳмат Музаффаров,— мен, Саттор Хўжаев, Ота Хўжаев ва Файзулла Хўжаевнинг онаси унинг уйида эдик. Даврада ўтирган Файзулла Хўжаев йиғлади. Онаси «Нега йиғлаяпсан? Сенга нима етишмаяпти?» деб сўради. Бунга Файзулла шундай жавоб берди: «Сиз мени бахтсиз қилиб тукқансиз. Мен эшакдай ишлайман, аммо кўнглим хоҳлаган ишни қилолмайман, миллатим учун ҳеч нарса қилолмайман, фақат қулдай буюрилган ишни бажараман, холос».

Файзулла Хўжаев Фитратни жуда ҳурмат қилар эди. Унинг энг яқин одамларидан бири бўлган Ҳамро Аб-

дулхай Хўжаев 1937 йил 25 сентябрдаги сўроқда берган кўрсатмасида қуйидагиларни эслайди: «Мен билан суҳбатларидан бирида Файзулла Хўжаев: «Гарчи Фитрат миллатчи бўлса ҳам, мен унинг уйимга келиб туришини тақиқлаб қўя олмайман»,— деди».

1936 йилнинг февраль ойида Фитрат ўша пайтда қамоққа олинган Ота Хўжаев ва Муин Аминовларнинг жиний ишлари бўйича сўроқ қилинган эди. Сўроқда Фитрат ҳаммага маълум фактларни такрорлайди. Ота Хўжаев 1918—1919 йилларда «Шўрои исломия» ташкилоти ва сўл эсэрлар партиясининг аъзоси бўлганини айтади. Адиб бу ташкилотларга қирмагани, Ота Хўжаевнинг аксилшўравий фаолияти қандай кечганидан беҳабарлигини таъкидлайди.

Фитрат Муин Аминов тўғрисида ҳам тахминан шу йўсида гапирди, аммо терговга аллақачон маълум бўлган бир фактни илова қилади, яъни қамоққа олинган Кўрбоши Жаббор билан унинг алоқаси борлигини айтади. (Иш А—31999, 3-жилд, 206-саҳифа).

Шуниси таажжублики, таниқли зиёлилар тишимсиз таъқиб қилинаётганини, теварак-атрофидаги одамлар қувғинга учраётганини кўра-била туриб ҳам Фитрат ўзининг турмуш тарзини ўзгартирмайди. Ҳатто 1937 йилда ҳам мустақилликка интилиш, халқни маърифатга қорлаш йўлида қатъий турди. 1937 йил июл ойида сўроқ қилинган Насриддин Раҳимий адибнинг қамоққа олиниши арафасидаги ҳаётини шундай таърифлайди: «Якшаба кунлари ва байрамларда Фитратнинг уйда кўпгина илмий ходимларнинг йиғилиши одат тусига кириб қолган эди. Булар орасида Булук Каримов, Ҳоди Зариф, Чўлпон, Ҳикмат Нейматов, Ғулом Зафарий, Ғози Юнуслар бор эди. «Ган»ларда бу илмий ходимлар Фитратнинг ўзи билан газета ва журналларда эълон қилинган мақолаларда уни қандай танқид қилганлари тўғрисида ошқора суҳбатлар қилар эдилар. Фитрат эса жпмайиб, уларга жавоб берарди: «Мени танқид қилаётганларнинг яхши, биламан, аслида мен томондасизлар. Фойдали ишлар қилмасизлар» (Иш П—31922, 1-жилд, 284-саҳифа).

Фитратнинг ҳар томонлама фаоллиги ва ҳамиша турли ҳодисаларнинг марказида бўлишга интилангани куйидаги факт тасдиқлайди: «1937 йил февралда Фитратнинг топшириғи билан Тошкентдан Бухорога Ҳамиджон Саиджонов борган. У Фитратдан Бахшуллахонов номига мактуб олиб борган. Ўшанда Ҳамиджон Бухорода 15 кун бўлди ва қайтиб келгач, Бухорода аҳвол чатоқлигини, нон йўқлигини, ўзи ҳам уч кун сарсон бўлиб, нон тополмагинини гапириб берди. Саиджонов бу гапларни гапираётганда Фитратнинг ораси билан хотини ҳам бор эди. Даврада, шунингдек, Насриддин Раҳимий ҳам иштирок этган» (Иш П—31922, 1-жилд, 285-саҳифа).

Хуллас, Фитрат нима иш қилмасин — ўзининг ҳамфикрлари билан суҳбатлашадими, ажнабийлар, дипломатлар, олимлар билан учрашадими, радио тинглайдими, Москва ёхуд Ленинградга борадими — ҳамма-ҳаммасида ҳукумат идоралари жиноят изларини кўришади, буларнинг бари уларга ашаддий аксил-инқилобий ва миллатчилик фаолияти бўлиб кўринади. Шуниси эътиборга лойиқки, на Фитрат, на унинг яқин ҳамкорлари, на Файзулла Хўжаев бирор марта ҳам ўз мулоҳазаларида бошқа миллат вакилларининг шаънига, шу жумладан, муайян бирор рус киши-си ёхуд рус халқи шаънига ёмон гап айтишмаган. Ҳужжатларнинг биронтасида бунақа далилни учратмаймиз.

Унутмаслик керакки, аксил-инқилобий миллатчи ташкилотлар 1917 йилдан кейин пайдо бўла бошлаганди. Сўроқлар эса йигирма йил ўтгандан кейин амалга оширилмоқда. Биргина шу фактнинг ўзини тергов ҳақиқатни аниқлаш йўлида бормаганини кўрсатади. Яширин ташкилотлар аъзоларининг қисмати олдиндан белгилаб қўйилган эди. Масалан, ЎзССР Почта ва телеграф Халқ Комиссари Ғулом Икромов ВКП (б) Ўрта Осиё бюроси ва Тошкент вилоят кўмитаси номига 1930 йил 18 июнда Бутир турмасидан юборган мактубида ёзади: «Ҳақиқатан ҳам мен Тангрикул хўжанинг таклифи билан гуруҳга кирдим... Бу гуруҳ аксил-инқилобий ташкилот эди. Мен икки йил унинг аъзоси бўлдим. Ҳамма масъул ходимлар унга аъзо эди. Мен гарчи аъзо бўлган бўлсам ҳам, Шўро ҳукуматига

қарши ҳеч нарса қилганим йўқ... Бировнинг чақуви билан менга беҳуда айб қўйишяпти: гўё мен аллақандай «Иттиҳоди тараққий» кўмитасининг аъзоси эмишман, гўё «Миллий истиқлол» тарафдори эмишман... Яна анча нарса тўғрисида ёзсам бўларди, аммо камерам қоронғи бўлгани учун ортиқ ёзолмайман... Партия ўтмиш гуноҳлар учун жавобгарликка тортмайди, шекилли... Ҳар хил мишмишларга қараб эмас, аниқ далил-исботлар асосида менга айб қўйишса, мен ҳар қандай жазони ҳам қабул қиламан. Менинг садоқатимга мукофот шуми? (Қути № 1, 12-жилд, 650—651-саҳифалар).

Байналмилалчиликни ниқоб қилиб олган большевиклар амалда ҳокимиятнинг хос хоналарида на Фитрат, на Мунаввар қори, на Ғулом Икромовлар яширин тарзда ишлаб чиқилган сиёсатни амалга ошираётганлигини билар эди. Бу сиёсат маҳаллий миллатларнинг Москва ўлчовларига тўғри келмайдиган ишончсиз, мустақил фикрлайдиган, ўз тилини, маданияти ва анъаналарини қизғин ҳимоя қиладиган кадрларни йўқ қилишга қаратилган эди. Фақат миллий зиёлиларгина мустақиллик учун курашга бош бўлиши мумкин эди, ҳукмрон доиралар эса, табиий, бунга йўл қўймади. Ўзбекистон Республикаси МХХ архивида сақланаётган «Таҳлилий ҳужжат» ҳам шундан далолат беради. «30-йилларда миллий капиталнинг ЎзССР Компартиясига қарши кураши» деб номланган, ГПУ томонидан эътиборга сазовор материал деб баҳоланган ва кенг фойдаланилган бу ҳужжат 1935 йилда тайёрланган ва одатдагидек муаллифи номаълум қолган. Унда Ўзбекистон Компартиясидаги аҳвол таҳлил қилинади ва «Туркистонда ҳеч қандай Ўзбекистон Компартияси йўқ, балки Ўзбекистон Компартия номи остида МБК («Миллий бирлашиш кўмитаси» — муаллифлар изоҳи) қабиладаги бир нарса бор, холос. Қурултойларда улар истаган гапларни истаган кўйга солиб гапиришлари мумкин. ГПУ ва Ўрта Осиё бюроси қаршисида бир-бирларини истаган хиёнатда ва шовинизмда айблашлари мумкин. Буларнинг бари Шарқ одамига хос бўлган иккиюзламалик ва худбинлигининг оқибатидир. Ҳар қандай фиску фасод — Шарқнинг жон-тани... Ўзбекис-

тон Компартиясида ҳақиқий инқилобчилар бармоқ билан санарлидир. Бизга маълумки, ўзбек халқи ҳам совет қўламинидаги инқилобий халқ бўла олмайди. Бюро аъзолари эса ўз халқи билан қондош бўлганлари учун халқнинг кайфиятига бефарқ қололмайдилар. Халқ эса яхлит олганда руҳонийлар ва миллий буржуазиянинг кайфиятини акс эттиради. Аҳвол шундоқ экан, бирдан-бир умид маҳаллий ёшлардангина бўлиши мумкин. Фақат ёшларгина ўзларининг навқирон мияларида Ғарбнинг инқилобий ғояларини ҳазм қилмоқлари мумкин... Яхлит олганда, аҳвол мамнун бўладиган эмас, албатта. Халқ таълими тизимида, албатта, Ўзбекистон компартияси аъзолари ўтирипти, ammo улар олиб бораётган сиёсат бошдан-охиригача зараркундаликдан иборат. Улар мактабда ишлашга ҳеч кимни яқин йўлатмайдилар, бошқариш механизми, бинобарин, ҳар қандай ташаббус ҳам бошдан-оёқ ўзбекларнинг қўлида. Улар ўз болаларини Ғарбнинг ҳар қандай таъсиридан авайлаб асрайдилар.

Ўсиб келаётган авлоднинг шовинистларнинг ҳалокатли таъсиридан халос этишнинг ягона йўли — Ўзбекистонда ҳукмдорлар сиёсатини лоақал халқ таълими соҳасида тубдан, кескин ва жуда кенг миқёсда ўзгартиришдир. Халқ таълимини кучли қўлларга олиш керак ва энг олғи мартабалардан бошлаб мактаб мудирларига қадар ҳамма раҳбарлик лавозимларини европаликларга бермоқ керак. Агар бунинг иложи бўлмаса, ўрислашган мусулмонлардан қўйиш керак. Бунақалар меҳнат бозорларида тикилиб ётипти» (Кути 1, 2-жилд, 686—687-саҳифалар).

Аҳолининг маърифатли қисмини ана шу тарзда оммавий таъқиб қилиш Марказ томонидан 30-йилларда бошланган эди. Атоқли олимлар ва ёзувчилар эса, шу жумладан, Туркистонда ўша кезларда юзага кела бошлаган ижтимоий-сиёсий вазиятнинг Ўрта Осиёдаги туб халқларнинг миллий манфаатлари нуқтаи назаридан баҳолашга ва таҳлил қилишга журъат этган Фитрат ва Мунаввар қорига ўхшаш зиёлилар биринчи навбатда қамоққа олиндилар. Бу ўринда мисол тариқасида Фитратнинг истеъдодли шогирдларидан бири шоир Ботунинг мулоҳазаларини келтирамиз.

У 1930 йил 23 июль куни бўлган сўроқда шундай деган: «Ўзбекистондаги аҳволий таҳлил қилар эканмиз, биз кўрдикки, бу ерда пролетариат диктатурасини рўёбга чиқариш учун туб миллатлардан чиққан кўп сонли ва уюшган пролетариат кадрлари етишмайди. Шунинг учун бу ерда умумиттифоқ пролетариати диктатураси мавжуд... Асосий кадрлар — марказий саноат районларидаги рус ишчиларидир. Пролетариат диктатураси ҳам рус пролетариатининг диктатурасидир, яъни ҳамон русларнинг эски ҳукмронлигидир».

Бу ўринда мавзудан бир оз чекиниб, бир тамойилни таъкидлаш лозим. Гувоҳлар ҳам, ҳужжатлар ҳам далолат берадики, Туркистонга келган чор Россиянинг амалдорлари ўз фаолиятларини тил ўрганишдан бошлаганлар. Улар маҳаллий аҳолининг тарихи ва маданиятини ҳам пухта ўзлаштирганлар. 1917 йил октябрдан бошлаб ва ундан кейинги йиллар мобайнида Туркистонга юборилган россиялик партия, шўро, хўжалик соҳасидаги раҳбар ходимлар, ҳуқуқни сақлаш органларининг мутахассислари ва ходимлари халқнинг миллий маданиятини ўрганиш ва ўзлаштириш ишига менсимай қарадилар. Улар халқнинг бой ўтмишига ҳам, нозик миллий туйғуларига асло эътибор бермадилар. Улар туркистонликларнинг ўзига хос маънавий ҳаёти ҳақида ўта юзаки тасаввурга эга эдилар. Буларнинг бари коммунистлар илошқалоқлик билан амалга оширган хато миллий сиёсатга қўшилиб, ўзбек халқи тақдирига ҳалокатли таъсир кўрсатди. Шунинг учун зиёлиларнинг кўпгина қисми совет ҳокимиятини рус пролетариати ҳокимияти сифатида қабул қилди. Боту эса халқ фикрини ифодалаб, Ўзбекистондаги шўро ҳокимияти чор тартиблари билан айнан бир хил деб ҳисоблаган эди.

Миллий зиёлиларни обрўсизлантириш режа асосида амалга оширилган. Улар хизмат қиладиган жойларда ҳар хил сунъий тўсиқлар барпо этилган. Уларни ишдан ҳайдаганлар, бадарға қилганлар, туҳматлар асосида қамаганлар. Бундан ташқари, дўкнўписа йўллари билан ОГПУ—НКВД органлари билан ҳамкорлик қилишга ундаганлар. Бундай ифвогарона таклиф-

лар деярли ҳамма ёзувчиларга қилинган. Уларнинг кўпчилигига эса қамоққа олинганларидан кейин «айғоқчи» бўлиш таклиф этилган. Албатта, бундай «саъий-ҳаракатлар»нинг кўп қисми бекор кетган, ҳатто баъзан энг дахшатли таҳдидлар ҳам қор қилинган эмас. Масалан, «Туркистоннинг тикланиш тарихи» китобининг бўлғуси муаллифи адиб ва олим Лазиз Азиззодага Москвада ҳам, Тошкентда ҳам тегишли «далиллар»ни келтирган ҳолда бир неча марта ҳамкорлик қилиш таклиф қилинган, ammo у бунга жавобан «жуда қатъий оҳангда» мени қатлиом билан қўрқита олмайсизлар» деб жавоб берган» (Қути 1, 1-жилд, 229-саҳифа).

Архив материалларини тадқиқ қилиш жараёнида қуйидаги маълумотларга дуч келинди. 1921 йилда тил ва имло масалаларида катта баҳслар вужудга келган. Бунга Фитрат раҳбарлигидаги «Чиғатой гурунги» илмий ташкилотининг фаолияти сабаби бўлган. Шу туфайли халқ таълими тизимида турли оқсашлар намоён бўла бошлаган. Фитрат «Чиғатой гурунги»нинг раҳбари сифатида жонли ўзбек тили анъаналарини ривожлантириш учун курашган. Тўғарак биринчи марта ўлароқ араб ёзуви асосида ўзбек имлосини ишлаб чиққан. 1921 йилнинг январиди «Чиғатой гурунги» аъзолари адабиёт, тил ва имло конференциясини чақирдилар. Унга ўлканинг ҳамма вилоятларидан 3—4 тадан вакил қатнашди. Янги ўзбек имлоси ҳақида «Чиғатой гурунги» номидан Фитрат доклад қилади. Бу борада анча-мунча ўқувчилар эски мактабларга қайта бошлайди. Шу ваддан вужудга келган вазиятни бартараф этиш ва шўро мактабларига аҳолининг диққат-эътиборини тортиш мақсадида маориф ходимлари уюшмаси миллий зиёлилар вакиллари билан биргаликда «Нашри маориф» ташкилотини тuzишга қарор қиладилар. Бу ишда ўша кезларда Эски шаҳар ижроия кўмитасига раҳбарлик қилган Маннон Рамзи катта роль ўйнади. «Нашри маориф» расман тан олинган ташкилот бўлиб, унга кўпгина маорифчилар ва баъзи бир шўро ходимлари кирган эдилар. Унинг фаол арбоблари қаторида Мунаввар қори, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг масъул муҳаррири Эшон Хўжаев, вилоят халқ

маорифи бўлимининг мудирини Шокиржон Раҳимов, Маориф Халқ Комиссарлиги қошидаги молиявий курслар мудирини Салимхон Тиллахонов ва бошқалар бор эди. Ташкилотнинг ҳафталик йиғинларида халқ таълимига доир масалалар кўрилган. Кейинчалик «маҳаллий аҳоли вакиллари баъзи бир нуфузлироқ шўро муассасаларига кўчириш» тўғрисида гапира бошладилар. «Нашри маориф»дан Бухоро Компартиясининг собиқ котиби Ҳамдам Тоғжиев, М. Турсунхўжаев, Валжиб Хусаинов, ўзбек чавандозлари полкининг командири Миркомил Миршаропов, кейинчалик 10 йилга кесилган ёзувчи Олтой, 1941 йилда отишга ҳукм қилинган Назрулла Иноятлов ва бошқалар Фарғонага, Бухоро Халқ Жумҳуриятига, Хоразм жумҳуриятига ишга юборилдилар (Қути 1, 1-жилд, 200-саҳифа).

Шундай қилиб, «Чиғатой гурунги»нинг фаолияти оқибатида «Нашри маориф» ташкилотининг аъзолари бўлмиш айрим маҳаллий кадрлар халқ таълими тизимида раҳбарлик лавозимларига кўтарилдилар ва Ўзбекистоннинг турли томонларига ишга юборилдилар. Буларнинг бари кейинчалик Фитратга ва бошқаларга қарши айблов қуроли сифатида фойдаланилди. Масалан, терговчилар томонидан «тавбасига таянтирилган» Маннон Рамзи 1930 йил 19 ноябрь куни кўрсатма бериб, «Нашри маориф» миллатчилик ташкилоти бўлгани, у буржуа — миллатчилик мафкураси учун курашгани ва Тошкент шаҳар аҳолисининг манфаатини ифодалаганини айтади. У Туркистоннинг бошқа шаҳарлари билан ҳам алоқа қилиб турган. Бу ташкилот таркибида Акмал Икромов, Боту, Назир Тўрақулов, вилоят ижроия кўмитасининг расиси, 1937 йилда отилган Рустам Исломов, Иноғомов, Султон Сегизбоев, «Ҳақиқат» журналининг муҳаррири Заҳриддин Аълам, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг муҳаррири Хўжаевлар бўлган.

Фитрат билан Мунаввар қори Туркистонда жадидизмнинг обрўли етакчилари эдилар. Иккаласи ҳам қомусий билимлар эгаси бўлишган ва маҳаллий аҳолига маърифат тарқатишга кашшофлик ролини ўйнашган. Туркистон мусулмонларининг сиёсий ҳуқуқсизлиги

ва чор тузумининг бошқа барча иллатлари, шунингдек, Бухоро уламоларининг мутаассиблиги ва амирнинг зулми туфайли эркесварлик руҳидаги барча унсурлар, тараққийпарвар жадидлар ана шу атокли сиймолар теварагига жиқлашганлар. Шунинг учун дасглаб соф маданиятпарварлик йўналишидаги ҳаракат кейинчалик ижтимоий мазмун касб эта бошлади ва бу ҳаракат раҳбарлари сиёсий сиймоларга айландилар. Мунаввар қори ўз фаолиятини биргина ўзбек миллати доирасида чеклашни ис-тамади, балки Туркистондаги бошқа халқларнинг (қозоқлар, қирғизлар, туркманлар ва бошқалар) миллий эвёлиларини ҳам ўзининг ғоявий таъсири доирасига олишга интилди. У бунга қисман бўлса-да, эришди. Фитрат эса ўз ватани Бухоро ҳудудидан ташқарида сиёсий муҳожир ҳолатида эди. У Тошкетда ёш ўқитувчиларни ва «Чигатой гурунги» тўрагининг аъзоларини ўз теварагига тўлилай бошлади. Улар қаторида Боту, Чўлпон, Шоқиржон Раҳимий, Элбек, Қажом Рамазон, Ғулом Зафарий, Маннон Рамзи, Уйғун ва бошқа таниқли ёзувчилар бор эди. (Қутн 3, 9-жилд, 345-саҳифа). «Чигатой гурунги» аъзоларига таҳаллусни ҳам Фитрат берган. Масалан, Абдуманнон Мажидий — «Уйғур», Маҳмуд Мақсудов — «Боту», Машиқ Юнус — «Элбек», Абдулҳамид Сулаймон — «Чўлпон», Абдубосит — «Санжар», Абдулқажом Рамазон — «Ўктам» деган таҳаллус олишди (қутн 3, 9-жилд, 833-саҳифа).

«Чигатой гурунги»нинг ташкилотчиларидан бўлган Фитрат ва Саид Аҳрорлар талабаларни миллий тарбиялашни мақсад қилиб олган эдилар. Улар «Бойскаут» деган болалар ташкилотини ва «Ватан» мактабини тузишнб, у ерда аста-секин ҳарбий мутахассисларни тарбиялаб етиштирмоқчи бўлишди» (Қутн 1, 1-жилд, 240-саҳифа).

Кўришнб туриптики, Фитрат зиёлилар фаол ўқитувчилар орасида миллий маданиятни тиклаш, таълим тизимида ва жамоатчилик ҳаётининг бошқа йўналишларида илғор ислохотларни амалга ошириш учун ҳамма имкониятларни ишга солиб, ишлашга чақирншдан толмаган. Бу шоир Ботунинг 1931 йил 16 февраль кунндаги кўрсатмасидан кўришнб туришти. Боту шундай дейди: эвёлиллар даврасида, асосан,

ёзувчи ва олимлар давраларида «... Фитрат доимо ўзбек миллий маданиятини барпо этиш, тўғрироғи, қайта тиклаш зарурлигини тарғиб қиларди... Ўша кезларда у босмачилик ҳаракатига жуда салбий муносабатда эди, у «аввал — маданият, кейин мустақиллик, босмачилар Россияга қарши ҳеч нарсаининг удасидан чиқа олмайдилар, ҳозирги асосий вазифа миллатни миллий-маданий руҳда тарбиялашдир» дер эди». Ўша сўроқда Боту яна «Фитрат ўзини совет ҳокимиятига қарши фаол ин олиб боришдан тийган», дея маълумот берган ва бу билан ўзининг Фитрат тўғрисида терговда 1931 йил 29 январь кунни айтган гапини тасдиқлаган. 1923 йил Фитрат Москвада яшаган. «Биз ёзишмаларимизда, асосан, адабиёт ҳақида гаплашар эдик, мактубларда сиёсат ҳақида ҳеч нарса йўқ эди. 1928—1929 йилларда биз ёшларни миллий руҳда тарбиялаш тўғрисида бир неча марта гаплашдик... У сиёсат ҳақида гапиришдан жуда кўрқар эди» (Қутн 1, 2-жилд, 411-саҳифа).

Фитратнинг ўша пайтдаги кайфияти ва совет ҳокимиятига муносабати тўғрисида ҳужжатларга битилган кўнндаги далил гувоҳлик бериши мумкин. Бу кўрсатманн берган одам (унинг фамилияси қайд этилмаган — муаллифлар изоҳи). Фитратга анча яқин бўлган. У Фитратнинг 1925 йилдаги кайфияти ҳақида шундай дейди:

«Фитрат Бухорода барпо этилган шўро ҳокимиятидан анча норози... баъзан ширакайф вақтларида Бухородан Москвага 28 вагон тилла<sup>1</sup> олиб кетилганини эслаб йиғлайди. Ўтмиш ҳақида таассуф чекиб Фитрат шундай дейди: «Ўшаида Бухорони талашда иштирок этиб, мен ўзим учун ҳам, миллатим учун ҳам катта жиноят қилдим (Қутн 1, 2-жилд, 651-саҳифа). Ниҳоят ҳукмдор доиралар Фитрат ва унинг ҳамкорлари сиймосида ўзлари учун қандай «хавфхатар»ни кўрганга ўқувчи чуқурроқ ишонч ҳосил қилиши учун 30-йилларнинг бошида ОГПУ органлари томонидан чиқарилган баъзи бир «кулосалар»ни келтирамиз:

<sup>1</sup> 1920 йилда Бухоро амири хазинасидан олтин олиб чиқиб кетилганини архив материаллари тасдиқлайди. Лекин унинг қанча бўлгани қайд этилмаган (Иш ОФ 208, 1-жилд).

«Ўша пайтларда Фитрат ўз асарларида» («Темур сағанаси», «Ҳинд ихтилочилари», «Марсельеза») инқилобий ғоялар инқоби остида миллатчилик руҳида кураш олиб бориш зарурлиги ҳақидаги ғояни маҳорат билан тарғиб қилди. Инқобланган шаклда миллатчи ажнабий зулмдан ҳалос этишга чақирди. Бевосита Фитратнинг таъсирида Боту ҳам ўз вақтида миллатчилик руҳидаги шеърлари билан кўрина бошлади».

Республиканинг мафкуравий ҳаётида ўша пайтларда «ўзбекпарастлар» билан «пантуркистлар» ўртасида «кураш» борар эди. Буларнинг биринчиси Фитратга, иккинчиси Мунаввар қорига дахлдор эди. Аммо бу оқимлар зинҳор бирига қарши душманлик руҳига эга эмас эдилар. Улар ўртасида ҳеч қандай кураш ҳам йўқ эди. Фақат «ўзбекпарастлар» ҳаммага маълуму машҳур Мунаввар қорини номигагина аксинқилобчи сифатида сўкар эдилар. Уларнинг совет ҳокимиятига қарши курашларининг пировард-мақсади ҳам, усуллари ҳам умумий эди: «Пантуркистлар» ҳам, «ўзбекпарастлар» ҳам шўро ҳокимиятидан ҳолос бўлиши ва мустақилликка эришмоқни истар эдилар. Фақат «ўзбекпарастлар» Ўзбекистон мустақиллигини, «пантуркистлар» эса Қозоғистон билан бирга бутун Ўрта Осиё мустақиллигини кўмсар эдилар. «Пантуркистлар»нинг пировард-мақсади бутун туркларнинг бирлашишига эришмоқ эди. «Ўзбекпарастлар» Ўзбекистон мустақил Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистонсиз ўз мустақиллигини сақлаб қоломаслигини яхши тушунишар эди. «Ўзбекпарастлар» Фитратнинг тили билан ўзбеклар учун араб ва форс сўзлари аралашмаган соф туркий тилни яратиш зарурлиги ҳақида гапирар эдилар. Муса Бегиев, Мунаввар қори, Ашуралӣ Зоҳирӣ каби «пантуркистлар» эса бу йўл билан борилса ўзбекларнинг бошқа туркий халқлардан ва, айниқса, «тили араб ва форс сўзлари билан анча булғанган» турклардан ажралаиб қолиши хавфи борлигини таъкидладилар.

Фитрат Бегиевга эътироз билдириб, шундай деган эди:

«Агар ҳамма Туркий халқларнинг ҳар қайсиси ўзи учун этишмаган сўзларни бир-биридан олиб, соф туркий тилни ишлаб чиқса, бу умумтуркий

тилни барно этишга имкон берар эди» (Қути 1, 1-жилд, 738-саҳифа).

Тилларнинг бундай бирлашуви сиёсий бирлашиш йўлида биринчи бошқич бўлар эди. Шундай қилиб, Фитрат пантуркизм ғояларини рўёбга чиқаришнинг анча қулай йўлини кўрсатиб берган эди.

Пантуркистлар ҳамма туркий халқлар учун муштарақ тил сифатида усмонли турклар тилини қабул қилиш тарафдори эдилар. Озарбайжонда мусовотчилар ҳокимиятни ўз қўлларига олгач, биринчи кунлардан бошлабоқ давлат тили сифатида усмонли турк тилини қўллаш бошладилар. Бу тилда 1917 йил инқилобига қадар Расулзоданинг «Очиқ сўз» газетаси ва Истамбулда «Ени Кавказия» журнали чоп этиларди. Маълумки, Озарбайжондаги мусовотчи ёзувчилар 30-йилларга қадар усмонли турк тилида ёзишда давом этдилар.

1921 йилда Тошкентда Туркистон ўқитувчиларининг қурултойида ягона туркий тилни барно этиш ҳақидаги мунозара давомида Фитрат Назир Тўрақуловнинг қўллаб-қувватлаши билан ўзбеклар учун бошқа туркий халқларининг тилларига анча яқин бўлган андижон лаҳчасига асосланган соф туркий (ўзбек) тили ҳақидаги таклифини ўтказишга муваффақ бўлди. Улар миллий кадрларни ва биринчи навбатда, миллий педагог кадрларни тайёрлаш масаласи бениҳоя катта аҳамиятга эга эканини ҳисобга олишди. Самарқандда бевосита Ўзбекистон Маориф Халқ Комиссарлигининг ғоявий раҳбарлигида Олий педагогика институтининг очилиши бу масалани амалда ҳал қилиб бермоғи керак эди. Пединститутнинг айна Самарқандда очилиши бу ўқув юрти Ўрта Осиё партия идоралари ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлиги ҳамда назоратидан узоқроқ сақлашга интилишининг оқибати эди. Айна чоқда бу билан САГУ (Тошкентдаги Ўрта Осиё Давлат дорилфунуни) миллий кадрлар тайёрлаш масаласида ҳеч қандай самара бермагани ҳам таъкидланар эди. Ҳақиқатан ҳам, 1927 йилда Самарқандда маданият ходимларининг иккинчи қурултойида САГУда бор-йўғи 130 та ўзбек ўқиши аниқланди. Миллий кадрлар тайёрлаш вазифасини муваффақиятли ҳал қилмоқ учун Пединститутда шунга лойиқ педагоглар

ҳам танлаб олинган эди. У ерда Фитрат, Отажон Ҳошимов, Ғози Олим Юнусов ва бошқалар ишларди. Талабаларга ўзбек адабиётидан дарс берадиган Фитрат амалда Пединститутнинг гоъвий раҳбари эди. Миллий адабиётни ўрганишда у талабаларни миллий руҳда тарбиялашнинг катта имкониятлари

бор деб ҳисобларди. Талабаларни миллий руҳда тарбиялаш қанақа самаралар берганини Акбар Мирза Раҳимов деган талаба мисолида кўрса ҳам бўлади. Бу талаба ўқитувчилар қурултойининг минбаридан Ўзбекистонга мустақиллик берилишини талаб қилиб чиққан эди.

## СУД ВА ҚАТЛ

1937—1938 йилларда қатли ом машинаси шитоб билан ишлаб турди. Қонунчиликка риоя қилиш ва юқори идораларда ҳужжатларни мувофиқлаштириш ишларига ортиқча расмиятчилик деб қарашди. Бунинг далили сифатида айтиш керакки, ўнлаб одамлар аввал отиб ташланди, кейин эса расман олий жазога ҳукм қилинди. Фитрат ҳам шулардан бири эди. Ҳужжатларга мурожаат қилайлик. Қайдномага мувофиқ 1938 йил 4 октябрда СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиясининг Сайёр сессияси бўлади ва Фитрат ўзининг «иши» бўйича СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиясининг судига берилгани ҳақида айбномадан кўчирма нуска олади. «Иш»да бу кўчирмани олгани ҳақида унинг имзоси бор. 1938 йил 5 октябрда эса Тошкентда СССР Олий суди Ҳарбий Коллегияси Сайёр сессиясининг ёпиқ суд мажлиси бўлади. Бригада ҳарбий юристи Алексеев раислик қилади, суд аъзолари бригада ҳарбий юристи Зайцев ва I ранг ҳарбий юрист Болдирев, котиб — I-ранг ҳарбий юрист Батнер. Мажлис соат 12-ю 25 минутда очилган. Ҳукм ўқилган ва мажлис соат 12-ю 40 минутда ёпилган.

Раислик қилувчи «...Рауф Раҳимович Фитратнинг 67-1, 64- ва 67-моддаларда назарда тутилган жиноятларда айблаш бўйича иши кўриб чиқилади». Котиб судланувчининг суд залида эканини ва суд мажлисига гувоҳлар чақирилмаганини айтади (асос — СССР МИКнинг 1934 йил 1 декабрдаги Қарори — муаллифлар изоҳи). Раислик қилувчи залдаги одам судланувчининг шахсан ўзи эканига ишонч ҳосил қилади ва ундан айбноманинг кўчирма нусхасини олган-олмаганини сўрайди. Судланувчи «олдим» деб жавоб беради. Судланувчига унинг суддаги ҳуқуқлари тушунтириб берилади ва

суд таркиби эълон қилинади. Судланувчининг ҳеч қандай илтимоси йўқ ва у суд таркибига эътироз билдирмайди.

Раислик қилувчининг таклифи билан котиб айбномани ўқиб беради.

«Раислик қилувчи судланувчига унга юкланаётган айбларнинг моҳиятини тушунтириб беради ва ундан «айбларингизга икрормисиз?» деб сўрайди. Судланувчи жавоб бериб, айбларига тўла иқроор эканини эътироф этади ва дастлабки терговда ўзи берган маълумотларни тўла тасдиқлашини маълум қилади».

Шу билан суд тафтиши тугайди. «Сўнги сўзида судланувчи уни тирик қолдиришларини илтимос қилади. Суд маслаҳатга кириб кетади. Соат 12 дан 40 минут ўтганда ҳукм ўқилади ва суд мажлиси ёпилади». (Иш 4269 архив. П—22934, 180-саҳифа).

«Қайднома»дан кўриниб турибдики, Фитратнинг тақдири 15 дақиқада ҳал қилинган.

1938 йил 5 октябрдаги ҳукмда шундай дейилган: «Аниқландики, Фитрат 1921 йилдан бошлаб аксилшўровий, миллатчи, исёнчи, кейинчалик эса террористик ва кўпуровчи-зараркуанда ташкилотнинг фаол аъзоси бўлган. Бу ташкилот ЎзССР ҳудудида ҳаракат қилган ва ўз олдига шўро ҳукуматини қурол кучи билан ағдариб ташлашни, Ўзбекистонни СССРдан ажратиб олиб, буржуа давлати тузишни мақсад қилиб олган. Фитрат ташкилотнинг ВКП (б) ва шўро ҳукумати раҳбарларига нисбатан террорчилик усулларини тўла маъқуллаган. 1928 йилда Фитрат юқорида зикр этилган ташкилот раҳбари Файзулла Хўжаевнинг топшириғига кўра герман разведкаси билан алоқа боғлаган ва шу ташкилотнинг Ўзбекистондаги жосуслик тармоғига раҳбарлик қилган, шу разведканинг кўр-

сатмаси билан тил ва адабиёт институтида зараркундалик фаолиятини амалга оширган, ёшларни аксилшўровий миллатчилик руҳида тарбиялаган».

Ҳозирча «Хукм»ни қўйиб турайликда, масалага аниқлик киритиш учун бир нарсани таъкидлайлик. Тергов материалларида Германия биринчи марта 1937 йил 30 ноябрда Фитратга қўшимча айб эълон қилиш масаласида қабул қилинган қарорда тилга олинади. Унда шундай дейилган: «Фитрат шўро ҳукуматини қурол кучи билан Англия ва Германия ёрдамида ағдаришга эришмоқчи бўлган. Файзулла Хўжаев орқали фашистлар Германияси ва Англиянинг разведка органлари билан алоқада бўлган». «... Шу муносабат билан унга ЎзССР ЖКнинг 57-моддаси, 1-қисмига биноан Ватан хоини сифатида қўшимча айб эълон қилинади».

Фитратнинг қайдиномасида латин ёзувида ўзбек тилида «ўқидим қисман...» (ҳужжатнинг шу жойи йиртилган — муаллифлар изоҳи) розиман (имзо) деган ёзув бор.

Ўша кунидек (1937 йил 30 ноябрь куни) Фитрат ўзининг Файзулла Хўжаев ва Акмал Икромов билан алоқаси тўғрисида батафсил ахборот «беради». «Файзулла Хўжаев 1927—1928 йилларда Германиядаги аҳволга қизиқа бошлайди ва герман агенти Абдуваҳоб Муродий орқали унинг разведкаси билан алоқа ўрнатади. Абдуваҳоб Муродий орқали Файзулла Хўжаев Туркистон муҳожирларининг раҳбарларидан бири бўлмиш Мустафо Чўқаев билан алоқа ўрнатади. Файзулла Хўжаев Абдуваҳоб Муродов герман жосуси эканини ва Мустафо Чўқаевдан топшириқ олиб келганини айтди. Файзулла Хўжаев Германияда ўқиб келган Муҳаммад Хўжаев билан ҳам алоқа боғлаган эди — уни Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети аппаратиغا ишга жойлаб қўйган эди. У Германиядан келган Матқул Султоновнинг ҳам хизматда кўтарилишидан бохабар бўлиб турарди».

1927 йилда Акмал Икромов билан алоқа ўрнатдим ва унинг кўрсатмасига мувофиқ мафкура жабҳасида аксил-инқилобий миллатчилик фаолиятини амалга оширишда раҳбарлик ролини зиммамга олдим. Акмал Икромов билан менинг ўртамда ўша пайтда ЎзССР Илмий Кенгашининг раиси бўлмиш Ота-

жон Ҳошимов воситачи бўлган эди» (ўша жойда, 20-саҳифа).

Бундан кейин на биронта айбланувчи, на биронта гувоҳ Фитратнинг немис разведкаси билан алоқаси тўғрисида ҳеч қандай кўрсатма бермаганига қарамай, 1937 йил 16 декабрь куни ЎзССР Ички ишлар Халқ Комиссари ДХ майори Апресян ва СССР Прокурори Вишинскийнинг ёрдамчиси (имзо ноаниқ — муаллифлар изоҳи) томонидан ёзилган ва имзоланган «Айбнома»да шундай дейилади:

«...Фашистлар Германиясининг разведка органлари билан алоқада бўлган. Шўро ҳукуматини ағдариш мақсадида унинг ёрдамига эришмоқчи бўлган» (ўша жойда, 176-саҳифа).

Кўрииб туриптики, терговчиларнинг «саъий ҳаракати» билан қачонлардир Германияда ўқиган ёхуд у ерга бориб келган одамларнинг ҳаммаси «немис жосуслари» сифатида шўро ҳокимияти учун ғоят хатарли одамларга айланиб қолган. Шунини таъкидлаш зарурки, бу пайтда Германияда ҳокимият тепасига фашистлар келган ва Германия СССРнинг асосий душманига айланиб қолган эди. Шунинг учун ҳам терговчилар катталарнинг кўнглини олиш учун Фитратни тезгина «Англия резидентидан» немис жосуслигига айлангиздиқўяди. Бир йил давомида терговчилар зўр маҳорат билан унинг Англия разведкаси билан алоқалари ҳақидаги сафсата-ни тўқшишган эди, энди бу гап на айбномада, на ҳукмда тилга олинади.

Терговчиларнинг «маҳорати»ни кўрсатадиган яна бошқа мисолни келтирайлик. Тергов Фитратнинг ҳамкасбларини, яқин дўстлари ва ҳамфикр сафдошларини унга қарши очикдан-очик гижгизлатади. Бунинг оқибати ўлароқ, 13 августдаги сўроқда Тил ва адабиёт институтининг директори Отажон Ҳошимов Фитратни «Уччига чиққан ашаддий аксил-инқилобчи» деб таърифлайди (Иш П—22935, 50-саҳифа). Кейинроқ 1938 йил 20—23 майдаги сўроқларда Фитрат «Ҳошимовни инглиз разведкаси фойдасига жосусликка ёллангани»ни маълум қилади, 1938 йил 1 октябрдаги юзлаштирувда эса ҳар икки томон ҳам бу тўғрида бирон оғиз гапирмайди. Ҳошимов аксил-инқилобий миллатчилик ташкилотига аъзо бўлганини тўла-тўқис рад этади.



Шунга қарамай, уларнинг иккови ҳам бошқа «жосуслар» ва «миллатчилар» билан бирга 1938 йилнинг 4 октябрь куни отиб ташландилар. Ҳолбуки, СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиyasi Сайёр сессиясининг ёпиқ Суд мажлиси қайдномасида (1938 йил 5 октябрь), яъни ҳукм ижро этилгандан кейин) Отажон Ҳошимовнинг аризаси қайд этилган. Унда дейилади: «Мен фақат ўзимга, балки бошқа анчагина одамга ҳам тухмат қилдим, ҳолбуки уларнинг айбдорлигидан бутунлай беҳабар эдим». Сўнгги сўзида эса «ҳеч қачон буржуа миллатчиси бўлган эмасман» дея илова қилади (Иш П—21051, 103-саҳифа).

Масалани ойдинлаштириш учун яна бир далил келтирамыз. Бу ҳужжат катлиом қилинганларни оқлаш жараёнида 1957 йилда ЎзССР Прокуратураси томонидан расман тасдиқланган. 1957 йил 16 июль куни ЎзССР прокурорининг муовини, Юстиция катта маслаҳатчиси П. Копейко Аминжон Малах Пўлатовнинг иши бўйича (назорат тартибидан) ЎзССР Олий Судининг жиноий ишлар судлов коллегиyasида ёзган эътирозидан (№ 15—270—57—1014-саҳифа) шундай кўрсатади:

«Айбланувчи Аминжон Малах Пўлатов 1938 йил 5 июнь куни инглиз разведкасининг агенти эканига иқдор бўлиб, 1938 йил 1 сентябрь ва 1938 йил 1 октябрдаги аризаларида, шунингдек, 1938 йил 17 сентябрь куни бўлган сўроқда терговнинг ғайри қонуний усуллари қўлланиши оқибатида ўзига ўзи тухмат қилганини айтади. Айни чоқда у шунини ҳам кўрсатадики, юзлаштирувлар вақтида Фитрат билан Бахшуллахонов (Аминжон Малах Пўлатовга айб қўйишда уларнинг кўрсатмалари асос қилиб олинган эди — муаллифлар изоҳи) ҳеч қандай кўрсатма беришгани йўқ. Улар индамай ўтиришди, терговчига бош ирғаб жавоб қилишди, юзлаштиришлар қайдномасига улар қайдномалар мазмунини ўқитириб эшитмасдан имзо чекишди».

Энди Суд мажлиси қайдномасига қайтайлик.

«Фитратни ЎзССР ЖКнинг 57—1, 63, 64 ва 67-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этишда айбдор деб тан олиб, СССР Олий Суди

Ҳарбий Коллегиyasi ЎзССР ЖПКнинг 128 ва 131-моддаларига амал қилиб.

Ҳукм қилади: Рауф Раҳимович Фитрат олий жазога ҳукм қилинади. Шахсан унга тегишли мол-мулк мусодара қилиниши, СССР МИКнинг 1934 йил 1 декабрдаги Қарорига асосан ҳукм дарҳол ижро этилмоғи керак.

Раис: Алексеев (имзо)

Аъзолар: (имзолар)

(Иш, № 4269, П—22934, 181-саҳифа).

Шуниси эътиборга лойиқки, 1938 йил 4 октябрдаги айбномада Фитратга ЎзССР ЖКнинг 63-моддасидаги айб қўйилмаган, отувдан кейин 1938 йил 5 октябрда чиқарилган ҳукмда бу модда бор. Афтидан, 1938 йил 4 октябрдаги Суд мажлисининг қайдномасини тайёрлашда шошмашошарликда бу модда эрдан чиқиб қолган бўлса керак. Отувдан кейин эса қайднома жуда синчиклаб, қонуннинг ҳарфига қаттиқ риоя қилиб тайёрланган.

Ҳукмнинг ижро этилгани ҳақидаги «маълумотнома»да «Рауф Раҳимович Фитратни отиш ҳақидаги ҳукм Тошкентда 4.Х.38 й.да ижро этилди»,— деб қайд этилган. Бу ҳақдаги хатак «СССР ИИБ 1-махсус бўлимининг алоҳида архивида сақланмоқда — 10 жилд, 531-варақ» (Иш 4269, 182-саҳифа).

Фитратнинг «иши»да СССР Олий Суд органларининг ёлғончилигини фош қилувчи яна бир ҳужжат бор. Унга кўра, Фитрат ҳақидаги маълумотлар то у оқлангунча ҳам (1957 йил 1 август) сохталаштириб келинган.

Ўзбек халқининг истеъдодли фарзанди, Туркистоннинг оташин ватанпарвари, мустақилликнинг фаол курашчиси, она тили, миллий маданият ва анъаналарнинг толмас ҳимоячиси, ажойиб инсон ва комил олим Фитратнинг тақдир фожиаи бўлди. Бу ҳақда батафсил гапирдик. Энг муҳими шундаки, адиб ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, онгли равишда ўз ҳаётини Ватан мустақиллигига бағишлаган эди. Шунинг учун у ҳамиша бизнинг барҳаёт сафдошимиз, маслаҳатчимиз ва маънавий устозимиз бўлиб қолаверди. Миннатдор авлодлар хотирасида Фитрат мангу яшайди!

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

## Маънавий эҳтиёж

«Ватан туйғуси». «Ўзбекистон» нашриёти. Тошкент — 1997.

— «Ватан туйғуси» китобидан бир нусхагина топиб беринг, боғчада болаларга тарбия беришда жуда фойдала экан...

— «Ватан туйғуси» иш столдандан нари кетмайди. Катта-катта йиғинларда, суҳбатларда уни қайта-қайта ўқиб бераман...

— «Ватан туйғуси» ҳар бир оқлада бўлиши, оила давраларида ўқилши керак...

*Давра суҳбатларидан*

**М**утолаа қилиш ёки шунчаки варақлаш ниятида қўлига китоб тутган кишининг қўнглидан: «Бу қандай китоб?» деган савол ўтади. Китобни ўқиб туширгунча, эҳтимол ўқиб бўлгач ҳам бу беором саволга тугал жавоб излайверасиз; жавоб ё топасиз, ё йўқ. Менинг назаримда бу ҳолатда бошқачароқ ҳодиса ҳам «юз бераётган» бўлади. Яъни, қўлингиздаги китоб, «Ўзинг қандай одамсан?» дея сизни саволга тутади.

Ҳар бир китоб — савол дегим келади! Китобнинг аҳамияти, савияси у бераётган саволнинг салоҳиятига, муҳимлигига, саводли ва қизиқарли эканига боғлиқ. Дейлик, китоб жуда оддий мавзудан сўз бошлайди. Мавзунинг жўнлиги андак эриш туюлади ҳам. Китоб кўрган зиёли учун сўз таърифидаги қайдлар фавқулудда янгилик бермайди. Бироқ таърифнинг ихчамлиги уни ўқишга ундайди: «Одамнинг биринчи сўзи — чақалоқнинг ингаси, сўнгги сўзи — алвидодир!»

Саккиз сўздан иборат бу гап беихтиёр ўйга толдиради. Туғилиш, умр кечириш, дунёни англаш, боқийлик сафари... хаёл тутқич бермас томонларга қочади.

Сўзнинг сеҳри — мўъжизаси шу!

Сеҳр — мўъжиза оламига етакладими, демак, китоб ўз вазифасини ўтай бошлаган ҳисобланади. Қўлингиздаги китоб сизга «Гапни биласизми?» дея савол қотади. Билмай-чи?! Гап ҳақида не-не таърифларни ўқиб, ёд олиб дунёқараш шаклланган. Бироқ... муаллиф илмий таърифдан қочади: «мантиқ ипига тизилган сўзлар маржони...»

Шоирона таърифдан сўнг гапнинг миллий ва тарихий хусусияти айтилади. Шунинг ўзидаёқ қўлингиздаги китобнинг оммабоплиги, ўзига ҳослиги ва ЯНГИЛИГИ сезилади.

Китобнинг ЯНГИЛИГИ у китобхон олдига қўётган саволларнинг янгилиги билан, китобхонда туғилаётган саволларга бераётган жавобларининг янгилиги билан белгиланади.

Дарвоқе, сўзлар ўзгармайди, сўзга муносабат ўзгаради, сўзнинг моҳиятидаги маъно-мазмун салмоғи воқелиқдан келиб чиқиб ўзгаради. Биргина ЯНГИ, ЯНГИ-ЛАНИШ сўзларининг ўзгача маъно-мазмун касб этаётгани хусусида истаганча... янги-янги мулоҳазаларни баён этиш мумкин.

Қўлингиздаги китоб ғояси 1991 йилнинг 31 август воқеасидан — Президент-

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

нинг ватанимиз истиқлоли ҳақидаги тарихий сўздан туғилган. Шу санада «Ўзбекистон учун янги эра бошланди» дейилади китобда. Бу эранинг идрок этилиши, у берган саодатли янгиликни давом эттириш яна жуда-жуда кўплаб нарсаларни янгилашни тақозо этди. Ўтган 5—6 йиллик тажриба энг мушкул-мураккаб нарса инсон тафаккурини, дунёқарашини янгилаш эканлигини кўрсатди.

Тафаккурни янгилаш истаги умумий, ҳатто мавҳум истакдек туюлади. Бу фикр унчалик тўғри эмас. Мамлакатимиз раҳбари истиқлолнинг биринчи йили — 92-йилнинг июлида бўлиб ўтган сессиядаги нутқида «маънавий соғлом»лик ҳақида алоҳида тўхталган, «Халқнинг истеъдодини, ундаги барча олижаноб хислатларни ишга солиш»нинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаган эди. Моҳият эътибори билан маънавий соғломлик ва халқ табиатидаги олижаноб хислатларни аниқлаш ва уларни халқнинг ўзига кўрсата билиш тафаккурни янгилаш тушунчасидаги ҳар қандай мавҳумликни тарқатиб юборади.

Бир сўз билан айтганда, юртбошимиз баён этган катта ҳақиқатни кўрсата билиш асрлар мобайнида сақланиб келаётган олижаноб хислатларни, тушунчаларни, қадриятларни бугунги кун нуқтаи назаридан тилга олиш лозимлигини кўрсатди. Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Хайридин Султонов, Нарзулла Жўраев ҳаммуаллифликда яратган «Ватан туйғуси» китобида жуда кўплаб тушунчаларнинг янги эра нуқтаи назаридан янги талқинлари берилди.

Биринчи қисмнинг аввалида «Сўз», «Гап»дан сўнг «Тил», «Қалам», «Қоғоз», «Рух», «Жон», «Фаришта» ҳақида сўз боради. Кўринадики, муаллифларнинг нияти катта, қамров доираси кенг. Жуда кўп, эҳтимол, бисотимиздаги барча сўзлар маъносини қайта бошдан тафтиш, таҳлил қилиш зарурати туғилди. Чунки китобда айтилган «янги эра»га қадар мазкур сўзлар моҳиятидаги кўплаб ҳақиқатлар халқимиз назаридан пинҳон тutilган. Рух, фаришта, иймон, тақво ва бошқа исломий тушунчаларни кўя турайлик, ҳатто ҳамият, шарм, ҳаё, ор, андиша, номус сингари соф ўзбекона туйғулар ифодаси бўлмиш назокатли атамаларни ҳам тилга олиш ман этилган. Муомаладан қолган сўзлар оҳори тўкилгани каби унинг салмоғи, таъсири ва миллат вакиллари турмушидаги тутган ўрни ҳам заифлаша боради. Бунинг оқибатида китобда ёзилганидек, «бугунги кунда республикамизда ижтимоий онг ижтимоий ҳаётдан орқада қоляпти». Китобдан кўзда тutilган бош мақсад эса ўзгараётган ижтимоий борлиққа ҳамоҳанг равишда ижтимоий онгни ҳам ўзгартириш, янгилаш!

Янги инсонни камолга етказиш муаммоси ватанимиз ва халқимиз ўтмишига ҳам истиқлол мафкураси манфаатлари нуқтаи назаридан қарашга одатланишни тақозо этмоқда. «Турон— Туркистон — Ўзбекистон» боби бутунисича олис ва яқин мозий саҳифаларига қарашларимизни ўзгартиришга бағишланган. «Булутли осмон» фаслида XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг аввалида она Туркистон осмонида кўлага солган истибод фожиялари мухтасар ҳикоя қилинади.

Китобнинг учинчи қисми ҳақида мулоҳазаларни баён этишдан аввал жамият ва шахс, тарихда шахснинг ўрни, айна пайтда озод Ўзбекистоннинг мустақиллик йўлида қўяётган дадил одимлари борасидаги мушоҳадаларга берилгинг келади, киши.

Биз яқин-яқингача халқ ва жамият тақдирида шахснинг ўрни борлигини кўр-кўрона инкор этиб келдик. Бу билан шахслашув аҳамиятини рад этдик, ваҳоланки, халқнинг қудратли куч-қудратини заррача камситмаган ҳолда айтиш керакки, тарихнинг энг мураккаб лаҳзаларида халқ бошқарувининг масъулияти салоҳиятли, уддабурон ва ўта ҳушёр йўлбошчилар ихтиёрига, измига ўтади. Бунингсиз халқда муайян мақсадга йўналган уюшқ ҳаракатлардан кўра оломонлашув унсурлари кучаяди. Йирик шахс етакчилиги эса халқни оломонлашувдан асрайди, уларга тўғри йўл кўрсатади.

Табиий, раҳнамолик бахти насиб этган шахс учун ҳам ҳар нарса осонлик билан қўлга киритилавермайди. У ҳам вазият мураккаблигига яраша машаққатли ғовларни енгиб ўтади.

Гап — республикамиз мустақиллиги арафасидаги таҳликали куну ойлари ҳақида, энг оғир вазиятларда тўғри чора-тадбир кўзини топа олган инсон — Ислом Каримов ҳақида бормоқда.

Собиқ шўролар давридаги қайта қуриш кезлари, Фарғона, Ўш воқеалари қонли тус олган қунар тарихи энди таҳлил қилинса, Ўзбекистондек катта бир давлат эгасиз, бир раҳнамасиз қолгани кўринади. Раҳбар шахсларнинг Москва ва Кремлга сажда қилиш фожияси халқ фожиясига айланиб улгурган эди ўша пайтда. Ислоҳ Каримов эса собиқ Иттифоқ миқёсидаги энг нуфузли йиғинларда энг юзик масалаларни халқ миллат ва ватан манфаатларидан келиб чиқиб қун тартибга қўйди. Горбачев тахтдан тушмай туриб, Иттифоқда биринчи бўлиб Президентлик бошқарувини ташкил этиб, моҳиятан мустақиллик сари дадил қадам қўйди. Шу ҳодисанинг ўзидаёқ И. Каримовнинг узокни кўра билиш ва вазиятни тўғри баҳолай олиш фазилатлари, журъати-жасорати намоён бўлди.

Президентнинг ҳам сиёсий арбоб, ҳам ватанпарвар инсон сифатидаги бош хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилган муаллиф мисолларни жуда тўғри топади. Энг оддий далил асосида жиддий хулосалар чиқара олади. Жумладан, Ислоҳ Каримов мустақиллик эълон қилинган сессияда Ўзбекистоннинг ҳар қандай шароитда иккинчи даражали ролга рози эмаслигини айтган эди. Муаллиф хулосасининг тўғрилиги шундаки, ватанга нисбатан айтилган шу сўзлар замирида Ватан ҳисси, миллий руҳ, миллий туйғулар давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ётибди! Президент учун том маънодаги маънавият Ватан туйғуси эканлиги таъкидланади.

Шу тариқа муаллиф миллий қадриятларга, истиқлол тонги мафқураси тушунчаларига юртбошимизнинг шахси ва фаолияти нуқтаи назаридан баҳо беришга интилади. Бунга эришади ҳам.

Эълон қилиш билангина тўла мустақилликка эришиб бўлмаслиги, хоҳиш-истакнинг ўзи билан чин демократияни кўзлаш хомхашл экани, бундай юксак мақсадлар замирида маънавий асослар ётиши китобнинг учинчи қисмида атрофлича таҳлил этилган.

«Мустақиллик — табиатан онгли яшаш, онгли муносабатни қарор топтириш мезони» деб ёзади муаллиф. Онгли яшаш ва онгли муносабатнинг қарор топиши ҳам... тафаккурни, дунёқарашни янгилашдан бошланади. Бундай янгиланиш давримизнинг маънавий эҳтиёжига айланди, «Ватан туйғуси» китоби эса айни шу маънавий эҳтиёж борасидаги катта кемтикликни тўлдиришга хизмат қилади.

Ушбу китобни миллий ва боқий туйғулар таърифининг қомуси дейиш ҳам мумкин. Қомуслар эса такрор-такрор яратилади ва шу йўл билан такомиллаша боради. Бинобарин, мазкур китоб мундарижаси келгусида янада бойитилади, янада тартибга келтирилади ва янада кенг омманинг маънавий мулкига айланади.

Мутолаа қилаётган китобингиз, «Сиз қандай одамсиз?» дея сизни саволга тутади. «Ватан туйғуси»ни ўқиган китобхон бу саволга чуқур ва атрофлича жавоб излайди, излагани сайин ўзини ўзи тафтиш қилади, шу аснода ўзбек тилида шундай китоб яратилганидан ғурур ҳиссини туюди.

Станислав ЕЖИ ЛЕЦ

## Пардозланмаган фикрлар

Ёдингизда тутинг: агар иблис теп-моқчи бўлса, бу ишни туёғи билан эмас, инсон оёғи билан адо этади.

\*\*\*

Баъзан ҳалқоб ҳам чуқур таассурот уйғотади.

\*\*\*

Ҳамма нарса одамнинг қўлида, Шунинг учун уни тез-тез ювиб туриши керак.

\*\*\*

Фикрлар бургага ўхшаб одамдан сакраб ўтаверади. Лекин ҳаммани ҳам қақавермайди.

\*\*\*

Конго аҳлига жазирамада ўзларини қандай тутишлари кераклигини уқтирадиган қўлланма тайёрлаб берувчи эскимослар доимо топилади.

\*\*\*

Чиройли ёлғонми? Дикқат! Бу энди ижод.

\*\*\*

Дикқат, ҳажвчилар! Сиртлонлар ҳатто қинғир ойнадан туриб ҳам сизга қарши тиш қайрайдилар.

\*\*\*

Бир мамлакатда С. деган адиб менга: «Ҳокимият кўчада ётибди», деди. «Шошилишнинг ҳожати йўқ, бу ерда кўчаларни супуриб-сидиришмайди», жавоб бердим мен.

\*\*\*

Теран фикрга ҳам кўтарила билиш керак.

\*\*\*

Ўлимдан кейин яшаш маҳол. Гоҳо бунинг учун бутун умрингни сарфлашингга тўғри келади.

\*\*\*

Сигирга какао ичирсанг ҳамки, шоколад соғиб ололмайсан.

\*\*\*

Унинг ҳатто сукунатида ҳам имло-

Полшанинг ҳозирги замон адабиёти атоқли вакилларида бири Станислав Ежи Лецнинг «Пардозланмаган фикрлар»и жаҳондаги кўпгина мамлакатларда анчадан буюн маълум ва машҳур.

Ҳар бир файласуф, публицист, олим, шоир халқ оммаси билан мулоқат воситасини топишга интилганларидек, Лец ҳам китобхон билан музохаба қилиш учун «Пардозланмаган фикрлар» жанрини танлаган.

Ўзининг заки таъбирлари, қўйма бадий ҳикматли сўзлари билан муаллиф ёвузлик, адолатсизлик, ахлоқсизликка қарши курашади. Қандайдир мавҳум ҳақиқат учун эмас, инсон саодати, замондошимиз манфаатлари учун қайғуради.

вий хатолар учраб туради. Ўзинг ўтирган бутоқни чоп. Агар сени унга осмоқчи бўлсалар.

\*\*\*

Аввал қарзингни уз-да, кейин хушингдан кет.

\*\*\*

Хотираси яхши одам, кўп нарсаларни осонгина унутади.

\*\*\*

«Бир хочдан иккита дор яшаш мумкин», деди мутахассис нафрат билан.

\*\*\*

Гулхан билан зулматни дафъ этиб бўлмайди.

\*\*\*

Ғийбатлар эскигани сари афсонага айланади.

\*\*\*

У комусий подонликка эга.

\*\*\*

Мен жаҳонга биттагина сўз айтмоқчи эдим. Бунга муяссар бўлолмаганим учун ёзувчи бўлиб кетдим.

\*\*\*

Ёзувчиларга маслаҳат: муайян лаҳзада ёзишдан тўхта. Ҳатто бошламай туриб.

\*\*\*

Таажжубки, Прометей маъбудлардан ўғирлаб келган оловда Жордано Брунони куйдирдилар.

\*\*\*

Венада менга Грильмарцер ётган каравотни кўрсатдилар. Нима бўлса бўлибди? Мен пани Н.нинг каравотини ўқтин-ўқтин кўриб тураман. Унда ҳозирча шоир А., композитор Б., расом В., актер Г. ётиб юради.

\*\*\*

Баъзи мамлакатлар аҳолисининг иломга қизиқиши тобора кучайиб бораётгани муносабати билан шуни эслатиш жонзки, мусулмон дини спиртли ичимликни истеъмол қилишни қатъиян тақиқлайди.

\*\*\*

Маслаксиялик ўлдиради. Бошқаларни.

\*\*\*

Қайси ёзувчи ўз ихтиёри билан доҳияналик даввосидан воз кечган эди? Мен эса бунга дарҳол кўндим. Етарли даражада зерикарли ёзолмаслигимга қаноат ҳосил қилдим.

\*\*\*

Қадимий афсоналарнинг қаҳрамонлари ярим яланғоч, ҳозиргиларининг қаҳрамонлари эса қип-яланғоч.

\*\*\*

Бахтиёрликдан мастлар учун хушёрхона очиш керак, шекилли.

\*\*\*

Силлиқ йўлдан юра кўрма — тойиб кетасан.

\*\*\*

Дадил ёзувчи! Бир жумла ёзмай туриб нуқта қўйган.

\*\*\*

Нега мен буначалик қисқа ёзаман! Негаки, сўз етишмайди. Тафаккур йўлида ҳам йўлтўсарлар тўқнаш келади.

\*\*\*

Ўқланмаган мўлтиқдан қўрқаман. У билан бошни ёрадилар.

\*\*\*

Иккиланишга ҳам журъат керак.

\*\*\*

Ҳамма оғизга ҳам сўз етадими?

\*\*\*

Мақоллар бир-бирига зид бўлади.  
Халқ донишмандлигининг моҳияти ҳам шунда.

\*\*\*

«Яшасин тараққиёт!» деган хитобни эшитишинг билан дарҳол: «Ниманинг тараққиёти?» деб сўра.

\*\*\*

Хўроз ўзи хазонга тушадиган куннинг тонгини ҳам қутлайди.

\*\*\*

Календарь ислоҳ қилингани билан хомиладорлик муддати қисқармайди.

\*\*\*

Одамхўрлар орасида эт емаслар бормикан?

\*\*\*

Каллада ҳар хил фикрлар қайнайди. Баъзилари ҳатто уни тарк этади.

\*\*\*

Хитоб аломати букчайиб қолганда савол аломатига айланади.

\*\*\*

«Ҳамма нарсани калладан ўйлаб чиқариш жуда ҳам машаққатли бўлса керак-а?» деб сўради хоним, латофат билан. «Тўғри. Аммо оёқдан ўйлаб чиқариш ундан ҳам машаққатлироқ бўлиши мумкин», дедим мен.

Ў  
Э

\*\*\*

Ўз вақтидан ўзиб кетганларнинг кўплари уни унча ҳам файзли бўлмаган биноларда кўриб туришга мажбур бўлдилар.

\*\*\*

Бастилияларни қурмасларидан илгари бузиб ташлайлик.

\*\*\*

...Ҳамлет аллақачон Крез бўлиб қолган. Асрлар давомида унинг монологига кимлар ҳисса қўшмади?!

\*\*\*

Ёзувчилар, сиёҳ билан эмас, қон билан ёзишлари керак! Лекин бировнинг қони билан эмас.

\*\*\*

Даҳо устозларнинг буюк асарлари бир кишининг юрагига сиғиб кетади. Драмасозларнинг пьесачаларига баҳайбат саҳналар ҳам торлик қилади.

\*\*\*

Шундай заиф пьесалар ҳам бўладики, саҳнадан тушиб кетишга ожизлик қилади.

\*\*\*

Баъзи шоирларнинг бошидаги похол Пегасга чакки иш бермайди, шекилли.

\*\*\*

Баъзи илҳом булоқларида Музалар оёқ ювадилар.

\*\*\*

Кўрқоқлигидан у ўз фикрларини бировларнинг каллаларида сақларди.

\*\*\*

Ҳар бир кимса ўзида қандайдир қимматли нарса топса, дарҳол яқин орадаги милиция бўлимига хабар бериши шартми?

\*\*\*

Ким ахир тарсаки еганидан кейин юзидаги бармоқ изларини текширади?

\*\*\*

Биринчи одам ўзини ёлғиз ҳис этган эмас, негаки ўқини билмаган.

\*\*\*

Мавқени ёқлаб бўлмаса, уни эгаллаш мумкин.

\* \* \*

Сирнинг калитларини жаранглатма.

\* \* \*

Техника шу қадар такомилга эришадик, одамнинг ўзига ҳожат қолмайди.

\* \* \*

Ақли борларгина ақлдан озади:

\* \* \*

Муайян фикрларга калламдан бошпана бергач, уларга хиёнат қилмайман.

\* \* \*

Охир замона ҳақиқат тантанасидан олдин келишини тасаввур қилолмайман.

\* \* \*

Одамларга орқа ўгирсанг, «иккиюзламачи» дейишади.

\* \* \*

Фикримизни шу қадар дунда изҳор қилайликки, жумлани шу даврдаёқ тутатайлик.

\* \* \*

Синган компаснинг мили ликилламайди. Масъулиятдан қутулган.

\* \* \*

Кўпгина жиноятларнинг излари келажакка олиб кетади.

\* \* \*

Чинакам эрни яланғочлигида ҳам биласан.

\* \* \*

Содиқ байроқдор эди. Байроқ сонини ушлаб тураркан, ўзини ҳеч нарса билан, байроқнинг ралги ўзгаргани билан алақиситишларига йўл қўймас эди.

\* \* \*

Нон ҳар қандай оғизни ҳам очади.

\* \* \*

Иблис ётмайди. Тўғри келган зот билан.

\* \* \*

Энг катта қўнғироқнинг арқонига ўзини осди, бундан ҳаммаёққа бонг урсин, деб.

\* \* \*

Кимки тушида ўзини қудратли кўрса, қаттиқ хуррак тортмасин.

\* \* \*

Ҳамма нарсани бир қопга тиқаверма. Кўтаролмайсан.

\* \* \*

«Мен эртанги куннинг шоириман», деди у. «Бу тўғрида индинга гаплашамиз», дедим мен.

\* \* \*

Бировнинг бошидаги сочни, яна кўлида болта билан тўртга бўлишганини ёқтирадиган файласуфларни жинимдан баттар ёмон кўраман.

\* \* \*

Кўллари кир одам кўлқопларини ташламасин.

\* \* \*

Мушт зарба бермоқчи бўлиб дўлайганда бармоқлардан бири: «Мен кўрсатувчигинаман!» деб чанқирганча ўзини четга олди.

\* \* \*

Мустабидлар қярғин бошласа, хотиржам ётавериш мумкин. Улар ишни чала қилмайдилар.

\* \* \*

Агар Колумб Америкага дуч келмаса, ким билади, нимани очган бўларди.

\* \* \*

Кани энди душманларингиз



Ўлгандан кейин туғилишга муяссар бўлсангиз!

\*\*\*

\*\*\*

Билиб қўй, номуссизлар сенинг қонинг билан қизаришлари мумкин.

\*\*\*

Оғиз юмуқ бўлган тақдирда ҳам масала очиқ қолаверади.

\*\*\*

Агар ҳокимият тепасига буқаламун чиқса, аъёнлари тез-тез тусларини ўзгартириб турадилар.

\*\*\*

Кулдирадиган нарса қолмагандан кейин ҳажвчилар туғилади.

\*\*\*

Афсуски, бахт унга олиб борадиган йўлда юмалаб ётмайди.

\*\*\*

Келажакдаги даҳшат: сергап ҳайкаллар.

\*\*\*

Чирмовиқ худбин эмас, юқорига яқка ўзи ўрмалаб чиқмайди.

\*\*\*

Қонга ташнамисан? Бурга бўл.

\*\*\*

Баъзи миллий фожиалар антрактни билмайди.

\*\*\*

Одам кулишни яхши кўради. Бошқалардан.

\*\*\*

Одамхўрлар фаннинг мазасини тоғтиб кўрмоқчи бўлсалар, олимларнинг тилини кесадилар.

\*\*\*

Маккорлар! Дўзахга тушмаслик учун иблис билан тил бириктирадилар.

\*\*\*

Яйдоқ ҳақиқатдан кўрқадиганлар унинг терисини шиладилар.

\*\*\*

Ҳамма нарсага кўз юмавериш учун юзлаб кўзга эга бўлиш керак.

\*\*\*

Итнинг думи беқарор шамолларга қаршилиқ кўрсатолмайди. Ликиллайди.

Бу ёзувчи ўзининг ғоялари қаъридан шалаббо ҳолда қалқиб чиқади.

*Ваҳоб БЕКЖОН таржимаси*

## Францияда маданий ҳаёт

### ИСЛОМ КАРИМОВ КИТОБИ ТАҚДИМОТИ

**Ш**у йилнинг 18 июнь куни Сорбонна университетлар мажмуи ҳудудида жойлашган ҳамда илм соҳалари бўйича ўн уч университетни бирлаштирувчи Париж Академиясида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Маросимда олимлар, ўқитувчилар, талабалар, дипломатлар, тadbиркорлар, журналистлар ва Франция жамоатчилиги қатнашди.

Париж Академияси ректори, Сорбонна университетининг доктори, Торонто, Нью-Йорк ва Аборсин (Буюк Британия) университетлари фахрий аъзоси М. Массалу тақдимот маросимини очар экан, букуни Франция илмий жамоатчилиги ҳаётида муҳим воқеа эканлигини таъкидлади.

\*\*\*

Шу куни яна Парижда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Франциядаги етакчи банклардан бири «Сосье Женераль» ўртасида Тошкентда ҳамкорликдаги банк ташкил этиш бўйича битим имзоланди.

### КРЕТЕЙЛДА АЁЛЛАР КИНОСИ ФЕСТИВАЛИ

Париждан унча узоқ бўлмаган Кретейлда XII халқаро аёллар киноси фес-

тивали бўлиб ўтди. Бу йилги кинофестиваль Марказий ва Шарқий Европа (РЕСО) кинорежиссёрларининг ижодиётига бағишланди. Фестиваль кинозалларида Босния-Герцеговина, Словакия, Греция, Туркия, Руминия ва бошқа мамлакатлардаги аёл режиссёрларнинг йиғирмадан ортиқ фильмлари намоён этилди. Фестивалда 11 мамлакатдан 25 режиссёр қатнашди.

\*\*\*

Шу йили 22—29 май кунлари XII Тошкент Халқаро кинофестивали бўлиб ўтди. Дўстлик чегара билмайди. Бу гапнинг маъноси ҳамма учун тушунарли ва ягонадир. Айниқса, ФИАПП халқаро кино продюссерлар ассоциациясининг президенти Альфонс Бриссон учун. Унинг асосий иши ҳамisha халқаро кинофестиваллар ҳаёти билан боғлиқдир. Альфонс Бриссон бундан 25 йил муқаддам Тошкент фестивалларининг бирида қатнашиш шарафига муяссар бўлган эди. Дўстлар, ҳамкасблар билан учрашув, ўзбек кинематографларининг янги фильмлари билан танишиш меҳмонимизни жуда хушнуд этди.

Француз киношуноси Ўзбекистон ҳақида шундай деди:

— Францияда Ўзбекистонга қизиқиш жуда катта. Фильмларингиз эса мамлакатингиз ҳақида янада кўпроқ маълумот беради. Фестивал танлов асосида ўтказиладиган бўлгани унинг обрўли киноақшуманларга яқинлашаётганидан далolat беради. Бу жуда муҳимдир. Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши ва муваффақиятларга эришувига тилакдошман.

## «СУҒДИЁНА» ФРАНЦИЯДА

«Суғдиёна» ўзбек халқ чолғу камер оркестри нафақат Ўзбекистонда, балки Европа мамлакатлари: Германия, Испания ҳамда Франция давлатларида ўз санъатини юксак профессионал даражада кўрсатиб келаётган оркестр жамоасидир.

«Суғдиёна» шу йил 27 майдан — 3 июнгача Франциянинг йирик шаҳарлари Лион, Марсел ва Парижда бўлиб, ёш санъаткорлар билан учрашувлар ўтказди, ўз санъатини намойиш этди. Мақом куй ва кўшиқлари, ўзбек бастакорлари ва чет эл композиторларининг асарларидан тузилган концерт дастури томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинди.

\*\*\*

Франция пойтахти Париж шаҳрида қадимий шаҳарларимиз Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллиги нишонланди.

ЮНЕСКО қароргоҳида ўтказилган тадбирларда ЮНЕСКО Бош директори Ф. Майор ва Ўзбекистон делегациясининг раҳбарлари нутқ сўзладилар. Париждаги муҳташам санъат кошоналарининг бирида Тошкент шаҳридаги Абдор Ҳидоятлов номли театр актёрлари ижросида «Буюк Ипак йўли» деб номланган мусиқали спектакл намойиш этилди. Ўзбекистон санъат усталари иштирокида катта концерт қўйиб берилди.

Тантаналар давомида серқуёш Ўзбекистонимизда тайёрланаётган турли таомлар ҳам намойиш этилди. Шу кунлари ўзбек таомлари Парижни забт этди.

Юбилей кунларида шунингдек, қадимий Бухоро ва Хиванинг хунармандчилик намуналари кўргазмаси очилди. Хива хунармандчилиги мактаби намояндалари кўргазмада 70 дан ортиқ экспонат билан қатнашдилар. Ноёб буюм — ашёлар ЮНЕСКО бош штабида очиладиган Хива бўлими залларига қўйилиб, минглаб томошабинларнинг ҳукмига ҳавола этилди.

## САНЪАТГА БАХШИДА УМР

1863 йилда «Ревью дю проgre мораль» журналида Поль Верленнинг (1844—1896) биринчи шеъри чоп этил-

ган эди. Ушбу шеър ўз даврининг улкан адиби, замонасининг шеърият юлдузи бўлган Рембо билан дадил мусобақалаша оладиган янги шоир пайдо бўлганлигидан далolat берди. Кейинчалик Верлен ижоди француз адабиётининг нодир дурдоналари қаторидан жой олди. Шоирнинг қисмати силлиқ кечмади. Ижодига муносабат ҳам турли даврда турлича бўлди. Аммо чинакам адабиёт мухлислари ва санъатсевар француз халқи оташқалб фарзанди қолдирган бой адабий меросни кўз қорачиғидек асради. Яқинда Францияда назм санъатида янги оҳанглар киритган шоир Верлен вафотининг юз йиллиги кенг нишонланди. Бутун мамлакатда шоир хотирасига бағишлаган адабий кечалар бўлиб ўтди.

\*\*\*

Франциядаги Орсе Давлат музейи ишга тушганига ўн йил тўлди. Бу музей собиқ Париж вокзали биносида жойлашган бўлиб, XIX асрнинг улкан санъат обидаси ҳисобланади. Музей томошабинларнинг ташрифи бўйича Францияда Лувр ва Версал музейларидан кейин учинчи ўринда туради. Музей хазинасида 3000 та бўёқли асарлар, 360 пастель<sup>1</sup> билан ишланган расмлар, 10000 та график сурат, 14000 меъморий лойиҳалар, 2400 та ҳайкал, 1300 та амалий санъат асарлари, 31000 та фотосурат мавжуд. Улар музейнинг ноёб дурдоналари ҳисобланади.

## АДАБИЙ МАВСУМНИНГ БОШЛАНИШИ

Ўтган йили 28 августдан 4 октябрга қадар китоб дўконлари ва расталарида 296 та янги роман сотила бошлади. Шулардан 74 таси бошловчи муаллифларнинг асарларидир. Францияда энг «серҳосил» адабий мавсум бўлган 1990 йилда ҳам бундай рақам қайд этилмаган эди. (1995 йилда Францияда 215 та янги роман ёзилгани маълум.)

<sup>1</sup> Пастель — расмликда ишлатиладиган рангдор юмшoқ каламлар.

## ЗАМОНАВИЙ ЛИБОСЛАР

Франция Республикасининг мамлакатимиздаги элчилик насада таниқли француз модалар устаси Жанин Клажбер хоним томонидан яратилган кийимлар намойиши бўлиб ўтди. Жанин Клажбер хоним тавсия этган либослар Францияда аллақачон ўз мухлисларини топиб улгурган. Улар ўзбекистонлик мухлисларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Маросимда сўзга чиққан Франциянинг мамлакатимиздаги Фавкулудда ва Мухтер элчиси жаноб Жан Клод Ришар ушбу тадбирнинг халқларимиз ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишига хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

\*\*\*

Ашет-Фидипакки гуруҳи машҳур хотин-қизлар ҳафталик журнали «ELLE»нинг 28-хорижий нашрини Хиндистонда чиқаришга қарор қилди. Журналнинг Бомбейдаги нашрини ўн та журналистдан иборат таҳририят ва Ооган ҳинд ишлаб чиқариш гуруҳи амалга оширади.

Журнал 50000 нусхада, 7 франк, яъни 50 рупий (1,4 доллар) нархда чоп этилади. 200 бетли (чораги рекламага бағишланган) журналда мода, косметика, миллий ҳаёт тарзи ҳақида ҳикоя қилинади, машҳур шахслар билан мулоқот уюштирилади. Журнал нашри ўзини оқламокда. 1996 йилда унинг олтинчи миллион нусхада сотилиши бунинг ёрқин исботидир.

\*\*\*

• 1996 йилнинг охирида Париж ва Москва шаҳар ҳокимиятлари орасида ўзаро маданий ҳамкорлик битимига имзо чекилди. Битим 1998 йилнинг охирига қадар амал қилади. Дастлабки тадбир Париждаги Оноре де Бальзак музейида бўлиб ўтди. У ерда А. С. Пушкин ҳаёти ва ижодий фаолиятига доир ҳамда француз маданиятининг рус шоирига таъсири ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазма ташкил этилди. Оноре де Бальзакнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган кўргазма эса 1997 йилнинг кузида Москва шаҳрида ўтказилади.

1998 йилда парижликлар «Москва

тарихи, Россия ва чет эл фотографлари нигоҳида» номли кўргазма билан танишишга муяссар бўладилар.

Имзоланган битим шартномаларига асосан Москва майдонларининг бирига Виктор Гюгонинг ёдгорлиги, Парижда эса А. С. Пушкин бюсти ўрнатилади.

## АНКОР ХАЗИНАСИ ПАРИЖДА

Шу йили 2 февралдан 26 майгача Гран-Пале музейида кхмер санъатининг ривожланишига ўн йил тўлиши муносабати билан кўргазма ташкил этилди. Бу ерда бронза, тош ва ёғочдан тайёрланган 113 та буюм йиғилган. Париждаги Осие халқлари санъати Музейи (Гиме) Комбоджандан келтирилган дунёнинг энг ноёб топиқмаларини пойтахтнинг мазкур йирик кўргазмалар залида намойиш этди.

## КИТОБЛАР ОЛАМИДА

1. Хосе Альвареснинг «Парижда яшаш санъати» китоби «Фламарион» нашриётида чоп этилди. Бу китоб Франция пойтахти Париж ҳақида ҳикоя қилади. Муаллиф анъанавий сайёҳлик йўналишидан воз кечиб, орзулар шахрининг биринчи қарашда кўз илғамас томонларини ёритиб беради. У ўқувчини Сена дарёсининг ҳар икки қирғоғи бўйлаб, майдондан-майдонга, мавзедан-мавзегга етаклайди.

Сафар давомида у нозик французча дид билан яратилган қошоналар, ажойиб боғлар ҳақида ҳикоя қилади.

Париж устахоналаридан ўтганда Хосе Альварес ўқувчини шаҳардаги турли ҳунар эгалари билан таништиради. Бундан ташқари муаллиф ўз китобида пойтахт пассажлари, кўҳна анъанавий овқатланиш масканлари, ҳашаматли меҳмонхоналар ҳақида сўз юритади. Парижликларга хос яшаш санъати даврлар ўтишига қарамай, ўзининг ноёблигини аввалгидек сақлаб қолган.

2. Бертрон Вербернинг «Чумолилар инқилоби» китоби «Альбан Мишель» нашриётида чоп этилди. Агарда сиз даниялик, испаниялик, японияликлардан қайси ёш француз муаллифларининг асарларини ўқигансиз, деб сўрасангиз, шубҳасиз, Бертрон Вербер номини тилга оладилар. Жанубий Кореядаги ҳашоратлар ҳаётини ёритувчи ёзувчи

— энтомолог Вербердан мухлислари дастхат олаётганда оломонни тартибга солиш учун ҳаттоки полиция аралашшига мажбур бўлди. 1991 йилда «Чумолилар» асари Францияни забт этди. Бир йилдан кейин «Чумолилар кунни» асари уларнинг биринчи ғалабасини мустаҳкамлади. 1996 йил яратилган «Чумолилар инқилоби» эса бу учликни олий даражада яқунлади. Асарда мажозий маънода ҳашоратлар жасур ва донишманд қахрамон сифатида, инсонлар эса зараркунандалар сифатида тасвирланган. Ҳар бир ўқувчи асардан ўзига маъқул ғояни топади. Масалан, фантастика ишқибозлари бир-бирига қарама-қарши икки цивилизация билан тўқнашадилар. Табиат сирлари ва тилсимотлар дунёсига қизиқувчилар малика даражасига кўтарилган 103-кичкина ишчи чумолийнинг саргузаштларини диққат билан кузатадилар. Шуни айтиб ўтиш жоизки, ёзувчининг юқорида тилга олинган учала китоби шу кунгача жаҳондаги 20 та тилга таржима бўлган.

### НАТАЛИ САРРОТ ЁКИ КЎРИНМАС ОЛАМ ТАСВИРИ

Келиб чиқиши рус миллатига мансуб бўлса-да, француз адабиётида беқиёс ўрни бўлган Натали Сарротнинг ғаройиб қисмати — ёзувчилик фаолияти ва шахсий ҳаётидаги воқеалар кўпдан бери китобхонларни ҳам, адабиётшунос олимларни ҳам ҳайратга солиб келмоқда.

«Оғир» адабиёт соҳасидаги ўз ижоди билан шуҳрат қозонган, замонамизнинг энг йирик ёзувчиларидан бири бўлмиш Натали Саррот ўзининг сони ортиб бораётган янги ихлосмандлари эътиборига сазовор бўлмоқда: унинг асарлари жаҳондаги 30 та тилга таржима қилинган; хорижий китобхонларнинг бу асарларга қизиқиши XX аср охири китобхонлари учун адиба томонидан кўтарилган муаммоларнинг нақадар долзарблигидан далолат беради.

Натали Саррот кўп йилларгача эътибордан четдаги адиба бўлиб келди.

<sup>1</sup> Тропизм — баъзи бир ҳайвон ва ўсимликларни ташқи омиллар (масалан, куёш нури) таъсирида ривожланишини белгиловчи биологик атама.

Тўғрироғи, у узоқ вақт кўпчиликка номаълум эди. Унинг 1939 йилда чоп этилган биринчи китоби — «Тропизмы» («Кунгабоқарлар»<sup>1</sup>) ўн беш йилдан кейингина танқидчилар томонидан эътироф этилади. Тан олиш керакки, адиба танлаган ижод йўли — кўз илғамас манзараларни синчковлик билан тасвирлаш — осон эмас. Адибанинг таъкидлашича, гап кўзга чалинмайдиган ва ноаниқ ҳис-туйғуларни, таассуротларни фаҳмлаш ва тасвирлаш ҳақида борар экан, уларни ниҳоятда холис ва беғараз йўсинда ифода этиш шарт. Бу ҳолату кечинмалар ҳикоячининг ёки китобхоннинг нуқтаи назари, фикри ифодаси бўлмаслиги, қахрамонлардан бирининг ички монолоғига айланиб қолмаслиги лозим.

Адиба ўн тўққизта мансурасида қалб ҳолатини, ўткинчи, оний туйғулар, хотиротларни ёрқин акс эттиради. У бамисоли фототасмага муҳрланган тасвирлардай онгга ўрнашиб қолган кечинмалар тўғрисида ёзади.

«Планетарий» (1959) деб номланган учинчи романи адибага чинакам муваффақият келтирди ва шуҳратига шуҳрат қўшди. Шунга қарамай, бу асар ҳам «Кунгабоқар» қисматига дучор бўлди: роман тушуниш қийин бўлган руҳий ҳолатлар ҳақида эди. Кундалик ҳаётда бу оддий кечинмаларни илғаб олиш қийин, бироқ онг остига яширинган қуйқалар — ҳис-туйғу, ғам-ғусса — буларнинг барчаси инсон руҳий дунёсини ўзида акс эттиради. Бу ҳолатларни тасвирлаш юлдузлар ҳаракатини кузатишда содир бўладиган енгил бош айланишга ўхшаб кетади.

Натали Саррот ижодига замондошлар томонидан катта эътибор берилиши бежиз эмас эди. 1956 йилда унинг «Шубҳалар даври» романи чоп этилади. Роман санъати ҳақидаги ўйлар ва кенг таассуротга эга бўлган бу асар ўша давр адабиётидаги «Янги роман»<sup>1</sup> оқимининг назарий асосларини ифодалайди.

Ёзувчи интеллектуал адабиётнинг йирик намояндalари — Жойс, Кафка, Пруст, Достоевский асарларини замонавий адабиётшунослик нуқтаи назари-

<sup>1</sup> Францияда 60-йилларда пайдо бўлган адабий оқим.

дан тадқиқ қилиб чиқади ва таққослаш усулини қўллаб, уларни шарҳлайди. Адибанинг бу изоҳлари адабиётда кўзга чалинмайдиган алоқаларни ўрнатишга ва янги адабиётшунослик асосларини тузишга қаратилган. «Менинг ўйлашимча,— деб ёзади Саррот,— ҳар бир асар (роман) доимо ўзининг янги шакли ва янги моҳиятига эга бўлиши керак». Соддароқ айтганда, қандай қилиб бадий асарда унинг мазмуни, қатнашувчи шахслар ва асосий воқеликдан воз кечиш мумкин? Қандай қилиб, ҳаддан ташқари жўн, олдиндан хулосаси маълум бўладиган рухий таҳлил ва «тил тузоғи»дан қутулиш мумкин?

60-йиллардаги романлари асосан «ифода қўллиги»дан халос бўлишга қаратилди. 1980 йилда чоп этилган «Сўзнинг қўлланиши» асарида «кўри-нишдан шу қадар изчил ҳисобланган сўз, аслида, ихтиёрний равишда тузилган шартли маънолардан иборат», деган хулосани илгари суради. Натали Сарротнинг барча саҳна асарлари (пьесалари) ушбу асосий фикрларни тасдиқлашга қаратилган: тил — сунъий уйдирма, ўйлаб топилган ихтиро ва фақат ижтимоий муносабатларни ўзида ифода этади, дейди у. Шунга қарамадан, адиба ўз

асарларини ана шундай сеҳрли тилда баён қилиб, китобхонни мафтун этади.

1983 йилда Сарротнинг «Болалик» романи босмадан чиқди. Унда муаллиф ўзининг ҳис-туйғу ва хотираларини кўпроқ гўзал, шоирона воситаларда баён этади. Адиба ўтмиш манзараларини тасвирлар экаи, рухий дунёси бой, маънавий юксак шахслар тимсолини гавдалантиради. Адиба қаҳрамонларини ҳозирги замон шароитида фаолият кўрсатишга чорлайди. Шу билан бирга, мутлақ ўтмиш қадриятларини ҳаққоний акс эттиришга, уларга тегаран муҳаббат уйғотишга интилади. Адибанинг сўнгги асари «Шу ерда» (1995) ҳам катта муваффақият қозонди.

Хорижий китобхонларни француз адабиёти билан таништиришдек вази-фани ўз зиммасига олган француз маданиятини тарғиб этувчи Ассоциация (АДРФ) ҳамда адиба ташаббуси билан ташкил этилган Натали Саррот асарлари ва бадий дунёси кўргазмаси бу ма-наққатли ижод йўли ҳақида тўлиқ та-саввур беради. Айни вақтда Ассоциация ташаббуси билан Натали Сарротнинг библиографияси чоп этилди. Бу библиографияни барча хорижий мамлакатлардаги француз маданияти муассасаларидан топиш мумкин.

Тўпловчи: Гулнора  
МУҲАММАДЁРОВА

## IN THIS ISSUE:

This year the republic of Uzbekistan will celebrate its 6th anniversary — Independence Day. On this occasion fruitful activity of Mr. Khalid Malik, representative of the United Nations Organization in Uzbekistan, as a champion of peace and security and a great fan of the Uzbek literature is enlightened in through the pages of the journal.

Arthur Hailey. «Evening News» (continuation of the novel)

In the series of  
«In the World of Poesy» M. F. Yurdakul of Turkey and an Azerbaijani poet M. Khodi's poetry is presented.

J. Zaidon. «Khorun ar-Rashid's Sister». Historical novel (continuation)&  
Sh. Kholmira. «Eagle the Prisoner». Essay.

Dedicated to the 100th anniversary of Yunus Rajabi. T. Gofurbekov. «Bright Star of our National Music», article.

A. Dehtyar. «Eastern School of Miniature».  
U. Normatov. «Principles of the Present Day Prose», article

When history speaks. J. Murtazayoev, H. Sohobov. «Slander Made Against Fitrat».

Besides, in the series of «World Smiles» you can read «Unpolished Ideal and «Cultural Life in France». New in the world of books are also give.

## КЕЛГУСИ СОНДА:

1. ИГОРЬ БУНИЧ. «Партиянинг олтинлари» ҳужжатли-публицистик асар.
2. Корея шеърятидан намуналар.
3. ЖАВОҲАРЛАЪЛ НЕРУ. Дунё тарихига назар.
4. ЖУРЖИ ЗАЙДОН. «Хорун ар-Рашиднинг синглиси». Роман. Охири.
5. АРТУР ХЕЙЛИ. «Оқшом хабарлари». Роман. Охири.

Шунингдек, тарихий, фалсафий мақолалар ва маънавий ҳаётимизда воқеа бўлган янги китоблар ҳақидаги тақризларни ўқийсиз.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ. 3. 1997

ИНДЕКС 828, 829

Таҳририят:

Назар ЭШОНҚУЛ — Ғарб адабиёти бўлими мудир  
Амир ФАЙЗУЛЛА — Шарқ адабиёти бўлими мудир  
Ортиқбой АБДУЛЛА — Публицистика ва адабиётшунослик  
бўлими мудир  
Рауф ПАРФИ — Шеърят бўлимининг муҳаррири

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида  
руйхатга олинган. № 172

Ижарадаги Тошкент полиграфия комбинати. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Таҳририят манзили:  
700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефонлар: 144-41-60, 144-41-61, 144-41-62.

Навбатчи муҳаррир Назар Эшонқул  
Рассом М. Карпузас  
Техник муҳаррир В. Барсукова  
Мусаҳҳих Т. Арипова

Теришга берилди 30.07.1997 й. Босишга рухсат этилди 08.10.1997 й. Бичими 70x108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет қоғози. Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашр босма табоғи 20,0. Жами 5000 нусха. 5294 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.